

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат
университети

«Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия
жамғармаси

Рустамбек Шамсутдинов

**Ўзбекистонда советларнинг
қатағон сиёсати ва унинг
оқибатлари**

(Биринчи китоб)

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2012

Андижанский государственный университет имени
Захириддина Мухаммада Бабура

Международный благотворительный фонд научно-
практической экспедиции «Мерос»

Рустамбек Шамсутдинов

**Репрессивная политика
Советской власти в
Узбекистане и её последствия**

(Книга первая)

ГЛАВНАЯ РЕДАКЦИЯ
ИЗДАТЕЛЬСКО-ПОЛИГРАФИЧЕСКОЙ
АКЦИОНЕРНОЙ КОМПАНИИ «SHARQ»
ТАШКЕНТ – 2012

Andizhan State University named after
Zahiriddin Muhammad Babur

International Chatitable Fund of the Scientific
Practical Expedition «Meros»

Rustambek Shamsutdinov

**Repressive Policy of the
Soviet Power in Uzbekistan
and Its Consequences**

(Book I)

CHIEF EDITORIAL BOARD OF PRINTING
POLIGRAPHIC INCORPORATED
COMPANY «SHARQ»
TASHKENT – 2012

УДК 821
КБК 63.3(5Ў)622-4
Ш 22

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги
Андижон давлат университети илмий кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилди

Масъул муҳаррир:

Б.В.Ҳасанов – «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди
бошқаруви раиси, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи
директори, тарих фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

Б.М.Расулов, Ў.Қ.Убайдуллаев, С.А.Ҳошимов – тарих
фанлари номзодлари, доцентлар.

Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистоннинг энг янги тарихини яратиш тўғрисидаги методологик, концептуал ғоялари асосида совет режимининг Республикадаги қатағон сиёсати ва унинг оқибатларини очиқ беришга қаратилган бир қанча монографик тадқиқотлар, ҳужжат ва материаллар тўпламлари, рисоалар, илмий мақолалар эълон қилинди, диссертациялар ҳимоя қилинди. Аммо мазкур илмий йўналишнинг қатор масалалари ўзбек тарихшунослигида ҳанузгача тўла ва атрофлича ёритилган эмас. Тарихимиздаги ана шу бўшлиқни маълум даражада тўлдириш мақсадида ушбу китоб тайёрланди. Унда СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyasi сайёр сессиясининг Тошкентда 1938 йил октябридаги йиғилишларида отувга ва узоқ муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинган юртдошлар ва уларнинг таржимаи ҳоллари, «Бешинчи колонна», «Катта террор», ГУЛАГ лагерларидаги ўзбекистонлик маҳбуслар қисмати, сиёсий қатағон айбдорлари ҳақидаги энг сўнгги, янги мулоҳазалар ўз аксини топган.

Асар академик лицей, касб-ҳунар коллежи, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрантлари, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилари, жонажон Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-00-481-8

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2012.

Рекомендовано к изданию Ученым советом Андижанского государственного университета имени З.М. Бабура
Благотворительным фондом «Шахидлар хотираси»

Ответственный редактор:

Б.В. Хасанов – председатель Благотворительного фонда «Шахидлар хотираси», доктор исторических наук, профессор.

Рецензенты:

Б.М. Расулов – кандидат исторических наук, доцент,

У.К. Убайдуллаев – кандидат исторических наук, доцент,

С.А. Хошимов – кандидат исторических наук, доцент.

На основе методологических и концептуальных идей по написанию новейшей истории Узбекистана, выдвинутых Президентом И.А. Каримовым, были написаны и изданы ряд монографических исследований, сборники документов и материалов, множество научно-популярных книг, статей, посвященных разоблачению репрессивной политики и практики советского тоталитарного режима и их последствий в Узбекистане, защищены кандидатские и докторские диссертации. Тем не менее, многие аспекты этой важной научной проблемы все еще остаются неизученными в узбекской историографии.

Данный труд именно посвящен анализу и осмыслению по-новому некоторых аспектов этой важной научной темы, имеющей научное, политическое, общественное и нравственное значения. В нем делается первая попытка поименно установить тех, кто был приговорен к высшей мере наказания и тюремному заключению соотечественников, выездной сессией Военной коллегии Верховного суда Союза ССР, заседавший в октябре 1938 г. в г. Ташкенте, а также дать их краткие биографию.

В работе имеется большой фактический материал с небольшим анализом таких вопросов, как «Пятая колонна», «Большой террор», названы виновники политических репрессий, узники ГУЛАГа из Узбекистана.

Труд предназначен для широкого круга читателей, особенно студентов, магистрантов, стажёров-исследователей, профессорско-преподавательского состава вузов, академических лицеев и профессиональных колледжей, интересующихся историей родного Узбекистана.

УДК 821

ББК 63.3(5U)622-4

Sh 53

Recommended for printing by the Scientific Council of Andizhan
State University named after Z.M.Babur

Editor-in-chief

B.V.Hasanov – chairman of the Charitable Fund "Shahidlar
Hotirasy", doctor of historical sciences, professor.

Reviewers;

B.M.Rasulov – candidate of historical sciences, associate
professor.

U.K.Ubaydullaev – candidate of historical sciences, associate
professor.

S.A.Hoshimov – candidate of historical sciences, associate
professor.

On the basis of the methodological and conceptual ideas suggested by President I.A. Karimov on creating the newest history of Uzbekistan a number of monographic investigations, collections of documents and materials, popular science books, articles have been written and published and there have also been maintained many Ph. D and doctoral theses devoted to the exposure of the repressive policy and practice of the Soviet totalitarian regime and its consequences in Uzbekistan. Nevertheless, many aspects of this very important scientific problem have still been remaining uninvestigated in Uzbek historiography.

This work is just devoted to the analysis and reconsideration of some aspects of this significant theme of scientific, political, social and moral importance. In the work there is made the first attempt to establish by name our compatriots, sentenced to be shot or imprisoned by the assizes of the military panel of judges of the Supreme Court of the Union of SSR which met in October, 1938, in the city of Tashkent, and to give their short biographies.

The work contains a large factual material with moderate analysis of such problems as "Fifth Column", "Big Terror" and the names of the culprits of the political repressions and the prisoners of the Gulag from Uzbekistan.

The work is intended for a wide range of readers, especially students, magistrants, probation researchers, university, lyceum, professional college teaching staff and for those who are interested in the history of our motherland Uzbekistan.

М У Н Д А Р И Ж А

| | |
|---|-----|
| Кириш | 10 |
| I БОБ. Ҳарбий коллегиянинг Тошкентдаги сайёр сессияси ва унинг қарорлари | 22 |
| 1. 4 октябрда отувга ҳукм қилинганлар | 58 |
| 2. 5 октябрда отувга ҳукм қилинганлар | 105 |
| 3. 7 октябрда отувга ҳукм қилинганлар | 147 |
| 4. 8 октябрда отувга ҳукм қилинганлар | 168 |
| 5. 9 октябрда отувга ҳукм қилинганлар | 186 |
| 6. 10 октябрда отувга ҳукм қилинганлар | 191 |
| 7. 11 октябрда отувга ҳукм қилинганлар | 196 |
| 8. 13 октябрда отувга ҳукм қилинганлар | 198 |
| 9. 14 октябрда отувга ҳукм қилинганлар | 216 |
| 10. 15 октябрда отувга ҳукм қилинганлар | 233 |
| 11. 2-категория бўйича қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар | 238 |
| 12. Қайта тергов қилишга қарор қилинганлар | 267 |
| 13. Биринчи тоифа бўйича айбланиб, иши Москвада кўрилганлар | 279 |
| 14. Иши кўриб чиқиш учун Москвага юборилганлар | 278 |
| 15. Тергов давомида касал бўлганлар ва ўлганлар..... | 279 |
| II БОБ. ГУЛАГ лагерларидаги ўзбекистонлик маҳбуслар | 281 |
| III БОБ. «Катта террор» ва унинг Ўзбекистонда амалга оширилиши | 323 |
| IV БОБ. «Бешинчи колонна» – «Катта террор»нинг бош сабабчиси | 336 |
| V БОБ. «Қулоқлар операцияси»да Ўзбекистондан қатағон қилинганлар миқдори ҳақида | 349 |
| VI БОБ. «Катта террор»нинг айбдорлари ҳақидаги мулоҳазалар | 360 |
| Хотима | 417 |
| <i>Фойдаланилган манба ва адабиётлар</i> | 421 |

ОГЛАВЛЕНИЕ

| | |
|---|------------|
| Введение..... | 10 |
| Глава 1. Выездная сессия Военной коллегии Верховного суда СССР в Ташкенте и её решения..... | 22 |
| 1. Приговоренные к расстрелу 4 октября..... | 58 |
| 2. Приговоренные к расстрелу 5 октября..... | 105 |
| 3. Приговоренные к расстрелу 7 октября..... | 147 |
| 4. Приговоренные к расстрелу 8 октября..... | 168 |
| 5. Приговоренные к расстрелу 9 октября..... | 186 |
| 6. Приговоренные к расстрелу 10 октября..... | 191 |
| 7. Приговоренные к расстрелу 11 октября..... | 196 |
| 8. Приговоренные к расстрелу 13 октября..... | 198 |
| 9. Приговоренные к расстрелу 14 октября..... | 216 |
| 10. Приговоренные к расстрелу 15 октября..... | 233 |
| 11. Приговоренные по 2-категории к тюремному заключению..... | 238 |
| 12. Приговоренные на следствие..... | 267 |
| 13. Дела заключённых по первой категории, отправленные на рассмотрение в Москву..... | 268 |
| 14. Больные и умершие в процессе следствия..... | 278 |
| 15. Направленные в Москву для рассмотрения там их дел..... | 279 |
| Глава 2. Узники ГУЛАГа из Узбекистана..... | 281 |
| Глава 3. «Большой террор» и его проведение в Узбекистане..... | 323 |
| Глава 4. «Пятая колонна» - одна из главных причин «Большого террора»..... | 336 |
| Глава 5. О количестве репрессированных в «Кулацкой операции»..... | 349 |
| Глава 6. Суждения о виновниках «Большого террора»..... | 360 |
| Заключение..... | 417 |
| <i>Использованные источники и литература.....</i> | <i>421</i> |

CONTENTS

| | |
|--|-----|
| Introduction..... | 10 |
| Chapter 1. Assizes of the board of the military judges of the Supreme court of the USSR in Tashkent and its decisions..... | 22 |
| 1. The sentenced to be shot on October 4..... | 58 |
| 2. The sentenced to be shot on October 5..... | 105 |
| 3. The sentenced to be shot on October 7..... | 147 |
| 4. The sentenced to be shot on October 8..... | 168 |
| 5. The sentenced to be shot on October 9..... | 186 |
| 6. The sentenced to be shot on October 10..... | 191 |
| 7. The sentenced to be shot on October 11..... | 196 |
| 8. The sentenced to be shot on October 13..... | 198 |
| 9. The sentenced to be shot on October 14..... | 216 |
| 10. The sentenced to be shot on October 15..... | 233 |
| 11. The sentenced for imprisonment as to category 2 | 238 |
| 12. The sentenced for supplementary investigation..... | 267 |
| 13. The dossiers of the imprisoned as to category 1 sent to Moscow for consideration | 268 |
| 14. The people who were sick and who died during the process of the investigation | 278 |
| Chapter 2. The Prisoners of the Gulag from Uzbekistan | 281 |
| Chapter 3. «Big Terror» and its implementation in Uzbekistan .. | 323 |
| Chapter 4. «Fifth Column»- one of the main reasons of «Big Terror» | 336 |
| Chapter 5. About the number of the repressed in the «Kulak operation»..... | 349 |
| Chapter 6. Judgments about the cultrits of «Big Terror»..... | 360 |
| Conclusion..... | 417 |
| <i>References</i> | 421 |

КИРИШ

XX аср халқлар ҳаётида азоб-уқубатлар, тажовузлар, фожиалар баробарида қаҳрамонона буюк бунёдкорликлар даври бўлди. Ва бу силсилалар моҳиятидан, аҳамиятидан катъи назар, шак-шубҳасиз, ҳамма замонлар каби тарих мулки бўлиб қолди. Хоҳ салбий, хоҳ ижобий бўлмасин ўша мулк инсониятга тааллуқлидир. Шу боис аср кечмишларининг ҳар бирини махсус, алоҳида англашимиз, ўрганишимиз, таҳлил қилишимиз керак. Негаки ўша тарих келгуси авлодлар учун ҳам сабоқ бўлмоғи лозим. Бундан Совет даври тарихи ҳам мустасно эмас, зеро, халқимизнинг Совет даври тарихидан ҳам воз кеча олмаймиз. Уни таниб бўлмас даражада сохталаштиришга ёки ундан афсоналар тўқишга ҳам томошабин бўлиб тура олмаймиз. Бунга маънавиятимиз йўл қўймайди. Аксинча ҳар қадамда ўтмишимизга қайтиб, ундан сабоқ олиб, яхшисини қўллаб, ёмонини танқид этиб иш кўриш маънавий бурчимиздир.

Юртбошимиз ҳам мустақиллик остонасида, 1990 йил июнидаёқ Республика партия съездидаги «Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан» маърузасида ўтмишнинг асосий сабоқларига тўхталиб шундай деган: «Асоссиз равишда қилинган оммавий қатағонларни, коллективлаштириш ва саноатлаштириш даврида турмушнинг асосий негизлари шафқатсизлик билан барбод қилингани, халқларнинг маънавий қадрият ва анъаналари қалбакилаштирилгани, айрим кишилар пулга сотилиб, айниб кетганлиги, ижтимоий-иқтисодий инқирозга учраган одамлар халқнинг энг зарур эҳтиёжлари ва ҳаётий талабларини писанд қилмай қўйганликларини кўрсатувчи тобора янги-янги даҳшатли мисоллар ҳозир маълум бўлиб қолмоқда»¹.

Бу маърузада Ўзбекистоннинг Совет давридаги тарихини тўғри ва ҳаққоний ёритиш учун хизмат қиладиган муҳим методологик, концептуал ғоя илгари сурилди: «Биз босмачилик ҳаракати бўлсин, коллективлаштириш, репрес-

¹ *Каримов Ислом. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. «Ўзбекистон», Т., 2011. 165-бет.*

сиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар ҳақида бўлсин – «оқ доғ»ларнинг бутунлай тугатилиши тарафдоримиз. ... Ўтмишимизни бошдан-оёқ қоралаш ота-боболаримиз хотираси олдида, фарзандларимиз ва набираларимиз олдида кечирилмас хато бўлур эди»¹.

Бу ўринда Ислоҳ Каримов 2012 йил 9 майда Тошкентда Хотира ва кадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда оммавий ахборот воситалари вакиллариининг саволларига берган жавобларида «**Эй одамзод, кўзингни оч, атрофга бир қара, кечаги тарихдан хулоса, сабоқ чиқар!**» дея яна шу фикрларни айтдилар: «Ҳаммамизга яхши маълумки, собиқ Совет мафкураси йиллар давомида бизнинг онгимизга тарихнинг яратувчиси дохийлардир, инсон, халқ эса катта давлат машинасининг кичик бир бўлаги, винтчаси деган нотўғри ғояни сингдириб келган эди. Большевиклар халқимизга нисбатан тазйиқ ва таъқибларни авж олдирган 20–30-йилларда бизнинг ижодкор зиёлиларимиз, хусусан буюк шоиримиз Чўлпон ўзини тўлқинлар гирдобига тушиб қолган сомон парчасига ўхшатгани, халқимизнинг ана шундай мафкурага қарши қалб исёнини ифодаси бўлган эди»².

Коллективлаштириш жараёнида кўплаб чегарадан чиқиб кетиш, ҳаддан ошишлар, зўравонликлар бўлганини эътироф этишимиз лозим. Аммо коллективлаштириш ўтказилмаганда индустрлаштириш бўлмаслигини, индустрлаштириш амалга оширилмаса, 1937–1938 йиллардаги мухолифат куч бўлган «бешинчи колонна»га зарба берилмаганда, тор-мор келтирилмаганда фашизм устидан ғалаба қилиш бўлмас эди. Бу тарихий ғалабасиз, орадан қанча сувлар оқиб ўтган бўлмасин ҳозирги тараққиёт ҳам бўлмасди.

Жаҳон тарихи одамзод ўзи яшаб турган маконида кўп ёвузлик, жиноий ҳаракатлар ижод этганига шоҳиддир. Француз олими Лайнус Полинга ўзининг «Ҳеч қандай уруш бўлмасин» номли асарида ер юзида кейинги 5,5 минг йил давомида 14 500 катта ва кичик урушлар бўлиб, уларда 4 миллиардга яқин одам ҳалок бўлган, бу бундан бир неча ўн йил олдин ер куррасида яшаётган одамлар миқдорига тенгдир, деб ёзган эди.

¹ Каримов Ислоҳ. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. «Ўзбекистон», Т. 2011. 166-бет

² Тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш – бугунги ҳаётнинг ўткир талаби. «Халқ сўзи», 2012 йил 15 май.

Ҳарбий ҳаракатлар юз бериши ва юз бермаслигидан катъи назар турли мамлакатларнинг у ёки бу ҳудудида котилликлар, портлашлар, ёнғинлар, захарланишлар, одамларни ўғирлаш ва бошқа ҳаракатлар юз берган ва ҳозирда ҳам содир бўлмоқда.

Октябрь тўнтариши оқибатида Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган мустамлакачи Советлар тузуми биринчи кундан бошлаб халқларимиз бошига сон-саноксиз қирғинлар, даҳшатли ва аламли кулфатлар олиб келди. Бу даҳшатли режимни ўлкамиз халқлари қабул қилмади. Улар истиқлол учун, эрк ва миллий озодлик учун 16 йил мобайнида қуролли кураш олиб бордилар. Бу кураш давомида айрим хориждаги муаррихлар ҳисобича, 1 миллион 900 минг ватандошимиз Туркистондан бош олиб, хорижий мамлакатларга чиқиб кетди ва 1 миллион 700 минг юртдошимиз Сибирга, Узоқ Шимолга, Украинага, Шимолий Кавказга, Уралга, Қозоғистонга, Узоқ Шарққа, Кавказга, Волгабўйи районларига бадарға қилинди. Большевикларнинг бу каби хунрезликларини дунё халқлари қораламоқда, унинг раҳнаmolари шаънига лаънатлар айтмоқда.

Ислom Каримов бизнинг ўтмишимиз хоҳ фожиали, оғир ачинарли, ҳасратли бўлсин, хоҳ қаҳрамонона, шонли бўлсин, у бизнинг тарихимиздир, бизнинг ўтмишимиздир, шу боис уни кўз қорачиғидай асрашимиз кераклигини такрор-такрор уқтирмоқда. Тарихимиз бугунимиз, ўтмишимиз ва келажагимизни боғлаб турувчи муҳим ҳалқа, кўприқдир. Шу боис Ватан тарихи миллий истиқлол мафкураси, миллий ғоянинг тамал тоши ҳамдир. Маънавият ва тарихий хотира тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиб, И. Каримов миллатни асрамоқ учун унинг чинакам, ҳақиқий тарихини яратиш, ўрганиш ва авайлаб асраш лозим деб кўрсатди.

Етакчи тарихчилар билан бўлган учрашувда И. Каримов Совет даври тарихини таърифлаб, мен советлар даврида ёзилган тарихни тарих деб ҳисобламайман, деб айтгани тарихчилар учун ибрат бўлди.

Номаълум солдат майдонини Хотира майдони деб аташ хусусида тўхталиб, Ислom Каримов бу майдон халқимизни тарихий хотира воситасида бирлаштиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Ўша мустабид совет тузуми, «қаттол замон» тақозоси билан халқимиз ўз даврида бири «қизил аскар», бири

«босмачи», бири «қулоқ», бири «комиссар», яна бири «муштумзўр», яна бири «йўқсил» деб гуруҳларга ажратиб ташланганини қайд этиб, йўлбошчимиз Совет ҳукумати «бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қилиш» учун энг маккор усулларни ишга солганини, бир миллат вакилларини бир-бирига қарши қайраб, адоват ва низо уруғини сочганини ҳам кўрсатиб берди. «Лекин, – деб таъкидлайди у, – аслида уларнинг барчаси битта халқ фарзандлари, бир миллат вакиллари эди. Энди орадан шунча йиллар ўтиб кетгач, биз учун на босмачи, на қизил аскар бор.

Шу боис ота-боболаримизга ана шундай ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган давр моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим»¹.

Тарихимизнинг аянчли, ҳасратли, фожиали саҳифаларини чуқур ва атрофлича ўрганилишида ҳам бор ҳақиқатни, аччиқ ҳақиқатни акс эттириш кераклиги таъкидланди. Тарихимизнинг ана шундай армонли саҳифаларидан, кемтик томонларидан бири Советларнинг Ўзбекистонда олиб борган қатағон сиёсати ва унинг фожиали оқибатларидир. Мудҳиш Октябрь тўнтаришидан бошлаб то СССР парчаланиб кетгунга қадар сиёсий қатағон совет жамиятининг ажралмас таркибий қисми, мафкураси бўлиб келди. Бироқ бу фожиа ватанимиз тарихида, айниқса 30–40-йиллардаги тарихимизда мутлақо ёритилмаган эди. Юртбошимиз ҳали мустақилликка эришмасдан аввалроқ Ўзбекистондаги сиёсий қатағон ва унинг қандай кечгани, фожиали оқибатини очиб бериш, бегуноҳ қатағон қурбонларини оқлаш чораларини кўриш ташаббуси билан чиқди.

Дарвоқе, қатағон тушунчаси қандай шаклланган? У нима ўзи? Лотинчада «Репрессия» сўзи бўлиб (repressio) босим, тайзиқ маъносини англатади. Бу сўзнинг ўзбекча маъноси қатағон² тушунчасига тўғри келади. Репрессия, қатағон партия ва давлат органлари қўллайдиган жазо чорасидир. Қатағон мустабид тоталитар, мустамлакачи давлат томонидан халққа нисбатан қўлланиладиган жазолаш,

¹ *И.А.Каримов*. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. «Туркистон» газетаси муҳбирининг саволларига жавоблар. «Туркистон» газетаси, 1999 йил, 2 февраль.

² Қатағон, катағонлар – ўзбеклар таркибидаги йирик қабила.

катли ом, катли нуфус, оммавий тарзда зулм ўтказиш тунчаларини ўзида мужассам этади. Катагон оммавий жазолаш, кийноққа солиш чоралари мустабид давлатларнинг халқни асоратда, тутқунликда ушлаб туриш, қўрқитиш, босим, тайзиқ ўтказиш қуролидир¹. Бу катагон сиёсатини чор ҳукумати Туркистонда кенг кўламда олиб борган. Айниқса, собиқ Советлар салтанатида бу мудҳиш катагон сиёсати ва амалиёти кенг ва узок вақт давомида қўлланилди. Катагон бутун собиқ Иттифоқ халқлари катори Туркистон, Ўзбекистон халқи бошига мислсиз оғир кулфатлар ёғдирди. Жадидчиликни, Туркистон мухториятини, «босмачилик» деб аталмиш миллий ҳаракатни бостиришда, ер-сув ислохотини ўтказиш, коллективлаштириш даврида катагон сиёсати катта кўламда қўлланилди.

«Ўнглар»га, «Миллий иттиҳодчилар»га, «Ўн саккизчилар»га, «Бадриддиновчилар»га, «Ботир гапчилар»га, «Қосимовчилар»га, «Иноғомовчилик»га қарши кураш ниқоблари остида Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламларига, миллий арбоблар, ходимларга қарши катагон қўлланилди.

Катагоннинг энг юқори босқичга кўтарилган 1937–1938 йиллардаги «Катта террор» кампаниясида ҳам Ўзбекистондан минглаб одамлар катагон қиличидан ўтказилди, концлагерларга ташланди.

Уруш даврида ҳам катагон давом этди. Урушдан сўнг тўқиб чиқарилган руҳонийлар, миллатчилар иши бўйича кўплаб адабиёт, санъат, илм-фан, дин арбоблари катагон қилинди. 40–50-йилларда таслимчиларга, антисоветларга қарши кураш баҳонасида кўплаб юртдошларимиз катагон домига тортилди. XX асрнинг 80-йилларида «Пахта иши», «Ўзбек иши» деб номланган сохта ишлар бўйича² минглаб бегуноҳ кишилар катагон қилинди.

Катагон қурбонларини ўрганиш, уларнинг номларини абадийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майда эълон қилган фармойиши ва 22 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган**

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2004, 312–313-бетлар.

² Қ а р а н г: Азизхўжаев Алишер. Чин ўзбек иши. «Академия» нашриёти, Тошкент, 2003.

фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» қабул қилган қарорларидан сўнг кенг йўлга қўйилди. Ана шу ҳужжатлар асосида «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси тузилди. Тошкентда «Шаҳидлар хотираси» ёд-горлик мажмуаси барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майда қабул қилган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги фармони ҳам мазкур мавзуни тадқиқ этиш учун катта имкониятлар уфқини очиб берди.

Ана шу фармонда мана бу сатрлар бор: **«Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг кадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.**

Мустабид тузум даврида миллион-миллионлаб бе-гуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди».¹

2001 йили Москвада «Три века истории» («Тарихнинг уч асри») нашриётида чиққан **«Черная книга коммунизма»** («Коммунизмнинг қора китоби») номли китоб «Большевизм – XX асрнинг ижтимоий касали» кириш сўзи билан бошланган. Уни ўша қизил империянинг энг юқори эшелонида юқори мансабни эгаллаб турган, мамлакатнинг мафкуравий-маънавий ҳаётига бошчилик қилиб турган ар-боб, академик (ҳозирда марҳум) А.И.Яковлев ёзган. У большевизмнинг инсоният олдидаги, жумладан собиқ Иттифок халқлари олдидаги жиноятларини 14 пунктда кўрсатиб берган. Мана улардан айримларини айнан келтирамиз:

1. Большевизм не должен уйти от ответственности за насильственный и незаконный государственный переворот в 1917 году и начавшуюся вслед за ним политику «красного террора».

2. Большевизм не должен уйти от ответственности за уничтожение российского крестьянства (жумладан Ўрта Осиё деҳқонларининг ҳам – Р.Ш). Попраны нравственность крестьянской России, ее традиции и обычаи, производи-

¹ «Халқ сўзи», 2001 йил 2 май.

тельные силы деревни подорвались у нас настолько, что и сегодня страна закупает прокормление за рубежом. До сих пор власть не дают крестьянам землю...

3. Большевизм не должен уйти от ответственности за развязывание братоубийственной гражданской войны, в результате которой были разрушена страна, а в ходе безмысленных и кровавых боев было убито, умерло от голода, эмигрировало более 13 миллионов человек.

4. Большевизм не должен уйти от ответственности за уничтожение христианских храмов, буддистских монастыря ей, мусульманских мечетей, иудейских синагог, молельных домов, за расстрелы священно служителей, за гонения на верующих, за преступление против совести покрывшие страну позорам.

5. Большевизм не должен уйти от ответственности за практику неслыханных фальсификаций, ложных обвинений, в несудебных приговоров, за расстрелы без суда и следствие, за истязание и пытки, за организацию концлагерей, в том числе для детей заложников, за применение отравляющих газов против мирных жителей. В мясорубке ленинско-сталинских репрессий погибли более 20 миллионов человек.

6. Большевизм не должен уйти от ответственности за преступлений против бывших советских военнопленных, которых из немецких концлагерей перегнали, как скот, в советские тюрьмы и лагеря. Практически все крупнейшие стройки СССР стоят на костях политзаключенных. Ими сооружались химические заводы, урановые рудники, северные поселения и многое другое...¹

Большевизм бу соҳада Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон халқлари олдида, ўтган ва ҳозирги, келажак авлодларимиз олдида ҳам катта жиноятчи гуноҳкор сифатида тарихимиздан жой олган.

Сиёсий курашда террорчиликнинг ролини XIX аср охирида Лениннинг ўзи кўрсатиб берган.

Бир жойда Ленин террорга сиёсий кураш усули сифатида қарашдан кескин воз кечиш керак, олий даражада бунга

¹ Стефан Куртуа, Николя Верт, Жон-Луи Пание, Анджей Пачковский, Карел Бартошек, Марголен. «Черная книга коммунизма» преступления, террор, репрессии. Перевод с французского. Москва. «Три века истории», 2001, стр. 11–12.

йўл кўймаслик керак деб айтади (Ленин В.И. ПСС. Т. 7, стр. 251). Яна бир жойда эса «революцион армия отрядлари тузиш кераклигини, улар нимаики бўлса, револьвер, бомба, пичоқ билан, портлатиш учун керосин билан қуролланиши зарур деб чиқди (ПСС. Т. с. 339)».

Қизиқ, агар террорни сиёсий кураш формаларидан бири деб қаралмаса, у ҳолда қуролли отряд ва бомбаларга не ҳожат?

«Тил инсонга фикрини яшириш учун берилади» деган машҳур формулага ҳар жиҳатдан амал қилиб иш кўрганнинг ўзи ҳам Лениндир. Бу формуладан мафкуравий душманларни ҳамда рақобатдош сафдошларини йўлдан олиб, суриб чиқариб кўйишда, сиёсий провакациялар ва иқтисодий экспроприация ташкил этишда, бандитлар хужумларини ва қуролли босқинларни уюштиришда кенг фойдаланилган.

Бу каби террорчилик душманлари париклардан, ясама соқол ва мўйловлардан, пичоқ ва бошқа қуроллар, сохта хужжатлардан, олиб қочилган транспорт воситаларидан фойдаланганлар. Улар поездлардан соқчиларни улоқтириб, жандармчилар ва полициячиларни сотиб олиб, турма ва лагерлардан қочиб, яширин хорижга чиқиб кетиб, нолегал мамлакатга кириб олганлар. Улар маълум бўлган қоида-мақсад йўлида ҳар қандай восита фойдалидир, деган ақидага амал қилиб, маънавият ва оқ қўлқопликни четлаб ўтганлар. Уларнинг лидери турли вақтда ҳар хил фикрлар, ҳаракатлар қилиб, гоҳида революцион ҳаракатда террор керак деб, баъзи ҳолатларда ундан воз кечиб, айрим ҳолларда эса умуман бундай муаммони ўзи йўқ қабалида иш кўрган.

Ана шу боис турли тадқиқотчилар уни қонхўр террорчи деб атаса, бошқа бири буюк гуманист деб таърифлайдилар.

Бундай одамнинг исми, шарифи Владимир Ильич Ленин эди. У янги типдаги партиянинг асосчиси ва раҳбари эди. Большевиклар деб ном олган бу партия аъзолари ё террор учун, ё террорга қарши бўлишни англаб ҳам етмасдилар. Большевиклар зўравонлиги амалда ҳар доим бўлиб келганига тарих шоҳиддир.

Октябрь тўнтаришининг ўзи террорчилик, зўравонлик, қонунсизлик натижаси эди. Бу тузумда биринчи бўлиб қонхўрликни ўша Лениннинг ўзи бошлаб берган. Бу ўринда Лениннинг қонхўрона сиёсатини ўз вақтда танқид остига олишга рус ёзувчиси Максим Горький биринчилар

каторида журъат этган эди. Мана бу ҳақда унинг «Туркестанские ведомости» газетасида эълон қилинган хати. Унда Ленин ва Троцкий халқни ўз орқаларидан эргаштириб мамлакатда қонли жанжалларни бошлаб юборганликлари, матбуот эркинлигини бўғаетганликлари, ҳокимият деспотизмини ҳар жиҳатдан оқлаётганликлари, бу икки арбоб ортидан бораётганларнинг уларга тобелиги худди мактаб ўқувчиларининг ўз муаллимларига бўлган итоаткорлигига ўхшаб кетаётгани кўрсатилганди. Оқибатда улар қотиб қолган ақидалар қулига айланиб қолганликлари, Ленинчилар ўзларини Наполеон Бонапартдек ҳис этиб Россияни вайрон қилаётганликларини очик-ошкора айтганди.

«Рус халқи, – дейилади ўша хатда, – бунга қонлар денгизи билан жавоб бермоқда. Лениннинг ўзи жуда кучли шахс, йигирма беш ёшидаёқ у социализм учун курашчиларнинг олдинги сафида борган. Унинг истеъдод эгаси ва дохийликка хос барча хислатларига эга эканлиги аниқ. Айна пайтда унда оддий халққа паст назар билан қараш хислатлари ҳам бор. Ленин ўз халқи устида тажриба ўтказишга ўзини ҳақли деб билади. Урушлардан чарчаган халқнинг бу тажриба учун минглаб вакиллари жонини қурбон қилиб ташлади. Афсуски бу фожиа Ленинни таажжубга туширмаяпти. Темирчи учун темир қандай бўлса, Ленин учун ишчилар синфи шундай зарурдир.

Ҳозирги шароитда темирдан социалистик давлат куриб бўлармикин? Афтидан, бундай давлатни куриб бўлмайди. Ленин ана шундай давлат куриш мумкин дея халқ устидан тажриба ўтказмоқда. Тажриба ижобий натижа бермас нима бўлади? Ленин лабораториядаги химик сингари ишляпти. Аммо химикдан унинг бир фарқи бор. Химик лабораторияда ўлик материя билан тажриба ўтказди ва унинг тажрибаси фойдали натижа беради. Ленин эса тирик материя – инсон билан тажриба ўтказяпти, унинг натижаси эса халқни таназзулга олиб боради. Ленин ортидан бораётган онгли ишчилар шуни билсинларки, рус ишчилари синфи билан шафқатсиз тажриба ўтказилмоқда. Мазкур тажриба оқибатида уларнинг сара вакиллари йўқотилади ва рус революциясининг мўътадил таракқиёти тўхтатилади».¹

Октябрь тўнтаришига ишониб, «инқилоб» ва унинг натижаларидан келиб чиққан қонли воқеаларни фақат Ле-

¹ «Туркестанские ведомости». Тошкент, 1917 йил. 17 ноябрь.

ниннинг хатти-ҳаракатлари билан боғланган улуғ адиб, «инқилоб»ни ўзи билмаган ҳолда оқлаб, аммо бунга қарамай Ленин шахсига шунчалик холисона баҳо бергани ва айти пайтда бу гапларни «инқилоб», ўша мудҳиш тўнтариш кунларида айтгани ниҳоятда таажжублидир.

Комфирқа ва советларнинг қатағон сиёсати ва амалиёти ўша совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки кунлардан бошланиб, у то СССРдек «Қизил салтанат» парчаланиб кетгунга қадар давом этди. Қатағонлик совет тузуми ва жамиятининг ажралмас таркибий қисми, унинг табиий йўлдоши сифатида намоён бўлганди.

Ислом Каримов истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ, собиқ советлар даврида Ўзбекистонда сира айби бўлмаган, ҳалол одамлар кўплаб қамоққа олингани ва қириб ташланганини ачиниш билан айтиб, фақат 1937–1939 йиллари 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалгани, шундан 37 мингдан кўпроғи судлангани, 6 минг 920 киши отиб ташланганини қайд қилган эди¹. Президентимизнинг қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ҳақидаги фармон, қарорлари ва саъй-ҳаракатларидан руҳланиб, илҳомланиб 2001 йилнинг ўзида иккита монографик тадқиқотни² эълон қилдик. **Бизнинг саъй-ҳаракатимиз туфайли 2005–2009 йилларда 5 жилдлик «Қатағон қурбонлари» хотира китоби³ чоп этилди. Биринчи китобда 1937–1938 йилларда Ўзбекистонда, Украинада, Шимолий Кавказда, Москвада қатағон қилинган 408 нафар юртдошлар ҳақида**

¹ Ўзбекистон овози. 1991 йил, 15 сентябрь

² Шамсутдинов Рустамбек. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. «Шарқ», Тошкент, 2001. 367 бет, ўша муаллиф. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. «Шарқ», Тошкент, 2001, 415 бет.

³ Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск-1. – Т.: Шарқ, 2005. – 262 с; Рустам Шамсутдинов. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август – 5 ноябрь). 2-китоб. – Т.: Шарқ, 2007. – 496 б; Р.Т.Шамсутдинов, Э.Юсупов, А.Мамажонов, Э.Дўсматов. «Репрессия» 1937-1938 гг. Документы и материалы. В.3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. – Т.: Шарқ, 2007; . Репрессия: Документы и материалы. Сост.: Р.Т. Шамсутдинов, М.Абдуллаев, Э.П.Дусматов, Х.Р.Қурбанов. – Т.: Шарқ, 2008. Вып.4, Жертвы Большого террора из Узбекистана 1937 год, декабрь. – 572 с; Қатағон қурбонлари. (1938 йил февраль, сентябрь) Бешинчи китоб. Тузувчилар: Р.Т.Шамсутдинов, Х.Р.Қурбанов, Ж.Расулов, Ф.Эгамбердиев, У.Бекимбетов. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти. Тошкент, 2009. 412 б.

маълумотлар келтирилган. Иккинчи китобдан отувга ҳукм этилган 664 нафар, 10 йил, 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган 236 нафар қатағон қурбонлари номлари ва улар ҳақидаги маълумотлар жой олган. Учинчи китобда 272 маҳбус отувга, 1156 маҳбус 10 йил, 115 маҳбус 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар, жами 1543 қатағон қурбонлари номма-ном келтирилган, улар ҳақида маълумотлар берилган. Тўртинчи китобда отувга 392 маҳбус, 2572 маҳбус 10 йил муддатга, 646 маҳбус 8 йил муддатга, яъни бу китобда жами 3610 қатағон қурбонлари номма-ном келтирилган. Улар ҳақида маълумотлар келтирилган, бундан ташқари тергов жараёнида 34 маҳбус вафот қилгани қайд этилган. Бешинчи китобда Ўзбекистоннинг ўзида отиб юборилган 2 минг 190 киши, 10–8–5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган 751 нафар ватандошлар номма-ном келтирилган, улар ҳақида маълумотлар берилган. Демак ушбу беш жилдлик китобда ҳаммаси бўлиб 1937–1938 йилларда 14589 қатағон қурбонлари номма-ном келтирилган, улар ҳақида маълумотлар берилган.

Демак, 1937–1938 йилларда Ўзбекистонда қатағон қилинганлардан бори-йўғи 15 минг кишигина аниқланган, холос. Қолганлари аниқ эмас эди. Уларни аниқлаш мақсадида 2011 йил 11–21 сентябрь, ноябрь-декабрь ойларида Москвага 2 марта илмий сафар уюштирдик. Москва шаҳри Малый Каретный тор кўчаси 12-уйда жойлашган «Мемориал» халқаро тарихий, маърифий хайрия ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш жамияти раиси Арсений Борисович Рогинский, ўринбосари Ян Збигневич Рочинский, «Мемориал» архиви мудираси Алёна Козловалар билан учрашиб, бу жойдаги мавжуд манба ва маълумотлар билан танишдик. Улардан бири ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари ва учлик раиси Д.З.Апресьяннинг 1938 йил 3 апрелда СССР ГУЛАГга йўллаган ҳисоботи. Унда биринчи категория бўйича 450 киши қатағон қилиниб отилгани, уларнинг 35 нафари жосус, қочиб ўтганлар 8 нафар, тараққийпарварлар 2 нафар, диверсантлар 3 нафар, террорчилар 26 нафар, сотқинлар 6 нафар, жиноий рецидивистлар 217 нафар ва бошқалар 99 киши, 58 та аксилинқилобий гуруҳлар тугатилгани, шундан 7 киши троцкийчилар, 5 киши кўзғолончилар, 146 киши уюшган аксилинқилобий фаоллар, 138 киши бандитлар экани, Ўрта Осиё лагерларида отиб юборилганини хабар

қилган. Жамият архивидан 1938 йил октябрда Тошкентда қатағон қилинган 496 нафар ўзбекистонликлар ҳақида маълумот олинди. Бу Ўзбекистон ССРда отувга ҳукм этилганларнинг исми ва фамилиялари, ҳукм чиқарилган сана, отилган кун кўрсатилган жадвалдир. Айти 1937–1938 йилларда Тошкентдаги Ўрта Осиё лагеридаги маҳбуслардан 365 нафари учлик қарори билан отувга ҳукм қилингани тўғрисидаги маълумотга ҳам эга бўлдик.

Шундан сўнг Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик Хизмати Марказий архивида бўлдик. Бу ерда СССР Олий Суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси раиси генерал Алексеевнинг 1938 йил 4 октябрдан 2 ноябргача Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Халқ комиссари, давлат хавфсизлиги майори Дереник Захарович Апрессянга ёзган хатларини, отилганлар ҳақидаги далолатномаларни кўрдик, улардан кўчирмалар олдик¹.

Мазкур асарда 1938 йил октябрда Тошкентда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси йиғилишларида сиёсий жиҳатдан айбланиб қатағон қилинган юртдошларнинг бир қисми ҳақида илмий, тарихий, беографик маълумотлар келтирилган. Тадқиқот Москвадаги Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик Хизмати архивидан, РГАСПИ – Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архивидан, Россия Федерацияси давлат архивидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архивидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви Андижон бўлимидан, Андижон вилоят давлат архивидан олинган ҳужжат ва материаллар асосига қурилган. Шунингдек, истиқлол йилларида Россия Федерациясида, Ўрта Осиё республикаларида, айниқса, Ўзбекистонда эълон қилинган сиёсий қатағон мавзусига бағишлаб нашр этилган архив ҳужжатлари тўпламлари, монографик тадқиқотлар, илмий-оммабоп рисоалар, журнал ва газеталардаги мақолалар ҳам асарнинг манбавий базасини ташкил этган.

Бу асарни нашр юзини кўришига зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб, республика ва хориждаги архивларга илмий хизмат сафарларини таъминлашда ташкилий

¹ Шамсутдинов Р, Холмирзаев Э, Абдуллаев И. Ўзбекистонлик қатағон қурбонлари ҳақида янги маълумотлар. / Илмий хабарнома, Научный вестник. 2012. 1-сон. 72–75-бетлар.

жихатдан яқиндан ёрдам берган Бобур номидаги Андижон давлат университети ректори, биология фанлари доктори, профессор Толибжон Абдумаликович Мадумаровга, зарур ҳужжатларни топиш ва улардан нусхалар олишда кўрсатган ёрдами учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви директори Хакимжон Бобожоновга ва унинг раҳбарлигидаги илмий ходимларига муаллиф чин қалбдан ўз миннатдорчилигини изҳор этади. Шунингдек, ҳужжат ва материалларни, айниқса, интернет материалларини йиғиш, тўплаш ва уларни илмий тизимга келтириш, ёзилган матнни электрон ҳолатда тайёрлашда, ишни библиографиясини, илмий апаратыни яратишда бевосита ёрдам берган Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси Элёрбек Холмирзаевга, шу кафедранинг магистранти Иқболжон Жумабоевга ҳамда Ўзбекистон тарихи кафедраси жамоасига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

И БОБ. ҲАРБИЙ КОЛЛЕГИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ САЙЁР СЕССИЯСИ ЙИГИЛИШИ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ

КПСС Марказий Комитети СССРдаги оммавий сиёсий катагон сабабларини аниқлаш ҳайъати Ҳарбий коллегиянинг мудҳиш, жирканч, қонунга хилоф бўлган суд қилиш механизмини очиб берган ва фош этган.

Жойлардаги ички ишлар халқ комиссарликлари СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси кўриб чиқадиган тергов ишларини тугатиб айблов хулосаларини тайёрлаганларида маҳбусларга бериладиган жазо чораларини аввалдан белгилаб қўйиш одатга кирган. Шу мақсадда жойлардаги ички ишлар ҳузуридаги учликлар Ҳарбий коллегияда кўриб чиқиладиган маҳбуслар рўйхатини тузганлар. Рўйхатларда судга берилаётган шахсларнинг исми ва фамилияси, қандай жазо чоралари кўрилиши тўғрисидаги таклифлари ҳам белгиланган. Рўйхатлар СССР Ички ишлар халқ комиссари Николай Ежов томонидан И.В.Сталинга тақдим қилинган. Рўйхатда қандай жазо кўриш белгиси ҳам қўйилган. 1937–

1938 йилларда ана шундай рўйхатлардан 383 таси Сталинга тақдим қилинган. Уларда 44465 партия, совет, комсомол, ҳарбий ва хўжалик масъул ходимлари келтирилган, рўйхат Сиёсий бюро аъзолари Сталин, Молотов, Жданов, Каганович, Ворошилов ва бошқалар томонидан имзоланиб, тасдиқланганидан сўнг НКВД ходимлари тергов ишларини жазо чораларини белгилаб қўйганлар. Агар, айбланувчи отиладиган бўлса, айблов хулосага «1» (биринчи категория), агар айбланувчи озодликдан маҳрум қилинадиган бўлса, айблов хулосага «2», яъни иккинчи категория деб белги қўйилган. Олий суд Ҳарбий коллегияси аъзолари кўрилаётган ишлар бўйича ҳукм чиқаришда ана шу белгиларга амал қилиш билан чекланганлар. Аслида Ҳарбий коллегия суд ишларини батафсил кўрмаган. Ҳарбий коллегия жазо чораларини белгилашда олдиндан, аввалги тахминий тергов материалларини механик тарзда штампалаб қўйиш билан кифояланган.

Қайта қуриш олдидан, қайта қуриш даврининг ўзида ва ундан кейинги вақтда турли тадқиқотчилар ҳар хил методик ҳисоблашлар асосида СССРдаги қатағон қурбонлари миқдори ҳақида турли маълумотлар келтирдилар.

Сиёсий қатағон моҳияти, унинг кўлами, фожиасини англамоқ учун СССР ва Иттифоқчи республикалари Жиноят кодексининг 1-бобидаги («Государственные преступления») «давлат жиноятлари» деб номланган 58-моддасини кунт билан ўрганиш, англаш керак. Шунда қатағон ҳақидаги афсонавий ёлғонлар ҳам, чин ҳақиқатлар ҳам юзага чиқади.

Ўша 58-модданинг 1-параграфи «Аксинкилобий жиноятлар» (Контрреволюционные преступления) деб номланган.

Унинг 58-1-моддасида ишчи-деҳқон советлари сайлаган ҳукуматни ағдариш ва кўпоришга ёки заифлаштиришга қаратилган, Совет Иттифоқи Конституцияси ва иттифоқчи республикалар конституциялари асосида сайланган Совет Иттифоқи, иттифоқчи ва мухтор республикалар ҳукуматларини, СССРнинг ҳамда пролетар революциясининг хўжалик, сиёсий ва миллий соҳаларда эришган ютуқларини кўпориш ёки заифлаштиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар аксинкилобий ҳаракат ҳисобланади деб кўрсатилган.

«Аксинкилобий жиноят» тушунчасида пролетар ин-

килобининг асосий хўжалик, сиёсий ва миллий, яъни мавжуд тузум, шунингдек СССРдаги ҳукумат органларига қарши жиноят «аксиллинқилобий» деб ҳисобланган. Унинг аналоги ҳозирда Россия Федерацияси Жиноят Кодексининг 10-бўлимида «Давлат ҳокимиятига қарши жиноят» деб ҳисобланади ва ЖКнинг 29-бобига «Конституцион тузумга ва давлат хавфсизлигига қарши жиноятлар» тарзида кири-тилган.

Ватанга хоинлик қилиш, яъни СССР фуқаролари томонидан мамлакат ҳарбий қудратига ва унинг давлат мустақиллигига ёки дахлсизлигига жосуслик, ҳарбий ёки давлат сирларини четга бериб юбориш, душман томонига ўтиб кетиш, чегарадан қочиб ўтишларга Жиноят Кодексининг **58-1^а** моддасини қўллаш белгилаб қўйилган. Бундайларга нисбатан жинойий жазонинг олий чораси – бутун мулки конфискация қилиниб, ўзини отувга, юшоқроқ ҳолат юз берган ҳолда бутун мол-мулкни конфискация қилиниб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси бериш кўзда тутилган.

58-1^б модда билан юқоридаги жиноятларни содир этган ҳарбий хизматчилар бутун мол-мулки мусодара этилиб, олий жазо – отувга ҳукм қилинган.

58-1^в моддаси чегарадан қочиб ёки ошиб ўтган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг балоғатга етган оила аъзоларига нисбатан бутун мулки мусодара этилиб, 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган.

Жиноят содир этилган вақтда хоиннинг оиласидаги балоғат ёшидаги қолган аъзолари, улар билан бирга яшаётган ёки улар қарамоғида турганларга сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва узоқ районларга 5 йил муддатга сургун этиш жазосини қўллаш белгилаб қўйилган.

Бунда биз «халқ душманлари оилаларининг жавобгарлиги» деган абадий тавқу лаънатни учратамиз. Бу модда ҳарбий хизматдаги хоинлар оилаларигагина сотқинликни била туриб ёки сотқинликка кўмаклашганларга нисбатан қўлланилишини кўраамиз. Бироқ бу даҳшатли модда, банд, кўпинча менипуляция, яъни ҳийла-найранг воситаси бўлиб хизмат қилган. Бунинг ёрқин мисолини «Иркутск сиёсий қатағонлар ассоциацияси» сайтидан жой олган мана бу ҳолатда кўриш мумкин:

Исми: Баженов Георгий Евсеевич.

Туғилган йили: 1889 йил.

Туғилган жойи: Нижнеудинск шаҳри, Подгорная кўча,
12.

Касби: Темирйўлчи.

Иш жойи, лавозими: Нижнеудинск станцияси, Шарқий
Сибир темирйўлида паровоз проводниги.

Маълумоти: чаласавод.

Миллати: рус.

Қамоққа олинган кун: 19 ноябрь 1937 йил.

Жиноят характери: ЖК: 58-1^б моддаси.

Ким томонидан судланган: НКВД Бошқармаси училиги
11.12.1937 й.

Ҳукм: жазонинг олий чораси – отув.

Ўлган жойи ва сабаби: отилган.

Реабилитация: ИОС 13.06.1959 й.

Афсуски, партиясиз, чаласавод, паровоз проводниги
аслида нима сабабдан судлангани ва отиб юборилганли-
гига шубҳа билан қараш мумкин. Сақланиб қолган ахбо-
ротга кўра унга нисбатан «**58-1^б**» қўлланилган, бу модда-
да умуман отувга ҳукм қилиш кўрсатилмаган. В.Земсков
кўрсатганидек, 58- модда билан ҳукмга тортилганларнинг
0,6 фоизигина лагерларда қамоқ жазосини ўтаганлар¹.

58-1^г моддасига кўра ҳарбий хизматчилар томони-
дан хоинликка тайёрланаётганлар ёки хоинлик қилганлар
тўғрисида хабар бермаганликлари учун уларни 10 йил муд-
датга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Ҳарбий хизмати бўлмаган бошқа фуқаролар ана шун-
дай хабар бермаганларга 58–12- моддаси қўлланилган. Бун-
дайларга нисбатан олти ойдан кам бўлмаган муддатга озод-
ликдан маҳрум қилиш қўлланилган.

58-2-модда бўйича аксилинқилобий мақсадда қуроли
кўзғолон ёки ана шу мақсадда совет ҳудудига қуроли жан-
гариларнинг бостириб кириши, марказда ёки жойларда
юқоридаги мақсадлар билан, хусусан ёки зўравонлик билан
Совет Иттифоқидан ва айрим иттифоқчи республикалардан
улар ҳудудларининг қандайдир қисмини тортиб олиш ёки
СССРнинг чет эл давлатлари билан тузилган шартномала-
рини бузганларга нисбатан ижтимоий ҳимоя тарзида отувга
ёки меҳнаткашлар душмани деб эълон қилинишга, мулк-
тини мусодара этиш, СССР фуқаролигидан маҳрум этиш

¹ [http. \(memory.irk. ru\) mart \(b\) 4135 htm](http://memory.irk.ru/mart(b)4135.htm). Электрон версиядан иқтибос
олинди.

ва СССР худудидан чиқариб юбориш, енгиллаштирилган ҳолатда бутун мулкани мусодара этиб, уч йилга озодликдан маҳрум қилиш чорасини кўриш белгиланган.

58-3- моддада аксилнқилобий мақсадда чет эл давлатлари ёки унинг айрим вакиллари билан алоқада бўлганлиги, Советлар Иттифоқи билан уруш ёки интервенция йўли билан ёки қамал қилишга қаратилган хатти-ҳаракатлар, кўмак беришда айбланганлар ҳам 58/2- модда бўйича жазога тортилиши кўрсатилган.

58-4- моддада капиталистик тузум ўрнига коммунистик тузумнинг майдонга келишини тан олмаган, уни ағдаришга интилган халқаро буржуазиянинг бир бўлагига ҳар қандай усул билан ёрдам бераётганлар ёки ана шу буржуазиянинг таъсири остида қолган ёки Совет Иттифоқига қарши душманликни амалга ошираётган ижтимоий гуруҳлар ва ташкилотлардаги кишилар мулки мусодара этилиб, ўзларини отувга ҳукм этишгача чора кўриш, ундайларни халқ душмани деб эълон қилиш, СССР ва Иттифоқчи республикалар фуқаролигидан маҳрум қилиш, мулкани мусодара этиб Совет Иттифоқи худудидан ҳайдаб юбориш кўзда тутилган.

58-5- моддада чет эл давлати ёки ундаги қандайдир ижтимоий гуруҳ вакиллари билан алоқада бўлиб, сохта ҳужжатлардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб уруш эълон қилиш, Совет Иттифоқи ишларига қуроли аралаштириш ёки бошқа ножўя ҳаракатлар содир этиш, хусусан, блокада қилиш, Совет Иттифоқи ёки Иттифоқчи республикалар давлат мулкларини босиб олиш, дипломатик алоқаларни бузиш, Совет Иттифоқи билан тузилган шартномаларни йўқ қилиш ва шунга ўхшаш ҳаракатлар учун ҳам жиноят кодексининг 58-2-моддасида кўрсатилган ижтимоий ҳимоя қилишнинг олий чораси – отув қўлланилиши белгилаб берилган.

58-6- моддада жосуслик, яъни махсус муҳофазада бўлган давлат сирларини чет эл давлатларига, аксилнқилобий ташкилотларга ёки хусусий шахсларга бериб юбориш мақсадида ўғирлаш, ёки йиғиб юриш билан шуғулланганларга нисбатан 3 йилдан кам бўлмаган қамок жазоси қўлланилиши кўрсатилган. Агарда жосуслик ССР Иттифоқига алоҳида оғир оқибатларга олиб келса, у ҳолда бундай шахсга нисбатан олий жазо—отув ёки меҳнаткашлар душмани деб эълон қилиб фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этиб, мулкани конфискациялаб, ўзларини ССР Иттифоқи худудидан ҳайдаб юбориш белгиланган.

58-7- моддада давлат саноати, транспорти, савдоси, пул муомалалари, кредит тизими, шунинг баробарида кооперацияни кўпориш мақсадида ва аксилинқилобий мақсад йўлида давлат муассасалари ва корхоналаридан фойдаланиш ёки улар фаолиятига қарши турганларга ҳам мазкур кодекснинг 58-2- моддасидаги жазо чоралари кўриш кўзда тутилган.

58-8- моддада совет ҳокимиятига, унинг инқилобий ишчилар ва деҳқонлар ташкилотларига қарши қилинган террорчилик актлари ва ана шундай актларни бажаришда иштирок этганларга нисбатан ҳам жиноят кодексининг 58-2- моддасини қўллаш белгиланган.

58-9- моддада аксилинқилобий мақсадда темир йўллари ёки умуман йўллар ҳамда алоқа воситалари, сув иншоотлари, жамоат омборлари ёки иншоотлари, давлат ва жамоат мулкларини бузган ёки зарар келтирганларга нисбатан ҳам кодекснинг 58-2- моддаси қўлланилиши кўрсатилган.

59-10-моддада совет ҳокимиятини ағдаришга, кўпоришга, заифлаштиришга ёки айрим аксилинқилобий жиноятлар содир этишга даъват этувчи тарғибот-ташвиқот олиб борганларга, шунингдек, ана шундай мазмундаги адабиётларни яратган ва сақлаган, уларни тарқатганларга нисбатан 6 ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан махрум этиш кўрсатилган.

Шунингдек, оммавий ғалаёнлар ва ҳарбий ҳолат ёки оммавий диний, миллий ҳаракатларда иштирок этганларга нисбатан жиноят кодексининг 58-2- моддаси қўлланилган.

Советларга қарши тарғибот айби бўйича 6 ойдан кам бўлмаган қамокқа ҳукм этилиши белгиланган. Аммо, амалиётда бундай фаолият учун отув жазоси қўлланилган. Бундай ҳолатларни Ўзбекистон мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу ҳақдаги маълумотлар 5 жилдлик «Қатағон қурбонлари» хотира китобида келтирилган.

Яна шуни айтиш керакки, диний зиддиятлардан фойдаланиб советларга қарши ташвиқот олиб борганлар қуролли кўзғолонда қатнашган даражасида ҳисобланиб отувга ҳукм этилган. Бу борада ҳам Ўзбекистонда кўплаб мисоллар бўлганлиги аниқланди.

58-13- моддада Чоризм тузуми даврида ишчилар синфига ва революцион ҳаракатга қарши фаол кураш олиб борган ва фаол ҳаракатда бўлган, масъул ёки махфий (агентура) лавозимларида ишлаган ёки граждандар уруши даврида

аксилінқилобий ҳукуматда бўлганлар ҳам жиноят кодексининг 58-2- моддаси билан жазога тортилиши белгилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, 2- Жаҳон уруши йилларида фашистлар билан ҳамкор бўлганлар, ёки СС легионларида бўлганлар ҳам ана шу модда билан жазоланганлар.

58-14- моддада аксилінқилобий саботаж қилганлар, яъни онгли равишда маълум мажбуриятларни бажаришдан бош тортиб, махсус мақсадларда ҳукумат органларини ва давлат аппарати фаолиятини заифлаштиришга қаратилган хатти-ҳаракат қилганлар мол-мулки мусодара этилиб, камида 1 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси, Ички ишлар халқ комиссарлиги унинг жойлардаги бошқармаларида тузилган «учлик»лар, жойлардаги суд органлари сиёсий қатағон механизмини юритганда ана шу юқоридаги РСФСР ва Иттифокчи республикалар жиноят кодексларининг «Давлат жиноятчилари» бобидаги 58- моддаси асосида иш юритганлар, маҳбуслар устидан айблов ҳукмларини чиқарганлар.

1938 йил октябрида Тошкентда ўз ишини олиб борган СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр йиғилишлари ана шу жиноят кодексининг 58- моддаси асосида иш кўрганлар.

Ҳарбий коллегиянинг бутун судлов йиғилиши, ҳукм чиқариш ва уни эълон қилиш жараёни бор-йўғи 15–20 дақиқада амалга оширилган. Ҳатто, СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси телеграф орқали ҳукм тайинлашгача бориб етган. Масалан, СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг собиқ аъзоси, ҳозирда захирадаги генерал-майор Никитиченко Узоқ Шарқда Ҳарбий коллегиянинг сайёр сессиясини бошқарган, айбланувчилар ва улар ҳақидаги айблов хулосаларни кўрмасдан телеграф орқали 102 маҳбус устидан ҳукм чиқарган. Қолмишига у Узоқ Шарқда НКВД органларининг маҳбуслар ҳақидаги тергов, айблов ҳужжатларини оммавий равишда сохталаштиришини очиб ва бу ишни янада авж олишига кўмаклашган².

Тадқиқотчи В.И.Кудрявцев ва А.И.Трусовлар келтирган маълумотда Ҳарбий коллегия фақат 1937–1938 йилларда

¹ *Лысков Дмитрий*. Запретная правда о «Сталинский репрессиях», «Дети Арбата» Лгут!. «ЯУЗА-ПРЕСС». Москва. 2012. стр. 16–26.

² Реабилитация: Как это было: документы Президиума ЦК КПСС и другие материалы: в 3 т. М., 2000. Т.1: Март 1953 – февраль 1956. С. 341–344.

39167 кишини суд қилгани айтилган¹. Кимнинг раҳбарлиги остида ана шундай судлов зўравонлиги, ўзбошимчалиги амалга оширилган, деган саволга ўша даврнинг Адлия тизими арбобларидан бири В.В.Ульрихнинг 1938 йил 2 апрелда Сталинга ёзган хатида жавоб берилган: Ҳарбий коллегия СССР Олий судининг формал таркибий қисмларидан бири сифатида мустақил муассаса, у юқори директив органларнинг бевосита раҳбарлиги остида Ватанга хоинлик қилган, террорчилик актларини тайёрлаган, такомиллаштирган, жосуслик ва кўпоровчилик қилганлар тўғрисидаги ишлар бўйича судлов амалиётини олиб борган².

РСФСР СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси – СССР, РСФСР Олий Суди органи бўлиб, у армия ва флотнинг таркиби олий раҳбарлик қилувчиларга нисбатан ўта муҳим, шунингдек, ватанга хоинликда ва аксилинқилобий фаолиятда айбланувчилар ишини кўриб чиққан. Шунингдек, ҳарбий трибуналлар ишини ҳам назорат қилиб турган. 1926 йилдан 1948 йилгача ҳарбий коллегиянинг доимий, муттасил, ўзгармайдиган раҳбари армия ҳарбий юристи, кейинчалик юстиция генерал-полковниги В.В.Ульрих бўлган.

Ҳарбий коллегия СССРнинг олий суд органи бўлиб, 1936 йил 1 октябридан 1938 йил 30 сентябригача 3051 кишини отувга, 5643 кишини мамлакатнинг 60 та шаҳарларидаги қамоқхоналарига 8–15 йил муддатлар билан ҳукм этган.

1937–1938 йилларда қатағон йиллари Ҳарбий коллегия совет номенклатураси вакиллари – ҳарбийларни, муҳандисларни, олимларни, маданият ва санъат арбобларини, НКВД ходимларини суд қилган. Олий суд ҳарбий коллегияси маълум бўлган ибратли суд жараёни бўйича суд қилган.

1938 йил мартадаги СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси Бухарин-Риков ишларини (улар билан бирга Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, И.А.Зеленскийларнинг ишларини ҳам кўрган).

«Катта террор» йилларида СССР Олий суди ҳарбий коллегияси раиси В.В.Ульрих раислигида, унинг ўринбосарлари И.О.Матулаевич – корпус ҳарбий юристи, И.Т.Ни-

¹ Кудрявцев В.Н., Трусев А.Н. Политическая юстиция в СССР. М. 2000, стр 267.

² Ўша муаллифлар, ўша асар. Стр. 114.

китиченко – дивизия ҳарбий юристи раислигида ўтказилган. Ҳарбий коллегиянинг 34 аъзоси ва 4 нафар котиби бўлган. Ҳарбий коллегия аъзоси бригада ҳарбий юристи Г.А.Алексеев 1938 йил октябрида Тошкентда ўтказилган СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессияси йиғилишларига раислик қилган.¹

Москвада Олий жазога ҳукм этилганлар ҳукм чиқарилган куниёқ Олий Суд ҳарбий коллегияси биносида отилган. Бу бино Москва шаҳридаги Никольский кўчаси 23-уй, 1935 йилдан эса Октябрнинг 25 йиллиги кўчасида жойлашган.

Отувлар Москвада НКВД комендантлари В.М.Блохин, Тошкентда ЎзССР НКВД комендантлари, давлат хавфсизлиги катта лейтенантлари Шишкин раҳбарлигида ташкил қилинган. Тошкентдаги отувлар ишчи-деҳқон қизил армияси Бош прокурорининг ёрдамчиси, I-рангдаги ҳарбий юрист Шульцан кузатувида ўтказилган.²

Олий суд ҳарбий коллегиясининг 1937–1938 йиллардаги ҳукмлар тақдим қилинган рўйхатларга мувофиқ равишда чиқарилган. Бу рўйхатлар НКВД органлари томонидан тузилган бўлиб, СССРнинг Олий раҳбарияти томонидан имзоланган. Рўйхатлар Олий суд ҳарбий коллегияси (ОСХК) кўриб чиқиши лозим бўлган шахслар саноғидан иборат бўлиб ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси бўйича И.В.Сталин ва унинг яқин сафдошларининг санкцияси қўйилган, унда жазонинг ҳар хил чоралари, аксарияти отув жазоси белгилари қўйилган. Рўйхатлардаги шахслар категорияларга ажратилган. Биринчи категорияга – жазонинг олий чораси, иккинчи категорияга – 10 йилдан 15 йилгача турма қamoғига ёки меҳнат тузатув лагерига (МТЛ) ва учинчи категорияга 5 йилдан 8 йилгача МТЛга ҳукм қилинадиганлар киритилган. Сиёсий бюро аъзолари имзолаган рўйхатлар олий суд ҳарбий коллегиясига берилган.

Суд маросими расмий тартиб чегараси йўқ даражада юзаки ўтказилган, ишлар гувоҳларсиз 5–10 дақиқа муддатда кўриб чиқилган, айрим ҳолатлардагина ярим соатгача чўзилиб кетган. Шу вақт ичида судлардан учтаси «судланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтириб беришлари, айблов хулосаларини ўқиб эшиттириши, айблов моҳиятини

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10 иш, 531–549-варақлар.

² Ўша архив, ўша жой, 539-варақ.

тушунтириши, айбланувчини «содир этган жиноят»га нисбатан муносабатини аниқлаши, унинг кўрсатмаларини ва сўнгги сўзини эшитиши, маслаҳатчи хонада бўлиши, у ерда ҳукми ёзиши, суд йиғилиши залига қайтиб кириши, ҳукми эълон қилиши амалга оширилган. Ўлим ҳукмлари судланувчига эълон қилинмаган, улар ўз тақдирларини бевосита қатл қилиниши олдидангина билиб қолганлар. Рўйхат бўйича суд қилиш механизми Олий суд Ҳарбий коллегияси томонидан 1938 йилдан кейин ҳам қўлланилган. Масалан, 1940 йил 16 январдаги рўйхат бўйича суд йиғилиши ўтказилган.

Урушдан олдинги даврда Марказий Комитет Сиёсий бюроси рўйхати бўйича ҳаммаси бўлиб 30–35 минг киши отилган.

1938 йил октябрида Тошкентда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси йиғилишлари ҳам ана шундай формал, юзаки суратда ўтказилган.

Маълумки, СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги давлат Хавфсизлиги Бошқармаси 8- бўлим бошлиғи, давлат хавфсизлиги катта майори Цесариский имзоси билан сиёсий бюро аъзоларига танишиб чиқиб, тасдиқлаш учун «СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси судида кўриб чиқиладиган шахслар рўйхати Ўзбекистондан биринчи категория бўйича 155 киши, иккинчи категория бўйича 10 киши келтирилган. 1938 йил 28 март санаси қўйилган бу рўйхатга И.В.Сталин, В.М. Молотов, Л.М. Каганович, К.Е.Ворошилов, А.А.Ждановлар имзо чекканлар. Мазкур рўйхат ҳозирда Россия Федерацияси Президенти архивида сақланаётган 383 рўйхатдан биридир. Рўйхатда ўзбекистонлик 165 кишининг фақат исми ва фамилияси кўрсатилган, холос. Ана шу рўйхатдагиларни номма-ном келтираимиз:

- | | |
|--|----------------------------------|
| 1. Абдужабборов Айдарбек | 5. Авазжон Раҳматжон |
| 2. Абдуллаев Карим | 6. Авазжонов Муҳаммаджон |
| 3. Абдурахимов, унинг ўзи Абдурахимхўжаев Муҳаммад, унинг ўзи Муҳаммадали | 7. Агол Шалом Иосович |
| 4. Абубакиров Карим Содиқович | 8. Алимов Комилжон |
| | 9. Алимухаммедов Мусажон |
| | 10. Алоуддинов Исом Хамидович |

- | | | | |
|-----|----------------------------------|-----|---|
| 11. | Андреев Григорий Григориевич | 43. | Исомиддинов Ҳамид |
| 12. | Арслонбеков Исломбек | 44. | Исомухаммедов Иноят |
| 13. | Ортиқов Исроил | 45. | Искандаров Даврон |
| 14. | Отажонов Бобожон | 46. | Исломов Акбар Исломович |
| 15. | Абдуллаев Хайрулла | 47. | Исломов Рустам Исломович |
| 16. | Аҳмедов Акбар Аҳмедович | 48. | Исроилов Нормат |
| 17. | Аҳмадхўжаев Турсун | 49. | Исҳоқов Ғани |
| 18. | Ашрафий – Раҳимова Гулсун | 50. | Эшжонов Мадамин |
| 19. | Ашрафий Хайдар | 51. | Эшонхўжаев Ўсмонхон |
| 20. | Аюпов Аъзам | 52. | Қобулов Орифжон |
| 21. | Бобохўжаев Аббосхўжа | 53. | Қодирий Олимжон Садриддинович |
| 22. | Болтаев Карим | 54. | Қазбеков Темурбек |
| 23. | Болтабоев Содикжон | 55. | Қориев Восит |
| 24. | Береген Курбон Оллоберганович | 56. | Каримов Абдулла |
| 25. | Бицеров Муҳаммаджон Арипович | 57. | Каримов Ғаффор |
| 26. | Бурхонов Назир | 58. | Қосимов Хошим |
| 27. | Гимадиев Зиё Гимадиевич | 59. | Кромов Кивам |
| 28. | Ғуломов Одилқори | 60. | Қирғизов Турғунпўлат Исабоевич |
| 29. | Гуревич Натан Яковлевич | 61. | Кожухов Александр Иванович |
| 30. | Дадабоев Бўтабой | 62. | Кучабо Семён Лаврентьевич |
| 31. | Дадабоев Йўлдош | 63. | Лебедев Дмитрий Алексеевич |
| 32. | Данчик Илья Исаакович | 64. | Логвинов Юрий Николаевич |
| 33. | Девонов Ёқуб Юсупович | 65. | Мамаюсупов Узоқбой |
| 34. | Жаббор Саттор | 66. | Манжара Дмитрий Иванович |
| 35. | Девонов Худойберган | 67. | Мартинов Александр Степанович |
| 36. | Дукельский Иосиф Львович | 68. | Матқул Султон Албекович |
| 37. | Зокиров Боқижон | 69. | Машкофцев Алексей Фёдорович |
| 38. | Зелькина Евгения Львовна | 70. | Мажидий, унинг ўзи Мажидхонова Хайринисо |
| 39. | Иброҳимов Илхом | | |
| 40. | Икромов Карим Қори | | |
| 41. | Иноғамов Раҳим | | |
| 42. | Эрматов Муҳитдин | | |

- | | | | |
|------|------------------------------------|------|--|
| 71. | Мирзажонов Собир | 102. | Саттаров Юнусжон |
| 72. | Мирзараҳматов Мирзакарим | 103. | Саюпов Ёқуб Машкирович |
| 73. | Мирсаидов Сулаймонкул | 104. | Сайфулмулуков Атаулла Садритдинович |
| 74. | Моор Александр Фёдорович | 105. | Сайфулмулуков Аҳмад Камолиддинович |
| 75. | Мўмин Тўлаган | 106. | Сиддиқов Санжар |
| 76. | Мўминов Муҳаммад Иноғамович | 107. | Сорокин Қосим Ибрагимович |
| 77. | Муҳаммедов Солиҳ | 108. | Сукин Александр Тимофеевич |
| 78. | Нариманов Юнус Мусаевич | 109. | Сулаймонов Абдулҳамид Сулаймонович (Чўлпон) |
| 79. | Насриддинов Гулма Шагаевич | 110. | Султонмуродова Мариям |
| 80. | Носиров Расул | 111. | Сўпижонов Бозор |
| 81. | Носирбоев Саттор | 112. | Тожиев Абдулхай |
| 82. | Некрашеевич Владимир Михайлович | 113. | Тожиев Хамдам |
| 83. | Ниёзов Маликжон | 114. | Тарасоф Фёдор Петроевич |
| 84. | Нусратуллаев Омонулла | 115. | Тошмуҳаммедов Абдулла |
| 85. | Одили Муҳаммад | 116. | Турсунов Фаттоҳ |
| 86. | Цехович Лазерь Матеевич | 117. | Турсунхўжаев Мухитдин |
| 87. | Пачанин Пётр Исаевич | 118. | Турсунхўжаев Сайдулла |
| 88. | Пўлатв Абдулла | 119. | Тўрабеков Жўра |
| 89. | Ражабов Шариф | 120. | Ўлмасбоев Нуритдин |
| 90. | Рамазонов Қаюм | 121. | Усмонов Мўмин |
| 91. | Рамзи Маннон Абдуллаевич | 122. | Фитрат Рауф Рахимович |
| 92. | Расулов Аббос | 123. | Хожиев Ғуллом |
| 93. | Расулов Али | 124. | Ҳакимов Муса Хожи |
| 94. | Раҳими Воис Рахимович | 125. | Холмуродов Сайдулла |
| 95. | Раҳими Шоқиржон | 126. | Ҳамидов Мирза Абдулла |
| 96. | Раҳмон Исак Зиньоевич | 127. | Ҳамрақулов Бурхон |
| 97. | Ризаев Ханиф Султонович | 128. | Ҳамитхонов Ғанижон |
| 98. | Рискулов Мирзақул | 129. | Ҳасанов Зоқир |
| 99. | Содиков Ғуллом | 130. | Ҳасанов Муҳаммад Фаттохович |
| 100. | Саидов Зиё | 131. | Хошимов Отажон Хошимович |
| 101. | Саидхонов Аббосхон Абдусаидович | 132. | Хисметов Хикматулло |

- | | |
|-------------------------------------|--------------------------------------|
| 133. Хожиев Бахшулла Жўраевич | 145. Шомирбоев Мирсаид |
| 134. Хўжиев Мирхамид | 146. Шимонович Николай Михайлович |
| 135. Хожиметов Носир | 147. Шерахмедов Фузаил |
| 136. Худойвохидов Анқабой | 148. Шермухаммедов Мирмуслим |
| 137. Худойбердиев Хожимат | 149. Шукуров Холмат |
| 138. Хусанбоев Жума | 150. Эминжонов Бегоутдин |
| 139. Цехер Арон Абрамович | 151. Юсунов Ғози Ғолим |
| 140. Чемякин Григорий Дмитриевич | 152. Юнусов Қудратулло |
| 141. Ша-Абдурасулов Назир | 153. Юсупов Абдувоси |
| 142. Шокиров Олим | 154. Ёкубов Ғулом |
| 143. Шокиров Жўрабой | 155. Ёкубов Содик |
| 144. Шоликеров Назир | |

Иккинчи категория бўйича рўйхатда 10 киши номма-ном келтирилган. Улар қуйидагилардир:

1. Абдуллаев Абдурахмон
2. Болтабоев Тожи
3. Карцев Александр Васильевич
4. Носиров Ўсмон
5. Сайдашев Ходи Рамазонович
6. Холмирзаев Тожимирза
7. Халилов Тожимирза
8. Черняк Григорий Яковлевич
9. Шодиева Тожихон
10. Юнусов Элбек Машрик¹

Рўйхатдагилар устидан қачон ва ким томонидан ҳукм чиқарилгани маълум эмас эди. Биз топган махфий архив ҳужжатларида ана шу 165 нафар юртдошлар СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 4–16 октябрь кунлари Тошкентда бўлган сайёр йиғилишларида жазога тортилгани ақс эттирилган. Бу йиғилишларда 165 нафар эмас, жами 507 нафар ўзбекистонликлар тақдири ҳал этилгани маълум бўлди, яъни юқоридан тасдиқланган ўзбекистонлик 165 маҳбус сафига яна 342 маҳбус киритилган.

Ўша йиллари СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси Москва шаҳри, Октябрнинг 25 йиллиги кўчаси, 23 уйда жойлашган, телефони 2-27-69 бўлган. Қўлимизда СССР

¹ Репрессия 1937–1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. Составители: Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э. Ю. Главная редакция издательско-полиграфическое акционерное компании «Шарк». Ташкент, 2005. стр. 216–223.

Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессияси раиси ҳарбий юрист Алексеевнинг 1938 йил 4 октябрда Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари, давлат хавфсизлиги майори Дереник Захарович Апрессянга йўллаган расмий талабно-маси. Унда 1938 йил 4 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр йиғилиши томонидан 51 маҳбус олий жазога – отувга ҳукм этилгани, ҳукм ижросини зудлик билан таъминлаш талаб қилинган, 51 маҳбус номма-ном келтирилган. Д.З.Апрессян бу хатдаги талабномани ижро этиш вазифасини давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Шишкин зиммасига юклаш ҳақида резолюция қўяди. Ўша кунёқ ҳукм ижро этилиб, бу ҳақда далолатнома тузилган. Унда давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Шишкин, ишчи-деҳқон қизил армияси бош ҳарбий прокурори ёрдамчиси 1-ранг ҳарбий юристи Шульцан иштирокида ҳукм ижро этилгани қайд этилган, қайднома юқоридаги икки шахс томонидан имзоланган¹. Қуйида биз отувга ҳукм этилган ва узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилган юртдошларни номма-ном келтирамиз.

Юқорида қайд этилган Олий Суд Ҳарбий Коллегияси отувга ҳукм қилинган 396 маҳбуснинг 52 нафари 1938 йил 4 октябрда отилган. (Хурматли ўқувчи, айрим ўринлар, ҳукмлар, актлар рус тилида айнан берилди, исм-шарифлар ҳам айнан олинди, шуни тўғри тушунишингизни сўраймиз.)

Совершенно секретно

| | |
|--|---|
| Военная коллегия Верховного суда Союза СССР. | Отп. 1. экз. А.Б. Народному комиссару внутренних дел Узбекской ССР, Майору государственной Безопасности. тов. Апрессяну. |
| 4 октября 1938г. № 00600 Москва, ул. 25 октября Д 23, телефон 2-27-69 | |

Прошу Вашего распоряжения о немедленном приведении в исполнение приговора Выездной сессии Военной Коллегии Верховного суда Союза СССР от 4 - ого октября 1938 года в отношении осужденных к высшей мере уголовного наказания – РАССТРЕЛУ:

Тов. Шишкин. Привести в исполнение Апрессян 4/Х/1938г.

¹ РФ ФХХМА. 7-фонд, 1-рўйхат, 10 иш, 531–539-варақлар.

| | | | |
|----|-----------------------------------|----|----------------------------------|
| 1 | Тожиев Ҳамдам | 28 | Зокиров Боқижон |
| 2 | Ўсмонов Мўмин | 29 | Мўминов Муҳаммад Инағомович |
| 3 | Сорокин Косим Иброхимович | 30 | Исломов Акбар Исломович |
| 4 | Болтабоев Содиқжон | 31 | Хўжаев Мирҳамид |
| 5 | Якубов Ғулом | 32 | Каримов Ғаффор |
| 6 | Эрматов Муҳиддин | 33 | Ҳакимов Муллахўжа |
| 7 | Исломов Рустам Исломович | 34 | Раҳимий Воис Мусажонович |
| 8 | Ризаев Ханиф Султонович | 35 | Охунов Холмуҳаммад |
| 9 | Саид Аббосхон Абдусайдович | 36 | Абдуллаев Хайрулла |
| 10 | Расулов Али | 37 | Атауллаев Хайрулла |
| 11 | Тошмухаммедов Абдулла | 38 | Абдусаттаров Содиқ Шарипович |
| 12 | Болтаев Карим | 39 | Сатторов Хошим Оғаликович |
| 13 | Раджабов Шариф | 40 | Инағомжонов Илхомжон |
| 14 | Абдуллаев Карим | 41 | Маҳмудхўжаев Нуриддин |
| 15 | Мирзажонов Собир | 42 | Турсунхўжаев Садулла |
| 16 | Қосимов Ғофур | 43 | Шарипов Камол |
| 17 | Икромов Карим | 44 | Айдаров Аҳмадбек |
| 18 | Алихўжаев Шомансур | 45 | Хисметов Хикматулла |
| 19 | Раҳимбоев Файзулла | 46 | Девонов Ёқуб Юсупович |
| 20 | Шоабдурасулов Назир | 47 | Берегин Қурбон Оллаберганович |
| 21 | Ўлмасбоев Нуриддин | 48 | Обубакиров Карим Содиқович |
| 22 | Хасанов Муҳаммад Фоттохович | 49 | Файсайзи Ходи Зарипович |
| 23 | Алиев Ислום Содиқович | 50 | Аҳмадбеков Давронбек |
| 24 | Турсунхўжаев Муҳиддин | 51 | Одили Муҳаммад |
| 25 | Қирғизов Турғунбўлат Исабоевич | 52 | Аҳмедов Акбар |
| 26 | Эшонхўжаев Ўсмонхон | | |
| 27 | Ходиев Ғулом | | |

АКТ

1938 года 4- октября 4 дня мы нижеподписавшиеся ст. лейтенант государственной Безопасности т. Шишкин в присутствии Пом. Главного Военного Прокурора РККА Военного юриста 1 –ранга т. Шульцан, привел в исполнение приговор над (52) пятьдесят двумя осужденным к расстрелу перечисленными настоящим подписали:

Ст. лейтенант гос Безопасности (Шишкин)
Пом. главного Военного прокурора РККА
Военный юриста 1-ранга (Шульцан)

СССР Олий Суди сайёр ҳарбий коллегияси раиси 1938 йил 5 октябрда Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ комиссари, давлат хавфсизлиги майори Д.З. Апрессянга йўллаган 00601 сонли фармойишида 1938 йил 5 октябрда ҳарбий коллегиянинг сайёр сессиясида олий жазо – отувга ҳукм этилганлар ҳақидаги ҳукми зудлик билан ижросини таъминлаш тўғрисида фармойиш беради.

Совершенно секретно

| | |
|--|---|
| Военная коллегия Верховного суда Союза СССР. | Отп. 1. экз. А.Б. Народному комиссару внутренних дел Узбекской ССР, Майору государственной Безопасности. тов. Апрессяну. |
| 5 октября 1938г. № 00601 Москва, ул. 25 октября Д 23, телефон 2-27-69 | |

Прошу Вашего распоряжения о немедленном приведении в исполнение приговора Выездной сессии Военной Коллегии Верховного суда Союза СССР от 5- ого октября 1938 года в отношении осужденных к высшей мере уголовного наказания – РАССТРЕЛУ:

Тов. Шишкин.
Привести в исполнение Апрессян 5/Х/1938г.

| | | | |
|----|-----------------------------|----|---|
| 1 | Дадабоев Бўтабой | 19 | Сулаймонов Абдулҳамид Сулаймонович (Чўлпон) |
| 2 | Исамухаммедов Иноят | 20 | Қориев Восит |
| 3 | Муҳаммедов Восиқ Шукурович | 21 | Худойбахитов Анқабай |
| 4 | Юнусов Қудратулла | 22 | Рахимий Шокиржон |
| 5 | Инағомов Раҳим | 23 | Гимадиев Зиё Гимадиевич |
| 6 | Шокиров Олим | 24 | Хошимов Отажон Хошимович |
| 7 | Шаликеров Назир | 25 | Саидов Зиё |
| 8 | Исжонов Мадамин | 26 | Мусаев Шохиджон |
| 9 | Девонов Худойберган | 27 | Ашраф Хайдар |
| 10 | Отажонов Бобожон | 28 | Қодиров Мажит |
| 11 | Искандаров Даврон | 29 | Артиқов Исроил |
| 12 | Инаятов Нарзулла | 30 | Шуригин Федор Василович |
| 13 | Аюпов Аъзам | 31 | Пеховича Лазер Матвеевич |
| 14 | Фитрат Рауф Рахимович | 32 | Тарасова Федора Петровича |
| 15 | Қодирий Абдулла (Жулкунбай) | 33 | Иброхимов Аҳмад |
| 16 | Салихов Миён Бузрук | 34 | Иноят Хидоят |
| 17 | Рамазонов Қаюм | 35 | Лебедев Дмитрий Алексеевич |
| 18 | Юнусов Ғози Олим | 36 | Икромов Исхок |

АКТ

1938 года 5- октября 4 дня мы нижеподписавшиеся ст. лейтенант государственной Безопасности т. Шишкин

в присутствии Пом. Главного Военного Прокурора РККА Военного юриста 1 –ранга т. Шульцан, привел в исполнение приговор над (36) тридцать шестью осужденным к расстрелу перечисленными настоящим подписали:

Ст. лейтенант гос Безопасности (Шишкин)
Пом. главного Военного прокурора РККА
Военный юриста 1-ранга (Шульцан)

Ҳарбий коллегия сайёр сессияси раисининг 1938 йил 7 октябрдаги 00603 сонли фармойишига асосланиб ЎзССР Ички Ишлар Халқ комиссари Д.З. Апрессян давлат хавфсизлик катта лейтенанти Шишкин, ишчи-деҳқон қизил армияси Бош ҳарбий прокурори ёрдамчиси, биринчи рангдаги ҳарбий ҳуқуқшунос Шульцанга зудлик билан ўлим жазосига ҳукм қилинган 39 нафар маҳбусни отишни ташкиллаш вазифаси топширилади. Вазифа шу куниёқ бажарилади.

Совершенно секретно

| | |
|------------------------|---------------------------------------|
| Военная коллегия | Отп. 1. экз. А.Б. |
| Верховного суда | Народному комиссару внутренних дел |
| Союза СССР. | Узбекской ССР, Майору государственной |
| 7 октября 1938г. | Безопасности. тов. Апрессяну. |
| № 00603 | |
| Москва, ул. 25 октября | |
| Д 23, телефон 2-27-69 | |

Прошу Вашего распоряжения о немедленном приведении в исполнение приговора Выездной сессии Военной Коллегии Верховного суда Союза СССР от 7- ого октября 1938 года в отношении осужденных к высшей мере уголовного наказания – РАССТРЕЛУ:

Тов. Шишкин.
Привести в исполнение Апрессян 7/Х/1938г.

| | | | |
|----|--|----|----------------------------------|
| 1 | Моор Александр Федорович | 21 | Невский Павел Александрович |
| 2 | Гуриевич Натан Яковлевич | 22 | Коссинский Станислав Генрихович |
| 3 | Кожухов Александр Иванович | 23 | Поляков Константин Николаевич |
| 4 | Бабров Зиновья Михайлович | 24 | Мирзоян Каро Михайлович |
| 5 | Бисеров Мухаммаджон Арипович | 25 | Арне- Нерсисян Аром Богданович |
| 6 | Агол Шолон Иософивич | 26 | Ованесян Каро Григоревич |
| 7 | Манжара Дмитрий Иванович | 27 | Ахматов Борис Викторович |
| 8 | Кац Моисей Исакович | 28 | Добририн Александр Александрович |
| 9 | Кучаго Семен Лавреньтевич | 29 | Петров Владимир Федорович |
| 10 | Цачикян – Чамичян Гегорг Петрович | 30 | Морозов Борис Евгеньевич |
| 11 | Карташев Степанянс Мартирос Артъемович | 31 | Некрашевич Владимир Михайлович |
| 12 | Исроилов Арслон Огажонович | 32 | Логвинов Юрий Николаевич |
| 13 | Бобоев Ефрем Павлович | 33 | Чемякин Григорий Дмитриевич |
| 14 | Давидян Арменака Осипович | 34 | Машкофцев Алексей Федорович |
| 15 | Сукин Александр Тимофеевич | 35 | Яроцкий Василий Яковлевич |
| 16 | Чернов Владимир Георгиевич | 36 | Лионов Иван Лионтович |
| 17 | Новокрешенов Александр Степанович | 37 | Косилсий Генгрил |
| 18 | Зелькина Евгения Львовна | 38 | Авенбург Лев Александрович |
| 19 | Данчик Иля Исакович | 39 | Гарин Василий Василевич |
| 20 | Сольцев Глеб Дмитриевич | | |

АКТ

1938 года 7- октября 4 дня мы нижеподписавшиеся ст. лейтенант государственной Безопасности т. Шишкин в присутствии Пом. Главного Военного Прокурора РККА Военного юриста 1 –ранга т. Шульцан, привел в исполнение приговор над (39) тридцать девятым осужденным к расстрелу перечисленными настоящим подписали:

Ст. лейтенант гос Безопасности (Шишкин)
Пом. главного Военного прокурора РККА
Военный юриста 1-ранга (Шульцан)

Ҳарбий коллегиянинг 1938 йил 8 октябридаги йиғилишида 40 маҳбус отувга ҳукм қилинади ва ҳукм ўша куниёқ ижро этилади.

Совершенно секретн

| | |
|--|--|
| Военная коллегия Верховного суда Союза СССР. | Отп. 1. экз. А.Б. Народному комиссару внутренних дел Узбекской ССР, Майору государственной |
| 8 октября 1938г. № 00604 Москва, ул. 25 октября Д 23, телефон 2-27-69 | Безопасности. тов. Апрессяну. |

Прошу Вашего распоряжения о немедленном приведении в исполнение приговора Выездной сессии Военной Коллегии Верховного суда Союза СССР от 8- ого октября 1938 года в отношении осужденных к высшей мере уголовного наказания – РАССТРЕЛУ:

Тов. Шишкин.
Привести в исполнение Апрессян 8/Х/1938г.

| | | | |
|----|--|----|------------------------------|
| 1 | Курковский Юрий- Георгий Михайлович | 21 | Ниёзов Маликжон |
| 2 | Маер Федосий Андреевич (унинг ўзи Маер Анатоли) | 22 | Хасанов Зокир |
| 3 | Лаврентов Александр Георгиевич | 23 | Агаев Зиёд |
| 4 | Гладилов Николай Михайлович | 24 | Охунбеков Машраб |
| 5 | Пислегин Степан Федорович | 25 | Сиддиқов Санжар |
| 6 | Титов Виктор Владимирович | 26 | Казбеков Темурбек |
| 7 | Плетнев Евгений Павлович | 27 | Носиров Расул |
| 8 | Гринев (Гринь) Александр (Фано) Корнеевич | 28 | Абдуҷабборов Айдарбек |
| 9 | Шульман Владимир Федорович | 29 | Мирсаидов Сулаймонқул |
| 10 | Бессонов Борис Иванович | 30 | Турсунов Фаттоҳ |
| 11 | Лавров Евгений Михайлович | 31 | Хусанбоев Жума |
| 12 | Гафис Михаил Григорович | 32 | Алоуддинов Исом Гамитович |
| 13 | Стародубцев-Степняк Константин Павлович | 33 | Каримов Хаким |
| 14 | Родионов Михаил Михайлович | 34 | Бобоҳўжаев Аббосҳўжа |
| 15 | Титов Винкенти Александрович | 35 | Арслонбеков Ислонбек |
| 16 | Ерусланов Витали Петрович | 36 | Алимов Комилжон |
| 17 | Тўрабеков Жўра | 37 | Иброҳимов Илхом, 977354 |
| 18 | Чепрунов Борис Васильевич | 38 | Исроилов Нормат |
| 19 | Мирзарахматов Мирза Карим | 39 | Бурхонов Назир |
| 20 | Мамаюсупов Узокбой | 40 | Ниёзов Абдусамат |

АКТ

1938 года 8- октября 8-20 дня мы нижеподписавшиеся ст. лейтенант государственной Безопасности т. Шишкин в присутствии Пом. Главного Военного Прокурора РККА Военного юриста 1 –ранга т. Шульцан, привел в исполнение приговор над (40) сорока человек осужденным к расстрелу перечисленными настоящим подписали:

Ст. лейтенант гос Безопасности (Шишкин)
Пом. главного Военного прокурора РККА
Военный юриста 1-ранга (Шульцан)

Ҳарбий коллегиянинг 1938 йил 9 октябридаги сайёр йиғилишида отува ҳукм этилган 42 нафар махбус ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги комендант, Давлат хавфсизлик хизмати катта лейтенанти Шишкин ва биринчи рангдаги Бош ҳарбий прокурор ёрдамчиси Шульцанлар иштирокида отилган.

Совершенно секретно

| | |
|--|---|
| Военная коллегия Верховного суда Союза СССР. | Отп. 1. экз. А.Б. Народному комиссару внутренних дел Узбекской ССР, Майору государственной Безопасности. тов. Апрессяну. |
| 9 октября 1938г. № 00605 Москва, ул. 25 октября Д 23, телефон 2-27-69 | |

Прошу Вашего распоряжения о немедленном приведении в исполнение приговора Выездной сессии Военной Коллегии Верховного суда Союза СССР от 9- ого октября 1938 года в отношении осужденных к высшей мере уголовного наказания – РАССТРЕЛУ:

Тов. Шишкин.
Привести в исполнение Апрессян 9/Х/1938г.

| | | | |
|----|--------------------------------------|----|---------------------------------|
| 1 | Эминжонов Бахоуддин | 22 | Жданов Владимир Савелович |
| 2 | Жаббор Саттор | 23 | Исмоилов Зухур Искандарович |
| 3 | Шираҳмедов Фуазайил | 24 | Радзивилов Федор Павлович |
| 4 | Мўмин Тўлаган | 25 | Абдурахмонов Иса Илёсович |
| 5 | Насратуллаев Омонулло | 26 | Гусаинов Хусаин Расулович |
| 6 | Киромов Қуван | 27 | Салимов Иброҳим Салимович |
| 7 | Матқул Султон Алибекович | 28 | Қосимов Хаким |
| 8 | Шираҳмедов Насриддин | 29 | Анискеевич Павел Павлович |
| 9 | Авазжонов Раҳмаджон | 30 | Даудов Иброҳим Хасанович |
| 10 | Ашрафий – Раҳимова Гулсун | 31 | Дукельский Иосиф Львович |
| 11 | Насриддинов Гилми Шагаевич | 32 | Жанкол Николай Николаевич |
| 12 | Қодирий Олимжон | 33 | Худяков Гиоргий Иванович |
| 13 | Мажидий – Мажидова Хайринисо | 34 | Бутмин Матвей Львович |
| 14 | Муҳаммедов Солиҳ | 35 | Билик Давид Рувимович |
| 15 | Пўлатов Абдулла | 36 | Шуманович Николай Михайлович |
| 16 | Сайфульмуликов Отаулла Садриддинович | 37 | Андреев Григорий Георгиевич |
| 17 | Авазжонов Муҳаммад | 38 | Мартинов Александр Степанович |
| 18 | Зарипов Карим | 39 | Барнуковский Алексей Михайлович |
| 19 | Вейде Павел Иванович | 40 | Регурецкий Иван Михайлович |
| 20 | Маматзода Ноги | 41 | Самоделькин Николай Иванович |
| 21 | Мўминов Инағом | 42 | Кореев Александр Иванович |

АКТ

1938 года 9- октября 9-20 дня мы нижеподписавшиеся ст. лейтенант государственной Безопасности т. Шишкин в присутствии Пом. Главного Военного Прокурора РККА Военного юриста 1 –ранга т. Шульцан, привел в исполнение приговор над (42) сорока двумя осужденным к расстрелу перечисленными настоящим подписали:

Ст. лейтенант гос Безопасности (Шишкин)
Пом. главного Военного прокурора РККА
Военный юриста 1-ранга (Шульцан)

СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 10 октябрдаги сайёр йиғилишида 33 маҳбусни отувга ҳукм қилинади, ҳукм шу қуни ижро этилади.

Совершенно секретно

| | |
|---|---|
| Военная коллегия Верховного суда Союза СССР. | Отп. 1. экз. А.Б. Народному комиссару внутрен- них дел Узбекской ССР, Майору госу- дарственной Безопасности. тов. Апрессяну. |
| 10 октября 1938г. № 00606 Москва, ул. 25 октября Д 23, телефон 2-27-69 | |

Прошу Вашего распоряжения о немедленном привидении в исполнение приговора Выездной сессии Военной Коллегии Верховного суда Союза СССР от 10- ого октября 1938 года в отношении осужденных к высшей мере уголовного наказания – РАССТРЕЛУ:

Тов. Шишкин.
Привести в исполнение Апрессян 10/Х/1938г.

| | | | |
|----|--|----|-------------------------------------|
| 1 | Прупис Лев Аброрович | 18 | Алиев Мамадали |
| 2 | Миршаропов Миркомил | 19 | Эгамбердиев Дадажон |
| 3 | Йўлдошев Ботир | 20 | Ўмаралиев Акбар Хайдарович |
| 4 | Ҳамракулов Бурхон | 21 | Рискулов Мирзакул |
| 5 | Шомирзаев Мирсаид | 22 | Меркулов Дмитрий Васильевич |
| 6 | Муфтазамдов Аҳад | 23 | Мухитдинов Хусаин Акмалиддинович |
| 7 | Толипов Комилжон | 24 | Разумовский Венямин Натанович |
| 8 | Азизов Тошканбой | 25 | Заварзен Сергей Николаевич |
| 9 | Абдуллаев Абдужалил Мирбоевич | 26 | Веселов Юрий Александрович |
| 10 | Ёкубов Содик | 27 | Богдасаров Александр Артъемевич |
| 11 | Наримонов Юнус Мусаевич | 28 | Образов Александр Иванович |
| 12 | Исомиддинов Ҳамид | 29 | Польюдов Василий Федорович |
| 13 | Абдурахимов – Абдурахим, Хўжаев Муҳаммад | 30 | Стрельцов Петр Евдокимович |
| 14 | Шукуров Холмат | 31 | Риков Николай Иванович |
| 15 | Дадабоев Йўлдаш | 32 | Исаев Николай Афанасьевич |
| 16 | Шокиров Жўрабой | 33 | Песахов Захар Абрамович |
| 17 | Отаев Сулаймон | | |

АКТ

1938 года 10- октября 11 дня мы нижеподписавшиеся ст. лейтенант государственной Безопасности т. Шишкин в присутствии Пом. Главного Военного Прокурора РККА Военного юриста 1 -ранга т. Шульцан, привел в исполнение приговор над (33) тридцатью тремя осужденным к расстрелу перечисленными настоящим подписали:

Ст. лейтенант гос Безопасности (Шишкин)
Пом. главного Военного прокурора РККА
Военный юриста 1-ранга (Шульцан)

Ҳарбий коллегиянинг 1938 йил 11 октябрдаги сайёр йиғилиши 26 маҳбусни олий жазога ҳукм қилди. Ҳукм шу куниёқ ижро этилган.

Совершенно секретно

| | |
|---|--|
| Военная коллегия Верховного суда Союза СССР. | Отп. 1. экз. Народному комиссару внутренних дел Узбекской ССР, Майору государственной Безопасности. тов. Апрессяну. |
| 11 октября 1938г. № 00607 Москва, ул. 25 октября Д 23, телефон 2-27-69 | |

Прошу Вашего распоряжения о немедленном приведении в исполнение приговора Выездной сессии Военной Коллегии Верховного суда Союза СССР от 11- ого октября 1938 года в отношении осужденных к высшей мере уголовного наказания – РАССТРЕЛУ:

Тов. Шишкин.
Привести в исполнение Апрессян
11/X/1938г.

| | | | |
|----|--------------------------------|----|-----------------------------|
| 1 | Сумочкин Евгений Александрович | 14 | Баль Нил Михайлович |
| 2 | Лисухин Иван Яковлевич | 15 | Григорьев Сергей Анисимович |
| 3 | Катеринчун Василий Петрович | 16 | Романишин Дмитрий Фомич |
| 4 | Марченко Павел Афанасьевич | 17 | Маренко Емильян Андреевич |
| 5 | Прокофьев Захар Георгиевич | 18 | Окунев Григорий Ефимович |
| 6 | Кабаненко Александр Георгиевич | 19 | Прокопович Павел Николаевич |
| 7 | Труш Лионти Ефимович | 20 | Шофмен Иосиф Михайлович |
| 8 | Левкин Василий Михеевич | 21 | Шмаль Сергей Львович |
| 9 | Аврамов Михаил Игнатович | 22 | Солдатов Семен Ильич |
| 10 | Немцович Александр Каземирович | 23 | Бабак Михаил Антономович |
| 11 | Синицы Василий Иванович | 24 | Поляков Иван Михайлович |
| 12 | Рафальзук Михаил Михайлович | 25 | Данилов Иван Михайлович |
| 13 | Донгоузер Михаил Иосефович | 26 | Бетехтин Петр Яковлевич |

АКТ

1938 года 11-октября 9 дня мы нижеподписавшиеся ст. лейтенант государственной Безопасности т. Шишкин в присутствии Пом. Главного Военного Прокурора РККА Военного юриста 1 –ранга т. Шульцан, привел в исполнение приговор над (26) двадцатью шестью осужденным к расстрелу перечисленными настоящим подписали:

Ст. лейтенант гос Безопасности (Шишкин)
Пом. главного Военного прокурора РККА
Военный юриста 1-ранга (Шульцан)

Ҳарбий коллегиянинг 1938 йил 13 октябрдаги сайёр йиғилишида 42 нафар маҳбус устидан отув ҳукми чиқарилди, ҳукм ўша куннинг ўзида ижро этилди.

Совершенно секретно

Военная коллегия

Отп. 1. экз. А.Б.

Верховного суда

Союза СССР.

13 октября 1938г.

№ 00608

Москва, ул. 25 октября

Д 23, телефон 2-27-69

Народному комиссару внутренних дел

Узбекской ССР, Майору государственной

Безопасности. тов. Апрессяну.

Прошу Вашего распоряжения о немедленном приведении в исполнение приговора Выездной сессии Военной Коллегии Верховного суда Союза СССР от 13-ого октября 1938 года в отношении осужденных к высшей мере уголовного наказания – РАССТРЕЛУ:

Тов. Шишкин.

Привести в исполнение Апрессян 13/Х/1938г.

| | | | |
|----|-------------------------|----|------------------------------------|
| 1 | Бекиметов Уста Ниёз | 22 | Жахсимуродов Манбет |
| 2 | Нуржонов Сапарбой | 23 | Зохира – Сафсенбаев Жоудир |
| 3 | Хожиматов Носир | 24 | Турижонов – Егизбараев Ниёхғали |
| 4 | Азизов Аҳад | 25 | Авезов Қосим |
| 5 | Раджабов Хамракул | 26 | Куленов Ойналхот |
| 6 | Аҳмаджонов Жалол | 27 | Хакимниёзов Реджеп |
| 7 | Сатгаров Зоки Қиёмович | 28 | Ёкубов Хабиб |
| 8 | Бекбаулов Исматулла | 29 | Квачев Григорий Федорович |
| 9 | Ибниаминов Миндихўжа | 30 | Қличев Субар |
| 10 | Сулеев Билол | 31 | Динманов Ўразинбет |
| 11 | Эшинбетов Давлатёр | 32 | Абдалов Бекбумат |
| 12 | Низомиддинов Турдимурод | 33 | Темирхонов Холмурод |
| 13 | Нурмухаммедов Қўплеу | 34 | Содиқов Собиржон |
| 14 | Шохмуродов Қорамон | 35 | Саидрасулов Бадриддин |
| 15 | Қудабоев Абу Ержонович | 36 | Бажонов Ҳолимулла |
| 16 | Тўраев Пиримбет | 37 | Бекмуродов Айтжон |
| 17 | Айтешов Алланиёз | 38 | Мусаев Давлат |
| 18 | Тоуманов Туркманбай | 39 | Авезов Қурбанбай |
| 19 | Ташенов Андер | 40 | Оллоберганов Қозокбой |
| 20 | Турев Сеид | 41 | Пирназаров Оллоназар |
| 21 | Умаров Султон | 42 | Кимбоев Рашид |

АКТ

1938 года 13- октября 9-30 дня мы нижеподписавшиеся ст. лейтенант государственной Безопасности т. Шишкин в присутствии Пом. Главного Военного Прокурора РККА Военного юриста 1 –ранга т. Шульцан, привел в исполнение приговор над (42) сорока двумя осужденным к расстрелу перечисленными настоящим подписали:

Ст. лейтенант гос Безопасности (Шишкин)
Пом. главного Военного прокурора РККА
Военный юриста 1-ранга (Шульцан)

Ҳарбий коллегия ўзининг 1938 йил 14 октябрдаги сайёри йиғилишида 36 нафар маҳбусни отувга ҳукм қилди. Бу ҳукм ўша куннинг ўзида ижро этилди.

Совершенно секретно

| | |
|---|---|
| Военная коллегия Верховного суда Союза СССР. | Отп. 1. экз. А.Б. Народному комиссару внутренних дел Узбекской ССР, Майору государственной Безопасности. тов. Апрессяну. |
| 14 октября 1938г. № 00609 Москва, ул. 25 октября Д 23, телефон 2-27-69 | |

Прошу Вашего распоряжения о немедленном приведении в исполнение приговора Выездной сессии Военной Коллегии Верховного суда Союза СССР от 14- ого октября 1938 года в отношении осужденных к высшей мере уголовного наказания – РАССТРЕЛУ:

Тов. Шишкин.
Привести в исполнение Апрессян 14/Х/1938г.

| | | | |
|----|----------------------|----|-------------------------------------|
| 1 | Мадраҳимов Маҳмуд | 19 | Оллохбердиев Арзанда Андриосович |
| 2 | Рўзибоев Убайдулла | 20 | Абдукаюмов Дехқонбой |
| 3 | Ҳамдамов Узоқбой | 21 | Остонов Ғофур |
| 4 | Ғуломов Одилқори | 22 | Расулов Аббос |
| 5 | Шодиев Ёшузоқ | 23 | Мирсодиров Мелибой |
| 6 | Муродов Хожи | 24 | Муҳаммедов Рауф |
| 7 | Юнусов Умар | 25 | Икромов Махсум |
| 8 | Болтаев Усмон | 26 | Қобулов Абдуллажон |
| 9 | Аҳмадхўжаев Турсун | 27 | Ҳамрабоев Али |
| 10 | Юсупов Абдувосит | 28 | Абудаваҳобхўжаев Абдукарим |
| 11 | Қобулов Орифжон | 29 | Григорьянс Артъем Николаевич |
| 12 | Ҳамидов Мирзаабдулла | 30 | Сўпижонов Бозор |
| 13 | Нуриддинов Эргаш | 31 | Зараев Исмоил |
| 14 | Иномов Солижон | 32 | Қудратов Иноят |
| 15 | Хонтўраев Онарбой | 33 | Ботиров Қарши |
| 16 | Тўрабоев Абдуғофур | 34 | Аҳмедов Қорипўлат |
| 17 | Ақромов Ғулом | 35 | Муҳаммедов Соҳиб |
| 18 | Юнусов Юсуф | 36 | Рамазонов Ҳамро |

АКТ

1938 года октября 14 дня, мы нижеподписавшиеся ст. лейтенант государственной Безопасности т. Шишкин в присутствии Пом. Главного Военного Прокурора РККА Военного юриста 1 –ранга т. Шульцан, привел в исполнение приговор над (36) тридцать шестью осужденным к расстрелу перечисленными настоящим подписали:

Ст. лейтенант гос Безопасности (Шишкин)
Пом. главного Военного прокурора РККА
Военный юриста 1-ранга (Шульцан)

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг раиси генерал Алексеевнинг 1938 йил 15 октябрдаги 00610 сонли хатида ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари Д.З.Апрессяндан ўша 15 октябрда 25 нафар маҳбус устидан чиқарилган отув ҳақидаги ҳукми зудлик билан ижросини таъминлаш талаб этилган. Бунга мувофиқ Д.З.Апрессян ко-

мендант Шишкинга жазони ижро этишликни топширади. Бу вазифани Шишкин биринчи рангдаги Бош ҳарбий прокурори ёрдамчиси Шульцан иштирокида бажаради.

Совершенно секретно

Военная коллегия
Верховного суда

Союза СССР.

15 октября 1938г
№ 00610

Москва, ул. 25 октября
Д 23, телефон 2-27-69

Отп. 1. экз. А.Б.

Народному комиссару внутрен-
них дел

Узбекской ССР, Майору госу-
дарственной

Безопасности. тов. Апрессяну.

Прошу Вашего распоряжения о немедленном привидении в исполнение приговора Выездной сессии Военной Коллегии Верховного суда Союза СССР от 15- ого октября 1938 года в отношении осужденных к высшей мере уголовного наказания – РАССТРЕЛУ:

Тов. Шишкин.

Привести в исполнение Апрессян 15/Х/1938г.

| | | | |
|----|--------------------------------|----|-----------------------------------|
| 1 | Мухаммадрахимов Ашурбой | 14 | Саматов Жалол |
| 2 | Бобонов Синдор | 15 | Хожимуродов Олмон |
| 3 | Қобилов Тўхта | 16 | Жданов Гумер Гимадиевич |
| 4 | Рахмонов Мулларўзи | 17 | Камолов Сайфулло |
| 5 | Чўлиев Ҳоликул | 18 | Кўчқаров Немат |
| 6 | Хасанов Инағом | 19 | Мўминов Дамин |
| 7 | Матниёзов Жуманиёз | 20 | Эгамбердиев Яхъё |
| 8 | Соибназаров Санокул | 21 | Шодивалиев Боре |
| 9 | Алиев Боймирза | 22 | Ўтешев Абдурахмон Ахмаджонович |
| 10 | Мухаммадқулов Тангрикул | 23 | Назруллаев Абдурашид (Рашид) |
| 11 | Абдурашитов Усмон Аксанович | 24 | Орипов Рисқи |
| 12 | Рахимбоев Рахмат | 25 | Смехов Николай Промолович |
| 13 | Даминов Латиф | | |

АКТ

1938 года октября 15 дня, мы нижеподписавшиеся ст. лейтенант государственной Безопасности т. Шишкин в присутствии Пом. Главного Военного Прокурора РККА Военного юриста 1 –ранга т. Шульцан, привел в исполнение приговор над (25) дватцатью пятью осужденным к расстрелу перечисленными настоящим подписали:

Ст. лейтенант гос Безопасности (Шишкин)
Пом. главного Военного прокурора РККА
Военный юриста 1-ранга (Шульцан)

Ҳарбий коллегиянинг 1938 йил 4–15 октябрь кунларидаги йиғилишларида қатағон қилишнинг иккинчи тоифаси бўйича 70 маҳбус 10–15 йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм этилган. Уларни номма-ном келтирамыз:

| | | | |
|----|--|----|--|
| 1 | Абдуллаев Оллакул (10 йил) | 12 | Болтабоев Тожи (15 йил) |
| 2 | Абдураззақов Аҳмад (15 йил) | 13 | Ғайбуллаев Карим (10 йил) |
| 3 | Абдурахмонов Хабиб (10 йил) | 14 | Грудкин Алексей Федорович (10 йил) |
| 4 | Абдуллаев Абдурахмон (10 йил) | 15 | Дадаян Исроил Акопович (10 йил) |
| 5 | Азорин Николай Федотович (10 йил, биринчи тоифадан олиб ўтилган) | 16 | Даль-Жандарисов Сергей Алексеевич (10 йил) |
| 6 | Аллабоев Эгам (15 йил, биринчи тоифадан олиб ўтилган) | 17 | Жумаев Карим (10 йил) |
| 7 | Аҳмедов Оллоберган (12 йил, биринчи тоифадан олиб ўтилган) | 18 | Жуманов Олмос (10 йил биринчи тоифадан олиб ўтилган) |
| 8 | Бобожонов Абдулла (15 йил, биринчи тоифадан олиб ўтилган) | 19 | Жўраев Раҳмат (15 йил, биринчи тоифадан олиб ўтилган) |
| 9 | Бозоров Ашур (10 йил, биринчи тоифадан олиб ўтилган) | 20 | Елтузаров Суюнтой (15 йил, биринчи тоифадан олиб ўтилган) |
| 10 | Бойбеков Исоқ Шохиевич (15 йил) | 21 | Жонузақов Бесан (10 йил) |
| 11 | Байнурин Мингали Бадридинович (10 йил) | 22 | Зияев Дўстмурод (8 йил) |

| | | | |
|----|---|----|--|
| 23 | Зуфаров Хожи (12 йил) | 41 | Носирбоев Саттор (15 йил биринчи тоифадан олиб ўтилган) |
| 24 | Иброхимов Яхъё Сулаймонович (15 йил) | 42 | Раҳимжонов Зайнулла Юсупович (10 йил, биринчи тоифадан олиб ўтилган) |
| 25 | Эгамбердиев Олим (10 йил) | 43 | Носиров Ўсмон (10 йил) |
| 26 | Эрбўтаев Мелибой (12 йил) | 44 | Раҳман Исаак Зенович (15 йил, биринчи тоифадан олиб ўтилган) |
| 27 | Исломов Одил (12 йил) | | |
| 28 | Исломова Рахима (8 йил) | 45 | Розенфельт Сергей Владимирович (10 йил) |
| 29 | Исрафилов Султон (10 йил) | 46 | Рўзметов Мадрахим (10 йил) |
| 30 | Эгамбердиев Раҳмонберди (10 йил, биринчи тоифадан олиб ўтилган) | 47 | Сариқулов Ўсаин (10 йил) |
| 31 | Икромов Ато (10 йил, биринчи тоифадан олиб ўтилган) | 48 | Субботин Иван Григориевич (10 йил) |
| 32 | Қаштиев Султон (12 йил, биринчи тоифадан олиб ўтилган) | 49 | Саидашев Ходи Рамозонович (15 йил) |
| 33 | Қосимов Хошим (15 йил, биринчи тоифадан олиб ўтилган) | 50 | Сиддиқов Муҳаммадқул (10 йил, биринчи тоифадан олиб ўтилган) |
| 34 | Карцев Александр Васильевич (10 йил) | 51 | Сперанский Григорий Петрович (10 йил, биринчи тоифадан олинган) |
| 35 | Клапторин Александр Исакович (10 йил) | 52 | Сухов Александр Николаевич (10 йил, биринчи тоифадан олинган) |
| 36 | Қусеинов Ҳузали (10 йил) | 53 | Содиқов Ғулум (10 йил, биринчи тоифадан олинган) |
| 37 | Маматқулов Турсунқул (15 йил) | 54 | Саюпов Ёқуб Маликирович (10 йил, биринчи тоифадан олинган) |
| 38 | Мўминов Икром (10 йил) | 55 | Султонмуродова Мариям (10 йил, биринчи тоифадан олинган) |
| 39 | Мусаев Али (10 йил) | | |
| 40 | Назаров Муҳаммаджон (12 йил, биринчи тоифадан олиб ўтилган) | 56 | Тушаринов Гури Иванович (15 йил, биринчи тоифадан олинган) |

| | | | |
|----|---|----|--|
| 57 | Тошлонов Йўлдаш (10 йил) | 64 | Халилов Тожимирза (10 йил) |
| 58 | Тошхўжаев Содик (8 йил меҳнат тузатув лагерига) | 65 | Хабиби Аҳмад Исломович (10 йил, биринчи тоифадан олинган) |
| 59 | Устименко Игор Лионидович (10 йил) | 66 | Холмуродов Саъдулла (10 йил, биринчи тоифадан олинган) |
| 60 | Фатхулин Тагир Мухаммеджанович (10 йил, биринчи тоифадан олинган) | 67 | Хўжаев Баширилла Жўраевич (15 йил, биринчи тоифадан олинган) |
| 61 | Фокин Александр Петрович (12 йил, биринчи тоифадан олинган) | 68 | Шаматов Хасан (10 йил) |
| 62 | Файзиев Ўрмон (12 йил) | 69 | Шодиева Тожихон (10 йил) |
| 63 | Холмирзаев Тожимирза (12 йил) | 70 | Юнусов Элбек Машриқ (12 йил) |

Ҳарбий коллегия сайёр йиғилиши 15 нафар сиёсий маҳбусларни ишини кўриб уни қайта тергов қилишга қарор қилади. Улар қуйидагилар эди:

| | | | |
|---|----------------------------------|----|---|
| 1 | Агешов Рустам Хусаинович | 9 | Мирзамаҳмудов Намоз (иккинчи тоифадан олинган) |
| 2 | Ваҳобов Қодирхўжа | 10 | Назаров Павел Сергеевич |
| 3 | Ғубанов Михаил Иванович | 11 | Назаров Тожи |
| 4 | Гуржиев Георгий Александрович | 12 | Паттахўжаев Азим |
| 5 | Жабборов Тошпўлат | 13 | Свиридов Федор Маркович |
| 6 | Жўраев Хожи | 14 | Усмонов Жўра |
| 7 | Зузанов Николай Иванович | 15 | Черняк Григорий Яковлевич (иккинчи тоифадан олинган) |
| 8 | Каримов Отабой | | |

Ҳарбий коллегия сайёр йиғилишида 7 нафар маҳбус тергов жараёнида вафот этган. Улар мана булар эди:

1. Исоқов Ғани
2. Мажидов Сайфулғабит
3. Мамасодиқов Каримохун
4. Сейфулмулюков Аҳмад Комолиддинович
5. Хайдаралиев Мунобар
6. Ҳамидхонов Ғанихон

7. Юрченко Владимир Самоилович (унинг ўзи Юрсил Вольф Самоилович)

Ҳарбий коллегия сайёр йиғилишида биринчи тоифа бўйича айбланганлар:

1. Каримов Абдулла
2. Рамзий Маннол Абдуллаевич
3. Тожиев Абдулахай
4. Цехер Арон Абрамович
5. Шермухаммедов Мирмуслимларнинг иши Москва-

да кўрилганлиги қайд этилган.

Фарғона область судида иши кўриладиганлар:

Сатторов Юнусжон

Иши кўриб чиқиши учун Москвага юборилганлар:

Васильев Василий Ефимович.

Оператив мулоҳазаларга кўра иши кўриб чиқишдан олиб ташланганлар:

1. Почанин Петр Исаевич
2. Худойбердиев Хожимат

Касаллар:

1. Фозилов Избосар
2. Хасанов Назиркул

Биринчи категория бўйича Тошкент темир йўли ходимларидан отувга ҳукм этилган 35 кишидан фақат икки кишини

Абрамов Михаил Игнатович ва Шофман Иосиф Михайловичларни мисол тариқасида келтирмоқдамиз. Айрим техник сабабларга кўра қолган 33 кишининг исми ва шарифи архивдан олинмаганди.

Иккинчи категория бўйича Тошкент темир йўли ходимларидан 15 киши қатағон қилинган. Юқоридаги сабабга кўра улардан фақат Афонин Николай Антонович (10 йил) ва Черняевский Виктор Агеевич (12 йил)ларни қайд қилмоқдамиз.

Ҳарбий коллегия сайёр йиғилиши махбус Сатторов Юнусжон ишини Фарғона область судида кўриб чиқишга, Васильев Василий Ефимович ишини эса Москвада кўриб чиқиш учун жўнатишга қарор қилади.

Оператив мулоҳазалар бўйича Почанин Петр Исаевичнинг иши кўриб чиқиш масаласи бекор қилинади.

Ҳарбий коллегия сайёр йиғилишида махбуслардан Фозилов Избосар, Хасанов Назиркулларнинг касал эканлиги қайд қилингани учун уларнинг иши кўрилмай қолган.

Ҳарбий коллегия сайёр йиғилиши шунингдек, Тошкент темир йўли ходимларидан 35 нафарини биринчи тоифа бўйича отувга ҳукм қилинган. Рўйхатнинг тартиб рақами бўйича биринчи бўлиб Абрамов Михаил Игнатович, рўйхатнинг охирида Шофман Иосиф Михайлович келтирилган, иккинчи тоифа бўйича эса 15 нафар маҳбус ҳар хил муддатларга қамоқ жазосига ҳукм этилган. Улар қаторида 10 йил қамоқ жазосига тортилган Афонин Николай Антонович, 12 йил қамоқ жазосига тортилган Чернявский Виктор Агеевичлар бўлган¹.

507 нафар қатағон қилинганлар номма-ном аниқланган бўлса-да, уларнинг кимлиги, қайси сохта айбловлар билан жазога тортилгани, уларга нисбатан жиноят кодексининг қайси моддалари қўйилгани, ҳибсга олинганда тўлдирилган маҳбус анкеталари, тергов материаллари, айблов хулосалари, маҳбуслар таржимаи ҳолларини Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик Хизмати архивидан топа олмадик. Қидирув, суриштирув ишлари орқали бундай ҳужжатлар ҳозирда Москва шаҳрининг Поварская кўчаси, 15 уйда жойлашган Россия Федерацияси Олий суди архивида, яъни 1938 йил октябрида Тошкентда бўлиб ўтган СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессияси йиғилишлари баённомалари, маҳбусларнинг жиноий ишлари сақланаётганлиги, шунингдек, мазкур масалага оид айрим ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати архивида сақланаётгани ҳақида айрим маълумотлар бор. Бу ҳужжат ва материалларни синчковлик билан ўрганиш, мушоҳада қилиш, таҳлил этиш орқалигина ана шу 507 нафар юртдошларимиз ҳақидаги бор ҳақиқатни англаб етиш, совет режимининг қатағон сиёсати моҳиятини, механизмини, унинг фожиали оқибатларини яна бир қарра ҳис этиш ва фoш қилиш мумкин. Бу эса яқин келажакдаги юмушларимиздан биридир.

Бироқ ҳарбий коллегия ҳукм этган бу 507 нафар қатағон қурбонларининг катта қисми Ўзбекистон Республикасининг партия, давлат, ҳукумат, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, хўжалик, маданият, маърифат, санъат каби соҳаларда раҳбар ходимлар бўлган. Табиийки Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номенклатурасидаги раҳбар хо-

¹ Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик хизмати Марказий архиви (РФ. ФХХМА) 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 540–550 varaқлар.

димлар бўлгани учун уларнинг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архивида мавжудлигини эътиборга олиб, биз шу архивда изланиш олиб бордик. Натижада уларнинг шахсий варақалари, таржимаи ҳоллари, ҳаёт йўлини акс эттирувчи бошқа ҳужжатлар орқали бу инсонлар ҳақида қисқача маълумотлар келтиришни лозим деб билдик. Бунда ҳарбий коллегиянинг ҳар бир йиғилишида ҳукмга тортилганлар ҳақида тартибли равишда маълумотлар келтиришга ҳаракат қилинди. Шу боис қуйида биринчи бўлиб 1938 йил 4 октябрда отувга ҳукм қилинганлар ҳақида сўз юритамиз.

1. 4 ОКТАБРДА ОТУВГА ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛАР

Абдуллаев Карим, 1905 йили Сирдарё области Туркистон уезди Қарноқ қишлоғида туғилган, ўзбек, оналари қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган, ўзига тўқ дехқон бўлган, 1916 йили ота ва онаси оламдан ўтган. Акаси қарамоғида қолади, 1919–1921 йили совет қишлоқ мактабида ўқийди, 1919 йили комсомол сафига киради. 1921 йилдан 1926 йилгача Тошкент Маориф институтида ўқийди, 1926 йили Зарафшон область маориф бўлимига жўнатилади. 1926 йил июндан 1927 йил январгача Бухоро қишлоқ хўжалик техникумига директорлик қилади. 1929 йилгача шу идора аппаратида ишлайди, 1929 йилдан халқ маорифи Комиссарлигида ташкилий қисм мудирини бўлиб, ўша йил 1 ноябридан Фарғона округ халқ маорифи мудирини бўлиб хизмат қилади. 1937 йилдан партия аъзоси. Округлар тугатилгач, Ўз Компартия Марказий Комитетини қарорини билан Марғилон райониға юборилади. Шаҳар партия комитетини ижроия бюросини аъзосини, маданият-тарғибот бўлим бошлиғини, «Марғилон ҳақиқатини» газетасининг муҳарририни бўлиб 1932 йил декабриға қадар ишлайди. Марказий Комитет қарорини билан Самарқанд давлат педагогика академиясига директор, бу илмий муассаса Ўзбекистон давлат университетини айлантйрилгач, унинг ректорини қилиб таъинланади.

1935 йили ЎзССР Марказий Ижроия Комитетини аъзосини

бўлиб сайланади, ўзбек, рус, қозоқ тилларини яхши билган¹.

1935 йил 22 октябрда ЎзССР Соғлиқни Сақлаш халқ комиссари, 1937 йил 5 июнида ишдан бўшатилади, партиядан ўчирилади, ҳибсга олинади. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси 1938 йил 4 октябрда отувга ҳукм этилади, ҳукм ўша куннинг ўзида ижро этилади².

Алимуҳаммедов Мусажон, 1899 йили Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган, ўзбек, 1914 йилги урушгача ўқиган, ўзбек, қирғиз, рус тилларини билган, 1913–1914 йиллари Тошкент шаҳридаги ун заводида Шераҳмадбой кўлида, 1914–1918 йиллари Юсуп Довудовнинг Пиво ишлаб чиқариш заводида қора ишчи бўлиб меҳнат қилган. 1918–1920 йиллари Туркистон фронтида, Қизил армияда ўқитувчилик қилган, Тошкент Эски шаҳар партия комитетида 1918 йил 1 январда партия сафига қабул қилинган, 1920–1922 йилларида Тошкент Эски шаҳар партия комитети ташкилий бўлим мудирини, 1922–1923 йилларда шу район ижроия комитети раиси, 1923–1924 йилларда Бухоро область партия комитети ташкилий бўлим мудирини бўлиб хизмат қилган.

1924–1925 йилларда Сирдарё область партия комитети ташкилий бўлим мудирини, 1926–1927 йиллари Бухорода қишлоқ хўжалик кооперация бошқарувчи раиси лавозимида ишлаган.

Бир йил Москвада Коммунистик университетда ўқиган, соғлиғи туфайли ўқишдан қайтиб келган. 1928–1930 йилларда Қирғизистон Ўш округи партия комитетида оммавий-тарғибот бўлимига мудирлик қилган, 1930–1932 йиллари Бозоркўрғон район ижроия комитети раиси бўлиб хизмат қилган. 1932 йилдан Тошкентда ЎзССР Ишчи-деҳқон халқ комиссарлигида саноат гуруҳининг раҳбари бўлиб, сўнгра Олтиариқ район ижроия комитети раиси бўлиб ишлаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси 1934 йил 16 апрелда Мусажон Алимуҳамедовга Марҳамат район ижроия комитетига ва қишлоқ советларига ходимлар танлашда синфий хушёрликка етарли эътибор кўрсатмагани учун хайфсан эълон қилинган.

1929 йили Фрунзе шаҳрида (ҳозирги Бишкек) Қирғизистон меҳнат ва социал таъминот халқ комиссари

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 56-иш, 53–62-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 530-варақ.

Ўринбосари бўлиб ишлаган, сўнг Ўш округ ижроия комитети масъул котиби бўлиб хизмат қилган. Андижон округи Марҳамат район ижроия комитети раиси бўлиб фаолият кўрсатган¹.

1938 йил 4 октябрда Тошкентга келган СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг қарори билан Мусажон Алимўхамедов отувга ҳукм қилинган, ҳукм ижроси ўша куннинг ўзида ижро этилган²

Алихўжаев Шомансур, 1888 йили Марғилонда деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, рус ва ўзбек тилларини яхши билади, 1914 йилгача ғишт терувчи, қурувчи бўлиб ишлаган, биринчи жаҳон уруши йиллари Наманганда писирлик (хат ёзувчи) қилган, саводини уйда чиқарган, янги усул мактабида ўқиган. 1917 йили ишчи ва усталар касаба уюшмаси бошқаруви аъзоси, милиционер бўлиб хизмат қилган. 1918 йил Скобелев шаҳрида партия сафига қабул қилинган. Скобелев мусулмон ишчилар совети раиси, 1919 йили Фарғона область партия комитети аъзоси, уезд ижроия комитети раиси, Скобелев уезд-шаҳар партия комитети аъзоси, уезд-шаҳар партия комитети ижроия бюроси аъзоси бўлиб фаолият кўрсатган.

Марғилон уезд-шаҳар революцион комитет раиси, Сирдарё область ижроия комитети раиси ўринбосари, 1923 йил 11 апрелдан Фарғона область революцион комитети раиси лавозимларида фаолият кўрсатган.

1923 йил 12 ноябрда Фарғона область партия комитети ижроия бюросининг унга берган тавсифномасида Ш. Алихўжаевнинг кенг кўламдаги фаолияти юқори баҳоланган. Тез орада республика миқёсидаги раҳбарлик лавозимига кўтарилади. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги Бошқарма бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатди.

1931 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бош йўллар қурилишига раҳбарлик қилади, 1936 йил 14 февралда Ўзбекистон Саноат кенгаши раиси бўлиб ишлайди. 1936 йил 11 июнда партиядан ўчирилади. 1937 йил сентябрда камокқа олинади³.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг Тошкентдаги сессия йиғилишида 1938 йил 4 октябрь куни Шоман-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 54-иш, 81–92-варақлар

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 530-варақ.

³ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 54-иш, 714–720-варақлар

сур Алихўжаев отувга ҳукм этилади, ҳукм ўша кунни ўзида ижро этилган¹.

Ш.Алихўжаев ўлимидан сўнг партияга тикланган, реабилитация қилинган.

Исломов Акбар Исломович, 1896 йили Қўқон шаҳрида дурадгор-ишчи оиласида туғилган, ўзбек, рус-тузем мактабида, янги усул мактабида таълим олган, биринчи жаҳон уруши туфайли моддий аҳволи ночор бўлганлигидан Қўқон шаҳридаги Обиджон Маҳмудовнинг босмахонасига ишга киради, «Садои Фарғона» мусулмон газетасида, кейин 1917 йил охирига қадар Бельский босмахонасида рус ва ўзбек тилида ҳарф терувчи бўлиб ишлайди. 1916 йил Чор ҳукуматининг мардикор олди сиёсатига қарши чиққан, ана шу сиёсатни фош этувчи мурожаатлар ёзиб масжидларда тарқатган. Керенский ҳукумати даврида шаҳар ҳокимлигини сайлашдаги митингда маҳаллий ишчи ташкилотидан 6 ишчи ваҳшийларча ўлдирилган. Туркистон мухторияти очган янги босмахонада ҳарф терувчи, ишчи бўлган. Қўқон воқеаларидан кейин босмахона бўлимида ишлаб, мусулмон ишчилар иттифоқига кириб унинг раиси бўлади. 1918 йили августда большевиклар партиясига киради, Туркистон АССР Советларининг VI съездида Марказий Ижроия Комитети аъзолигига сайланади. 1918–1919 йилларда Тошкентда Ички ишлар ва Ташқи ишлар коллегияси аъзоси, 1919 йил январдан – августгача РСФСРнинг Бухоро амирлигидаги доимий вакиллиги раиси ўринбосари, 1919 йил август – ноябрь ойларида Фарғонада босмачиларга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг вакили бўлиб ишлайди. 1919 йил ноябр – 1920 йил августгача Туркистон Республикаси Ички ишлар халқ комиссар ўринбосари бўлиб хизмат қилган. 1920–1923 йиллари Ўрта Осиё давлат университети ишчи факультетида, 1923–1925 йилларда Ўрта Осиё давлат университети талабаси, 1925 йил август – 1927 йил январигача Тошкентда Сирдарё области ижроия комитетининг раиси, 1927 январь – 1929 январигача Москва шаҳрида Ўзбекистоннинг СССРдаги доимий вакили бўлиб хизмат қилган. 1929 йил январидан декабригача ЎзССР план комиссиясининг раиси бўлиб Самарқандда, 1929 йил декабрдан ЎзССР Молия халқ комиссари лавозимларида ишлаган.

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 530-варак.

1932 йил ЎзССР Марказий ижроия комитети томонидан молиявий фронтдаги фаол ишлари ҳамда республика халқ хўжалигини мустаҳкамлашдаги иштироки учун «Қизил байроқ» ордени билан тақдирланган. Айни вақтда 1935 йил 8 июнида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети бюроси давлат маблағини шахсий мақсадларда ишлатгани учун қатъий хайфсан – партиявий жазоси берилган.

1937 йил 21 июнда тўлғизилган кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақасида хотини, бир ўғли, бир қизи борлиги, Тошкент шахрининг Оққўрғон кўчаси 5-уйда яшаётганлиги қайд этилган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилишининг 1938 йил 4 октябрдаги йиғишида Акбаров Исломович Исломов отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куннинг ўзида ижро этилган. У реабилитация қилинган, партиявий стажи тикланган².

Абусаттаров Содиқ Шарипович, 1884 йили 17 февралда Уфа губернияси Сентовский қишлоғида майда савдогар оиласида туғилган, татар, 1919 йил мартдан партия аъзоси (0011284), 1937 йилдан касаба уюшмаси ташкилотчиси, маълумоти олий. 1900–1904 йилларда бошланғич мактабда ўқитувчилик қилган, 1910–1913 йиллари Олий бошланғич билим юртида ўқиган. 1925–1926 йиллари Шарқ коммунистик университетида ўқиган ва ВКП (б) тарихидан ўқитувчилик қилган. 1913–1916 йиллари УФА шахрида Галия мадрасасида мударрис, 1916–1917 йиллари Тошкент шахрида рус ва татарлар мактабида мудир, 1917–1918 йилларда ўзбек ўрта мактабида ўқитувчи, 1922–1924 йиллари Ўрта Осиё давлат университети ректор ўринбосари, 1924–1925 йилларда Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетида туркман гуруҳига мудир, 1926–1928 йиллари РСФСР халқ комиссарлигида масъул ходим, 1932–1934 йилларда ВКП (б) Марказий комитети Ўрта Осиё бюросида масъул таржимон, марксизм-ленинизм университетида ўқитувчи, 1935 йил 5 январдан 1938 йил 2 январгача Ўзбекистон партия ташкилотида муҳаррир бўлиб ишлаган. Араб, турк, озарбайжон тилларини билган. 1938 йил ҳибсга олинган³.

¹ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, Акбар Исломовнинг шахсий делоси.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 530-варақ.

³ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 19-иш, 131-132-варақлар

СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилишининг 1938 йил 4 октябрдаги йиғилишида Абдусаттаров Содиқ Шарипович отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куннинг ўзида ижро этилган. У реабилитация қилинган, партиявий стажи тикланган¹.

Девонов Ёқуб Юсупович, 1906 йили Хива шаҳрида канцелярия амалдори хонадонида туғилган, ўзбек, 1915 йилдан эски ўзбек усулидаги мактабда ўқиган, мактабни битирмасдан аввал ота-оналари Амударё вилоятидаги Тўрткўл шаҳрида яшаётган тоғасига уй хизматига бериб юборишган, рус-тузем мактабида 3 синфни битирган, мактабни битириш олдидан Хивага қайтиб келган, инкилобий ҳаракатда иштирок эта бошлаган. 1920 йили Хоразм совет республикасида комсомол ташкилотини тузишда иштирок этади. 1920 йил майда Хоразм Компартияси марказий комитети Туркбюро партия мактабига ўқишга юборади, ўқишни тугатгач, Бухорога сиёсий ишлар учун юборилади, Чоржўйда фавқулодда комиссияда комендант ўринбосари, 1921–1923 йиллари Хоразм комсомол ташкилоти марказий комитети раиси ўринбосари, ташкилий ишлар мудирини бўлиб ишлайди, 1923 йил август ойидан 1924 йил мартгача Хоразм фавқулодда комиссиясида фаолият кўрсатади. 1924 йили ВКП(б) сафига қабул қилинади (0840344), 1920 йилдан комсомол аъзоси бўлган. 1924 йил март, октябрида Хоразм комсомоли марказий комитети котиби, ундан сўнг Ўзбекистон комсомоли ташкилий бюроси раиси, Ўзбекистон комсомол марказий комитетида иқтисодий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўлими мудирини, ташкилий ишлар бўлими мудирини лавозимида меҳнат қилади, 1927 йил апрелидан 1928 йил октябригача Ўзбекистон комсомол комитети марказий комитети котиби, 1928 йил октябридан 1930 йил ноябригача Москвада коммунистик ёшлар интернационали ижроия комитетида Яқин Шарқ бўлими мудирини, 1930 йил ноябридан 1931 йил сентябригача III коммунистик интернационалда Шарқ бўлими бўйича рефе-



¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 530-варак.

рент бўлиб ишлайди, 1931–1933 йиллари Москвада Қизил профессорлар институтида ўқийди, 1933 йил апрелидан 1935 йил февралигача Тошкент области Янгиариқ райони Қовунчи қишлоғида МТС сиёсий бўлим бошлиғи бўлиб хизмат қилади, 1935 йил февралида Тошкент шаҳрининг Калинин райони партия ташкилотининг секретари бўлиб 1937 йил 4 июнигача фаолият кўрсатади¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилишининг 1938 йил 4 октябрдаги йиғилишида Девонов Ёкуб Юсупович отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куннинг ўзида ижро этилган. У реабилитация қилинган, партиявий стажи тикланган²

Сорокин Қосим Иброхимович, 1899 йили декабрида Ульяновск губернасида туғилган, татар, отаси аввал ишчи, кейин хизматчи бўлган, ўзи ўқитувчи, 1919 йилдан ВКП(б) аъзоси, 1929 йилдан касаба союз аъзоси, маълумоти ўрта, ўзбек, рус тилларини билади. 1921 йили Шарқшунослик институтида 1 йил ўқиган. 1931–1933 йиллари марксизм-ленинизм курсида ўқиган. 1913–1917 йилларда каникул вақтларида омборхоналарда, идорада ишлаган, 1918 йил ўзбек совет бошланғич мактабда ўқитувчи, 1918–1920 йилларда Фарғона область халқ маорифи бўлимида йўриқчи, область мусулмонлар бюроси тарғибот-ташвиқот бўлими мудири, «Янги шарқ» газетасида, область сиёсий бўлимида ахборот бўлими бошлиғи, уезд-шаҳар партия комитетида тарғибот-ташвиқот бўлим мудири, 1921 йилда Қўқонда чиқаётган «Мехнат байроғи» газетаси масъул муҳаррири бўлиб хизмат қилган. 1922–1929 йилларда Тошкентда «Турк РОСТА»да ташкилотчи – йўриқчи, «Қизил байроқ» газетасида ва қатор нашрларда муҳаррирлик қилган. 1923–1924 йилларда «Озод Бухоро» газетасида масъул муҳаррир, 1924–1926 йилларда Москвада ВКП(б) Марказий Комитети матбуот бўлими йўриқчиси бўлган.

1926–1929 йилларда Самарқандда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида матбуот бўлими мудири ўринбосари, 1927–1929 йилларда «Қизил Ўзбекистон» газетаси масъул муҳаррири, 1930–1931 йилларда ЎзКомпартия Марказий комитети матбуот сектори мудири, «Ўзбекистон» нашриётида муҳаррир бўлиб хизмат қилган. Бир неча бор

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 224-иш, 35–61-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 530-варақ.

ЎзКомпартия Марказқўми ва ЎзССР Марказий Ижроия Комитети аъзоси бўлиб сайланган.

ЎзКомпартия Марказий Комитети бюроси 1936 йил 13 июнда Қосим Сорокинни ЎзССР халқ маорифи комиссари қилиб тайинлайди. Унинг бу лавозимга лойиқлигини партия ва ҳукумат раҳбарлари Ф.Хўжаев, Д.Ризаев, А.Икромов, А. Каримов, Шариповлар ўз сўзларида таъкидлаганлар¹.

Тошкентга келган СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 4 октябрдаги сайёр йиғилишида Қосим Сорокин олий жазога ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган. КПСС XX съезидан сўнг у кўплар қатори реабилитация қилинган, партиявий стажи тикланган².

Ўлмасбоев Нуриддин Низомиддинович, 1900 йили Қўқон шаҳрида хизматчи ишбоши, оиласида туғилган, ўзбек, партияга 1919 йили (1367356) кирган, ун-гача Қўқондаги ўқитувчилар семинариясида 2 синфни битирган, 1918–1920 йилларда Тошкентда партия мактабида ўқиб, партия ходими мутахассислигига эга бўлган.



1937 йили тўлғизган таржимаи ҳолида мана булар ёзилган: 1900 йили Қўқон шаҳридаги корхонада ёлланиб ишловчи хизматчи оиласида туғилганман. Отам пахта заводи эгаси бўлган Умар Эшон Зокирбоевда ишлаган, заводчи Зокирбоевга пахта топширувчиларнинг қарзларини ундириб бериш билан машғул бўлган.

Инқилобдан сўнг Зокирбоевдан завод тортиб олин-гач, отам пахта сотиб олувчи Преображенский билан алоқа қилиб, пахта сотувчи билан пахта сотиб олувчилар ўртасида маклерлик қилади. Отам 1920 йили вафот этади.

Инқилобгача мен ҳамма вақт ўқишда бўлдим, аввалида мусулмон мактабда, сўнгра «янгиланган» татар мактабларида таҳсил олдим.

1917 йили отамнинг ташаббуси билан Қўқондаги ўқитувчилар семинариясига қабул қилиндим, шу жойда

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 119-иш, 109–118-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 530-варақ.

комсомолга қабул қилиндим, кейинчалик партияга кирдим. Семинариянинг ўқитувчилари Абдулла Мустакаев, Ходи Файзи коммунист бўлганлар ва ўқитувчилар орасида маълум тарғибот ишлари олиб борганлар. Ана шу ўқитувчилар таъсири остида мен Қўқоннинг Эски шахрида ёшлар уюшмасини ташкил этишда қатнаша бошладим.

Партияга ҳам семинарияда ўқиётган чоғимда қабул қилинганман¹.

Тошкентда партия мактабини битиргач, Қўқон комсомол ташкилотида ишлаган, уезд, сўнгра вилоят комсомол ташкилотида 3 йил фаолият кўрсатган. Область комсомол комитети котиби бўлиб ишлайди. 1923 йилдан партия-совет ишига ўтади.

1923 йил сентябридан 1924 йил сентябригача Қўқон уезд ижроия комитети раиси ўринбосари, Фарғона область партия комитети қарори билан Андижон уезд-шаҳар партия комитети котиби қилиб юборилган.

1925 йил декабридан Ўзбекистон Компартияси МК йўриқчиси, 1926 йил декабридан эса Марказий Комитетнинг ташкилий бўлим мудирини ўринбосари бўлиб хизмат қилади.

1928 йил февралида Марказий Комитет қарори бўйича Н.Ўлмасбоев Ўзбекистон Компартияси Фарғона округ партия комитети котиби қилиб тайинланди, декабридан маориф халқ комиссарлиги сиёсий-маърифий бўлими мудирини, халқ маориф комиссари коллегияси аъзоси бўлиб хизмат қилади.

1933 йил сентябридан Н.Ўлмасбоев Москва химия-технология институтида ўқийди, 3 курсдан 4 курсга ўтганда ВКП(б) МК қарори билан Боғдод райони Машина-трактор станцияси сиёсий бўлим бошлиғи қилиб тайинланади.

1931 йилдан ЎзССР ер-сув ишлари халқ комиссари мева-сабзавотчилик бошқармаси бошлиғи, 1936 йил мартдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида йўриқчиси, кейин қишлоқ хўжалиги учун колхоз раҳбар ходимларни тайёрлаш бўйича сектор мудирини вазифасида хизмат қилади².

1938 йил 4 октябрда бўлган СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессия йиғилишида Н.Ўлмасбоев

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 170-иш, 66–80-варақлар.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 170-иш, 66–80-варақлар.

отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куннинг ўзида ижро этилган.

Нуритдин Ўлмасбоев реабилитация қилинган, партиявий иш стажи тикланган¹.

Ўсмонов Мўмин (1903–1938) Кўкон шаҳрида туғилган. Москвада Шарқ халқлари университетида ўқиган (1926–1930). «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррири (1931–1933). Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссари (1933–1934). Ўзбекистон Компартияси МК маданияти ва пропаганда бўлими мудири (1934–1935). Ўзбекистон олий қишлоқ хўжалиги коммунистик мактаби ректори (1935–1937), Ўзбекистон Компартияси МК пропаганда ва агитация бўлими мудири (1937). У 1937 йил 3 сентябрда Тошкентда қамокқа олинган².

1938 йил 4 октябрда бўлган СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессия йиғилишида Ўсмонов Мўмин отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куннинг ўзида ижро этилган³. Ҳозирда оқланган.

Файзи Ходи Зариф, 1895 йили Авлиёотада туғилган. У ўз таржимаи ҳолида шундай ёзган: «Отам ва онам томонидан барча қариндошларим кустар-ғаллакор бўлган. Фақат биргина отам қариндошларимиз ичида диний мактабда ўқитувчи ва масжидда имом бўлган, 1902 йили 7–8 ёшимда отамдан жудо бўлдим, онам қарамоғида қолдим. Бизлар беш бола эдик, мен тўнғич ўғил эдим. Онам нон пишириш, кир ювиш, уй-жой юмушлари билан шуғулланиб бизларни боққан. Оғир ҳаёт шароити туфайли мендан ташқари барча болалар қариндошларимизга бўлиб берилган.

1909–1910 ўқув йилида 13–14 ёшимда тараққийпарвар ўқитувчи Умаров тарғиботи билан янги усулда очилган ўқитувчилар мактабида ўқиш учун Россиянинг Уфа шаҳрига бордим. Бу мактаб туркий халқлар – татар, бошқирд, қозоқ, қирғизлар учун очилганди, мени тайёрлов курсига қабул қилишди, бу жойда 1913 йилгача ўқидим. Ўқиган даврда икки йил ёзида қишдаги тирикчилик учун ошхонада ишлаб пул топишга, қолган 2 йилда қозоқ чўлларида ўқитувчилик қилишга тўғри келган.

1913 йилдаги мактабимизда кўтарилган иш ташлашдаги иштироким учун мактабдан ҳайдалган 80 кишидан бири мен бўлдим.

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 530-варак.

² Тарихнинг номаълум саҳифалари. Биринчи китоб.... 139-бет.

³ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 530-варак.

Ёзда юртимга келиб фамилиямни Мулла Фозил қилиб ўзгартирдим, чунки ҳукумат мактабда иш ташлаганларни таъқиб қилаётганди. Хўжанд уезди Қўшчи қишлоғида 1914–1915 ўқув йилига қадар ўқитувчилик қилдим. 1914–1915 ўқув йилида ва 1915–1916 ўқув йилида Скобелев шаҳрида ўқитувчи бўлиб ишладим. Тез орада мактабни ёпиб қўйишган, аммо дунёвий фанларни ўқитмаслик шарти билан тилхат олишиб мактабни яна очадилар.

Ўша йили мактаб ишларидан ташқари ўзбек ёшлари орасида маданий-маърифий тўғарақлар ташкил қилдим, ҳозирда Марказий Ижроия Комитет ташкилий бўлим мудирини Эгамбердиев, Москвадаги Свердлов университети талабаси Исломов, артист Қори Ёқубов ва бошқалар бўлган.

1917 йилги инқилобни мен Скобелев шаҳрида кутиб олдим, дастлабки кунларданок бизнинг тўғарагимиз сиёсий ташкилот сифатида фаолиятда бўлди, чунки унинг мафқураси миллий буржуазия инқилобига мувофиқ келарди.

Тўғарақ «Озод» варақа газета чиқарди. Ташкилотимиз Муваққат ҳукуматнинг барча сайловларида сўл қанотда туриб иштирок этди, ташкилотимиз стихияли тарзда сўл майда буржуазия қарашлари қаторига кириб қолганди.

Ўзим ўша вақтда социалистик партиялар ҳақида тасаввурга эга эмасдим. Ўша даврдаги турли социал партиялар бизнинг ташкилотимиз орасида тарғибот-ташвиқот олиб бориб, ташкилотимизни ўзлариники қилиб олиш мақсадини билганимдан сўнггина турли хил социалистик партиялар оқимлари тўғрисида тушуниб етдим.

Кейинчалик бизнинг тўғарагимиз сўл қанот сифатида миллий буржуазиянинг «Шўрои Исломия» ташкилотига қўшилиб кетди.

Қўқон мухторияти эълон этилгунига қадар мен бу ташкилотдан чиқиб кетдим, Қўқонга келиб педагог-ўқитувчилар семинарини ташкил этиш билан машғул бўлдим, инқилобий кайфиятдаги ўқитувчилар орасида ишладим. 1918 йил апрелида бизлар, Мустақаев, Алиев, Мирзахақим ва бошқалар томонидан байналминал ўқитувчилар иттифоқи ташкил қилинди, бу ташкилот большевиклар ташкилоти раҳбарлигида фаолият кўрсата бошлади.

Партиясиз бўлган мен ва ўртоқ Мустақаев биринчи Қўқон ишчи ва солдат депутатлари советига аъзо ҳамда совет ижроия комитетига ҳам аъзо бўлиб сайландим.

1918 йил августда Қўқон ташкилоти мени партияга

кабул қилди ва мен Қўқон Эски шаҳар партия ташкилоти ташкилотчиси қилиб сайландим ва унинг раиси бўлдим. Бир вақтнинг ўзида большевиклар органи «Халқ» газетасига муҳаррир ва ижроия комитетда миллатлар иши бўйича бўлим мудирини бўлиб хизмат қилдим.

1919 йил ёзида мени ишимдан чақириб олиб Фарғона область партия комитети «Озод шарқ» газетасига муҳаррир қилиб тайинландим. 1920 йили Туркистон Компартияси Марказий Комитети Тошкентга чақириб олиб партиявий тарғиботчи, ташвиқотчи қилиб тайинлади, параллел равишда маориф институтида ишладим, ўша йили «Қизил Шарқ» тарғибот поезди сиёсий бўлим аъзоси сифатида бутун республикалар бўйича поездда айланиб чиқдик.

Бухородаги инкилоб кунларида поезддан ажралиб Қизил армиянинг сиёсий ходими сифатида Ғарбий Бухорони босиб олишда иштирок этдим ва «жойларда ҳокимият советларга»ни ташкил этиш бўйича учликнинг аъзоси бўлдим.

Бу ишдан қайтганимдан сўнг Бухорода халқ маорифи комиссарлигини ташкил этишда ишладим, Бухоро халқ маорифи бўлими мудирини бўлдим, шу вақтни ўзида Туркистон Марказий Ижроия комитети Президиумига аъзоликка ва РСФСР советларининг VIII съездига сайландим, ўшанда биринчи бор ўртоқ Ленинни кўрдим.

Съезддан қайтиб келгач, Фарғонанинг тоғли районлари Ўш, Андижон ва Наманган уездларида босмачиликка қарши кураш бўйича Туркистон Марказий Ижроия Комитет, Марказий комитет ва ҳарбий революцион советининг фавкулуддаги вакили қилиб тайинландим, бу ерда қирғиз камбағаллари орасида отряд ташкил этиб, босмачиликка қарши курашдим, армияни озиқ-овқат билан таъминлашни уюштирдим, жойларда совет ҳокимиятининг камбағаллар ташкилотини ташкиллаш ишларини олиб бордим, II Қирғиз отлик полкининг ҳарбий комиссари бўлиб 1921 йил охиригача ишладим. Бухоро ҳукуматида хоинлик келиб чиққач, мен яна Бухорога ЧКнинг ҳарбий бўлимига, Бухоро республикаси махсус бўлимига бошлиқ бўлиб ва бир вақтнинг ўзида Бухоро Компартияси Марказий Комитетида ташкилий бўлим, тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирини вазифасини бажардим.

1922 йил охирида Бухоро область партия комитети масъул котибинини бўлиб ишладим.

СССР советларининг I съездига делегат бўлдим. Тропик малярия касаллиги туфайли Бухорога қайтиб бормадим, соғлигим яхшилангач, Москвада Бухоронинг маърифат уйини ташкил қилишга тайинландим ва Москвада халқ маорифи комиссарлигининг вакили бўлиб турдим.

1923–1924 ўқув йилида Свердлов номли (Коммунистик – Р.Ш) университетга кирдим, уни 1926 йили битирдим, шундан кейин «Қизил шарқ» текстил фабрикаси директори ёрдамчиси бўлиб ишладим. 1927 йил апрель ойдан Ўзбекистон нашриёти раиси ўринбосари ва Бош муҳаррир бўлиб, айти вақтда ЎзКомпартия МКнинг совет партия мактабида лектор сифатида ишлаб келмоқдаман.

19 март 1928 йил имзо¹»

Файзи Ходи Зариф 1930–1933 йилларда Самарқандда шаҳар партия комитети ижроия бюроси аъзоси бўлган.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилишида 1938 йил 4 октябрда олий жазо – отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинганди.

Ҳозирда Файзи Ходи Зариф оқланган, партияга тикланган².

Аҳмадбеков Давронбек, 1894 йили Хўжанд шаҳар ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган. Унинг 1937 йил 19 февралда Тошкентда битган таржимаи ҳолини айнан келтиришни лозим билдик: Отам қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланган ва 1912 йилдан 1916 йилгача деҳқончилик қилган, айти вақтда Кўкон фермери Потеляховда пахта бўйича комиссионер (воситачи, даллол – Р.Ш) бўлиб ишлаган, 1903 йили 2–3 ой Унжин вилояти Ява қишлоғида қишлоқ оқсоқоли бўлиб хизмат қилган. 1916 йил 1 январда вафот этган.

Отам вафотига қадар мен унинг қарамоғида бўлдим, 1912 йилгача эски усул мактабида ўқидим, 1912 йилдан 1914 йил 15 майгача рус-тузем мактабида ўқидим.

1916 йил охири ва 1917 йили Хўжанд уезди Нов волостида приказчи (саркор, иш боши – Р.Ш) бўлиб савдогар Мулла Иброҳимовда ишладим.

1918 йил 14 апрелда большевиклар коммунистик партиясига кирдим.

1918 йил ноябрь охирига қадар Туркистон Компартия-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 188-иш, 168–178-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 530-варақ.

си Хўжанд уезд-шаҳар партия комитети топшириғи бўйича Нов, Чапқулуқ ва Исфана волостларида очларга ёрдам берувчи уезд ташкилоти раҳбарлигида жамоат ошхоналари ташкил қилишда қатнашдим. 1918 йил ноябрь ойининг охиридан 1919 йил 1 февралгача Хўжанд турмасида бошлиқ ва 1919 йил февралдан ўқитувчи бўлиб ишладим. Ўша йилнинг ёзида Самарқандда уч ойлик педагогик курсни ўтадим. Шу соҳада 1921 йил февраль ойигача ишладим.

Ўқитувчилигим даврида маърифатчилар уюшмаси раислигига сайландим, бу жойда бир йилдан кўпроқ ўриндош бўлиб ишладим.

Ўқитувчилигим даврида 1920 йили Нов волости бўйича армия ва ишчиларни буғдой билан таъминлаш учун кулоқлардан ғалла тортиб олиш бўйича озиқ-овқат отрядига командир этиб сафарбар қилиндим.

1921 йил февраль ойида уезд касаба союзи бюроси раислигига сайландим, бу жойда 1921 йил 5 ноябргача ишладим.

1921 йил 5 ноябрдан Хўжанд уезд революцион комитети раиси қилиб тайинландим, бу жойда 1922 йил июль ойигача ишладим. 1922 йил июлидан 1923 йил сентябригача уезд-шаҳар партия комитети ташкилий бўлим мудирини бўлиб ишладим.

И з о х 1. 1923 йили Хўжанд уезд партия ва совет ташкилотлари шунингдек, 4- Туркистон полки босмачиликка қарши фаол курашдаги иштироким учун мукофотланганман.

И з о х 2. Уезд-шаҳар революцион комитети раислигимда декабрь ойида Туркистон республикаси комиссияси таркибида Мочинск қочоқлари билан музокара олиб бориш учун Ўратепа районида борганмиз, комиссия Шаҳристонда 7 кун бўлган.

1923 йил сентябрида советларнинг уезд съезида Хўжанд уезд-шаҳар ижроия комитети раиси бўлиб сайландим, бу лавозимда 1924 йил апрелгача ишладим.

1924 йил 1 апрелидан Самарқандда область Ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари қилиб тайинландим. Тез орада область партия ташкилоти конференциясида мен Самарқанд область назорат комиссияси раиси бўлиб сайландим, бу лавозимда 1925 йил 25 майгача ишладим.

1925 йили Самарқанд область бўйича ер ислоҳоти тўғрисидаги масала қўйилганда ЎзКомпартия Марказий

Комитети ва обком қарори бўйича область ижроия комитети раиси биринчи ўринбосари, маъмурий бўлим бошлиғи ва бир вақтни ўзида ер ислохотини тайёрлаш ва ўтказиш область комиссияси раиси бўлиб, бу лавозимда 1927 йилда, яъни Самарқанд области бўйича ер ислохотини ўтказиш ту-гаунча ишладим.

Ўзбекистон Коммунистик партияси ва область партия комитети қарорини тўғри ва амалий таъминлаш натижаси-да Ўзбекистон ССР советлари Марказий Ижроия комитети-нинг Қизил Байроқ ордени билан тақдирландим.

Самарқанд область бўйича ер ислохотини тугатилиши билан Хўжанд уезди ва Самарқанд бўйича босмачилик би-лан кураш олиб бориш тажрибасига эга бўлганимни эъти-борга олишиб, Ўз КП(б) Марказий комитет ва Ўзбекистон Халқ комиссарлар совети Хоразм округи бўйича босма-чилар қолдиқларини тугатиш учун вакил қилиб юборади, бу жойда 3 ой ишладим ва кўпгина отряд ташкил қилдим. Кўрилган чоралар натижасида майда босмачиларнинг қолган-қутганлари тугатилди»¹.

Ер-сув ислохоти ўтказилиб ва Хоразмдан қайтган Дав-рон Аҳмадбеков Самарқанд округ назорат комиссияси раи-си лавозимида 1929 йил февралигача хизмат қилган. У бир неча бор ЎзКомпартия Марказий Комитетига, Марказий назорат комиссиясига аъзо бўлган.

1929 йил февралда ЎзКомпартияси Марказий коми-тети қарорига биноан Андижон округ колхозлар союзига раис этиб тайинланди, бу лавозимда 1929 йил октябрига қадар фаолиятда бўлди. 1929 йил 1 октябрида Зеленский (ҳозирги Асака) райони конференциясида район партия ко-митетининг секретари қилиб сайланди, бу лавозимда 1930 йил августига қадар ишлади. 1930 йил августидан 1932 йил 22 февралга қадар Наманган шаҳар партия комитетининг секретари бўлиб фаолият кўрсатди.

Зеленский ва Наманган районида ишлаганида бутун эътиборни коллективлаштириш ишига қаратди. Оқибатда, 1930 йили Зеленский районида коллективлаштириш 60 фоизни, Наманган районида 1931 йили 85 фоизни ташкил этди, унинг асосида кулоқларни синф сифатида тугатиш амалга оширилди.

1932 йил 20 февралдан 10 декабригача Ўзбекистон пахтачилик совхозлари директори лавозимида ишлади.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 85-иш, 31–42-варақлар.

1932 йил 10 декабридан 1936 йил 1 майга қадар Ўзбекистон ССР Адлия халқ комиссари, 1936 йил майдан бошлаб ЎзССР Марказий ижроия комитети котиби бўлиб хизмат қилди. 1934 йили Норин ва Андижон районларида партия ташкилотларида тозалов ўтказиш комиссиясига раислик қилди. Бундай вазифани Кўкон партия ташкилотида ҳам ўтказди. Унинг партия билети № 1366926 бўлган. «Катта террор» вақтида партиядан ўчирилиб ҳибсга олинди.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилишида 1938 йил 4 октябрда Даврон Аҳмадбеков олий жазо – отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган. Даврон Аҳмадбеков оқланган, партиёга тикланган¹.

Айдаров Аҳмедбек, 1903 йил 6 январда Ульяновск губернияси Екатеринбург қишлоғида майда хизматчи оиласида туғилган, миллати бошқирд, 1927 йили 21 ноябридан ВКП(б) аъзоси, партия билети № 2736869. Унинг отаси болалигиданоқ Хусайиновда ишлаган, 1905 йили Хусайинов сўкна фабрикасини сотиб юборганидан сўнг, унинг Қозондаги контораси моддий омборхонасида приказчи (саркор, иш боши) бўлиб ишлаган. Унинг 1936 йил 7 январда ёзган таржимаи ҳолида қуйидагилар ақс эттирилган:

«... Мен Қозон шаҳридаги татар мактабида ўқий бошлаганман, 4 йил ўқигандан сўнг бир йил Қозон Коммерческий билим юртида (1915 йил) ўқидим.

1916 йили онам билан бирга Кавказга, Грозний шаҳрига, онамнинг акасиникига кетдим.

Отам рус-япон урушидан боши оғир шамоллаб хаста бўлиб келди, бундан бутун ҳаёти давомида қийналди, ақлий меҳнат билан шуғулланиш имконияти чекланганди. Шунинг учун 1906 йилдан кейин отам бир неча ой давомида сурункасига ишлаш имкониятига эга бўлмади.

Биринчи империалистик уруш олдида ва урушнинг дастлабки йилларида отам Нижне-Новгороддаги Хусайиновдан қолган фабрикада бир оз ишлаб турди. Сўнгги йиллар қиш фаслида бутунлай ишга ярамай қолди, бу эса оиланинг моддий шароитига оғир таъсир этди.

Бундай шароитлар, шунингдек, шифокорларнинг отамни яшаши учун климатни ўзгартириш ҳақидаги маслаҳати туфайли бизни онам билан унинг туғилган ватани Грозний шаҳрига кетишимизга, отамни эса Ўрта Осиёга кетишига сабаб бўлди. Бизларни отам бирданига Ўрта Осиёга

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 530-варак.

олиб кета олмасди, чунки унинг ишга жойлашиши учун маълум вақт зарур эди. Ўрта Осиёга боришнинг яна бир жиҳати шунда эдики, Ўрта Осиёда отамнинг укаларидан бири тахминан 35 йил аввал эски армияга сафарбарликка олишда бошқирдлар кўзғолони вақтида Бухоро худудига қочиб келган эди. Отамнинг бу укаси ҳукуматдагилардан яшириниб Қарши шаҳридан макон топган ва бу ердан Марказий Россияга қариндошлариникига боришдан қўрқиб юрарди. Инқилобий-прогрессив ишлари учун у Бухоро инқилобининг бошланиши даврида Амир ҳукумати буйруғи билан Қарши шаҳрида қатл этилганди.

Февраль инқилобини биз онамиз билан бирга Грозний шаҳрида кутиб олдик.

Отам 1916 йили Тошкентга келиб «Зингера» фирмасига ишга кириб олади, тикув машиналарини қарзга сотиб олганлардан маблағ йиғиш бўйича агент бўлиб ишлайди. 1916 йилнинг охиридан шу фирма отамни ана шу ишини олиб бориш учун Наманган шаҳрига кўчиради, бу ерга биз ҳам онам билан Грознийдан 1917 йил бошларида келганмиз. 1917–1918 йилнинг қишида мен Наманган Олий билим юртида ўқидим.

Октябрь жанглари даврида ҳам, октябрь кунларидан кейин ҳам отам Наманган қизил гвардиячилар отрядида бўлганида мен 1918 йил охирида Наманган отлик қизил гвардия отрядига кирдим.

...Мунтазам қизил армия тузилгач, Наманган отлик қизил гвардиячи отряд 1-Фарғона кавалерия полкига кўшилди, унда мен 1921 йил бошига қадар бўлдим...»¹

Ҳарбий хизматдан сўнг Аҳмедбек Айдаров Тошкент вилояти фавқулодда комиссияси масъул вакили, Тошкент Эски шаҳар халқ суди раиси, область суди катта терговчиси, республика адлия халқ комиссарлигида Фарғонадаги собиқ босмачиларни тугатиш бўйича ҳарбий терговчи бўлиб фаолият кўрсатди.

1923 йил вақтинча Туркистон Республикаси халқ комиссарлар кенгашида аввал техник, сўнгра масъул котиб бўлиб хизмат қилди.

Кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақада Аҳмедбек Мухамедович Айдаров 1927 йил 21 ноябрда ВКП (б) аъзоси экани, 1923–1924 йилларда Ўрта Осиё давлат университети ижтимоий фанлар факультетида ўқиганлиги қайд этилган.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 36-иш, 14–16-варақлар.

Ўзбекистон ССР ташкил бўлгач, Ўзбекистон ССР Революцион комитет масъул котиби, Ўз ССР Марказий Ижроия комитети президиуми секретариати мудир лавозимида ишлади. У 1926 йил охиридан 1931 йилгача Ўзбек давлат савдода, 1931 йилдан 1932 йилгача «Ўрта Осиё импорт» директори, 1934 йил 28 декабрдан «Ўзбек қорақўл» трести директори бўлган.

1937 йил 14 февралдан Ўз ССР ғаллачилик, чорвачилик совхозлар халқ комиссари ўринбосари бўлиб хизмат қилади. Шу лавозимдалигида 1937 йил августда ҳибсга олинган.¹

1938 йил 4 октябрда СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг Тошкентда ўтказилган сайёр йиғилишида Аҳмедбек Айдаров отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган.² Шунда у эндигина 35 ёшга тўлган эди.

Рахимий Воис Мусажонович, 1904 йил Хива шаҳрида туғилган, миллий раҳбар ходимлардан. Ўзбекистон Компартияси Самарқанд обкомининг масъул ходими, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм классиклари асарларини таржима қилиш бош таҳририятининг котиби. У 1937 йил 6 августда қамокқа олинган.³

СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 4 октябрда Тошкентда ўтказилган сайёр йиғилишида Воис Мусажонович Рахимий отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган.⁴

Берегин Қурбон Оллаберганович, 1904 йил декабрида Хивада мардикор оиласида туғилган, мусулмон мактабида, сўнгра Хивадаги мадрасалардан бирида ўқиган, ўқиш билан бирга мардикорлик қилган. Тадқиқотчи Мадрахим Маҳмудовнинг мақоласида шундай ёзилган: «Хива хонлигининг Хонқа беклигидаги Навхаск қишлоғида асли рус, аммо ота-бобоси шу ерда кўпдан яшаганлиги сабабли ўзбеклашиб кетган Оллоберган Берегин оиласи ўзининг 1,5 таноб ерига экин экиб, деҳқончилик қилар ва оила тебратарди»⁵.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд. 65-рўйхат, 36-иш, 14–15-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варақ.

³ Тарихнинг номаълум саҳифалари. Хужжат ва материаллар. Биринчи китоб Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбуоти ижодий уйи. Тошкент. 2009 бет.

⁴ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варақ.

⁵ Қ а р а н г: Маҳмудов М. Барҳаёт сиймолар (Қатагон қурбонлари ҳақида лавҳалар). Тошкент, «Ўзбекистон», 1991, 139–149-бетлар.

Шаҳар атрофидаги қишлоқлардаги бойларнинг буғдой, беда каби экинларини ўриб бериб, бошқа юмушларини ба- жарган. Отаси билан бирга Қорақумдан саксовул олиб ке- либ сотар, кейинчалик ёғ жувозларни тузатиш эвазига ти- рикчилик қилишган.

Қурбон балоғатга етганида Хива советлар босқини остида қолган эди. Шунда у болалар уйида, Янги Урганч- даги интернатда ўқиган, 3 ойлик педагогика курсини би- тириб ўқитувчилик қилган. Қозон шаҳридаги ярим йиллик ҳарбий-сиёсий мактабда ўқиган. Хоразмга қайтиб келиб 1922 йил 15 январида фавқулодда комиссияда, сўнгра дав- лат сиёсий бошқармасида (ГПУ) хизмат қилган.

1922 августида уни Москвадаги Шарқ халқлари ком- мунистик университетида ўқишга юборишади. Хива шаҳар комсомол ячейкасида котиб, 1923 йил Хозарасп район ком- сомол комитетига секретарь қилиб сайланади. 1923 йил де- кабрида Тошҳовуз область комсомол комитети мафкуравий бўлимига мудирлик қилади, тез орада Хоразм комсомоли Марказий комитетида инструктор бўлиб хизмат қилади, 1924 йил партиёга қабул қилинди. 1925 йил 11 июнида Қ. Берегин Хоразм область комсомол комитети биринчи секретари лавозимида кўтарилди, айна вақтда «Инқилоб куёши» газетасига муҳаррирлик қилади.

1925 йил апрелидан 1929 йил августигача Хоразм округ партиё комитетининг бюро аъзоси бўлди. 1929 йил 23 май- да Қ. Берегин Ўзбекистон Коммунистик партиёси Марка- зий Комитети ихтиёрига чақириб олиниб, Ўзбекистон ССР Маориф Халқ комиссариатининг коллегияси аъзоси ва ом- мавий ишлар бўлимининг мудирини лавозимида ҳамда «Мао- риф ва ўқитувчи» журналин таҳририяти аъзолигига тавсия этилган.

Қ.Берегин 1931 йили «Коммунистик маориф учун» номли ўқитувчилар газетасига масъул муҳаррир, ўша йили октябридан Республика давлат матбуоти правле- ниясига раис бўлади. У «Китоб ва инқилоб», «Қурилиш», «Совет адабиёти» журналларининг ҳам муҳаррири бўлган, ЎзКомпартия Марказий комитетининг маданий тарғибот бўлимининг матбуот қисмига раҳбарлик қилади, Ўзбекистон ёзувчилар союзи раиси лавозимида фаолият кўрсатган¹.

¹ Маҳмудов М. Барҳаёт сиймолар (Қатағон қрубонлари ҳақида лавҳалар). «Ўзбекистон», Тошкент, 1991, 96–105-бетлар.

Аммо «Катта террор» бошланиши муносабати билан бошқалар қатори Қурбон Берегин ҳам қатагон объекти бўлиб қолди. 1937 йил июнида ЎзКомпартия VII съездида таниқли арбоблар каби унга ҳам миллатчи ва халқ душмани деб айб қўйилди. 1937 йил август охирида бўлиб ўтган Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениясининг IV пленумида унга «миллатчи ва аксилинқилобчиларнинг ҳомийси» деган тухмат ёпиштирилди, уни ҳатто ёзувчилар союзи аъзолигидан ҳам ўчирдилар. ЎзКомпартия Марказий комитети бюросида уни партия сафидан чиқардилар¹.

«Эртаси куни, – деб ёзади тадқиқотчи М.Маҳмудов, – ҳибсга олинган Қ.Берегин кўп вақтгача бедарак кетди. Унга 1938 йил 5 октябрда Тошкентда бўлган суд томонидан олий жазо белгиланиб, ҳукм ижро этилган»².

Аслида эса Ўзбекистон ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги республика бўйича сиёсий элитага мансуб кишилардан 155 киши 1- категория бўйича, 10 киши 2- категория бўйича айбланганлар рўйхатини СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига юборган. СССР НКВД давлат хавфсизлик бошқармаси 8- бўлим бошлиғи Цесарский ўзи имзолаган «**СССР Олий суди ҳарбий коллегияси судига тегишли шахслар рўйхат**»ни 1938 йил 28 мартда ВКП(б) Марказий комитетига тасдиқлаш учун юборади. Рўйхатга И.Сталин, В.Молотов, Л.Кагонович, А.Жданов, К. Ворошиловлар имзо қўйганлар³. Ана шу рўйхат бўйича 24- ўринда Қурбон Оллаберганович Берегин бўлган.

Орадан 6 ой ўтиб, СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилиши 1938 йил 4–16 октябрь кунлари бўлиб ўтади. Ҳарбий коллегия 1938 йил 4 октябрда Қурбон Берегинни отувга ҳукм қилади, ҳукм ўша куни ижро этилган⁴.

Усмонхон Эшонхўжаев, 1899 йил 14 октябрда Андижон шаҳрида туғилган, ижтимоий келиб чиқиши – пахтакорнинг ўғли, отасининг 10 гектар ери, 2–3 оти, ёлланма ишчиси бўлган, 1910 йили вафот этган. Усмонхон эски мусулмон мактабини, рус-тузем мактабини, олий бошланғич билим юртининг 4- синфини тугатган. 1920 йили Москва-

¹ Маҳмудов М. Барҳаёт сиймолар... 105-бет.

² Ўша асар, 149-бет.

³ Репрессия 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. Главная редакция издательско-полиграфическое акционерное компании «Шарк». Ташкент, 2005. стр. 215–228.

⁴ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варак.

да Коммунистик университетни, 1925–1930 йилларда Москвада Қизил профессорлар институтида ўқиган, фалсафа бўлимини битирган.

1914–1917 йилларда Андижондаги яширин «Иттиҳод ва тараққий» ташкилотининг фаол аъзоси, кейинчалик «Миллий иттиҳод» ташкилотида фаолият кўрсатди. Андижондаги прогимназияда дарс берган, «Туркестанское слова» сўнгра «Туркистанский голос» газетасида ишлаган, «Маориф хаваскорлари» жамиятини ташкил этган, очларга ёрдам берувчи «Қизил ярим ой» жамиятини тузади.

Туркистон АССР Маорифи халқ комиссарлиги ҳайъат аъзоси, давлат илмий кенгаши раиси, Туркистон Компартия Марказий комитети матбуот сектори мудир, ташвиқот ва тарғибот бўлими мудирининг ўринбосари ва бўлим мудир, «Туркистон», «Қизил байроқ» ҳамда «Инкилоб», «Билим ўчоғи» журналларининг муҳаррири Усмонхон Эшонхўжаев кейинчалик Москвада, Чечен-Ингушияда, Ростовда, Микоян шаҳарида, Қозон шаҳрида партия ва мафкуравий раҳбарлик лавозимларида ишлаган.

У 1937 йил 15 августда Қозон шаҳрида НКВДнинг давлат хавфсизлик комитети бошқармаси 4- бўлим томонидан ҳисбага олинади. Хавфсизлик комитети ходими Сагдеев иштирокида 25 январда маҳбус анкетаси тўлғизилган. Унда У.Эшонхўжаевнинг яшаш манзили – Қозон шаҳри Большая Галактинская кўчаси, 3- уй, 74- хона, деб кўрсатилган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрда Тошкентдаги йиғилиши Усмонхон Эшонхўжаевни отувга ҳукм қилган. Ҳукм ўша куни ижро этилган. 1957 йил 1 августда Усмонхон Эшонхўжаев реабилитация қилинган.²

Охунов Ҳолмуҳаммад, 1892 йил 21 январда Эски Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, рус-тузем мактабида ўқиган, ота-оналари хунармандчилик билан ҳаёт кечирган, шарф, шойи бўйинбоғ, чорси тикиб кун кўрганлар.

Ёши 18га тўлганда Марғилон рус-тузем мактабига қоровул бўлиб ишга кирган, бу ерда бир йил хизмат қилиб, 1909 йили «Зингер» компаниясига йиғувчи бўлиб ишга кирган, 1913 йил октябрида Фарғона область 2-район халқ билим юрти уни 3- Қўқон рус-тузем мактабига ўқитувчи

¹ Усмонхон Эшонхўжаевнинг ҳаёти, фаолияти, қисмати ва тақдири Р.Шамсутдиновнинг «Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар» («Шарқ», 2001) китобида (338–375 бетлар) ақс этирилган.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 532-варак.

килиб тайинлайди. 1914 йили 12 январдан уни Асака рус-тузем мактабига, 1915 йили эса Шаҳрихон рус-тузем мактабига ўқитувчи қилиб ўтказишган.

Ўзининг маълумоти етарли эмаслиги ва яхши ўқитувчи бўлиши учун яна ўз устида ишлаб, ўқишни давом эттирмақчи бўлади. Шу боис Инспекцияга рапорт бериб вазифасидан озод қилинишини, таълим олишни давом эттиришни сўраган. Илтимос қондирилган. Рус-тузем мактаби ўқув режасидаги билим ҳажми етарли эмаслигини англаб, билимини ошириш мақсадида Тошкентга келади. Уни Эски шаҳарда битта мусулмон мактаб очишга таклиф этишади. Бу ишни бажаради, жуда ҳам оз миқдорда ойлик олади. Барибир ўқишни давом эттирмақчи бўлади. Бу вақтда Тошкентда Лобанко томонидан очилган йиллик билим берувчи хусусий курслар бўлган, унга кириб ўқийди. Февраль инқилоби туфайли Ҳолмуҳаммад Охуновда ижтимоий ишларда хизмат қилиш иштиёқи ортади. Она юрти Марғилонга қайтиб келади, янги усулдаги мактаблар ўқитувчиларини ҳамда ёш ўзбекларни тўплаб бирор ташкилот тузишга киришади. Лекин бирор иш қилиб бўлмайди. Чунки Муваққат ҳукуматнинг Марғилондаги жамоат хавфсизлик комитети энг реакцион йўл тутаётган эди.

1919 йилдан 1925 йилгача маориф соҳасида ташкилий ишларда фаолият кўрсатган.

1917 йил воқеаларини англай олмаган, Фарғона социал-демократик ишчи партияси устави ва дастурини билмаган ҳолда партияга ёзилган, унинг йиғилишларида қатнашмаган, аъзолик бадалларини тўламаган.

Ҳолмуҳаммад Охунов партиянинг ўзи нима марксизм нима, эканини билмаси-да, революцион куч умуман яхши нарса, революция йўли билан янги ҳаёт яратилиши мумкин, деб тушунган. У ишончли республикачи, ҳатто социалист бўлганда ҳам кўштирноқ ичида социалист бўлмаслиги керак деган илмий асосланган бирор ғоя йўқ эди, деб ҳисоблаб, бундай ғоя, тушунчани Асака рус-тузем мактаби ўқитувчиси ва мудир, Симбирск губерниялик социалист-революционерлар партияси аъзоси Горизонтовдан олганини эслаган. 1907 йили у ҳамма нарсани тушунтирмақчи бўлганида рус тилини билмаслиги оқибатида бу фикр-ғояларни қабул қилиб ўзлаштира олмаганини тан олади. Горизонтов унга шундай деган экан: На подшоҳни, на камбағал оммани эксплуатация қилаётган бойлар ҳоқи-

миятини йўқ бўлишини, улар ўрнига соф, ҳалол ижтимоий ҳаётни барпо қилишни хоҳловчи одамлар бор.

Шунда Ҳолмуҳаммад Охунов татар ва турк тилларидаги социализм бўйича адабиётларни топишга эришади, уларни ўқиб маъно-мазмунини англай олмаганини, Скобелов шахридаги ишчилар йиғилишларидан солдат ва ишчи депутатлари советида кўп марта иштирок этгани, шунда аста-секин революция ва ишчи ташкилотлари моҳиятини тушуна бошлаганини ўз таржимаи ҳолида қайд этган.

Ўша вақтда Туркистоннинг барча шаҳарларида Худоёрхон номи кенг тарқалганди. Шўрои исломчилар ва Шўрои уломчилар Худоёрхон ўғиллари ва набиралари обрўини кўтаришга, уларни бошқарувга жалб этишга уринганлар. Худоёрхончиликка қарши кўп чиқишлар қилганини, мухторият эълон этилганидан сўнг у жамоат ишларидан кетиб ўқитувчилик ишини давом эттиргани, бироқ 1918 йил терлама касалига гирифтор бўлиб, шаҳар думаси тарқатилганини советларга сайлов бўлаётганини уйда эшитган. Сўнг, соғайиб сайловда қатнашади, ижроқўмга сайланади ва Марғилон совети ижроия комитети масъул котиби бўлиб сайланади. Шу вақтда босмачилар етакчиси Мадаминбекга қарши кураш олиб боргани ҳам қайд этилган.

1918 йил большевиклар партиясига ёзилган, у вақтда Марғилонда август ойига қадар бирон-бир ташкилот мавжуд бўлмаган, партия мажбуриятларини бажара олмаган.

Фарғонага кўчиб келганида янгитдан партияга кириш учун ариза берган ва 1919 йил 8 майда Коммунистик большевиклар партиясига қабул қилинган. Ўзининг таржимаи ҳолида юқоридагиларни ёзаркан, унинг якунида Охунов Ҳолмуҳаммад «Шундан бери Ленинча Коммунистик партиянинг фаол аъзосиман» деб кўрсатган.

Шахсий варақасидаги «чет элда бўлганми, қаерда ва қачон, қандай мақсадда, нима билан шуғулланган» деган саволга Ҳолмуҳаммад Охунов «**ЎзССР Марказий Ижроия Комитети ва халқ комиссарлар совети томонидан Парижга бадий саноат кўргазмасига хизмат сафарига юборилганман, 1925 йил 12–30 август кунлари Парижда ва 1–11 сентябрь кунлари транзит бўлиб Берлинда яшадим**» деб жавоб ёзган.

Фарғона халқ маорифи бўлимида мактаблар бўйича мудар, Қўқонда область маориф бўлими мудири ўринбосари, Тошкентда маориф ходимлари ўлка союзи раиси, ишчи-

лар факультетида декан ўринбосари, Республика Бош вақф Бошқармасида Бош вақф лавозимларида ишлагани унинг шахсий varaқасида қайд этилган¹.

Охунов Ҳолмуҳаммад 1938 йил 4 октябрда СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессияси йиғилишида отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Партия XX съезидан сўнг у реабилитация қилинган.

Болтабоев Содиқжон, 1900 йили Қўқон шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, отаси чорикор, камбағал деҳқон, 1920 йили вафот этган, 18 ёшигача отаси билан бирга ишлаган, Қўқондаги шаҳар ўзбек мактабини 4-синфини 1915 йили битирган. 18 ёшидан Қўқон темир йўл депосида ишчи бўлиб ишлаган, 1922 йилгача котельшик бўлган, 1922 йили қизил армияга олинган, 5-ўқчи полкда аскар бўлган, 1923–1926 йиллари темир йўл депосида буғ қозони устасига ёрдамчи бўлиб меҳнат қилган, 1922 йил 1 апрелда партия аъзолигига қабул қилинган.

Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий varaқасида унинг меҳнат фаолияти давомидаги эгаллаб келган лавозимлари акс эттирилган:

1926–1928 йиллари Қўқон уезд касаба уюшмаси раиси.

1928–1929 йиллари округ ижроия комитети раиси, 1929 йил майида Ўзбекистон ССР Советларининг V қурултойида ЎзССР Халқ комиссарлар совети раиси ўринбосари этиб сайланган.

1929–1931 йиллари Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети Марказий контроль комиссияси раиси, 1931–1934 йиллари ЎзКомпартия Марказий Комитети контроль комиссияси котиби, 1934 йилда Тошкент шаҳар партия комитети секретари вазифаларида хизмат қилган.

1936–1937 йиллари Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг учинчи котиби лавозимида фаолият кўрсатган.

1937 йил 11 июлда ВКП(б) Марказий комитети антисовет элементларни текшириш бўйича учлик тузиб, унинг аъзолари қилиб А.Икромов, С. Болтабоев ва Н.Зағвоздинларни тайинлайди.³

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрда Тошкентдаги йиғилиши Болта-

¹ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 96-иш, 115–121-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варақ.

³ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 138-иш, 131–132-варақлар.

боев Содиқжон отувга ҳукм қилган, ҳукм ўша куни ижро этилган. У реабилитация қилинган, партиявий стажи тикланган.¹

Тожиев Ҳамдам, 1900 йили Тожикистоннинг Эски шахрида хизматчи оиласида туғилган, ўзбек, ижтимоий аҳволи – ишчи, маълумоти олий, 1917 йили Тошкент шахридаги рус-тузем мактабини битирган, 1924–1928 йиллари Свердлов номли коммунистик университетда ўқиган. 1932 йили Москва шахридаги Қизил профессорлар аграр институтини 2- курсини битирган. 1919 йилдан 1924 йилгача комсомол аъзоси бўлган, 1918 йили Тошкент Эски шахар партия ташкилотида партияга ўтган, партия билети рақами 1372342.

Меҳнат фаолиятини 1909–1918 йиллари Тошкент шахридаги чойхонада қора ишчиликдан бошлаган. Унинг рус тилида ёзилган таржимаи ҳолини ўзбекчага ўгириб айнан келтирамиз:

«Тожиев Ҳамдам – 1918 йилдан партия аъзоси, партия билети рақами 0025091, ўзбек, 1900 йили Тошкент шахрида, Яккачуб маҳалласида туғилган, ишчи-хизматчилар оиласидан, маълумоти олий. 1918 йилдан 1919 йил бўйи Тошкент Фавқулодда комиссияси қизил гвардиясида хизмат қилган, оқлар армиясида хизмат қилмаган, бошқа партияларда бўлмаган, оппозицияларда қатнашмаган.

1909 йилга қадар онаси қарамоғида яшаган. 1909 йилдан 1918 йилгача Тошкент Эски шахар чойхонасида қора ишчи бўлиб ишлаган. 1918 йилдан 1919 йил мартга қадар Туркистон Фавқулодда комиссияси отрядида Тошкент шахрида ишлаган. 1919 йил мартдан сентябригача Тошкент шахридаги педагогик курсларда ўқиган. 1919 йил сентябридан Тошкент Эски шахаридаги «Намуна» мактабида ўқитувчи бўлган ва бир вақтнинг ўзида Тошкент Эски шахар комсомолида маданият ва тарғибот мудири бўлиб хизмат қилган. 1920 йил сентябридан 1922 йилгача район комсомол ташкилотида масъул инспектор, кейин эса Эски Бухорода Комсомол Марказий Комитети масъул секретари бўлиб хизмат қилган.

1922 йил июнидан ноябригача Тошкент шахридаги Ишчилар факультетида ўқиган. 1922 йил ноябридан 1923 йил сентябригача Тошкент Эски шахар район комсомоли секретари, 1923 йил сентябридан 1924 йилгача Москва шахрида

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 530-варак.

Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетиди, кейин эса 1924 йилдан 1925 йилгача Свердлов номли Коммунистик университетда ўқиб, уни тугатмасдан ВКП(б) Марказий Комитети томонидан, Ўрта Осиё республикаларидаги миллий чегаралаш муносабати билан партия ишига сафарбар қилинган. 1925 йил октябридан 1926 йил охиригача Тошкент шаҳри Эски шаҳар район партия комитети Тошкент бўлим мудирини бўлиб ишлаган. 1929 йил майгача Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетида масъул инспектор, 1930 йил июнигача Ўзбекистон давлат нашриёти идораси раиси, 1930 йил ярмидан 1931 йил июнигача Каттакўрғон район партия комитетининг масъул котиби, 1931 йил августидан 1932 йил охиригача Москва шаҳрида Қизил профессорлар институтида ўқиган ва иккинчи курсдан Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети талаби бўйича ВКП(б) Марказий Комитети қарори билан мен ўқишдан бир йил муддатга чақириб олинди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ихтиёрига юборилди. Бу ерда январдан 1933 йил июнигача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тарғибот-оммавий бўлим мудирини ўринбосари бўлиб, 1933 йил июлидан ҳозиргача Олтиариқ район партия комитети биринчи секретари бўлиб ишламоқда¹».

1937 йил 2 июлда тўлғизган шахсий варақада 1936 йил сентябридан ҳибсга олингунга қадар Бухоро шаҳар партия комитети биринчи секретари бўлиб ишлагани қайд этилган. Шахсий варақада уйлангани, яшаш манзили – Бухоро шаҳри, Когон массив, 8- уй деб кўрсатилган.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрда Тошкентдаги йиғилиши Тожиев Ҳамдамни отувга ҳукм қилган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Реабилитация қилинган.

Саттаров Хошим Оғалиқович, 1904 йили Наманган шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти олий, Москвадаги Тиббиёт институтини 1930 йили тугатиб, ички касалликлар бўйича шифокор мутахас-



¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 138-иш, 142–166-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варақ.

сислигига эга бўлган. 1920 йилдан 1928 йилгача комсомол аъзоси, партияга 1929 йил 28 январиди қабул қилинган, партия билети рақами 1360329.

1936 йил 27 июнида тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида унинг рус тилидаги таржимаи холи сақланиб қолган. Уни айнан келтирамиз:

«Мен 1904 йили ЎзССР Наманган шаҳридаги этик-дўз оиласида туғилганман. Менинг отам ҳамма вақт боғдорчилик билан шуғулланган. 1914 йили иқтисодий шароит туфайли бизнинг оиламиз хусусий қанд корхонасидаги шахсда қора ишчи сифатида ишлашга мажбур бўлган. Бу ишда 1916 йилгача меҳнат қилинган. 1917 йилдан отам ва мен яна боғдорчилик билан шуғулланишни бошладик. 1929 йилдан отам ва онам ҳозирга қадар колхозда ишламоқда. 1917 йили «Намуна» халқ мактабига кирдим ва 1919 йилгача ўқидим.

1919 йили халқ маорифи бўлими мени Тошкентга Ўзбекистон педагогика институти ҳузуридаги курсга ўқишга юборди, бу ерда 1922 йилгача ўқидим.

1922 йили Туркистон Коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Комитети мени Москвага Калинин номли ишчилар факультетига ўқишга юборди. 1925 йили ишчилар факультетини битирдим, ўша йилнинг ўзида ишчилар факультети томонидан 1- Москва давлат университети Тиббиёт факультетига ўқишга юборилдим. 1930 йили 1- Москва давлат университети Тиббиёт факультетини Москвада битирдим.

Тиббиёт институтини битирганимдан сўнг Москвадаги СССР Тропик институти аспирантурасида қолдим. 1931 йил майида Ўз К(б)П Марказий Комитети қарори билан Тошкентда ишлаш учун чақириб олиндим. ЎзК(б)П Марказий Комитети қарорига мувофиқ ЎзССР Соғлиқни Сақлаш Халқ Комиссарлигида кадрлар мудирини этиб тайинландим. Бу лавозимда 1931 йил 15 майдан 1932 йилгача ишладим, 1932 йилдан 1934 йилгача эса ЎзССР Соғлиқни Сақлаш Халқ Комиссари ўринбосари бўлиб хизмат қилдим. 1932 йил июнидан ҳозирга вақтга қадар Тошкент Тиббиёт институти директори бўлиб хизмат қиляпман.. Советлар V қурултойида ЎзССР Марказий Ижроия Комитети аъзоси бўлиб сайландим».

1935 йили 20 декабрда ЎзССР Советлар Марказий Ижроия Комитети ва ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети Тошкентда Тиббиёт институтини ташкил этишдаги фаол ишти-

роки учун қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаган. Партия тозаловидан ўтган.

Оиласида 7 киши, хотини, ўғли, хотинининг 2 синглиси, отаси, яшаш манзили Тошкент шаҳри, 1- май кўчаси, 74- уй¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрдаги Тошкентдаги йиғилишида Саттаров Хошим Оғаликович отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша кун ижро этилган². Партия XX съезидан кейин реабилитация қилинган.

Ризаев Ханиф Султонович, 1903 йили Туркистон Республикаси Сирдарё области Туркистон (ҳозирги Қозоғистон) шаҳрида туғилган, ўзбек. Унинг 1937 йил 30 июнда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасига илова қилинган, 1937 йил 16 мартда ёзилган рус тилидаги таржимаи ҳоли сақланиб қолган. Шу боис унинг ҳаёт йўлини шу ҳужжат асосида қисқача баён этишни лозим билдик:



«Султон отанинг касби дурадгор бўлган, ёз фаслида эса деҳқончилик қилган, хўжалиги ночор, камбағал бўлган, на оти, на хўкизи бўлган. Ҳозирда 66 ёшда, мактаблардан бирида дурадгорлик қилади.

1911 йили мусулмон ўзбек мактабларига кирдим, 1915 йилдан отамга унинг касби бўйича ёрдам бера бошладим, деҳқон хўжалигида ҳам қарашиб турдим. 1916 йили яна ўзбек мактабига қабул қилиндим, у ерда 1917 йилгача бўлдим. 1917 йили қишлоқ хўжалик банкида идора хизматчиси сифатида ишладим, 1919 йили ёздан яна қишлоқ хўжалигида ишлай бошладим. 1919 йил кузида шаҳарга тутах жойдаги милицияда идора хизматчиси бўлиб ишладим. 1920 йили Туркистон шаҳаридаги уезд-шаҳар турмасида бошлиқ бўлдим. 1921 йил сентябрида бу лавозимдан кетиб Туркистон уезд-шаҳар сиёсий бюроси фавқулодда комиссиясига хат ёзувчи, кейин вакил ёрдамчиси бўлдим.

1922 йил майида Туркистон уезд-шаҳар комсомол комитети бюро аъзоси ва ташкилий бўлим мудири вазифа-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 147-иш, 90–97-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варақ.

сини бажардим. 1923 йили Туркистон уезд-шаҳар Ижроия комитетда инструктор бўлдим, бу жойда кўп эмас, яъни 4–5 ой ишладим». Таржимаи ҳолда Туркистон уезд-шаҳар комсомол комитети секретари бўлиб сайлангани, 1924 йили Сталин номидаги Шарқ халқлари коммунистик университетига ўқишга юборилгани, 1925 йили ВКП(б) Марказий Комитети томонидан ЎзКомпартия МК ихтиёрига юборилгани, Самарқанд область партия совет мактабида ўқитувчи, кейин мудир бўлгани, 1927 йили Ургут район партия комитети секретари, 1927 йил охиридан Самарқанд шаҳар Держинский райком секретари бўлиб ишлагани қайд этилган. Москвадаги Свердлов номи Коммунистик университетига юборилгани, бироқ материал Ленинградга юборилгани туфайли Ленинград коммунистик олий ўқув юртини 1930 йил битиргани, ВКП(б) МК томонидан ЎзКомпартияси Марказий Комитети ихтиёрига юборилган. ЎзК(б)П Марказий Комитет Ташкилий бўлиб ҳузуридаги пахта сектори мудир ва иккинчи секретари қилиб тайинлангани, бу лавозимда ишлаётган даврда Кармана районида коллективлаштириш асосида кулоқларни синф сифатида тугатиш бўйича сиёсий учлик раиси бўлгани, сўнгра Олтиариқ райоми секретари, 1933 йилдан Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитети секретари бўлиб 1935 йил мартага қадар хизмат қилгани таржимаи ҳолда акс эттирилган.

Х.Р.Ризаев 1935 йил мартада Акмалобод район партия комитетининг секретари қилиб тайинланади. У Самарқанд округ партия комитетига, 6-партия съездида ЎзКомпартия Марказий Комитети ревизия комиссиясига аъзо қилиб, 1933 йил октябридан 1935 йил мартагача Тошкент шаҳар партия комитети бюро аъзоси бўлиб фаолият кўрсатган. Тожиқ, ўзбек, рус тилларини яхши билган.

1936 йили пахта тайёрлов даврида районда давлатга қарши тенденцияга йўл қўйгани учун ЎзК(б)П МК томонидан унга қатъий хайфсан эълон қилинган, 1937 йил бу жазо олиб ташланган. Оилалиқ, яшаш манзили – Акмалобод шаҳри.

Шахсий варақа 1937 йил 30 июнида тўлғизилган ва ўша куни партия комитети секретари томонидан тасдиқланган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг Тошкентда 1938 йил 4 октябрда бўлиб ўтган

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 117-иш, 81–87-варақлар.

йиғилишида Ризаев Ханиф Султонович отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган¹. Ҳозирда оқланган.

Раҳимбоев Файзулло Рахимович, 1897 йили Хўжанд шаҳрида туғилган. 1903 ёки 1904 йили отаси номаълум жойга кетиб қолганидан Файзулла ёлланиб пахта ва сабзавот териб тирикчилик қилишга мажбур бўлган. Пиллакашлик корхонасига шогирд бўлиб ишга киради. 1913 йили рус-тузем мактабида ҳам ўқиб, ҳам фаррошлик қилган. 1912–1913 йиллари отаси Мирзачўлдалиги, ижарага ер олиб деҳқончилик билан шуғулланаётгани маълум бўлди. 1914 йилдан унинг хўжалиги мустақкамланди, ўзига тўқ хўжаликка айланди. Революциядан кейин унга 8 га ер берилди. 1923 йили ёши кексайиб қолганидан отаси қишлоқ хўжалиги ишини ташлайди.

Февраль инқилобидан сўнг сиёсий ҳаёт билан қизиқиб қолади ва 1918 йили Хўжандда большевиклар партиясига киради. Сўл эсерларга қарши курашда иштирок этади. Хўжанд советларининг биринчи съездида большевиклар фракциясидан совет ижроия комитетига сайланади ва уезд-шаҳар милицияси бошлиғи ёрдамчиси қилиб тайинланади. Босмачилик билан курашади. Озиқ-овқат жаримаси ўтказиш бўйича ҳарбий озиқ-овқат бюроси раиси бўлиб ишлайди. Кейин уезд-шаҳар ижроия комитети раис ўринбосари ва Бошқарма бўлими мудири бўлган. Жанговар дружинада, кейин Қизил гвардияда бўлган, қизил партизан.

1921 йили Тошкентда Туркистон союзи идораси аъзоси бўлган. Хўжандда босмачилик ҳаракати ривожланиши муносабати Файзулла Хўжанд уезд-шаҳар партия комитети масъул котиби қилиб юборилади. Бу лавозимда 1922 йил охиригача бўлади.

1922 йил охирида Москвага ўқишга юборилади. Калинин номидаги ишчилар факультетини битириб, Тимирязев номи Академиянинг муҳандислик факультетини 1930 йили тамомлайди.

Ишчилар факультети ва академияда партия ячейкаси касаба союз ташкилоти, бир қатор жамоат ташкилотларига аъзо бўлади. Сўнгги курсда аспирантликка тавсия қилинади. 1930 йили илмий-тадқиқот экспедицияси таркибида Тожикистонга келади. Шу вақтда партиянинг иккинчи съезди бўлиб, унда Тожикистон сув хўжалиги раҳбарияти фoš этилади ва Файзулла Сув хўжалиги Бошқармаси

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варак.

бошлигининг биринчи ўринбосари қилиб тайинланади ҳамда Халқ Комиссарлари Совети таркибига киритилади.

1930 йил кузида назарий курсни тугатиш учун Москвага келади. Бу вақтда Тожикистон Советларининг съезди бўлади ва Тожикистон ССР Марказий Ижроия комитетига аъзо бўлиб сайланади.

Москва сув хўжалиги институтини битирганидан сўнг инженер гидротехник бўлиб Тошкентга келади ва ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси қарори билан 1931 йил феврида Вохшстрой бошлиғи ўринбосари қилиб, кейинроқ Варзобстрой бошлиғи бўлади. «Мен, – деб ёзган эди у ўз таржимаи ҳолида, – ўша вақтдаги Хожибоев ва Гусаиновдан иборат раҳбарият билан бирга ишлашдан бош тортдим ва ВКП(б) Марказий Комитет Ўрта Осиё бюроси секретари ўртоқ Бауман мени Тошкентга келиб ишлашимга розилик билдирди. Ўрта Осиё сув хўжалиги директори ўринбосари бўлдим, у тугатилгандан сўнг 1932 йил март бошларида Ўрта Осиё сув ишлаб чиқаришга (ҳозирги Ўрта Осиёгипровод) директор ўринбосари сифатида юборилдим.

СССР Ер ишлари Халқ комиссарлигининг 1935 йил 23 апрелдаги буйруғи билан Сазгипровод директори этиб тайинландим. 5.1.36 й. Тошкент шаҳри. Рахимбоев».

Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақада рус, ўзбек, тожик тилларини билгани қайд этилган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрдаги Тошкентдаги йиғилиши Раҳимбоев Файзулла Раҳимовични отувга ҳукм қилади, ҳукм ўша кун ижро этилади². Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинади, партиёга тикланади.



Каримов Гаффор, 1900 йили Самарқанд шаҳрида деҳқон, ишчи оиласида туғилган, эроний, маълумоти куйи, икки йил Мусулмон мактабда ва 3 ой янги усулдаги мактабда ўқиган. Унинг 1937 йил 5 июлда ёзган таржимаи ҳоли ходимларни ҳисобга олиш шахсий

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 104-иш, 140–143-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варақ.

варақасига илова қилиб берилган. Ғаффор Каримовнинг ҳаёт йўлидан айрим лавҳаларни ана шу таржимаи ҳолдан келтирамиз. «Мен, – деб ёзган эди у, – 1903 йили ёки 1901 йили Туркистон ўлкаси Самарқанд шаҳри Боғишамол райони 1- Данғарарик қишлоғида туғилганман. Отам келиб чиқиш жиҳатидан камбағал деҳқон, Кавказорти Елизавета-полск губернаси Қозоқ районидан, онам эса ўзбек, Туркистон ўлкаси Пойариқ районидан камбағал деҳқон қизи. Кам ерли бўлган отам овулни тарк этиб, аввал Кавказорти темир йўлида, кейин эса Ўрта Осиё темир йўлида қора ишчи бўлиб ишлаган».

Ғаффор 1911 йили онаси вафот этгач, синглиси билан отаси қарамоғида қолади. Уларни боқа олишдан қийналган ота Кавказдаги ўз қариндошлариникига юборади. Шунда Ғаффорни чўпон сифатида бир бойга ёлланма ишчи сифатида берадилар. Бу ерда бир ярим йил ишлаб, яна оғир ҳаёт туфайли амакисини ёрдами билан Самарқандга отаси ёнига келади. Самарқандда истеъфога чиққан генералда хизмат қилади, сўнгра қамишдан бордон қиладиган хунармандга шогирд бўлади ва бир вақтнинг ўзида мусулмон мактабда ўқийди.

1915 йили вино заводида ишлайди, кейин Самарқанд–Ашхобод депосида ишлайди, 1916 йили отасини излаб Термиз шаҳрига келади, отаси бу ердаги темир йўлда катта ишчи бўлиб ишлаётган эди. Ғаффор ҳам шу депога ишга қиради. Октябрь революцияси юз берганда у Термиз шаҳрида эди, кўнгилли равишда қизил гвардия отрядига қиради, 1918 йили Самарқанд отрядига ўтказилади, бу ердан ҳаракатдаги Қозон отрядига ўтиб, қизил аскар сифатида оқларга қарши барча жангларда, Закаспий фронтдан тортиб, Чоржўй ва Қизил аравотгача бўлган ҳудудларда хизмат қилади.

1919 йил охирида Ғаффор хизмат қилаётган отряд Фарғона фронтига ташланади. Йўлда, яъни Ховос станциясига етганда Ғаффорни ўқиш учун Тошкентга юборишади. Бироқ унинг камсаводли бўлгани учун ўқишга қабул қилмайдилар. Самарқанд шаҳрида комсомол ва партияга қиради, 2–3 ой ўтиб Тошкент шаҳрига сиёсий курсларга юборишади. Бироқ бу курслар яхши бўлмаганлиги сабабли тарқалиб кетади. Шунда Ғаффор янги ташкил этилган эронийларнинг интернационал отрядига кўнгилли бўлиб қиради. Отряд Ашхободга юборилади, бу жойда 1,5 йил

хизмат қилади, ҳарбий комиссарнинг катта ёрдамчиси бўлади. 1921 йили эронийлар коммунистик секцияси ташкилотининг котиби, кейин Красноводск уезд-шаҳар партия комитети озчилик миллатлар бўлими мудирини бўлиб ишлайди, кўп ўтмай Боғишамол район партия комитетининг секретари вазифасига кўтарилади. Бироқ, бу ташкилот тарқалиб кетади, область партия комитети Гаффорни Боғишамол райони бўйича партия ташкилотчиси қилиб тайинлайди ва у янги ташкилот тузади. 1922 йил охиридан у комсомол ишига ўтади, район, область комсомол комитети секретари, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетига аъзо бўлади ва 1927 йилдан узлуксиз равишда партия ишида хизмат қилади. У Пенжикент округ партия комитетининг, Боғишамол, Зомин, Нов, Риштон район партия комитетларида секретар, 1936 йилдан Коганович район партия комитетининг секретари вазифаларида ишлайди. Ҳибсга олинган вақтда Тошкентда чорва ва ғаллачилик совет хўжаликлари халқ комиссари вазифасида ишлайди. Унинг шахсий варақасида эрон, туркман, ўзбек, рус, тожик тилларини билгани, Тожикистон АССР революцион комитетининг, Хоразм округ ижроия комитетининг ёрликлари билан тақдирлангани, 1929 йили партия ташкилотида юзага келган бузғунчиликка қарши чора кўрмаганлиги учун Марказий контрол комиссияси томонидан хайфсан эълон қилингани, бу жазони 1936 йил 10 апрелда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети олиб ташлагани, оиласида хотини ва ўғли борлиги, яшаш манзили Коганович райони, Яйпан қишлоғи экани қайд қилинган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрда Тошкентда ўтказилган йиғилишида Каримов Гаффор отувга ҳукм қилинади, ҳукм ўша куни ижро этилади².

Ҳозирда оқланган.

Раҳимий Воис Рахимович, 1904 йили Хива шаҳрида туғилган, отаси отбоқар, ошпаз бўлиб тирикчилик қилган. Воис 1912 йилга қадар эски шарқона мактабда, 1912 йили ҳукумат очган янги мактабда 1916 йилга қадар ўқиган. Ўша йили Россияда ўқиш иштиёқида бойларнинг хайрияси ҳисобидан Оренбургга келади. Аммо 1917–1918

¹ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 347-иш, 55–60-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варақ.

йил ўқув йили якунланиб қолади, қабул қилиш учун унга ўрин бўлмади. Натижада, ватанга қайтишга мажбур бўлади. Йўлда Тошкент шаҳрида қолиб, бу ердаги хивалик инқилобчилар ташкилотидakilар билан учрашиб қолади. Улар Тошкентда Хива хонига қарши курашишиб, уни ағдариш масаласи билан машғул эдилар. Воис Рахимий улардан махсус топшириқ олиб, Хивага қайтади. Бу вақтда Хивада реакция авж олган эди. Барча мактаблар ёпиб қўйилган, газеталар чиқиши тўхтатиб қўйилган, ҳар қандай инқилобий фикр аёвсиз таъқиб остига олинаётган эди. Рахимий ҳам ҳукумат томонидан шубҳа остига олинди, текширув ўтказилади, уни Тошкентда бўлгани ҳақида сўроқ қилинади, унга нисбатан таъқиб ўрнатилади. 1920 йил январидан тирикчилик ўтказиш учун тўқувчилик устахонасида ишлайди. 1920 йил январдан март ойигача, яъни хон ағдарилишигача бўлган даврда совун ишлаб чиқариш заводида ишлайди.

Хоразмда совет ҳокимияти ўрнатилиши билан 1920 йил мартда коммунистик интернационал Хива коммунистик ёшлар союзини ташкил этади ва Воис Рахимий комсомол марказий комитетига сайланади, бу лавозимда ўша йилнинг 20 июлигача фаолият кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида болалар уйида ҳам ўқитувчилик, ҳам тарбиячилик қилади. 1920 йил 15 апрелда партиёга киради. 1920 йил 20 августда Марказий комитет йўлланмаси билан Оренбургдаги Шарк институтига ўқишга киради. 1921 йил апрелигача ўқиб, Тошкентга қайтиб келади. Уни коммунистик интернационалнинг Ўрта Осиё бюроси Хива комсомол ташкилотида ишлашга сафарбар қилади. У Хивага келади, Марказий бюрога сайланиб, Хоразм комсомол маркази комитети ташкилий бўлимига мудирлик қилади. 1922 йил феввалида Хоразм комсомол Марказий Комитети секретари бўлиб сайланади.

Хоразм республикаси советларининг 3-қурултойини чақириш, ўтказиш ва тайёрлаш комиссиясида бўлиб, бу қурултойни ўтказишда фаол хизмат қилган.

Ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида Воис Рахимийнинг иш фаолияти акс эттирилган. Ундаги айрим маълумотларни келтирамиз. 1920 йил сентябридан 1921 йил майига қадар Оренбург педагогика институтида тингловчи, 1921 йил сентябридан 1922 йил июлигача Хоразм комсомол комитети Марказий Комитетининг секретари,

1922 йил сентябридан 1924 йил июнигача яна Оренбург педагогика институтида тингловчи, 1924 йил сентябридан 1925 йил сентябригача Хива шаҳрида Хоразм Компартияси Марказий Комитети ва область партия комитети ташкилий бўлим мудир ва секретари, 1926 йил февралдан 1926 йил июлигача Самарқанд шаҳрида ЎзССР Марказий Ижроия Комитети ташкилий бўлим мудир ва секретари, 1926 йил июлидан 1928 йил июлигача ЎзССР Марказий Ижроия Комитети котиби, 1928 йил июлидан 1929 йил февралигача Самарқанд округ партия комитетининг секретари, 1929 йил майидан 1929 йил октябригача Ўзбекбирлашув идорасининг раиси, 1929 йил октябридан 1931 йил октябригача «Қизил Ўзбекистон» газетасининг муҳаррири, 1931 йил январидан 1931 йил июлигача қадар ЎзКомпартия Марказий Комитетининг Хоразм ва Бухорода экиш компанияси бўйича вакил, 1931 йил ноябридан 1933 йил майигача Москвада марксизм-ленинизм курсида тингловчи, 1933 йил майидан 1934 йил июнигача Марғилонда МТС сиёсий бўлим бошлиғи, 1934 йил сентябридан 1935 йил майигача Фарғона педагогика институтининг директори, 1935 йил майидан 1937 йил апрелигача Қўқонда МТС директори вазифаларида хизмат қилган.

1937 йил 8 апрелда Воис Рахимий ЎзКомпартия Марказий Комитети ихтиёрига чақириб олинади ва партиядан ўчирилади¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрда Тошкентда ўтказилган йиғилишида Рахимий Воис Рахимович отувга ҳукм қилинади, ҳукм ўша кун ижро этилади². Ҳозирда оқланган.

Турсунхўжаев Муҳитдин, 1900 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган, ўзбек, отаси Турсунхўжаев Абдурасул Хўжа табиб, шифокор бўлган, вақти-вақти билан деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб турган, 1919 йилдан ВКП(б) аъзоси, партия билети рақами 0026377. Аввалида 1918 йили Тошкент Эски шаҳар сўл эсерлар партияси аъзоси бўлган, 1918 йилдан қасаба уюшма аъзоси, маълумоти куйи, 1911–1914 йиллари Тошкентдаги рус-тузем мактаби 3-курсини, шаҳар билим юртининг 2-синфини битирган, 1920 йили Москвада Я.М.Свердлов номи Коммунистик университетнинг Бошқарув факультетини битирган,

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 105-иш, 174–182-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варақ.

партия ва совет ходими мутахассиси бўлган, рус, татар ва турк тилларини билган.

1933 йил 26 октябрда Москвада туриб ёзган таржимаи ҳоли 1935 йил 7 майда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варқасига илова қилинган. Ундан айрим лавҳаларни келтирамиз.

М. Турсунхўжаев 1914 йили мактабни битирган, реал билим юртида ўқишни давом эттирмоқчи бўлади, лекин «беғона» киши бўлгани учун билим юртига қабул қилинмайди. Шу боис Октябрь революциясига қадар 3 йилдан ортиқроқ вақтда Давлат банки Тошкент бўлимида ва Т.М. Ульяновнинг нотариал конторасида хат ташувчи, ишбоши, саркор, 1918 йил бошидан «Мақсуд» кооперативида ишлайди.

1918 йил у Тошкент Эски шаҳаридаги мусулмон аҳолиси вакилларида иборат идора ходимлари ва хат ташувчилар, мирзалар касаба уюшмасини ташкил этишда фаол иштирок этган. Ўша йили сўл эсерлар партиясига кирди, орадан бир неча ой ўтиб, 1919 йил бошларида Коммунистик (большевиклар) партиясига қабул қилинади.

Партия жанговар дружинасига аъзо бўлиб, 1919 йили январида Осипов кўзғолонини бостиришда фаол қатнашади. Бу сиёсий фитначиларнинг бир нечасини отиб ташлайди, бу жанговарлиги учун Тошкент Эски шаҳар совети фахрий ёрлиқ билан тақдирлаган.

1919 йил февралда Тошкент шаҳар советига сайланади ва Социал таъминот бўлимида Эски шаҳар советининг вакили ҳамда котиби бўлиб ишлайди.

1919 йил сентябрида Тошкент Эски шаҳар район партия комитети секретари бўлиб сайланади, айти вақтда у Эски шаҳар комсомол ташкилотига ҳам асос солиди.

1920 йил 14 январидан Москвага бориб Я.М. Свердлов номли коммунистик университетга ўқишга боради. Бу жойда у ўзининг назарий, сиёсий тайёргарлигини ошириб келади. Ўқишни битиргач, РКП(б) МК йўлланмаси билан Туркбюро қарори бўйича Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлигига ишга тайинланади ва бу жойдан БХСР Ички ишлар нозири котиби, вақти-вақти билан ўринбосари билан ишлаш учун Бухорога юборилади. 1921 йил апрелидан яна ТАССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Бошқарма бўлими мудири вазифасига тайинланади.

Ўша йилнинг августида Туркистон Компартияси Мар-

казий Комитети уни Фарғона областига милиция бошлиғи ўринбосари, сўнг бошлиқ вазифасини бажарувчи қилиб юборади.

Айни вақтда Комсомол комитети Марказий Комитетининг Фарғона обком комсомолида расмий вакили ҳам бўлди. 1921 йил декабрида Москвада РСФСР советларининг XX съездларида қатнашади. Тез орада у республика комсомол Марказий Комитети секретари этиб сайланади.

1922 йил июнида Самарқанд обком комсомоли секретари ва область партия комитети аъзоси этиб сайланади.

IV Бутунроссия Комсомол съездида делегат сифатида қатнашади. Москвадан қайтиб келгач, Тошкент Эски шаҳар ижрокўмини мустақамлаш учун ижрокўм Бошқармаси мудири лавозимига тайинланади.

1923 йил охиридан Сирдарё область партия комитети тарғибот-ташвиқот бўлими мудири бўлиб ишлайди. 1924 йил майида «Туркистон ипаги» акциядорлик жамияти идораси раиси бўлиб сайланади, бу ишда 1926 йил ўрталаригача хизмат қилади.

1924 йил августида Революция Курашчилари халқаро ташкилоти Фарғона, Марғилон уюшмаларини (МОПР) ташкил этади.

1929 йил майидан 1929 йил 22 октябрига қадар ЎзССР Ички ишлар Халқ Комиссари ўринбосари бўлиб хизмат қилади. Республика партия ташкилоти раҳбариятининг тавсияси билан махсус куролланган отряд билан Фарғонадаги Ёрмат Махсим босмачилар тўдасини тугатишга сафарбар қилинади. 1929 йил 6 ноябрдан ЎзССРнинг СССР ҳукуматида мухтор вакили этиб тайинланади ва Москвада фаолият кўрсата бошлайди. ЎзССР советларининг IV съезидида М.Турсунхўжаев СССР советлари IV Бутун Иттифоқ съездида делегат қилиб сайланади. У СССР Марказий Комитетининг бюджет комиссияси президиумига аъзо этиб сайланади. 1932 йил СССР Фанлар Академиясининг Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини ўрганишга бағишланган конференцияси ташкилотчиларидан бири эди. Конференция илмий маърузаларини нашр этиш бўйича таҳририят аъзоси ҳам эди. «Ўзбекистоннинг X йиллиги» альбомининг масъул муҳаррири, бир қанча рисолалар муаллифи бўлган.

Ўз таржимаи ҳолида хизмат жараёнида на партиявий, на совет йўли бўйича ҳеч қандай жазо олмагани, таъқиб остига олинмаганини ёзган эди.

Тошкент областида ер-сув ислохотини ўтказишдаги хизматлари учун ЎзССР МИК томонидан фахрий ёрлик, олтин соат билан тақдирланган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябридаги йиғилишида Муҳитдин Турсунхўжаев отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Ҳозирда оқланган.

Турсунхўжаев Саъдуллахўжа – Ўрта Осиёда танилган давлат ва жамоат арбоби, жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаридан бири. 1891 йили Тошкент шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек. Унинг отаси Турсунхўжа Муҳаммадхўжаев ёлланма ишчи жалб этмай деҳқончилик билан ҳаёт кечирган, онаси Оишабиби Содикхўжаевнинг қизи бўлган, Турсунхўжаев 82 ёшда, Оишабиби 50 ёшда бўлган. Улар катта ўғиллари қарамоғида яшашган. Саъдуллахўжа 6 ёшидан рус-тузем билим юртига ўқишга кирган. 3-синфни тамомлаб 11 ёшида Оренбургда тоғаси билан иш юрутувчи бўлиб ишлаган. 1912 йили акалари савдо фирмасини очадилар, унда Саъдуллахўжа маошсиз ишлайди.



С.Турсунхўжаев ўз таржимаи ҳолида «биз тараққий-парварлар Туркистонда, Фарғона областининг Қўқон, Андижон, Ўш шаҳарларида инқилобий тўғараклар ташкил этганмиз, газеталар чиқарганмиз, нашриётлар ташкил этганмиз» деб ёзган эди. У ўз билимини ошириш устида мунтазам иш олиб борган, кўплаб адабиётлар ўқиган эди. 1923 йили Ўрта Осиё билим юрти Ижтимоий фанлар факультетига ўқишга кирган, аммо хизмат туфайли уни битира олмаган. Унинг ўзи тўлғизган шахсий варақасида меҳнат фаолияти акс эттирилган. С.Турсунхўжаев подшо Россияси ва совет режимига қарши сиёсий фаолияти учун бир неча бор тайзик, таъқибга учраган. 1916 йилги кўзғолондаги иш-тироқи учун Қўқонда қамоққа олинган, бироқ жамоатчилик талаби билан қамоқдан бўшатирилган, 1918 йили у эсерлар

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 166-иш, 68–79-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варақ.

партиясига кирган. 1919 йилдан большевиклар партияси сафида бўлган.

1917–1918 йилларда у Туркистон ўлкаси Озиқ-овқат халқ комиссарлигининг Москвадаги вакили, 1918 йили Тошкент Эски шаҳар ижроия комитети раиси ўринбосари, 1918–1919 йиллардан Туркистон АССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссари, Миллий ишлар халқ комиссари, Ташқи ишлар халқ комиссари, Туркистон Компартияси Марказий Комитети секретари, айти пайтда Бухоро Компартия Марказий Комитети секретари (1920–1921 йиллар), Туркистон АССР Марказий халқ хўжалиги кенгаши раиси ўринбосари (1921–1922 йиллар), Помир революцион комитети раиси (1922–1923), БХСР Савдо ва саноат халқ нозири, ХХСР Ижтимоий таъминот савдо-саноат нозири (1923–1924), ХХСР нозирлар шўроси ўринбосари, Давлат режа комиссияси раиси, ХХСР Марказий Ижроия Комитети раиси (1924), Хоразм вилояти инқилобий қўмита раиси (1924 йил).

С.Турсунхўжаев Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилгач, СССР Мудофа кенгашининг Ўзбекистон ССР бўйича вакили (1925–1926 йиллар), Ўрта Осиё сув хўжалиги қурилиши ташкилоти бошлиғи (1927 йил), СССР ер ишлари халқ комиссарлигининг Ўрта Осиё бўйича вакили (1928–1934 йиллар), Қозоғистон ССР сув хўжалиги бош бошқармасининг бошлиғи (1935–1937 йиллар) лавозимларида самарали ва катта фаолият олиб борган.

«Катта қирғин» даврида 1937 йили 27 апрелда Олмаота шаҳрида қамокқа олинган.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрь йиғилишида Саъдуллахўжа Турсунхўжаев отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган.¹ Ҳозирда оқланган.²

Қосимов Ғофур, 1894 йили Ўш шаҳрида деҳқон оила-сида туғилган, отадан 7 ёшида жудо бўлиб, онаси қўлида қолган. 1897 йили оила доимий яшаш учун Наманган шаҳрига кўчиб келган. Отадан ҳеч қандай мерос қолмаган

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варак.

² Унинг фаолияти ҳақида қаранг: Азиззода Л. Янги ҳаёт курашчилари. Т.1977; Валийдий Аҳмад Заки. Бўлинганни бўри ер (Хотиралар). Т.1977; Шамсутдинов Р, Убайдуллаев У. Истиклолчи Саъдуллахўжаев Турсунхўжа – «Ўзбекистон матбуоти». 2002. №5; Турсунхўжаев Саъдуллахўжа – Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат нашриёти. Тошкент. 2004. 8-жилд, 678-бет.

Гофур 6 ёшдан мусулмон мактабида ўқийди, 12 ёшида янги усулдаги ўзбек мактабига киради, 1908 йилгача бойлар кўлида хизматкор бўлиб ишлаган, асалари бокқан. Революциядан кейин Фарғона шаҳрида 6 ойлик қисқартирилган педагогик курсда ўқиган ва 1918 йили Наманган шаҳридаги педагогик курсларда ўқитувчи бўлиб ишлайди, 1919–1921 йиллари Наманган шаҳар халқ маорифи бўлими мудирини бўлиб хизмат қилади, 1921 йил апрель бошларида партия сафига ўтади, 1921 йили Наманган уезд-шаҳар ижроия комитетига сайланади ва уезд-шаҳар милиция бошлиғи, уезд-шаҳар партия комитети масъул котиби, 1924 йилдан 1925 йилгача Наманган уезд-шаҳар «Кўшчи» союзини раиси, 1925–1927 йиллари Қўқон шаҳрида область ижроия комитетини умумий бўлим мудирини, 1929–1930 йиллари Наманган район пахта союзи раиси, 1930–1931 йиллари Андижон округ колхоз секцияси раиси бўлиб ишлайди. 1931–1932 йиллари Москвада Олий колхозлар институтинида ўқийди, ўқишдан қайтиб келиб яна Наманган район колхоз союзининг раиси бўлиб ишлайди. 1932–1934 йиллари Тошкентда Ўзбекистон ипакчилик трестининг директорини бўлиб ишлайди, шахсий варақасинида 1919–1922 йиллари босмачилик фронтинида 184 маротаба урушда қатнашгани қайд этилган¹. 1923 йил октябринида босмачиликка қарши курашдаги қахрамонини ишларини учун СССР Марказий Ижроия Комитетини президиумини қарорини билан Гафур Қосимов СССР Марказий Ижроия Комитетининг ёрлиғини билан тақдирланган².

Унинг шахсий варақасининг «Октябрь революциясидан» кейин қандай мукофотлар олган? – деган саволига Гафур Қосимов Қизил байроқ ордени билан тақдирланганман, деб ёзган. Шахсий варақадан ВКП(б) Марказий Комитетини Ўрта Осиё бюросини томонидан 1929 йили Гафур Қосимовга махбус кўрбошиларни озод қилинишига қаршилик билдиргани учун хайфсан эълон қилинган қайд этилган.

СССР Олий судини Ҳарбий коллегиясини сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрь йиғилишинида Қосимов Гафур отув-

¹ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 357-иш, 57–58-варақлар.

² Аҳмедов Сирожиддин. Лев Троцкий ва Иномжон Хидралиевга оид икки ҳужжат.–Тарихнинг номаълум саҳифаларини. Илмий мақолалар, ҳужжатлар ва материаллар, хотиралар. Учинчи китоб. Тошкент. «Ўзбекистон», 2012, 139–143-бетлар.

га ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган.¹ Ҳозирда оқланган.

Зокиров Боқижон, 1903 йил Тошкент шаҳрида хунарманд оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти олий, 1926 йил декабрдан партия аъзоси, партия билети рақами 1365757, Октябрь инқилобигача рус-тузем мактабининг 4-синфини битирган, инқилобдан сўнг совет мактабида ўқиб, уни 1919 йил сентябрида битирган, 1925–1930 йилларда Ўрта Осиё давлат университети иқтисодиёт факультетини битириб, иқтисодчи, режалаштирувчи касбини эгаллаган. Унинг отаси Зокир Алиев телпакчи хунарманд бўлиб 1926 йилгача дўконда ишлаган, бу ерда ўз маҳсулотини тайёрлаб сотиб тирикчилик қилган, онаси уйда ўтирган, отасига ёрдам бериб турган.

Отаси ва онаси бобосидан мерос қолган Эски шаҳардаги уйда яшашган, меҳнатга лаёқатлилари Боқижон қаромоғида яшаган.

1924 йили уйланган. Аёли саводсиз ва паранжида бўлган, шу боис ўқиган, тўликсиз ўрта маълумотга эга бўлган, 4 фарзандининг онаси ва у болалар тарбияси билан машғул бўлган.

1937 йил 27 августда тўлғизган шахсий варақасида шундай ёзилган: Меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳридаги 29-сонли бошланғич мактабда ўқитувчи ва мудир бўлиб бошлаган, 1920 йил 1 июлида Туркистон Комсомоли Марказий Комитетининг инструктори бўлиб Хоразм ва Бухоро республикаларида ишлайди. 1921 йил июлидан 1923 йил мартига қадар Тошкент Эски шаҳар комсомол комитетида бўлим мудирини, 1923 йил мартдан 1926 йил майгача Тошкент шаҳар коммунал хўжалигида бўлим мудирини ва Бошқарма бошлиғи ўринбосари бўлиб хизмат қилган. Тошкент шаҳар Вақф бошқармасида (1926 йил май – 1927 йил июль) бўлим мудирини ва бошлиғи, коммунал хўжалик бошқармаси мудирини (1927–1928 йиллар), 1929 йил октябридан 1930 йил мартгача Ўрта Осиё ирригация политехника институти талабалар иши бўйича проректор, 1930 йил декабридан 1932 йил апрелигача ЎзССР Давлат план комиссиясида Қишлоқ хўжалиги секцияси раиси ва план комиссияси раиси ўринбосари бўлиб хизмат қилган.

1932 йил апрелидан ЎзССР Халқ хўжалиги Бошқарма

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варак.

бошлиғи лавозимида ишлаган, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетига аъзо бўлиб сайланган.

Рус, қозоқ ва туркман тилларини билган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Лепанинг Халқ хўжалиғи ҳисоби Ўзбек бошқармаси бошлиғи Боқи Зокировга берган тавсифномасида унинг иш фаолияти юқори баҳоланган, унинг ўз устида қатъий ишлаши, режалаштириш ва ҳисобга олиш масалаларини яхши эгаллаган эпчил ташкилотчи, саноат ишларини ҳисоблаш ишларида намунали фаолият кўрсатгани, масъулиятни яхши сезувчи, партия бош йўлидан оғишмай, бузғунчилик, фитначиликда иштирок этмагани қайд этилган.

Уйлангани, оила аъзолари 6 кишидан иборатлиғи, отаси ва онаси меҳнатга яроқсизлиғи, яшаш манзили –Тошкент шаҳар, Ленин кўчаси, 97- уй экани шахсий варақада қайд этилган.

Шахсий варақа 1937 йил 26 августда тўлғизилган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрь йиғилишида Боқижон Зокиров отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган.² Ҳозирда оқланган.

Муҳаммад Ҳасан фожиаси³, Сталинча қатағон даврида асосга эга бўлмай туриб бичиб тўқилган айблов ишларидан бири, ҳеч шубҳасиз, «Муҳаммад Ҳасан иши» дир.

Муҳаммад Фаттоҳович Ҳаса-



¹ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 268-иш, 77–80-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варақ.

³ Ҳасанов Муҳаммаднинг шахсий иши, варақаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архивидан топилмади. Унинг кимлиғи, таржимаи ҳоли, ҳаёт йўли ҳақида маълумотларни излаб топиб мазкур китобнинг иккинчи қисмида беришни назарда тутган эдик. Бироқ «Ўзбекистон» нашриётидан 2012 йили чиққан «ТАРИХНИНГ НОМАЇЛУМ САҲИФАЛАРИ» номли илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар учинчи китоби қўлимизга теғди. Унда қарийб 20 йилдан бери турли архивларда қатағон қурбонлари қисматини ўрганиш жараёнида бирга ишлаганлардан таниқли олим, изчил тадқиқотчи, филология фанлари номзоди, Жаҳон тиллари университети доценти, биродаримиз **Бойбўта Дўстқораевнинг** ҳам шу номдаги илмий мақоласи эълон қилинганини кўриб беҳад қувончга тўлдим. Бу мақолани ушбу китобга айнан киритишни жоиз билдик.

нов – XX аср 20–30-йиллари Ўзбекистон журналистикасининг кўзга кўринган вакилларида бири. Уни қамоққа олиш пайтида НКВД ходими тўлдирган анкетада шуларгина қайд қилинган: «1904 йил 22 июлда Тошкент шаҳрида туғилган, мутахассислиги журналист, қамоққа олиш пайтида «Правда востока» газетасининг муҳаррири; Ижтимоий келиб чиқиши ҳолати–хизматчи, 1919 йилдан матбуот соҳасида ишлаб келади; маълумоти–умумий ўрта, сиёсий олий; миллати татар; 1924 йил март ойидан партия аъзоси; оилали, турмуш ўртоғи Роҳила Қиёмовна Ҳасанова, фарзандлари; ўғли Марат – ўн бир ёш, қизи Ида икки ёшда...»

М. Ҳасанов дастлаб 1937 йил 12 сентябрда гувоҳ сифатида тергов қилинган. Бундан 1 кун олдин, 11 сентябрда «Правда Востока» газетаси таҳририяти партия ташкилоти уни партиядан ўчирган. Унгача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1937 йил 25–28 август кунлари бўлиб ўтган II пленуми Марказқўм секретари Акмал Икромовнинг ахбороти бўйича «халқ душманлари»ни пленум аъзолигидан чиқариш юзасидан қарор қабул қилиб, М.Ф. Ҳасановни ҳам пленум аъзолигидан чиқарган. 1937 йил 26–27 сентябрь кунлари бўлиб ўтган IV пленум эса фош қилинган ва қамоққа олинган «халқ душманлари» А.Икромов, А.Цехер, Ф.Хўжаев, А.Каримов ва бошқалар билан яқин алоқада бўлганлиги факти мавжудлиги, шунингдек, ўзига топширилган ишга ёмон раҳбарлик қилганлиги сабабли М.Ҳасановни пленум аъзолигидан чиқариш тўғрисида яна қарор қабул қилган.

1937 йил 12 сентябрдаги терговга М.Ҳасанов, гарчи гувоҳ сифатида чақирилган бўлса-да, ундан нималар тўғрисидадир гувоҳлик беришдан кўра, ўз фаолияти тўғрисида кўпроқ сўрашган. Бу факт, бизнингча, Муҳаммад Ҳасанов бошига тушаётган балолар катта бир «тўфон»нинг бўлакчалари бўлганидан дарак беради. «Тўфон» эса Ўзбекистон Компартияси Марказқўми котиби Акмал Икромов бошчилигидаги гуруҳнинг бошига ёғилиши кутилган офат эди. М.Ҳасановнинг айби – А.Икромов билан бирга ишлашгани, яқин алоқада бўлгани, холос. Бунда шахснинг айби бўлган-бўлмаганлигининг аҳамияти йўқ. Муҳими, олдиндан режалаштирилган сценарий амалга оширилиши керак. Тергов ҳужжатларининг барчаси мана шу мақсадга хизмат қилдирилган. Мақсад эса гўё Ўзбекистон Компартияси Марказқўми котиби Акмал Икромов бошчилигида

Ўзбекистонда уя қурган «миллатчилик ташкилотини»ни фoш қилиш ва уни тугатишдан иборат бўлган.

...Энди сўз юритмоқчи бўлганимиз воқеаларнинг ибтидосига қайтайлик.

Муҳаммаднинг ота-онаси Тоиба ва Фаттоҳ Ҳасановлар Тошкентдаги мактабда ўқитувчилик қилишган. Уларнинг оладиган маошлари беш жондан иборат оилани тебратишга етмаганлиги учун Муҳаммад хали мактабда ўқиб юрган кезлари – 1919 йилдан бошлаб ўн беш ёшидаёқ ишлашга мажбур бўлади. Муҳаммад рус ва ўзбек тилларини яхши билганлиги учун Россия Телеграф агентлигининг Туркистон бўлимига таржимон бўлиб ишга кирган. Тасодифни қарангки, 1919 йил 26 декабрдан Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон муҳаррирлигида кўп нусхали «РўСТО» (Рўсия Телеграф Ожентаси) деворий газетаси чиқа бошлаган, Муҳаммад Ҳасановнинг таржима қилган материаллари ушбу газетада ҳам мунтазам босилиб турган. Бора-бора бу икки инсоннинг ижодий йўллари ўзаро боғланган: Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи ва «Соз» тўпламига Муҳаммад Ҳасанов муҳаррирлик қилди.

М.Ҳасанов матбуотда ишлаб, тез орада билимли, ма-лакали мутахассис сифатида танилади. У 1923–1924 йилларда «Туркистон» ва «Туркестанская правда» газетала-рида адабий ходим сифатида ишлайди. 1924 йили у Ак-мал Икромов билан танишади ва бир умр улар яқин бўлиб қоладилар. М. Ҳасанов 1926 йилда «Камбағал деҳқон» га-зетасига муҳаррир этиб тайинланади. 1927 йили эса уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига бўлим мудури ўринбосари лавозимига ишга олишади. 1930 йилда М.Ҳасанов Москвага, марксизм-ленинизм курси-га юборилади. Ўқишни 1932 йили тугатгач, уни ВКП(б) Марказқўмининг газетачилик иши бўйича йўриқчи (ин-структор) қилиб ишга олиб қоладилар. Лекин у, замондош-ларининг ёзишича, бевосита амалиётга яқин бўлишни, газеталарда ишлашни ёқтирган. Шу боис у раҳбарлардан ўзини биронта газета таҳририятига юборишларини сўраган. Раҳбарият Ярославль ёки Тверь ўлка газетаси таҳририятига юборишини мўлжаллашаётган бир пайтда Москвага Акмал Икромов келиб қолиб, уни Ўзбекистонга бориб, «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир бўлишга кўндиради. Шу тариқа, 1933 йилда Муҳаммад Ҳасан ушбу газетага муҳаррир этиб тайинланади. 1936 йилнинг октябрида эса

«Правда Востока» газетаси муҳаррирлигига ўтказилади. Ушбу лавозимда ишлаб юрган кезлари, 1937 йил сентябрида у шўро махсус хизмати ходимлари томонидан қамокқа олинади...

Муҳаммад Ҳасан (М.Ҳасанов) бадиий ижод билан ҳам шуғулланган. Унинг маърифатни, маданиятни эгаллаш мавзuida ёзган «Гап қоралигимизда экан» ҳикояси «Ер юзи» журналининг 1925 йил 2–3-сонларида чоп этилган. Америка ёзувчиси Антон Сенклор романидан М.Ҳасан таржима қилган парча «400» сарлавҳаси билан ушбу журналнинг 1926 йилги 7-сонида босилган. Муҳаммад Ҳасан талайгина матбуот шарҳи ҳам ёзган. Агар унинг таржимаи ҳолига қаралса, шўро мафкурачиларини шубҳага соладиган факт йўқ. Шундай бўлса-да, у 1933 йили гўё Акмал Икромов бошчилик қилаётган «Миллий истиқлол» махфий миллатчилик ташкилотига тортилган, дея айбланади. Бу ташкилотнинг мақсади, шўро мафкурачилари таъкидлашларича, Ўзбекистонни советлар Иттифоқидан ажратиб олиб, мустақил буржуа давлати тузиш бўлган. «Миллий истиқлол» ташкилоти аъзолари гўё шунга тайёр туришлари лозим саналган. М.Ҳасан ҳам Тошкент ва вилоятлардаги газета таҳририятларига мазкур ташкилотнинг ишончли кишиларини қўйишда хизмат қилган, дея айбланган. Буни тасдиқлайдиган биронта далил келтирилмаган. Зараркунандаликда айбланган – далил йўқ. Троцкийчилар блоки билан ҳамкорлик қилган, дея айб қўйилган – яна далил йўқ...

Ўйлаб қоласан киши: Муҳаммад Ҳасаннинг шўро мафкурачиларини сергаклантиришга арзигулик айби бўлганми, бўлса – нимадан иборат? Ҳужжатларда «пичокқа илинадиган» факт келтирилмайди. Энг «асосий айб» – унинг Акмал Икромовга яқин бўлгани. Ўйлаб кўрайлик, 1937 йил 21 сентябрда ЎзКП МК биринчи котиби Акмал Икромов қамокқа олинади. Олдинма-кейин ё бир вақтнинг ўзида иккинчи котиб А.А Цехер, учинчи котиб Саъдулла Болтабоев, Марказқўм ташвиқот ва тарғибот бўлимининг мудирини Мўмин Усмонов, қишлоқ хўжалик бўлими мудирини Мирмуслим Шермухамедов, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаев, талайгина халқ комиссарлари, вилоят ва шаҳар партия комитети бошлиқлари, муҳаррирлар, умуман, турли мақомдаги жуда кўп раҳбарлар қамокқа олинган. Уларнинг ичида қанчаси шўро ҳукуматига садоқатли бўлишган...

Ажабланарлиси, қамокқа олинган қарийб бирор маҳбус дастлабки терговда ўзига қўйилган айбни бўйнига олманган. Лекин махсус хизмат ходимлари руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказишгач, кўплар бу тайзикқа дош бериша олманган. Муҳаммад Ҳасан ҳам дастлаб ўзига қўйилган айбларни рад этади. Кейин эса...

Уни 1938 йил 4 октябрда СССР Олий Суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясида суд қилишади. Фараз қилиш мумкинки, у судда гуноҳи йўқлигини исбот қилишга умид боғлаган. Шу боис суд бошлангач, ўзига қўйилган айбларнинг биронтасини ҳам тан олмайди. Судда у тергов пайти ўзига ва бошқаларга тухмат қилишга мажбур этилганини айтади... Суд уни биронта ҳам фикрини мутлақо инобатга олмайди. Хуллас, Муҳаммад Ҳасан 1938 йил 4 октябрда отувга ҳукм қилинади... ва ҳукм зудлик билан ижро этилади.

Сталин вафотидан кейин қатағон қилинган жабрдийдаларни оқлаш жараёни бошланади. М.Ҳасаннинг рафиқаси Роҳила Қиёмовна Ҳасанованинг 1955 йил 18 ноябрда ёзган аризаси бўйича «Муҳаммад Фаттохович Ҳасанов иши» қайта кўриб чиқилади. ССР Иттифоқи Олий судининг 1956 йил 23 июнда чиқарган қарорига биноан, СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 4 октябрда чиқарган ҳукми бекор қилиниб, янги очилган ҳолат бўйича «иш» жиноят йўқлиги сабабли тўхтатилади.

Бу ҳукм чиқарилгунча Муҳаммад Ҳасанни хизмат юзасидан ёки оилавий томондан яхши билган бир қанча кишилардан кўргазма олинади. Жумладан, 1956 йил май ойида Ўзбекистон Фанлар академияси Илмий котиби ўринбосари Иззат Султонов, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти Ўзбекистон филиалининг катта илмий ходими Жалил Бойбўлатов, Ўзбекистон Компартияси ҳузуридаги Партия тарихи институти директори ўринбосари Рустам Абдурахмонов, Ўқув-педагогика давлат нашриёти бош муҳаррири Абдулла Ўразаевлардан шундай кўргазмалар олинган. Улар Муҳаммад Ҳасанни яхши ҳислатлар эгаси сифатида тавсифлашган. Булардан кўргазма олингунча, 1956 йил 3 майда нафақахўр, 1937 йилда ЎзССР НКВДси УГБ 4-бўлими бошлиғининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган, Муҳаммад Ҳасанни қамокқа олиш юзасидан материал тайёрлаган ва тергов қилган Юсуф Дедидан ҳам тушунтириш хати олинган.

Ю.С.Дедининг тушунтириш хатида, жумладан, бундай ёзилган:

«Помню, как бывший начальник 4-го отдела УГБ Агабеков вызвал меня к себе в кабинет и приказал начать допрос арестованного, и тут же последний был доставлен к Агабекову, который поставил перед арестованным вопрос о принадлежности последнего к существующей в Узбекистане контрреволюционной националистической организации и потребовал от Хасанова дать следствию подробные показания. Хасанов отрицал свое участие в к-р. организации и заявил, что он явился жертвой какого-то оговора или недоразумения. Тогда Агабеков в течение примерно 30 минут настоятельно добивался от Хасанова дачи показаний о его участии в организации, но не получив этих признаний, отправил арестованного, после чего передал мне несколько выписок из протоколов допросов других обвиняемых, в которых говорилось о принадлежности Хасанова к к-р. организаций, и приказал начать допрос Хасанова и в кратчайший срок добиться от него развернутых показаний. Агабеков предупредил меня, что Хасанов является участником к-р. организации и не может быть речи о том, что он не давал подробных показаний.

Приняв от Агабекова дело на Хасанова, мною в тот же день был начат допрос. К следствию по делу Хасанова приступил не имея о нем никакого представления, кроме наличия нескольких выписок из других показаний и заявления Агабекова. К ведению следствия был привлечен один сотрудник УГБ, кажется, некий Баранов. Помню, что на первых допросах, т. е. в течение нескольких дней, Хасанов совершенно отрицал свою причастность к какой-либо к-р. националистической организации, в связи с чем я настоятельно просил руководства отделом Агабекова и Зеленцова разрешить провести очную ставку Хасанова с теми лицами, которые дают на него показания. Моя настоятельная просьба была отклонена, а Агабеков на одном из оперативных совещаний отдела указал на меня как на следователя, не умеющего получить показания Хасанова.

Кроме того, в кабинете Агабекова, в присутствии его заместителей Зеленцова и Матвеева, я дважды получил замечания и выговоры за плохое ведение следствия по делу Хасанова. После этого к Хасанову был применен «конвейерный» способ допроса. Не помню, сколько времени про-

шло, но Хасанов признал себя виновным и его показания были подрочно оформлены протоколом допроса...»

Муҳаммад Ҳасанов «иши»да яна бир ҳужжат бор. Бу, Чўлпоннинг Муҳаммад Ҳасан муҳаррирлик қилган «Кеча ва кундуз» романига экспертларнинг хулосаси. 1956 йил 17 апрелда адабий эксперт комиссияси тузиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Комиссия бирлашган нашриёт бош муҳаррири Усмон Муҳаммедов ва Ўзбекистон Давлат нашриётининг бош муҳаррир ўринбосари Асқат Мухторовлардан иборат этиб ташкил қилинади. Комиссиянинг вазифаси: 1) «Кеча ва кундуз» романининг ғоявий йўналиши қандайлигини белгилаш; 2) муаллиф мазкур асаридида миллатчилик қинғайишига йўл қўйганми, йўл қўйган бўлса, бу нималарда ўз ифодасини топган?

Эксперт комиссияси аъзолари ўша йилнинг 10 майида Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи юзасидан ўз хулосасини топширганлар.

Мазкур хулоса, шунингдек, «Кеча ва кундуз» романига Жуманиёз Шарифий, Олим Шарафиддинов ва Ф. Султоновлар томонидан ёзилиб, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 6 август сонидида босилган.¹

2. 5 ОКТЯБРДА ОТУВГА ҲУҚМ ҚИЛИНГАНЛАР

Ахмедов Акбар, 1901 йили Қўқон шаҳрида ишчи сувоқчилик билан кун кўрадиган оилада туғилган, ўзбек, қуйи маълумотли, 1927 йилдан партия аъзоси, 1924 йилда курувчилар союзи аъзоси, ВКП(б) Марказий комитети Ўрта Осиё бюроси 2 ойлик курсида ўқиган, 1934–1935 йилларда ВКП(б) Марказий комитети қошидаги марксизм-ленинизм курсида ўқиган.



¹ Тарихнинг номаълум саҳифалари. Учинчи китоб... 229–230-бетлар.

Унинг 1937 йил 5 июлда ёзган таржимаи ҳолида отаси ҳам, ўзи ҳам сувоқчилик касбини қилгани, 3 йил татар мактабида, сўнгра бир йил рус мактабида ўқигани, 1916 йилгача ўқиш билан бирга отасига ёрдамлашиб юргани, 1917–1918 йилларда Қўқон шаҳри коммунал хўжалигида отаси билан бирга сувоқчилик қилгани қайд этилган.

У 1918 йилдан қурувчи ишчилар касаба союзи аъзоси, Эски шаҳардаги ягона кооперативни назорат қилувчи вакил, 1920 йилдан 1921 йилгача безгак касали билан оғригани, 1921 йилдан Қўқон шаҳридаги қалъада туриб шаҳар корхоналарини кўриқлаш бўйича ишларни бажариб турган, 1921 йилда ВЧК, ОГПУ отлиқ отрядига кўнгилли бўлиб киргани, кейин 1924 йилгача оператив ва разведка ишларда бўлгани таржимаи ҳолида акс эттирилган.

У 1924 йилдан Фарғона области маҳбуслар турар жойига инспектор, 1927 йил мартдан октябригача область партия комитети қарори асосида округ маҳаллий хўжалик бўлими мудирини бўлиб хизмат қилган.

1927 йил октябридан округ қурувчилари союзи съездида округ қурувчилар союзи раиси этиб сайланган.

Республика қурувчилар союзи съездида Марказий касаба союзи раиси ўринбосари бўлиб сайланган, бу лавозимда 1928 йил охиригача ишлаган.

1929 йил Ўзбекистон касаба союзи съезидида Ўзсовпроф раисининг ўринбосари қилиб сайланган.

1930 йил Самарқанд округ партия комитети секретари, округлар тугатилгач, Ўзбекистон касаба союзлари совети раиси лавозимида кўтарилган.

1932–1933 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг таъминот бўйича секретари, 1935 йил августидан 1936 йил декабригача ЎзКомпартия Марказий комитети совет савдо бўлими мудирини, 1937 йил январдан ғаллачилик ва чорвачилик совхозлари халқ комиссари, 1937 йил 15 июлдан ЎзССР Ички савдо халқ комиссари бўлиб хизмат қилган.

ЎзКомпартиянинг IV, V, VI, VII съездларида Марказий Комитет аъзолигига, ЎзССР советларининг III, IV, V чақириқ съездларида Марказий Ижроия комитети президиумига аъзо қилиб сайланган.

Кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақасидаги «гражданданлар уруши даврида жангларда қачон, қаерда ва ким сифатида қатнашганмисиз?» деган саволга Акбар Аҳмедов

«Фарғона уездида босмачилик билан Исломполвон, Мирза Умар, Урмат Худойкул ва Эшмат тўдалари билан курашганман» деб ёзиб қўйган.

Шахсий варақада уйлангани, уй манзили – Чичерин кўчаси, 12-уй деб ёзилган. Шахсий варақа 1937 йил 5 августда тўлғизилган¹.

СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Аҳмедов Акбар отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган.²

Рамазонов Қайюм, 1900 йили Тошкент шаҳри, Каллахона маҳалласида зиёли оилада туғилган.

Даставвал ўз онаси Мастура Отин, яъни Абдуқодир Аълам Ражаббойнинг қизи ёрдамида саводини чиқарган, 1909–1915 йилларда Эшонхўжа Хоний ва Мунавварқорининг янги усул мактаби ҳамда мадрасада таълим-тарбия олади, 1916–1917 йилларда Боку шаҳридаги педагогика институтида ўқийди. Ўқишдан келиб 1918-1921 йилларда ўқитувчилар тайёрлаш курси ва бошланғич мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Фитрат билан бирга «Чиғатой гурунги»ни ташкил қилган ва унда котиб бўлиб ишлаган. Улкадаги «Қизил байроқ» ва «Туркистон» газеталарида адабий ходим бўлиб ишлайди, 1929–1930 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети қошидаги Янги ўзбек алифбоси Марказий қўмитаси аъзоси, 1934–1937 йилларда Фан комитети ҳузуридаги тил ва адабиёт институтида доцент бўлиб ишлайди. У театр танқидчиси сифатида «Абу Муслим», «Уйғониш», «Яланғоч Эшон», «Шайх Санон», «Фарҳод ва Ширин», «Маликаи Турондот», «Хужум», «Халима», «Коваи оҳангар» спектаклларига тақриз ёзган. Ўзбек мактаблари учун дастлабки она тили дарсликларини яратган, 1918 йили унинг Фитрат ва Ш.Рахимий билан бирга «Она тили», «Билим йўллари», «Ёзув йўллари» ва тўрт китобдан иборат «Ўзбекча тил сабоқлиги» (Мунавварқори ва Ш.Зуннун



¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 87-иш, 126–137-варақлар.

² РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531–532-варақлар.

билан ҳамкорликда) китобларини нашр этган. Шунингдек, у «Ер юзидаги тиллар орасида ўзбек тили (1930)», «Ўзбек тилининг имло қоидалари (1931)», «Ўзбек тилининг бирлашган имло қоидаси (1934)», «Ўзбек тили иш китоби (Ш.Шамсиев билан ҳамкорликда)» муаллифи. Қаюм Рамазон ўзбек педагоги, журналисти, театр танқидчиси, тилшуноси сифатида республикада таниқли олим эди. Унинг ҳаёт йўли ва қисмати санъатшунос фанлари номзоди Сирожиддин Аҳмаднинг 2005 йили Тошкентда нашр этилган «Қаюм Рамазоннинг ушалмаган армонлари» номли рисоласида ба- тафсил ҳикоя қилинган.

СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Рамазон Қаюм отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган.¹

Хошимов Отажон, (Отажон Хошим, 1905–1938) адабиётшунос олим ва жамоат арбоби. Тошкентда туғилган. Рус-тузем мактабида, кейин ўқитувчилар тайёрлаш билим юртида ўқиган (1919–1921). Сўнгра Москвага бориб, Бухарин номидаги ишчилар факультетида (1922), Қизил профессорлар институтида (1923–1927) таҳсил олган. У ўзбек ёзувчиларининг биринчи адабий уюшмаси – «Қизил қалам» ташкилотининг дастлабки раҳбари (1926–1929), Ленинград (ҳозирги Санкт- Петербург)даги СССР ФА Шарқшунослик институти аспиранти ва илмий котиби (1934–1937). Шунингдек, у фанлар комитети раисининг ўринбосари (1937) лавозимларида ишлаган. Отажон Хошим Фитратни ўзига устоз деб билган. Отажон Хошим Тил ва адабиёт институтига директорлик қилган даврда Фитрат бўлим бошлиғи ва профессор лавозимида ишлаган. 1937 йил 2 августда «Халқ душмани» сифатида қамоққа олинган².

СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Отажон Хошимов отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган.³ 1957 йил 9 майда у оқланган.

Ғози Олим Юнусов (Ғози Юнус, 1893–1938) – тилшунос ва фольклоршунос олим. Тошкент шаҳрида туғилган. Туркия университетиди, Анқарадаги ал-Асхар мадрасасида ўқиган (1912–1914). 1918 йили «Турк ўчоғи» ташкило-

¹ РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531–532-варақлар.

² Тарихнинг номаълум саҳифалари. Биринчи китоб. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент. 2009, 132-бет.

³ РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531–532-варақлар.

тини тузган. Туркистон АССР маориф халқ комиссарлиги қошидаги Тил ва терминология кўмитасида илмий котиб (1920—1922), Самарқанд Педакадемиясида ўзбек тили кафедраси профессори (1925—1930), Тил ва адабиёт институтида илмий ходим (1934—1937) бўлиб ишлаган. Фитратнинг айтишича, Ғози Олим ўзбеклаштириш кўмитасининг раиси ҳисобланган. Самарқанд, Фарғона, Сирдарё областларида бўлиб, халқ кўшиқлари ва мақолларини, «Алпомиш» достони ва эртакларни тўплаган. Тилшунослик, адабиётшунослик ва фольклоршуносликка оид кўплаб мақолалар ёзган. У 1937 йил 3 июнда Тошкентда хибсга олинган¹.

СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Юнусов Ғози Олим отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган.² 1989 йилда у оқланган.

Худойбахитов Анқабой, (1905—1938) Унинг ёзган таржимаи ҳолини айнан келтирамиз: «Мен 1905 йили Самарқанд область Жиззах уезди Усмат қишлоғида туғилганман. Ота-оналарим: отам Худобахит Умирзақов камбағал деҳқон, онам — Руқия камбағал деҳқон оиладан, ота-онамнинг мулкӣ ҳолати — 2 таноб ери, 1 оти бўлган.

Камбағал ҳаёт кечирдик. Оила катта бўлган (8 киши) фақат отамнинг бир ўзи ишлаган, мен ўн йил қулоқда батрак бўлиб туя боқдим, бу отам даврида эди. Отам билан онам 1916 йили вафот этишган. 11 ёшимдан ўзим ва кичик ёшдаги укаларим тўғрисидаги тирикчилик ташвишида бўлдим, тез орада укаларимни одамларга тарқатишга тўғри келди, чунки мен ўз кучим билан уларни боқишга имконим йўқ эди...

1916 йили мен Самарқанд уезди Мобут волостининг Жомбой деган жойига келиб ҳар хил шахсларда 1918 йилгача батраклик қилиб кун кечирдим.

1918 йили Жомбайдан оч қолган болалар учун етимхона очилди, мени ҳам унга қабул қилишди. Етимхонада (ҳозир интернат) мен 1920 йилга қадар тарбия топдим.

1920 йилдан 1922 йилгача Самарқанд Маориф институтида ўқидим, комсомолга кирдим. 1922 йилдан 1924 йилгача Тошкентда В.И.Ленин номидаги Коммунистик университетда ўқидим, 1923 йили партиёга номзод бўлиб кирдим.

¹ Тарихнинг номаълум саҳифалари. Биринчи китоб. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент. 2009, 135-бет.

² РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531—532-варақлар.

1924 йилдан 1925 йилгача областдаги «Зарафшон» газетаси тахририятида масъул мухаррир ўринбосари бўлиб ишладим. Бир вақтнинг ўзида комсомол газетасига мухаррирлик қилдим. 1925 йили партиёга ҳақиқий аъзо бўлдим.

1925 йилдан 1928 йилгача Москвада журналистика давлат институтида ўқидим.

1928 йилдан 1929 йилгача «Зарафшон» газетасига масъул мухаррирлик қилдим. ЎзКомпартия округ партиё комитетига аъзо бўлдим, бюро аъзолигига номзод бўлиб сайландим.

1929 йилдан 1933 йилга қадар (ташқил этилганидан тугатилган кунига) ЎзКП(б) Марказий комитети ва Ўз совпрофсоюз органи) «Ишчи» газетаси масъул мухаррири сифатида ишладим.

1933 йилдан 1936 йилгача Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партиёси Марказий комитети партиё нашриёти бош мухаррири бўлиб ишладим.

1931 йили Ўзбекистон КП(б) Марказий комитетининг Сурхондарё округида босмачиларга қарши кураш олиб боровчи сиёсий вакиллардан бири бўлдим, бу ерда қизил калтакчиларни ташқил этдим ва ҳарбий қисмлар билан биргаликда Иброҳимбек бандасига қарши курашдим¹».

1936 йил 3 сентябрда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш варақасида Анқабой Худойбахитов олий маълумотли, 1929 йилдан мактабчилар уюшмаси раиси, тожик, рус тилларини билиши, янги ўзбек алифбосини ўқитишни жорий қилишдаги фойдали фаолияти учун Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия комитети 1932 йили фахрий ёрлик билан тақдирлангани қайд этилган.

1936 йилдан у Республика радио комитетига раис этиб тайинланган. 1937 йил 1 июлда Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети бюроси қарори билан (масалани бюрога Қ.О.Берегин тайёрлаган – Р.Ш.) Анқабой Радиокомитет раислигидан озод қилинади. Бюро қароридан кўчирмага Ўзбекистон компартияси Марказий комитети секретари Цехер қўл қўйган².


СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Худойбахитов

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 234-иш, 28,29,33,37-варақлар.

² Ўша архив, ўша жой, 37-варақ.

Анқабой отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган¹.

Аюпов Аъзам, 1904 йил сентябрида Тошкент шахрида хизматчи оиласида туғилган, отаси 1915 йилгача Мануфактура савдоси приказчиси, саркори бўлган, 1917 йили вафот этган. Аъзам Аюпов 1935 йили рус тилида битилган ўз таржимаи ҳолида шундай ёзган:



«... 1919 йилгача куйи – ўрта мактабида (етти йиллик) ўқиганман ва 1921 йилга қадар турли курсларда ўқиб, бир вақтни ўзида ишлаганман. 1919 йилдан 1920 йилгача «Турон» кутубхонасида кутубхоначи, ундан сўнг «Қизил байроқ», «Туркистон» газеталари редакциясида ва ҳозир «Қизил Ўзбекистон» газетасида ишламоқдаман. Бу редакцияларда адабий ходим, корректор, бўлим мудири, масъул котиб ўринбосари, масъул котиб сифатида фаолият кўрсатганман. Ҳозирги вақтда «Қизил Ўзбекистон» редакциясида масъул котиб ва «Гулистон» журналида муҳаррир ўринбосари вазифасидаман.

1924 йили комсомолга кирдим, кейин эса комсомол ёшим ўсиши муносабати билан механик тарзда ундан чиқиб кетдим. Маълумотни Тошкент План институтида олганман.

Менинг таржимаи ҳолимнинг қолган барча маълумотлари кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақада келтирилган».

Аъзам Аюпов «Ер юзи» журнали редакциясида масъул котиб ва таҳририят аъзоси бўлгани, «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» редакцияси ходимлари касаба союз раиси бўлганлиги, рус, турк, татар тилларини билгани кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақасида қайд этилган².

СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 5 октябрдаги сайёр йиғилишида у отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган³.

Партия XX съезидан сўнг кўплар қатори Аъзам Аюпов ҳам реабилитация этилган.

¹ РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531–532-варақлар.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 99-иш, 95–98-варақлар.

³ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 533-варақ.

Ортиқов Исроил. Унинг 1937 йил 5 июлда ёзиб имзолаган таржимаи ҳолини русчадан ўзбекчага ўгириб айнан келтирамиз: «1907 йили Қўқон шаҳрида «Қизил Ўзбекистон» даҳасида, 71-уйда туғилганман.

Отам хунарманд бўлган, якка ўзи дўппилар учун қолип тайёрлаган, онам уй бекаси бўлган, хотиним йўқ. Отам хунарманд сифатида 1918 йилга қадар ўзгалар меҳнатидан фойдаланмаган, хунармандчилик молларини Қўқоннинг эски шаҳаридаги ўз дўқонида сотиб тирикчилик қилган. Бир хонадан иборат уй бўлиб, 5 киши – биз болалар, дадам ва онам билан, бутун бир оила яшаганмиз. Бундан ташқари яна бир уй бўлиб, унда квартирантлар яшаган, бу уй даданинг онаси маблағига қурилганди. 1918 йилдан кейин уйнинг бир қисми бузилиб кетган ва бир қисми коммунал хўжалик ихтиёрига берилган. Бошқа ҳеч қандай мол-мулкка эга эмасман.

1918 йили совет ҳокимияти тикланаётган вақтда бир кун дадам уйда ўтирган эди, уйга дашноқлар партияси аъзолари келиб, уни ташқарига чиқариб ўлдирдилар. Бундай ҳолатлар ўша вақтда оммавий бўлган.

Онам 1920 йили вафот этган. Мен катта акам – коммунист, темир йўл ишчиси Аҳмаджон Ортиқов қарамоғида қолдим, у ҳам 1927 йили вафот этган, уни касалхонада душманлик билан операция қилишган.

1919 йилга қадар онам қарамоғида яшадим. Кейин ёш болалигимдан Қўқоннинг эски шаҳаридаги ҳамма биладиган Исхонбойда батраклик қилдим. Унда уч йилга яқин ишладим, яна ҳаммомчи Хожига батрак бўлиб ишга кирдим. Бу бой кўп ерга, катта ўзбек ҳаммомига эга эди. Унда катта иккинчи акам Иброҳим Ортиқов ҳарбий мактабга кетгунга қадар ишладим. Бу акам Фарғона жиноий қидирувда хат ташувчи ва агент бўлиб ишларди. Мен акамнинг ўрнида ишлай бошладим. Бу акам 1924 йилдан ҳозирга қадар армияда хизмат қилмоқда, ҳозирда капитан, ҳарбий округ ихтиёрида.

1925 йили темир йўл транспортига ишга кирдим, аввалида товар поездида кичик кондуктор, кейин эса станция бошлиғи бўлиб ишладим. Поп, Ҳаққулобод, Кўгай, Пойтуғ, кейин Серево станциялари бўйлаб қатнайдиغان Наманган веткасида ишладим.

1928 йили Боғдод район комсомол конференциясида район комитетига секретар қилиб сайлашди. Шундан бери Коммунистик ёшлар союзида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқдаман.

Боғдод, Олтиариқ, Кува, Қўқон, Эски шаҳар ва Фарғона округ комсомол ташкилотларида район, шаҳар комсомол ташкилотлари секретари бўлиб ишладим. 1930 йил декабридан 1931 йил апрелигача Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Ташкилий бўлим мудирини (Ўз ЛКСМ V курилтойида сайланганман), 1931 йил апрелидан – Ўз ЛКСМ Марказий Комитети биринчи секретариман.

Комсомолга Қўқонда 1920 йилда кирганман, 1929 йилдан партия аъзосиман.

Коммунистик ёшлар союзида ҳам, партиядо ҳам жазога тортилган эмасман. Темир йўлда ва жиноий қидирувда ишлаганимда ҳам маъмурий жазо олмаганман.

1931 йилдан Ўз Коммунистик (большевиклар) партияси 6–7-қурилтойларида ЎзК(б)К Марказий Комитети пленумига номзод ва аъзо бўлиб келмоқдаман.

Ҳеч қачон судланмаганман.

Чет элларда қариндошларим йўқ ва бўлган ҳам эмас, менинг қариндошларимдан ҳеч кими ҳуқуқдан маҳрум қилинмаган, диний ва жандармия муассасаларида, оқлар армиясида ҳам, сургунда ҳам бўлмаган...

1929 йили 23 июнидан партиядаман, партия билетим 1360143.

1929 йилдаги ва 1931 йилдаги тозаловдан ўтганман. Муҳолифатда, оғмачиликда, гуруҳбозликда ва бошқаларда қатнашган эмасман...

Комсомолда ишлашни мақсадга мувофиқ деб биламан ва буни хоҳлайман.»¹

СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиаси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Ортиқов Исроил отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган.²

Ортиқов Исроил партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган. Унинг ҳаёт йўли ва фаолияти ҳақида рисола ҳам мавжуд.³

Тарасов Федор Петрович, 1904 йили Тамбов шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети ҳисоб- тақсимот бўлимидаги унинг шахсий варақаси билан бирга 1929 йил 14 декабрда Тошкентда ёзилган таржимаи холида бу инсон ҳақида маълумотлар келтирилган. 9 ёшида деҳқон отаси вафот этади. Ота-онасиз қолган ўсмир ҳарбий

¹ Ўзб ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 73-иш, 72–77-варақлар.

² РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531–532-варақлар.

³ М.Ким. *Исроил Ортиқов*. «Ёш гвардия». Тошкент, 1978. 48-бет.

хизматга олингунга қадар батрак бўлган, ўртоқлари ёрдами билан ёзиш ва ўқишни билиб олган, ҳарбий фельдшерлик мактабини битиради.

На ери, на қариндош-уруғи бўлмаган отаси армияда белгиланган муддатни адо этиб яна 6,5 йил ҳарбий хизматда қолади. Ҳарбий хизматдан бўшагач, фельдшер касби бўйича иш топа олмай ёлланиб ҳар хил ишларни қилади, дурадгорлик қилади, темир йўлда ишлайди, тез орада ногирон бўлиб, ишдан қолади. Оилани боқиш унинг катта ўғли зиммасига тушади.

Федор Петрович эса 13 ёки 14 ёшида темир йўл мактабига ўқишга киради, ўқиш 1918 йилгача давом этади, граждандлар уруши бошланиб кетиши ўқишни тугатишга имкон бермайди.

Унинг отаси ва икки акаси ҳар икки – февраль, октябрь тўнтаришларида қатнашадилар, икки акаси партиёга киради, кўнгилли бўлиб фронтга кетадилар.

Федор 1919 йили комсомолга қабул қилинади. Махсус отрядга кириб қулоқлар кўзғолонини бостиришда қатнашади. Сапожков дивизиясига қарши курашда иштирок этади.

1921 йил бошларида Дергачи шаҳрида комсомол ячейкаси котиби, шаҳар комсомол ташкилотида инструктор бўлади. Акаси Ашхободга хизматга юборилганда, у ҳам бирга боради, область комсомол комитетида ишлайди. Ашхобод, Мерв, Арват комсомол комитетлари секретари лавозимида фаолият кўрсатади.

1923–1925 йиллари Ашхобод область комсомоли сиёсий- маърифий бўлимини бошқаради, Тожикистон комсомол Марказий комитетида ташкилий бўлим мудирини бўлиб хизмат қилади.

1926–1927 йилларда Фарғона область комсомол ташкилий бўлим мудирини, 1927–1929 йиллари Ўзбекистон Комсомол Марказий Комитетида ташкилий бўлим мудирини, 1929 йили Тошкент округ Комсомол комитети секретарини бўлди.

ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси Ф.П.Тарасовни Ўрта Осиёда партиё ишида қолдиришга қарор қилади. Тошкент округ партиё комитетининг аъзоси, бюро аъзолигига номзод бўлган Ф.П.Тарасов Тошкент округ партиё комитети қишлоқ бўлими мудирини ўринбосарини бўлиб хизмат қилади. Бу лавозимда 1929 йил ноябридан бери ишлаб келган. Кейин эса Ўзбекистон комсомоли Марказий комитет иккинчи секретарини бўлиб хизмат қилган.

1937 йил 21 сентябрда Ўзбекистон Комсомол комитети Марказий Комитетнинг бюроси Тарасов тўғрисидаги масалани кўриб чиқади. Бу ҳақда Вершков ахборот беради. Шундай қарор қабул қилинади: халқ душманлари билан алоқаси борлиги учун Тарасов Ўзбекистон Ленинчи коммунистик ёшлар союзи Марказий Комитетнинг иккинчи секретарлигидан олинсин ва ЎзЛКЁС Бюроси ва Пленуми аъзолигидан чиқарилсин. Мазкур қарорни тасдиқлаш учун ЎзЛКЁС V пленумига олиб чиқилсин.

Чиндан имзоланди. ЎзЛКЁС секретари – Ортиқов...¹»

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Ф.П.Тарасов отувага ҳукм қилинди, ҳукм ўша куни ижро этилди².

Юсупов Абдувоси, 1900 йили Наманган шаҳрида шойи тўқувчи хунарманд оилада туғилган, ўзбек, турли партия совет муассасаларида хизматчи ходим, 1918 йилдан 1926 йилгача комсомол аъзоси, 1929 йилдан партия аъзоси, партия билети рақами 1369639, 1922 йилдан касаба союз аъзоси, маълумоти қуйи, 1918–1920 йилларда Наманган шаҳридаги 4-сон Совет рус мактабида 2 йил ўқиган, 1924–1925 йилларда Тошкентдаги саводсизликни тугатиш курсини битирган.



1936 йил 5 июнда тўлғизилган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида Абдувоси Юсупов ишлаган муассасалар қайд этилган. 1918–1920 йилларда Наманган уезд-шаҳар милициясида иш юритувчи, 1920–1922 йиллари уезд-шаҳар милицияси ташкилий ахборот бўлими мудир, 1923–1924 йилларда Наманганда саводсизликни тугатиш фавқулодда комиссиясининг мудир, 1925–1927 йилларда Наманган шаҳридаги 3-сон Ёғ заводи директори ёрдамчиси, 1927–1928 йиллари сиёсий маориф мудир, 1928–1930 йиллари район пахта союзи идораси расининг ўринбосари, 1930–1933 йиллари Наманган шаҳар партия комитетида инструктор ва ташкилий бўлим мудир ўринбосари, 1934 йиллари Ойим райони партия комитети ташкилий бўлим мудир, 1934–1935 йиллари Балиқчи

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 141-иш, 36–43-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 543-варақ.

район партия комитети секретари ўринбосари, 1935 йили Янгикўрғондаги МТС директори ўринбосари, 1935 йил 15 мартдан Наманган шаҳар ер бўлими мудир, 1936 йил 19 июндан Наманган шаҳар прокурори вазифасида ишлаган. 1931–1936 йиллари Наманган, Ойим, Балиқчи районлари партия комитетлари ва ижроия комитетларига аъзо бўлиб сайланган. Рус ва ўзбек тилларини билган.

Абдувоси Юсупов Ойим район партия комитетида ишлаган вақтида район раҳбарларидан Солихов деган масъул раҳбар билан келиша олмайди, аҳвол шу даражага бориб етадики, бу масалага Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ижроия бюросини ҳам аралашшига тўғри келади. Буни Абдувоси Юсуповнинг 1934 йил 8 декабрида Марказий Комитет ижроия бюросига ариза билан мурожаат қилганидан ҳам билса бўлади. Аризада шундай дейилган: «ЎЗК(б)П Марказий Комитети ижроия бюросининг шу йилнинг 4 декабридаги қарори билан мен район партия комитети ташкилий бўлим мудир лавозимидаги иш фаолиятим кониқарсиз топилиб, Марказий Комитет ихтиёрига чақириб олингандим. Бу қарорга кўра мендан бошқа тармоқлар бўйича фойдаланиш лозим эди. Аммо 4 декабрда Марказий Комитетга келганимда партия ходимлари сектори менинг розилигимсиз яна ана шу лавозимга қўйиб Вобкент партия ташкилотида ишлаш учун йўлланма берди. Бу эса менга нисбатан оғир ва ноқулай ҳолатдек туюлди. Чунки, майда ташкилот ҳисобланган Ойимдан чақириб олиб, Вобкентдек анча йирик ташкилотга юборилишим мени таажжублантирди.

Бундан ташқари Ойим район ижроия комитетининг собиқ раис ўринбосари Солихов мен билан районда доимий равишда олишиб ва район партия комитети пленумида обрўсизлантирган ходимни район ижроия комитети раиси ўринбосари қилиб Вобкентга юборилиши мени таажжубга солди.

Ўзимнинг ҳозирги вақтдаги назарий, партиявий билимим ва етарли тайёргарлигим йўқлигидан мен бу ишни уйдасидан чиқа олмайман.

Марказий Комитетнинг қайд қилиб ўтилган қарорига асосланиб, мен ҳақимдаги кейинги қарорни қайта кўриб чиқишингизни ва менга қандайдир хўжалик соҳасида иш беришингизни ишонч билан илтимос қиламан. Агарда бундан кейин мени яна партия ишида қолдириш мумкин деб ҳисобланса, у ҳолда менга қандай бўлмасин кичик лавозим

берилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, мен Солихов билан ҳеч қанақасига ишлай олмайман, қандайдир тушунмовчиликлар чиқиши муқаррар. Ушбу ҳолатдан чиқиш учун менинг илтимосимни қондиришингизни ўтиниб сўрайман».

1934 йил 18 декабрда А.Юсупов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий бўлим мудири Голвановга мана бу хатни йўллаган: «Қасаллигим туфайли мен Тошкентдан кетишга мажбур бўлдим, ҳозирги вақтда мен Наманганда турибман ва оиламни кетишига ҳозирлик кўрмоқдаман. Ижроия бюро номига берган аризамни натижасини ушбу хатни олиб борган киши орқали менга хабар беришингизни илтимос қиламан. Дўстона салом билан Юсупов».

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Абдувоси Юсупов отувга ҳукм қилинди, ҳукм ўша куни ижро этилди¹.

Ушбу ҳужжатлардан маълумки, Абдувоси Юсупов ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан, виждон амрига қарши бормайдиган, ҳалол, пок маҳаллий раҳбарлардан бири эканига ҳеч шубҳа йўқ. Юқори партия органлари буни эътиборга олиб, уни партия ишига эмас, прокуратура тизимида ишлашга изн беришган. У Наманган шаҳар прокурори бўлиб ишга тайинланган. Аммо кўп ўтмай у ҳам бошқалар қатори қатағон домига тортилган. Унинг авлодлари ҳозирда Андижон шаҳрида истиқомат қилишмоқда. Якка-ягона ўғли Рустамхожи Зулунов ота (у бир яшарлигида отадан етим қолган, яқин қариндошлари бу болани ўз фамилиясига ўтказиб, унинг бундан кейинги тақдирини хавф-хатардан сақлаб қолишган. Чунки, ўша даврда қатағон қилинганнинг фарзандлари ҳам ҳаётда кўпдан-кўп азоб-уқубатларга дуч келардилар) Андижон шаҳрида нуронийлик гаштини суриб фарзандлари, набиралари, чеваралари ардоғида, истиқлол берган неъматлардан баҳра олиб фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Муҳамедов Восиқ Шукурович, 1905 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оилада туғилган, ўзбек, олий маълумотли, отаси Октябрь революциясига қадар дўкондор бўлган. 1919 йилдан комсомол, 1926 йил февралидан партия аъзоси, партия билети рақами 1366079.

1922–1924 йилларда Москва шаҳридаги Бухарин номли ишчилар факультетида ўқиб умумий ўрта маълумот олган, 1928–1932 йилларда Ленинграддаги Саноат қурилиши ин-

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 543-варак.

женерлар институтининг фабрика-завод факультетини битириб муҳандис-архитектор мутахассислигини олади.

1937 йил 9 апрелда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида ўзининг меҳнат фаолияти ҳақида қуйидаги маълумотларни келтирган: «1924 йил октябридан 1925 йил апрелигача Тошкент шаҳрида область комсомол комитети ташкилий бўлим мудирини ўринбосари, 1925 йил апрелидан 1926 йил июнигача область комсомол комитети масъул секретари, 1926 йил июнидан 1927 йил июнигача Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Комсомол комитети Марказий Комитети ташкилий бўлим мудирини ва бир вақтнинг ўзида «Ёш Ленинчи» газетасининг масъул муҳаррири, 1927 йил июлидан 1928 йил сентябригача Андижон округ партия комитети тарғибот-ташвиқот бўлими мудирини бўлиб хизмат қилган.

У тез орада республика раҳбар ходимларни сафидан жой олади. 1932 йил августидан 1933 йил августигача Ўзбекистон Республикаси Давлат План комиссияси хайъати аъзоси, 1933 йил июлидан 1934 йил июлигача ЎзССР Халқ Комиссарлар советида қурилиш комиссияси раиси лавозимида ишлайди.

1934 йил июнидан ҳибсга олинган, 1937 йил сентябрига қадар Тошкентдаги академик театр қурилиши бошлиғи ва ўриндошлик асосида 1937 йил мартдан республика совет архитекторлари союзи ташкилий қўмитаси раиси ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатган. У немис, рус, тожик ва турк тилларини яхши билган, партия тозаловидан ўтган, оилалик, яшаш манзили Тошкент шаҳар. 1- май кўчаси, 80- уй бўлган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг Тошкентда 1938 йил 5 октябрда бўлиб ўтган йиғилишида Муҳамедов Восиқ Шукурович отувга ҳукм этилади, ҳукм ўша куни ижро этилади². Ҳозирда оқланган.

Рахимий Шокиржон, 1893 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Отаси боғдорчилик билан шуғулланган ва қисман ўқитувчи бўлган. Ёлланма ишчи бўлиб ўз иши ҳақи ҳисобидан яшаган, кейинчалик оёғи шол бўлиб қолган.

Шокиржон 1907 йилдан 14 ёшидан меҳнат фаолиятини бошлаган. Этикдўзга шогирд тушган ва бир вақтнинг ўзида бўш вақтларида бошланғич мактабга қатнайди, 1909

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 481-иш, 40–41-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 532-варақ.

йили отасидан айрилади, ўша йилдан ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди. 1912 йилдан ўз асарларини нашрдан чиқара бошлайди, янги усулдаги мактаблар учун ўзбек тилидан бир қатор дарсликлар ёзади, 1914 йил ёзги мавсумда маҳаллий аҳоли орасидаги прогрессив йўналишдаги «Садои Туркистон» газетасида ҳамкор ва корректор бўлиб хизмат қилади. Ўша вақтда 7 кишидан иборат оила Раҳимий қарамоғида қолади, ўзи топган иш ҳақи ҳисобидан оилани боқади. 1919 йилгача ўқитувчилик қилган.

Октябрь тўнтаришидан сўнг биринчи босқичли мактабларда ва Тошкент Эски шаҳар халқ маорифи бўлимида инструктор, бир қанча вақт мактабдан ташқари бўлим мудирини бўлиб хизмат қилди. 1921 йилдан Тошкент Эски шаҳар сиёсий маориф мудирини ва маориф инспекторини бўлиб ишлади. 1922 йил апрелидан Тошкент Эски шаҳар район партия комитетини топшириғи билан аёллар мактабини мудирини бўлиб тайинланади, 1923 йили эса халқ маорифини бўлимини мудирини, халқ маорифини комиссарлиғида инструкторлар бўлимини мудирини лавозимида 1925 йил февралигача фаолият кўрсатган.

1925 йил февралда советларнинг область съезидида область ижроия комитетини аъзосини ва Тошкент области халқ маорифини бўлимини мудирини бўлиб сайланади.

Шокиржон Раҳимий ўз тарихимаини ҳолида «менинг таълим олишим тизимли бўлган эмас», дейди. I-босқичли мактабда 6-синфгача ўқиган, биринчи босқични тугатиб мадрасада ўқиган, 4 йил таълим олган, бир вақтнинг ўзида кечки рус-тузем мактабига ҳам қатнаб турган. Партияга дахлдорлиғи ҳақида тўхталиб ўтади, партияга Тошкент шаҳрида 1918 йил кирганман, 1918 йил июнида ўзбек тилида «Иштирокион» (Коммунист) газетасига ходимликка чақиришади, газетада Арипов, Клевлеевлар ишлаётганди. Уларнинг ёрдами билан партия сафига кириб сўл эсерлар – интернационалистарга қарши курашда фаол катнашганман¹, деб ёзади.

У 1923 йили «Нашри маориф» жамиятини ташкил этишда фаол катнашган. 1912 йилдан бошлаб усули жаид мактабларини ва турли ўқув юртларини учун қўлланмаларни нашр этган. Ўзбек тилида биринчи алифбе дарслиғи – «Совға» (1919), шунингдек, «Она тили» (1918, Фитрат ва Қ.Рамазон билан ҳамкорликда), «Катталарга ўқиш»,

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 104-иш, 163–166-варақлар.

«Алифбе дарслиги» (1922), «Катталар йўлдоши» (1924), «Катталар алифбоси» (1927), «Савод» (1930), «Ўзбек тили. Иш китоби» (1932) сингари дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи, 1930–1931 йилларда «Миллий иттиҳодчилар» устидан бўлиб ўтган суддан кейин Тошкент маориф тизи-мидаги муассасаларда ишлаган. 1937 йил 5 августда «халқ душмани» сифатида қамокқа олинади¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессияси-нинг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Рахимий Шокир-жон отувга ҳукм этилади, ҳукм ўша куни ижро қилинади². Ҳозирда оқланган.

Қодирий Абдулла (Жулқунбой) (1894–1938) – янги ўзбек адабиётининг улкан намояндаси, ўзбек романчилиги-нинг асосчиси. Тошкентда боғбон оиласида туғилган. Му-сулмон мактабида (1904–1906), рус-тузем мактабида (1908–1912), Абулқосим Шайх мадрасасида (1916–1917), Москва-даги адабиёт курсида (1925–1926) ўқиган. Тошкент Эски шаҳар озуқа кўмитасининг котиби (1918), «Озиқ ишлари» газетаси муҳаррири (1919), «Муштум» журнали ташкилот-чиларидан бири (1923–1926). А.Қодирий «Йиғинди гап-лар» (1926) ҳажвиясида ЎзССР МК раиси Йўлдош Охун-бобоевни танқид қилганлиги учун 1926 йили Самарқандда қамокқа олиниб, 2 йиллик қамок жазосига ҳукм қилинади. Фитратнинг илтимоси билан Ўзбекистон ССР ХКС раиси Файзулла Хўжаев адибни қамокдан чиқаришга муваффақ бўлади. Ўзбекистонда сиёсий қатағонлар авж олгач, 1937 йил 31 декабрда Абдулла Қодирий қамокқа олинган³. (Ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири, улкан адиб Аб-дулла Қодирий ҳақида фақат тергов иши доираси билан чекланганимизни ўқувчи тўғри тушунади деб ўйлаймиз – Р.Ш.).

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессияси-нинг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Абдулла Қодирий отувга ҳукм этилади, ҳукм ўша куни ижро қилинади⁴. Ҳозирда оқланган.

Саидов Зиё Дадамухаммедович, 1901 йили Тошкент шаҳрида майда савдогар оиласида туғилган, ўзбек, Тош-кентда Фавқулодда комиссияда ишлаган, адабиёт ва санъат

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Тошкент. 2004, 269 бет.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 532-варак.

³ Тарихнинг номаълум саҳифалари. Биринчи китоб... 141-бет.

⁴ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 532-варак.

ходими, 1919 йилдан партия аъзоси, 1919 йилдан матбуотчилар касаба уюшмасининг аъзоси, маълумоти куйи, ўрта, Тошкентда мусулмон мактабда, Москвада КИЖ курсларида ўқиган, Тошкентдаги совет ва партия мактабида ўқиган.

Ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасидаги қайси мавзулар бўйича илмий асарларингиз, ихтироларингиз борми, деган саволга бадиий асарлар, театрга бағишлаб ёзилган драмалар, ҳикоялар, публицистик мақолаларим бор, деб жавоб ёзган.

Унинг меҳнат фаолиятини 1919 йилдан дегрезликдан бошлаган, Чўян-металл куювчилар союзи котиби бўлган. 1920 йили Тошкент ЧКсида (Фавқулодда комиссия) коллегия аъзоси, Самарқандда район комсомол комитетининг секретари, 1924 йили «Туркистон» газетаси тахририят коллегия аъзоси, 1924–1925 йилларда Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими сиёсий маорифи мудири, 1925–1927 йилларда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг масъул котиби, 1928–1930 йилларда «Муштум» журналининг муҳаррири, 1931 йилдан Ўзбекистон Республикаси ёзувчилар союзида драматургия шўъбаси раиси, 1930 йилда Ўзбекистон радио комитети раиси, 1930 йилдан «Ҳамза» театри директори, 1935 йил октябридан диний ташкилотлар бошқармаси директори вазифаларида меҳнат қилган. У Тошкент район шаҳар советларига, шаҳар партия комитетига аъзо бўлган, Ўзбекистон ССР советлар V курултойига делегат бўлиб сайланган, партия комсомол органлари бюроларига аъзо бўлган. 1934 йил республика ва Бутун Иттифоқ ёзувчилар съездида делегат бўлган. 1930 йилдан Ўзбекистон ССР ёзувчилар союзи ҳайъат аъзоси бўлган, рус, ўзбек, тожик, татар, турк, уйғур тилларини билган, ЎзССР Марказий Ижроия Комитети ҳайъати Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. 1934 йили Тошкент шаҳар партия комитети Соидов Зиёга аёллар мажлисини бадиий жиҳатдан тайёрлагани учун хайфсан эълон қилган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги Тошкентдаги йиғилиши Саидов Зиёни отувга ҳукм этган, ҳукм ўша куни ижро қилинган². Ҳозирда оқланган. Ҳозирда Тошкент кўчаларидан бири унинг номи билан юритилмоқда.

Отажонов Бобожон, 1880 йили Хивада камбағал ишчи

¹ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 95-иш, 52–58-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 533-варақ.

оиласида туғилган, миллати ўзбек, 1917 йилгача ишчи, дехкон, мардикор ва чевар бўлиб ишлаган, 1917–1924 йилгача бир қатор масъул лавозимларни эгаллаган: Агитатор бўлган, «Қўшчи» союзининг раиси, Хоразм халқ совет Республикаси халқ комиссарлар советининг раиси бўлган, 1924 йилдан Хоразм халқ совет Республикасининг СССРдаги мухтор вакили бўлиб турган, 1925 йил 7 мартдан Ўзбекистон ССР ер ишлари халқ комиссари коллегия аъзоси бўлиб хизмат қилган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги Тошкентдаги йиғилиши Отажонов Бобожонни отувга ҳукм этган, ҳукм ўша куни ижро қилинган². Реабилитация қилинган, партиясиз тикланган.

Искандаров Даврон, 1905 йил собиқ Самарқанд округи юқори Дарғом райони Мадориф қишлоғида ишчи оилада туғилган, ўзбек, 1924 йилдан ВЛКСМ, 1925 йил 13 сентябрдан ВКП(б) аъзоси, маълумоти тўлиқсиз ўрта. 1937 йил 27 июнда Фарғона шаҳар партия комитети секретари вазифасида ишлаётганида тўлғизган шахсий варақа ва таржимаи ҳолида унинг меҳнат фаолияти, ҳаётининг айрим қирралари очиқ берилган. Рус тилида битилган таржимаи ҳолини ўзбекчалаштириб келтирамиз:

«... менинг отам ишчи бўлган – Самарқанд шаҳридаги ғишт заводида 35 йил давомида ишлаган ва 1924 йили вафот этган. Мен 1915 йилгача отам қарамоғида бўлдим, 1915 йилда 1918 йилгача ўз қишлоғимиздаги бойда чўпонлик қилдим. 1918 йилдан 1921 йилгача Самарқанд шаҳридаги ғишт заводида ишчи бўлиб хизмат қилдим. 1921 йилдан 1924 йилгача устахонада шогирд бўлиб ишладим.

1924 йили Самарқандда партияга Ленин чақириғи бўлаётганда партияга номзодликка қабул қилиндим. 1925 йилдан ВКП(б) аъзоси бўлдим. 1924 йил охирида Самарқанддаги округ совет партия мактабига юборилдим, бу жойда 1925 йил майгача ўқидим, 1925 йил майидан эса Дарғом районида 1926 йилга қадар партия ташкилотчиси бўлиб ишладим. 1926 йил охиридан 1927 йил май ойига қадар ҳозирги ЎзВСХШ Марказий Совет – партия мактабида ўқидим, СПМини битирганимдан кейин 1927 майидан Самарқанд округ партия комитети томонидан Самарқанд

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 80-иш, 1,2,8–10-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 532-варақ.

эски шаҳар ЎзКП(б) райком секретари тарғибот-ташвиқот бўлим мудирини қилиб тайинландим, бу ерда 1927 йил охиригача ишладим. 1928 йил бошида ЎзКП(б) Оқдарё партия комитетининг секретари қилиб сайландим, бу жойда 1929 йил бошларигача ишладим, 1929 йилдан 1930 йилгача ЎзКП(б) Икромов райкоми секретари бўлиб ишладим. 1930 йилда округлар тугатилгунигача ЎзКП(б) Самарқанд округ партия комитети секретари Бюроси аъзоси ва Ташкилий бўлим мудирини бўлиб ишладим.

Округлар тугатилгач Марказий Комитет қарори билан ОГПУ органига юборилдим, бу ерда 1930 йил октябрь ойигача ишладим. Жиззах районида (Фориш) босмачилик тугатилиши билан 1930 йил охиридан Марказий Комитет қарори билан МК аппаратига чақириб олиндим ва ЎзКП(б) Марказий Комитети Ташкилий бўлим мудирини ўринбосарини қилиб тайинландим ва бу жойда 1931 йил апрелигача ишладим. 1931 йилнинг 1 апрелидан 10 августигача ЎзКП(б) Янгийўл райком секретари бўлиб ишлаб келган.

1931 йил августидан Тошкентдаги Ўрта Осие Марксизм-Ленинизм институтида ўқиш учун хизмат сафарига юборилдим, бу жойда 1933 йилгача институт партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлаб келмоқдаман.

6-партия қурилганда ЎзКП(б) Марказий Комитетига ва Советларнинг 5-съезидан ЎзССР Марказий Ижроия Комитетига аъзоликка сайландим, 7 съезидан ҳам ЎзКП(б) Марказий Комитетига аъзо этиб сайландим».

Ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида ўзбек, рус ва тожик тилларини билгани, пахта чопиғини кечиктиргани учун, зиёфат қилгани учун ЎзКП(б) Марказий Комитети хайфсан эълон қилган, уйлангани, хотини, икки боласини борлиғи қайд этилган¹.

СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган.² Ҳозирда оқланган.

Қориев Босит Вагидович, 1897 йил 30 апрелда Тошкентда руҳоний оилада туғилган, ўзбек, 1925 йилдан ВКП(б) аъзоси, маълумоти ўрта, 1918 йилдан қасаба уюшмасининг аъзоси.

1926 йил 25 июлда Самарқандда ёзган биографиясида

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 310-иш, 115–116-варақ.

² РФФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варақ.

унинг хаёт йўли қисман ёритилган. Отаси деҳқон, камбағал оиладан, мулла, қорининг ўғли, онаси Файзиллат Қориева, ўзбек, ўрта ҳол деҳқон, боғбоннинг қизи бўлган.

«Тахминан 1905 йилда бошларида, – деб ёзган у, – мен мусулмон мактабида ўқишни бошладим. 1908 йили отам Наливкин билан биргаликда шубҳали шахслар деган гумон билан Соқчилик бўлими томонидан қамокқа олинган ва 5 йил муддатга Тула губерниясига бадарға қилинган.

Отам қамокқа олинганда оиламизда мендан катта ёшда ҳеч ким бўлмаган, шу боис мен ўқишни тўхтатиб турли хил мансабларда ойига 5 сўм маош олиб оилани боқишимга тўғри келган эди. 1925 йили жазо муддатини ўтаб отам Тошкентга қайтиб келади. Отам қайтганидан сўнг мен янги Олий-бошланғич маълумот берувчи Рус-тузем мактабида ўқий бошладим, тез орада Февраль инқилоби педагогик курсига ўқишга кирдим. 1918 йилгача 4 ойлик педагогик курсида ўқидим, хусусий тарзда шуғулландим. Педагогик курсларни битирганимдан сўнг Тошкент шаҳридаги «Иттиҳод» номли 40-сон мактабда ўқитувчи қилиб тайинландим. Шундан сўнг ТАССР Халқ маориф комиссарлиги Наманган шаҳрига ўқитувчи лавозимига юборди. Наманганда 5 та педагогик курсларда ва «4-сон» мактабида дарс бердим.

Наманганда ўртоқ Икромов (Акмал Икромов – Р.Ш.) билан ва унинг тавсияси ва маслаҳати билан 1919 йил декабрида Коммунистик партия аъзоси бўлди.

Педагогик курсларни битиргандан сўнг, Тошкентга чақириб олиниб 1-сон мактабга ўқитувчи бўлиб тайинландим.

1920 йил бошларида Тошкент Эски шаҳар партия ташкилоти Туркистон fronti Сиёсий бўлими ихтиёрига инструкторлик ва ўқитувчилик ишига юборди.

1920 йил охирида Туркистон Сиёсий бўлими мени «Сталин» номли тарғибот-ташвиқот поезде ихтиёрига йўллади ва шундан сўнг ўзбек намунавий труппани қайтадан тузиш учун юборди. Шу реорганизация тугалланиши билан бу труппанинг аъзоси бўлиб қолдим. Труппада 1921 йил охиригача ишладим. Труппа сайёр, кўчма ҳолатда фаолият кўрсатар эди, шу боисдан Фарғона, Закаспий ва Бухоро, Тошкент областларида бўлган эди.

Тошкентга келганимдан сўнг бир касалликка учрадим ва уч йил бетоб бўлиб ётдим, шу вақтда Бутунроссия партия аъзоларини рўйхатга олиш даври эди. Касаллигим учун Бутунроссия партия рўйхати тозаловига тушмай қолдим.

Тошкент Эски шаҳар район партия комитетидагилар мени партия аъзолигидан механик равишда чиқиб кетдингиз, деб айтишди.

Шундан сўнг 1923 йилгача бир неча бор Бутунроссия рўйхатида ва тозаловида қатнаша олмаганим сабабларини ёзиб аризалар билан мурожаат қилдим, аммо Тошкент Эски шаҳар райкоми аризамни натижасиз қолдириб келди...»¹

Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида Босит Қориев 1925 йилдан ВКП(б) аъзоси, партия билети рақами 1336909, 1926–1927 йилларда Москвада Шарк меҳнаткашлари коммунистик университетида ўқигани. 1927–1928 йилларда Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи комиссарлиги Бадий бўлим мудири, 1928–1929 йилларда Ўзбеккиноси директори, 1929–1930 йилларда Самарқандда ишчи факультети (Рабфак) декани, 1930–1932 йилларда Фарғона педагогика институтида ўқитувчи, ассистент, директор вазифаларида ишлаган, 1936 йил 5 январдан Ўзбекистон давлат нашриёти директори, 1936 йил 14 февралда ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Санъат Комитети раиси ўринбосари бўлиб ишлагани, 1937 йил 8 августда ишдан олиниб, партиядан ўчирилгани қайд этилган.

Шунингдек, шахсий варақага Ўзкомпартия Марказий Комитети бюросининг 1936 йил 4 ноябрдаги йиғилишида «Москвада Санъат декадаси ўтказилиши муносабати билан ўзбек мусиқа театри раҳбариятини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги масала кўрилади. Қабул қилинган қарорда шундай дейилган: **«Санъат декадасини тайёрлаш ва тугагунича бўлган вақтда ўзбек мусиқали театр директори этиб ўртоқ Қориев тасдиқлансин. ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети Ҳузуридаги Санъат Бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифаси сақланиб қолинсин...»** Қарор кўчирмасини ЎзКомпартия Марказий Комитети секретари Арон Абрамович Цехер томонидан имзоланган.

1937 йил августда Ўзкомпартия Марказий Комитети Бюроси йиғилишида, «Бош санъат бошлиғи ўринбосари тўғрисида»ги масала кўрилади. Бу масала бўйича А.Икромов ахбороти тингланади. Бюро йиғилиши Босит Қориевни Бош Санъат бошлиғи ўринбосарлигидан ишдан олишга ва партиядан ўчиришга қарор қилинади.

Шахсий варақада ЎзКомпартия Марказий Комитетга аъзо, Лотинлаштириш Марказий Комиссиясига аъзо, форс,

¹ ЎЗР МДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 344-иш, 25–28, 35–36-варақлар.

рус, тожик, татар, озарбайжон тилларини билгани қайд этилган.¹

СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Қориев Босит Вагидович отувга ҳукм этилган ва ҳукм ўша куни ижро этилган².

Дадабоев Бўтабой Дадабоевич, 1888 йили Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Унинг 1932 йил 4 апрелда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида 12 бетдан иборат таржимаи ҳолида ҳаёт йўли, кўп қиррали фаолияти ўз аксини топган². Аввало мусулмон мактабида, кейин рус-тузем мактабида таҳсил кўради. Отаси вафотидан сўнг 13 ёшли Бўтабой оиладаги 4 фарзанднинг каттаси сифатида оилани тебратишга ҳаракат қилади. Ниёзхўжа исмли пахта комиссионерига хизматкор, тери, пахта тозалаш заводларида ишчи, наманганлик таниқли савдогар Альперов магазинида қоровул, кейинроқ Тошкентга иш қидириб келиб, шаҳар тиббий амбулаториясида қоровул ва хат ташувчи бўлиб ишлайди. Маошидан ҳар ойда 15 сўмни Чустга юбориб, оиласига кўмак бериб турган Бўтабой тақдирнинг яна бир зарбасига учрайди – онаси бевақт вафот этади. Фельдшер оиласида яшаб, русча савод чиқаришга улгурган Бўтабой ноилож, қаровсиз қолган укалари, кўзи ожиз бувиси қошига, Чустга қайтиб боради.

1908 йили Чустда иши юришмаган Бўтабой Чодакка бориб, волость бошқарувчиси девонхонасига ишга киради. Чор маъмурлари қарийб икки йиллик фаолиятида уни уч бор жазолайдилар. Уезд бошлиғи фармойишларини бажармагани, бошлиқлар олдида ўзини «корректно» тутмагани учун унга илк бор 5 сўм жарима солишади. Сўнгра аввал 7 кун, кейин 14 кун қамокда ётади. Охир-оқибат ишсиз қолади.

1914 йил январидан то Февраль инқилобигача Бўтабой Чуст шаҳар хўжалик бошқармасига журналист, сўнгра даҳа пристави Б.Яҳъин Марғилонга даҳа пристави қилиб ўтказилгач, унинг таклифи билан Скобелев шаҳрига бориб, пристав қошидаги хатлар бўлимида ишлайди.

Фарғонада 1916 йил воқеалари рўй берган кунларда Бўтабой чор миршабининг ғзабига учрайди. Вилоят

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат 344-иш, 25–28, 35–36-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 532-варақ.

³ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат 219-иш, 97–112-варақлар.

амалдорларидан бири ўтиб кетаётганида таъзим бермаган Бўтабой унинг танбеҳига кескин жавоб қайтаргани учун терговга тортилади.

Ўша йилнинг кузида Фарғонадаги «Военное собрание» биносида қўйилаётган спектаклга киришни истоган Б.Дадабоевга «сартлиги учун» билет сотишмайди. Бундан норози бўлган Б.Дадабоев «ноқонуний ҳаракат қилганлик»да айбланиб, ҳибсга олинади. Февраль инқилоби боисгина у қамоқ жазосидан қутулиб қолади.

Большевиклар ҳокимият тепасига келгач, Бўтабойнинг саводли, серғайрат, ташкилотчи йигит эканлигини пайқаб, ундан фойдаланишга қарор қиладилар. У Фарғона вилояти Ер ишлари кўмитасига аъзо этиб сайланади. Аммо большевиклар Туркистоннинг миллий республика сифатида раванк топишидан манфаатдор эмас эдилар. Шу боис Туркистон парчаланиб, кичик республика ва мухториятларга бўлиб юборилади. «Сувнинг қаёққа оқаётгани»ни сезган миллатпарвар зиёлилар большевиклар ҳукмронлик қилган замонда ватан ва миллатнинг озод бўлолмаслигини сезадилар. Шу сабабли улар турли ташкилотлар тузиб, Туркистонни совет давлатидан ажратиб олишга уринадилар.

Ана шундай ташкилотлардан бири «Иттиҳод ва тараққий» ташкилоти эди. Тергов ҳужжатларида қайд этилишича, бу ташкилотга Турор Рисқулов, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Саъдулла Турсунхўжаев, Низомиддин Хўжаев, Юсуф Алиев, Али Расуловлар раҳбарлик қилишган. Унга Ўзбекистон КП(б) Марказий Кўмитаси котиби Акмал Икромов, Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси Файзулла Хўжаев, Ер ва сув ишлари халқ комиссари Рустам Исломов ва бошқа йирик раҳбарлар ҳам хайрихоҳлик кўрсатишган. Туркистон Марказий Ижроия Кўмитаси раиси Иномжон Хидиралиев мазкур ташкилотга Бўтабой Дадабоевни ҳам жалб этган.

Ташкилотнинг асосий мақсади Туркистон худудида миллий давлатни барпо этиш эди. Шу боис Б.Дадабоев, тергов материалларида қайд этилишича, «босмачилик ҳаракати»ни ҳар қандай йўл билан қўллаб-қувватлашга, ҳатто уларга қурол-яроғ етказиб беришга ҳаракат қилган.

«Иттиҳод ва тараққий» ташкилоти аъзолари миллий бирликка эришиш, маҳаллийчилик, тарқоқлик, парокандалик, гуруҳбозлик, табақабозликка қарши кураш олиб борганлар. Улар совет ҳукумати хоҳишига қарши равишда бой

хўжаликларнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, қишлоқнинг синфий табақалашувига қаршилик кўрсатишга уринганлар. 1923–1924 йилларда давлатдан уруғлик ва ишчи ҳайвон учун кредит олингач, уни асосан деҳқончиликка қодир бўлган бойларга ва ўзига тўқ кишиларга тақсимлаб беришган.

Яна тергов материалларида айтилишича, Б.Дадабоев Тожикистонда ишлаган кезларида у ердаги «Иттиҳоди Шарқ» ташкилоти билан ҳамкорлик қилган. Бу ташкилот аъзолари орасида Тожикистон ССР МИҚ собиқ раҳбари Нусратулло Махсум, Тожикистон Халқ Комиссарлари Кенгаши собиқ раиси Ҳожибоев, ижтимоий таъминот халқ комиссари Муҳитдинов, Тожикистоннинг Москвадаги мухтор вакили Абдужабборов ва бошқалар бўлишган.

Қизил қўшин «босмачилик ҳаракати»ни тугатишга киришган кезларда И.Хидиралиевнинг «ихтиёрий равишда таслим бўлиш таклифи»нинг «босмачилар» томонидан қабул қилиниши ва уларнинг таслим бўла бошлаши «иттиҳодчилар»нинг обрў-эътиборини кўтариб юборади. Шу даврдаги хизматлари учун Б.Дадабоев Қизил Байроқ ордени билан тақдирланади. «Босмачилик ҳаракати» тугатилгач, ташкилот, тергов ҳужжатларида қайд этилишича, ўз фаолиятини миллатга содиқ кадрларни кўпайтириш, уларни партия ва совет аппаратига жойлаштириш орқали миллий анъаналар, кадриятларнинг оёқости бўлишининг олдини олишга, истиқлол имкониятини яратишга сафарбар этади.

Тарихда ўз маслағи, эл-юрт манфаати, ватан ва миллатнинг эрки-озодлиги йўлида жонини қурбон қилган қаҳрамонлар ҳам, амал, шахсий манфаат ва нафс деб хиёнат йўлига кирганлар ҳам оз бўлмаган. Тарихий ҳужжатларни кўздан кечиран экансиз, баъзан бир-бирига қарши маълумот берган кишилар кўз олдингизда намоён бўладиларки, уларнинг қайси бири қўрқоқ ва сотқину, қайси бири айбсиз эканини тезда англаб ололмайсиз.

Наманганлик Бўтабой Дадабоев фаолияти шу маънода ғоят мураккаб бўлиб, у ҳақда бирдан ҳукм-хулоса чиқариш осон иш эмас. Келинг, хулосага шошилмай, унинг фаолиятига назар ташлайлик.

1923 йилда Туркистон республикаси адлия халқ комиссари, республика прокурори, кейинчалик Тожикистон Компартияси ташкилий бюроси аъзоси, Тожикистон

Инқилобий Қўмитаси раисининг ўринбосари, СССР Марказий Ижроия Қўмитаси аъзоси, 20–30 йилларда Тожикистон ва Туркменистонда катта раҳбарлик лавозимларида ишлаган Б.Дадабоев НКВД Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 5 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган сайёр ёпиқ суд мажлиси томонидан олий жазога ҳукм этилади ва ҳукм... 4 октябрда отиб ташланади. Агар эътибор берган бўлсангиз, у суд мажлисидан бир кун аввал шошилиш равишида отиб ташланган.

Хўш, Б.Дадабоев ким? Нега у совет тузумига хиёнат қилган киши сифатида қатл этилган? Унинг айби нимада?..

Тарихий ҳужжатлар куйидагилар ҳақида сўзлайди: 1937 йилнинг фожиали воқеалари бошланиши билан миллий республикаларнинг бошқа раҳбарлари қатори Б.Дадабоевнинг ҳам яқин ўтмишда аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлганлиги «ошкор» бўлиб қолади. Партия сафидан ўчирилган Бўтабой Дадабоев то қамокқа олингунига қадар сарсон-саргардонликни бошидан кечиради. Ниҳоят, 1937 йилнинг 31 августида у Ашхобод шаҳрида қўлга олинди. 15 кун давомида қийноқ усталари унинг иродасини синдириш учун турли азобларни унинг бошига соладилар.

Б.Дадабоевнинг «дело»сини кўздан кечирган киши тергов ҳужжатларини ва 2-ранг хавфсизлик комиссари Л.Бельскийга ёзган хатини ўқиб, ундаги иқдорларни кўриб, унинг ўз сафдошлари номини ошкор қилганига эътибор қаратади. Нахотки, ўз республикасининг мустақил бўлишини орзу қилган, унинг раҳбарларидан бири бўлган киши хиёнат кўчасига кирган бўлса, деган хаёл ҳам келади.

Бироқ қатағон тегирмонининг ишлаш усулидан, совет «гестапochи»ларининг ёвузлиги ва шафқатсизлигидан хабардор бўлган тарихчилар 1937–1938 йилларга оид сўроқнома ва иқдорномаларга ҳар доим ҳам ишонавермайдилар. Улар бу сўроқнома ва иқдорномаларга қандай йўл билан қўл қўйдириб олинганини яхши биладилар. Зеро, жазо ташкилотлари ўз мақсадларига эришиш, ваҳшийликларини яшириш, қабиҳ ишларини ниқоблаш мақсадида ўзлари тўқиб чиқарган уйдирмаларга сурункалаб ухламаган, чалажон ва қарийб беҳуш маҳбусларга имзо чектириб олибгина қолмай, уларни сафдошлари олдида бадном этганлар ва авлодлар олдида ҳам бадном этиш йўлларини ўйлаб топганлар.

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 536-варак.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Бўтабой Дадабоевни отувга ҳукм қилинади, ҳукм ўша куни ижро этилади¹.

Кекса тарих шундай разилликларга кўп маротаба гувоҳ бўлган. Шунинг учун ҳам совет жазо органлари чиғиригидан ўтказилиб, қатағон қилинган инсонларга баҳо беришда шошқалоқлик қилмаслик, эҳтиёткорлик ва синчковлик билан иш тутиш мақсадга мувофиқ.

Умид қиламизки, ватани ва халқининг ҳур ва озод кунларга эришишни орзу этган, бу борада мардона курашганларга кўмак берган, уларни қўллаб-қувватлаган чуствлик арбоб Б.Дадабоев тақдири тарихчиларимиз томонидан ўрганишда давом этилади.



Икромов Исак, 1906 йили Наманган шаҳрида ишчи оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти куйи, 1930 йил 26 августда партиёга қабул қилинган, 1931 йили Тошкентда ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси ҳузуридаги 6 ойлик партиё ходимларини тайёрлаш курсини битирган.

Мустақил меҳнат фаолияти 1918 йилдан бошланган, Қўқон шаҳридаги кулоқ хўжаликларидан бирида батрак, 1922 йили депода шогирд, 1923 йили Наманган

шаҳрига келиб ёғ заводида қора ишчи бўлиб ишлайди, 1924 йили 30-сон пахта заводида шогирд бўлиб, кейин эса ёғ қуувчи бўлиб ишлаган, заводда 1930 йилгача меҳнат қилган. 1930 йили Андижон округ комсомол комитети уни Сталин (Шахрихон) районида комсомол секретари қилиб юборади, округлар тугатилгач, у Андижон шаҳар комсомол комитетининг секретари қилиб юборилади, Марказий Комитет қарори билан Хоразм округи ташкилий бюросига аъзо қилиб киритилди, конфрeцияда Хоразм округ комсомол комитетининг секретари этиб сайланди. 1933 йили Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети қарори билан чақириб олиниб, Марказий Комитет ташкилий бўлим мудири ва секретарь ўринбосари қилиб тасдиқланди.

1934 йил ноябрида ЛКСМ Марказий Комитети бюроси қарори билан Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари қилиб тайинланди. 1937 йил июлида эса Тошкент

шаҳри Сталин райони комсомол комитетининг секретари этиб тайинланди.

Таржимаи ҳолида инқилобгача ва инқилобдан кейин судланган эмасман ва терговда бўлмаганман, оқларнинг кўшинларида ва муассасаларида бўлган эмасман, деб ёзган. Шахсий варақада ўзбек ва рус тилларини яхши билгани, яккабошлиги, яшаш жойи – Тошкент шаҳри, Учительская кўчаси, 3- уй, 1- квартира, деб кўрсатилган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Икромов Исак отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган². Ҳозирда оқланган.

Гимадиев Зиё Гимадиевич, 1890 йил 3 ноябрда Таристон республикасида туғилган, миллати татар, ўзи мустақил маълумот олган, 1920–1921 йиллари Москвадаги Свердлов номли Коммунистик Университетда ўқиган, тарихчи мутахассислигига эга бўлган. 1919 йилдан партия аъзоси, партия билети рақами 825064 бўлган.

1902–1912 йиллар Оренбург шаҳридаги Содиқов, Симдикев, Жалолдинов деган бойларда ёлланма ишчи бўлган, мўйнадўзлик билан машғул бўлган.

1912–1914 йилларда армия хизматида, Гроднодаги 171-отлик полкда оддий аскар бўлган, фронтларда сиёсий ходимлик қилган, 1920–1921 йилларда Москвада Свердлов номидаги Коммунистик университетни битириб, 1921–1923 йилларда Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетига лектор бўлиб ишлайди.

1923 йилдан Бухорода мактаб мудирини бўлиб фаолият кўрсатади, 1923–1924 йиллари Тошкентдаги Ўрта Осиё Коммунистик университетда дарс беради, ўқув ишлари бўйича проректор бўлиб хизмат қилади.

1929–1930 йилларда Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги пойтахти – Самарқандда республика давлат нашриётининг Бош муҳаррири бўлиб ишлайди, нашриёт 1930 йил охирида Тошкентга кўчирилади.

1931–1933 йилларда ЎзССР Халқ маорифи комиссари ўринбосари бўлиб, 1933 йили эса Тошкентдаги марксизм-ленинизм илмий-тадқиқот институтига директор бўлиб тайинланади.

У араб, инглиз, турк, озарбайжон, балкар, қозок, қирғиз, ўзбек, туркман тилларини билган.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат 295-иш, 86–89-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 537-варақ.

ЎзК(б)П Марказий Комитети бюросининг 1937 йил 7 июлидаги йиғилишида «Марксизм-ленинизм илмий-тадқиқот институти директори З. Гимадиев тўғрисида»ги масала кўрилади. Масала юзасидан Усмонов нутқ сўзлайди. Бюро шундай қарор қилган: «Марксизм-ленинизм илмий-тадқиқот институти директори Гимадиев ишдан олинсин. Гимадиев аризаси кўриб чиқиш учун ЎзК(б)П МК Тошкент шаҳар партия комитетига юборилсин». Қарор кўчирмасини ЎзК(б)П Марказий комитети секретари А.Икромов, махсус сектор мудири ўринбосари Кондрасюклар тасдиқлаб берганлар¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Гимадиев Зиё Гимадиевич отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша кун ижро қилинган².

Ҳозирда оқланган.

Ибраҳимов Аҳмаджон, 1902 йили Қўқон шаҳрида хунарманд оилада туғилган, ўзбек, отаси тўқувчи бўлиб ҳаёт кечирган, 1916 йили вафот этган, Аҳмаджон Қўқон шаҳридаги 1- босқичли мусулмон мактабида ўқиган, 1928 йил март ойида Андижон шаҳар партия комитети томонидан партия сафига қабул қилинган, партия билети рақами 1373025, 1924–1926 йиллари ВЛКСМ аъзоси.

Аҳмаджон Ибраҳимов 1937 йил 18 майда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида меҳнат фаолияти акс эттирилган: 1921 октябридан 1922 йил февралигача Қўқон уездига қарашли Яйпан қишлоқ касаба уюшмасида котиб, 1922 йил февралидан 1923 йил июнигача область озиқ-овқат комитетининг Боғдоддаги вакили, 1923 йил июлидан 1924 йил январигача Қудаш қишлоғида область молия бўлимининг молия агенти, 1924 йил февралидан 1924 йил декабригача Қўқон шаҳрида терига ишлов берувчилар уюшмасининг раиси, 1924 йил декабридан 1926 йил сентябригача область терига ишлов берувчилар уюшмасининг раиси, 1926 йил сентябридан 1927 йил ноябригача Тошкентда ВЦСПС Ўрта Осиё бюросидаги ўқишда курсант, 1927 йил ноябридан 1929 йил январигача Андижон шаҳрида округ касаба союзи раиси, 1930 йил сентябридан 1931 йил июлигача «Ўзбек савдо»нинг Андижон шаҳридаги вакили, 1931 йил июлидан 1933 йил мартигача Янгиқўрғон

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат 197-иш, 104–106-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варақ.

район ижроия комитети раисининг ўринбосари, 1933 йил мартдан 1934 йил февралигача Чуст райони ижроқўми раисининг ўринбосари, 1934 йил февралидан 1936 йил майгача МТС директори, 1936 йил июнидан 1937 йил 18 майгача Норин райони МТС директори вазифасида ишлаб келган.¹

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Иброҳимов Аҳмаджон отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли (Чўлпон) 2011 йил 11–21 сентябрь кунлари шогирдим Элёр Холмирзаев билан бирга Москвада илмий хизмат сафарида бўлди. Сафар режасига кўра биз 1938 йил 4–16 октябр кунлари СССР Олий Суд Ҳарбий Коллегиясининг Тошкентда бўлиб ўтган сайёр йиғилишлари баённомаларини излаб топишимиз, ўша йиғилишларда 400 дан зиёд ўзбекистонликлар устидан чиқарилган ҳукмлар билан танишиш, отувга ҳукм этилганларни номма-ном аниқлаш, улар ҳақидаги бор маълумотларни олишимиз керак эди. Шу мақсадда Москва шаҳри, Малий Каретний тор кўчаси, 12-уйда жойлашган «Мемориал» халқаро тарихий-маърифий хайрия ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш жамиятида бўлди. Жамият раиси, профессор А.Б.Рогинский, унинг ёрдамчиси Я.З.Рачинский жамият архиви мудираси Алёна Козлова билан танишди. Улар бисотида қатағон қилинганлар ҳақида маълумотларнинг электрон базаси бор экан. 2 миллион 600 минг киши ҳақидаги маълумот дискини бизга беришди. Бундан ташқари СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг 1938 йил октябрида Тошкентда ўтказилган сайёр йиғилишида отувга, 10–15 йил қамок жазосига ҳукм этилган 490 қатағон қурбонлари рўйхатини ҳам кўлга қиритди. Ўша рўйхатнинг 146-нчида «Сулаймонов (Чўлпон) Абдулҳамид Сулаймонович, 05.10.1938 йилда отувга ҳукм этилган, 05.10.1938 йил отилган, номери 28484, 7-жилд, 226-бет», деб рустилида ёзилган. Жамият раҳбарияти ана шу 490 қатағон қурбонларининг ҳар бирининг таржимаи ҳоли, ҳаёти ва фаолияти ҳақида 2–3-саҳифадан иборат материал тайёрлаб уларга жўнатишимизни, бу материалларни ҳамкорликда нашр этамиз деган таклиф айтди. Биз кўндик, шартнома туздик.

Архив мудираси Алёна Козловадан кўплаб китоблар,

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат 284-иш, 122–124-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 532-варақ.

маълумотлар олиб танишдик. Жумладан, «Поэзия узников ГУЛАГА» (ГУЛАГ тутқунлари шеърияти) номли китобни қўлга киритдик. Бу китоб «Демократия халқаро фонди. Россия XX асрда» номи билан 2005 йили Москвада академик А.Яковлев таҳрири остида нашр этилган экан. Китобни варақлар эканмиз, кўзимиз Чўлпон ҳақидаги мақола ва шеърларига тушди.

Китобда мана бу сатрлар берилган: **«Абдулхамид Чўлпон 1893–1938. Абдулхамид Чўлпон (Абдулхамид Сулаймон ўғли Юнусов) шеър ёзишни билган маърифатли савдогар оилада туғилган. Рус-тузем мактабини битиргандан сўнг отаси ўғлини мадрасада ўқишга юборади, бу жойда бўлажак шоир араб, форс ва турк тилларини ўрганади. Инқилобий ғоялар таъсири остида буюк миллий шоир бўлиш учун мадрасадан Тошкентга боради. Ва шундай ҳам бўлди.**

Унинг ҳаётлиги чоғидаёқ у ҳақда буюк Навоийдан кейин ўзбек тили ва адабиёти шу қадар қудратли лириканинг билмаган, деб айтишган. «Унинг шеърий нутқи-ҳозирги замон ўзбек тилининг сарчашмасига йўл очиб берувчи калитдир. Ҳозирги замон ўзбек тили – бу Чўлпон тилидир», – деб айтган ўша замон танқидчиларидан бири. Чўлпон инқилобни¹ завқшавқ билан кутиб олади ва ҳатто уни кўп асрлик анъанавий мумтоз шеърият шаклларида озод этиб ўзбек тилига олиб кирди. 1918 йил у Э. Потъенинг «Интернационал»ини ўзбек тилига таржима қилади, «Турк РОСТА»нинг бош муҳаррири бўлиб ишлайди.

1927 йилдан бошлаб унинг шеърларини босиш тўхтаydi. Партия мансабдорлари бу шеърлар ўқувчилар учун зарарли деб ҳисоблайдилар. 10 йил ичида у Чехов, Тургенов ҳикояларини, Гоголь қиссаларини, Пушкиннинг «Борис Годунов», Шекспирнинг «Гамлет», К. Роцци, К.Кольдони, Ж.Б. Мольер пьесаларини ўзбек тилига таржима қилади.

1937 йили қатағон қилинган. «Шу матндан сўнг Абдулхамид Чўлпоннинг 1923 йили Андижонда битган «Қиз қўшиғи» («Песня девушки»), 1924 йили Ўшда ёзган «Қушнинг ҳадиги» («Ужас птицы») шеърлари Т.Бек тар-

¹ 1917 йилдаги февраль инқилоби назарда тутилмоқда. Бу инқилобни эндигина 18 баҳорни қаршилаган Абдулхамид Чўлпон февраль инқилобини 1789–1793 йиллардаги буюк француз инқилобига ўхшатган эди. – Р.Ш.

жимасида рус тилида берилган. Бу китоб собиқ иттифок ва чет элларга тарқатилганидан биз ғоятда фахрландик. Бу ҳар икки шеърни ёзилиш тарихи, унинг ғояси ҳақида фикр юритмоқ учун ўқувчиларни шу шеърлар билан таништиришни лозим билдик.

Қиз қўшиғи

Ўксук кўнгил қуши
Тушди қафасга,
Сира етолмайдир
Эркин нафасга.
Қора кунлар тушди менинг бошимга.

Сиқиқ қафасларда
Яйрай олмайман.
Жаннат боғлар бор-ку,
Сайрай олмайман.
Ёмон кунлар тушди менинг бошимга.

Қип-қизил қон бўлиб
Кунлар ботадир...
Ёмон ҳидга тўлиб
Тонглар отадир...
Оғир кунлар тушди меним бошимга.

Жаннат каби боғлар
Булбулсиз қолган...
Осмон бўйи тоғлар
Кулунсиз қолган...
Қийин кунлар тушди меним бошимга.

Кўз ёшимда ювсам
Юртнинг бағрини,
Тилим билан сўрсам
Оққан қонини...
Қонли кунлар тушди меним бошимга.

Ҳасратим кўп, элга
Айта олмайман.
Армоним кўп, дилда
Жойлай олмайман .
Ўтли кунлар тушди меним бошимга

Қафасларни бузиб
Учсам осмонга!
Кишанларни узиб
Етсам жононга!..
Ёрсиз кунлар тушди меним бошимга

Андижон, 1923 йил.

Қушнинг ҳадиги

Қуш бечора кўрқадирким, уясидан айригайлар
Уясидан айримоқ-ла қанотини қайиргайлар.

Майда симдан силлиқ қилиб, моҳирона тўқилган бир
Қафас топиб, дарчасини очиб дерлар: «Масканга кир!»

Мискин куш ҳам янги маскан чаккасига қўйиб олар,
Масканига кўз югуртар, теграсига назар солар.

Ва кўрарким, маскан ўзи машинада қўйилмишдир,
Уни ҳозир қилмоқ учун, кўп зеҳният сарф бўлмишдир.

Дарчалари маҳкамгина, пухтагина, хотиржамлик,
Сув ичгали, дон егали тешиқлар бор кичик-кичик.

Симлар билан иши йўқдир, чиқмоқ учун учиб кўрар,
Ўрмонларнинг хаёлида ҳар томонга ўзни урар.

Фақат, заиф вужудини қанча урсун деворларга,
Балки унинг юмшоқ тани, тўлиб кетсун ол қонларга.

Деворларнинг сезгиси йўқ, туйғуси йўқ, товуш бермас.
Тегра бутун руҳсиз гавда, «Нечун мундоқ бўлдинг?»

демас.

Унинг бутун тасаллиси – тўлиб-тошиб сайрамоқдир,
Кўм-кўм дала, эслаб-эслаб йиғламоқдир, йиғламоқдир!..

Ўш, 1924 йил.

Туркистон миллий шоири деган юксак, шарафли ном соҳиби Абдулҳамид Чўлпон 1917 йил она шаҳри – Андижонда «Турон кутубхонаси» ва «Маориф нашри» ни таш-

кил қилиб, маҳаллий миллат кишиларини истиқлол учун кураш жабҳасига сафарбар этиш борасида таҳсинга сазовор ишлар қилган. Айни пайтда Чўлпон биринчи жаҳон уруши Россия подшоҳлик армиясига асирга тушиб, сўнгра Туркистонга сургун қилинган туркиялик зобитлар, зиёлилар билан истиқлол йўлида яқиндан алоқада бўлган. Биз 1994 йил сентябрида Анқарадаги туркий халқлар тарихини ўрганишга бағишлаб ўтказилган Конгрессда бўлганимизда Адана шахрида яшаётган Али Бодомчининг 1975 йили Истамбулда нашр этилган «1917–1934. Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар пошшо» номли китобини олган эдик. Унда мана бу сатрлар бор: **1918 йили бир қироатхона очилди. Кенг зали ҳам бўлган бу қироатхонанинг идоравий ҳаётида Туркистон миллий бирлигининг Андижондаги вакили этиб Хусайн Ниёзий, Усмонхон Эшонхўжа ўғли, Вали Мақсудий, З. Аълам, Фозилбек Отабек ўғли, Абдулхай Маҳдумлар сайландилар. Қироатхона халқ мактаби вазифасини бажарар эди. Ҳар оқшом усмонли зобитлар куннинг муаммолари, маданий- сиёсий ва тарихий мавзуларда халққа маъруза қиладилар. Рус ташвиқотларига ишонмасликка ва кўрбошиларга ёрдам кўрсатишга даъват этадилар.**

Усмонли зобитлар Андижонга бўлган пайтларида шаҳарнинг машҳур бой - савдогарларидан миллий шоир Абдулхамид Чўлпоннинг отаси Сулаймон Афандининг уйида меҳмон бўлар эдилар».

Чўлпон буюк шоир ва адиб, айни вақтда истиқлол курашчиси ҳам эди. Қалби фиғонга тўлган Чўлпон мана бу мисраларни битганди:

Кулган бошқалардир,
Йиғлаган мендир.
Ўйнаган бошқалардир,
Инграган мендир.
Эрк эртақларидан эшитган бошқа
Кунлик кўшиғини тинглаган мендир.
Эркин бошқалардир, қамалган мендир.
Ҳайвон қаторида саналган мендир.

Буюк истиқлолчи Чўлпон Андижонда жадиличлик ҳаракатига асос солганлардан бири сифатида ўз шеърларида рус мустамлакачилигини беаёв қоралаб, Туркистон истиқлолини ифодалаб халқни унга даъват этди. Унинг

«Исён» шеърида мустамлакачиларга бўлган нафрат шундай ифодаланади:

«Эй, сен мени ҳақир кўрган, тубан кўрган
Эй устимдан бир умрга хўжа бўлмоқ истаган,

Эй бўйнимга кишан солиб ҳалокатга судраган,
Кўзларимни заҳарлатиб ўйнамагил, бас энди.

Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким узилур;
Томирларимда қўзғолишнинг ваҳший қони кўпирди.

Эски фикр анъаналари энди буткул узилди,
Ё битарман ёки сенинг салтанатинг бузилур.

Эй, сен мени кул ўрнида ишлатувчи афанди,
Титра, кўркқан, боғлик қўлни бош кўтарган кўчинди.»

1917–1923 йилларда Қизил ёв босқини, тажовузи билан вайронага айланган Фарғона ҳолатини тасвирлаб «Гўзал Фарғона» шеърини битди. Шўролар даврида бу шеър матбуот юзини кўрмади. 70-йилларда бу шеърни Чўлпонни яқиндан билган мархум Асқар Акбаровдан эшитгандим. 1994–1995 йилларда Олмония ва Туркияда бўлганимда «Гўзал Фарғона» турк ва олмон нашрида эълон қилинганини шоҳиди бўлганман.

Турк тарихчиси Али Бодомчи «Қўрбошилар» асарида мазкур шеърни айнан келтирган.

Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг 1922 йил 15 май, 31 июль қарорларида ўзбек тилида чиқаётган «Қизил Байроқ», «Туркистон» республика газеталарида Усмонхон Эшонхўжаев билан Абдулҳамид Чўлпон бирга хизмат қилганликлари, Усмонхон Эшонхўжаев муҳаррир, Чўлпон эса унинг ўринбосари бўлгани қайд этилган. Кейинчалик А.Чўлпон 1927 йилда ўзбек зиёлиларининг курултойига ёзган аризасида 1920 йилдга қадар Туркистон Россия телеграф агентлиги, «Қизил Байроқ», «Туркистон», «Бухоро ахбори» газеталарида масъул лавозимларда хизмат қилганини ёзган эди.

А.Чўлпон 1923 йил баҳоридан Андижонда ташкил топган «Дархон» газетасида хизмат қилган. Бу газетанинг юзага келиши тафсилоти шундай бўлган:

1923 йил май охирида Андижон шахрига бронепоездда

СССР Қуролли Кучлар Бош қўмондони, Ҳарбий инқилобий кенгаш раиси С.С.Каменев, Фарғона қўшинлар гуруҳи штаби бошлиғи В.Д.Соколовский, қўмондон А.И.Тодорский, Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети раиси Иномжон Хидиралиев ва бошқалар келадилар. Бунга сабаб шуки, ўша пайтда советларга, қизил армияга қарши қуролли жанг олиб бораётган миллий озодлик курашчилари Андижон уездига катта кучга эга эдилар, улар фаол ҳаракат қилаётгандилар. Шу боис ана шу ҳаракатга чек қўйиш учун Андижонда ҳарбий инқилобий кенгаш ташкил этилади. Унинг раиси А.И.Тодорский эди. Шунингдек, Исоқжон Ғозиев раислигида Андижон уезд-шаҳар ҳарбий инқилобий комитети ташкил бўлади. Унинг таркиби Абдураззоқов, Степаненко, Тодорский, Куприянов, Раҳматуллаев, Абдушоаҳмедовлардан иборат эди.

Москвадан келган С.С.Каменев Андижондан Тошкентга қайтгач Туркистон Компартияси Марказий Комитети йиғилишида маъруза қилиб, Андижондаги аҳволни яхшилашга қаратилган қарор қабул қилинишига эришади.

Жумладан, Андижонда ўзбек тилида газета чиқариш, босмаҳона барпо этиш, унга зарур бўлган жиҳозлар, анжомлар, техникавий кучлар, журналист ходимлар, матбаачиларни Тошкентдан келтириш зарурлиги кўрсатилган эди. Марказий Комитет қарорига мувофиқ Туркистон Марказий Ижроия Комитети, Халқ Комиссарлари Совети зудлик билан амалий-ташкилий тадбирлар белгилайди. Тошкентдан Андижонга босмаҳона анжомлари, материаллар, асбоб-ускуналар, қоғоз келтирилади.

Андижонда ўзбек тилида «Дархон» газетаси чиқа бошлайди. Унга аввалида Абдулхай Тожиев, сўнгра Инқилобий Комитет раиси Исоқжон Ғозиевлар муҳаррирлик қилдилар. Шунда Абдулҳамид Чўлпон ҳам Марказий Ижроия Комитети йўлланмаси билан Андижонда ўзбек тилидаги матбуотни асослаш ва ривожлантириш учун бу ерга юборилган эди.

А.Чўлпон «Дархон» газетасида муҳаррир ўринбосари бўлиб хизмат қилган. Аммо Исоқжон Ғозиев инқилобий қўмита раиси бўлганлиги туфайли муҳаррирликни тўлалигича Чўлпонга топшириб қўйган эди. «Дархон»нинг амалдаги муҳаррири Чўлпон бўлган. Бу газета Фарғона области Ҳарбий инқилобий совети ва Андижон уезд-шаҳар инқилобий қўмитасининг органи сифатида чиқа бошлаган ва маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқалган эди.

Бир вақтлар хамюртимиз, академик, ёзувчи, драматург Комил Яшиннинг уйида «Дархон»нинг бир неча сонини кўрган эдим. Ҳозирда борми-йўқми хабарим йўқ. «Дархон» газетасининг ҳамма сонларини топиш, уларни ўрганиш орқали А.Чўлпоннинг газетачилик, журналистик фаолиятининг яна бир янги қирраларини билиш мумкин эди.

Газета саҳифаларида Андижонда, Фарғона водийсидаги муҳим воқеалар ўз аксини топганди. Унинг саҳифаларида расмий ҳужжатлар ҳам эълон қилиниб турилган. Масалан «Дархон»да 1923 йил 23 августда Туркистон ҳукумати ва давлатининг 130-сонли қарори ўзбек тилида, арабча ёзувда эълон қилинган. Унда совет муассасаларида иш юритувда, хат-ёзишмаларда тезроқ маҳаллий тилга ўтиш тадбирлари кўрсатилганди. Барча декрет ва қарорлар рус, ўзбек, туркман ва қозоқ тилларида эълон қилиниши, жойларда ижроқўмлар аҳолининг миллий таркибига қараб иш юритув қоғозларини миллий тилларда олиб боришлари мажбурийлиги, қишлоқдан тортиб республика идораларигача иш юритишни маҳаллий тилларга кўчириш қатъий талаб қилинганди.

Маҳаллий тилларда иш юритишга ўтишнинг бошқа тадбирлари ҳам қарорда ўз ифодасини топганди.

И.Хидиралиев, А.Исломов ва Шутемовлар имзолаган бу ҳужжат «Дархон»да ўзбек тилида эълон қилинган. Шу боис «Дархон» чойхоналарда, карвонсаройларда, бозорларда, масжидларда, маҳаллаларда қўлма-қўл бўлиб ўқилган.

Айни шу «Дархон» газетаси буюк шоир, публицист, ёзувчи Чўлпонни бадном этиш учун бошланган ҳужум компаниясида ғанимлар қўлида дастак бўлди, ундан ғаразона фойдаландилар.

1932 йил май-июнь ойларида республикадаги бир гуруҳ адлия ва суд ходимлари устидан суд бўлди. Улардан бири Андижонда маъмурий органларда раҳбарлик лавозимларда ишлаган, 1924–1927 йилларда Фарғонада суд идораларида хизмат қилган Шамси Бадриддинов эди. Суд жараёнида Чўлпонга ҳам ноҳақдан айблар қўйилган. Қўконда инқилобий кўмита котиби Маҳмудхон Аҳмадхоновнинг уйида аксилинқилобий мажлислар ўтказгани, уларда Чўлпоннинг ўзи қатнашгани ва ўзининг аксилинқилобий шеърларини ўқиб бергани ҳақида уйдирма, айблар қўйилган.

Чўлпон бундан хабар топгач, дарҳол Тошкентга хат

йўллади. Айти вақтда 1932 йил 27 майда ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюроси раиси К.П.Бауманга, Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Комитети биринчи котиби Акмал Икромовга, Республика Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси Файзулла Хўжаевга баёнотномалар йўллаган.

Уларда А.Чўлпон Андижонга келиб «Дархон» газетасида ишлагани ҳақида, жумладан шундай ёзганди: «Аҳмадхонов инқилобий кўмита котиби лавозимини эгаллаган чоғда Қўқон (у лавозимини эгаллаган жойда) у ёқда турсин, ҳатто бутун Фарғона музофотида ҳам мен йўқ эдим. Мен Тошкентда эдим (1919 йилдан то 1923 йилгача). Фарғонага (Андижонга) босмачилик ҳаракати узил-кесил тугатилаётган бир паллада фронтнинг ўзбекча газетасида ишлаш учун келганман (1923 йил). Мен Фарғонага Туркистон Марказий Ижроия Кўмитасининг сафарбарлиги ва Туркистон ҳарбий инқилобий кенгаши йўлланмаси бўйича ўртоқ Тожиев Абдулхай билан бирга борганман. У «Дархон» фронт газетасининг муҳаррири эди, мен эса техник муҳаррир ҳамда адабий ходим эдим. Ўз вақтида бу газета жуда яхши баҳоланган. Менинг ундаги ишим ҳақида А.Тожиев, Тодорский (Фарғона фронтининг собик кўмондони), Султон Сегизбоев (Фарғона вилояти партия кўмитаси котиби), Шомансур Алихўжаев (вилоят инқилобий кўмитаси раиси), Биксон ва бошқалар билишадил...»

Шундан беш йил ўтиб бутун советлар худуди бўйлаб «Катта террор», «Қулоқлар операцияси» бошланган 1937 йил 13 июлда А.Чўлпон қамоққа олинади. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигидаги Давлат Хавфсизлиги бошқармаси 4-бўлим тезкор вакили давлат хавфсизлиги лейтенанти Н.И.Тригулов Чўлпонни тергов қилиш чоғида, уни ваҳшийларча азоблаб, «Дархон» газетасида ишлаганида аксилинқилобий фаолият кўрсатганини «исботлашга» имзо чекишга мажбур қилади. Ўша баённомада Чўлпон номидан мана бу сатрлар жой олганди: «Абдулхай Тожиев, мен, Воис Қориев Фарғонада эканимизда Обид Чатокнинг (қўқонлик жадидчи Обиджон Маҳмудов – Р.Ш.) уйида ўтиришда бўлдик. Обид Чаток: НЭП (янги иқтисодий сиёсат – Р.Ш.) сиёсатига ўтилди, энди босмачиларга қарши ҳеч қандай чора кўришнинг ҳожати йўқ, чунки босмачилик ҳаракати «ўз-ўзидан тугайди», босмачилик – бу Шўро

хукуматининг зўравонлик сиёсати натижасидир. НЭП бу сиёсатга барҳам бергани учун халқ ҳам босмачиликдан воз кечади», деб Абдулҳай Тожиев, Обид Чатокнинг фикрларини маъқуллади.

Яна ўша ўтиришда «афв» мазмунидан «Дархон» номли фронт газетасини тузишга қарор қилинди. Бу газета миллатчилик ғояларини таширди, жумладан, мен ҳам (унга) миллатчилик мазмунида бир неча шеърлар ёзганман».

Буюк Чўлпон 30-йилларда Андижонда нашр этилиб турган «Пахта fronti» газетаси билан ҳам ҳамкорлик қилган. У Самарқандда, Тошкентда, Бухорода, Москвада бўлган вақтларида ҳам ҳар гал Андижонга келганида «Пахта fronti» газетаси ва унда хизмат қилаётган ходимлар билан яқин алоқада бўлган.

Аммо 1937 йил 13 июлда Чўлпон қамокқа олиниб тергов бошланганида терговчилар уни ҳар жихатдан айблаш мақсадида «Пахта fronti» газетаси ва унинг айрим ходимларини ёлғон, бўхтон қилишларини ташкил этдилар. Чўлпонни «халқ душмани» эканлигини асослашда унинг «Пахта fronti»даги энг яқин кишиларидан ҳам ёлғон кўрсатмалар олинади, улар далил сифатида жиноий ишга тиркаб қўйилади. Чўлпоннинг бу газетадаги иштироки аксилинқилобий, миллатчилик ташвиқоти олиб борганликка йўйилади.

Ўша мудҳиш кунлари бутун республика матбуотида Чўлпон «халқ душмани», «ватан хоини», «буржуа миллатчиси», «туркпараст», «исломпараст» каби ёрликлар билан дўппосланаётган бир шароитда бу «Пахта fronti» газетаси ҳам четда қола олмаганди. 1937 йил 20 сентябрь сониде «Икки юзламачи мунофиқларга большевик матбуотида ўрин йўк» сарлавҳали мақола эълон қилинган, унда Чўлпон шахсияти зўрма-зўраки танқид этилганди. Мақолада жумладан, шундан сатрлар бор эди:

«... Улар ўзларининг разил ҳаракатларини беркитиб, тилёғламалик билан мунофиқлик қилиб келганлар. Газетанинг секретарь ўринбосари Козим Ниёзов, идора ходими Фатҳиддин Ашуралиевларнинг кимлиги маълум. Бири Октябрь инқилобидан буён совет ҳукуматиға тиш-тирноғи билан қарши курашиб келган.

Аксилинқилобчилар ташкилотининг актив аъзоси ва бошлиқларидан бири Хусанхон Ниёзийнинг ўғли пантуркистлар билан алоқани маҳкам боғлаб советлар

хокимиятига hozиргача ҳам зимдан қарши иш кўриб келган Хасанхоннинг жиянидир. Яна бири эса бир вақтлар меҳнаткашларнинг бошида қонли қамчисини синдириб келган, бир неча меҳнаткашнинг турмушини хонавайрон қилган Салоҳиддин мингбошининг арзандасидир.

«Пахта фронти» бошқарувиға жойлашиб олган мана бу башаралар ҳозиргача ўзларининг қилмишларини яшириб келдилар. Газетанинг собиқ муҳаррири Бекмирзаев (Боймирза – Р.Ш.) бу ифлосларнинг кимлигини суриштирмай ишға олди ва доим кўкларға кўтариб келди. Булар Салоҳиддин мингбошининг уйида ўтиришлар қилишиб унда советларға қарши фикрларни ўртоқлашиб юрдилар. Ашуралиев (Фатҳиддин – Р.Ш.) халқ душмани Чўлпондан доим таълим олиб келди. Чўлпон Андижонға келганда уйиға меҳмонға чақириб келажак иш учун йўл-йўриқлар олган. Ҳатто Чўлпоннинг Андижонда нима иш қилганини, қаерларда бўлганини била туриб, буни яшириб келди. Аксинча уни яқингача ҳам ҳамма ерда баланд овоз билан «Чўлпондай киши Ўзбекистонда йўқ, бўлиши мумкин эмас» деб мактаб юрди, қачонким Чўлпоннинг аксилинқилобий сирлари «очиб» ташлангандан кейин тўнини тесқари кийиб олиб, ҳамма жойда Чўлпонни ёмонлай бошлади.

Ҳатто Чўлпон ҳақидаги катта мақоласини босишға ҳам улгурди. Ашуралиевнинг иккиюзламачилиги, мунофиқлиги Қ.Ниёзовға маълум эди. Уни Чўлпон билан қанчалик ҳамтавоқ эканини биларди. Шунинг учун ҳам унинг мунофиқлиги, иккиюзламачилик тактикасини сезиб туриб мақоласини атайин газетада бостиради». Чўлпонға ва унинг яқинларига қарши қаратилган бу мақола атайин буюртма билан уюштирилгани ва бошдан-оёқ тўқима эканиға ҳеч шубҳа йўқ.

Мақолада Қозим Ниёзов, Фатҳиддин Ашуралиев, Салоҳиддин мингбоши шахсиятларига қилинган бўҳтон ҳақида бир оз тўхталиш лозим.

Ака-ука Хасанхон Ниёзов, Хусанхон Ниёзовлар жадидчи, миллатпарвар, маърифатчи, мустақиллик учун курашган Андижон фарзандларидир. Уларнинг ҳаёт йўли, сиёсий қатағон бўлгани ҳақида бизнинг 2001 йили Тошкентда «Шарқ» нашриётида босилган «Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар» номли китобимизни 306–325-бетларида қисман ёритилган.

А.Чўлпон НКВД ертўласида тергов қилинаётган вақт-

ларда Хасанхон ва Хусанхон Ниёзовлар ҳам қамоқда терговда эдилар. Хасанхон учликнинг 1937 йил 13 ноябрдаги қарори билан отувга ҳукм этилган. Ҳукм ўша куниёқ ижро этилган.

Хусанхон Ниёзов 1938 йил 8 августда Андижонда қамоққа олинади, 1941 йил 20 ноябрда отувга ҳукм этилади, 1942 йил 23 апрелда СССР Олий Суди Хусанхон Ниёзов ишини кўриб чиқиб, унга берилган отув ҳукмини бекор этиб, 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштиришади. У узок Магаданда 1947 йил вафот қилади.

Хусанхон Ниёзов қамоқдалигида терговчининг саволига берган жавобларидан бирида шундай кўрсатма берган: «Бу вақтга келиб Тошкентдаги миллатчилардан Илҳомжон Исмоилов, Саъдулла Каримов, Шорасул Зунунов, Абдулҳамид (Чўлпон) Сулаймонов ва бошқалар билан мен мунтазам алоқа тиклай олдим...»

Ҳа, тўғри Салоҳиддин мингбоши Ашуралиев чор пошшоси ҳукмронлиги даврида Андижонда хизмат қилган маҳаллий амалдорлардан бўлган, мингбошилиқ қилган, маҳаллий аҳоли орасида катта хурмат қозонган. Советлар ҳокимияти даврида ҳам масъул раҳбарлик лавозимларида ишлаган, масалан Андижон Эски шаҳар милицияси бошлиғи вазифасида хизмат этган.

30-йиллар бошларида Санк-Петербургда С.М.Киров отиб ўлдирилгач барча жойларда гумонсираган одамлар қамоққа олинган. Қатағоннинг янги тўлқини бошланган эди. Шунда Андижондан Салоҳиддин мингбоши ҳам уйи тинтув қилиниб, ўзини ҳибсга олиб ОГПУ ходимлари томонидан Тошкентга олиб кетилади. Эл орасида обрў топган, унинг хурматини қозонган кишилардан совет режими ҳадиксираб, хавфсираб уларни аҳоли орасидан юлиб олиб турли хил бўхтонлар, ясама айблар билан қамоқ жазосига, ҳатто отувга ҳукм қилинган. Салоҳиддин мингбоши ҳам ўшандайлардан бири сифатида қурбон бўлганлардан эди.¹

Унинг ўғилларидан Патҳиддин ҳақиқатдан ҳам Чўлпоннинг дўсти, маслакдоши бўлган, у ҳам «Пахта fronti» газетасида ишлаган. Чўлпон ҳар доим Андижонга келганида Патҳиддин хонадонида бўлган, кўплаб суҳбатларда бўлган. Ана шулардан келиб чиқиб «Пахта fronti» газетасида Чўлпонга қарши мақолалар ёзган ғанимлар бу икки инсонни, ота-болани номини булғаш, уларни Чўлпон одамлари деб кўрсатишмоқчи бўлишган. Патҳиддин Ашу-

¹ Андижон вилоят давлат архиви, 442-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 1–8-варақлар.

ралиев Иккинчи жаҳон урушида мардларча ҳалок бўлган, Салоҳиддин мингбоши эса 30-йиллар бошларида Тошкентга олиб кетилганидан бери Андижонга келмаган. Уни ё отиб юборишган, ёки қамоқ жазосига ҳукм этиб, ГУЛАГ лагерларидан бирига этап қилиб юборилган. Бу жумбоқни ечиш устида ҳозирда иш олиб бормоқдамиз.

Таникли адабиётшунос олим Наим Каримов «Чўлпон» номли маърифий романида («Шарқ», 2003) Абдулҳамид Чўлпоннинг Андижондаги яқин кишилари сифатида Абдумуталиб Қахрамонов, Бурхон Машрабий, Боқи Маҳмудий, Исоқ қори Каримов, Расулжон Раҳимов, Салоҳиддин Сайфийларни тилга олиб ўтади. Жумладан, шундай ёзади: «Чўлпон 1936 йил сентябрининг бошларида Андижонга келиб, куёви Маҳаммад Назаровнинг уйида Абдумуталиб Қахрамонов, Бурхон Машрабий, Боқи Муҳаммадий (Маҳмудий – Р.Ш.) сингари ёру дўстлари билан давра куриб, дўстлар дийдорига тўймоқчи бўлди...» Бу жойда Абдумуталибнинг фамилияси нотўғри берилган, унинг фамилияси аслида Қорамандиев бўлган. (қаранг: Шамсутдинов Рустамбек. Истиклол йўлида шаҳид кетганлар. «Шарқ», Тошкент, 2001, 325–331 бетлар). Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги хузуридаги учлик 1937 йил 13 ноябрда Абдумуталиб Қорамандиев, Хасанхон Ниёзов, Абдужалил Хайдаров, Домуллажон Баҳриддинов, Паттох Азизов, Зокиржон Нусратов (Нусрат Зокир)ларни отувга, Бурхон Машрабий, Исоқ қори Каримов, Мадамин Ваҳобов, Маҳмудхон Низомов, Боқи Маҳмудий, Салоҳ Сайфий, Файзулла Султонов, Самандарбой Мўминбоев, Исмоилжон Алимов, Асқар Қаюмов, Расулжон Раҳимий, Абдуқодир Абдуғофуров, Маҳмудбек Қозиев, Расулжон Султонов, Султонмаъсуд Холботиров, Султонмаҳмуд Холботиров, Маҳмудбек Мусин, Аҳмаджон Ҳақимов, Саидхон Шодмонов, Мирсоат Мавлонов, Хожи Акбар Мўминов, Шукур Ҳақимовларни 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этади. Бу 28 нафар андижонлик зиёлилар, маърифатчиларни тергов камераларида ўтказилган қийноқ сўровларда уларнинг кўпидан Чўлпонга қарши бўхтон, иғво, сохта кўрсатмалар олишга, уларнинг бир-бирларига тухмат қилишларига мажбур қилинган. Улардан айримларини келтирамыз:

1937 йил 18 октябрда терговчи Хафизовга Андижон шаҳар Ишчилар шаҳарчаси, 27-уйда яшовчи, 4-сон мактаб директори, тугалланмаган олий маълумотли Носир

Шокиров шундай кўрсатма берган: «... Бундан ташқари Маҳмудий 1936 йил сентябрида, Чўлпон Андижонга келганида, улар Чўлпон томонидан таклиф қилиниб, уларга Чўлпон ўз китобларидан парчалар ўқиб берган, Чўлпоннинг уйда яхши зиёфатда бўлганлар...»

Ёзувчи, драматург, Андижондаги Охунбобоев номидаги театр директори Расулжон Раҳимий ҳақида тайёрланган айблов хулосасида унинг халқ душманлари Муҳиддин қори Ёкубов, Сулаймонов Чўлпон билан яқиндан алоқадалиги кўрсатилган.

Маҳбус Абдулхай Аюбов 1937 йил 28 октябрда Расулжон Раҳимий ҳақида терговчига кўрсатма бериб, унинг 1936 йилнинг июль кунларидан бирида миллатчи ёзувчилар хусусидаги суҳбатда Р.Раҳимий: **«Чўлпон Ўзбекистон шори ва ёзувчилари орасида чиндан ҳам юлдуздир. Агар Робиндрант Тагор Ҳиндистонда буюк асарлар яратган бўлса, Чўлпон эса бизда ана шундай қимматли асарлар яратди»**, деб айтган, у: **«Чўлпонни бекордан-бекорга миллатчи деб танқид қилишмоқда, шуни унутмаслик керакки, сиёсат билан адабиёт орасида катта фарқ бор, ҳар нарсаларга сиёсий нуқтаи назардан ёндашавермаслик керак»** ва кўшимча қилиб **«сиёсат адабиётга аралашмаслиги керак»**, деб айтган. (қаранг: Р.Шамсутдинов. истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. ... 407-бет)

Шуни таъкидлаш жоизки, терговчилар маҳбус Чўлпоннинг ўздан ҳам унга маслакдош, бирга хизматда бўлганлар ҳақида тухматона кўрсатмалар беришни талаб қилганлар. 1937 йил 10 августда терговчи маҳбус Чўлпондан таниқли раҳбар ходимлардан андижонлик Усмонхон Эшонхўжаев тўғрисида кўрсатма олишга уринади. Чўлпон эса ҳамшаҳри, дўсти, маслакдоши (ахир газета ва журналларда у билан бирга ишлаган, Андижондаги тараққийпарварлар ташкилотида ҳам бирга бўлган) Усмонхон ҳақида маълумот беришга мажбур бўлган, уни шунга мажбур қилишган. Чўлпон эса виждон амрига қарши бормай, Усмонхон тўғрисида тухматона фикр айтмайди. Ўша вақтда қатағон машинаси аллақачон «фош» этилган масалаларидан ташқарига чиқмай, айтмасликнинг ҳеч иложи йўқ, арзимас маълумотларни келтиради. Масалан, Чўлпон «Миллий иттиҳод» ташкилоти ўз йиғилишларини «гап»га тўпланиш кўринишида ўтказиб тургани, бу йиғилишларда ташкилотнинг таниқли раҳбари, хусусан, Мунаввар Қори

Абдурашидхонов, Обидчатоқ Маҳмудов, Абдулхай Тожи-ев, Усмонхон Эшонхўжаевлар иштирок этди, деб кўрсатма берган. Ёки, Усмонхон Эшонхўжаев ташкил этган ва муҳаррирлик қилган «Инқилоб» номли ўзбек тилидаги журналда Чўлпоннинг ўзи Ғози Юнусов, Фитрат, Усмонхон Эшонхўжаев ва бошқа таниқли аксилинқилобчилар, пантуркчиларнинг асарлари доимий равишда босилиб турар эди, деб айтади. (Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлиги архивида сақланаётган Усмонхон Эшонхўжаевнинг шахсий ишидан).

Ҳа, қалби ва онги, бутун вужуди, ақлу заковати халқ, миллат манфаатига бағишланган инсон қудратли куч – юк-сак маънавият осмонида ҳамиша ёруғ юлдуз каби порлаб тураверади. Буюк шоир, толмас курашчи, истиқлол жарчиси Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон миллий маънавиятимизнинг ёруғ юлдузларидан биридир. Унинг бой, бетак-рор мероси ўзбек миллатининг ўчмас, мангу барҳаёт мулкидир. Уни асраб, авайлаш, келажак авлодларга етказиш Сизу биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Буюк Конфуций айтганидек «ягона ва энг муҳим хато аввалги хатоларни тузатмасликдир». Илоҳим буюк истиқлолимиз инъом этган миллий, тарихий қадриятларимиз, маданий, адабий меросимиз баркамол авлод-ни яратишдек улуғвор, муқаддас ишга доимо хизмат қилаверсин.

3. 7 ОКТАБРДА ОТУВГА ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛАР

Моор Александр Федорович, 1889 йили Волгабўйи немислар области, Кантон Покровский уезди Покровск шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, миллати – немис, она тили – немис, рус тилида эркин ёзади ва гапиради, ижтимоий аҳволи – деҳқон ўғли, 13 ёшда мустақил ҳаёт кечира бошлаган, 1914 йилгача ўқитувчи бўлиб ишлаган, уйланган, кичик ёшда тўртта боласи унинг қарамоғида бўлган. Карамиск марказий билим юртида, Петровск шаҳар билим юртида педагогик курсларни битирган. Новоузенскда 1916 ва 1917 йилнинг 8 оyi давомида пиёда оддий аскар

ва солдат депутатлари ижроия комитетида Денинга қарши ва Польша frontiда отлик бригада ҳарбий комиссари, 1919 йил 11 декабридан 1921 йил июлига қадар область ҳарбий комиссари бўлиб хизмат қилган. 1921 йил армия хизматидан бўшаган, 1919 йил 28 февралдан Волгабўйи немислар ташкилотига аъзо бўлган. Бу партия интернационалчиларнинг социал-демократ партияси ҳисобланган, Новоузенск большевиклар ячейкасида фаолият кўрсатган.

Халқ маорифи Министри томонидан сиёсий ишончсизлиги учун ўқитувчиликдан бўшатишган.

1922 йил ноябрида РКП(б) Марказий Комитети қарори билан хизмат қилиш учун Туркистонга юборилган, 1923 йил октябрига қадар Сирдарё область иқтисодий кенгашига раислик қилган, 1923 йил октябридан Туркистон АССР Ер ишлари Халқ комиссари ўринбосари бўлиб ишлаган, бу лавозимда IX ва X Бутунроссия Советлари съездларида делегат бўлган, 1920–1922 йилларда Бутунроссия Марказий Ижроия комитети, 1924–1927 йилларда СССР Марказий Ижроия комитети аъзоси бўлган. 1926 йилдан Ўзбекистон ССРда турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган. Республика халқ комиссари ўринбосари, 1931 йилдан 1937 йил мартигача ЎзССР давлат план комиссияси халқ комиссари ўринбосари бўлган.

1928 йил майида Тошкент область партия Комитети уни партиядан ўчирган, Ўзбекистон Компартия Марказий комитети 1930 йил 1 ноябрда партия стажи сақланган ҳолда партиёга тикланган.

1922 йили 10 ноябрда унга берилган тавсифномада у совет ишида йирик ходимлардан бири, ишчилар ва деҳқонлар оммаси орасида кенг танилган, совет сиёсатининг барча соҳаларида осон ва тезкор тадбир қўллайдиган яхши ташкилотчи, маъмуриятга ва хўжалик ишини билгани, яхши назарий билимга эгаллиги қайд этилган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр йиғилишида, 1938 йил 7 октябрда отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган².

Зелькина Евгения Львовна, 1900 йили июлида Суздал губернаси Августов шаҳрида хизматчи оиласида туғилган, онаси уй бекаси, яҳудий, 1919 йилдан партия аъзоси, партия билети № 048580, 1922–1927 йилларда Москвада Қизил профессорлар институтида ўқиган.

¹ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 464-иш, 62–77-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 536-варақ.

Е.Л.Зелькина 1937 йил 7 августда тақдим қилган таржимаи ҳолида ўз ҳаёт йўлини қисқа тарзда қуйидагича таърифлаган: «...1914 йилгача ўқидим, 1914 йил уруш вақтида оиламиз Москвага келди, бу ерда отам Москвадаги касалхоналардан бирига ишга кирди. Ўша йилнинг ўзида мен Москва гимназиясига ўқишга кирдим, уни 1917 йили тугатдим.

1917 йил ёздан III интернационал (ахир III интернационал 1919 йилда ташкил этилганку – Р.Ш.) ёшлар ташкилоти ишида иштирок эта бошладим. 1918 йил бошларидан Замоскворец ишчи -депутатлари совети халқ маорифи бўлимида ишлай бошладим, бу ерда ишчи ўсмирлар курсларини, кечки мактабларини ва ишчи клубларини ташкил этиш бўйича ишладим.

1919 йил мартада партиёга кирдим. Партиёга Москва ташкилоти Замоскворец райкоми томонидан қабул қилиндим. Айни шу даврда Замоскворец райони маориф ходимлари фракциясининг котиби ва партиё ячейкасининг котиби бўлиб хизмат қилдим.

1921 йили Туркистонга келдим, бу ерда Туркистон Коммунистик партиёси марказий комитети хотин-қизлар бўлимининг мудираси, кейинчалик тарғибот-ташвиқот бўлими мудирси ўринбосари бўлиб ишладим. 1922 йили Қизил профессорлар институтига ўқишга жўнатилдим, бу ерда 1924 йилгача ўқидим. Бир вақтнинг ўзида ўқиш билан бирга Замоскворечьяга қарашли От-арава заводи, 1-намунали босмаҳона, Краснохолм мануфактураси ва бошқа корхоналарда партиёвий иш олиб бордим.

1924 йил РКП(б) Марказий комитети Брянск партгруппасига аъзо қилиб юборилдим, бу ерда бутун йил давомида «Профинтерн» номидаги Брянск заводида Ленин чақириғига мувофиқ ишладим.

1925 йили ВКП(б) Марказий комитети Ташкилий бюроси қарори билан ер-сув ислоҳоти бўйича ишлаш учун Ўзбекистонга юборилдим. Ер ислоҳоти ўтказиш бўйича Тошкент области комиссияси Президуми аъзоси ва бир вақтнинг ўзида тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирси ўринбосари ҳамда область партиё комитети аъзолигига номзод бўлиб ишладим.

1926 йили ВКП(б) Марказий комитети ташкилий бюроси қарори билан Қизил профессорлар институтини тугатиш учун юборилдим, 1927 йили уни битирдим. Қизил профес-

сорлар институтини битирганимдан кейин ВКП(б) Марказий комитети ташкилий бюроси қарори билан ишлаш учун Коммунистик академияга юборилдим, бу ерда 1930 йилга қадар аграр институти Шарқ сессиясининг раҳбари, «На аграрном фронте» журнали таҳририят аъзоси ҳамда ер ишлари халқ комиссарлиги аграрчилар Жамияти президуми аъзоси сифатида фаолият кўрсатдим. Бир вақтнинг ўзида Коммунистик академия ячейкаси бюроси аъзоси бўлиб ҳам Москва шаҳри корхоналарида, ҳам Москва области саноат марказларида тарғибот ишларини олиб бордим.

1930 йили ВКП(б) Марказий комитети ташкилий бюроси қарори билан Ўзбекистонга, Ер ишлари халқ комиссарлигида ишлаш учун юборилдим, бу жойда ҳозиргача ишлаб келмоқдаман. Ўзбекистон партия съездида Марказий контрол комиссияси аъзоси бўлдим. Оилам билан алоқага эга эмасман. Отам ҳозирги вақтда ҳам Замоскворечья болалар касалхоналари бирида ишламоқда»¹.

Е.Л.Зелькина СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 7 октябрдаги сайёр йиғилиши қарори билан отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куннинг ўзидаёқ ижро этилган².

Е.Л.Зелькина оқланган ва партиявий иш стажи тикланган. У Акмал Икромовнинг турмуш ўртоғи эди.

Бисеров Мухаммеджон Арифович, 1898 йили 24 майда Тамбов губернаси Елатомск уезди Авеево қишлоғида ишчи, шахтёр оиласида туғилган, келиб чиқиши деҳқон табақасидан, татар тилида қишлоқ мактабини 5 синфни битирган. Унинг 1934 йил 14 декабрда ёзган таржимаи ҳолида қуйидагиларни ўқиймиз: 8 ёшидан отаси ёнига кириб ўзларининг деҳқон хўжалигида ишлаган. Оилавий шароити ночорлигидан отаси 13 ёшли Мухаммеджонни Туркистонга юборади. Унинг поччаси Қўқон шаҳридаги фирмалардан бирида хизмат қиларди. У даставвал маҳаллий бойлар қўлида ойига 5 сўм ҳақ олиб ишлайди, кўп ўтмай Вогау савдо уйи компаниясида ойига 15 сўмдан ҳақ олиб ишлайди. Ишлаб топган маблағидан бир қисмини отасига юбориб туради.

1917 йил февраль инқилоби туфайли Қўқонда ишчи-солдат депутатлари совети ташкил бўлади. 19 ёшли Мухаммеджон унга аъзо қилиб сайланади. 1919 йил бошларига

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 274-иш, 146–152-бетлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 534-варак.

қадар халқ маорифи соҳасида Қўқон ва Андижонда фаолиятда бўлади. 1919 йил февралда у Фарғона область Ижроия комитетига аъзо бўлади, жойларда совет ҳокимиятини ташкил этиш бўйича область комиссиясига раислик қилади, «босмачилардан» тозаланган жойларда волость, район, уезд ҳарбий революцион кенгашлар тузишга раҳбарлик қилади. 1919 йил ноябрида Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетига аъзо бўлади, Бутунроссия советларининг VII съездида вакил бўлиб боради, айти вақтда Шарқ халқлари Коммунистик ташкилотлари 2-съездида иштирок этади, РКП(б) Марказий Комитети томонидан сиёсий комиссия раиси ўринбосари (раис Г.Сафаров) этиб тайинланган. 2 ой Москвада ишлагач, 1920 йили Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг «Қизил Шарқ» тарғибот поезда билан бирга Туркистонга келади. Туркистон МИК президиуми аъзоси ва бир вақтнинг ўзида «Қизил Байроқ» газетаси редакциясида ишлайди. Бу вақтда Туркистон МИК раиси Т.Рискулов эди. У Москвага кетгач М.Бисеров ТАССР Марказий Ижроия Комитети раиси вазифасини бажарувчи бўлиб қолади, Туркистон Компартияси МКига аъзоликка номзод бўлиб сайланади.

Ўша вақтда амалий масалалар бўйича қарама-қаршиликлар бўлгани сабабидан М.Бисеров Туркистон МИКда ва Туркистон КП Марказий Комитетида ишлашдан воз кечиб, Тошкент давлат университети Ишчи факультетида ўқий бошлайди. Ўқишдаги даврида 1921–1922 йиллар мобайнида совет ва партия ҳаётининг турли соҳаларида (Университет бошқаруви аъзоси, Ишчилар факультети декани ўринбосари, ўзбек тилидаги Туркистон қасаба союзи органи бўлган газета муҳаррири, Олий ўқув юрти партия ячейкаси ҳайъат аъзоси, Ишчи факультети ячейкаси масъул котиби, Тошкент Совети аъзоси, таътил дамларида Фарғона областида ҳокимиятни мустаҳкамлаш бўйича область комиссияси раиси) хизмат қилади. 1922 йил охиридан Туркистон АССР Ишчи-деҳқон назорат комиссия коллегияси аъзоси, Кичик халқ комиссарлар совети аъзоси бўлиб хизмат қилади.

Партиявий шахсий варақасида М.Бисеров 1924 йили ТАССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссари ўринбосари, 1925 йили Боқуда Бошпахта комитети бўлими мудири, 1925 йилдан 1927 йил ноябрига қадар Тбилисида, Техронда пахтачилик бўйича вакил бўлиб, 1929 йил но-

ябридан 1937 йил августига қадар Тошкентда Ўрта Осиё бюроси, Ўзбекистон Компартияси аъзоси, Ўзбекпахтасоюз Бошқаруви аъзоси, раиси лавозимларида фаолият кўрсатган.

1925–1926 йилларда СССР Бош пахтачилик комитети томонидан Эронга хизмат сафарига юборилган, Эрон пахтачилик комитети Бошқаруви аъзоси бўлиб хизмат қилган. Татар, ўзбек, рус тилларини яхши билган¹.

Мухаммеджон Арифович Бисеров 1938 йил 7 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр йиғилиши қарори билан отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Кейинчалик у оқланган, партияга тикланган.

Солнцев Глеб Дмитриевич, 1892 йил Киев шаҳрида дворян оиласида туғилган, рус, хизматчи, касби – ўқитувчи, 1918 йилдан 1919 йилгача сўл есерлар партиясида, 1919 йилдан большевиклар партиясида аъзо (0823289), гимназияни битирган, маълумоти олий, 1913–1916 йиллари Киев университетиде ҳуқуқ факультетиде, 1922–1925 йиллари Тошкентда Ўрта Осиё давлат университети иқтисод факультетиде ўқиб, иқтисодчи, саноат ва савдо иқтисодчиси мутахассиси бўлган. 1913–1915 йиллари Киев шаҳрида Жанубий-Ғарбий темир йўли назоратида, 1915–1916 йиллари губерна Земство бошқаруви умумий бўлими ходими, 1916 йили армияга олинган, Нижни Новгород, Киев, Камишинскда, Чоржўйда хизмат қилган, кутубхонада, прапоршиклар мактабиде, Камишиндаги 151 пиёдалар полкида, Чоржўйда рота командири бўлиб хизмат қилган. 1918–1920 йиллари Чоржўйда мактаблар ва ижтимоий бўлим мудире, кейин ижроқўм раис ўринбосари, 1920–1922 йиллари қизил армия сиёсий бўлимида горнизон тарғибот бўлими бошлиғи, харбий-сиёсий курс мудире бўлиб хизмат қилган.

1922–1924 йиллари Тошкентда Туркистон АССР халқ комиссарлари Советиде котиб, 1924–1928 йиллари Тошкентда Туркманистон ССР ваколатхонасида раис, 1928 йили Ўзбекистон иқтисод комиссияси ҳайъати аъзоси, котиби бўлиб хизмат қилган.

1917 йили Комишинск ишчи ва солдат депутатлари совети раиси ўринбосари, Чоржўйда ижроқўм аъзоси ва ижроқўм раис ўринбосари, Бухоро компартияси ташкилий бюроси аъзоси, котиби бўлиб фаолият кўрсатган. 1918–

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 139-иш, 70–81-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 540-варақ.

1920 йиллари Бухоро амирига қарши курашган, Ашхободда Туркменистон ССР Марказий ижроия комитети аъзоси (1928–1929). Тошкент область партия комитети ва халқ комиссарлари совети аъзоси, раис ўринбосари, 1930–1932 йиллари Тошкентда ЭКОСО хайъати аъзоси бўлган.

1938 йили 15 февралда Ўзбекистон Компартияси марказий комитети бюроси Усмон Юсупов раислигида ўтказилади. Унда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари Агресиян, Марказий комитетининг қишлоқ хўжалиги бўлимида Емцов, ҳисоб секторидан Ульяновлар иштирок этишган. Бюрода У.Юсупов Солнцев тўғрисидаги масала бўйича гапиради. Бюро шундай қарор қилади: Солнцевни ер-сув ишлари халқ комиссарлиги режалаштириш бўлими бошлиғи вазифасидан ишдан олинсин, партиядан ўчирилсин, материаллар тергов органларига юборилсин. ЎзКП(б) МК секретари Юсупов»¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 7 октябрда Тошкентда ўтказилган йиғилишида Солнцев Глеб Дмитриевич отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

Некрашевич Владимир Михайлович, 1893 йили 6 ноябрда Белорусияда туғилган, рус, деҳқон оиласидан, партиясиз, ижтимоий аҳволи – совет хизматчиси, Ўрта Осиё давлат университети шарқшунослик факультетини (этнолога – лингвистика бўлимини) 5 йил ўқиб битирган, шарқшунослик ўқитувчиси мутахассислигига эга бўлган, инглиз, форс, тожик тилларини билган.

1914–1918 йиллари чор Россияси армиясида хизмат қилган, қизил армияда 1918 йилдан 1927 йилгача хизматда бўлган, 1918–1921 йиллари Фарғона frontiда босмачиларга қарши курашда қатнашган. Туркистон фронтини ёрлиғи ва порцигар билан тақдирланган.

Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасини 1933 йил 23 мартда тўлғизган³.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 7 октябрдаги йиғилишида Некрашевич Владимир Михайлович отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган⁴.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 117-иш, 82–89-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 541-варақ.

³ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 38-иш, 134–135-варақлар.

⁴ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 534-варақ.

Невский Павел Александрович, 1902 йил сентябрида Кострома шахри Галичск районида деҳқон оила-сида туғилган, рус, 1914 йилдан ишчи-тўқимачи бўлиб меҳнат фаолиятини бошланган, маълумоти олий, Кострома шахридаги Приходское билим юртини, Коммуна мактабини, Москва транспорт институти ишчи факультетини, Плеханов номи Халқ хўжалиги институтини битирган, ташқи савдо, инженер-иктисодчи химия ва тоғ иши мутахассислигини олган. Англия, Германияда 1924 йили РСФСР Халқ Маорифи комиссарлиги экскурсиясига раҳбар бўлиб борган, 1919 йилдан ВКП(б) аъзоси, партия билети рақами 0016731.

1914–1917 йилларда Кострома шахридаги Даньян ма-нуфактурасида Кузнецов тахта аралаш заводида тўқувчи, қора ишчи, аррачи бўлиб ишлаган.

1919–1920 йиллари бир йил Кострома губернаси комсомол комитетининг раиси бўлиб хизмат қилади. 1920 йил апрелида партия ва комсомол аъзоларидан иборат кўнгилли отряд билан Польша фронтига сафарбар қилинади. Ҳаракатдаги армиядаги қисмларда аскар бўлиб хизмат қилади, партия коллективига секретарь бўлади.

Ғарбий фронтда Минск шахрида бўлади, у жойдан Литва ва Белорусия Комсомол Марказий Комитетлари ихтиёрига юборилади, бу икки республикада комсомол Марказий Комитетига аъзо бўлади. Кўп ўтмай Кострома, Урал, Пермда комсомол ташкилотлари раҳбарлик лавозимларида фаолиятда бўлади. Москвада ўқишни тугатиб, 1927 йилдан бир йилга яқин Донбасдаги химия заводида, 1927 йил охиридан Москвада химия синдикатида ишлайди. 1930–1931 йилларда Бутуниттифоқ химия саноатида чет эл Бошқармаси бошлиғи бўлиб хизмат қилади. ВКП(б) Марказий Комитети Иттифоқ ер ишлари халқ комиссарлигининг Сибирдаги вакили қилиб юборади.

1931–1932 йиллари Бутуниттифоқ химия саноати «Колчедансноб» идораси бошқарувчиси, 1932–1934 йили «Трестсобзхимруд» трести бошқарувчи бўлиб ишлаган, 1934 йилдан Тошкент шахрида «Союзсера» трести бошқарувчиси бўлиб хизмат қила бошлайди. Уни бу ерга ВКП(б) Марказий Комитети 1934 йил 14 апрелдаги қарори билан юборган эди.

Шахсий варақасида немис, беларус тилларини яхши билгани, Москва шаҳар Краснопресня райони томони-

дан армияга чақирилгани, Польша frontiда, Беловосток, Гродно остоналарида қизил аскар сифатида жангларда қатнашгани қайд этилган.

Унинг шахсий варқасида Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Комитети Бюроси йиғилишининг 1937 йил 2 мартдаги 300-сонли баённомасидан кўчирма берилган. Унда Невский ҳақида ЎзКомпартия Марказий Комитети секретари Арон Абрамович Цехер ахборот беради. Қац, Чернецовлар ҳам ўз фикрларини баён этади. Қабул қилинган қарорда: **Тошкент шахар партия комитетининг Невскийни партиядан ўчириши тўғрисидаги қарори тасдиқлансин**, деб ёзилган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 7 октябрдаги йиғилишида Невский Павел Александрович отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Ҳозирда оқланган.

Қац Моисей Исаакович, 1893 йили Ковенский губернаси Видзи шахрида мешчан, ғаллакор оилада туғилган, яҳудий, ижтимоий аҳволи – ишчи, 1917 йил июнидан партия аъзоси, партия билети рақами 1360302, аввалида 1909 йилдан Вильно шахрида БУНДа партиясига мансуб бўлган, 1921–1924 йилларда Москвадаги Я.М.Свердлов номи Коммунистик университетни партия бўлимини битирган. Революцион ҳаракатда қатнашгани учун 1913 йили қамокқа олинган, бир кишилик камерада Вильно шахридаги турмада сақланган, 2 йил полиция назорати остида яшаши учун Виленск ва Ковенск губерналарига бадарға қилинган. Оддий аскар сифатида 1919 йил августидан 1921 йил мартгача Польша frontiда иштирок этган. 1920 йил 3 январда Двинск остонасидаги жангда яраланган.

Меҳнат фаолияти 1908 йилда Видзе шахрида уста Шапиро устахонасида тайёрловчига шогирд тушишдан бошланган. 1909–1912 йилларда Рига шахрида пойабзал фабрикасида пичувчи бўлиб ишлаган, Вильно, Минск, Ригада ишлаган (1914–1915), 1915 йили Курск шахрида Калининск пиёда полкида оддий аскар пайтида Двинск шахрида ҳарбий хизматдан бекиниб юрган. 1930 йилгача Ғарбий фронтда, Москвада, Тулада, турли ҳарбий ва партия органларида раҳбарлик лавозимида ишлаган.

1929 йил июнидан 1930 йил ноябригача Қўқон шахрида

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 37-иш, 9–16-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варақ.

округ партия комитетида ташкилий бўлим мудири, 1930 йил ноябрдан 1934 йилгача Тошкент шаҳрида Марказий Контрол комиссияси раиси ўринбосари, 1934 йил мартдан Тошкент шаҳар партия комитети секретари лавозимларида фаолият кўрсатган.

1937 йил 8 сентябрда ишдан олинган ва партиядан ўчирилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси эди.

Ҳибсга олинган вақтда яшаш жойи – Тошкент шаҳар, Советская кўчаси, 6-уй бўлган. Шахсий варақасида таржимаи холи ҳам мавжуд¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 7 октябрдаги йиғилишида Кац Моисей Исакович отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Ҳозирда оқланган.

Горин Василий Васильевич, 1896 йили июнь ойида Бухоро шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, рус. Отаси хизматчи, онаси уй бекаси.

Партияга аъзо бўлиш олдидан совет ташкилотларида хизматчи бўлган. 1919 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Партия билет рақами 0436550. 1918 йил августидан 1919 йил мартга қадар (7 ой) Чоржўй шаҳрида сўл социал-революционерлар партияси аъзоси бўлган.

1905–1915 йилларда Самарқанд гимназиясида ўқиган. 1915 йили Варшава политехника институти курувчилик факультетига ўқишга кирган, лекин ўқишни 1 курсда ташлаган. 1916 йили Тошкент прапоршиқлар мактабига ўқишга кириб, уни 1917 йили тамомлаган.

1920–1922 йилларда Красноводск, Марв, Ашхободда I Туркистон ўқчилар бригадаси штабида тезкор қисмининг бошлиғи бўлиб ишлаган. 1922–1923 йилларда Ашхобод ЧОН (часть особого назначения – махсус топшириқ олган қисм) штаби бошлиғи бўлиб ишлаган. 1924–1926 йилларда Ўрта Осиё ҳарбий округи Туркистон Фронти штабининг ўқчилар бригадаси бошлиғи, 1926–1930 йилларда Тошкентда Ўрта Осиё ҳарбий округи штаби 5-бўлими бошлиғи, 1930–1932 йилларда ЎзССР Давлат режа кўмитасида мудофаа бўлими бошлиғи, котиби ва президиум аъзоси бўлган. 1932–1934 йили Ўрта Осиё иқтисодий советида котиб бўлиб ишлаган.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 363-иш, 57–65-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 539-варақ.

1933 йил 25 декабрдаги тўлдирилган таржимаи ҳолида куйидагича маълумотлар келтирилган: «Отам Москва области Пруткий қишлоғи деҳқонларидан, болалигида у Ярослав Катта Мануфактура Бошқармасида «югурдак бола» вазифасида, сўнгра пахта сотиб олиш пунктида иш-боши ва вафотига қадар охирги 10 йилда Чоржўй шахрида пахта тозалаш заводида бошқарувчи бўлган, 1916 йили вафот этган. Онам Орлов губернияси деҳқонлари оиласидан, ҳамма вақт уй бекаси бўлган. 1933 йили вафот этган. 1905 йилгача уйда тарбияланганман. 1905 йилда Самарқанд гимназиясига ўқишга кириб, уни 1915 йили тамомладим. 1915 йили Варшава политехника институтига ўқишга кирдим. Лекин отамни вафоти туфайли 1916 йили ўқишни ташлашга мажбур бўлдим. 1916 йили Томск технология институтига ўқишга кирдим. Икки ойдан сўнг ҳарбий хизматга чақирилдим ва студент сифатида Тошкент прапоршиклар мактабига жўнатилиб, 1917 йили уни тугатдим. Ўқишни тугатгач Ашхобод шахрига 8-Сибир ўқчилар полкига юборилиб, у ердан Шимолий фронтга жўнатилдим. Фронтда 18-Сибирь ўқчилар полки кичик офицери сўнгра қисм раҳбари даражасига кўтарилдим. 1917–1918 йилларда оқ гвардия (Каледин, Корнилов) қўлида бўлган Дон Ростови ҳарбий юришида қатнашдим. Сўнгра Чоржўйга қайтарилдим ва «Пахтаёғсовун» касаба уюшмаси кўмитасига ишга кирдим. У ерда сўл социал-революционерлар партиясига аъзо бўлдим, 1919 йили большевиклар партиясига аъзо бўлдим. 1918–1919 йилларда Чоржўй ишчи ва солдат депутатлари совети аъзоси бўлдим, ижроия кўмита котиби, шаҳар халқ хўжалиги совети раиси, ижроия кўмита раиси бўлдим. 1919 йилдан ҳарбий хизматга чақирилдим ва хозиргача ҳарбий хизматдаман.

Қизил армия хизматида босиб ўтган йўлим:

1-Туркистон ўқчилар штаби тезкор қисми бошлиғи ёрдамчиси, 1-Туркистон ўқчилар бригадаси разведкаси бошлиғи, Туркменистон области тезкор қисм штаби бошлиғи, Туркменистон области ЧОН штаби бошлиғи, Туркменистон области ЧОНнинг вақтинча бошлиғи, Туркменистон fronti ЧОН штаби бошлиғининг 2-ёрдамчиси, Туркистон фронтини бошқариш бўлимининг бошлиғи, Туркистон ҳарбий округи штаби 5-бўлими бошлиғи, 1930 йили олий бошқарув таркибини мукамаллаштириш бўйича курснинг ҳарбий иқтисодий бўлимини тамомлагач, Қизил

армия резервига ўтказилдим, 1930–1932 йилларда ЎзССР Давлат режа қўмитасида масъул котиб бўлиб ишладим. 1932 йилдан hozirга қадар Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши котиби бўлиб ишламоқдаман».¹

СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 7 октябрдаги йиғилишида Горин Василий Васильевич отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган.² Ҳозирда реабилитация қилинган.

Манжара Дмитрий Иванович, 1885 йили Харьков губернаси собиқ Сумск уезди Белополье шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, отаси асли деҳқон бўлиб, темир йўлда қоровул бўлган.

Дмитрий 2 йиллик шаҳар билим юртининг 1- синфини битирган, 14 ёшдан отаси уни хунарманд дурадгорга шогирд қилиб берган. Бепул бир йилдан кўпроқ ишлаб, оғир меҳнатга чидолмай қочиб кетади.

1903 йили чўян қуювчи қишлоқ хўжалиги устахонасига слесарга шогирд бўлиб тушган. Устахона хўжайини Галушко бўлган. Ярим йил бекорга ишлаб беради, кейин хўжайин ойига бир сўм маош тайинлайди, 2 йил ишлаб 1906 йил Белополье темир йўли кўприги қурилишида ишлайди, Путилов уездидаги собиқ Бурин Қизилча-Қанд заводида ишлайди, орада 6 ой беиш қолади.

1907 йили ҳарбий хизматга олинади, Рязандаги 138-Болхов пиёда полкида оддий аскар бўлиб хизмат қилади. 1908 йили касаллиги туфайли ҳарбий хизматдан бўшаб армия резервига тиркалади.

1908 йил октябрида Сизрань-Вязма темир йўлининг Узловая станциясида ишлай бошлайди, оғир меҳнат ва арзимас иш ҳақи (ойига 18–20 сўм) берилганидан қониқмасдан, ишдан бўшаб Тошкентга келади. Бу ерда 1909 йил кузидан Ўрта Осиё темир йўлида слесарь бўлиб ишлай бошлайди.

1913 йили сентябрида хотини Елена Яковна сил касаллиги билан оғригани учун Д.Манжара Кавказга, Катеринадарга (Краснодарга) кўчиб кетади. У ерда Қора денгиз – Кубань темир йўлига ишга киради. 1914 йили ишдан бўшаб, Тошкент шаҳрига келади, бу ердаги Тошкент темир устахонасига ишга киради, бу жойда 1918 йилгача ишлайди.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 205-иш, 91–93-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 541-варақ.

Д.И. Манжара 1937 йил 21 августда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида унинг таржимаи ҳоли ҳам берилган. Таржимаи хол машинкада босилган 14 бетдан иборат. Унинг биринчи қисми **«1905 йилдан 1917 йил февралигача менинг революцион ҳаракатдаги иштироким, қандай ва қай тарзда менинг актив фаолиятим ифодаланган»** деб номланган. Бу тарихий ҳужжат, эсдалик Туркистон тарихининг совет даврини ўрганишда муҳим, ноёб манбадир.

Д.И. Манжаранинг ҳаёти ва фаолияти совет даври тадқиқотчиси Н.Н. Клименко томонидан ёритилган¹. Аммо унинг сиёсий қатағон қилиниши билан боғлиқ қирралари ҳали-ҳамон ўрганилганича йўқ. Бу ҳам келгуси бажарилиши лозим бўлган вазифалардандир.

Ҳозир биз унинг шахсий варақасида акс эттирилган Ўзбекистондаги меҳнат фаолияти ҳақида қисқача маълумотлар келтирамиз, холос.

1918–1919 йилларда Тошкент янги шаҳар район партия комитетининг раиси, 1920 йили район касаба уюшмаси раиси, 1920–1921 йилларда Ашхобод темир йўли касаба уюшмаси раиси, 1921 йил сентябридан 1922 йил июлигача Тошкентда Туркистон Компартияси Марказий Комитети секретари, 1922–1923 йилларда ВЦСПС Туркистон бюроси секретари, 1923–1924 йилларда Бутуниттифоқ темир йўли транспорти уюшмаси Марказий Комитетнинг Ўрта Осиёдаги вакили, 1924 йил май – 1924 йил октябри Туркистон АССР Контрол Комиссияси халқ комиссари, 1924 йил октябридан 1933 йил июлигача ВКП(б) Марказий Контрол Комиссиясининг Ўрта Осиё бўйича вакили, 1933 йил июлидан ЎзССР Марказий Ижроия Комитети раис ўринбосари лавозимларида ҳалол ва фаол хизмат қилган. 1930 йил 1 мартда уни СССР МИК Қизил байроқ ордени билан, 1932 йил 15 июнида ЎзССР МИК «Меҳнат қизил байроқ» ордени билан тақдирланган. Хотини Нина Кондратьевна, 16 ёшли ўғли Николай, яшаш манзили, Тошкент, Жуковский кўчаси 90-уй бўлган².

Шахсий варақасида 1905–1907 йилларда Белополеда социал-демократик тўғарақда бўлгани, тарғибот ишлари олиб боргани, ана шундай инқилобий фаолиятни 1907 йил-

¹ *Дмитрий Иванович Манжара* (Н.Н. Клименко мақола муаллифи). Қаранг. Мангу барҳаёт сиймолар, «Ўзбекистон», Тошкент. 1968. 281–303 бетлар.

² ЎЗР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 256-иш, 51–52-варақлар.

дан 1917 йил февраль инқилобигача Тошкентда кўрсатгани, 1917 йил октябрь кунлари Тошкент революцион комитет аъзоси, 1919 йил январиди ҳарбий революцион комитет раиси ўринбосари бўлгани, коммунистик рота комиссари бўлгани қайд этилган.

1937 йил 7 сентябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида Д.И.Манжара иши кўрилади. Мазала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари вазифасини бажарувчи Жўрабек Тўрабеков ахборот беради. Бюро шундай қарор қилади: Манжара халқ душмани сифатида партия сафидан ҳамда ЎзКомпартия пленум ҳамда Бюроси аъзолигидан ўчирилсин ва ЎзССР Халқ комиссарлари совети раиси ўринбосари вазифасидан олиб ташлансин.

СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 7 октябрдаги йиғилишида Манжара Дмитрий Иванович отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган.¹ Хозирда реабилитация қилинган.

Леонов Иван Леонтьевич, 1888 йили Новгород губернаси «Большие Васельки» қишлоғида туғилган, рус, камбағал деҳқон оиладан. Ленинград партия ташкилотиди 1914 йили партияга қабул қилинган, партия билети рақами 1362472, маълумоти – черковга қарашли мактабда ўқиган, 12 ёшидан ёшитли бинолар қурилишида, кейин 1903 йилдан Вологое-Полоцк темир йўл тармоғида ишлайди. 1906 йил Петроградда ноябрь-декабрдаги почта-телеграфчиларнинг иш ташлашларда фаол қатнашади, варақалар тарқатади, тарғибот ишларини олиб боради. Шунда оммавий қамокқа олишлар бошланади. Кўплар қатори Иван Леонтьевични ҳам ишдан ҳайдайдилар, у денгизга бориб музчиларда муз ёриш билан тирикчилик қилади.

1909 йили Петербургда ака-ука Брусницкийларнинг Кўнчилик заводига ишга киради. 1911 йили ишчилар орасида тарғибот олиб боргани учун ишдан ҳайдалади. 1911 йил 20 июлида Болтиқ заводиди қора ишчи бўлиб ишлай бошлайди, слесарлик қилади. Бу ерда РСДРПнинг меньшевиклар гуруҳи билан алоқага киришади. Ленин олтин конидаги ишчиларни отилишига қарши норозилик билдиришда қатнашади, кўплаб ишчилар қамокқа олинади, у эса қизил хоч билан алоқада бўлиб сақланиб қолади.

Уруш вақтида ҳам инқилобий фаолият олиб боради,

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 543-варак.

Болтиқ заводида стачка ўтказгани учун у соқчилар назоратида махфий пакет билан ҳарбий бошлиққа юборилади, жисмоний етишмовчилиги туфайли ҳарбий хизматга олинмайди. Ҳарбий бошлиқдан қочиб 1917 йил февралга қадар яшириниб юради. 1917 йил Петербургнинг Выборск райони Феникс заводида ишга киради, 25 мартда Выборск район ишчи депутатлари советига сайланади. Уни қизил гвардия штабига аъзо қилишади. 1918 йил октябридан Василно-стровск район советига аъзо ва пленумда раис этиб сайланади. 1937 йил 1 апрелда тўлғизган шахсий варақасида унинг хизмат қилган иш жойлари, саналари қайд қилинган.

1918 йил 1 октябридан 1919 йил сентябригача Петроград шаҳар фавкулудда комиссияси (ЧК) коллегия аъзоси, 1919 йил октябридан 1920 йил 20 январигача Иванова-Вознесенск шаҳар ЧК раиси, 1920 йилдан 1921 йил 1 декабригача Москва ЧК раиси ўринбосари, 1921 йилдан 1926 йилгача Ленинградда ОГПУ бошлиғи ўринбосари, 1930 йил 1 январидан 1931 йил 1 майга қадар Ленинград области Контрье кишлоғида бир гуруҳ совхозлар директори бўлиб хизмат қилган.

1931 йил 6 июнидан 1932 йил 1 майгача Иркутск шаҳрида ОГПУ доимий вакилликнинг Шарқий Сибирь ўлкаси бўйича СОЧ (Секретно-оперативная часть, махфий тезкор қисм) бошлиғи бўлиб хизмат қилади. 1933 йил 1 январидан Ленинградда «Лакокраско» заводида бошқарувчи ўринбосари, 1935 йил 10 февралдан Бухоро округи Когон шаҳрида, 1936 йил 20 январдан Қўқонда завод директори бўлиб ишлаган.

1923 йили ОГПУ коллегияси томонидан аксилин-килобчиларга қарши шиддат билан кураш оли боргани учун олтин соат билан, 1922 йили ҳам ана шундай хизматлари учун Фахрий ёрлик берилгани ҳам қайд этилган.

1929 йил ноябрида Котлякованинг дафн маросимида ичкилик қилинган учун Ленинград области назорат комиссияси томонидан хайфсан эълон қилгани, оилалик, уч фарзанди бўлган, яшаш манзили – Қўқон шаҳри, Кривая кўча, 46- уй бўлган¹.

СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 7 октябрдаги йиғилишида Леонов Иван Леонтьевич отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган.² Хозирда реабилитация қилинган.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 398-иш, 155–158-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 540-варақ.



Гуревич Натан Яковлевич, 1888 йил 11 апрелда Латвиянинг Режица шаҳрида мешчан оила-сида туғилган, миллати яҳудий, ижтимоий келиб чиқиши ишчи, партияга кираётганидаги ижтимоий аҳволи хизматчи, маълумоти – уйда ўзи мустақил маълумот олган, 1918 йил августда Янги Бухоро шаҳар партия комитетида партияга қабул қилинган, партия билети рақами 1360753, 1917 йилдан партия заводлари касаба уюшмаси аъзоси, 1936 йил апрелида

Американинг Жанубий штатларига энг янги машиналар ва пахта тозалаш усуллари билан танишиш мақсадида хизмат сафарида бўлган.

1937 йил 20 июлда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида унинг меҳнат фаолияти қисқача акс эттирилган.

1903–1906 йилларда Псков шаҳрида Байқ устахонасида шогирд, 1906–1909 йилларда Вологда шогирд, мастер ёрдамчиси бўлиб ишлаган.

1909–1912 йиллари армия хизматида бўлган. 1912–1914 йиллари Бухоро шаҳридаги Нобеллда керосин омборида ишбоши бўлиб ишлайди. 1914–1915 йиллари армия хизматида бўлади. 1915–1916 йилларда ҳозирги Қозоғистоннинг Арись станциясида керосин омбори мудир, 1916–1918 йилларда Бухоро шаҳрида йиғув пункти мудир ёрдамчиси ва мудир, 1918–1921 йиллари Янги Бухорода Марказий Халқ Хўжалиги кенгаши район пахтачилик бўлими раиси, шу соҳада Туркистон Республикаси коллегия аъзоси бўлиб хизмат қилган.

1921 йил бошларидан 1921 йил июлигача Қўқон шаҳрида область халқ хўжалиги кенгаши раиси вазифасини бажарувчи, 1921–1923 йилларда ташқи савдо халқ комиссарлигининг Туркистон, Бухоро республикалари бўйича бўлим бошқарувчиси ва вакили, 1923–1924 йилларда Бухоро пахтачилик комитетида Ликвидация қилиш комитетининг раиси, 1926–1928 йилларда Москва шаҳрида Бош пахтачилик комитети бошқарув идораси аъзоси, 1928–1930 йилларда Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон пахтачилик комитети раиси, 1930–1932 йилларда Тошкентда

Бош пахтачилик комитети раиси ўринбосари, 1932–1933 йилларда Тошкентда Иттифоқ пахта тайёрлов комитети Бошқарувчиси ўринбосари, 1933–1937 йиллари Ўзбекистон пахта тайёрлов трестининг бошқарувчиси, 1937 йил 16 майда Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари совети раиси иккинчи ўринбосари бўлиб ишлайди.

Шахсий варақада яхудий ва рус тилларини билгани, 1918 йил мартида оддий аскар бўлиб Бухорода амирга қарши жангда қатнашгани, 1929 йил Ўзбекистон советларининг 3-съездида ЎзССР МИКига аъзо бўлгани, 1935 йилдаги советларнинг V съездида ҳам МИКга сайлангани, 1924 йили Бухоро Халқ ҳукумати пахтачиликни тиклашдаги фаол иштироки учун Қизил юлдуз ордени билан тақдирлангани, 1932 йили Ўзбекистон ҳукумати пахтачилик бўйича узлуксиз 15 йил ишлагани учун Меҳнат Қизил байроқ ордени билан тақдирлангани, аёли ва 2 нафар ўғли борлиги, Тошкент шаҳрининг Советская кўчаси, 16-уйда яшаётгани қайд этилган¹.

СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 7 октябрдаги йиғилишида Гуриевич Натан Яковлевич отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган.² Ҳозирда реабилитация қилинган.

Кожухов Александр Иванович, 1884 йили Сирдарё области Казалинск шаҳрида камбағал мешчан оилада туғилган, миллати рус, ижтимоий аҳволи – хизматчи оиладан, маълумоти ўрта, Тошкентдаги ўқитувчилар семинариясини (1901–1905 йиллари) битирган. Бундан аввал Казалинск шаҳридаги 7 йиллик билим юртининг 3-синфини битирган бўлган.

Семинариянинг 3- синфидан бошлаб хусусий дарс бериб оиласига ёрдам бериб турган.

1905 йил ёзида семинарияни тугатиб, Чимғондаги прогрессив бир зиёли оиладан хусусий дарс олиб ўз билимини орттирди. Семинарияда олмаган билимини бу ерда олади, натижада 1905 йилдан 1913 йилгача Перовск шаҳрида ўқитувчилик қилади, бу вақтда ишчилар намоёишида фаол бўлмаса-да иштироки бор эди. Яъни унинг квартираси нолегал фаолият олиб борувчилар учун яширинадиган жой бўлган, ўзи эса шубҳали кишилар ҳисобида турган.

Билимини янада орттириш мақсадида 1916 йили Тош-

¹ ЎзП ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 214-иш, 112–121-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 532-варақ.

кентдаги ўқитувчилар институти ҳузуридаги олий билим юрти ўқитувчиси деган унвон олиш учун имтиҳонлардан ўтади.

1917 йилгача сиёсий масалалар билан шуғулланмаган, Февраль инқилоби унинг ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнайди, вақтли ижроия комитетига аъзо, хўжалик советига раис бўлади. Октябрь бошқалар каби унга ҳам кутилмаган воқеа бўлади, чунки улар «Новое время», «Русское слова»лардан ташқари бошқа газеталарни билмас эдилар.

1917 йил декабрида аскар ва ишчи депутатлари ҳокимиятни қўлга оладилар. 1918 йил январидан шу совет (раис Пянасюк) қамоққа олинади, Кожухов улар орасидаги ўқитувчилардан бири эди. Қамокдан бўшагач, 1918 йил майдан советча маориф ишларида ёрдам бера бошлайди. Байрам Али халқ маорифи комиссари бўлади.

Ўша йил июлида совет томонидан Тошкент шаҳрига юборилади, бу ерда ўқитувчилар курсида дарс бера бошлайди. Оқ гвардиячилар Ашхабод томондан келиб Байрам Алини забт этганларидан кейин, Кожухов оиласидан ажралиб қолади.

1918 йил августида қизил қўшинлар қисми Байрам Али шаҳрини оқлардан тортиб олганидан сўнг, у Тошкентдан қайтиб келиб ишни давом эттиради. Октябрь ойида яна Чоржўйгача чекинишига тўғри келади. Бу жойдан кўплаб қочоқлар билан бирга Самарқанд шаҳрига эвакуация қилинади. Республикадаги оғир аҳвол ҳар бир фуқаро фаоллигини талаб қиларди. Шу боис у 1919 йил феврилда сўл социалистлар – революционерлар Байрамали шаҳар ташкилотига аъзо бўлиб киради, март ойида бутун ташкилот билан большевиклар коммунистик партиясига киришади. Шу вақтдан унинг партиявий жихатдан ўз маълумотини ошириш бошланади.

1919 йил майида қизил қўшинлар оқ гвардиячиларни Байрамалидан сиқиб чиқарганидан кейин Н.А. Паскуцкий А.И.Кожуховни муваққат революцион комитетига раис қилиб тайинлайди. 1919 йил 2-ярмидан район ижроия комитети раиси, сўнгра халқ маорифида раҳбарлик вазифаларини бажарди. Унинг шахсий варақасида Марф шаҳар халқ маорифи мудир, ўқитувчи (1920–1922), Самарқанд области халқ маорифи бўлими мудир ва ўқитувчи (1922–1923), Туркистон АССР Халқ маорифи комиссари ўринбосари (Тошкент, 1923–1924), Ашхабодда халқ маорифи комиссари (1924–1928), Тошкентдаги Туркман педагогика тех-

никуми директори ва ўқитувчи (1928–1930), САХИПИ директори ўринбосари (1930–1931), «ЎзНИКС» директори ўринбосари (1931–1932), ЎзССР Халқ маорифи комиссари ўринбосари (1932–1937 й. VII) лавозимларида ишлагани, 1937 йил 20 июлда Халқ маорифи комиссари лавозимидан бўшатилгани қайд этилган.

Ўзбек тилини билиши, шаҳар, вилоят, республика раҳбар органларига аъзо бўлиб сайлангани, Октябрь революциясига қадар Перовскда полиция назорати остида бўлгани, 1928 йил майида ишчи-деҳқон инспекциясининг музейлар ва политехникум бўйича директиваларини бажармагани учун Ўзбекистон КП(б) МК томонидан хайфсан эълон қилингани, аёли, 2 нафар фарзанди, яшаш манзили – Тошкент шаҳар, Ниёзбек кўчаси, 25/1-сонли 18 квартира экани қайд этилган ва қисқа рус тилидаги таржимаи ҳоли ҳам мавжуд¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 7 октябрдаги йиғилишида Александр Иванович Кожухов отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган². Ҳозирда реабилитация этилган.

Бобров Завель Михайлович, 1905 йил 30 апрелда Латвиянинг Режица шаҳрида ишчи оиласида туғилган, миллати яҳудий, маълумоти олий, Ленинградда ишчи факультетини, Ленинград инженер-иқтисодиёт институтини битириб металл саноати бўйича инженер-иқтисодчи мутахассислигини эгаллаган, 1920 йил ВКП(б)га ўтган, партия билети рақами 0151509, илмий асарлари бўлган. 1916–1919 йилларда Украина, Латвияда қишлоқ хўжалиги бўйича мастер слесарга шогирд бўлиб ишлаган. 1920–1921 йилларда Қизил армияда телефонист бўлиб хизмат қилган. Витебск шаҳрида шаҳар милициясида комиссар, губерна ижроия комитетида экиш кампаниясида ишлаган, 1926–1927 йилларда Ленинградда губерна комсомолида мактаблар бўлими мудири ўринбосари, область халқ хўжалигида юрист (1927–1928), студент (1928–1931), область ижроия комитетида масъул котиб ўринбосари (1931–1932), Ленинград советига раис ўринбосари (1932–1933), 1935 йилдан Тошкентда Ўзбекистон ССР пахта тайёрлаш трести директори ўринбосари вазифаларида ишлади.

Унинг шахсий варақасига Тошкент шаҳар партия

¹ ЎзП ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 375-иш, 86–95-варақлар.

² РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 532-варақлар.

комитети бюросининг 1936 йил 13 сентябрдаги бюро йиғилишидан кўчирма илова қилиб қўйилган экан. Уни шарҳлаб беришни лозим деб билдик.

Тошкент шаҳар Куйбишев район партия комитети 1936 йил 1 сентябрда Ўзбекистон пахта тайёрлаш трести бошланғич партия ташкилотининг З.Н.Бобровни партиядан ўчириш ҳақидаги қарорини тасдиқлайди.

1936 йил 29 августда пахта тайёрлов трести партия ташкилотининг умумий йиғилишида Бобров масаласи кўриб чиқилган. У ўзини зиновьевчилар оппозициясига мансублигини, Ленинградда ўртоқ Киров ваҳшийларча ўлдирилганидан кейин Ўзбекистонга сургун қилинганини партия ташкилотидан яширганликда, троцкийчилар Эко, Могильницкий, Цвибак, Духовниклар билан фаол алоқада бўлганликда айбланган.

Апелляцияда З.М.Бобров 1905 йили туғилгани, миллати яхудий, хизматчи, маълумоти – олий, инженер-экономист, ишчи-деҳқон қизил армиясида 1920 йилдан ВКП(б) аъзоси экани, янги тусдаги партия билети рақами 1350752 бўлгани, 1925 йили оппозицияга мансублиги учун Ленинград шаҳридаги Халқ хўжалиги институти комсомоли секретарлигидан озод қилингани, ҳозирда Ўзбекистон пахта тайёрлаш трести Бошқарувчисининг ўринбосари бўлиб ишлаётгани қайд этилган.

Унга нисбатан 3 бандда айб қўйилган: 1. 1925–1926 йилларда оппозицияда фаол иштирок этгани холда ўзини зиновьевчилар оппозициясига мансублигини яширган. У ўша йиллари ташкилий жиҳатдан оппозиция билан боғлиқ бўлган, зиновьев томонидан чақирилган комсомолнинг Губерна конференциясида иштирок этиб, партия XIV съезидан сўнг съезд қарорига қарши нутқ сўзлаган; 2. Ўзини зиновьевчилар оппозициясига мансублигини ва Киров ўлдирилганидан кейин Ленинграддан Ўзбекистонга сургун қилингани сабабини Ўзбекистон пахта тайёрлаш трести бошланғич партия ташкилотидан яширган. Бобров бир ярим йил давомида «Ўзпахтатайёрлов»да ишлаётганида бу масала бўйича бирор марта ҳам партия йиғилишларида чиқиш қилмаган; 3. Эко, Могильнский, Цвибак, Духовный, Брагинский ва бошқа троцкийчилар билан фаол алоқада ва мулоқотда бўлгани, шунингдек, унга маълум бўлган троцкийчи- зиновьевчилар гуруҳи иштирокчиларини фош этиш бўйича фаол кураш олиб бормаган.

Ушбулардан келиб чиқиб Тошкент шаҳар партия ко-

митети бюроси ўртоқ Бобровнинг Куйбишев район партия комитетининг қарорини апелляция қилиш керак деган талабини рад этади. Бу ҳақда Васильев маъруза қилади, ма-сала кўрилаётганида Бобров қатнашган.

Тошкент шаҳар партия комитети бюроси Бобров Завел Михайловични ВКП(б) сафидан ўчиришга қарор қилади.

Мазкур қарор Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар партия комитети секретари Кац томонидан, ҳамда махсус сектор мудирини Королев томонидан тўғрилигини тасдиқловчи билан тасдиқланган¹.

СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 7 октябрдаги йиғилишида Бобров Завел Михайлович отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган.² Ҳозирда реабилитация қилинган.

Данчик Илья Исаакович, 1900 йили 2 мартда Подольск губернаси, Ново-Ушицкий уезди Куриловский деган жойда мешчан оиласида туғилган, миллати яҳудий, партияга кириш олдида 11 йил журналистлик қилган, 1927 йилдан партия аъзоси, аввалида РСДРПда меньшевик, 1916 йил ноябридан 1918 йил январигача Царицин шаҳрида фаолиятда бўлган, 1917 йилдан маориф ходимлари касаба уюшмаси аъзоси, маълумоти – тугалланмаган олий, 1911–1917 йилларда Царициндаги бошланғич билим юрти-ни, 1921–1923 йиллари Ленинград политехника институти электро-механика факультетининг 2 курсини битирган.

1937 йил 24 сентябрда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида унинг меҳнат фаолияти акс эттирилган:

Царицин (кейинги Сталинград, ҳозирги Волгоград) шаҳрида «Рабочая мысль» нашриёт босмахонасида фальсофик, корректор (1917–1918);

«РОСТА» газетасида ахборот бўлими мудирини (1921 йил март – 1921 йил ноябрь);

«Борьба» газетаси муҳарририятида муҳаррир котиби (1923 йил февраль – 1923 йил октябрь);

Вятка шаҳридаги «Вятская правда» газетаси муҳарририятида муҳаррир котиби (1923 йил октябрь – 1925 йил апрель), 1925 йил апрелидан 1929 йил мартигача шу газетанинг масъул муҳаррири, ўриндошлик асосида масъул муҳаррир ўринбосари;

Самарқанд–Тошкентда «Ўзбекистанская правда» га-

¹ ЎзП ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 140-иш, 102–105-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 535-варақ.

зетаси муҳарририятида котиб, қишлоқ хўжалиги бўлими мудир, масъул муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи (1929 йил апрел – 1932 йил июль);

Тошкентда ЎзКП(б) Марказий Комитети пахтачилик сектори мудир (1932 йил июль – 1932 йил декабрь);

ЎзКомпартия Марказий Комитетида тарғибот-маданият бўлими мудир ўринбосари (1933 йил декабрдан);

ЎзКомпартия Марказий Комитетида қишлоқ хўжалиги бўлими мудир ўринбосари (1934 йил февралдан);

Ўзбекистон ССР ер-сув ишлари Халқ комиссари ўринбосари (1935 йил майдан);

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1937 йил 23 мартдаги бюро йиғилишида И.И.Данчик масаласи кўрилади, бу масала юзасидан Рустам Исломов, Акмал Икромов, Ромевецлар фикр билдиришади ва бюро ЎзССР ер-сув ишлари халқ комиссари ўринбосари вазифасидан бўшатади¹.

СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 7 октябрдаги йиғилишида Данчик Илья Исаакович отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган.² Ҳозирда реабилитация қилинган.

4. 8 ОКТАБРДА ОТУВГА ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛАР



Арслонбеков Исломбек, 1901 йили Тошкент шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, ижтимоий аҳволи – ишчи, 1920 йилдан партия яъзоси, партия билети № 2737523, 1371751, маълумоти куйи, 1910–1914 йилларда 1-босқичли мактабда 4 синфни битирган, 1919 йили ҳарбий мактабда 6 ой ўқиган, 1927–1928 йиллари Тошкентда Ўрта Осиё Коммунистик университетда ўқи-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 223-иш, 62–88-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 535-варақ.

ган, 3-курсни битирган. 1915–1918 йиллари Тошкентдаги Бурдажар исмли пиво заводи эгаси бой Буковскийда қора ишчи бўлиб ишлаган. 1918–1919 йиллари Тошкентда 1- босқичли мактабда қоровуллик қилган, 1919–1921 йиллари Қизил армияда, 1921–1923 йиллари Андижон ва Жалолободда кўнгилли милиция отряди бошлиғи бўлиб, босмачиларга қарши кураш олиб борган. 1924–1925 йиллари Шарқий Помир революцион комитетининг раиси, 1925–1927 йиллари Мирзачўлда уезд-шаҳар ижроия комитети раиси ўринбосари, 1917–1928 йиллари Тошкентда Ўрта Осиё коммунистик университетида талаба, 1928–1930 йиллари Наманган, 1930–1932 йиллари Норин, 1932–1934 йиллари Булунғур район партия комитетининг, 1934–1936 йиллари Андижон шаҳар партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган, ўша йилларда шаҳар советига, уезд, округ, партия комитетларига, ЎзССР Марказий Ижроия комитетига, ЎзКомпартия Марказий комитетига аъзо бўлиб сайланган.

Арслонбеков Ислонбек 1935 йили, яъни Андижон шаҳар партия комитетининг секретари бўлиб ишлаётганида ёзган таржимаи ҳолида менинг отам ҳамма вақт қишлоқ хўжалик, боғдорчилик билан шуғулланган, ҳозирда 73 ёшда, ишламайди, менинг қарамоғимда туради, 1934 йил 1 августдан ҳозирга қадар ЎзКомпартия Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ Андижон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишламоқдаман, 1933–1934 йиллардаги партия тозаловидан ўтганман, текширилган деб ҳисобланганман. Унинг кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақасидан ижобий тавсиялар жой олган¹.

1936 йили И.Арслонбеков Москва шаҳрига ўқишга юборилади, бироқ тез орада у ердан чақириб олиниб, партиядан ўчирилади, ишдан олинади. Партиядан ўчирилганидан сўнг Самарқанд райониغا ер бўлими бошлиғи бўлиб тайинланади. Шу жойдан 1937 йил 8 октябрда қамоққа олиниб, Тошкент турмасида келтирилади, тергов ишлари бошланади².

СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 8 октябрдаги сайёр йиғилишида Арслонбеков Ислонбек отувга ҳукм этилади, ҳукм ўша куни ижро этилади³.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 72-иш, 22–26-варақлар.

² Шамсутдинов Рустамбек. Истиклол йўлида шахид кетганлар. Тошкент, «Шарқ», 2001. 375–381 бетлар. Унинг ҳаёти ва фаолияти мазкур китобда батафсил ёритилган.

³ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 535-варақ.

Абдужабборов Айдарбек, 1898 йил 1 январда туғилган, 11 ёшигача ота-оналари тарбиясида бўлган, 11 ёшидан Самарқанддаги рус-тузем мактабига берилган, уни 1911 йили битириб, Самарқанддаги 4 синфли шаҳар билим юртида таҳсил кўради, отаси Жиззах уезди бошқармасида ёзма тилмочлик қилган, унинг ўлимидан кейин 1914 йили мактабни тарк этиб, 3 кишидан иборат оилани (онаси, укаси ва синглиси) боқиш учун ишлашига тўғри келади.

Отаси вафотидан сўнг 4 десятинага яқин ер, уй ва маълум микдордаги деҳқончилик асбоб-ускуналари қолган. У мактабдан кейин укаси билан бирга деҳқончилик қилиб оилани тебратган. 1915 йил июлида Жиззах келиштирув суди мирзасига шогирд бўлиб, кейинчалик иш юритувчи ва тилмоч бўлиб 1917 йил мартигача ишлаган. 1917 йил мартдан жамоат хавфсизлик комитети қошида тилмочлик қилган, 1917 йил декабридан советга аъзо бўлиб сайланади ва унда ҳам тилмочлик қилади. Бу лавозимда 1919 йил майга қадар хизмат қилади ва шу йили коммунистик партияга киради. 1919 йили партия аъзоларидан 25 фоизини фронтга жалб қилиши туфайли ҳарбий хизматга олинади ва Фарғона frontiдаги мусулмонлар отлик полкида хизмат қилади, Жиззах уезди Мусулмонлар бюроси раиси қилиб сайланади.

Ўша йилнинг декабридан Жиззах уезд-шаҳар ижроия комитети раиси бўлиб сайланади ва 1920 йил февралда уезд-шаҳар партия комитетининг раиси қилиб сайланади. 1920 йил лавозимидан бўшатилади, қамокқа олиниб иши революцион трибуналга берилади. Унга нисбатан бир гуруҳ мустамлакачилар томонидан ҳукмронликни ошириб юборишда, шовинизмда ва порахўрликда айбловлардан иборат ёлғон иш кўзғалганди. Революцион трибунал суди томонидан оқлангунча қамокда бўлади.

1920 йил октябридан 1921 йил апрелигача уезд-шаҳар халқ маорифи мудирини ва Туркистон Компартияси уезд-шаҳар партия комитети ижроия бюроси аъзоси, апрелдан августга қадар Жиззах уезди ижроия комитети раиси бўлиб ишлайди. Августда обком партия котиби ўринбосари ва Туркистон Марказий Ижроия Комитети аъзоси бўлиб хизмат қилади.

1922 йил апрелидан Хўжанд уездида босмачиликка қарши кураш бўйича фавқулодда вакил бўлиб, май ойидан 1923 йил апрелигача босмачиларга қарши кураш бўйича

фавкулодда вакил ва уезд-шаҳар революцион комитет раиси, кейинчалик эса Жиззах уезд-шаҳар ижроия комитети раиси бўлиб фаолият кўрсатган. 1923 йил апрелидан Самарқанд область партия комитети аъзоси, Бошқарув бўлим мудирини ва Самарқанд область ижроия комитети раисини ўринбосари бўлиб ишлади.

Хўжанд уездини ва Ўртатепа районида босмачилик билан кураш бўйича вакил бўлиб ишлаганида Холбўта тўдасидаги босмачилардан асир олган.

Оиласини, хотинини, қизини, онасини, катта бувисини ва укасини иборат, оиланинг моддий таъминланишини 4 десятина томорқа ердан деҳқончилик қилишдан тушган томорқа ердан деҳқончилик қилишдан тушган даромадгина ташкил қилган. 1922 йил июлидан акасини асабийлашини оқибатида ўзини ўзи отган. Шундан кейин хўжаликни тебратиш Айбарбек Абдуллаевнинг қариндошлари зиммасига тушган¹.

1926 йил 15 сентябрда Самарқанд область партия комитетини масъул котибини томонидан унга берилган тавсифномада унинг эронийлигини захирадаги раҳбар ходимлигини, рус-тузем билим юртини битирганини, 1917 йил майдан партия аъзосини, катта тажрибага эга бўлган маъмурий ходимлигини ҳамда унинг қатор ижобий ва салбий белгиларини қайд этилган.

СССР олий судини ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясининг 1938 йил 8 октябрдаги йиғилишинида Айбарбек Абдуллаев отувга ҳукм қилинади, ҳукм ўша куни ижро этилади². Партия XX съездинан сўнг у бошқалар каби реабилитация қилинди, партиявий стажини тикланди.

Казбеков Темурбек, ўзбек, Андижон шаҳридан, Берлинда олий тўқимачилик билим юртида ўқийди, 1926 йили ўқишга совуққонлик билан қарагани учун стипендиядан маҳрум қилинган. Бироқ Ўзбекистонга келиб ўқишга тикланади. Германияга яна қайтиб келиб, стипендия комиссиясига раҳбар бўлиб бир қанча студентларни стипендиядан ўчириб уларнинг ўрнига ўзининг хотинини ҳамда Туркиядан келган Абдумажид Иброҳимов (Аҳмаджон Иброҳимовнинг укасини)га стипендияни расмийлаштирган. Темурбек Казбековнинг хотинини Хайринисо Исмоилова, татар, Берлин университетининг медицина факультетинида ўқийди, ашад-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 3-иш, 109–113-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 540-варақ.

дий миллатчи. Ўқишга бефарқ қарайди. Аҳмад Заки Валидий қарашларининг тарафдори, уни Берлиндан Туркияга жўнатиш маросимида иштирок этган. Мейрсонни отган Шакурийнинг ҳамтовоғи¹.

СССР олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясининг 1938 йил 8 октябрдаги йиғилишида Казбеков Те-мурбек отувга ҳукм қилинади, ҳукм ўша куни ижро этилади². Ҳозирда реабилитация қилинган.



Бурхонов Назир, 1903 йили Нуротада камбағал деҳқон оила-да туғилган, ўзбек, болалигидаёқ ота-онаси вафот этиб, тўқувчилик билан шуғулланаётган тоғаси қарамоғида, 1919 йилгача бўлган. 1919 йилдан 1920 йилгача этик-дўзда шогирдлик қилган, 1920 йили комсомолга кирган, савод-сизликни тугатиш бўйича ўқишга киради. Ўқиш билан бир вақтнинг ўзида комсомол қизил чойхона-ларида газеталар тарқатиш билан шуғулланади. 1921 йил мартдан

1922 йил апрелигача Чоржўй район комсомол комитети сиёсий маориф бўлими мудир. 1922 йилдан 1923 йил июнига қадар Чоржўй район комсомол комитети секретари бўлиб хизмат қилади. 1922 йил партия сафига қабул қилинади. 1923 йил июндан 1923 йил декабригача Фароб секретари, 1923 йил ноябридан 1924 йил июнигача Чоржўй райкомсомол секретари, 1924 йил июнидан 1925 йил майгача Округ халқ маорифи бўлимида болалар бўйича мудир, 1925 майдан 1925 йил августига қадар Чоржўйда Болалар уйи мудир, 1925 йил августидан 1926 йил ноябрига қадар татар босмахонасида ҳарф терувчи бўлиб ишлаб, йўл-йўлакай рус тили бўйича саводини ҳам чиқаради.

1926 йил октябридан 1929 йил июлигача Москвада Сталин номидаги Ишчилар факультетида талаба бўлиб ўқийди, уни битиргач, (1929 йил июл – 1929 йил октябрь) Туркменистон ССР Бурдалиқ район партия комитетининг

¹ Тарихнинг номаълум саҳифалари. Иккинчи китоб. «O‘qituvchi». 2010. Б,140–141.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 540-варак.

секретари, 1929 йил октябридан 1930 йил августига қадар Самарқанддаги А.Икромов номидаги педагогика институтида ўқийди.

1930 йил августидан 1934 йил июлигача Москва текстил институтида ўқийди, уни битиргач Тошкент текстил комбинатида юборилади, меҳнатни ташкил этиш бўйича катта инженер бўлиб хизмат қилади. 1935 йил августидан 1936 йил 23 июлигача Текстил комбинати партия комитети секретари бўлиб хизмат қилади¹.

1936 йил санаси билан тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида 1923 йилдан партия аъзоси, партбилети 1371605 рақамли бўлгани, 1925 йилдан текстилчилар союзи аъзоси, 1936 йил октябридан Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитетининг секретари бўлиб ишлаётгани қайд этилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Арон Абрамович Цехернинг Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари Назир Бурхоновга берган тавсифномада «Ўртоқ Бурхонов Текстиль комбинати партия комитетининг секретари бўлиб ишлаб, қобилятли, ўсиб бораётган партия ходими сифатида яхши маълум, шу боис уни ЎзКП(б) Марказий Комитети Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитети секретарлик вазифасига тавсия қилмоқда»².

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 8 октябрдаги йиғилишида Назир Бурхонов отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган³. Ҳозирда реабилитация қилинган.

Каримов Хаким, Самарқанд области Сиёб волостида 1900 йили туғилган, ўзбек-тожик, тўқувчи оиласидан, янги усулдаги мактабда ўқиган, 1923 йил майида партия сафига кирган. У ўз таржимаи ҳолида шундай ёзган: «...отам 1901 йили вафот этган. Отам вафотидан сўнг онам кир ювиш билан шуғулланди ва мени тарбия қилди, мен 8 га кирганимда бепул шарти билан янги мактабга кирдим, яъни мени худонинг йўлида ўқитишди, 14 ёшга кирганимда 3-синфни битирдим. Онам кексайиб ва анча заифлашиб, аҳволи оғир бўлиб қолгач, мени бир этикдўзга шогирдликка бер-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 156-иш, 151–155-варақлар.

² Ўша архив, ўша жой.

³ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 543-варақ.

ди, ўқишдан қолдим ва 1918 йилга келиб совет ҳукумати ҳузурида ўқитувчилар курси очилди ва мен унга кирдим. Курсни тугатишим билан 1919 йил Самарқанддаги Эски шаҳар бошланғич билим юртида 1921 йилгача ўқитувчилик қилдим. Бухорога қарши уруш бошлангач, мен кўнгилли равишда қизил армияга кириб, Бухорога кетдим ва 2 ой ўтиб қайтиб келдим.

1922 йил ўқитувчиликдан толиққаним туфайли ариза бериб ишдан бўшаб, Самарқанддаги ишчи-комсомол ёшлар ташкилотига кирдим. 1923 йили советлар съездида Хайрад волост ижроия комитети раиси бўлиб сайландим, май ойида эса уезд-шаҳар ёшлар ташкилотига иқтисодий бўлим мудури бўлиб ишладим. 1923 йил охиридан 1924 охиригача уезд-шаҳар ёшлар ташкилотига масъул котиб бўлдим. 1924 йил 1 январидан уезд-шаҳар партия комитети тарғибот бўлими мудури ўринбосари, 1924 йил 5 февралдан Самарқандда уезд партия комитетида масъул котиб бўлиб ишладим.

«Юзимизни қишлоққа қаратишимиз керак» шиорига мувофиқ 1925 йил апрель ойида мен область партия комитети томонидан Жиззах уездига шаҳар партия комитети ихтиёрига юборилдим ва бу ерда Зомин район партия комитетида партия ташкилотчиси бўлиб тайинландим, бу жойда 1925 йилдан 1925 йил декабрь ойигача ишладим.

Кейин эса Жиззах халқ маорифида инспекторлик қилдим, бу ерда 5 ой ишлаб, ундан сўнг 1926 йил май ойида халқ комиссарлигида инспектор бўлдим, шундан кейин 1926 йил июнида Самарқанд область касаба союз биринчи съездида ОСПС ҳайъати аъзоси ва маданий бўлим мудури бўлиб сайландим.

Ҳозирги вақтда область касаба союзи ташкилотига маданият мудури лавозимидаман.

1919 йилдан Ўзбекистон комсомоли аъзоси, 1923 йилдан 1924 йилгача компартия аъзолигига номзод, 1925 йилдан партиянинг ҳақиқий аъзосиман, 1923 йилдан касаба саюз аъзосиман».¹

СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 8 октябрда Тошкентдаги йиғилишида Каримов Хақим отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро

¹ Ўзб ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 951-иш, 42–44-варақлар.

килинган¹. Партия XX съезидан сўнг реабилитация этилган.

Охунбеков Машураб (Машураб бўлса керак – Р.Ш.), 1904 йили Жалолқудуқ райони Эски қапа қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, ижтимоий аҳволи – хизматчи, маълумоти куйи, саводини ўзи чиқарган, 1929 йил 25 мартдан партия аъзоси, партия билети рақами 1370585, 1934 йили Жалолқудуқ районида партия тозаловидан ўтган.



У 1926 йил 12 мартдан 1927 йил 8 майга қадар Эски қапа қишлоқ совети раиси, 8 майдан 1928 йил 12 январгача Кредит ширкат идораси раиси ўринбосари, 1927–1928 йилларда Жалолқудуқ райони Манак қишлоқ совети тракторлар контораси мудир, 1929–1930 йилларда Жалолқудуқ пахтачилик ширкати идораси раиси ўринбосари, – 1930–1931 йилларда Кўтарма пахта заводи мудир, 1931–1932 йилларда Жалолқудуқ район колхозлар союзида инструктор бўлиб ишлаган.

Машураб Охунов 1932 йил 20 февралдан 1933 йил 1 январга қадар Қапа қишлоқ совети раиси ўринбосари, 1933 йил 25 августидан 1934 йил 1 августигача Жалолқудуқ район Булоқбоши қишлоқ совети раиси ўринбосари, 1934 йил 1 августидан 1935 йил 15 майгача Жалолқудуқ райони Сўфиқишлоқ матлубот жамияти раиси, 1935–1936 йилларда Сўфиқишлоқ пахта заводи мудир, ер-сув бўлими мудир лавозимларида ишлаб келган. Оиласида 3 киши бўлган, яшаш манзили – Жалолқудуқ райони Қапа қишлоқ совети Қораянтоқ қишлоғи. Шахсий варақа 1936 йил 16 майда тўлғизилган².

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 8 октябрдаги йиғилишида Охунбеков Машураб отувга ҳукм этилган, жазо ўша куни ижро этилган³. Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

¹ РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 540–541-варак.

² Ўзб ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 28-иш, 111–112-вараклар.

³ РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 543-варак.



Иброҳимов Илхом, 1900 йили Тошкент шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, отаси пахтачилик билан шуғулланган. Отаси Калинин райони Бешариқ қишлоғида 1930 йил баҳоридан колхозчи, ун-гача қулоқ сифатида ҳисобланган. Маълумоти ўрта, 2 та олий ўқув юртида ўқиган, лекин битирмаган. 1911–1914 йиллари мусулмон мактабда ўқиган, 1919 йили 3 ойлик педагогик курсини, 1923–1924 йилларда Шарқ халқлари Коммунистик университетида, Москвадаги

гидротех қурилиши инженерлар институтини II курсида ўқиган.

1922 йил 13 декабрда партиёга ўтган.

Ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида унинг меҳнат фаолияти, хизмат қилган ташкилотлар, саналар келтирилган. У ўз меҳнат фаолиятини деҳқончилик, пахтачилик билан шуғулланган отаси хўжалигида (1914–1919 йиллар) бошлаган, отаси билан бирга ишлаган. Биринчи босқичли қишлоқ мактабида ўқитувчи (1919–1921), Тошкент Эски шаҳар район комсомол комитетида ташкилий бўлим мудирини (1921), Тошкент район «Қушчи» союзи масъул котиби (1922), Тошкент шаҳар 1-район партиё комитетда партиё ташкилотчиси (1922–1923), Бухоро Компартияси Марказий комитетида инструктор (1923), Москвадаги Кутв В¹ талабаси (1923–1925), Тошкент уезд-шаҳар партиё комитети ташкилий бўлим мудирини (1925), Тошкент шаҳар 1- район партиё комитети ташкилий бўлим мудирини (1925–1926), Тошкент областида ер-сув ислохотини ўтказиш комиссияси ҳайъати аъзоси (1926–1927), Тошкент области ижроия комитети ташкилий бўлим мудирини (1927), Кармана шаҳрида Зарафшон округ партиё комитети ташкилий ва ташкилот бўлими мудирини (1927–1928) лавозимларида фаолият кўрсатган. Тез орада у республика миқёсидаги раҳбар ходимлардан бири сифатида танилади. У 1928–1929 йилларда ЎзССР МИК масъул котиби, 1929–1930 йилларда республика ер-сув халқ комиссарлиги коллегия аъзоси, колхозлар маркази идораси раиси лавозимларида ишлади.

¹ *Кутв* – Коммунистический университет трудящихся Востока (Шарқ меҳнаткашлари Коммунистик университети).

1930–1933 йилларда Москвада сув хўжалиги институтида ўқийди, 1933–1935 йилларда Тошкент Орджоникидзе районларида МТС сиёсий бўлим бошлиғи, республика ер халқ комиссарлигида инспектор, 1935 йил сентябридан Хоразм округ ер бўлими бошлиғи бўлиб хизмат қилган.

У ўз таржимаи ҳолида ҳеч қандай оппозицияда бўлмагани, аксинча нафақат партия аъзоси, балки партия ташкилоти раҳбари сифатида оппозицияга қарши курашганини қайд қилган.

Иш фаолиятидаги таҳсинга сазовор хизматлари юкори ташкилотлар томонидан мукофотлар билан тақдирланган, Тошкент область ижроия комитети ер-сув ислохотини ўтказишда фаолиятини баҳолаб ёрлик ва олтин соат билан, 1936 йил ер ишлари Халқ комиссарлиги шахсий совға билан тақдирланган.

1935 йил 1 апрелда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети контрол комиссияси коллегияси И. Иброхимовни ижтимоий келиб чиқишини яширганлиги учун қатъий хайфсан эълон қилган, 1929 ва 1934 йилларда партия тозаловидан ўтган.

Бироқ И.Иброхимов 1937 йил 4 декабрдаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюросида Хоразм округ ер-сув бўлими бошлиғи вазифасидан олиб ташланади ва партия сафидан чиқарилади.

Шахсий варақасида оилалиги, аёли ва 4 нафар қизи борлиги, яшаш манзили Янги Урганч деб кўрсатилган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 8 октябрдаги йиғилишида Илхом Иброхимов отувга ҳукм этилади, ҳукм ўша куни ижро қилинади².

Агаев Зиёт, (Зиё ҳам деб юритилган – Р.Ш.), 1898 йили Эроннинг Миен деган жойида деҳқон оиласида туғилган, унинг 1937 йил 6 июлда рус тилида ёзган таржимаи ҳолини айнан келтиришга ҳаракат қиламиз: «...Онамнинг айтишига қараганда отам мен туғилган йили, уч ойлигимда вафот қилган. Отам бой хунармандда ёлланиб алибастр пишириш ва тайёрлаш билан шуғулланган, онам ҳам уйма-уй ёлланиб кир ювиш билан тирикчилик қилган, бирон бир мулки бўлмаган, ҳатто яшаш учун ўз кулбасига ҳам эга бўлишмаган.

Катта отам ва катта онамлар нима билан шуғулла-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 285-иш, 115–128-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 538-варақ.

нишгани ҳақида мен ҳеч нарсани билмайман. Қариндошларимдан икки опам бўлиб, улардан бири камбағал дехқонга эрга чиқиб яшаган, иккинчиси эса ёлланиб онам билан бирга одамларнинг кирларини ювиш билан шуғулланган. 1913 йилдан буён ўз қариндошларим – 2 опам ва онам ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасман, улар тирикми ёки тирикмасми менга маълум эмас.

8 ёшимдан 13 ёшгача – 1911 йилдан ўзимиз яшаб турган жойдаги кулоқда ёлланиб ишлаганман. 1911 йили Сайфулло деган эроний кимса – пудратчи, фамилиясини эслай олмайман 4 йил муддатга 5 эроний туман учун ёллаб олади. Бу пулни мен онамда қолдирганман, ўзим эса шу пудратчи билан Россияга кетганман, 1911 йилдан 1912 йилгача Мерв станциясида ва Чоржўй станциясида юк ташувчи бўлиб ишлаганман.

1912 йили бу пудратчи мени янги Бухорога, пахта заводига олиб келган, бу ерда мен 1914 йилгача ишладим, унда ишлаб 5 туман пул олдим. 1914 йилдан 1918 йил бўйича ана шу заводда мустақил, яъни пудратчига қарам бўлмай юк ташувчи бўлиб ишладим, қолаверса, заводда қиш фаслида ишлардим, ёзда эса янги Бухоро товар станциясида юк ташувчилик қилардим.

1919 йили Янги Бухоро уезд-шаҳар партия комитети мени пахта заводидан олиб, уезд-шаҳар партия комитетига ишга қўйди, тарғибот ва миллий озчилик бўлими мудир бўлдим, кейин эса 1921 йилгача махсус бўлим вакили бўлиб ишладим.

1921 йили Тошкент Эрон – Озарбайжон коммунистик шубҳасига масъул котиб этиб сайландим ва бу ерда 1923 йилгача ишладим ва бир вақтнинг ўзида Ўрта Осиё коммунистик университетида ўқидим.

1923 йили ВКП(б) Марказий Комитети Туркистон бюроси томонидан мен Бухоро миллий совет республикаси партия ташкилоти марказий комитети ихтиёрига юборилдим, бу ерда мени Янги Бухоро шаҳар совети раиси қилиб тайинлашди, бу лавозимда 1924 йилгача ишладим.

Ўз аризамга кўра 1924 йили Ўрта Осиё коммунистик университетига ўқишга юборилдим, бу ерда 1925 йилгача ўқидим ва 2- курсдан мени Тошкент округ партия комитети Тошкент уезд-шаҳар партия комитетига тарғибот-ташвиқот бўлими мудирлигига юборди ва бу жойда 1926 йилгача ишладим.

1926 йил бошида ЎзК(б)П Марказий Комитети қарори билан мен Сурхондарё округ партия комитети ихтиёрига юборилдим. Бойсун район ижроия комитети раиси ўринбосарлигида 1927 йилгача ишладим.

1927 йили Бойсун районида ЎзКП(б) район партия комитетининг масъул секретари қилиб сайландим, бу лавозимда 1928 йилгача хизмат қилдим.

1928 йили Сурхондарё округ партия комитети мени Бойсун районида Денов районига район партия комитети масъул секретари қилиб ўтказди, бу ерда 1929 йилгача ишладим. 1929 йили эса Сурхондарё округ партия комитети ташкилий бўлим мудирини этиб сайландим.

1930 йили округлар тугатилиши билан ЎзК(б)П Марказий комитети қарори билан Тошкентда Ўзбекистон ғалла маркази ташкилий бўлим мудирини қилиб юборилдим, бу лавозимда 1931 йилгача хизмат қилдим, 1931 йилдан 1933 йилгача Бауман район партия комитетининг масъул секретари бўлиб ишладим.

1933 йили ЎзКомпартия Марказий комитети қарори билан Каганович район партия комитетининг масъул секретари қилиб сайландим, бу ишда 1934 йилгача бўлдим.

1935 йил бошларида яна ЎзКомпартия МК қарори билан Жалолқудуқ райони партия комитетига биринчи секретари қилиб юборилдим, бу ерда мана ҳозиргача ишлаб келмоқдаман. Агаев, 1937 йил 6 июн».

Шахсий варақасида уезд, округ, республика партия органларига аъзо бўлиб сайлангани, 1934 йили ЎзК(б)П Марказий Комитети гуруҳ бўлиб номусига текканликда айбланганларни ўз вақтида чора кўрмагани учун Зиёд Агаевга қатъий ҳайфсан эълон қилади. Бу партиявий жазо 1936 йили ЎзК(б)П МК томонидан олиб ташланган.

Оилалик бўлган, фарзандлари бўлмаган. Яшаш манзили – ЎзССР, Жалолқудуқ райони Сўфиқишлоқ бўлган. Шахсий варақа 1937 йил 30 июнда тўлғизилган¹.

ЎзК(б)П Марказий комитети секретари томонидан Жалолқудуқ район партия комитетининг биринчи секретари Агаев Зиёга берган тавсифномасида у шундай таърифланган: «Ўртоқ Агаев 1927 йилдан буён партия ишида бўлиб, партиянинг бош йўлини фаол олиб борди. Унинг раҳбарлигида Бауман ва Каганович районлари чуқур

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 26-иш, 125–135-варақлар.

ўпирилишдан чиқиб олди. Ҳозирда у райком секретари бўлиб ишлаётган Жалолқудуқ райони ҳам 1935 йили пахта тайёрлов режасини бажариб, яхши кўрсаткичларга эришди, райком секретари сифатида ишни уддалай олади».

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 8 октябрдаги йиғилишида Агаев Зиёд отувга ҳукм этилган, жазо ўша куни ижро этилган¹. Ҳозирда реабилитация қилинган.



Бобохўжаев Аббосхўжа, 1904 йили Қўқон шаҳрида ишчи оила-сида туғилган, ўзбек, маълумоти куйи, 1923–1925 йиллари Қўқон шаҳридаги саводсизликни тугатиш мактабида ўқиган, 1925–1929 йиллари Тошкентдаги Ленин номли Ўрта Осиё ҳарбий мактабининг артиллерия бўлимини битирган. Унинг меҳнат фаолияти шахсий варақасида кўрсатилган. 1919–1921 йиллари отаси билан бирга этикдўз устага шогирд бўлган, 1921–1922 йиллари

Қўқон шаҳрида ҳарбий этикдўз устаси, 1922–1923 йиллари Қўқондаги Марказ уюшмасида этикдўз уста бўлиб хизмат қилган, 1924–1925 йилларда меҳнатни муҳофаза қилиш устахонасида этикдўз бўлиб ишлаган, 1925 йил октябридан 1929 йил августигача Ленин номидаги Ўрта Осиё ҳарбий мактабида ўқиган, 1929 йил августдан 1930 йил февралигача Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалиги ишчилари округ уюшмаси раиси ўринбосари, 1930 йил февралидан 1930 йил декабригача Ўрта Чирчиқ район ижроия комитети раиси ўринбосари, 1931 йил январидан 1932 йил октябригача Хатирчи район партия комитетининг масъул котиби, 1932 йил октябридан Пскент район партия комитетининг 1-масъул котиби бўлиб ишлаган, 1937 йил 13 сентябрида ишдан олинган. 1937 йил 13 сентябрида Ўзбекистон Компартия Марказий Комитети бюроси йиғилиши бўлиб, унда Пскент район партия комитети секретари Бобохўжаев тўғрисидаги масала кўрилади. Мазкур масала бўйича Тарацов ахборот беради, Ортиқов, Тўрабеков, Роженецлар музокарада

¹ РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 543-варак.

катнашади. Қабул қилинган қарорда антипартиявий ишлари, аксилинқилобий унсурлар билан алоқада бўлганлиги ва майший бузуклиги учун Пскент район партия комитети биринчи секретарлигидан олиб ташланганлиги қайд этилган, унинг партиявийлиги тўғрисидаги масалани бошланғич партия ташкилотига кўриб чиқиш юклатилган.

Шахсий варақада 1932 йили ЎзКомпартия Марказий Комитети маблағларни сафарбар қилиш режасини бажармагани учун хайфсан эълон қилинган. 1934 йил 16 ноябрида Марказий Комитет пахта далаларини шудгорлашдаги фаолиятсизлиги ва пахтани йиғиштириб олиш ва ғалла етиштириш вазифаларини ўзаро мувофиқлаштиролмагани учун хайфсан эълон қилинган. Шахсий варақани тўлғизаётган даврдаги оилавий аҳволида хотини, икки ярим яшар ўғли, 72 ёшдаги отаси, 54 ёшдаги онаси борлиги, яшаш манзили – Пскент, Ленин кўчаси, деб кўрсатилгани қайд қилинган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 8 октябрдаги йиғилишида Бобохўжаев Аббосхўжа отувга ҳукм этилган, жазо ўша куни ижро этилган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

Алимов Комилжон, 1903 йили Тошкентда ишчи оила-сида туғилган. Унинг 1926 йил 30 сентябрида тўлғизган тарижимаи ҳолидан айрим лавҳаларни келтирамыз.

Унинг отаси Тошкентда йўл тозаловчи отлиқ темир йўлида («Конки») ишлаган. Тез орада ишни ташлаб Марв шаҳрига келиб ишлай бошлайди. Комилжон шу жойда ўсади. 1910 йили у мусулмон татар мактабига ўқишга киради, бу ерда бир йилгина ўқийди ва Тухтамишск рус-тузем мактабига киради, бу ерда уч йил ўқийди. Оилавий шароит оғирлигидан ўқишни ташлаб, полковник Шонмовга хизматчи бўлиб ишга киради ва унда 1915 йилгача хизмат қилади. Сўнг пиво заводига ишга киради, февраль инқилобигача шу жойда меҳнат қилади.

Февраль инқилобининг дастлабки кунларидан бошлаб отаси матлубот жамиятида ишбоши, саркор бўлиб ишлай бошлайди, Комилжон ҳам магазинга фаррош бўлиб ишга киради. Октябрь кунларида отаси матлубот жамияти вакили билан озиқ-овқат олиб келиш учун Тошкентга боради, аммо қайтиб келмайди. Комилжон ҳам Тошкентга етиб келади, отасини топади. 1918 йил бошларида катта ёшда-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 104-иш, 119–120-варақлар.

² РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 543-варақ.

гилар ўқийдиган курсга кириб ўқий бошлайди, кўп ўтмай 76- квартал комитетига фаррош бўлиб ишга киради, шунда «Тўдалар» номли ёшларнинг миллий социалистик гуруҳига киради, отаси эса Компартия сафига қабул қилинади. Ўша 1919 йилдаёқ Комилжонни Эски шаҳар ошпазлар союзи-га котиб этиб сайлашади, кўп ўтмай у шу союзнинг раиси бўлади, тез орада комсомол ташкилотчиларидан бири бўлиб қолади.

1920 йил бошларида у Тошкент уезд-шаҳар комсомол комитети секретари бўлиб сайланади ва 3-Бутунроссия комсомоллари съездига вакил этиб сайланади, 1920 йил январидан партияга ўтди, область комсомол комитетига аъзо бўлди, Сирдарё область комсомол комитетининг секретари бўлиб сайланди, 1921 йили Москвага ўқишга кетади. Шарк меҳнаткашлари коммунистик университетида (КУВТ) ўқийди, ўқиш билан бирга Москвадаги талабалар комсомол ячейкалари фаолиятида катта ташкилотчилик ишларини олиб боради, унга 4-Бутунроссия коммунистик ёшлар союзи съездида қатнашиш насиб этади. Москвадан қайтиб келгач, Туркистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд областлари комсомол ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида фаол хизмат қилади.

Туркистон Коммунистик ёшлар ташкилоти Марказий Комитетининг 1923 йилдаги қарори билан «Янги Шарк» газетасининг масъул муҳаррири этиб тайинланади. Бу лавозимдалигида Тошкент Эски шаҳрида ўсмир пионерлар дружинасини тузиб, уни бошлиғи бўлиб фаолият олиб боради, 1923 йили Москвада Бутунроссия комсомоллар конференциясида қатнашади, Тошкентга келгач, у Туркистон комсомол Марказий Комитетининг масъул секретари қилиб сайланади, Туркистон Компартияси Марказий Комитетига ҳам аъзо бўлади.

1924 йили К. Алиев Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети хайъати аъзоси бўлиб сайланади, Туркистон Компартияси Марказий Комитети матбуот бўлими мудирини этиб тайинланади. Бу борада қизғин фаолият намойиш этади.

1924 йили Москвага Қизил профессорлар институтига ўқишга юборилади, аммо ўрин тўлиб қолганидан, Давлат журналистика институтига (ГИЖ) қабул қилинади. Ўқишни тугатгач, Ўзбекистон Республикасининг партия ва деҳқонларнинг газеталарига муҳаррирлик қила бошлай-

ди. 1926 йили Тошкент область партия ташкилоти съездида ҳал қилувчи овоз билан Бутунўзбек партия ташкилотининг 2- қурултойига вакил қилиб, бу съездда эса у РКП(б) 14- съездига делегат қилиб сайланади, 1925 йил декабрида Москвада бўлиб ўтган, тарихга индустрлаштириш съезди бўлиб кирган 14- съездда қатнашиш имконига эга бўлади. Ўша йилларда К.Алимов Ўзбекистон давлат нашриётига, Тошкент Эски шаҳар советига, ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси матбуот бўлими коллегиясига аъзо эди.

1926 йили К.Алиев бир вақтнинг ўзида иккита газетага ва учта журналга муҳаррирлик қилган. Журналистика бўйича билими ва тажрибасини доимий равишда оширишга ҳаракат қилган ва бу соҳада республикада танилган нуфузли раҳбар ходим сифатида қадрланган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 8 октябрдаги йиғилишида Алиев Комилжон отувга ҳукм этилган, жазо ўша куни ижро этилган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

Ниёзов Абдусалом, 1896 йили Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, 1906 йилдан ўзбек мактабида ўқиган, 1918 йилдан партия аъзоси, партия билети рақами 1364949, 1927–1931 йилларда Ленинградда Олий кооперация курсида – центросоюзда ўқиб савдо товаршуноси мутахассислигига эга бўлган. 1924 йил 23 декабрда ёзилган таржимаи ҳолида меҳнат фаолияти акс этган: 1910–1911 йиллари қурилишда шогирд бўлиб ишлаган, 1911–1912 йилларда фабрикада ишчи, 1912 йилдан 1915 йилгача макарон фабрикасида ишлаган. 1916–1917 йиллари фронт ортидаги мардикорлар армиясида катта ишчи бўлган. Мардикорликдан қайтиб келиб 1917 йилдан 1918 йил майгача қишлоқ хўжалиги бўйича рўйхатга олиш регистратори бўлиб, 1918 йил майдан 1918 йил ноябригача Ўрта Осиё темир йўл устахонасида ишлайди. 1918 йили ноябридан 1919 йил февралигача Ленин номидаги ҳарбий мактабда ўқиди.

Турксоюзда кооперация бўйича инструктор-практикант (1919 йил июлидан 1920 йил ноябригача), Тошкент Эски шаҳарида кооперация бўйича инструктор-ташкилотчи (1920–1921), 1921 йилдан кооператив назорат ишчи советига сайланди, 1921 йил майдан августигача Эски шаҳар

¹ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 52-иш, 93–99-варақлар.

² РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 542-варақ.

ишчи кооперативига мудир, 1921 йил 1 августидан 1 октябрга Тошкент матлубот жамияти идораси раиси, кейин Эски шаҳар матлубот жамиятига раис бўлиб хизмат қилади.

1922 йил июлида Фарғона областига сафарбар қилинади, бу ерда Марғилон уездида уруғчилик фондига вакил бўлади, 1923 йил июлигача Тошкент Эски шаҳар коммунал хўжалиги бошқарувчиси ўринбосари, 1923 йил июлидан 1924 йил 1 апрелигача Марказий ишчи кооперацияси умумшаҳар коллегияси аъзоси, 1924 йил 1 апрелидан 1924 йил 10 июлигача Эски шаҳар Марказий кооперацияси раиси, 1925 йил 1 январдан Туркистон кооперацияси бошқаруви аъзоси ва Сирдарё бўлимининг бошқарувчиси бўлиб хизмат қилган.

1937 йил 19 майда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида Абдусалом Ниёзовнинг 1925–1927 йилларда Самарқанд шаҳрида Ўзбекбирлашувда раис, ўқишдан келганидан сўнг яна Ўзбекбирлашув раиси, сўнгра ЎзССР Халқ комиссарлигига масъул лавозимда 1935–1937 йиллари Беҳбудий шаҳрида Қашқадарё округ ижроия Комитети раиси лавозимида хизмат қилгани, Ўзбекбирлашувда ишлаганида савдо айланмаси режасини бажармагани ва камомад ва талон-тарожга йўл қўйгани учун 1934 йили партиядан ўчирилган, бироқ Ўрта Осиё бюроси тиклагани қайд этилган. Шунингдек, 1919 йил январида Тошкентдаги Осипов исёнини бостиришда оддий аскар сифатида қатнашгани ҳам эслаб ўтилган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 8 октябрдаги йиғилишида Ниёзов Абдусалом отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Ҳозирда оқланган.

Тўрабеков Жўрабек, 1897 йили Хўжанд вилоятининг Исписар қишлоғида камбағал батрак оиласида туғилиб, 18 ёшга тўлар-тўлмас темир йўлда ишчи бўлиб кун кечира бошлаган. Таниқли ҳуқуқшунос, журналист Файзулла Қиличов ўзининг «Зулматдан садолар» асарида («Адолат», Тошкент, 159-бет) Жўрабек Тўрабековнинг ҳаёт йўли, қисмати, тақдири ҳақида айрим маълумотлар келтирган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архивидан бу шахснинг таржимаи ҳоли битилган маълумотнома то-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 48-иш, 35–40-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 542-варақ.

пилмади. Шу боис Файзулла Қиличев келтирган маълумотларни қисқача баён этишни лозим билдик. Муаллифнинг ёзишича Ж.Тўрабеков инқилобий жараёнларнинг фаол иштирокчиларидан бири бўлган.

У Хўжанд уезд партия комитети, Самарқанд округ партия комитети секретари бўлиб хизмат қилган. Ўзининг қобилияти, ишчанлиги билан танилиб тез орада республика раҳбар органларига кўтарилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетада бўлим мудир, Марказий Комитет назорат комиссияси раиси бўлиб хизмат қилади. У Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетига, ЎзССР Марказий Ижроия Комитетига аъзо қилиб сайланган эди. Партиянинг XVII съездида делегат сифатида қатнашганди. Ж.Тўрабеков ЎзССР Халқ комиссарлари совети раисининг ўринбосари бўлиб самарали фаолият кўрсатган.

1937 йил 27 сентябрь куни Тўрабеков иш жойида – қўл остида ишловчи ходимлари кўз ўнгида қамоққа олинади. Ўша куннинг ўзида НКВД ходимлари Сарокин, Оғабеков, Матвеев, Филимоновлар Тўрабеков хонадонини тинтув қилишади. Унинг аҳли аёли Сора бибини, уч боласини қонқақшатиб, ҳеч вақо тополмай чиқиб кетишади.

Ҳибсга олинган куннинг эртасигаёқ ЎзССР ички ишлар халқ комиссарлигида мана бу ҳужжат тайёрланган: «Жўра Тўрабеков Ўзбекистонда фoш этилган аксилинқилобий миллатчилар ташкилотининг фаол иштирокчиси сифатида ушланади. Унинг Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг душманлар томонидан республикадаги масъул вазифаларга махсус равишда тайинланганлиги, кўпоровчилик билан шуғулланганлиги, кадрлар орасига аксилинқилобий унсурларни тикиштириш асосий вазифасига айланганлиги аниқланди...» Бу айблов хулосаси турли маҳкамаларга ахборот сифатида тарқатилган.

Тошкент шаҳар партия комитети бюроси ана шу ҳужжатни асос қилиб олиб, 1937 йил октябрдаги йиғилишида Ж.Тўрабековни ... «фoш этилган буржуа миллатчиси ва халқ душмани сифатида партия сафидан чиқариш ҳақида» қарор қабул қилади. 28 октябрда шаҳар партия комитети IV пленуми Ж.Тўрабековни «миллатчи, ўзбек халқининг душмани ва чет мамлакатлар жосуси сифатида партия сафидан ўчириш» ҳақидаги қарорни тасдиқлайди.

ЎзССР Марказий Ижроия Комитети президиумининг 1937 йил 4 ноябрдаги мажлисида Тўрабеков мамлакат ва

республика марказий ижроия комитетлари аъзолигидан чиқарилганлиги ҳақида қарор қабул қилинади.

«Содир этилган жиноят»ларини бўйнига олдириш учун терговчилар бирин-кетин сўроқ қилиб, ҳар хил қийноқларни, рухий азобларни қўллаб» Ж.Тўрабековни 20 кеча-кундуз укубатлар натижасида, ниҳоят уни ўз «айбига» иқрор бўлишга кўндиришди. Ж.Тўрабеков айблов хулосасини имзолашга мажбур бўлди.¹

1938 йил 8 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг йиғилишида ўзбек зиёлиларидан бири, кенг қамровли давлат раҳбари Жўрабек Тўрабеков отувга ҳукм қилинди, ҳукм ўша куниёқ ижро этилди. Ўшанда у эндигина 41 ёшга қадам қўйган эди.² Ҳозирда у реабилитация қилинган.

5. 9 ОКТАБРДА ОТУВГА ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛАР

Қосимов Хаким, 1904 йили Тожикистон ССР Ўратепа шаҳрида туғилган, тожик, ижтимоий келиб чиқиши – тўқувчи оиласидан, инқилобгача тўқувчилик, боғдорчилик билан шуғулланган, маълумоти – тугалланмаган ўрта, 1920–1923 йиллари Ўратепа шаҳридаги 1- босқичли мактабнинг 4-синфини битирган, 1924–1926 йиллари Самарқанддаги педагогика курсида ўқиб, биринчи босқичли мактаб ўқитувчиси мутахассислигига эга бўлган, 1928–1929 йилларда Тошкентдаги Ўрта Осиё коммунистик университетида 1–2-курсларини битирган.

1914–1918 йилларда Олмаота шаҳрида хусусий савдогар, устада хизматкор, 1924–1926 йилларда Ўратепа шаҳрида 1- босқичли мактаб ўқитувчиси ва ўқув бўлими мудири, 1926–1928 йилларда округ комсомол комитети масъул котиби, 1929 йилдан Тошкентда ОГПУ доимий вакиллигида ва ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигида ходим бўлиб хизмат қилган. 1929 йилдан партия аъзоси, партия билети № 1366173.

¹ Қиличев Файзулла. Зулматдан садолар «Адолат», Тошкент, 1994, 94–100-бетлар.

² РФ ФХХМА, 7 фонд, 1-рўйхат, 10 иш, 533-варак.

Ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасидаги сайлов органларида иштирок этганмисиз? деган саволга Ўратепа округ партия комитети бюро аъзолигига номзод, Тожикистон область комсомол комитети пленуми аъзоси, 1930–1931 йилларда Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитети аъзоси, 1926–1928 йилларда Ўратепа округ комсомол комитети масъул котиби, 1937 йил майида Тошкент шаҳар Сталин район партия комитети пленум аъзоси бўлиб сайланганман, деб ёзган.

Шахсий варақада эрон, турк, уйғур, қозоқ, қирғиз, татар, рус, тожик, ўзбек тилларини билганлигини қайд этган. 1934 йилги партия тозаловидан ўтган. Оиласи билан ажрашган. Яшаш манзили – Тошкент шаҳри, Ниёзбек кўчаси, 3-уй (Коммунал уй). Шахсий варақа 1937 йил 2 июлда тўлғизилган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 9 октябрдаги йиғилишида Қосимов Ҳаким отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган². Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

Матқул Султон Алибекович (1902–1938) дастлабки ўзбек энергетикларидан. Хўжандда туғилган. Тошкентдаги «Кўмак» жамиятининг ёрдами билан 1922 йили Германияга таҳсил олиш учун борган. Берлиндаги олий техника мактабида электро-техника соҳасида ўқиган (1922–1930). 1931 йилда Тошкентга келиб, Ўзбекистон электрлаштириш бошқармасида бош инженер, Ўзбекистон ССР ХКС ҳузуридаги фанлар комитети раисининг ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатган. «Социалистик фан ва техника» журналининг муҳаррири бўлган. У Фитратни ўзининг маънавий устози сифатида тан олган. 1937 йил 10 августда қамоққа олинган³.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 9 октябрдаги йиғилишида Матқул Султон отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган⁴. Ҳозирда реабилитация қилинган.

Авазжонов Муҳаммад, 1905 йили 2 майда Бухоро шаҳрида хизматчи оиласида туғилган, тожик, 1929 йил 16

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 359-иш, 78–80-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 543-варақ.

³ Тарихнинг ҳасратли саҳифалари... Биринчи китоб, 132-бет.

⁴ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 543-варақ.

февралдан партия аъзоси, 1926 йилдан тўқимачилар касабаси уюшмаси аъзоси, 1925–1928 йиллари 3 йил давомида Германияда текстил индустрияси тўқимачилик факультетини битирган, ундан олдин 1922 йилида ҳам Германияда бўлган, ўзбек, рус, тожик, немис тилларини билган.

1934 йил 9 февралда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида унинг меҳнат фаолияти ақс этирилган. 1929 йили Москва шаҳридаги «Освобожденный труд» фабрикасида практикант, 1929–1930 йилларда Москвадаги 1- давлат жун трестидаги марказий лабораторияда лаборант, 1930 йили Москвадаги «Қизил шарк» («Красный Восток») трестида тўқимачилик бўйича муҳандис ёрдамчиси, 1930–1931 йиллари Фарғонадаги текстил фабрикасида тўқимачилик цехининг мудирининг ўринбосари, 1931 йили тўқимачилик фабрикаси мудирининг ўринбосари, 1931–1934 йиллари фабриканинг техник қисмлари бўйича директор ўринбосари, 1934 йили тўқимачилик ишлаб чиқариш бўлими мудирининг вазифаларида ишлаб келган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 9 октябрдаги йиғилишида Авазжонов Муҳаммад отувга ҳукм этилган, жазо ўша куни ижро этилган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

Муҳаммедов Соҳиб, 1909 йил Бухоро вилояти Вобкент районида хунарманд оилада туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, 1931 йилдан партия аъзоси, партия билети рақами 1371066, Бухорода ва Самарқандда қайта тайёрлов курсларида (1927–1935 йиллар) ўқиган.

Меҳнат фаолияти 1922 йилдан 1927 йилгача яқка ҳолда деҳқончилик билан бошлаган, 1930–1932 йил июнигача Бухоро шаҳар партия комитетида пропогандист, 1932 йил сентябрдан маданият мудирининг ўринбосари, 1933–1935 йилларида Бухоро МТСда директор ўринбосари, 1935 йил Бухоро шаҳар партия комитети шаҳар партия комитетига аъзо бўлган, ўзбек, рус тилларини яхши билган. Меҳнатдаги натижалари учун 1933 йил МТС ҳисобидан 500 сўм, 1934 йили йўл бўлими ҳисобидан 250 сўм, 1935 йили район ипакчилиги ҳисобидан 200 сўм миқдоридан пул мукофотлари билан тақдирланган. Партия тозаловидан ўтган, партия ҳужжатларини алмаштиришдан ҳам ўтиб, янги партия билети олган, аҳли аёли ва

¹ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 25-иш, 123–124-варақлар.

² РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 543-варақ.

бир ўғли бўлган. Шахсий варақада яшаш манзили – Бухоро шаҳар, Сирза Сочоқ кўчаси, 15- уй бўлган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 9 октябрдаги йиғилишида Муҳаммедов Соҳиб отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

Жабборов Саттор, ўзбек, Тошкентдан, Берлин университети Химия факультетида ўқийди, савдогарлардан. Фитрат ва Шокир Рахимов билан яқиндан алоқада бўлган. Уларга Германиядан ҳар хил адабиётлар жўнатиб туради. ЎзССР Олий судининг собиқ раиси Саъдулла Қосимов билан алоқаси туфайли отасининг солиқдан бўлган қарзидан кечтириб юборади³.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 9 октябрдаги йиғилишида Жабборов Саттор отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган⁴. Ҳозирда реабилитация қилинган.

Зарифов Карим, 1897 йил 15 июнда Наманган шаҳрида дехкон, боғдор оилада туғилган, ўзбек, Октябрь инқилобидан сўнг Наманган уезд-шаҳар боғдори бўлиб хизмат қилган, 1924 йил 21 августда Қўқон партия ташкилотига партияга қабул қилинган.

Карим Зарифов 1937 йил 11 майда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасига илова қилиб Юқори Дарғон район Ижроия Комитети раиси ўринбосари бўлиб ишлаб турган, яъни 1930 йил Самарқанд шаҳрида ёзган таржимаи ҳолини тақдим қилган. Ундан парча келтира-миз: «... Отам билан 1915 йилгача бирга яшадим ва отамга ёрдам бериб турдим, маълумотим – рус-тузем мактабини 3-синфини битирганман, кейин ўқишни давом эттириш имкони бўлмади, ота-онамнинг маблағи йўқ эди. Шу боис 1915 йилдан сўнг боғдорчилик бўйича ишладим, бир йил ўтгач, Наманган шаҳри боғбони ёрдамчиси қилиб тайинландим, 1920 йилдан шаҳар боғбони бўлиб тайинландим, 1922 йилгача Қўқон шаҳрида ишладим, шу вақтда партияга кирдим, шундан сўнг Қўқон шаҳар милицияси бошлиғи бўлиб хизмат қилдим, 6 ойдан сўнг мени уезд «Қўшчи» союзи ташкилий бўлим мудури қилиб тайинладилар, кейин эса уезд-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 481-иш, 121–122-варақлар.

² РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 541-варақ.

³ Тарихнинг номаълум саҳифалари. Иккинчи китоб. «O‘qituvchi». 2010. 141-бет.

⁴ РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 541-варақ.

шаҳар партия комитетида партия ташкилотчиси бўлиб 1923 йилгача ишладим.

1924 йили мен область партия комитети томонидан область жиноий-қидирувнинг фаол қисми бошлиғи қилиб тайинландим, бир йил ишлаганимдан сўнг ўша ташкилотнинг махфий-оператив қисмига бошлиқ қилиб тайинландим.

1925 йили область партия комитети қарори бўйича область жиноий-қидирув бўлими бошлиғи қилиб тайинландим, бу лавозимда 1926–1927 йилгача ишладим, реорганизация ўтказилиши муносабати билан Андижон округи жиноий-қидирув бошлиғи бўлдим. Бу ишда 1928 йилгача фаолият кўрсатдим. Шундан сўнг 1929 йил бошларида Қўқон округ партия комитети ва ЎзССР НКВД розилиги билан яна Қўқон округи маъмурий бўлими милиция ва қидирув бошлиғи этиб тайинландим, бу ишда 1929 йил охиригача бўлдим. 1929 йил декабрда Самарқанд шаҳрига келишим билан округ партия комитети секретари томонидан 1-сон завод бошқармасига бошлиқ бўлдим, 6 ой ишладим. Самарқанд округ партия комитети қарорига биноан мени Икромов район ер бўлимига мудир этиб, шундан сўнг Самарқанд округ партия комитети ва округ ижроия комитети Икромов райони райижрокўм раиси ўринбосари қилиб тайинландим, шундан сўнг яна ўша кўрсатилган ташкилотлар қарори билан юқори Дарғом райони ижроия комитети раиси ўринбосари қилиб тайинландим, шу лавозимда ҳозирги вақтгача ишлаб келмоқдаман».

Карим Зарифов 1931–1935 йилларда янги Урганч шаҳрида Хоразм округи милиция бошлиғи, 1935–1937 йилларда Бухоро шаҳрида округ милиция сектор бошлиғи бўлиб хизмат қилади.

Шахсий варақада 1924, 1925, 1926, 1934 йиллари жиноятчиларга қарши фаол кураш олиб боргани учун Фахрий ёрликлар, қуроллар билан тақдирлангани, оиласида фақат аёли борлиги, яшаш манзили – Бухоро шаҳри, Гузор Озод кўчаси, 385- уй экани қайд этилган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 9 октябрдаги йиғилишида Зарифов Карим отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 272-иш, 182–184-варақлар.

² РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 541-варақ.

6. 10 ОКТЯБРДА ОТУВГА ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛАР

Абдурахимов Абурахим, Хўжаев Муҳаммад, 1901 йили Наманган шахрининг Боқимирза даҳасида, савдогар оиласида туғилган, ижтимоий келиб чиқиши – ишчи, касби тўқувчи, маълумоти ўрта, 1925 йил 3 январидан партия аъзоси, 1923 йил октябридан 1924 йил ноябригача 2- Туркистон ўқчи дивизияси ҳузуридаги кичик командирлар тайёрлаш бўйича ҳарбий мактабни миллий бўлимини битирган, кичик командир мутахассислигига эга бўлган. 1925 йил майдан 1927 йил сентябригача Фрунзе номидаги ҳарбий сиёсий мактабда ўқиб, сиёсий ходим мутахассислигига эгаллаган. 1930 йил майдан 1933 йил мартигача Толмачов номидаги ҳарбий-сиёсий академиянинг асосий факультетини битирган, ишчи-деҳқон қизил армияси сиёсий ходими мутахассислигига эга бўлган, батальон комиссари унвонига эга бўлган.

Унинг кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида меҳнат фаолияти ва ҳарбий хизмати ҳақида маълумотлар келтирилган. 1917 йил майдан 1918 йил июлигача Наманган шаҳри Боқимирза даҳасидаги этикдўз уста Мадалихонда шогирд бўлиб меҳнат қилади. 1918 йил июлидан 1919 йил ноябригача Абдуқодир устанинг тўқимачилик устахонасида шогирд бўлиб ишлайди. 1919 йил ноябри – 1920 йил майда Қозоғистон АССР Мерки шаҳрида Убайдуллабой қўлида отбоқар бўлиб хизмат қилади. 1920–1923 йилларда Наманган шаҳри Боқимирза даҳасидаги тўқувчи Абдуқодир ва Жўрабойларда ёлланиб ишлайди. 1923 йил март – 1923 йил октябрда Наманган шаҳрида милицияда, Поп-Чуст район милициясида ишлайди, Фарғона, Бухоро, Тошкент, Самарқанд шаҳарларида ҳарбий хизматда, ҳарбий комиссар лавозимларида фаолият кўрсатади. 1935 йили у Самарқанд шаҳар советига, Ўзбекистон ССР Марказий ижроия комитетига аъзо бўлиб сайланади, ўша шахсий варақада тожик, туркман, қозок, қирғиз, рус, татар тилларини билгани қайд этилган.

Қизил аскар, кичик командир, сиёсий раҳбар, ҳарбий комиссар, батальон комиссари ҳарбий лавозимларида, Қорақум саҳроларида, Туркманистонда Жунаидхонга қарши, Самарқанд районида Хўжамқул тўдаларига қарши

1927–1928 йиллардаги олиб борган кураши ҳам шахсий варақада қайд этилган. СССР Марказий Ижроия комитети 1926 йил 27 апрелда жанговар хизматлари ва яхши намунали жанговар ва сиёсий тайёргарлиги учун «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотлаган.

Оиласи ва 1 қизи бўлган. Самарқанд шахрининг Советская кўчаси, 22-уйда яшаган. Мазкур шахсий варақа Абдурахимов томонидан 1937 йил 13 майда тўлдирилган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 10 октябрдаги сайёр йиғилишида Абдурахимов Муҳаммад олий жазога ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Партия XX съезидан сўнг у реабилитация қилинган.

Эгамбердиев Дадахон, 1901 йили Наманганнинг Қизилчори қишлоғида хунарманд-этикдўз оиласида туғилган, ўзбек, 1926 йил февралдан партия аъзоси, партия билети рақами 1368992, 1919 йилдан совхоз ва МТС касаба союзи аъзоси, маълумоти куйи, ўз устида ишлаб саводини чиқарган, 1911–1913 йиллари Наманган шаҳридаги 1-босқичли мактабда ўқиган.

1937 йил 10 майда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида меҳнат фаолияти ақс этган. 1913–1916 йиллари Наманган шаҳрида ўз хўжалигида тўқувчилик қилган, 1916 йили мардикорликка олинган, Украинанинг Хернов шаҳридаги электр заводида ишчи, 1918–1920 йилларда Наманган шаҳрида ишчи, тўқувчи, 1920–1922 йилларда озиқ-овқат отрядида старшина, 1922–1923 йилларда Наманган шаҳар милициясида сиёсий раҳбар, 1923–1925 йилларда комсомол секретари ўринбосари, 1925–1927 йилларда Наманган шаҳар «Кўшчи» союзи раиси, 1927–1928 йилларда Янгиқўрғон район ижроия комитети раиси, 1928–1930 йилларда Андижонда округ «Кўшчи» союзи раиси, 1930–1937 йилларда Поп районидаги Бауман номли пахтачилик совхози директори бўлиб хизмат қилган.

ЎзССР Марказий ижроия Комитети 1932 йили пахта хосилдорлигини кўтаргани учун Фахрий ёрлик билан мукофотлаган, оилалик, 4 фарзанди бўлган, яшаш манзили-Бауман номли пахтачилик совхози бўлган. 1930 йилдан 1937 йилгача Поп район партия комитети пленуми аъзоси бўлган³.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 16-иш, 28–29-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 537-варақ.

³ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 292-иш, 130–133-варақлар.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 10 октябрдаги Тошкентдаги йиғилиши Эгамбердиев Дадахонни отувга ҳукм этган, ҳукм ўша куни ижро қилинган¹.

Миршаропов Миркомил, – Тошкент округи 13-участка халқ судида Миршаропов ўз таржимаи ҳолини шундай ёзган: «Тошкент шахрининг фуқаролариданман, 1897 йили деҳқон оиласида туғилдим, 15 ёшга тўлганимда мени рус-тузем мактабига ўқишга беришди, бу жойда 4 йил ўқидим. Мактабни тугатганимдан сўнг 1916 йили фронт ортидаги ишларга сафарбар қилиндим, бу жойда ишлаб Февраль инқилобигача бўлдим. Инқилоб авжига чиққан пайтда мен уйга, Тошкентга қайтиб келдим, бу жойда Тошкент милицияси хизматида кирдим, 1922 йили милиция сафидан ўз ихтиёрим билан чиқиб кетдим, бу соҳадаги сўнгги лавозимим Тошкент район милицияси бошлиғи ёрдамчиси бўлган. 1922 йил 11 июлдан ишчи-деҳқон инспекцияси комиссарлигига (РКП) масъул тилмоч бўлиб ишга кирдим, бу ердан 1922 йили Сирдарё область партия комитетига чақириб олиндим, чунки мен 1918 йилдан партия аъзоси эдим, ўша йилнинг июль ойида область партия комитети мени Мирзачўл уезд-шаҳар милицияси бошлиғи ёрдамчиси қилиб тайинлади, бу лавозимда 1923 йилнинг тўла февраль ойи бўлдим, шундан кейин касал бўлиб қолдим, тиббий гувоҳнома натижасида менга касаллигим туфайли таътил берилди. Таътилда бўлган вақтимда Тошкентга, уйга келдим, бу ерда Туркистон Компартияси Марказий Комитет захирасида турдим. 1923 йил июль ойида партиявий интизом ва масъул ходим сифатида босмачиликка қарши кураш иши бўйича Андижон Махсус бўлимига сафарбар қилиндим, бу ерда 1924 йил 1 апрель ойигача бўлдим ва сўнгги лавозимдан Махсус Бўлим вакилликдан бўшатиладим, чунки Андижон уезди худудида босмачилик тўдаларини тугатилиши муносабати билан Махсус Бўлим тарқатиб юборилганди.²

Унинг шахсий варақасида 24 ёшдалиги, 1899 йили туғилгани, Москва, Тошкент, Хива, Андижон, Самарқанд шаҳарларини яхши билгани, ишчи оиласиданлиги, I жаҳон уруши даврида фронт ортидаги ишларда мардикор бўлгани қайд этилган.³

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549-варак.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 458-иш, 143–144-вараклар.

³ Ўша архив, ўша жой.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида Миркомил Миршаропов 1914 йил рус-тузем мактабини тугатган, 1920 йилда 8 ойлик командирлик курсини тугатгач, унинг жанговар ҳаёти бошлангани қайд этилган. Унинг ҳаёт йўли қисқача куйидагича берилган: «Хоразм Халқ Совети Республикаси (ХХСР) ҳарбий нозири, (1921), нозир муовини (1924). Миркомил Миршаропов ХХСРда миллий кўшин тузишга эътибор қаратди, республика худудидан халқнинг маданий меросига оид бойликларнинг олиб чиқиб кетилишини тақиқлади. Жунаидхон билан сулҳ тузиб, «Бирлик шартномаси»ни имзолаган (1921.5.11) комиссия таркибида бўлганлиги учун коммунистлар тарафидан бошқа нозирлар қаторида лавозимидан олиб ташланди ва Хоразмдан чиқариб юборилди. Москвадаги Ҳарбий академияда ўқиди (1925–1929), Самарқанддаги алоҳида Ўзбек отлик аскарлар полкининг командири ва комиссари (1919–1932), 19-тоғли отлик ўзбек дивизияси кўмондони¹ ва комиссари (1932–1935), Мўғулистон Халқ Республикасида Ҳарбий маслаҳатчи (1935), Шимолий Кавказ Ҳарбий округи Алоҳида отлик бригадаси кўмондони ва комиссари (1936–1937) лавозимларида ишлаган. Миршаропов совет режими томонидан Майкопда қамоққа олинди (1937.28.10.) ва Тошкентга жўнатилади.

У ўзбек дивизиясини миллийлаштириш ва бу дивизия ёрдамида Ўзбекистон ССРни СССР таркибидан ажратиб олиш ва мустақил давлатни барпо этишга уринишда айбланади. Дастлабки ўзбек дивизияси тарқатиб юборилди ва Миршаропов бошчилигидаги 16 та ҳарбий командир ва кўплаб оддий аскарлар отиб ташланди»².

СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясининг 1938 йил 10 октябрдаги йиғилишида Миркомил Миршаропов отувга ҳукм қилинади, ҳукм ўша куннинг ўзида ижро этилган.³

У оқланган, партиёга тикланган.

Наримонов Юнус Мусаевич, 1898 йили Тошкент шаҳрида хунарманд, кейин тикувчи, ёлланма ишчидан

¹ У ҳақда М.Махмудовнинг «Қатағон қурбонлари» китобида, шунингдек, «Тарихнинг номаълум саҳифалари»нинг биринчи китобида қисқача маълумотлар келтирилган.

² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2003, 11-варак.

³ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 535-варак.

фойдаланмайдиган оилада туғилган, ўзбек, отаси 1918 йили вафот этган. Маълумоти олий – Ленинград шахридаги ҳарбий-сиёсий академияни (1931–1934) битирган. Қизил армия сиёсий ходими мутахассиси бўлиб чиққан, 1918 йил июлидан партия аъзоси, партия билети рақами 0291457.

Унинг меҳнат фаолияти Ўрта Осиё темир йўли станциясида тарозибон (1919 йил июнь), Абдумаликов деган савдогарда кадоқловчи (1914 йил июль – 1917 йил август), Тошкент шахридаги қора ишчи ва хизматчилар касаба уюшмаси секретари (1917 йил август – 1918 йил февраль), Туркистон frontiда жанговар партия дружинаси взвод командири (1918 йил февраль – 1919 йил август), курсант, рота командири (1919 йил сентябрь – 1920 йил декабрь), комиссар (1920 йил декабрь – 1921 йил сентябрь), сиёсий комиссар (1921–1923), 2- махсус отлич бригада комиссари (1923–1925), Ўзбек ўқчи батальони комиссари (1925–1927), Самарқанд шахрида, 1927–1929 йилларда Ўзбек йиғма бригада бўлими партия комиссияси секретари вазифаларида хизмат қилган. Самарқанд ЎзССР пойтахти бўлган 1929–1930 йилларда ўзбек Свод бригадаси ҳарбий прокурори, 1930–1931 йилларда Ўзбек йиғма бригадасида, 1934 йил ноябридан Самарқанддаги 19- ўзбек тоғли-отлич дивизияси сиёсий бўлим бошлиғи бўлиб хизмат қилган.

Самарқанд шаҳар партия комитетига аъзо бўлган, Фарғона водийсида, Шарқий Бухорода 1920–1926 йиллари сиёсий ходим бўлиб хизмат қилган.

1937 йил 25 майда тўлғизган шахсий варақада Юнус Мусаевич 1928 йил ЎзССР МИК томонидан босмачиликка қарши курашда фаол иштирок этгани учун фахрий ёрлик билан тақдирлангани, Фарғона водийсида ва Шарқий Бухорода босмачиликни тугатишдаги хизмати учун «Меҳнат Қизил байроқ» ордени билан тақдирлагани қайд этилган, яшаш манзили Самарқанд шаҳри, Советская кўчаси, 14/22 уй кўрсатилган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясининг 1938 йил 10 октябрдаги йиғилишида Наримонов Юнус Мусаевич отувга ҳукм қилинади, ҳукм ўша кунни ўзида ижро этилган.²

У оқланган, партияга тикланган.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 32-иш, 104–105-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 543-варақ.

7. 11 ОКТАБРДА ОТУВГА ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛАР

Пронефьев Захар Яковлевич, 1871 йил 21 февралда Курск области Третьяков қишлоғида ишчи оиласида туғилган, рус, отаси Севастополь портида юк ташувчи бўлиб ишлаган, 1915 йили вафот этган. Ўзи меҳнат фаолиятини слесарликдан бошлаган, 1919 йил январидан Севастополь шаҳрида партиёга қабул қилинган, партиё билети рақами 1361597, 1905 йилдан 1918 йилгача Севастополь шаҳрида РСДРПнинг Интернационалчилар партиёсида бўлган, 1917 йилдан темир йўлчилар союзига аъзо, маълумоти қуйи бўлган, 1898–1901 йиллари Севастопольдаги черков мактабида ўқийди, 1927–1928 йиллари Москвадаги темир йўл транспорти олий комсостав курсида ўқиган.

Унинг меҳнат фаолияти 1937 йил 4 июлда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида ўз аксини топган. Севастополь, Одесса, Луганск, Батуми, Боку, Тупапсе, Николаев- Херсон, Мелитополь, Белгород, Харьков, Свердловск шаҳарларида слесарликдан тортиб, Перм темир йўл Бошқармасига қарашли йўл директори лавозимларида ишлаган. 1930 йил октябридан 1937 йил 4 июлига қадар Тошкент темир йўллари Бошқармасида йўллар бошлиғи бўлиб ишлагани қайд этилган.

1905 йили инқилобий фаолияти учун Севастополь қалъаси комендант томонидан қамоққа олинган, Флот ва артиллерия курулли қўзғолонида иштирок этгани учун сургун этилган, 5 йил яширин ҳолатда юрган.

1911 йили Новороссийскда қамоққа олинган. Севастопольда ҳарбий округ суди 8 йил каторгага ҳукм қилган, 1917 йил инқилоби томонидан амнистия қилинган.

1920 йил апрелида Врангель десантига қарши курашда Метрополь шаҳрида коммунистик отрядда оддий аскар сифатида қатнашган.

1935 йил ва 1936 йил I-кварталида темир йўл юк ташуш давлат режасини ортиғи билан бажаришидаги хизматлари учун СССР Марказий Ижроия Комитети томонидан «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланган. Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партиёси Марказий Комитетининг 1937 йил 26 ноябридаги Бюроси Марказкўм секретари Усмон Юсуповнинг З.Я.Прокофьев ҳақидаги ахборот

ти юзасидан қарор қабул қилади. Унда шундай дейилган: «Прокофьев Захар Яковлевич Тошкент темир бошлиғи вази фасидан олинсин, ЎзКП(б) Марказий Комитети Пленуми таркибидан чиқарилсин, фош қилинган халқ душмани сифатида партия сафидан чиқарилсин.

ВКП(б) Марказий Комитетидан ушбу қарорни тасдиқлаш сўралсин.

Чиндан имзо чекувчи Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитет секретари Юсупов».

Оилали, хотини ва икки боласи бор, яшаш манзили: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 23 уй¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 11 октябрдаги йиғилишида Прокофьев Захар Яковлевич отувга ҳукм қилинди, ҳукм ўша куни ижро этилди². Реабилитация қилинган.

Бабак Михаил Автономович, 1887 йили Кубан области Пешковский станицясида, казак оиласида туғилган, миллати рус, ижтимоий аҳволи – ишчи, 1918 йил 1 апрелда Краснодар партия ячейкаси томонидан партияга қабул қилинган, партияга киргунга қадар 3 йил Шимолий Кавказ темир йўлида машинист, яъни паровозчи бўлиб ишлаган, маълумоти кўйи. 1896–1902 йиллари Пошковский 2 йиллик билим юртида ўқиган, 1907–1909 йиллари курол-аслаҳа мактабида шогирд бўлади, курол устаси мутахассислигига эга бўлади, 1923 йили кечки совет-партия мактабини битади. 1937 йил 12 майда тўлғазган ходимларни ҳисобга шахсий варақасида унинг асосий меҳнат фаолияти акс этирилган. 1913–1915 йиллари Қора денгиз – Кубан темир йўлида (Краснодар шаҳри) слесарь, машинист ёрдамчиси, 1916–1917 йиллари машинист, 1917–1918 йиллари темир йўл ишчи депутатлари совети раиси ўринбосари, 1918–1919 йиллари комиссар, 1919–1920 йиллари Вертеевский революцион комитети раиси вази фаларида ишлаган. Унинг таржимаи ҳолида 1933 йил 1 мартдан Қора денгиз – Кубан темир йўли бўйича слесар ва машинист ёрдамчиси, 1916 йилдан машинист бўлгани, инқилобий фаолияти Пашковский станциясида 1916 йили темир йўлчи ишчилар орасида ташкилий ва тарғибот ишлари олиб бориши жараёнида шаклланган, 1917 йилги февраль инқилобида Қора денгиз – Кубан темир йўлчиларининг иш ташлашларини таш-

¹ ЎзП ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 91-иш, 92–98-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 551-варақ.

кил этган ва раҳбарлик қилган, иш ташлаш комитети раиси ўринбосари сифатида қўлда қурол билан Кубан радасига ва генерал Покровскийга қарши кураш олиб боради, большевиклар партиясидан ташқари бошқа партияларда бўлмаган.

1923 йили Тошкентга келади, Ўрта Осиё темир йўли тизимида ваколатли ходим бўлиб фаолият кўрсатади. Айниқса, Тошкент – Самарқанд йўналиши бўйича темир йўл қатновини яхши йўлга қўяди. 1926–1928 йиллари СССР ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигининг Ўрта Осиёдаги вакили, 1928–1931 йиллари Фрунзе шаҳрида (ҳозирги Бишкек) марказий халқ хўжалиги кенгаши раиси ўринбосари бўлади, 1931–1934 йиллари Ўрта Осиё темир йўли райони бошлиғи, 1934–1935 йиллари Ўрта Осиё темир йўлида катта инспектор, 1935 йилдан Урсатевсий (ҳозирги Ховас) станциясида катта инспектор лавозимида ишлайди.

Ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида унга 1936 йил 15 апрелда ишни яхшилагани учун СССР Алоқа йўллари халқ комиссарлиги томонидан «Хурмат белгиси» ордени билан тақдирлангани, оиласи таркибида хотини, 15 ёшли ўғли, 13 ёшли қизи ва 60 ёшли қайнонаси борлиги, яшаш манзили – Урсатевская станция, Железнодорожий кўчасида, комсомол уйида яшаганлиги, 1924 йил апрелида Туркистон Республикаси аъзоси бўлганлиги, 1927–1934 йилгача Тошкент шаҳар Ленин район партия комитетига аъзо бўлганлиги, украин тилини билганлиги қайд қилинган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябрда Тошкентда ўтказилган йиғилишида Бабак Михаил Автономовични отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

8. 13 ОКТАБРДА ОТУВГА ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛАР

Бекбаулов Исматулла, 1902 йили Тахтақўприк райони «Есим-узьяк» деган жойда туғилган, қорақалпоқ, маълумоти қуйи, отаси камбағал деҳқон бўлган, битта

¹ ЎзП ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 103-иш, 18–21-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 537-варақ.

моли ва битта байтал бияси бўлган, инқилобга қадар ўз хўжалигида деҳқончилик билан шуғулланган, 1904 йили қурғоқчилик бўлиб Кегейли районига кўчиб борилган, бу жойда 1915 йилгача Қурама қишлоғида деҳқончилик билан шуғулланган. Унинг отаси Разимбет Алимиратов бу қишлоқнинг мулласи бўлган, аммо мачити бўлмаган, 1916 йили Чимбойда вафот қилган.

Унинг 1937 йил 8 февралда ёзиб қолдирган таржимаи ҳолида, жумладан мана булар ёзилган:

«... Ота-оналарим ва қариндошларим орасида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар йўқ ва ҳеч қачон совет ҳокимияти томонидан репрессияга тортилмаган. Улардан биронтаси ҳам на эски, на оқлар ва ҳукумат армиясида хизматда бўлмаган. Чет элда қариндошларимдан биронта ҳам бўлмаган.

1917 йили онам темирчи хунарманд Бекбаул Бегаметовга турмушга чиқади ва 1926 йилгача унинг тарбиясида бўлади. 1918 йил Чимбой райони Камсариқ қишлоғидаги кулоқ Хонсултонов Саитназарда батрак бўлиб ишладим.

1919 йилдан 1926 йилгача хунармандчилик (бир ўзим темирчи бўлиб) ўғай отам билан бирга ишладим.

1920–1921 йилларда ўғай отам билан темирчилик қилиб кизил партизанлар ва озиқ-овқат отрядини зарур материаллар билан таъминлаш бўйича ишладим ва биз озиқ-овқат комитети томонидан таъминланиб турганмиз. Шу вақтдан эътиборан мен ўғай отам Бекбаул фамилиясига расман ўтдим.

Қариндошларимдан кичик укам Бекбаулов Ибайдулло, ВКП(б) аъзолигига номзод, ҳозирги вақтда Тўрткўл шаҳрида Қорақалпоғистон давлат театрида директор бўлиб ишламоқда.

1928 йил деҳқон Алимбекнинг қизига, Тахтақўпир районидаги «Жас–Капрат» колхози аъзосига уйландим, хотинимнинг қариндошлари ичида ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар йўқ ва у ВКП(б) аъзоси. 1926 йили Чимбойдаги саводсизликни тугатиш кечки мактабида ўқиб саводимни чиқардим. 1927 йили волост партия автивларини тайёрлаш бўйича курсни битирдим, 1931 йил ноябрдан Москвадаги Шарқ Меҳнаткашлари Коммунистик университетида ўқидим. 1936 йил декабрида Тошкентдаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети хузуридаги район секретарларини қайта тайёрлов курсини битирдим.

Инқилобий ҳаракатларда иштирок этмаганман. ВКП(б) га 1927 йил июль ойида Чимбой округ партия комитетида қабул қилинганман. Бошқа партияларда бўлмаганман, партиядан чиқарилмаганман. Оппозициячи гуруҳларда бўлмаганман ва партиявий жазо олган эмасман»¹.

Таржимаи ҳолида 1918 йили қулоқ Хонсултоновда батрак, 1919–1925 йилларда Чимбойда хунармандчилик, 1926–1927 йилларда Чимбой кутубхонаси мудирини ва клуб қоровули, 1927–1928 йилларда Округ қасаба союзи раиси, 1928 йили Тахтақўпир район Ижроия Комитети масъул котиби, район милицияси бошлиғи, 1928–1929 йилларда Чимбой райкоми маданият ва ташвиқот мудирини, 1929–1930 йилларда Тўртқўлда область партия комитети тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирини, 1930 йили Чимбой райони секретарини, 1930–1931 йилларда Қораўзак райкоми секретарини, 1931–1932 йилларда Москвада Шарқ Халқлари Коммунистик партиясида талаба, 1932 йилда Чимбой райижроқўм раисини, 1933 йили Тўртқўлда Адлия Халқ Комиссарини, 1933 йили КК АССР Марказий Ижроия Комитети Ташкилий бўлим раисини, 1933 йили Тўртқўлда Адлия Халқ Комиссарини, 1933 йили КК АССР Марказий Ижроия Комитети Ташкилий бўлим иструкторини, 1933–1934 йили Қорақалпоғистон нашриёт мудирини, 1934–1935 йилларда Қораўзак райкоми секретарини, 1935 йилдан Чимбой райкоми секретарини вазифаларида ишлагани қайд этилган.

Исматулла Бекбаулов раҳбарлик лавозимларида хизмат қилаётган йиллари фақат бир марта партия органлари қарорини билан ишдан олинган. 1933 йили Адлия Халқ Комиссарини лавозимидан ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси қарорини билан ишдан бўшатишган. Бунга сабаб бир ўқитувчи аёлни квартирасидан ноқонуний кўчириб юборгани бўлган. Бундан ташқари ҳолатларнинг барчасида пастдан юқори лавозимга кўтариш партия қарорлари билан амалга оширилган.

1937 йил 25 майдаги шахсий варақада рус, қозоқ, ўзбек тилларини яхши билгани, уйлангани, яшаш манзили Чимбой, Ленин кўчасидалиги қайд этилган.

Исматулла Бекбулатов СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр йиғилишининг 1938 йил 13 октябрдаги йиғилишида отувга ҳукм қилинган², ҳукм ўша куни

¹ ЎзП ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 126-иш, 153–158-варақлар.

² РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549–551-варақлар.

ижро этилган. Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

Квачев Григорий Федорович, 1903 йил июлида Курск области Беляя қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, миллати украин, отаси октябрь инқилобига қишлоқ хўжалиги ва корандалиқ билан, октябрь инқилобидан кейин ҳам қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган. Григорий Федоровичнинг ижтимоий аҳволи – хизматчи. Қизил армияда оддий аскар, 1920 йил мартдан ВКП(б) аъзоси, партия билети рақами 0228254, 196- Эвакуация пунктида парторг, 1919–1925 йиллари ВЛКСМ, 1921 йилдан ер органлари союзи аъзоси.

1911–1917 йилларда Курск области Беляя қишлоғидаги халқ маорифи министрлиги билим юртининг 2-синфини битирган, 1921 йили Симферопольдаги ҳарбий озиқ-овқат курсини, 1927 йили Курскдаги райком секретарлари курсини битирган.

1937 йил 26 майда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида унинг меҳнат фаолияти ўз аксини топган. 1917 йил июнидан 1918 йил июнигача Беляя қишлоғидаги помешчикнинг ер-мулкида табелчи бўлган.

1918 йил июн 1919 йил декабрда қишлоқ кооперативидида ҳисобчи; 1920 йил февраль – 1920 йил декабрь Жанубий фронт XIII армиядаги Симферополь шахрида 196 Эвакопунктида оддий аскар, сиёсий раҳбар; 1921 йил май – 1921 йил ноябрда Мелитополь шахрида 196 – Эвакопункт ҳарбий комиссари вазифасини бажарувчи; 1921 йил май – 1924 йил июль Беляя қишлоғида 28- сонли тайёрлов конторасида ҳисоб бўйича мудар; 1922 йил май – 1922 йил декабрь Курскдаги Грайворон шахрида уезд озиқ-овқат комитетида катта инспектор; 1922 йил декабрь – 1924 йил июль Беляя қишлоғида волость ижроия комитети раиси вазифаларини бажарган.

1924 йил июль – 1924 декабрида Грайварон шахрида ижрокўм раиси, 1924 йил март – 1925 йил май губерна судида терговчи, 1925 йил май – 1926 йил октябрида Грайварон шахрида уезд милицияси бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган. Г.Ф.Квачев партия органларида ҳам раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 1926 йил октябридан 1927 йил апрелигача Беляя қишлоғида район партия комитетининг секретари, яна шу лавозимда, шу жойда 1927 йил ишлаган. Грайворонда уезд ер бўлими мудирини

(1927 йил ноябрь – 1928 йил сентябрь), Харьков губернаси Лубнқ шахрида округ қидирув бўлими бошлиғи (1928 йил сентябрь – 1928 йил ноябрь) бўлган. У 1928 йил ноябридан партия йўлланмасига кўра Ўрта Осиёга юборилди. Сталинабод (Душанбе) шахрида Тожикистон колхозлар маркази раиси (1928–1929), ер-сув ишлари халқ комиссари ўринбосари (1929–1930), Иркутскда Шарқий Сибир ўлкаси ер ишлари мудирининг ўринбосари (1930–1932), Тўрткўл шахрида Қорақалпоғистон АССР ер-сув халқ комиссарларининг ўринбосари (1933), пахта-трактор маркази бошқармасининг бошлиғининг ўринбосари (1933–1934), ер-сув ишлари халқ комиссари ўринбосари (1934–1936), Қорақалпоғистон область партия комитетининг қишлоқ хўжалиғининг бўлими мудирининг (1936 йилдан 1937 йил 26 майгача) бўлиб хизмат қилди.

Шахсий варақада белорус, рус, украин тилларини билиши, Врангель ва Махнога қарши 1920 йили Жанубий фронтда жанглар олиб боргани, юқори партия ва совет органлари таркибига аъзо бўлиб сайланган, 1927 йили Курск губернаси совети Осоавихим томонидан чет жойларда ишни яхши ташкиллаштиргани учун «Активист» белгиси ва Фахрий ёрлиқ билан, 1935 йили СССР ер-сув ишлари халқ комиссарлиғининг томонидан пахта режасининг бажаргани ва ортининг билан бажаргани учун уч ойлик маош билан мукофотлангани, уйлангани, яшаш манзили – Тўрткўл шаҳри, шаҳар стадиони экани қайд этилган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 13 октябрдаги йиғилишида Квачев Григорий Федорович отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган².

Ҳозирда реабилитация қилинган.

Содиқов Собиржон, 1898 йили Тошкент шахрида косиб оиласида туғилган, ўзбек, инқилобга қадар отаси яқка холда косибчилик қилган, инқилобдан кейин кексалиғини туфайли меҳнатдан қолади. С.Содиқов 1908–1912 йиллари Тошкент шахридаги рус-тузем билим юртининг 4 синфини битирган, 7 йил ўқитувчилик қилган, 1928 йил январида Тошкент Эски шаҳар район партия комитетининг партияга ўтган (1374011), маълумоти тугалланмаган ўрта.

¹ ЎзП ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 365-иш, 150–151-варақлар.

² РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549–551-варақлар.

Меҳнат фаолиятини ўз уйида 1913–1915 йиллари этикдўзликдан бошлаган, 1915–1917 йиллари Шукуржонов деган савдогарда мўйнадўзлик қилган, 1917–1918 йиллари яна уйда косибчилик қилган. 1919 йил ноябрида Туркистон фронтини ҳарбий кийим-кечак билан таъминловчи коммунада тикувчилик қилади, аynи вақтда «Чигатой» мактабида ўқитувчилик қилади, 1926–1927 йиллари Тошкент шаҳар Куйбишев район халқ таълими бўлимида масъул котиб, 1927–1929 йиллари Тошкент округ маорифида масъул котиб, 1927–1930 йиллари Самарқандда Ўзбекистон маорифчилар касаба уюшмаси раиси, 1930–1931 йиллари Шредер номидаги Ўзбекистон зонал қишлоқ хўжалиги станцияси директори, 1931–1933 йиллар ЎзССР ер-сув ишлари халқ комиссарлиги кадрлар Бошқармаси бошлиғи, бир вақтнинг ўзида Социалистик деҳқончилик илмий-тадқиқот институти директори, 1933–1934 йиллари Ўзбекистон алоқа Бошқармаси методисти, 1934–1936 йиллари Тошкент шаҳар Оржаникидзе район партия комитети инструктори, 1936 йил июнидан 1937 йил апрелигача ВКП(б) Куйбишев район партия комитети секретари, 1937 йил апрелидан Қорақалпоғистон АССРда Нукусда Шохбоз МТС директори вазифаларида меҳнат қилган. Форс, турк, тожик, озарбайжон, туркман, татар, рус, уйғур, қозок, қорақалпоқ тилларида гапириб, ёза олган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябрда Тошкентда ўтказилган йиғилишида Содиқов Собиржонни отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

Раджабов Хамрақул, 1895 йили Самарқанд шаҳрида камбағал-ишчи оиласида туғилган, тожик, маълумоти қуйи, 1927 йилдан партия аъзоси, партия билети рақами 0833835, Самарқанддаги аграр-пахтачилик факультетида 1 йил ўқиган.

Унинг 1937 йил 10 апрелда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида меҳнат фаолияти акс этган:

1912 йили Самарқанд шаҳридаги «Otto-Boroy» фирма-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 134-иш, 48–49-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549-варақ.

сининг пиво ишлаб чиқарувчи заводиди қора ишчи бўлиб ишга кирази ва 1917 йилгача шу жойда меҳнат қилади.

1918–1920 йилларда темирчилик устахонасида шогирд, 1920–1922 йиллари Бутунроссия фавкулудда комиссияси махсус бўлими темирчилик устахонасида этикка темир нағал қоқувчи бўлиб ишлайди.

1922–1923 йилларда Холназаровнинг хусусий Терк заводида ишчи, 1923–1927 йиллари Самарқанд шаҳридаги Квартал комитетида темирчи, 1927–1930 йиллари Самарқанд шаҳар кишлоқ матлубот жамияти раиси, 1930–1931 йиллари Эронийлар районида раис, Пахтачилик институти тингловчиси, 1932–1933 йилларда Самарқанд шаҳар ижроия комитети раиси ўринбосари, кейин эса раис бўлиб хизмат қилган, шаҳар советида тайёрлов бўйича совет раиси ўринбосари бўлган, рус ва ўзбек тилларини билган, партия, совет органларига сайловларда аъзо бўлиб сайланган, давлат аппарати тозаловидан ўтган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 13 октябрда Тошкентда ўтказилган йиғилишида Раджабов Ҳамракул отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

Ташенов Андир, 1902 йили Актюбинск области Арадтобонан районида камбағал деҳқон оилада туғилган, қозоқ, ижтимоий аҳволи – камбағал деҳқон, 1917 йили рус-қозоқ мактабини 2 синфини битирган, 1924 йили майда Хивада партияга қабул қилинган, партия билети рақами 0897444, 1920–1924 йиллари комсомолда бўлган.

1920–1921 йилларда Оренбургдаги ҳарбий мактаб курсанти, 1921–1923 йилларда Ададтабанан уезд милициясида, 1923–1925 йилларда Хивада, Хоразмда отлик аскар командири, 1925–1928 йилларда Хўжайлида округ ижроия комитети котиби, 1928–1929 йилларда Тўрткўл округ ижроия комитетида инструктор, 1929–1930 йилларда Тошкент район ижроия комитети раиси ўринбосари, 1930–1931 йилларда Қўнғирот район ижроия комитети раиси ўринбосари, 1931–1932 йилларда Тўрткўл шаҳрида округ ижроия комитет котиби, 1932–1933 йилларда Қорақалпоғистон АССР Молия

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 98-иш, 47–50-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549-варақ.

Халқ Комиссарлигида ходимлар бўлими мудири, 1933–1936 йилларда Шайхишон район ер бўлими мудири, 1936 йилдан шу райондаги машина-трактор станциясига директор лавозимларида фаолият кўрсатган.

Шахсий варақада рус, қозоқ, қорақалпоқ тилларини билгани, 1919–1921 йиллари қизил армияда бўлгани, 1920 йили Оренбург ёнида Сапожков бандасига ва Хоразмда Жунаидхон бошлиқ босмачиларга қарши курашда иштирок этгани, уйлангани, яшаш манзили Шайхаман экани қайд этилган. Шахсий варақа 1937 йил 26 апрелида тўлғизилган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 13 октябрдаги йиғилиши Андир Ташеновни отувга ҳукм этган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Реабилитация қилинган.

Пирназаров Алланазар, 1903 йили Қорақалпоғистон АССР, Кегейли райони, 7 овулда камбағал деҳқон оиласида туғилган, қорақалпоқ, инқилобдан кейин хизматчи, девонхона ходими, маълумоти куйи, 1929–1930 йилларда Тошкентдаги Ўрта Осиё юридик техникумини битириб, Суд ходими мутахассислигига эга бўлган. 1932–1934 йилларда Москвада соҳа бўйича ўқиган.

1937 йил 7 июнда тўлғизилган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида унинг меҳнат фаолияти ўз аксини топган:

1919–1924 йиллар Кегейли районида қишлоқ совети секретари, 1924-VIII-1924 йй. Округ ер бўлимида секретарь (Чимбай), 1930-X- 1931 II область прокуратурасида катта терговчи (Тўрткўл), 1931 II- 1932 й. Район прокурори (Хожейли, Чимбой), 1932 II- 1932 VI. Ишчи-деҳқон инспекцияси Халқ комиссарлигида катта инструктор, 1932 VI- 1932 XI. Олий суд раиси ўринбосари, 1934 VI- 1934 IX. Олий суд раиси ўринбосари, 1934 V- 1937 V. Қорақалпоғистон АССР Олий суди раиси ўринбосари. (Тўрткўл шахри).

1936 йилги Советларнинг 3- чақирик сайловида Қорақалпоғистон АССР Марказий Ижроия Комитетига аъзо бўлиб сайланган, қозоқ, рус, ўзбек, қорақалпоқ тилларини билади.

Унга 1927 йил миллий гуруҳбозликда иштирок этгани учун қатъий хайфсан эълон қилинган, 1930 йили ҳам

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 5-иш, 69–70-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 548-варақ.

катъий хайфсан эълон қилинган, оилалик, яшаш манзили-Тўрткўл шаҳри, Шўрохон кўчаси, 7 уй¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 13 октябрдаги йиғилишида Пирназаров Алланазар отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.



Саттаров Заки, 1904 йил 15 мартда Абдри қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, татар, асосий касби – хизматчи, 1930 йил 4 августда Зарафшон партия ташкилотида партияга қабул қилинган, партия билети рақами 1368715, 1927 йилдан комсомол аъзоси, маълумоти куйи ўрта, 1922 йил Самарқанддаги интернатда 4 синфни битирган, 1923 йил 1 июлдан 1930 йил 10 январигача 6 ойлик колхозлар маркази курсида ўқиган. 1936 йил 1 январдан

1936 йил 1 мартгача Москвада 2 ойлик редакторлар тайёрлов курсида ўқиган.

1937 йил 28 мартда Самарқанд шаҳрида рус тилида ёзган таржимаи ҳоли унинг 1937 йил 2 апрелда расмийлашган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида келтирилган. Ундан айрим маълумотлар келтирамиз: «1904 йил 15 мартда туғилганман. Ери кам бўлган камбағал деҳқон оиласидан чиққанман. Собиқ Самара Губернаси, Ставрополск – Меленесек уезди Ялковск волости, Абдри қишлоғидан (ҳозирги Қуйбишев ўлкаси Меленесек райони, Абдри қишлоғи), миллатим татар, паспортим Марҳамат район милицияси томонидан берилган».

Меҳнат фаолияти 1917 йил 15 майдан бошланган, Абдри қишлоғидаги Хошир деган қулоқда батрак бўлган, Самарлада, кейин Самарқандда интернатда ўқиган, 1922 йил 25 мартдан 1923 йил 1 январигача Сарабош қишлоғидаги Бобомурод халфада батрак бўлиб ишлаган, шундан сўнг Самарқанд область Довул волостидаги Имомназар Бобоназар бойда хизматкор бўлган. 1923 йил 1 ноябридан 1925

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 79-иш, 162–163-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 546-варақ.

йил 10 октябргача Искандар қишлоғидаги «Искандар» номли уруғчилик хўжалигида, 1925–1926 йиллари Бокуда темир йўл қурилишида, 1926–1927 йиллари Каттақўрғон уезди Чамбой волость ижроия комитетида Қоракурсақ қишлоғида масъул котиб, 1928 йил 25 апрелдан 1929 йил 1 июлигача Каттақўрғонда жойлашган республика 1-иззоляторидида ўқув тарбиявий бўлим мудир, Каттақўрғон район қишлоқ хўжалиги Кредит ширкати раиси бўлиб хизмат қилган. 1930–1932-йилларда Мирбозорда Нарпай район колхозлар союзи раиси, 1932 йил декабригача Каттақўрғон райони бўйича шикоятлар қабул қилиш бюроси мудир бўлган. 1932 йил 8 декабридан 1933 йил 1 октябргача ЎзКомпартия Марказий Комитети органи «Колхоз йўли» газетаси таҳририятининг Андижон ва Асака шаҳарларидаги махсус мухбири бўлиб хизмат қилган.

З.К.Саттаров 1933 йил 1 октябридан 1934 йил 1 октябригача Марҳамат районидаги «Сталинчилар овози» газетасига муҳаррир, МТС сиёсий бўлим бошлиғи, район ижроия комитети раиси вазифасида фаолият кўрсатади.

У 1931 йил 1 октябридан 1937 йил 28 мартгача Самарқанд шаҳар партия комитети органи, ҳар куни чиқадиган «Ленин йўли» газетасига масъул муҳаррир бўлган.

1933 йили Руское селода Марҳамат район ижроия комитети пленумида З.Саттаров пленум аъзоси ва ижроқўм президиуми аъзоси, Марҳамат район ижроия комитети раиси ўринбосари қилиб сайланади. Ўз даврида Марҳамат райони ва Самарқанд шаҳар партия комитетларига аъзо бўлиб сайланган.

Шахсий варақада турк, рус, қозоқ, ўзбек, татар тилларини билиши қайд қилинган.

1937 йил 27 майда партиявий хушёрликни сусайтиргани учун ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўзбекистон бўйича партия контрол комиссияси вакили томонидан З.Саттаровга қатъий хайфсан эълон қилинган. Унинг яшаш манзили – Самарқанд шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 21-уй бўлган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 13 октябрдаги йиғилиши Заки Қиёмович Саттаровни отувга ҳукм қилган, ҳукм ўша куни ижро этилган².

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 147-иш, 1–14-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 545-варақ.



Тауманов Туркменбай, 1901 йили Тўрткўл райони Чибиқлин овулида ишчи оиласида туғилган, миллати қozoқ, отаси Тауман 1905 йилдан Тўрткўл пахта заводида ишчи бўлган. Отасининг хўжалиги ночор бўлгани сабабидан Туркменбайни 1913 йилдан 1919 йилгача Эшниёз, Жусуптўра, Жавудатўра, Қутлимурод Жавлан, Шаппоф исмли бойларда хизматкор бўлиб кун кечирган. 1919 йилдан 1921 йилгача Тўрткўлдаги икки босқичли

мактабда қоровул, 1921 йилдан 1922 йилгача юк ташувчи қайиқлар капитани Абдулла Дарғада ёлланиб матрос лавозимида ишлайди. 1922 йилдан 1923 йилгача Тўрткўл районидаги Шўраҳон қишлоғида янги мактаб қурилиши учун гишт тайёрлаш билан шуғулланган. 1923 йилдан 1924 йилгача этикдўз Матниёз Тошимов раҳбарлигида этикдўзлик қилади. 1924 йилдан 1926 йилгача пахта тозалаш, ёғ-мой ва совун ишлаб чиқариш заводларида формовшиқ, ўт ёқувчи бўлиб ишлайди. 1926 йилдан 1928 йилгача пахта завод ишчилари уни завод касаба союз комитетига раис қилиб сайлашади, 1928–1929 йиллари область Қўшчи союзига раис, 1929 йилдан Тандин район партия комитетида биринчи масъул котиб бўлиб ишлайди, 1930 йил майдан 1931 йил июлига қадар Москва шаҳридаги Сталин номли Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетида таҳсил олади, 1932 йил июл–сентябр ойларида область партия комитети маданият ва ташвиқот бўлимида инструктор, 1932 йил сентябридан 1934 йил 1 январигача Қипчоқ район партия комитетининг масъул секретари бўлиб хизмат қилади. 1934 йил январидан 1935 йил январигача марксизм-ленинизм Ўрта Осиё курсида ўқийди. Ўқишни битиргач Кегейли район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлайди. У область партия комитети, область контрол комиссияси, Қорақалпоғистон АССР Марказий Ижроия комитетига аъзо бўлиб сайланган. Унинг шахсий варақасида рус, ўзбек, қорақалпоқ, қozoқ тилларини билгани, 1934 йили партия тозаловидан ўтгани, уйлангани, яшаш манзили – Кегели қишлоғи, Карл Маркс кўчаси экани қайд этилган¹.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 142-иш, 44-53-варақлар.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 13 октябрдаги йиғилиши Тауманов Туркменбайни отувга ҳукм қилган, ҳукм ўша куни ижро этилган¹.

Қличев Собир, 1897 йили март ойида Тўрткўл райони Сарабой қишлоғида хунарманд оилада туғилган, ўзбек, маълумоти йўқ, октябрь революциясигача ва ундан кейин ҳам деҳқончилик билан машғул бўлган. 1921 йили Амударё области партия комитети ташкилотида партиёга кирган, партия билети рақами – 0897255, 1922 йилдан сиёсий маорифчилар қасаба союзи аъзоси.

1919 йили Тўрткўлда 3-ойлик партия мактабида, 1929–1931 йилларда Тошкентда Ўрта Осие Коммунистик университетида ўқиган.

1914–1916 йиллари Тўрткўл райони Сохтиан овулида Аллаберган бой кўлида батрак, 1916–1919 йилларда Сарабой қишлоғидаги пахта заводида ишчи, 1919 йили Басков тегирмонида ишчи бўлиб меҳнат қилган. 1920 йил февралдан 1921 йил февралигача Хивада Туркистон fronti сиёсий бўлимида ташвиқотчи, 1921 йил февралдан 1923 йил декабрида Сарабой волости комсомол комитети секретари, ўша волост ижроия комитет раиси (1924–1925), Қорақалпоғистон АССР Чимбойда округ ер бўлими мудир (1925–1926), Тўрткўлда округ партия комитетида инструктор (1926–1928), Тўрткўл район ер бўлими мудир (1928–1929), САКЎда талаба (1929–1931), Шоббоз район партия комитетининг секретари (1931–1932), Тошкентдаги САВК-ХИ талабаси (1933–1935), Қўнғирот район партия комитети секретари (1935 йил апрелдан) вазифаларида хизмат қилиб келган. 1932 йил Қорақалпоғистон АССР Марказий Ижроия комитетининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган, оилалик, яшаш манзили – Қўнғирот қишлоғи, Рабочая кўчаси, 10- уй, шахсий варақа 1937 йил 26 майда тўлғизилган².

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 13 октябрдаги йиғилиши Қличев Собирни отувга ҳукм қилган, ҳукм ўша куни ижро этилган³.

Реабилитация қилиниб партиёга тикланган.

Долмонов Ўразмбет, 1901 йили Тўрткўл райони Шўраш қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, қозоқ 1925

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 541-варак.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 372-иш, 107–108-вараклар.

³ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 547-варак.

йил 14 сентябрда партияга ўтган, партия билети рақами 0228410, 1920 йилдан 1927 йилгача революцион комитет аъзоси, маълумоти қуйи ўрта, 1928–1929 йилларда Москвада Шарқ Халқлари Коммунистик Университети, Ижтимоий-оммавий ишлар пропагандисти мутахассислигини эгаллаган.

1937 йил 18 майда ҳодимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида унинг меҳнат фаолияти ўз ифодасини топган:

1913–1919 йилларда Тўрткўл райони Ачпа қишлоғида ўзининг деҳқончилик ҳўжалигида меҳнат қилган, 1919 йил февралдан 1921 йил февралигача Шўрхак қишлоғидаги интернатда ўқиган, 1921 йил мартдан I- босқичини мактабда ўқитувчи (Ҳазорасп шаҳрида), 1922–1924 йилларда Тошкент шаҳрида ишчи факультетида таҳсил олган, 1924 йил июнидан 1925 йил октябрига қадар Қорақалпоғистон АССР область комсомол комитети ташкилий бўлим мудирини бўлиб хизмат қилган ва область суди раиси ўринбосари бўлиб, 1925 йил октябридан 1927 йил сентябригача Қорақалпоғистон Риф область суди раиси ўринбосари бўлиб ишлаган.

У тез орада совет раҳбар органларига сайланади. 1927 йил сентябридан 1928 йил августигача Хўжайли шаҳрида округ ижроия комитети раиси лавозимида фаолият кўрсатади. Москвада ўқишни битириб келгач, Қозоғистон ССР Пахтаорол район партия комитетида ташкилий бўлим мудирини, 1933–1935 йилларда Қарақалпоғистон АССР Тўрткўл шаҳридаги совет-партия мактаби директори, 1935 йил мартдан 1936 йил мартигача Хўжайли райкоми масъул секретари бўлиб хизмат қилади.

1936 йил мартдан Шаббоз район ижроия комитети раиси ўринбосари ва бир вақтнинг ўзида ўриндошлик асосида район план комиссияси раиси лавозимида ишлайди. Уйланган, яшаш манзили – Шаббоз қишлоғи, ётоқхона. Шахсий варақа 1937 йил 18 майда тўлғизилган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегия сайёр сессиясининг 1938 йил 13 октябридаги йиғилишида Дилмонов Ўрозмбет отувга ҳукм қилинади². Партия XX съезидан кейин реабилитация қилинган.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 240-иш, 27–29-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 537-варақ.

Умаров Султон, 1906 йил Чимкент шаҳрида дехқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, 1927 йил октябридан партия аъзоси, партияга кирган вақтда ўқувчи бўлган, Тошкент шаҳридаги педагогика техникумини 1928 йили битирган, 1934–1935 йилларда Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари Коммунистик университетининг миллий партия ходимлари тайёрлаш курсини битирган.



Ходимларни ҳисобга олиш бўйича 1937 йил 28 апрелда тўлғизган шахсий варақасига илова қилиб тиркалган таржимаи ҳолида унинг меҳнат фаолияти ифодаланган. Ундан айрим лавҳалар келтирамыз.

Унинг отаси 4–5 гектар ерга, 1 отга, 1 хўкизга эга бўлиб беш фарзанд боққан. Фарзандларининг кенжаси Султон бўлган. Улар хўжалигида пахта ва буғдой етиштирилган, онаси уй бекаси. Султон 1916 йилгача оилада тарбияланади, ўша йил охирида отаси қазо қилади. 10 яшар катта акаси қарамоғида қолади, 1919 йилгача дехқончилик билан шуғулланади.

4 акаси Чимкентда яшайди, ҳар бири 1 тадан от, 1 тадан мол ва 1 гектардан ерга эга бўлган, 2 та акаси колхозда ишлаган.

1918 йили озиқ-овқат тақчиллиги авжига чиққанида Султон болалар уйига, интернатга берилади, 1919–1922 йилларда у шу жойда тарбияланади, 1921 йили комсомолга ўтади. 1922 йил охирида Чимкент шаҳар комсомол ташкилоти ўқиш учун Тошкентдаги педтехникумига (собик ўзбек маориф интернати) юборади. 1928 йилгача ўқийди.

1925 йили «партияга Ленин чақириғи» компанияси даврида партияга номзод, 1927 йили партия аъзоси бўлади. Ўқишни тугатгач, йўлланма билан Бухоро шаҳридаги кишлоқ хўжалиги техникумига ўқитувчи қилиб юборилади.

1930 йили Чимкентга келади. 1931 йил 1 январидан «Қизил кишлоқ» номли ўзбек газетаси таҳририятида адабий ходим бўлиб ишлай бошлайди. Кўп ўтмай 7 йиллик ўзбек мактабида ўқитувчилик қилади. Тез орада у Чимкент райкомида инструкторликка ўтади, райком қарори билан шаҳар халқ маорифи бўлимига катта инспектор

бўлиб ўтади. 1932 йил февраль охиридан Чимкент шаҳар партия комитети оммавий-тарғибот бўлими мудир вазифасига кўтарилди. 1924 йил январь бошларида Жанубий Қозоғистон область партия комитети қарори билан Москвага Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетига ўқишга юборилди, ўқишни тугатиб келганидан сўнг область партия комитетида инструктор бўлиб 1935 йил май охиригача хизмат қилади. Шу вақтдан бошлаб у Шаббоз райком партия секретари бўлиб ишлайди.

Техикумни битиргандан сўнг ўзбек темирчи устанинг қизига уйланади, у ўзбек хотин-қизлар техникумини битириб Чимкент шаҳрида редакцияда ишлаган, кейин бошланғич мактабда ўқитувчилик қилган.

Султон Умаров 1929 ва 1934 йилги партия тозаловларидан ўтган, ҳеч қандай эътироз билдирилмаган, суд ва маъмурий жиҳатдан жавобгарликка тортилмаган, ҳар доим ижобий тавсифномага эга бўлган.

Рус, козоқ, қорақалпоқ тилларини билган.

Яшаш манзили – Қорақалпоғистон АССР Шаббоз райони 16-уй бўлган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 13 октябрдаги йиғилишида Умаров Султон олий жазога ҳукм қилинади, ҳукм ўша куни ижро этилади². Ҳозирда оқланган.

Нуржонов Сафарбой Нуриллаевич, 1906 йили Қорақалпоғистон АССР Чимбой шаҳрида батрак ва ҳунарманд оилада туғилган, қорақалпоқ, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1931 йилдан партия аъзоси, Тўрткўл шаҳар партия комитетида қабул қилинган, партия билети рақами 2874238, 1926 йилдан суд ва прокуратура касаба уюшмаси аъзоси, 1923 йилдан 1929 йилгача ВЛКСМ аъзоси, маълумоти куйи, 1921–1923 йилларда Ўрта Осиё юридик курсини, 1925–1926 йиллари Москвадаги Бутуниттифоқ юридик курсида ўқиган, суд, прокуратура ходими мутахассислигига эга бўлган. 1917–1920 йиллари Чимбойнинг 10- овулида батраклик билан кун кечирган, 1926–1927 йиллари Кўнғирот шаҳрида область прокуратурасида терговчи, округ ижроия комитетида, революцион комитетда раис бўлган, 1927–1928 йилларда Тўрткўлда, 1928–1929 йилларда Хўжайлида,

¹ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 174-иш, 67–78-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 539-варақ.

1929–1930 йиллари Тўрткўлда хизмат қилган. 1930 йили Тўрткўл шаҳридаги ГПУ вакили, 1930–1931 йиллари область суди аъзоси, 1931–1932 йиллари область колхоз союзида вакил, 1932–1933 йилларда Халқ адлия вазирлигида маҳаллий комитет раиси, 1935 йилдан Тўрткўлда область прокурори ўринбосари вазифаларида ишлаган. Рус ва қозок тилларини яхши билган.

1933 йил ноябрида область назорат комиссияси томонидан суиистеъмоллик қилгани учун хайфсан олган, кейинчалик хайфсан олиб ташланган, уйланган, яшаш манзили – Шўрохон, 7- уй.

Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақани 1937 йил 4 июнда тўлғизган, уни 1937 йил 5 июнда партия комитети секретари тасдиқлаган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 13 октябрдаги йиғилишида Нуржонов Сафарбой олий жазога ҳукм қилинади, ҳукм ўша куни ижро этилади². Ҳозирда оқланган.

Бажаков Колимулла, 1903 йил 6 сентябрда Қозоғистоннинг Букеев губернаси Урдин уезди «Орол» овулида деҳқон оилада туғилган, миллати қозок, ота-оналари инқилобгача ҳам, инқилобдан кейин ҳам ғалла етиштириш билан тирикчилик қилишган. Колимулла 13 ёшгача ота-онаси қарамоғида, тарбиясида бўлган, ёз ойларида уларга қишлоқ хўжалик ишларида ёрдам бериб турган, 13 ёшдан 17 ёшгача қиш мавсумида ўқиган, ёз мавсумида қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган. 1919 йил декабридан 1923 йил августига қадар советлар хизматида бўлади. 1920 йил 22 мартдан қасаба уюшмаси аъзоси, Баскун туз ишлаб чиқариш саноатида ишчи-деҳқон инспекцияси вакили бўлиб 7 ой ишлаган, кейин 8 ой Урдин уезд-шаҳар милицияси бошлиғи бўлиб ишлайди. 1923 йил августидан маълумотини ошириш мақсадида Оренбургга келади, бу ерда Қозоғистон ўлкаси медицина техникумида ўқийди, 1923 йил 20 мартдан комсомол сафида бўлган.

Унга 1924 йил 17 октябрда берилган тавсифномада комсомол ячейкасининг раҳбари, унинг котиби бўлиб ишда ташаббус кўрсатгани, 1923 йилдаги текширувда II гуруҳга мансублиги, интизомлилиги, 1923–1924 йилларда ўқиш би-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 174-иш, 113–139-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 539-варақ.

лан ўта банд бўлгани ва касаллиги туфайли ишламайди. Ушбу тавсифнома ўртоқ Бажаковга партиёга кириш учун берилди ва район комсомоли комитети ячейкаси бюроси томонидан тасдиқланди, деб кўрсатилган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 13 октябрдаги йиғилишида Бажаков Қолимулла олий жазога ҳукм қилинади, ҳукм ўша куни ижро этилади². Ҳозирда оқланган.

Бекмуротов Айтжон, 1901 йил Қорақалпоғистон АССР Тахтақўпир райони 8- овулда батрак оилада туғилган, миллати қорақалпоқ, отаси ёлланма батрак бўлиб ишлаган. Октябрь инқилобидан сўнг хунарманд, этикдўз бўлиб тирикчилик қилган. Айтжон маълумоти – ўрта, 1926 йил июнидан декабригача Қизил Ўрдадаги 6 ойлик ўлка қишлоқ мактабини битирган. 1927 йил июлидан 1932 йил майигача Тошкентдаги Ўрта Осие Коммунистик университетда ўқиган. 1927 йил майдан партиё аъзоси, партиё билети рақами 1183880, 1927 йилдан суд, прокуратура ходимлари касаба уюшмаси аъзоси.

1937 йил 25 майда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида ўзи ишлаган муассасаларни бирма-бир қайд этган.

1913–1914 йилларда Чимбой шаҳрида Каипназаров деган бойда ёлланиб батрак бўлган. Худди шундай асосда Қурбонов, Иброхимхўжа, Полмонов деган бойлар кўлида 1914–1919 йиллари меҳнат қилган.

1918–1920 йилларда ғалла тайёрлов конторасида қоровул, 1920–1923 йилларда пахтачилик кооперациясида ишбоши, 1924–1926 йилларда Чимбой округ «Кўшчи» союзида, 1926–1927 йилларда Қизил Ўрда шаҳрида Қизил Ўрда Марказий Ижроия Комитетида инструктор бўлиб хизмат қилган. Тошкентда САКУни битириб келгач, (1931–1932) Тошкентда ўлка радио-газетасида (қорақалпоқ тилида) муҳаррир бўлиб фаолият кўрсатган.

1932 йилдан Тўрткўлда область партиё комитетининг оммавий тарғибот, маданият бўлими мудири, 1933 йилдан Қорақалпоғистон АССР Адлия халқ комиссари ўринбосари бўлиб хизмат қилган. Қозоқ, қирғиз, татар, ўзбек, рус тилларини яхши билган.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 108-иш, 83–87-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 539-варақ.

1935 йил февралдан 1936 йил июлигача Москвада СССР Марказий Ижроия Комитети ҳузуридаги ташқи юридик ва ҳуқуқ курсини битириб келади. 1936 йил июлидан Қорақалпоғистон АССР Адлия халқ комиссари бўлиб ишлайди. Уйланган, Тўрткўл шаҳар, Ленин кўчаси, 21- уйда яшаган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 13 октябрдаги йиғилишида Бекмуротов Айтжон олий жазога ҳукм қилинади, ҳукм ўша куни ижро этилади². Ҳозирда оқланган.

Туреєв Сейит, 1905 йили Тўрткўл районида руҳоний оилада туғилган, миллати қорақалпоқ, отаси 1916–1917 йиллари мулла бўлган, маълумоти ўрта, рус-тузем мактабини 2- синфини, 6 ойлик волост ижроия комитетлари секретарлари курсини, марксизм-ленинизм курсини битирган. 1927 йил декабридан партия аъзоси, партия билети рақами 0228256. 1921–1929 йиллари ВЛКСМ аъзоси бўлган.

1919–1924 йиллари Тўрткўлдаги болалар уйида тарбия топган. 1925 йили Қорақалпоқ область комсомол комитетида ҳисоб ва тақсимот бўлимида ҳисобчи, 1925 йил июлидан 1926 йил декабригача округ комсомол комитетининг масъул котиби, 1926 йил июлидан 1926 йил декабригача обком комсомол ташкилий бўлим мудири, 1926 йил декабридан 1927 йил июлигача иқтисодиёт бўлими мудири, 1927 йил декабридан 1928 йил июлигача масъул котиби, 1928 йил июлидан 1929 йил мартагача Москвада ўқишда (уезд партия ташкилоти ходимларини тайёрлаш курсида) бўлган.

Ўқишдан келиб, Тўрткўлдаги 89-сонли пахта заводидаги партия ячейкаси масъул котиби бўлиб хизмат қилган. 1929 йили Тошкентдаги ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси ҳузуридаги партия ходимларини тайёрлаш курсида ўқийди, ўқишдан келиб область партия комитетида масъул инструктор бўлиб хизмат қилган. 1929 йил ноябридан 1930 йил майгача Тахтақўпир, Кегейли район партия комитетларининг масъул котиби (1930 й), 1930 йил декабридан 1932 йил декабригача область партия комитети маданият-тарғибот бўлими мудири, 1932–1933 йилларда Москвада марксизм-ленинизм курсида ўқиган, 1933 йил июлидан декабригача «Қизил Қорақалпоғистон» газетасида

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 128-иш, 49–50-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 542-варақ.

бўлим мудири, 1933 йил июлидан 1934 йил июлигача Чимбой райкомининг секретари ўринбосари, 1935 йил июлидан 1937 йил давомида Қорақалпоғистон АССР Халқ Маорифи комиссари бўлиб хизмат қилган.

Рус, ўзбек, қозоқ тилларини яхши билган. Шахсий варақасидаги «гражданлар уруши давридаги жангларда қатнашганмисиз?» деган саволга у 1924–1925 йилларда Хоразмда, Тўрткўлда босмачиликни тугатишда иштирок этганман, деб ёзган. 1936 йил область партия комитети мактаб қурилишини барбод этгани учун унга хайфсан эълон қилгани, уйлангани, яшаш манзили – Тўрткўл шаҳри, Шўраҳон кўчаси, 9-уй, деб кўрсатилган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 13 октябрдаги йиғилишида Туреев Сейит олий жазога ҳукм қилинади, ҳукм ўша куни ижро этилади². Ҳозирда оқланган.

9. 14 ОКТАБРДА ОТУВГА ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛАР

Абдуқаюмов Дехқонбой, 1893 йили Қўқон шаҳрида туғилган, ўзбек, батрак оиладан, отаси 1920 йили вафот этган, ижтимоий аҳволи – ишчи, 1928 йил 13 февралда партияга ўтган. Парт билети – 1362340, маълумоти қуйи, саводсизликни тугатиш мактабида, Қўқон шаҳридаги кечки коммунистик партия сиёсий мактабида ўқиган.

Меҳнат фаолияти 1904 йили этикдўз устада шогирдликдан бошланган, 1909 йилдан 1916 йилгача Исақжонов исмли бойда ишчи бўлиб, 1916–1933 йилларда 2- ёғ заводида формовшик, 1933–1934 йилларда Қўқон шаҳар совети раиси, 1934 йил 1 апрелидан Қўқон шаҳар касабасоветининг раиси бўлиб хизмат қилган.

1930 йили Москвада Бутун Иттифоқ Марказий касабасовети съездида делегат бўлган, ЎзССР Марказий Ижроия комитетига аъзо, 1933 йил Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, 1932, 1934, 1937 йилларда Қўқон

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 162-иш, 119–130-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 539-варақ.

шаҳар партия комитетига аъзо қилиб сайланган. 1932 йили ЎзССР Марказий Ижроия комитети 2- сон ёғ заводида зарбдор меҳнати учун «Меҳнат Байроғи» ордени билан тақдирланган, оиласида 4 аъзо бўлган, манзили – Қўқон шаҳри, Цехёр кўчаси, 5- уй. Шахсий варақа 1937 йил 21 майда тўлғизилган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессия-сининг 1938 йил 14 октябрдаги йиғилишида Дехқонбой Абдуқаюмов отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган².

Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

Ғуломов Одилқори. Тошкент Эски шаҳар партия комитетида партияга ўтган, партия билети рақами 0838427, Эски шаҳар Фурқат номидаги 17 мактабда 1922 йилдан 1924 йилгача, 1925 йил июнидан Тошкентнинг Эски шаҳридаги 3-сон интернатга, уезд-шаҳар маориф бўлими сиёсий маорифига, Эски шаҳар партия клубига мудирлик қилган. 1927 йил 20 декабрдан Эски шаҳар район партия комитети партия ячейкасининг масъул котиби, 1928 йил 22 сентябридан Тошкент округи халқ маорифи инспектори, 1929 йил 2 октябридан Улуғбек номли мактаб мудирини, 1931 йил 10 январдан Тошкент район партия комитети тарғибот ва ташвиқот, ташкилий бўлимлар мудирини бўлиб ишлаган. 1931 йил 25 декабрдан «Аегер» пахтачилик совхозини директори, 1931 йил 13 декабридан Жарқўрғон, Молотов райони ижроқўми раиси ўринбосарини, Кагонович район ижроия комитетини раиси лавозимларида фаолият кўрсатган. 1937 йил 1 сентябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетини бюросини қарорини билан аксилинқилобий миллатчини унсурлар билан алоқасини борлигини, район ижроия комитетини апаратига, қишлоқ советларини органларига ва колхозларга ижтимоий ёт ва миллатчини унсурларини жойлаштиргани учун партиядан ўчирилган, Кагонович район ижроия комитетини раислигиндан озод қилинган. Қарордан кўчирмагача Марказий комитет секретарини Цехер имзо чеккан³.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр йиғилиши 1938 йил 14 октябрда Одилқорини Ғуломовни отувга ҳукм

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 5-иш, 94–95-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 538-варақ.

³ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 213-иш, 62, 68–69-варақлар.

килади, ҳукм ўша куни ижро этилади¹. Партия XX съездидан сўнг реабилитация қилинади.

Ботиров Қарши, 1899 йили Бехбудий райони Дашт қишлоғида батрак оиласида туғилган, ўзбек, инқилобгача деҳқончилик билан шуғулланган, қишлоқ хўжалигида батрак бўлган, маълумоти қуйи, 1930 йилдан партия аъзоси (0664069), 2 ойлик сув хўжалиги бўйича курсда, қишлоқ советлари раислари мактабида уч ой ўқиган, мироб касбини эгаллаган.

1915–1922 йилларда Дашт қишлоғида чўпон, 1922–1924 йилларда ўз хўжалигида деҳқончилик қилган. 1924–1929 йилларда Бехбудий район сув хўжалигида мироб, 1929–1935 йилларда Дашт қишлоқ совети раиси, бир вақтнинг ўзида кўнгилли отряд бошлиғи, 1935 йил октябрдан Бехбудий райони тайёрлов бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаган.

1922 йили босмачиликка қарши курашгани учун ОГПУ фахрий ёрлик ва битта от билан мукофотлаган, партия тозалови ва партия хужжатларини алмаштирилишидан ўтган, уйланган, яшаш жойи – Бехбудий шаҳри, Крчи гузар кўчаси, 14-уй, ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақани 1936 йил 2 июнда тўлғизган, 1936 йил 7 сентябрда райком партия секретари тасдиқлаб берган².

Ботиров Қарши 1938 йил 14 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг Тошкентдаги сайёр йиғилишда отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган³. Партия XX съезддан сўнг у реабилитация қилинган.

Сўпижонов Бозор, 1906 йили Ўзбекистон ССР Янгиқўрғонда вилоят ишчи оилада туғилган, ўзбек, отаси инқилобга қадар хунарманд, инқилобдан сўнг темир йўл ишчиси бўлиб ишлаган.

1926 йили 25 ноябрда Қўқон шаҳар партия комитетида партияга қабул қилинган (1262726), 1924 йилда комсомолга кирган, маълумоти қуйи, 1930–1931 йиллари Самарқанддаги партия курсида ўқиган.

1937 йил ёзган таржимаи ҳолида 1920 йилга қадар отаси қарамоғида, 1920 йилдан 1922 йил бўйи хусусий Қўқон станциясидаги Мебульников деган шахсда чўпонлик қил-

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549-варак.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 122-иш, 116–117-вараклар.

³ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 545-варак.

дим, 1922–1924 йилларда боқиманда, 1924 йилдан Қўқон темир йўли станцияси 3- эксплуатация бўлимида кондуктор, 1928–1930 йиллари Самарқандда ишчи-деҳқон Қизил армиясида ўзбек бригадасида хизмат қилгани, 1930 йилдан 1931 йили бўйи Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон Коммунистик университетида ўқигани, 1931–1932 йилларда Ўрта Осиё темир йўли Қўқон станцияси 3-эксплуатацион бўлими район касаба союзи раиси, 1932–1933 йиллари Қўқон шаҳар партия комитетида ходимлар бўлими мудир, 1933–1934 йиллари Ойим район партия комитети секретари, 1934–1935 йиллари Қўқон темир йўли фабрика-завод билим юртида тарғиботчи, 1935–1937 йиллари Қўқон темир йўл станцияси депосида паровоз ўқув комитетида раис, 1937 йилдан Ўзбек озиқ-овқат савдоси Қўқон бўлими бошқарувчиси бўлиб ишлаётгани қайд этилган.

Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақада 1931 йилдан 1937 йилга қадар Қўқон, Ойим партия комитетларига, район касаба союзига, Ўзбекистон темир йўлчилар касаба союзига аъзо бўлгани қайд этилган.

Уйлангани, Қўқон шаҳри 5 май квартали, 78- уйда яшаётгани ёзилгани¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябрда Тошкентда ўтказилган йиғилишида Сўпижонов Бозор отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

Григорянц Артем Николаевич, 1907 йили Ўзбекистоннинг Горчакова станциясида (Марғилонга яқин манзил) деҳқон оиласида туғилган, армани, маълумоти куйи, 1919–1921 йили совет мактабида 4-синфни битирган. 1931 йил 19 декабрда Фарғона шаҳар партия комитетида партия сафига қабул қилинган. Унинг меҳнат фаолияти куйидагича бўлган:

1919 апрелидан 1920 йил майгача Скобелов шаҳрида социал таъминот бўлимида хужжат ташувчи ходим. 1920 йил майдан 1921 йил декабригача Фарғона шаҳрида дивизия сиёсий бўлимида журналист. 1921 йил декабридан 1922 йил ноябригача Фарғона шаҳар милициясида журналист,

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 130-иш, 98–102-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 545-варақ.

жиноят қидирув бўлимида (1922 йил ноябрь – 1923 йил ноябрь) агент, 1924–1925 йилларда давлат тегирмонида, 1925–1926 йилларда Ўрта Осиё нон комбинатида экспедитор, меҳнат биржасида, ипак комбинатида котиб, директор ёрдамчиси, директор ўринбосари, 1932–1934 йилларда шаҳар советида, 1934 йил мартдан 1937 йил февралигача район ижроия комитетида, 1937 йил феврида Ленин район ижроия комитети раис ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатган.

1929, 1931, 1932 йиллари фахрий ёрликлар билан тақдирланган, 1936 йил апрелида етарли даражада хушёрликка риоя қилмагани учун партиявий хайфсан олган, оилали, бир фарзанди бўлган.

Яшаш манзили Ленинск (Асака) шаҳри, район партия комитети ҳовлисидаги бинода.

Шахсий варақа 1937 йил 14 майда тўлғизилган¹.

А.Н. Григорянц СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябрда Тошкентда ўтказилган йиғилишида отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.



Болтаев Усмон, 1901 йил Бешкент райони Қамашаи қишлоғида чорикор оиласида туғилган, миллати – араб, маълумоти куйи, 1931 йилдан партия аъзоси, партия билет рақами – 1364963, ўзбек, тожик, туркман тилларини билган.

1910 йилдан 1920 йилга қадар Қамашаи қишлоғидаги бойларда ёлланиб ишлаган, подачилик қилган. 1920–1926 йилларда ўз уйида дехқончилик билан шуғулланган, 1926–1928 йилларда Қамашаи қишлоқ советида котиб, 1928–1932 йилларда Қамашаи қишлоқ совети раиси, 1932–1937 йилларда Бехбудий район ижроия комитети раиси бўлиб хизмат қилган, район партия Комитети бюроси аъзоси, Бехбудий округ партия комитети аъзолигига номзод, Қашқадарё округ партия комитети пленуми аъзоси бўлган, 1928–1932

¹ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 209-иш, 74–75-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 545-варақ.

йилларда кўнгилли отрядда командир бўлиб босмачиликка қарши кураш олиб борган.

1931 йил барча хўжалик кампаниялари бажарганлиги учун Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган, партия тозаловларидан ўтган, хотини бор, яшаш манзили: Бехбудий шаҳри Дарвиз Тутан мавзейи. Лотин алифбосида битилган таржимаи холида унинг ҳаёт йўли, фаолияти қисқача ўз ифодасини топган.¹

СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябрдаги йиғилишида Болтаев Усмон отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган.² Ҳозирда реабилитация қилинган.

Рамазонов Хамра, 1902 йили Сурхондарё округи Бойсун қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, инқилобгача ота-онаси вафот этган, 1925 йилдан партия аъзоси, партия билети рақами 1372572, маълумоти олий, Сталин номидаги Москва саноат академиясини 1934 йилда битириб муҳандис ташкилотчи ва технолог мутахассислигини эгаллаган, инглиз, ўзбек, тожик, рус тилларини билган. Унинг рус тилида битилган таржимаи ҳолини айнан келтирамиз:

«Мен 1902 йили Бойсун шаҳрида деҳқон оиласида туғилдим. Отам ўртаҳол деҳқон, онам уй бекаси бўлган. Яқин қариндошларим йўқ.

1916 йилга қадар отам қарамоғида бўлдим ва у билан бирга деҳқончилик билан шуғулландим. Онам 1915 йили ва отам 1916 йили вафот этгач, бизлар 5 киши – мен ва икки опам ва икки кичик ёшдаги укаларим қолганмиз.

Отам вафот этганида мен жуда ёш бўлганим сабабидан ўзим мустақил деҳқончилик қила олмаганимдан, шу боис ёлланма ишчи бўлиб 1916 йилдан 1920 йилгача Саид Махмуд кўлида ишладим. 1920 йилдаги Бухоро инқилобидан сўнг Бухородаги умумтаълим курсларида ўқидим ва бир вақтнинг ўзида совет муассасаларида, масалан, область революцион комитетида хўжалик қисми бўйича ишладим. Курсни битира олмадим, 5 ой бу жойда ишлаб, озиқ-овқат комитетига ўтиб 1921 йилгача ишладим. Бу ишдан кейин мен кўнгилли бўлиб Фавкулудда комиссия отрядига бор-

¹ Ўзб ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 118-иш, 32–39-варақлар.

² РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 547-варақ.

дим ва бу жойда 5 ойга яқин ишладим, мени Чоржўй шаҳар милиция бошлиғи қилиб тайинладилар. 7 ойдан сўнг мени яна Бухорога чақириб олишиб Бойсунга округ комсомол комитетининг секретари қилиб хизмат сафарига юборишди. Шунингдек, округ ижроқўм Президиуми аъзоси бўлдим, кейин округ қасаба союз раиси бўлиб 1922 йил охирига қадар ишладим. Кейин мени Москвага Сталин номидаги Коммунистик университетга ўқишга юборишларини сўраб ариза ёздим. Менинг тайёргарлигим етарли бўлмаганидан, (рус тилини билмаганимдан) ўқишим жуда оғир кечди, шу боис ЎзССР Халқ Комиссарлар Советига мурожаат қилиб мени қандайдир фабрикага жойлаштириб қўйишни сўрадим ва мени Зорайскдаги «Красный Восток» фабрикасига юборишди. 1923 йилдан бошлаб узлуксиз бу фабрикада 1928 йилгача ишладим.

Зарайск фабрикасидаги ишлаган давримда учком раиси бўлиб сайландим ва жамоа ишларини олиб бордим ва уч йил давомида сурункасига Рязон губернаси текстильшиклар союзи Губерна бўлимига аъзо қилиб сайлашди. Шунингдек, икки йил фабрика комитети аъзоси ва 2 йил Зарайск шаҳри партия ячейкасида бюро аъзоси бўлдим.

1928 йил бошида мени Москвага Динамо заводига амалиётга юборишди ва амалиётни тугатганидан сўнг «Қизил шарқ» Трести аппаратида ишчи кучи тайёрлаш бўйича ишга ўтказишди. Маълум вақт ўтгач, мени ОЭТ мудирини ўринбосари қилиб, бир қанча вақт ўтиб ОЭТ мудирини, сўнг «Қизил шарқ» Трести Бошқарувчиси ўринбосари этиб тайинлашди.

Ҳозирги вақтда Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кенгаши Ўзбекистон текстил тўқув Бирлашмаси Бошқарувчиси ўринбосари бўлиб ишламоқдаман¹.

1937 йил 20 мартда тўлғизилган шахсий варақасида зиёфат учун, режани бажармагани учун, ишлаб чиқаришда яроқсиз мол чиқаргани учун 1935 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси унга қатъий хайфсан эълон қилгани, партия тозаловидан ўтгани, оилалиги, яшаш манзили Текстил комбинати социалистик шаҳар, 2- уй экани қайд этилган.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессия-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 100-иш, 154–160-варақлар.

сининг 1938 йил 14 октябрдаги йиғилиши Рамазонов Ҳамрокулни отувга ҳукм қилди, ҳукм ўша куни ижро этилди¹.

У ҳозирда реабилитация қилинган, партиявий стажи тикланган.

Оstonов Ғафур, 1905 йили Самарқанд области Нарпай райони Султонобод қишлоғида ўрта ҳол деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти куйи, ўрта, 1926 йил 7 январдан партия аъзоси, отаси 1913 йилда вафот қилган. У Рязан губернаси Зиран уезд партия комитетида ишчи сифатида партияга қабул қилинган, партия билети рақами 1378226.

Унинг 1937 йил 9 июлда ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида тўлғизган таржимаи ҳолида меҳнат фаолияти акс эттирилган. 1913–1919 йиллари Эски Бухоро шаҳридаги қозининг ўғлида хизматкор бўлиб, чўпон бўлиб кун кўрган, 1919–1921 йилларда Эшонда хизматкор бўлган, 1921–1923 йиллари этикдўз устага шогирд тушган ва бир вақтнинг ўзида ўқиган, 1923–1924 йиллари Эски Бухородаги ўқитувчилар тайёрлаш университетида таҳсил кўрган, 1924–1930 йилгача Москва области Зарайск шаҳридаги «Красный Восток» фабрикасида ишлайди ва бир вақтнинг ўзида ФЗУда инструкторлик қилган, ҳам ўқиган, 1930 йилда Самарқанд шаҳридаги Самарқанд округи колхозлар марказида масъул инструктор бўлиб хизмат қилган, 1930 йил июнида 1932 йил декабригача Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси маориф халқ комиссарлигида, 1932 йил декабридан 1934 йил сентябригача Боғдод район партия комитети ташкилий бўлим мудирини, 1934 йил октябридан 1935 йил мартигача Фарғона шаҳридаги Газлама фабрикасида партия комитети котибининг ўринбосарини, 1935 йил мартдан 1936 йил мартгача Москва шаҳри Воскресенский районидаги «Серп ва молот» фабрикасида таъминот агенти бўлиб хизмат қилади. 1936 йил апрелидан 1937 йил майгача Тошкентдаги Сталин номли газлама комбинати ип фабрикасида уста ёрдамчиси бўлиб ишлайди, 1937 йил 5 майдан 1937 йил кузида хибсга олингунга қадар ЎзССР Пойтуғ қишлоғида Избоскан район партия комитетининг иккинчи секретари бўлиб хизмат қилади, рус, тожик ва ўзбек тилларида ёзиш ва ўқишни билган.

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 546-варак.

1926 йил 25 январда нотўғри кулоқлаштиргани ва партия уставини бузганлиги учун партияни тозалаш Боғдош район комиссияси ВКП(б) сафидан чиқарган, 1936 йили 25 январда эса ВКП(б) Марказий Комитети партия контроли комиссияси томонидан партиёга тикланган, оилалик, аёли, 8 ёшли қизи, 3 ёшлик бир ўғли бўлган, яшаш манзили – Избоскан район партия комитети¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябрдаги йиғилишида Остонов Ғафур отувга ҳукм этилган, жазо ўша куни ижро этилган². Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

Аҳмедов Пўлатқори, 1892 йили (таржимаи ҳолида эса 1898 йили деб ёзилган, 1936 йил 22 мартда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида 1892 йили туғилган деб ёзилган) Тошкент шаҳри Октябрь районида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, 1920 йилдан партия аъзоси, партия билети рақами 832764. У ўзининг таржимаи ҳолида мана буларни ёзган: «... Эски мактабда ўқиб уни битирдим, бундан ташқари педагогик курсларни ҳам битирдим, 1920 йилдаги партия ҳафталигида меҳнаткашлар учун наф келтирадиган бирдан-бир энг тўғри йўл коммунистлар йўли эканини англаб, Тошкент Эски шаҳар район партия комитетининг масъул секретари Рамзи, Эски шаҳар ижроия комитети раиси ва бир вақтнинг ўзида Эски шаҳар халқ маорифи бўлими мудири Маллабоев тавсияси билан партиёга кирдим... 1916 йилги Николай Рамоновларнинг мардикорликка олиш кампаниясига қарши кўтарилган иш ташлаш ва кўзғолонларда иштирок этдим. Эски шаҳарда полицмейстер бошқармасида урушни давом эттирилишига қарши чиқишларда қатнашганим учун полиция мени қамокқа олишга уринди, бироқ мен яшириниб олиб бу хавфдан қутулдим. Октябрь революцияси бўлиб ўтгандан кейинги бир ой давомида оқларга қарши чиқишларда иштирок этдим, бу ҳақда ўртоқ Низомиддин Хўжаев воқифдир. Октябрь революциясидан сўнг милицияда масъул лавозимларда, Тошкент Эски шаҳар милиция бошлиғининг ёрдамчиси, халқ маорифи бўлими статистика мудири лавозимларида ишладим. Тўрт ой давомида Соцстрахда (Ижтимоий суғурта) ишладим, шундан сўнг Туркистон Компартияси

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 101-иш, 162–168-варақлар.

² РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 546-варақ.

Марказий Комитетининг буйруғи билан Бухорога юборилдим, бу жойда 6,5 ой яшадим, область дехқонлар союзи раиси ўринбосари бўлиб ишладим, бу жойдан Соцстрахга раис ўринбосари қилиб юборилдим, бошқарув марказида Бухоро Компартияси Марказий Комитети тавсияси билан яна уч ой ишладим. Бухорода касал бўлиб Тошкентга қайтдим, Туркистон Компартияси Марказий Комитети қарорига мувофиқ Марказий халқ хўжалиги совети ихтиёрига юборилдим, бу жойда мени «Турктара» (Туркистон товар-буюм жойланадиган идора) трестига директор ўринбосари қилиб юборишди, ҳозирда шу лавозимда 8 ойдан бери ишламоқдаман».

1926–1927 йиллари Бехбудий шаҳрида Қашқадарё округи маҳаллий хўжалик бошқарувчиси бўлиб хизмат қилган, 1927–1931 йиллари Тошкентда Ўрта Осиё Коммунистик университетида ўқиган. 1931–1933 йиллари ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросида инструктор, 1933 йили Тошкентнинг Луначарский районидаги Бауман номли партия курси мактабида ўқув бўлими мудири, 1934 йили Ўзбекистон Халқ ички контрол комиссиясида масъул ходим, 1934 йил февралдан 1935 йил мартигача Республика маориф халқ комиссарлиги оммавий маданий бошқарма бошлиғи, 1935 йил мартдан 1935 йил июлигача Қашқадарё округ партия комитетида инструктор, 1935 йил 6 июндан Бехбудий район партия комитетининг биринчи секретари, 1936 йил 10 апрелидан Яккабоғ район ижроия комитети раис ўринбосари, 1937 йил 16 январдан Каттақўрғон 1-МТС директори вазифаларида хизмат қилган. 1935 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва область партия комитети томонидан пахта режасини ортиғи билан бажаргани учун патефон, костюм ва 300 сўм пул билан мукофотлаган, 1935 йили ЎзССР Халқ комиссарлари совети пилла тайёрлаш режасини ортиғи билан бажаргани учун ипак газлама ва пул билан мукофотлаган.

1936 йил 4 апрелда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан собиқ сургун қилинган миллатчи унсурлар тўдасида иштирок этгани учун хайфсан эълон қилинган. Шахсий варақада оилалиги, ота ва онаси, 4 та фарзанди жами 7 киши борлиги, яшаш манзили – Бехбудий шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, 13- уй ЖАК. Шахсий варақа 1936 йил 22 мартда тўлғизилган¹.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 91-иш, 22–26-варақлар.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессия-сининг 1938 йил 14 октябрдаги йиғилишида Аҳмедов Пўлатқори отувга ҳукм этилган, жазо ўша куни ижро этилган¹. Ҳозирда реабилитация қилинган.



Ақромов Ғулум, 1903 йили Тошкентда Девонбеги маҳалласида хунарманд-аравакаш оилада туғилган, ўзбек, отаси инқилобгача ва ундан кейин ҳам аравакашлик билан рўзғор тебратган, кейинчалик сабзи-пиёз сотиб кун кечирган, ўғли Ғулумжонни 1912–1915 йилларда Тошкентдаги Эски ва янги усулдаги мактабларида ўқитган, 1922 йили вафот этган. 1926 йил октябрида Тошкент Эски шаҳар район партия комитетида партиёга қабул қилинган, партия билети

рақами 1369422 бўлган, 1918 йилдан матбаачилар касаба уюшмаси аъзоси.

1937 йил 31 июлида ёзган таржимаи ҳолини айнан келтирамиз: «... Отам касб жиҳатидан аравакаш бўлган. Бу иш билан 1920 йилгача машғул бўлган, кейин эса кексайиб қолгач менинг қарамоғимда бўлган, шунда унинг ёши 81 да эди.

1921 йили отам маълум вақтда ўз маҳалласида майда савдо билан, сабзавот сотиш билан шуғулланган, 1922 йили вафот этган.

Оиламизда ҳуқуқдан маҳрум қилингани ҳам, муҳожир бўлиб чет элга кетгани ҳам бўлмаган.

Мен оилани боқиш учун 1915 йилдан 1917 йилгача турли кишилар қўлида қора ишчи бўлиб ишладим, икки йил Тошкентдаги машҳур Ғулум қассобда ишладим, кейин таниқли бой Ахрорхўжада ишладим.

Октябрь революциясидан сўнг 1917 йил охирларида босмахонага ишга кирдим, бу ерда 10 йил давомида ишладим.

1917 йилдан 1923 йилгача Тошкентдаги босмахонада харф терувчи бўлиб ишладим.

¹ РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 543-варак.

1923 йилдан 1925 йилгача ФЗУ мактаби мудирлари бўлиб фаолиятда бўлдим, 1925 йилдан 1926 йилгача яна харф терувчи бўлиб ишладим. 1927 йил босмахона фабрика- завод касабаси уюшмаси раиси бўлиб ишладим. 1928 йили матбаачилар касабаси уюшмаси Марказий Комитети раиси ўринбосари лавозимида ишладим. 1928 йил ўрталаридан Тошкент Эски шаҳар босмахонаси партия ячейкаси секретари, 1928 йили Тошкент округ халқ маорифи бўлими мудирлари, ўша йили Тошкент округ партия комитети тарғибот-оммавий ишлари бўлими мудирлари, 1930 йилдан Тошкент район партия комитетининг масъул котиби бўлиб ишладим.

1930 йил августидан Самарқандда Ўзбекистон касабаси союзи ташкилий бўлими мудирлари бўлиб ишладим.

1932 йилдан 1933 йил охиригача Жалолқудуқ район партия комитетининг масъул котиби бўлиб ишладим.

1934 йилдан Норин район партия комитетининг масъул котиби бўлиб ишлаб келмоқдаман. Марказий комитет қарори билан партия жазоси – огоҳлантириш берилган, бироқ партия ҳужжатларини алмаштирилаётганда бу жазо олиб ташланган. Ҳарбий хизматда бўлмадим, оқлар армиясида хизмат қилмадим, революция даврида босмахонада ишладим.

8/VIII-37й. Ақромов. Таржимаи ҳол ўзбек тилида ўзи томонидан ёзилган, 1937 йил 30 августда уни ўзбекчадан русчага Қаримов таржима қилган.

Норин район партия комитетининг биринчи секретари Ақромов Ғулумга Марказий Комитет томонидан берилган тавсифномада шундай дейилган: «**Ўртоқ Ақромов 1932 йилдан 1933 йилгача Жалолқудуқ район партия комитетининг секретари ва 1933 йилдан Норин район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаб келмоқда. Ақромов ишни уддасидан чиқиб келмоқда, районга раҳбарлик қилишни таъминламоқда. Ўртоқ Ақромовни район партия конференцияси райком таркибига сайлади, райкомнинг 1937 йил 8 майдаги Пленуми эса уни район партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайлади ... Марказий Комитет маълумотларига қараганда оппозицияларда ва миллатчилик гуруҳларда иштирок этмаган**».

Ақромов Ғулум 1929–1930 йиллари ЎзКомпартия МК ревизия комиссияси аъзоси, 1934–1936 йиллари ЎзКом-

партия Марказий Комитет аъзоси бўлган. ВКП(б) XVI съездида делегат бўлиб сайланган (1930)¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябрдаги йиғилишида Акромов Ғулом отувга ҳукм этилган, жазо ўша куни ижро этилган². Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

Нуриддинов Эргаш, 1906 йили Наманган шаҳрида ишчи оиласида туғилган, ўзбек, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1930 йили Наманган шаҳар партия комитетида партия сафига қабул қилинган, партия билети рақами – 1369574, ҳеч қандай оппозицияда иштирок этмаган, 1927 йилдан ёғмой ишчилари касабаси уюшмасининг аъзоси бўлган, маълумоти ўрта, 1920–1923 йиллари Наманган шаҳридаги 4 йиллик бошланғич мактабни битирган, Наманган шаҳар коммунистик билим юртида 2 йил ўқиган, 1936 йили 1 декабридан 1937 йил 28 февралгача партия комитети секретарларини қайта тайёрлаш курсида ўқиган. 1937 йил 13 февралда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида унинг меҳнат фаолияти акс эттирилган. 1923 йилдан 1925 йилгача Наманган коммунал колхозда, 1925–1926 йиллари Наманган шаҳридаги 3-ёғ заводида юк ташувчи, 1926–1933 йиллари Наманган шаҳридаги 32-сонли пахта заводда прессловчи, 1933 йилдан 1935 йилгача 32-пахта завод партия ташкилотининг секретари, 1935–1937 йилгача 3-ёғ заводи директори бўлиш ишлаган.

1929–1934 йиллардаги партия тозаловидан ҳеч қандай эътирозларсиз ўтган. Шахсий варақада 1934 йили Наманган шаҳар партия комитети бюро аъзоси, 1935 йили 2 ойлик қайта тайёрлов ўқишида бўлгани, аҳли аёли, отаси, онаси ҳамда 2 ёшлик ўғли борлиги, яшаш манзили Наманган шаҳри, Лаббатагин даҳаси, 3-уй деб кўрсатилган³.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябрдаги йиғилишида Нуриддинов Эргаш отувга ҳукм этилган, жазо ўша куни ижро этилган⁴. Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 39-иш, 13–31-варақлар.

² РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 539-варақ.

³ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 359-иш, 86–89-варақлар

⁴ РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 539-варақ.

Иномов Солижон, 1903 йили Наманган шахрининг Тўқмоқгузар маҳалласида хунарманд оиласида туғилган, отаси 1917 йилгача этикдўзлик билан, инқилобдан кейин пахта заводида қора ишчи бўлиб ишлаган, маълумоти ўрта, Наманган шахридаги саводсизликни тугатиш курсида ўқиган, Қўқон шахрида ҳам ўқиган.

У 1937 йил 27 февралда Тошкент шахрида ёзган таржимаи ҳолида шундай дейилган: «Мен 1915 йилгача отам қарамоғида бўлдим. Менинг отам ҳозирда ишламайди, кекса, ёши 60 да.

1915 йилдан 1923 йилгача мен Наманган шахридаги бир бойда батрак бўлдим. 1923 йилдан 1925 йилгача Наманган шахридаги турли хунармандларда тўқимачилик бўйича шоғирд бўлиб ишладим. 1925 йили ВКП(б)га номзод бўлиб қабул қилиндим, ишчи сифатида 6 ойлик иш стажига эгаман. 1925 йилдан 1928 йилгача Наманган шахридаги кўнчилар уюшмаси котиби ва раис ўринбосари бўлиб ишладим. 1928 йилдан 1930 йилгача Москва области Зарайск районидаги ип текстил фабрикасида ишладим ва ФЗУ мактабида ўқидим, 1930 йилдан 1931 йилгача Наманган шахрида котиб бўлиб ишладим, 1931 йилдан 1932 йилгача ЎзК(б)П Марказий Комитетининг Зеленский районидаги ташвиқотчиси бўлиб ишладим. 1932 йилдан 1933 йилгача Зеленский райони партия комитетида инструктор бўлиб ишладим. 1933 йил 1 декабридан 1934 йил 1 декабригача Марҳамат район партия комитетининг секретари бўлиб, 1935 йил бошларидан 1936 йил 1 июлигача Ленин райони партия комитетида инструктор бўлиб ишладим. 1936 йил 1 декабридан 1937 йил 1 мартгача Тошкент шахрида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм курсларида ўқидим».

Шахсий варақада ўзбек ва рус тилини билишини, партия тозаловларидан танбەхсиз ўтгани, яшаш манзили – Ленин (Асака) райони, оилалиги, ота-онаси, 2 гўдак болалари борлиги қайд қилинган¹.



¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат 300-иш, 50–52-варақлар.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябрдаги йиғилишида Иномов Солижон отувга ҳукм этилган, жазо ўша куни ижро этилган¹. Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

Муҳамедов Рауф, 1907 йили Тошкент шаҳридаги хизматчи оилада туғилган, ўзбек, 1929 йилдан партия аъзоси, партия билети рақами 1873419, қуйи маълумотли, 1920–1922 йиллари Тошкентдаги II босқичли мактабда ўқиган, меҳнат фаолияти 1920–1923 йилларда Тошкентдаги мевали чой ишлаб чиқаришда қора ишчи бўлиб бошлаган, 1924–1926 йилларда Тошкент Эски шаҳар район комсомол комитетида ташкилий бўлим мудир ва бир вақтнинг ўзида секретарь, 1926–1927 йилларда Тошкент округи ижроия комитети масъул котиби, 1927–1928 йилларда округ хунармандлар қасаба уюшмасида маданият бўлими мудир, 1928–1931 йилларда Ўрта Осиё радио Марказида директор ўринбосари, 1931–1932 йилларда Москвадаги Ўзбекистон доимий ваколатхонасида масъул котиб, стипендия комиссияси раиси бўлиб хизмат қилган.

1932 йил октябрдан Тошкентда Ўрта Осиё ГГУда директор ўринбосари, 1933–1935 йилларда Наманган район ижроия комитети раиси ўринбосари, 1936 йил 26 январидан Наманган шаҳар совети раиси лавозимларида ишлаган.

1937 йил 28 ноябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси (Усмон Юсупов раислигида) Муриннинг «Наманган шаҳар совети раиси ва район ижроия комитети раиси тўғрисида»ги масала бўйича ахбороти тингланади. Бюро Наманган шаҳар партия комитетининг шаҳар совети раиси Муҳамедов Рауфни ва район ижроия комитети раиси Отахўжаев Турсунни халқ душмани сифатида ишдан олинсин деган қарори тўғри деб топилсин, деган қарор қабул қилади. Абдужалилов Дадажон шаҳар совети раиси этиб тасдиқланади².

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябрдаги йиғилишида Муҳамедов Рауф отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган³. Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

¹ РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 539-варак.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 481-иш, 76–80-вараклар.

³ РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 539-варак.

Қобулов Орифжон, 1905 йили Наманган шаҳрида хизматчи оиласида туғилган, ўзбек, отаси 1917 йилгача ва 1917 йилдан кейин ҳам сув хўжалиги тизимида хизмат қилган, 1920 йилгача отаси қарамоғида бўлган, 1920 йилдан 1924 йилгача ўзининг тўқувчилик устахонасида тўқувчи бўлиб меҳнат қилган. 1924 йилдан 1925 йилгача Наманган молия бўлимида молия агенти бўлиб ишлаган, 1925 йилдан 1926 йил майгача Тошкент шаҳрида Молиявий курсларда ўқиган, 1926 йил августидан 1928 йил июлигача Андижон округ молия бўлимида контролер ёрдамчиси, 1928 йил июлидан 1929 йил сентябригача Андижон шаҳар молия бўлимида инструктор бўлиб ишлади, 1929 йил сентябридан 1930 йил августигача Марғилон шаҳар молия бўлимида инструктор, 1930 йил сентябридан 1932 йил августигача Кува район молия бўлимида инспектор лавозимларида хизмат қилган.

1932 йил августидан 1933 йил мартигача Наманган шаҳар молия бўлимида мудир ўринбосари, 1933 йил апрелидан 1934 йил сентябригача Наманган ижтимоий ер банкиси бошқарувчиси, 1934 йил декабридан 1936 йил июнига қадар Наманган шаҳар совети ташкилий бўлим мудирини, 1936 йил июлидан то ҳибсга олингунга қадар Наманган район ер-сув бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаган. Ўзбек ва рус тилларини билган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябрдаги йиғилишида Қобулов Орифжон отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган². Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

Аллахвердов Ерванд Анбрисович, 1904 йил 4 декабрда Тоғли Қорабоғ Автоном области Шуше қишлоғида мешчан оилада туғилган, миллати армени, отаси тахта савдоси билан шуғулланган, 1917 йилдан сўнг этикдўзлик билан машғул бўлган. Энг сўнгги иш жойи Андижонда қизил армия қисмларидан бирида омборхона мудирини бўлиб ишлаган, 1921 йил Андижонда вафот этган.

Ерванд 1912–1917 йилларда Андижондаги эркаклар гимназиясини, сўнгра сиёсий билим юртини 2-синфини битирган, 1931 йилдан партия аъзоси, партия билети рақами

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 321-иш, 139–140-варақлар.

² РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 539-варақ.

2386105, 1932 йили Самарқандда Ўзбекистон Коммунистик университетиде ўқиган.

Ходимларни ҳисобга олиш бўйича 1933 йил 21 февралда тўлғизган шахсий варақада унинг меҳнат фаолияти ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

1919–1921 йилларда у Андижонда ялпи ҳарбий ишга ўргатишни ташкил этиш бўлимини мудире бўлиб хизмат қилди. 1921 ва 1922 йилда Фарғона шахрида область озиқ-овқат кўмитасидаги ғалла топшириладиган пункт мудире ўринбосари бўлиб ишлади.

1923–1924 йилларда Самарқанд шахрида яшайди. Бу ерда область озиқ-овқат комитетида ишлаб чиқариш омборида мудире, озиқ-овқат базаси мудире бўлиб хизмат қилган.

1924–1925 йилларда яна Андижонда ҳаёт кечириб, бу ерда Осиё дони контораси мудире, 1925–1929 йилларда Ўзбекбирлашув молия бўлими бошқарувчиси, савдо мудире лавозимларида ишлайди. 1929–1930 йилларда Ўзбекбирлашувнинг Самарқанд округи (контораси) идораси бошқарувчиси, 1930–1931 йилларда Самарқанд шахар савдо бўлими мудире, 1932 йилдан Самарқанд райони колхозлар союзи раиси ўринбосари, 1933 йили ер ишлари халқ комиссарлигига қарашли Самарқанд шахар ерсув бўлимида, Ўзбекистон трактор марказига қарашли машина-трактор станцияси директори ўринбосари, 1933 йил 25 мартдан Шаҳрисабз район ижроия комитети тайёрлов бўлими бўйича раис ўринбосари, 1934–1935 йилларда Қўқонда Ўзбекбирлашув соҳаси бўйича, район ижроия комитети раиси ўринбосари лавозимларида хизмат қилди.

Шахсий варақада рус, ўзбек тилларида эркин гаплашиши, ёзиши мумкинлигини, маҳаллий хизмат тамонидан берилган ёрлиқлар, ташаккурлар ҳақида, партия тозаловидан ўтганлиги, 1933 йил 28 октябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида партиянинг ғалла тайёрлаш тўғрисидаги директивасини бажарилишини таъминламагани, бу ишда ҳисоб ва ҳисоб бериш бўлмагани учун хайфсан берилгани қайд этилган. Шунингдек, ЎзКомпартия Марказий Комитети тақсимлаш бўлими мудире Хожиматовнинг Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари советининг тайёрлов комитетининг Шаҳрисабз райони бўйича Аллахвердовга берилган тавсифнома ҳам шахсий варақада келтирилган. 1937 йил августида у ҳибсга олинган, Самарқанд округ

партия комитети уни партиядан ўчирган, халқ душмани деб эълон қилган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессия-сининг 1938 йил 14 октябрдаги йиғилишида отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша кун ижро этилган². Партия XX съезди-дан сўнг реабилитация қилинган.

10. 15 ОКТАБРДА ОТУВГА ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛАР

Қобилов Тўхта Қобирович, 1896 йили Самарқанд райони Арабхона қишлоғида камбағал деҳқон оилада туғилган, ўзбек, қуйи маълумотли, 1919 йил 18 мартдан партия аъзоси. У 1936 йил 8 декабрдаги таржимаи ҳоли шундай битилган: «Икромов район ижроия комитети раиси ўринбосари Қобиров Тўхтанинг таржимаи ҳоли.

1896 йили Икромов райони Икромов қишлоқ совети Арабхона қишлоғида туғилдим, менинг отам ишчи, камбағал деҳқон, у 1927 йили 8 майда вафот этган.

Мен ўзим 1917 йилдан 1920 йилгача мавсумий ишчи бўлдим, 1920 йилдан ҳозирги кунга қадар турли Совет ишларида (1936 йил 8 декабрда тўлғизилган шахсий варақага қаранг) хизмат қилдим.

Жума станцияси. Район партия комитети 8 декабрь 1936 йил»³.

Ходимлар ҳисоби бўйича шахсий варақада 1930–1932 йилларда Сталин номли Коммунистик университетда ўқигани, III тоифали партия бўлимини битиргани, 1920–1922 йилларда Арабхона қишлоқ советида котиб, 1922–1923 йилларда Жума станциясида артель раиси, 1923–1924 йилларда Икромов район матбуот кооперацияси раиси, 1924–1926 йилларда Даул волость ижроқўми котиби, 1926–1929 йилларда Самарқанд ва Карманда шаҳар милицияси бошлиғи, катта терговчи, 1929–1930 йилларда колхоз раиси, 1932 йил сентябридан Икромов район партия комитетида инструк-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 365-иш, 53–56-варақлар.

² РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 539-варақ.

³ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 359-иш, 81–83-варақлар.

тор, 1933–1935 йилларда касал бўлиб ишламагани, 1925–1936 йилларда Анмас қишлоқ матбуот жамияти раиси, 1936 йил 1 июлдан Икромов район ижроия комитети раиси ўринбосари бўлиб хизмат қилгани қайд этилган. Фуқаролар уруши даврида жангларда қатнашганмисиз, деган варақа саволига Қобилов Тўхта «Бухоро революцияси даврида иштирок этганман», «Қандай мукофот ва тақдирлашларга эгасиз?», деган саволга эса, «1927 йили округ маъмурий бўлим томонидан босмачиликка қарши курашганим учун соат билан, 1935 йили ўзбекбирлашув томонидан бир ойлик маош билан тақдирланганман», деб жавоб қилган.

Варақада хотини ва 4 боласи борлиги, яшаш манзили – Икромов район, Охунбобоев кўчасидаги корпус, деб кўрсатилган. Шахсий варақа 1936 йил 7 декабрда тўлғизилган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 15 октябрдаги йиғилишида Қобилов Тўхта отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган². Партия XX съездан сўнг у реабилитация қилинган.



Жданов Гумер Гимадиевич, 1897 йили Оренбург области Оренбург уезди Тука қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, миллати татар, маълумоти ўрта, 1923 йилдан партия аъзоси, партия билети рақами 0831887.

Отаси деҳқончилик билан айна вақтда ғишт терувчи бўлиб ишлаган, онаси уй бекаси бўлиб қишлоқда яшаган, дала ишлари вақтида эрига ёрдам бериб турган. Гумер 14 ёшидан отаси хўжалигида ишлай бошлаган, «Мяктяб» қишлоқ мактабида ўқиган, ёз пайтларида отаси билан бирга қўшни помешчиклар қўлида хизмат қилган. 1916 йили августида эски армияга сафарбар қилинган, 1917 йил июлига қадар Чор армиясида оддий аскар бўлган, фронтлардаги жангларда иштирок этган. Касаллиги туфайли аскарликдан озод қилинган, Оренбургдаги 3 йиллик мусулмон педагогика курсида ўқиган, стипендия

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 359-иш, 24–25-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 540-541-варақ.

ва ётоқхона билан таъминланган. Ўқишни битиргач Бузулукдаги 1-революцион армия бўлимидаги қисқа тезкор сиёсий курсга киради, бу ерда партияга ўтади, Қизил армияда ташкилотчи-тарғиботчилик қилади. Оренбургда оқларга қарши совет ҳокимияти учун курашади, Бошқирғизистон отлич бригадасида сиёсий ходим бўлиб хизмат қилади, 1920 апрелида Польша frontiга сафарбар қилинади, Киев остоналаридаги бўлган жангларда оёғидан оғир жароҳат олади ва бир ярим йил Самара, Пенза, Курск ва Оренбургда даволанади. 1921 йил кузида Оренбургдан Тошкентга жўнатилади ва бу ерда даволаниш давом этади, Тошкент касалхонасида жойлар етишмовчилигидан уни Самарқандга юборишади, йўлда партбилетини йўқотиб қўяди.

Унинг ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида Ўзбекистондаги меҳнат фаолиятини кўрсатувчи маълумотлар келтирилган. 1922–1924 йиллари Бухоро Халқ Республикасида партия ва совет органларидаги фаолияти, 1925–1937 йилгача бўлган даврда Самарқанд, Тошкентда, Каттакўрғондаги раҳбарлик фаолияти қайд этилган. Масалан, 1931–1933 йиллари Самарқанд округи Каттакўрғон шаҳрида район кооперация уюшмасига, район колхозлар союзига, совет партия мактабига раҳбарлик қилгани, 1936 ноябридан 1937 йил 5 апрелигача Каттакўрғон шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлагани, 1937 йил 13 апрелидан Тошкентда ЎзКомпартия Марказий Комитети қошидаги партия мактабига мудир, 1937 йил 29 майдан ЎзССР матбуот сирларини сақлаш комитетининг бошлиғи лавозимларида ишлаган, 1937 йил декабридан у бу лавозимдан олинган. Шахсий варақада 1927 йили Зарафшон водийсида ер-сув ислоҳотини ўтказишдаги фаолияти учун округ партия комитети томонидан мукофотлангани, 1930 йил июнида Самарқанд округ назорат комиссияси томонидан партиясиз муҳолифат билан алоқадорлиги учун хайфсан эълон қилинган. Бу хайфсан 1936 йил 26 апрелда ЎзКомпартияси Марказий Комитети томонидан олиб ташлангани, партия тозаловидан ўтгани, яшаш манзили – Каттакўрғон шаҳар, Ленин кўчаси, 26-уй экани қайд қилинган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессия-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 258-иш, 48–52-варақлар.

сининг 1938 йил 15 октябрдаги йиғилишида Жданов Гумер Гимадиевич отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган¹. Партия XX съездан сўнг у реабилитация қилинган.

Эгамбердиев Яхъё, 1909 йили Тошкент шаҳар Лангар маҳаллада, хунарманд-кўнчи оиласида туғилган, ўзбек, 1924 йилдан ВЛКСМ, 1929 йил июнида ВКП(б) аъзоси, маълумоти қуйи, 1935–1936 йили Тошкентда марксизм-ленинизм курсини битириб, комсомол ходими мутахассислигига эга бўлган.

1937 йил 25 июлда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида ўзининг меҳнат фаолиятини қайд этган.

Шахсий варақага таржимаи ҳолини илова қилган. Рус тилидаги таржимаи ҳолни айнан ўзбекчасини келтирамиз: «Мен 1909 йили Тошкент шахрининг Октябрь райони социализм маҳалласида (1-Лангар) якка хунарманд, кўнчи оиласида туғилганман. 1917 йилга қадар отам қармоғида бўлдим, 1918 йили отам вафот этгач, мен онам қармоғида қолдим, онам эса нафақахўр эди.

1918 йилдан 1924 йилгача Тошкентдаги хунармандга шогирд бўлдим. 1925 йилдан бошлаб 1927 йилгача катта акам билан бирга Тошкент шахридаги якка кўнчилик устaxonасида, 1928 йилдан 1930 йилгача Тошкент шахридаги 4-сон тери заводида ишчи бўлиб ишладим. 1930 йил Тошкент шаҳар Сталин райони комсомол секретари лавозимига кўтаришди, бу жойда 1931 йилгача ишладим. 1931 йили ЛКСМ Марказий Комитети кадрлар ва халқ маорифи бўлими мудирини бўлиб ишга ўтдим ва бу лавозимда 1933 йилгача фаолият кўрсатдим.

1933 йили Ўзбекистон ЛКСМ Бухоро шаҳар Комитети секретари қилиб юборилдим. 1935 йилдан 1937 йилгача Тошкент шаҳар Октябрь райони комсомол комитети секретари бўлдим. 1935 йилдан 1936 йил 1 январига қадар Тошкент шахрида марксизм-ленинизм курсида ўқидим. 1936 йил 1 январидан Каттақўрғон район комсомол комитетининг секретари бўлиб ишламоқдаман.

Онам ҳозирги вақтда акам қармоғида. Қариндошларимдан ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар ва оқлар кўшинларида ва ҳукуматида ҳеч ким бўлган эмас ва хизмат қилган эмас, шунингдек, чет элда бўлганлар йўқ»².

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 541-варақ.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 293-иш, 19–23-варақлар.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 15 октябрдаги йиғилишида Эгамбердиев Яхъё отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган¹. Партия XX съездан сўнг у реабилитация қилинган.

Бабанов Синдор, 1908 йили Самарқанд округи Митан райони Кулота қишлоғида камбағал деҳқон оилада туғилган, ўзбек, отаси 1929 йилдан колхоз аъзоси бўлган. 1932 йил 14 августда партияга ўтган, партия билети рақами 1376890 бўлган.

Ўзи 1921–1928 йилларда ЎзССР Қорадарё районидаги хусусий хўжаликларда қора ишчи, кўй чўпони бўлиб тирикчилик ўтказган, 1928–1930 йилларда Митан районидаги Файзулла Хўжаев номли колхозда оддий колхозчи бўлиб меҳнат қилган, 1930–1932 йилларда Митандаги колхозчи ёшлар мактабида ўқиган, 1932–1933 йилларда кетмончи, колхозчи, 1933–1934 йилларда Самарқанд шаҳридаги совет ва партия мактабида ўқиган, 1934–1935 йилларда Ф.Хўжаев номли колхозга раис бўлган. 1935–1936 йилларда Тошкент шаҳридаги ЎзКомпартия Марказий Комитети ҳузуридаги пропандистлар тайёрлаш курсида ўқиган.

1936 йил июлидан 1937 йил февралигача Митан район партия комитетида пропандист, 1937 йил мартдан Митан район халқ маорифи бўлими инспектори бўлиб ишлаган, ўриндошлик асосида Митан район комсомол комитетида ҳам 1937 йил майдан пропандистлик қилган. Оила аъзолари – онаси, хотини ва бир укасидан иборат бўлган.

Яшаш манзили: Митан райони, Зарбанд қишлоқ совети, Ф.Хўжаев номли колхоз бўлган.

Ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақани 1937 йил 9 июлда тўлғизган².

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 15 октябрдаги йиғилишида Бабанов Синдор отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган³. Партия XX съездан сўнг у реабилитация қилинган.

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 539-варак.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 104-иш, 35–37-вараклар.

³ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 538-варак.

11. 2-КАТЕГОРИЯ БЎЙИЧА ҚАМОҚ ЖАЗОСИГА ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛАР



Маматкулов Турсунқул, 1903 йили Фарғона район Оқарик қишлоғида хизматчи оиласида туғилган, ўзбек, отаси арик оқсоқоли бўлган, 9 гектар ери ва 2 доимий хизматкори бўлган. 1918 йил вафот этган. Турсунқулни маълумоти қуйи бўлган, 1916 йили Фарғона шаҳридаги 7- йиллик мактабда ўқиган.

Унинг қисқача таржимаи ҳоли 1937 йил 7 февралда қоғозга туширилган.

Ота вафот этгач, Турсунқул деҳқончилик билан шуғулланган ва қишлоқ хўжалик коммунасида ишлаган. 1919 йили шаҳарга яқин жойда босмачиларни тугатиш бўйича отрядга кирган. 1920 йилгача фаолият кўрсатган.

1920–1922 йилларда Фарғона шаҳар милициясида босмачиларга қарши курашда қатнашган, 1922–1923 йилларда қидирув бўлимида бошлиқ бўлиб жиноятчи унсурларга қарши кураш олиб боради, 1923–1925 йиллари эса ОГПУ-нинг махсус бўлимида, 2-отлик бригадада хизмат қилади. Марғилонда босмачиликка қарши курашда қатнашади, 1925–1927 йилларда Фарғона область ҳарбий комиссариатида сектор бошлиғи, 1928 йилгача область комсомол комитети тарғибот-ташвиқот бўлими мудирини бўлиб хизмат қилган. Партия ишига ўтказилади, Қўқон уезд-шаҳар партия комитетида тарғибот-ташвиқот бўлими мудирини, 1929–1930 йилларда Марғилон район партия комитетининг секретари, 1931–1932 йилларда Сурхондарё округи Жарқўрғон район партия комитети секретари, 1933–1935 йиллари Кува МТС сиёсий бўлим бошлиғи, 1935 йилдан Фарғона округи Тошлоқ район партия комитети секретари лавозимларида фаолият кўрсатган. Бу лавозимда 1937 йил сентябригача, ҳибсга олингунигача ишлаганди.

Самарали фаолияти муносиб тақдирланган, 1933,1934,

1935 йиллари ЎзКомпартия Марказий Комитети, Ўрта Осиё республикалари ер ишлари халқ комиссарлари устидан Марказнинг вакиллиги томонидан пул ва буюм мукофотлари билан тақдирланган. Оилалик, яшаш манзили – Тошлок райони, Охунбобоев қишлоқ совети бўлган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябридаги йиғилишида 15 йил қамокқа ҳукм этилган².

Тошхўжаев Содик, 1906 йили Наманган шаҳрида этикдўз-хунароманд оилада туғилган, ўзбек, асосий касби – хизматчи, маълумоти ўрта, 1929 йилдан партия аъзоси.

Отаси 1919 йили вафот этган. Онаси чорикорнинг қизи бўлиб 1906 йили вафот қилган.

Содиқжон Тошхўжаев 1937 йил 18 июлда ёзган таржимаи холида қуйидагиларни қайд этган экан: «... Мен 1915 йилга қадар отам ва қариндошларим тарбиясида бўлдим. 1915 йили отам иккинчи хотинга уйлангач, ўгай онамнинг таҳқирлашларига, хўрлашларига бардош бера олмай, оилада яшаш учун имкон бўлмагач, онамнинг дадаси, катта отам Наманган шаҳридаги бир хунаромандга шогирдликка берган, унинг қўлида 1917 йилгача болаларга қараб туриш билан кун кўрдим.

1917 йилдан 1922 йил бўйи Мулла Отабой ва Насриддин Қодиров деган бойлар қўлида батрак бўлиб хизмат қилдим. 1922 йилдан 1924 йилгача Наманган шаҳридаги болалар ходимлари тайёрлайдиган курсларда ўқидим. 1924 йилдан 1926 йилгача Чуст шаҳридаги болалар уйида тарбиячи бўлиб ишладим, 1926 йилдан 1927 йилгача Наманган шаҳар касаба союз советида клуб мудирини бўлиб ишладим, 1927 йилдан 1928 йилгача Наманган шаҳар комсомол комитетининг секретари бўлиб ишладим.

1928 йили Асакага район комсомол комитети секретари қилиб ташландим, бу ерда 1929 йилгача ишладим.

Кейин 1929 йили ЎзКомпартия Марказий Комитети



¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 425-иш, 149–150-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 541-варақ.

хузуридаги партия тарғиботчилари тайёрлайдиган курсда ўқидим. Уни тугатгач 1930 йил охиридан Андижон округ халқ маорифи бўлими ижтимоий тарбия мудирини, кейин Кадрлар бўлими мудирини бўлиб ишладим. 1930 йил охирида округлар тугатилиши муносабати билан мен Балиқчи районига ўтказилдим, бу районда 2 йил район халқ маорифи бўлими мудирини, бир вақтнинг ўзида биринчи йилида район соғлиқни сақлаш мудирини лавозимида ишладим.

1932 йилдан 1933 йилгача Самарқандда УзГУда ўқидим, бу жойдан 2-курсдалигимда сиёсий бўлимда ишлаш учун сафарбар қилиндим. 1933 йил 10 мартдан 1935 йилгача биринчи Марғилон МТС комсомол иши бўйича сиёсий бўлим ёрдамчиси бўлиб хизмат қилдим. 1935 йил январидан сиёсий бўлимлар тугатилгандан кейин Октябрь район комсомол комитетининг секретари бўлиб ишладим, 1935 йил 5 майдан 1937 йил 13 январгача Ўзбекистон ленинчи коммунистик ёшлар союзи Марказий Комитетининг комсомол раҳбарият органлари бўлими мудирини бўлиб ишладим, бу жойдан ЛКСМУЗ Марказий Комитети қарори билан Қўқон шаҳар комсомол комитети секретарлигига ўтказилдим ва бу ерда ҳозирги вақтгача ишламоқдаман. Комсомолга 1923 йили кирганман. 1929 йилдан партия аъзоси Тошхўжаев 18/7-37й»¹.

Содиқ Тошхўжаевнинг 1937 йил 16 июлда ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида 1935–1936 йилларда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига аъзо, 1933–1934 йиллар Марғилон шаҳар партия комитетига аъзо, 1937 йил Қўқон шаҳар партия комитети бюроси аъзоси эканлиги, 1933–1934 йиллари Ўзбекистон ССР ер ишлари халқ комиссари сиёсий бўлими томонидан пахта мустақиллиги учун курашдаги яхши ишлари учун ҳамда ёшлар орасидаги ишлари учун велосипед, 300 сўм пул ва соат билан тақдирлангани, яшаш манзили – Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 19- уй эканлиги қайд этилган.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябридаги йиғилишида 15 йил қамок жазосига ҳукм этилган². Ўша йилнинг ўзида ГУЛАГ лагерларидан бирига этап қилинган. Қайси лагерда ва қачон маҳбуслик муддатини ўтагани, лагердаги турмуши, меҳнат фаолияти, лагердан қайтган, қайтмаганлиги ҳозирча но-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 101-иш, 244–146-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 541-варақ.

маълум. Ўйлаймизки, у туғилиб ўсган Наманган шахрида, унинг яқин қариндошлари, танишларида, Андижон, Қўқон, Тошкентда бирга ишлаган, бирга ўқиган УзГУнинг собиқ талабаларида бу инсон ҳақида баъзи бир ҳужжатлар, эс-даликлар бўлса керак. Уларни излаб топиш ва бу қатағон қурбонининг ҳаёт йўлини ёритиш келгусидаги тадқиқот ишларидир.

Эгамбердиев Алим, 1892 йили Тошкент, Калинин райони Чоштепа қишлоқ советида деҳқон оиласида туғилган, қозоқ, отаси Октябрь революциясига қадар вафот этган, чаласавод, ижтимоий аҳволи – колхозчи, 1927 йил 8 сентябрда Чоштепа партия ячейкасида партиёга қабул қилинган, партия билети рақами 1373147, Янгийўлда 3 ойлик курсда ўқиган, 1935 йили февралда Калинин райони Уткун колхози қошида портторг тайёрлаш курсини битириб, портторг мутахассислигига эга бўлган.

Ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида (1937 йил 14 майда тўлғизилган) меҳнат фаолияти акс эттирилган:

1. 1908–1917 йилларда Тошкент уезди Чоштепадаги бойда батрак.

2. 1917 йил декабридан 1924 йил декабригача ҳам бойда батрак.

3. 1924–1930 йилларда деҳқон.

4. 1930–1931 йилларда «Дархон» номли колхозда колхозчи.

5. 1931–1932 йилларда Чоштепа қишлоқ совети раиси.

6. 1932 йил июлидан 1933 йил майигача Қибрай қишлоғида участка директори ёрдамчиси.

7. 1933 йил майдан 1934 йил июнигача қишлоқ совети раиси.

8. 1934 йил июнидан 1935 йил апрелигача қишлоқ совети раиси.

9. 1935 йил апрелидан 1936 йил мартаигача «Оқ омад» колхози раиси.

10. 1936 йил мартадан Калинин райони «Ўзар» колхози раиси.

11. 1936 йил 6 мартада Чоштепа қишлоқ советидаги «Ўзар» колхозда партия ташкилоти секретари бўлган. Оилалик, яшаш манзили – Калинин райони Чоштепа қишлоқ совети «Куйбешов» колхози¹.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 292-иш, 134–137-варақлар.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрда Тошкентдаги йиғилишида Эгамбердиев 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилди¹.

Назаров Муҳаммаджон, 1897 йил Хўжанд шаҳрида кулолчи-хунарманд оилада туғилган, ўзбек, 1912–1916 йиллари Хўжанддаги рус-тузем мактабида ўқиган, 1916 йили мардикорликка олинган. 1916 йил октябридан 1917 йил майгача Москва шаҳар Бауман районидаги фабрикада катта ишчи бўлиб ишлаган. Мардикорликдан қайтиб келиб 1917 йил июнидан 1919 йиллари Хўжанд уезд-шаҳар озиқ-овқат комитети бошқаруви аъзоси бўлиб ишлаган, 1918 йил Хўжандда партиёга ўтган, 1919 йили Тошкентда тарғибот-ташвиқот курсларида ўқиган.

1920 йил мартдан Хўжанд уезд-шаҳар революцион комитет масъул секретари, 1920–1922 йилларда озиқ-овқат комитети раиси, 1922 йил январидан 1923 йил январигача Ўратепа уезд-шаҳар революцион комитети раиси, 1923 йил мартдан 1923 йил 5 ноябрига қадар Бехбудий шаҳрида Қашқадарё области революцион комитети раиси ўринбосари бўлиб хизмат қилган, 1923 йил ноябридан 1934 йил 20 мартгача пахтачилик саноатида масъул лавозимларда Қўқонда, Тошкентда, Когонда, Наманганда, Асакада, Хўжандда, 1934 йил 22 мартдан 1935 йил 22 октябригача Андижон шаҳар идораларидан бирида, кейинчалик мактаб директори бўлди, 1936 йил Ўзбекистон Республикаси МРО бошқарувчиси бўлиб хизмат қилди.

1922 йил Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетига аъзо бўлиб сайланган, ўзбек, тожик, рус тилларини яхши билган, босмачиликка қарши курашда қатнашган. Бу соҳадаги хизматлари учун 1922 йил I отлик армия IX кавалерия дивизияси томонидан кийим-уст-бош билан тақдирланган. 1926 йили Марказий контрол комиссияси томонидан Тожикистонда бўлганида партиё интизомини бузгани учун қатъий хайфсан эълон қилинган².

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрда Тошкентдаги йиғилишида Муҳаммаджон Назаров 12 йил қамоқ жазосига ҳукм этилди³.

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549-варак.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 27-иш, 84–85-вараклар.

³ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 545-варак.

Гойбуллаев Карим – 1906 йили Марғилон шаҳрида диндор оилада туғилган, ўзбек, ижтимоий келиб чиқиши хунарманд, 1927 йилдан партия аъзоси, партия билети рақами 0839278, 1923 йилдан ВЛКСМ аъзоси, маълумоти ўрта, 1923–1924 йилларда Марғилон шаҳридаги интернатда, 1925 йили Қўқон шаҳрида бир ойлик курсни ўтаган, 1927–1929 йиллари Тошкентдаги Сталин номи марказий совет партия мактабида маданият ходимларини тайёрлаш бўлимида ўқиб, матбуот ходими мутахассислигини олган.

1933 йили 2 октябрда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида унинг меҳнат фаолияти акс эттирилган. 1918–1923 йилларида Марғилондаги хунармандчилик корхонасида ёлланма ишчи, 1923–1924 йиллари интернат ўқувчиси, 1924 йил 1 сентябрдан 1925 йил 1 майгача Тошкент шаҳрида механика техникумида ўқиган, 1925 йили 15 майдан 1926 йил 1 январигача Марғилон район ижроия кўмитасида иш юритувчи, Қўшчи союз, қишлоқ советида котиб бўлиб ишлаган. 1926 йили Фарғона уезд-шаҳар комсомол ва уезд-шаҳар партия кўмиталарида иш бошқарувчиси, йўриқчи, шаҳар комсомол ташкилоти ташкилий бўлим мудири, шаҳар комсомол ташкилоти умумий бўлим мудири, котиби, маданият ташвиқотчиси, 1926 йил 10 декабрдан 1927 йил 1 сентябргача Қўқон шаҳридаги «Янги Фарғона» газетасида масъул котиб, 1928 йил 10 октябрдан 1929 йил майгача Самарқандда партия мактабида курсант, 1929 йил 15 майдан 1931 йил 1 октябргача Самарқанд – Тошкентда нашр этилаётган «Қизил Ўзбекистон» газетасининг партия ва совет қурилиши бўлимида мудар ўринбосари, 1931 йил 1 октябрдан 1933 йил октябргача Тошкентда нашр этиладиган ЎзЛКСМ Марказий Комитети органи «Ёш Ленинчи» газетасининг масъул муҳаррир ўринбосари, Республика комсомол камитетида маданий-маърифий бўлими мудири, 1935 йил 4 майдан «Ёш Ленинчи» газетанинг редактори бўлиб хизмат қилган. Шахсий варақасида рус ва ўзбек тилларини яхши билганлиги қайд этилган.¹

СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрда Тошкентдаги йиғилишида иккинчи категория бўйича 10 йилга озодликдан маҳрум этилган.²

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 188-иш, 51–52-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 541-варақ.



Ходиев (Боту) Махмуд Мақсудович, 1904 йил 16 майда Тошкент шаҳри Шайхонтохур даҳасининг Қатортерак маҳалласида туғилган. Унинг 1929 йил 10 мартда ёзган таржимаи ҳолида шундай дейилган: «Менинг отам 2 ёшлигида отасидан ажралиб 8 ёшгача камбағал онаси қарамоғида бўлган. Моддий аҳволи жуда оғирлиги туфайли этикдўз устахонасига кириб 8 йил ёлланиб ишлашга мажбур бўлган. Оғир меҳнат шароити ва моддий

таъминламаганлиги уни Тошкентдаги бойлардан бирига хизматкор қилиб беришган. Бу бойда отам топширилган қора ишларни бажариб юрган. 18 йил ўтиб бу бойдан кетишга ва инқилобдан бир неча йил илгари вақтгача бўз тўқиш ва тўшак сотиш билан кун кечирган.

1917 йил октябрь инқилобидан сўнг у Тошкентда сорожчилар – эгар тўқувчилар уюшмаси ташкилотида иштирок этади. Бир неча ойдан сўнг отам деҳқонлар уюшмасини ташкил этишда қатнашади ва унда ишлай бошлайди. Тошкентда тўқувчилар уюшмасини ташкил этишда ҳам хизмат қилган ва масъул лавозимларда (уюшма раиси ўринбосари, котиб, кооператив мудир ва бошқа) 1922 йилга қадар фаолиятда бўлган. Бир вақтнинг ўзида уюшма ишлари билан бир қаторда 19-йилдан 21- йилгача у партия ишини олиб борган (ячейка котиби бўлиб). 1921–1922 йиллари оғир касалликдан Компартиядан чиқиб кетган. 1923 йилдан Тошкентда «Бирлашув» уюшмасида инструктор бўлиб ишлаган.

Мен 1904 йили туғилганман. 17 йилги инқилобга қадар ҳам ўқиб, ҳам отамга ёрдам бериб турганман. 1919 йил Коммунистик ёшлар союзига кирдим ва турли ишларда иштирок қилдим. 1919 йилдан 20- йилгача мен «Изчи» ташкилотига аъзо бўлдим.

Биз (мен, ўрт. А.Икромов ва айрим ўртоқлар) унинг миллатчилик руҳида бўлган раҳбарларига нисбатан бефарқ қараб турмадик. Шиддатли курашлардан кейин бизлар бу ташкилотдан ташқарида қолдик. Ўрт. Икромов Наманганга юборилди, мен Тошкентнинг янги шаҳрига ўтиб олдим.

1920 йили мен Бухоро Компартиясида журнал редакцияси тахририят аъзоси сифатида ишладим. 1921 йил Фарғона обком партия органи «Фарғона» газетасининг муҳаррири бўлдим ва бир неча ой Тошкентда комсомоллар газетасига муҳаррирлик қилдим. Ўқиш билан ишни бирга олиб бориш мен учун жуда оғир кечди, шу боис 1922 йили бошларида Туркистон Компартияси Марказий Комитети мени Москвага ишчи факультетига юборишди. Ишчилар факультетини битирганимдан кейин 1- Москва Давлат университети ижтимоий факультети иқтисод бўлимига кирдим, уни 1926 йили битирдим. Бу ўқув юртларида бўлган вақтларимда мен комсомол ишларини олиб бордим.

Мен 1924 йил октябрдан партия аъзосиман. **Маҳмуд Мақсудович Ходиев (Боту)**¹.

Архивда сақланаётган партия аъзоси Маҳмуд Мақсудовичнинг шахсий варқасида уни 1927 йили Самарқандда, ЎзКомпартия Марказий комитетида матбуот бўлимида, Марказий статистика Бошқармаси коллегияси аъзоси, 1928 йил Самарқанд область партия комитетида тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирини бўлиб ишлагани қайд этилган.

Унинг ҳаёт йўли, ижоди «Шаҳидлар хотираси хайрия жамғармаси, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ходимлари Наим Каримов, Шерали Турдиевлар нашрга тайёрлаган китобда ўз ифодасини топган². Жумладан, китобда шундай ёзилган: «Боту тахаллуси билан ижод қилган Маҳмуд Ходиев (1904-1938) ўтган асрнинг 20- йилларида халқимиз ўртасида нафақат шоир, балки ҳар томонлама билимли, истеъдодли ва фидойи жамоат арбоби сифатида ҳам танилган. У, айниқса, ёшлик нашидаси билан суғорилган, тенгдошларининг олийжаноб интилишларига руҳ ва куч бағишлайдиган шеърлари билан ёш авлоднинг меҳр-мухаббатини қозонган эди.

Боту 26 ёшида «аксилинқилобчи», «миллатчи» ва «халқ душмани» сифатида қамоққа олиниб, ўн йиллик жазо муддатини ўташ учун дастлаб Соловец оролларида юборилади, сўнгра 1938 йил 9 майда Москвада отиб ташланиши билан унинг порлоқ адабий истиқболига қонли нуқта қўйилади»³.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 231-иш, 173–190-варақлар.

² *Боту*. Танланган асарлар. Тошкент, «Шарқ», 2004, 192-бет.

³ *Боту*. Танланган асарлар. Тошкент, «Шарқ», 2004. 2-бет.



Қосимов Хошим, 1898 йили Хўжанд шаҳри Явва қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, миллати ўзбек, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1920 йилдан партия аъзоси, партия билет рақами 1873495, отаси Мўмин Қўшоқбоев деҳқончилик билан шуғулланган, 1912 йилдан 1918 йилгача Хошим отаси билан бирга вақф ерларида ва хусусий мулкдорлар кўлида чорикорлик қилган, бир вақтни ўзида қишлоқдаги мусулмон мактабида ўқиган.

1918 йилдан 1920 йил бошларига қадар хусусий мулкдор Мирмамаат Ғойибовнинг пахта ташиш бўйича аравакаши бўлиб ишлади, 1920 йили комсомолга ва партиёга кирган. Ўша йили Самарқандга юборилади, бу ерда 6 ойлик ўқитувчилар тайёрлаш семинар курсида ўқийди. 1920 йили Нов районидаги Нурқат қишлоғидаги мактабда ўқитувчилик қилади, 1921 йил мартдан Қўқон шаҳрида ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқийди.

1922 йил июнидан Хўжанд уезди Явва қишлоғида ўқитувчилик қилади. Шу вақтнинг ўзида партия ячейкасини масъул котиби ишини ҳам қўшиб олиб боради.

Унинг 1932 йил 3 октябрда ёзиб қолдирган таржимаи ҳолида, жумладан шундай дейилган: «1922 йил ўрталаридан 7–8 ой Хўжанд уездида комсомол ишларига ташкилотчилик қилдим, кейин 1923 йил бошларида Унжин волости «қўшчи» союзи раиси қилиб сайландим. Ўша йили 4–5 ой Унжин шаҳарча даҳаси партия ташкилотида партия ташкилотчиси лавозимида бўлдим. 1923 йил охиридан 1924 йил ноябригача Туркистон Компартияси Сулонта район партия комитетининг масъул котиби бўлдим.

Масъул котиб лавозимида 13 ой ишлаб 1924 йил декабридан Хўжанд уезд партия комитетининг инструктори бўлиб 1925 йил мартигача ишладим.

1925 йил мартда қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик ишчилар касаба союзи съездида Хўжанд союзига раис бўлиб сайландим.

1926 йили 1-область съездида Самарқанд область қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик ишчилари союзи раиси

қилиб ва бир вақтнинг ўзида область касаба уюшмаси ҳайъати аъзоси бўлдим.

1927 йилнинг охирида қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик ишчилари касаба уюшмаси 2-республика съездида ҳайъатга аъзо ва маданий-оммавий бўлим мудирини бўлиб, Қишлоқ хўжалик ва ўрмончилик ишчи касаба уюшмаси марказий комитетида 1928 йилгача ишладим. Бу даврда ўқитувчиларни қайта тайёрлаш курсини ҳам битирдим.

1928 йил октябрида Ўзбекистон майда кооперациялар касаба уюшмаси Ташкилий Бюросига раислик қилдим ва бу ишда 1930 йил сентябргача турдим.

1930 йили майда кооперацияларнинг Ўзбек пахта союзи билан қўшилиб кетиш чоғида 1931 йил сентябридан июнига қадар Тошкентда правления раиси ва мелиоратив ҳамда Ўзбекистон пахта союзи ташкилий бўлими мудирини бўлиб ишладим.

1931 йил июнидан Ўзбекистон союзи пахта раиси этиб расмийлашдим. Бу ишда 1932 йил февраль ойигача бўлдим, Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг районларни марказдаги ходимлар билан мустаҳкамлаш тўғрисидаги қарори бўйича Зеленский (ҳозирги Асака тумани – Р.Ш.) район ижроия комитетининг 2-ўринбосарини ва район ер бўлими мудирини лавозимига қўйилдим. Шу йилнинг июнида район ижроия комитетини раиси ўринбосарини қилиб тайинландим ва ҳозирги вақтга қадар шу лавозимда ишлаб келмоқдаман».

Шахсий варақада 1934–1937 йилларда Пскент район ижроия комитетини раиси, 1937 йилда Бухоро шаҳар советини раиси бўлиб ишлаб келаётгани қайд қилинган. У ҳар хил даврларда Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитетига аъзо бўлиб сайланган, рус, тожик, ўзбек тилини яхши билган, яшаш манзили Бухоро шаҳри Фрунзе гузари (собик Қантора) бўлган.¹

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида 15 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.² Ҳозирда реабилитация қилинган.

Жўраев Раҳмат, 1903 йил Нуротада камбағал деҳқон оилада туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, 1926 йил-

¹ ЎзРПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 359-иш, 99–100-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549-варақ.

дан партия аъзоси, партия билети рақами 239008. 1933 йилдан МТС ходимлари касаба уюшмаси аъзоси, 1927 йили саводсизликни тугатиш мактабини, партия мактабини битирган.

1934 йил 11 декабрда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида қачон ва қаерда, қайси лавозимда меҳнат қилганини ёзилган.

1916–1921 йиллари Бухорода бойларга батрак, Нуротада 1922–1923 йиллари мардикор бўлиб ишлаган. 1923–1925 йилларда Бухорода батраклик қилган, 1926–1928 йилларда Нуротада сартарошга шогирд бўлган. Охунбобоев номли колхоз раиси ўринбосари, 1931 йили район судида ижрочи, 1934 йилдан Самарқанд шахрида Ўзбекистон Халқ хўжали кўргазмаси институтида талаба бўлган, ўзбек, тожик тилларини билган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида Жўраев Раҳмат 15 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.² Ҳозирда реабилитация қилинган.



Бойбеков Исҳоқ Шахиевич, 1890 йили Собиқ Сибирск губернаси Горьевка шахрида ота-онаси ишлаётган сўкна фабрикасида туғилган, миллати татар, маълумоти ўрта, 1918 йилдан партия аъзоси, отаси тўқувчи, бўёқчи бўлиб ишлаган. Фабрикадаги оғир ҳаёт шароити туфайли оила 1895–1896 йиллари Аҳмедлей қишлоғига кўчиб келади, буғдой экиш билан машғул бўлишади. Исҳоқ татар мактабида билим ола бошлайди, кейин отасидан рус бошланғич

мактабига беради. 2 йил ўқиғач, ўқишни давом эттириш учун маблағ топилмайди. 1909 йил қишлоқдаги Бахтиев деган савдогарга ёлланиб ишга киради. Бир йиллик меҳнати учун 100 сўм тўланарди, аммо бу жойда ҳам бири икки бўлмай 1909 йили уйига қайтиб келади, шу вақтда бу оиланинг яқин танишларидан бири Ўрта Осиёда Федченко

¹ ЎзРПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 238-иш, 46–47-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549-варақ.

станциясида Вадяев ширкатида пахта қабул қилувчи бўлиб ишларди. Исҳоқ кўпдан бери Ўрта Осиёга келишни орзу қиларди, чунки танишининг укаси бу ўлкани кўп мақтарди. Ота-оналари билан маслаҳатлашиб, уларнинг розилиги билан 1910 йил Федченко станциясига келади, бу жойда аввалдан яшаётган Бухориддинов ёрдами билан Андреев ширкатида минтерни ёғловчи бўлиб ишлай бошлайди, пахта навларини ўрганади. 1914 йилгача шу жойда ишлайди. 1914 йили лашкар сифатида ҳарбий хизматга сафарбар этилади, Чор армиясида 17- Туркистон полкида 1917 йилга қадар Туркия фронтида хизмат қилади. Инқилоб юзага келаётган вақтда контузия бўлиб, Боку лазаретасига тушиб қолади, Октябрь инқилобидан сўнг Ахмедлей қишлоғига қайтади. Бир неча ҳафта ичида уйлантириб қўйишади. Мустақил яшай бошлайди, қишлоқ совети ва камбағаллар комитети ишида фаол иштирок этади, 1918 йил бошларида Большой Сойман волость ижроия комитети ҳайъатига ер бўлими мудирлигига сайланади, ўша йили коммунистик партиёга ўтади.

1919 йили Ахмедлей қишлоқ советига раис этиб сайланади. 1921 йилдан Сизрян уезди халқ маорифига она тилидан ўқитувчи бўлиб 1924 йилгача ишлайди. Ўша йили мактабда ўқув йили тугагач, Бухорога келади.

БХСР маориф халқ комиссарлиги Чоржўйга педагогларни қайта тайёрлаш курслари учун юборади, уч ойлик курсни битиргач, Термиз шаҳрига вилоят халқ маорифи бўлимига юборилади. 1925 йилгача ўқитувчи ва мактаб мудирини бўлиб хизмат қилади. 1926–1927 йилларда Исҳоқ Бойбеков Жарқўрғон район ижроия комитети масъул котиби, 1928–1929 йилларда Сариосиё район ижроия комитети раис ўринбосари, 1930–1931 йилларда яна Жарқўрғонда райижроқўм раис ўринбосари, 1931–1932 йилларда Жиззах район Кооператив союзи мудирини, 1933–1935 йиллари шу район савдо бўлими мудирини, 1936–1937 йиллари Жалолқудук район ижроия комитети раисини ўринбосари лавозимларида хизмат қилди.

1927–1929 йиллари Жиззах округ ижроия комитетига аъзо бўлган.

Ўзбек, тожик, рус, озарбайжон тилларини яхши билган. Партия тозаловидан ҳеч танбەҳсиз ўтган, оиласи 6 кишидан иборат, Жалолқудук умумий уйларида яшаб турган¹.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 110-иш, 57–62-варақлар.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессия-сининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида Бойбеков Исҳоқ Шахиевич 15 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган¹. Ҳозирда реабилитация қилинган.

Носирбоев Саттор Усмонович, 1899 йил августида Самарқанд шаҳар, Боғишамол райони, Юнучка арик қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, миллати тожик, маълумоти ўрта, 1920 йилдан партия аъзоси, партия билети рақами 1360261, 1921 йилдан хўжалик муассасалари ходимлари касаба уюшмаси аъзоси, Қизил армия сиёсий бўлимида хизмат қилган.

1910 йили Чоржўй гимназиясида (бу гимназия 2 босқичли), кейин мактабга айлантирилган ўқув муассасаси битирган.

Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа С.У. Носирбоев томонидан 1937 йил 31 мартда тўлғизилган ва кичик бир таржимаи ҳол ҳам ёзиб қолдирган.

1920 йил майидан 1921 йил 1 январига қадар Чоржўйда жойлашган Бухоро Керки кўшинлар гуруҳи сиёсий бўлимида сиёсий бўлим бошлиғи ўринбосари, ҳарбий комиссар ёрдамчиси бўлиб хизмат қилган.

1921 йил июнидан 1922 йил июнигача Душанбе, Бойсунда РСФСР консуллигида котиб ва вақтинча консули бўлиб ишлаган.

1922 йил сентябридан 1923 йил январигача Самарқанд область ижроия комитети бошқармасида котиб ва ташкилий бўлим мудирини бўлиб хизмат қилган.

1923 йил январидан июнигача Ўртатепа райижроқўм раиси ўринбосари бўлиб хизмат қилган. 1923 йил июнидан 1924 йил январигача Хўжанд уезд ижроқўм раиси, сўнгра (1924 йил февраль 1924 йил июль) Самарқанд области жиноят қидирув Бошқармаси бошлиғи, 1924–1925 йилларда Самарқанд области ижроия комитети раиси ўринбосари, кейин ЎзССР Давлат План комиссияси раиси ўринбосари (1925 йил июнь – 1926 йил июнь), ЎзССР ЭКОСО раиси ўринбосари (1926 йил июнь – 1927 йил октябрь), Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кенгашининг ЎзССР бўйича раиси (1927 йил ноябрь – 1930 йил март), ЎзССР давлат банки бошқарувчиси ўринбосари (1930 йил март – 1930 йил сентябрь), 1930 йилдан 1934 йилга

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549–550-варақ.

кадар Бутуниттифок халқ хўжалиги кенгашининг Ўрта Осиё бўйича ваколатли вакили, 1934 йил майдан ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси саноат-транспорт бўлими мудири ўринбосари, 1934 йил октябридан Ўз ССР Маҳаллий Саноат Халқ комиссари, 1936 йил октябридан ЎзССР Енгил саноат халқ комиссари вазифаларида фаолият кўрсатган.

У бир неча бор ЎзКомпартия Марказий Комитетига, ЎзССР Марказий Ижроия Комитетига аъзо қилиб сайланган.

1935 йилда ҳамда 1936 йил 22 феввалида Республика бўйича маҳаллий саноат режасини ҳам микдорий, ҳам саноат кўрсаткичлари бўйича бажарилгани учун шахсий енгил автомобиль билан тақдирланган.

Ўзбекистон саноати тараққиётини режалаштирилишини ЎзССР давлат план Комиссиясига тақдим этиш бўйича ўзининг ўринбосарига тегишли чоралар кўрмагани учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети огоҳлантириш берган.

Республика партия ташкилоти Марказий Комитети томонидан 1936 йил огоҳлантириш олиб ташланган.

1935 йил партия тозаловидан ўтган.

Оилалик, яшаш манзили – Тошкент шаҳар, Уездная кўчаси, 9- уй бўлган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида С.У.Носирбоев 15 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

Жонузақов Байсен, 1906 йили Жанубий Қозоғистон областининг Қизилқум районида чорвадор оилада туғилган, миллати қозоқ, маълумоти – олий-ўрта, Тошкентда Ўрта Осиё давлат университети ишчи факультетини (1924–1929), Ўрта Осиё давлат университети физика-математика факультетини II босқичидан ўқимай қўйган (1931–1932), Тошкентда марксизм-ленинизм институтида (1936 йилдан) ўқиётган бўлган, 1930 йил ноябридан партия аъзоси, 1922 йилдан 1930 йилгача ВЛКСМ аъзоси, 1933 йилдан матбаачила касаба уюшмаси аъзоси.

1937 йил 20 июлда ўз таржимаи ҳолини битган, 1937 йил 19 августда ходимларини ҳисобга олиш шахсий

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 34-иш, 119–126-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 550-варақ.

варақасини тўлғизган. Бу икки ҳужжат асосида унинг ҳаёт йўлининг маълум жабҳалари ифодаланган.

Унинг отаси ва онаси 1919 йили вафот этган.

Акаларини бири «Қизил Ту» колхозида, бошқа бири К.Маркс номли колхозда яшашган, у вақтда бойларда ёлланиб ишлаганлар. Улардан бири ВКП(б) аъзоси, бошқаси эса партиясиз бўлган. Учинчи акаси Қизилқўм МТСда қоровул бўлиб ишлаган, тўртинчи акаси ВКП(б) аъзоси, Жиззах шаҳридаги мактабга директор бўлиб ишлаган, математикадан дарс берган.

Байсен 1920 йил 6 январда Тошкентга келиб ҳарф терувчилик мактабида ўқийди, уни битириб ўша йили касби бўйича ишга киради, 1923 йил бошларигача ишлайди. 1923 йил бошларидан шаҳардаги 2-сон босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишлайди.

1924 йил 10 сентябрдан 1929 йил июнгача САГУ рабфакида ўқийди. 1929 йил 13 ноябридан 1930 йил 5 майгача (округлар тугатилгунга қадар) Сирдарё округ партия комитетида (Чимкент шаҳрида) тарғиботчи бўлиб ишлади. 1930 йил 5 майдан 1931 йил 15 июлигача Мирзоян (Ҳозирги Авлиёота) шаҳрида қозоқ педагогика техникумида директор бўлади.

1931 йил 1 сентябридан 1932 йил 1 ноябригача САГУнинг физика-математика ишчи факультети директори ва бир вақтнинг ўзида шу факультетни талабаси бўлиб ўқийди.

1932 йил 17 ноябридан 1935 йил 20 сентябргача ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси йўлланмаси билан Қорақалпоғистон област партия комитетининг инструктори бўлиб хизмат қилади.

1935 йил 20 сентябридан 1936 йил 20 ноябригача республикаси газетаси «Қизил Қорақалпоғистон»га масъул муҳаррирлик қилади.

«1936 йил 1 декабридан, – деб ёзган эди у ўз таржимаи ҳолида, – ҳозирги кунга қадар Тошкентдаги марксизм-ленинизм институти муҳаррирлик-таржимонлик бўлимида ўқимокдаман.

1930 йил январида Чимкент шаҳрида ВКП(б)га номзод бўлиб кирдим, бу вақтда ВКП(б) округ партия комитетида ишладим.

Қозоқ педагогика институти директори бўлиб ишлаётганимда Мирзоян (собик Авлиёота) шаҳрида ВКП(б) аъзолигига ўтказилдим.

Оилам 3 кишидан иборат – хотиним ва икки фарзандим.

Жонузақов 20/VIII.1937 й.»

Шахсий варақада 1937 йили июлида Қорақалпоғистон АССР область партия комитети мактаблар бўлимига мудири бўлиб тайинлангани, Мирзоян район партия комитетига, Қорақалпоғистон АССР Марказий ижроия комитетига, Қорақалпоғистон обкоми пленумига аъзо бўлиб сайлангани, ўзбек, қозок, қорақалпоқ, рус тилларини билгани, яшаш манзили – Тошкент шаҳри, Гоголевская 58 экани қайд этилган.¹

СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрдаги Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида Жонузақов Бейсен 15 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.²

Эгамбердиев Раҳмонберди, 1908 йили Тошкент шаҳрида ишчи оилада туғилган, маълумоти олий-ўрта, 1918–1922 йилларда мактабда, 1925–1926 йилларда пахтачилик бўйича курсларда, 1930–1931 йилларда давлат банки бўйича курсда, 1932–1933 йилларда Москва молия-иқтисод институти кредит факультетига 2 йил ўқиган, 1933 йилда Ҳарбий денгиз мактабида ўқиб сиёсий ишлар ходими мутахассислигини олган.



1918–1922 йилларда Тошкент шаҳридаги 3-сон меҳнат мактабида ўқувчи, 1922–1925 йилларда ғишт заводида қора ишчи, 1925–1926 йилларда 49-сон пахта заводида пахта қабул қилувчи, 1929–1930 йилларда Ўрта Осиё банкида инспектор, 1930–1931 йилларда Ўрта Осиё банки курсанти, 1931–1932 йилларда Андижонда давлат банкида бошқарувчи, 1933 йили Ленинградда Болтиқ флотига қизил офицерликка ўқиган, 1933–1934 йилларда Андижон банки бошқарувчиси, 1934–1935 йилларда Янги Бухорода давлат банки бошқарувчиси, 1935–1936 йилларда Каттакўрғон банки бошқарувчиси бўлиб хизмат қилган.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 258-иш, 11–14-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 542-варақ.

Бир вақтнинг ўзида ўриндошлик асосида 1936 йили Каттақўрғон шаҳрида Ўзбекистон бош нашриётининг вакили бўлиб ишлаган. 1935 йил 15 февралдан ҳарбий хизматда қизил аскар бўлиб хизмат қилган, рус, ўзбек тилларини яхши билган.

Партия тозалови ва партия ҳужжатларини алмаштириш компанияси текширувидан яхши ўтган.

Каттақўрғон шаҳридаги давлат банки идорасига туташ жойда отаси, аҳли аёли ва бир боласи билан яшаб турган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида Эгамбердиев Раҳмонберди 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

Байбурин Мингали Бадритдинович, 1908 йил 5 октябрда Бошқирдистон АССР Ишминск районида камбағал деҳқон оиласида туғилган, миллати татар, маълумоти – 6- синфни битирган, ВКСни юридик курсини 1930 йил 1 январидан битирган. 1928 йил совет партия мактабига кирган, 1931 йил 11 февралдан партия аъзоси, Тошкент район партия комитетида партияга қабул қилинган, партия билети рақами 1374016, 1926 йилдан сиёсий маориф ходимлари касаба уюшмаси аъзоси.

1922 йили Қозоқ республикасидаги Қизил шаршарада чўпон, 1923 йил мартдан 1925 йилгача Тошкент районида чўпон, 1926 йилдан 1929 йил 16 февралгача Тошкент районидаги 2- сон тери заводида ишчи бўлиб меҳнат қилган, 1929 йил 16 июнидан 1930 йил 1 январигача Тошкент шаҳридаги хомашё курсида ўқиган.

1930 йил 1 январидан ўша йил 1 сентябргача Жилиқул шаҳрида ВКСЛМ тайёрлов пункти мудир, 1930 йил 20 октябрдан 1931 йил 20 октяригача Тошкент районидаги 2- сон тери заводида ишчи, кейин инспектори, ишчи-деҳқон инспекциясида бўлим мудир. 1933 йил 14 октябридан 1934 йил 25 февралгача Тошкент район партия комитетида инструктор, 1934 йил 25 октябридан 1936 йил 1 июнигача Тошкент шаҳар Оржоникидзе район комсомол комитетининг секретари, 1936 йил 1 июнидан Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитетида ташкилий бўлимидаги комиссия раиси бўлиб хизмат қилаётганди, рус, ўзбек, қозоқ тилларини яхши билган, оилалик, яшаш

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 293-иш, 3–5-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 541-варақ.

жойи, Оржоникидзе шахри, Миров кўчаси, 43 уй. Шахсий варака 1937 йил 31 октябрида ўзи томонидан тўлғизилган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида 10 йил камоқ жазосига ҳукм қилинган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

Рўзметов Мадрахим, 1906 йили Хива шаҳрида қурувчи оиласида туғилган, миллати ўзбек, отаси печка қирувчи бўлган, 1929 йилдан партия аъзоси, партия билети рақами 136025, маълумоти ўрта, Хивада тарғиботчилик курсини, Самарқандда Сталин номидаги Ўзбекистон Коммунистик университетини битирган.

Меҳнат фаолияти Хива шаҳрида бозорда аравакашлик қилишдан бошлаган (1918–1920 йиллар), 1920–1921 йиллари Жалолов деган хусусий мулкдорда шогирд, 1921–1924 йиллари Хивадаги артелда қурувчи ишчи бўлиб ишлаган, 1924–1925 йиллари Бойбува Каримовда батрак бўлган, 1925–1926 йили Хивада ўқиган, 1926 йили комсомол ячейкаси секретари бўлиб ишлаган, Хивадаги совет партия мактабида ўқиган, 1927 йил 20 майидан 1928 йил 5 декабригача Хонқа район комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлаган, 1928 йил 25 сентябрдан 1929 йил 31 апрелигача Самарқандда совет партия мактабини битирган, 1930 йил апрелидан 1930 йил 1 сентябригача Қўқон шаҳрига қарашли район комсомол комитетининг секретари, 1930–1931 йиллари Тошкентда Ўзбекистон Компартия Марказий Комитетида тарғиботчи, 1932–1933 йиллари Булунгур район комсомол комитетини секретари, 1933 йили Ғаллаорол район партия комитети маданият-тарғибот бўлими мудири ва халқ маорифи бўлими мудири бўлиб хизмат қилган, 1933 йил сентябридан 1934 йил февралигача Митан райони халқ маорифи бўлими мудири ўринбосари, 1934 йил февралидан 1935 йил февралигача Урганч округ комсомол комитетининг 2-секретари, 1935 йил февралидан 1935 йил июнигача Гурлан район комсомол комитетининг секретари, 1935 йил июлидан 1936 йил июнигача куйи Чирчиқ район комсомол комитетининг секретари, 1936 йил 11 апрелдан 1937 йил 7 августгача Тошкентда ЎзЛКСМ Марказий Комитети деҳқон ёшлари бўлимининг сектор мудири бўлиб ишлаган.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 110-иш, 113–114-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549-варақ.

Меҳнат фаолиятидаги самарали ишлари учун 1935 йили район партия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган, оиласида 5 киши бўлган, яшаш манзили-Тошкент шаҳар, Октябрь райони¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида 10 йил камоқ жазосига ҳукм қилинган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

Даль-Жандармов Сергей Алексеевич, 1899 йил 21 сентябрда Куйбишев области Чардакин кварталида ишчи оиласида туғилган, миллати рус, отаси ёлланма тикувчи бўлган, 1901 йили вафот этган, онаси 2- тоифали меҳнат ногирони. 1927 йил февралда Қozoғистоннинг Чимкент шаҳрида партияга қабул қилинган, партия билети рақами 1360588, маълумоти куйи, 1909–1913 йиллари Куйбишев шаҳридаги бошланғич мактабни 3- синфининг битирган, 1928 йили Пахтаоролда 6 ойлик марксизм-ленинизм курсида ўқиган, 1935–1936 йиллари Марксизм-ленинизм институти партия фаоллари кечки курсида 8 ой ўқиган.

1937 йил 14 октябрда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида унинг 1913 йилдан 1937 йилгача бўлган меҳнат фаолияти акс эттирилган.

1913–1915 йилларда Куйбишев шаҳридаги хусусий мулкдорнинг ёғоч арралайдиган заводида қора ишчи, 1915–1919 йиллари трубачи заводида металл бўйича тоқар бўлиб ишлаган. 1919–1924 йиллари Жанубий фронт ва Ўрта Осиёда ишчи-деҳқон қизил армиясида қизил аскар ва иш юритувчи бўлиб хизмат қилган. 1924–1928 йилларда Чимкент шаҳрида молия бўлимида, губерна болалар комиссиясида, Қozoғистон савдосида бухгалтер бўлиб ишлаган. 1928–1930 йилларда Пахтаорол совхозида ҳисобчи бўлиб ишлаган, 1930–1931 йиллари Чимкент шаҳрида округ ишчи-деҳқон инспекцияси назорат комиссиясида катта инспектор, 1931–1932 йиллари Чимкент район матлубот жамияти раиси, 1932–1933 йиллари Тошкентда Ўзбексавдо бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 1933–1934 йиллари Ўрта Осиё ўлкаси Осавиахим кенгашининг ташкилий-оммавий бўлим бошлиғи, 1934–1935 йиллари Ўрта Осиё Осавиахимни бошлиғи, 1935 йилдан Ўзбекистон ССР Осавиахимининг раиси лавозимларида ишлаган.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 123-иш, 17–18-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 548-варақ.

1917 йили Куйбишев шахридаги Труба заводидаги иш ташлашларда иштирок этган, бунинг учун ишдан ҳайдалган. Февраль инқилобидан кейин ишга тикланган. Жанубий фронтда 1920 йилларда Деникинга қарши жангларда иштирок этган, оилалик, 2 фарзанли бор, яшаш манзили – Тошкент шахри, Коммунал хиёбони, 315-уй, 2-квартира¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида 10 йил камоқ жазосига ҳукм қилинган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

Бобожонов Абдулла, 1903 йили Тошкент шахрида батрак, оиласида туғилган, ўзбек, 1922 йил партиёга ўтган, партиё билети рақами 1322564, маълумоти қуйи, 1923 йили 6 ойлик партиё мактабини битирган.

1937 йил 11 майда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақада унинг меҳнат фаолияти ўз аксини топган.

1919–1920 йиллари Тошкент шахрида Эски шаҳар район партиё комитетида қоровул, 1920–1921 йиллари Тошкентда ишчи-деҳқон инспекциясида инспектор, 1921–1922 йиллари Бухоро, 1922–1924 йилларда Хоразм комсомол марказий комитетида инструктор, 1924–1925 йилларда Тошкентда Ўрта Осиё Коммунистик университетида талаба, 1925–1926 йилларда Янги Урганчда округ комсомол комитетининг секретари, 1926–1927 йилларда Янги Урганч уезд партиё комитети ташкилий бўлим мудири, 1927–1928 йиллари Хозорасп район партиё комитетининг секретари, 1928–1929 йиллари Тошкентда Ўрта Осиё давлат университети талабаси, 1929–1930 йилларда Янги Урганч, 1930–1931 йиллари Сариосиё район партиё комитетининг секретари, 1931–1934 йиллари Бешариқ тумани Машина трактор станцияси директори, 1934–1936 йиллари Фарғона шахрида МТС директори вазифаларида ишлаган.

Шахсий варақада 1925–1927 йиллари партиё совет органлари таркибига аъзо бўлиб сайлангани, рус, тожик, ўзбек тилларини билгани, яшаш манзили – Фарғона шахри, Будёний кўчаси, 45-уй экани қайд этилган³.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессияси-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 221-иш, 155–156-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 548-варақ.

³ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 225-иш, 166–175-варақлар.

нинг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида 15 йил камоқ жазосига ҳукм қилинган¹. Ҳозирда реабилитация қилинган.

Карцев Александр Васильевич, 1901 йили Сталинград шаҳрида (аввалги Карицин, ҳозирги Волгоград) ишчи оила-сида туғилган, миллати рус, маълумоти ўрта, 1918 йилдан партия аъзоси, партия билети рақами 0819651, 1912–1917 йиллари Сталинградда тижорат билим юртини, 1923–1925 йиллари Тошкентда Ўрта Осиё Коммунистик университети-ни битирган.

Унинг ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақаси, ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳоли архив-да сақланиб қолган. Ана шу икки ҳужжат асосида ҳаёт йўлидан айрим лавҳаларни келтирамиз.

Отаси Французларнинг «Дюмо» заводида слесарь, ма-шинист бўлиб ишлаган, кейинчалик нефт синдикати завод-ларида фаолият кўрсатган.

Болалиги анча оғир ўтган. Оила камбағал ҳаёт кечир-ган. Александр катта ўғил бўлиб, 4 та укаси ва 2 та сингли-си бўлган, отасининг маоши оилани боқиш учун етмас, шу боис ёз пайтларида балиқ овлашга, бойлар қўлида ёлланиб ишлашга тўғри келган, дарё бўйидаги кемалардан юк ту-шириб, юк чиқариб пул топган.

1917 йили билим юртини битиради, ёш ишчилар союзи-га киради, бу союз ўқувчи ёшларни бирлаштирганди. Улар ўзларини 3- интернационалга мансуб деб ҳисоблардилар.

Совет ҳокимияти ўрнатилгач, у бошқалар қатори қизил гвардиячилар сафига киради, жангларда қатнашади.

1918 йили Карициндаги 2- совет полкида қизил аскар, 1919 йил жанубий фронтдаги 6- отлик дивизияда ҳарбий комиссар, 1920 йили махсус бўлим коменданти бўлиб хиз-мат қилади. Будёнийнинг отлик корпусидаги 6- отлик диви-зиясида, Краснов, Деникинга қарши жангларда қатнашади. 20-йилларда Бухорода босмачилик ҳаракати авж олгач, Анвар пошшонинг Туркистонга келиши ва советларга қарши кураши авж олган бир пайтда қизил армия Бухорога отлик қисмларни сафарбар қилади. Шунда А.Карцев ҳам Бухорога сафарбар қилинади. Туркистон fronti 15-отлик полк, 8- бўлимда эскадрон командири бўлиб хизмат қилади (1921–1926 йиллар).

1926–1927 йилларда Фарғонага келиб, уезд-шаҳар

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 548-варак.

партия комитети тарғибот-ташвиқот бўлим мудирлари ўринбосари, Наманганда уезд-шаҳар партия комитети ташкилий бўлим мудирлари, 1928–1930 йилларда Андижон округ партия комитети тарғибот-ташвиқот бўлими мудирлари ўринбосари, 1931–1932 йилларда Самарқандда «Правда газетаси» муҳаррири ёрдамчиси, 1932 йили «Правда востока» газетаси ходими, 1932–1934 йилларда Сталинобод шаҳрида «Коммунист Таджикистана» газетаси муҳаррири, 1934 йили Тошкентда «Правда востока» газетаси муҳаррири ўринбосари, 1934 йил ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси, 1934 йил 16 июлидан Ўзбекистон Компартия Марказий Комитети маданият-тарғибот бўлими мудирлари ўринбосари, 1935 йил 16 июлидан матбуот, тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирлари лавозимларида меҳнат қилган.

Фарғонада ҳарбий курслар партбюроси котиби, Наманган уезд-шаҳар партия комитети пленуми бюроси аъзоси, Андижон округ партия комитети пленум аъзоси, Сталинободда Тожикистон Компартияси Марказий Комитети пленуми ва бюроси аъзоси этиб сайланган, ўзбек тилида эркин ўқиб, ёза билган.

Бухоро Республикасининг «Қизил байроқ» ордени, СССР Ҳарбий революцион совети Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида Карцев Александр Васильевич 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

Розенфельд Сергей Владимирович, 1909 йил 29 октябрда Киев шаҳрида мешчан оиласида туғилган, миллати яҳудий, отаси шифокор, онаси уй бекаси, ижтимоий аҳволи хизматчи, маълумоти олий, 1926 йилдан ВЛКСМ аъзоси, француз, немис, ўзбек, украин, рус тилларини яхши билган.

Унинг таржимаи ҳоли архивда сақланиб қолган. Ундан парча келтирамиз: «... Сўнгги вақтларда отам ишчи-деҳқон қизил армиясида шифокор бўлиб ишлаган. Отам вафотидан сўнг онам қарамоғида яшадим ва Куйбишев шаҳрига келдим. Куйбишевда 1925 йилгача яшадим. 1925 йилдан Киевдаги касаба союз мактабида ўқидим. Таътил вақтларида Киевга яқин Белическ ўрмончилик заводида ишладим.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 355-иш, 103–108-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 541-варақ.

1928 йили касаба союз мактабини битирганимдан сўнг Ўзбекистонга келдим, бу жойда ер-сув ишлари халқ комиссарлигининг уруғчилик-назорат станциясида Самарқанд шаҳрида ишладим. 1928 йили мана шу соҳа бўйича Бехбудий шахрига ўтказилдим. 1929 йил ўрталаридан Қашқадарё округ комсомол комитетига тарғибот-ташвиқот бўлими мудирини ўринбосари бўлиб, бир вақтнинг ўзида Қашқадарё округ партия комитетини иш бошқарувчиси бўлиб хизмат қилдим. 1930 йили Самарқанд педагогик академиясига ўқишга юборилдим, уни 1932 йили тугатдим, ўқиш билан бирга шаҳар комсомол комитетини оммавий бўлим мудирини бўлиб ҳам хизмат қилдим. 1932 йили Ўз ЛКСМ 6-съездида Марказий Комитетга ва бюрога аъзо бўлиб сайландим ҳамда комсомол Марказий Комитетини маданият-тарғибот бўлими мудирини ўринбосари этиб тайинландим, ишчи-деҳқон қизил армия сафида бўлиб, захирадаги командир сифатида бўшадим. Армиядан келиб Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетини агротехник ўқувчи ва деҳқон ёшлари бўлими умумий таълим сектори мудирини бўлиб ишладим, 1936 йил июнидан эса ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг халқ маорифи комиссарлигидаги вакили бўлиб тайинландим, ва бу ерда ҳозиргача ишлаб турибман».

Армия хизматида ва комсомол ишида намунали фаолияти тақдирланиб Фахрий ёрлиқлар, совғалар, номдор мукофотлар билан тақдирлангани, оилалиги, 4 ёшли ўғли борлиги, Тошкент шаҳри Головечевский хиёбони, 6-уйда яшаётгани шахсий варақасида қайд қилинган¹.



СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида Розенфельд Сергей Владимирович 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

Эрбўтаев Мелибой, 1897 йили Қўқон шаҳри Найманча даҳасида ишчи-машинист оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти куйи, 1925 йилдан партия аъзоси, партия

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 118-иш, 97–100-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549-550-варақ.

билети рақами 1364940, 1936 йил 17 июнда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида унинг меҳнат фаолияти акс эттирилган. 1908–1912 йиллари Қўқон шаҳридаги пахта заводида слесарга шогирд, 1912–1919 йиллари слесарь бўлиб ишлаган, 1919–1923 йиллари шаҳардаги 1-сон давлат тегирмонида, 1923–1924 йилларда «Красный октябрь» номли 2-ёғ заводида слесарь, 1924–1925 йиллари шу заводда қоровул, 1925–1929 йиллари шу завод директор ўринбосари бўлиб хизмат қилган.

1929–1930 йиллари Тошкентда ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси қошидаги партия совет курсида ўқиган, 1930 йилдан 1931 йил 1 июлигача Қува МТС директори, 1931 йил 1 июлдан 1933 йил 1 декабригача Қува район партия комитетининг масъул котиби, 1933–1936 йиллари Бехбудий шаҳрида Қашқадарё сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган.

Партия тозаловларидан ўтган, оиласи 5 кишидан иборат бўлган, яшаш манзили – Қашқадарё сув хўжалиги биноси¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида Эрбўтаев Мелибой 12 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

Элбек (Машриқ Юнусов, 1898–1939) – шоир, тилшунос ва фольклоршунос. Бўстонлик туманида туғилган. 1911 йили мухтожлик орқасида Тошкентга кўчиб келган. «Хоний» мактаби (1911), сўнгра Авлониининг янги усул мактабида (1914) ўқиган. Наримонов номидаги таълим-тарбия техникумида ўқитувчилик қилган (1920 йилдан). Маданий қурилиш илмий тадқиқот институтида илмий ходим бўлиб ишлаган (1931–1934). У истеъдодли шоир сифатида кўплаб шеърӣ тўпламлар эълон қилган.

Фитрат бошқа шогирдлари қатори унга ҳам таҳаллус танлаб «Элбек» номини берган. Фитрат бошчилик қилган «Чиғатой гурунги» ташкилотида Элбек ҳам фаол қатнашган. Тошкентнинг «Тил ва имло» гуруҳига дастлаб Чўлпон, сўнгра Элбек раҳбарлик қилган. Фитрат томонидан нашрга тайёрланган «Ўзбек ёш шоирлари» (1922) тўпламида унинг ҳам шеърлари босилган³.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессия-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 303-иш, 16-18-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549–550-варақ.

³ Тарихнинг номаълум саҳифалари. Биринчи китоб... 141-бет.

сининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида Юнусов Элбек (Машрик) 12 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган¹. Қамоқ жазосини ўташ учун Магаданга этап қилинган ва шу жойда 1939 йил 11 февралда вафот этган. 1957 йил 1 августда оқланган.



Шодиева Тожихон, 1905 йили Фарғона шаҳрида ишчи, шахтёр оиласида туғилган, ўзбек, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1925 йил 16 июлдан партия аъзоси, партия билети рақами 1375419, 1921 йилдан 1928 йилгача комсомол аъзоси бўлган, сиёсий маориф ходимлари касаба уюшмаси аъзоси, 1921 йили Тошкентда 9 ойлик партия мактабини битирган, 1930–1933 йиллари Москва шаҳрида марксизм-ленинизм курсини битирган. 1937 йил 8 июнда тўлғизган ходимларни

ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида Тожихон Шодиева Хива шаҳрида 1921–1922 йиллари Хоразм Коммунистик партияси Марказий Комитетида инструктор бўлиб ишлагани, 1922–1923 йиллари Қўқон шаҳрида уй бекаси бўлиб тургани, 1923–1925 йиллари Қўқон шаҳрида область партия комитети хотин-қизлар бўлимининг мудираси, 1926–1930 йиллари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида хотин-қизлар бўлими мудирининг ўринбосари, 1930–1933 йиллари Москвада марксизм-ленинизм курсида тингловчи, 1933–1935 йиллари Фарғона шаҳрида МТС сиёсий бўлими бошлиғи, 1935–1937 йиллари Учкўприк кишлоғида Молотов район партия комитетининг масъул котиби лавозимларида ишлаган. У 1925–1937 йиллари Фарғона область партия комитетига, Ўзбекистон Коммунистик партия Марказий комитетига аъзо бўлган. 1930 йили Ўзбекистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети хотин-қизларни озод қилиш бўйича фаол ишлари учун «Меҳнат қизил байроқ» ордени билан, 1934 йили СССР Марказий Ижроия Комитети сиёсий бўлимидаги аъло даражадаги меҳнати учун «Ленин ордени» билан тақдирланган. Шахсий варақада турмуш ўртоғи борлиги, яшаш манзили—

¹ РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549–550-варақ.

Кўкон шахри, Советская кўчаси, 6-уй, деб кўрсатилган ва шахсий варақани 1937 йил 2 июнда имзолаган¹.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида То-жихон Шодиева 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

Ашур Бозоров – Бухоро ви-лояти Гуждувон тумани Гаждумак кишлоғида гилкор оиласида туғилган. Вобкентда очилган мактабда, Бухоро-даги Кўкалдош мадрасасида таълим олган. Бухородаги муаллимлар тай-ёрлаш курсини 1930 йил битирган, Бухоро шахридаги Наримонов номли ибтидоий мактабда ишлаган, унга му-дирлик ҳам қилган.

1932 йилдан шаҳар партия коми-тети ҳузуридаги саводсизликни ту-гатиш штабида фаолият кўрсатган. Тез орада у партия сафига қабул қилинган. Бухородаги «Бухоро пролетарлари» газетасида ишлайди. Колхозлаштиришда фаол қатнашади. Рухшабод кишлоғидаги «Маориф», Моҳихоса кишлоғидаги Будёний колхозларини ташкил топишида иштирок этади.

Бухоро машина-трактор станцияси (МТС) сиёсий бўлими ҳузуридаги «Большевик колхозлари учун» газета-сига муҳаррирлик қилади. 1934 йил январдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарори билан Ашур Бозоров Самарқанд вилояти Митан (ҳозирги Ишти-хон) тумани МТС сиёсий бўлимининг наشري – «Сталин йўлидан» газетасига муҳаррир, 1935 йил Қашқадарё ви-лоятининг «Социализм йўли» газетасига муҳаррири бўлиб хизмат қилади. Бухорода чиқадиган газета ўзбек ва то-жик тилларида чиқиши муносабати билан уни Бухорога чақириб олиб «Бухоро пролетарлари» газетасига муҳаррир этиб тайинлашади. 1936 йилнинг охирида А.Бозоров Тош-кентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги муҳаррирлар курсига чақирилади ва газета-чиликни мукамал ўзлаштириб олади. Йил охирида бир гуруҳ муҳаррирлар билан Москвага бориб, 15 кун давоми-



¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 252-иш, 23–25-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549–550-варақ.

да «Правда» газетаси ҳамда босмахона ишлари билан танишади.

1937 йил июль-августидан бутун мамлакатда «Катта террор» машинаси ишга тушганда Бухорода ҳам кўплаб ҳалол, айби йўқ инсонлар катағон қозонига улоқтирилган. Улардан бири Ашур Бозоров бўлган. Уни аввал бошда партиядан ўчиришди, сўнгра ҳибсга олиб қийноқлар билан тергов қилишади. У ўша дахшатли кунларни шундай эслайди: «... Ҳозиргидек эсимда, 1937 йил 12 сентябрь куни Бухоро шаҳар партия комитетининг бюроси бўлди. Унда биринчи бўлиб область ички ишлар бўлимининг бошлиғи Високинскийга сўз берилди.

У ўрnidан туриб, менинг тўғримда кўп далиллар борлигини гапирди. Сўнг қўлидаги қоғоз солинган жилдни очиб, менга кўйилган кўйидаги айбларни эълон қилди:

1. Москвага борганида Ўзбекистондаги аксилинқилобий ташкилотнинг топшириғи билан ҳукуматимиз раҳбарлари, биринчи навбатда доҳий Сталинни отиш ниятида бўлган.
2. Бухоро электр станциясини атайлаб уч йилгина ишлашини мўлжаллаб, нуқсонли қуришда маслакдош бўлган.
3. Бухоро меҳмонхонасини (ҳозирги туғуруқхона) ҳам шундай заиф ҳолда солиниш маслаҳатида иштирок этган.
4. От бозори қишлоқ шўросида масъул вакил бўлиб турган йилларида шўро ҳукуматига қарши гуруҳлар тузиб, ташвиқотлар олиб борган».

Бу бўҳтон, айбларни эшитганимдан бошимдан кайноқ сув кўйилгандай бўлди. Рост, ўзимни йўқотиб кўйдим. Кўзим тиниб, атрофдаги одамларни аниқ кўролмайд қолдим. Ўзимга келиб, ўтирганларга бир-бир қарасам, кечагина оға-инидек, бир маслакда, бир мақсадда ишлашиб юрган ўртоқларим гўё мени танимайдиган, ёт киши бўлиб қолди. Ёт кишигина эмас, ёввойи йиртқичга қарагандай, менга душманлик кўзлари билан тикилиб турардилар. Сабрим етмай, сўз сўрамасданок ўрнимдан туриб, «Булар ёлғон, тухмат» дедим. Ҳеч ким қулоқ солмади. Худди ҳеч нима эшитмаганларидек миқ этмасдан ўтиравердилар.

Бир вақт шаҳар фирқа кўмитасининг котиби Ҳамдам Тожиев: «Кўйилган айблар жуда оғир экан, шунинг учун унинг фирқа масаласини ҳал этайлик», деди. Мендан тунтириш, жавоб сўзи ҳам эшитмадилар. Ҳаммаси олдиндан режалаштириб кўйилгандек, бир дақиқада бўлиб ўтди. Овозга кўйилганда бюро иштирокчиларининг барчаси фирқа сафидан ўчирилишимга қўл кўтаришди.

Шу он фирқа хужжатимни олиб мени бюродан чиқариб юборишди. Асабийлашиб, шунчалик қарахт бўлиб қолибманки, уйга қандай етиб келганимни билмабман.

Эртасига тонг-азон ички ишлар бўлимидан Бахромов, Назировлар келиб уйда тинтув ўтказдилар. Ҳеч нима топилмади. Хужжатларимни, тўппончамни олдилар (у вақтда масъул ходимларнинг ҳаммасига қурол бериларди). Турмуш ўртоғим Латофат менинг қамоққа олинганимни сезганидан нима қилишини билолмай, болаларни ёнига олиб, бошларини силаб кўз ёшларини арта-арта «даданг сафарга бориб келади», дея юпатар эди. Бир яшар ўғлим Раҳмон, тўрт яшарли қизим Мишура менинг сафарга кетаётганимга ишониб, «дада-дада, қачон келасиз, бизларга нималар олиб келасиз?» дея мўлтирашиб турардилар. Кўнглим аллақандай беҳузур кетди, кўзга қалққан ёшларни яшириш учун, кийимларимни тузатиш баҳонасида тесқари бурилдим, «тезда қайтаман, қанд-қурслар келтираман, дедим шивирлаб».

...1937 йил сентябридан 1938 йил октябригача вилоят Ички ишлар Бўлими бош терговчиси Семёнов бошчилигида сўроқ олиб борилади. Шу вақтдан эътиборан ўн йил давомида унга уйдан хат-хабар олишга, хатто болаларини бир лаҳза кўришга руҳсат этилмайди. Терговларда айбга иқроқ бўлиш, қўл қўйиш талаб қилади.

Шахсга сиғинишнинг таъсири ўз ҳукмини юргизарди. Кеча-кундуз қийнаб сўроқ қилишлар давом этади. Ёлғон гувоҳлар уюштирилади. Масалан, Рухшобот қишлоғидаги «Маориф» жамоа хўжалигининг раиси, қамалган Абдурахмон Жўраев: «Ашур Бозоров бизда вакил бўлиб юрган вақтларида бизнинг жамоа хўжалик ва Будённий номидаги жамоа хўжалигида шўроларга қарши ташвиқот юргизган», деб маълумот беради.

– Тергов давом этаётган кунларнинг бирида, – деб ҳикоясини давом этади Бозоров, – мен қамалган хонага замбилда солинган бир кишини олиб кирдилар. У, Бухоро ноҳия ижрокўмининг собиқ раиси, 1921 йилдан фирқа аъзоси, коллективлаштириш фаоли, кейин халқ душмани сифатида ҳибсга олинган Хожи Муродов¹ эди. Бечора қоқ суяк бўлиб қолибди. Терговдаги азобларга чидай олмай,

¹ Муродов Хожи 1938 йил 14 октябрда Тошкентда СССР Олий Суди Харбий Коллегиясининг сайёёр сессияси йиғилишида отувга ҳукм этилган ва ўша ҳукм ижро этилган Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлиги Хизмати Марказий архиви – РФ ФХХ МА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 540–550 варақлар.

ўзини бинонинг иккинчи қаватидан ерга ташлабди. Бир оёқ, бир қўл синган. Оёғининг жароҳати ёмонлашгач, кесишган экан. У менга йиғламсираб:

– Ашуржон, бошқа илож йўқ. Ҳар нима бўлса ҳам қўл қўявер. Ҳаммамиз шундай қилдик. Бу тутқунликдан ҳеч кутулолмаймиз, – дея қўзларини артди.

– Қилмаган жиноятни, бўлмаган айбларни қандай бўй-нимга олай, – дедим.

Замбилдаги маҳбусни олиб чиқиб кетгач, яна сўроқ, кийноқ давом этди. Ўн уч кеча-кундуз тик турғизиб қўйиб, азоблаб, сўроқ қилдилар. Кўзим юмилиб, йиқилиб кетсам, яна тик турғизиб қўядилар. Ҳушимдан кетсам, сув сепиб, цемент полга ётқизиб, ҳушимга келтирадилар. Ўшанда бошимга қаттиқ нарса билан урганларидан асабим шикасталанган экан, йигирма йилдан кейин руҳий касалликлар ши-фохонасида даволаниб чиқдим.

... Ахири қўл қўйишга мажбур бўлдим. Кейин СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyasi ҳукми, турма...

– Суд вақтида терговлар тайзиқ остида олиб борилганини айтмадингизми? – ҳакамларнинг адолатли бўлишларини назарда тутиб сўрадим, мен у кишидан.

– Арзимни тингламадилар ҳам, – алам билан қўл силтади, суҳбатдошим ва суд қандай ўтганини сўзлаб берди, – икки соқчи икки ёнимда юриб, залга олиб кирдилар. СССР Олий Суди Ҳарбий коллегия раиси Алексеев қоида расмиятидан сўнг:

– Судланувчи Ашур Бозоров зимманга қўйилган айбларга иқрормисан? – деди.

– Гражданин судья, иқроp эмасман, айтадиган сўзларим бор...

Бироқ коллегия раиси гапимга кулоқ солмади, ўнг қўлини кўтариб, «хонадан чиқаринг» аломатини қилди. Соқчилар икки қўлимдан тутиб, олиб чиқдилар. Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас қайта олиб кирдилар. Ҳукм ўқилди. Унда: «10 йил қатағон қамоқ, 5 йил ҳуқуқидан маҳрум этилсин», дейилган эди¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида Бозоров Ашур 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

¹ Бозоров Абдул. Аччиқ ҳаёт. – «Шарқ юлдузи», 1991 йил 2-сон, 166-бет.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549–550-варақлар.

12. ҚАЙТА ТЕРГОВ ҚИЛИШГА ҚАРОР ҚИЛИНГАНЛАР

Вахобов Қодирхўжа, 1898 йили Тошкент шаҳрида савдогар оиласида туғилган, ўзбек, Эски шаҳардаги ўзбек янги усулдаги мактабда ўқиган, маълумоти қуйи, 1931 йилдан партия аъзоси, партия билети – 1335417, отаси 12 ёшлигида вафот этган, 3 йил этикдўзлик қилган. 1923 йили 5 ойлик саводсизликни тугатиш, 1923–1924 йили 4 ойлик алоқателеграф курсида ўқиган, ўқитувчилик қилган. 1925–1927 йилларда Тошкентдаги кооператив мудир бўлиб, 1928–1930 йилларда Фомин номидаги фабрикада ишчи, 1930–1931 йилларда фабрика директори ўринбосари, 1932–1933 йиллари пойабзал фабрикаси ишчилар таъминоти бўйича директор ўринбосари, 1933 йилда директор, 1936 йил 5 декабрдан Тошкент шаҳар Сталин райони ижроия комитети раиси лавозимларида хизмат қилган.

1925–1930 йилларда Тошкент шаҳридаги сайлов органларида иштирок этиб, маҳаллий комитетга, фабрика партия ташкилотига, шаҳар советига, маҳаллий комитет мудирлигига, ҳисоб комиссияларига раис бўлган. Рус, татар, қозок тилларини билган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябридаги йиғилишида 15 нафар маҳбусларнинг ишини кўриб, қайта тергов қилишга қарор қилинган. Улардан бири Вахобов Қодирхўжа эди². Кейинги тақдири номаълум.

Назаров Тожибой, 1904 йили Куйбишев райони Риштон қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти қуйи, 1925–1927 йилларда Қўқон шаҳридаги 1,5 йиллик ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқиган, қишлоқ мактаби ўқитувчиси мутахассислигига эга бўлган, 1928 йил 1 январидан партияга ўтган.

1937 йил 8 июнда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида ўз меҳнат фаолияти ҳақида маълумот берган.

1923–1925 йилларда Куйбишев райони Риштон қиш-

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 169-иш, 52–56-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 550-варақ.

лоғидаги мактабда ўқиган, 1925–1927 йилларда ўша мактабда ўқитувчилик қилган.

1927–1928 йилларда Куйбишев район Кредит ширкати раиси, 1928–1931 йилларда ўша район Задаён қишлоғида пахта пункти мудир, 1931–1933 йиллари Задаён қишлоқ совети раиси ўринбосари, 1934–1935 йилларда Куйбишев район ижроия комитетида инструктор, 1934–1935 йилларда мева-собзавотчилик уюшмасининг бошқарувчиси, 1936–1937 йилларда МТС директори ёрдамчиси, 1936–1937 йилларда гўшт тайёрлов союзи мудир, 1937 йил 25 апрелдан Куйбишев район партия комитетида партия кабинети мудир бўлиб хизмат қилган.

Оилалик, 2 боласи бор, яшаш манзили – Куйбишев район Задаён қишлоқ совети, «Октябрь» колхози¹.

Паттоҳўжаев Азим, 1900 йили Тошкентда якка хунарманд маҳсидўз оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти – куйи, ижтимоий аҳволи – ишчи, 1932 йили оёқ кийим фабрикасида партияга кирган, партия билети рақами 1365564.

Шахсий варақасида 1927–1929 йилларда Тошкент шаҳридаги «Қизил юлдуз» артелида маҳсидўз ишчи бўлиб меҳнат қилгани, 1929–1931 йиллари Тошкентдаги «Қизил жамоа» маҳсидўзлик артелида ишчи, 1931–1933 йиллари Тошкентдаги «Аёқ кийим» фабрикасида инструктор, 1933–1937 йиллар партия ташкилоти секретари, 1937 йил апрелидан партия комитетининг котиби бўлиб ишлаган. Яшаш манзили – Қизил Казерник, 1- Корпус, 1-уй.

Архивда унинг 1937 йил 30 декабрда ёзиб қолдирган ижтимоий аҳволи ҳақидаги маълумот сақланиб қолган².

13. БИРИНЧИ ТОИФА БЎЙИЧА АЙБЛАНИБ ИШИ МОСКВАДА КЎРИЛГАНЛАР

Каримов Абдулла, 1896 йили Қўқон шаҳрида шойи тўқувчи хунарманд оилада туғилган, ўзбек, хизматчи, 1920 йили Қўқон Эски шаҳар партия комитетида партияга қабул қилинган, партия билети рақами 1365853, маълумоти ўрта,

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 28-иш, 118–120-варақлар.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-рўйхат, 70-иш, 124–125-варақлар.

1911 йили Қўқондаги янги усулдаги ўзбек мактабини, 1915 йили рус-тузем мактабини, 1918 йил Скобелов шахридаги педагогик курсни, 1926 йили Москвада Совет Коммунистик университет 1- босқичини битирган.

Педагогик курсни битирганидан сўнг 1918–1919 йиллари Қўқондаги бошлангич мактабда ўқитувчи ва халқ маорифи бўлими коллегияси аъзоси бўлиб ишлайди. Ўқитувчилар касаба уюшмаси котиби бўлди.

Абдулла Каримов 1937 йил 9 июлда ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақани тўлғизган. Унда меҳнат фаолияти ҳақидаги асосий маълумотлар келтирилган. Уларни хронологик изчилликда келтирамиз: 1919 йили Қўқон уезд Халқ хўжалиги бошқармасида маҳаллий санот бўлими мудир, 1919–1921 йилларда Қўқон уезд-шаҳар касаба уюшмаси бюроси аъзоси, социал таъминот мудир, 1921 йили Фарғона области касаба уюшмаси раиси, 1921 йили Қўқон уезд-шаҳар революцион комитети раиси, ўша йили Туркистон Компартияси Фарғона область партия комитети секретари ўринбосари ва агитация-пропаганда бўлими мудир лавозимларида хизмат қилди.

Абдулла Каримов 1922 йили Фарғона область милиция бошлиғи, ҳарбий революцион кенгаш аъзоси, Фарғона кўшинлар гуруҳи аъзоси бўлиб фаолият кўрсатди.

1922–1923 йилларда ГПУ Фарғона области бўлими аъзоси Фарғона кўшинлар гуруҳи ҳарбий революцион кенгаш бошлиғи, 1923–1924 йилларда ТАССР маориф халқ комиссари ўринбосари (Тошкентда), 1924 йили Қўқонда Фарғона область партия комитети секретари, 1924–1926 йилларда Москвада Я.М.Свердлов номидаги Коммунистик университет талабаси, 1926–1927 йилларда Фарғона область партия комитети секретари, 1927–1929 йилларда ЎзКомпартия Марказий Комитети Марказий Контроль комиссияси раиси, 1929 йили Ўрта Осиё иқтисодий кенгаш раиси (Тошкент), ЎзССР Маориф халқ комиссари ўринбосари, ЎзССР Халқ Комиссарлар совети раиси ўринбосари бўлиб хизмат қилди. 1937 йил июлидан ЎзССР Халқ комиссарлар совети раиси бўлиб ишлади.

1937 йил 9 июлда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида рус ва ўзбек тилларини билиши, босмачиликка қарши курашда иштирок этгани, 1921 йилдан 1923 йилгача Фарғона водийсида Фарғона кўшинлар гуруҳи ҳарбий революцион совети аъзоси, Фарғона об-

ласти Фавкуллода комиссия раиси бўлгани, 1923 йили СССР Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети «Гражданлар уруши даврида аксилинкилобий босмачиликка қарши фаол кураши учун» «Қизил байроқ» ордени билан тақдирлангани, СССР МИК 1937 йили ўзбек музыкали театри ташкил этгани учун меҳнат қизил байроқ ордени билан тақдирлангани қайд қилинган.

ЎзКомпартия Марказий Комитети бюроси 1937 йил 5 сентябридаги йиғилишида Жўрабек Тўрабековнинг А.Каримов тўғрисидаги ахбороти тингланади. Бюро А.Каримовни Халқ душмани сифатида партия сафидан ва ва ЎзК(б)П Марказий Комитети пленуми аъзолигидан чиқариб ташлансин, деган қарор қабул қилинади¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилиши Абдулла Каримовнинг иши кўриб чиқишдан олиб ташлансин, «1-категория бўйича Москвада кўриб чиқилди» деган қарор қабул қилган². Ўзбекистон ҳукумати бошлиғи А.Каримов 1937 йил 5 сентябрда қамоққа олинган ва 1938 йил 27 апрелда отиб ташланган. Вафотидан сўнг оқланган³.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар совети раиси Абдулла Каримов Москвада отувга ҳукм қилинган, ҳукм ижро этилган. Унинг билан бирга Рамзий Маннон Абдуллаевич, Абдулхай Тожиев, Цехер Арон Абрамович, Шермухаммедов Мирмуслимлар ҳам 1-категория бўйича Москвада отилган.

Рамзий (Маннон Ромиз, Маннон Абдуллаевич Рамзий, 1896–1938) – журналист, ёзувчи, жамоат арбоби. Тошкент шаҳрида туғилган. 1918–1930 йилларда совет ва партия идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Маориф, миллий матбуот ва нашриёт ишларининг ривожланишида фаол иштирок қилган. Рамзий Тошкент Эски шаҳар ижроия комитасининг раиси (1922) бўлган. 1924–1925 йилларда Помирда ишлаган. «Туркистон», «Камбағал дехкон», «Қизил Ўзбекистон» газеталари ва «Ер юзи», «Маориф ва ўқитувчи» журналлари муҳаррири (1927–1929), Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссари (1927–1930). Адабий-танқидий ва публицистик мақолалар ёзган.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 345-иш, 151–154-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 19–23-бетлар.

³ Тарихнинг номаълум саҳифалари. Биринчи китоб. Ғафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2009. 113-бет.

1930 йил 1 сентябрда «Наркомпрос иши» бўйича қамоққа олинган. 1933 йил 31 мартда Москвада бўлиб ўтган суд жараёнида 9 киши қаторида ўлим жазосига ҳукм қилинган, сўнгра бу ҳукм 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштирилган. Миркомил Миршариповнинг «иши»даги маълумотномада ёзилишича, Ўзбекистон Компартияси МК 1-котиби А.Икромовнинг аралашуви билан 1934 йили Маннон Рамзий муддатидан олдин қамоқдан озод қилинган. У Ростов-Дон шаҳридаги «Ростсельмаш» заводида кадрлар тайёрлаш бўйича бўлим бошлиғи вазифасида ишлаган. 1937 йил 17 августда Ростов-Донда қамоққа олинган. Москвада 1938 йили 27 апрелда бўлиб ўтган судда Маннон Рамзий ўлим жазосига ҳукм қилинган ва ўша куни отиб ташланган. Вафотидан сўнг оқланган¹.

Тожиёв Абдулхай (1899–1938), жамоат арбоби, журналист. Тошкентда туғилган. Уч йиллик рус-тузем мактаби ва олти ойлик муаллимлар курсини, кейинчалик Москвадаги Коммунистик университет (1920й)ни тугатган. Қизил профессорлар институтида ўқиган. У Тошкент Эски шаҳар партия комитети агитация ва пропаганда бўлими мудирлари (1920–1921), халқ маорифи бўлими мудирлари (1921), Туркистон Компартияси Сирдарё область партия комитети котиби (1921–1922), «Туркистон» газетаси муҳаррири (1923–1924), Ўзбекистон Компартияси Тошкент область партия комитети масъул котиби (1925–1926), Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети агитация ва пропаганда бўлими мудирлари (1927–1929), «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррири (1929), Бутуниттифок Советлари МИК Миллатлар Совети котиби (1929–1935), Тошкент шаҳар Совети раиси (1935–1937) ва ЎзССР Советлари МИК раиси ўринбосари (1937) лавозимларида ишлаган. 1937 йил 3 августда Тошкентда қамоққа олинган ва Москвада 1938 йил 27 апрелда бўлган суд қарорига кўра отиб ташланган. Вафотидан сўнг оқланган².

Абдулхай Тожиёвнинг қисқача таржимаи ҳоли.

«1899 йили туғилганман. Отам ўқитувчи бўлган, 1908 йили вафот этган. 8 ёшимдан бошлангич мактабга кир-

¹ Тарихнинг номаълум саҳифалари. Биринчи китоб. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2009. 134-бет.

² Тарихнинг номаълум саҳифалари. Биринчи китоб. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2009. 113-бет.

ганман. 1913 йилдан 1916 йилгача қурилишда қора ишчи бўлдим.

Инқилоб бошларида маориф бўйича ишладим. 1918 йил июнида Тошкентнинг Эски шаҳар партия ташкилотидида Коммунистик партия сафига кирдим. 1918–1919 йилларда партия дружинасига командирлик қилдим, ўша вақтдаги Туркистон Республикаси ҳарбий комиссари Осипов бошчилигидаги оқ гвардиячиларнинг чиқишини, «Январь воқеалари»ни бостиришда иштирок этдим.

1919 йили Тошкент Эски шаҳар ижроия комитетига аъзо бўлиб сайландим, ижрокўм котиби вазифасини бажардим ва Коммунистик ёшлар союзини ташкил қилдим, шу союзнинг раиси бўлдим. Ўша йили Фарғонада босмачилик frontiда бўлдим.

1920 йил январидида Туркистон Республикаси ўлка партия комитети мени Москвага 8 ойлик курсни ўтиш учун Свердлов университетига юборди.

1920–1921 йиллари Тошкент шаҳар партия комитетига сайландим, тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири бўлиб ишладим. Ўша йили Сирдарё область партия комитетига ижроия бюросига ва шаҳар партия комитетига аъзо бўлиб сайландим, кейин эса масъул котиб бўлдим. 3 йилга яқин областда босмачиликка қарши кураш бўйича учликка раислик қилдим, бир вақтнинг ўзидида Туркистон Республикаси партия Марказий Комитети органи ўзбек тилидаги «Туркистон» газетасига масъул муҳаррирлик қилдим.

1923 йилнинг ёзидида босмачилик frontiда қийинчиликлар бўлиши муносабати билан Фарғонага тарғибот-ташкилотчилик ишлари учун юборилдим, бу ерда ҳарбий революцион кенгаш органи бўлган «Дархон» фронт газетасига муҳаррирлик қилдим.

1923 йил кузидида Москвадаги Свердлов Коммунистик университетига юборилдим. 2- курсни тугатганимдан сўнг мени Тошкент область партия комитетининг масъул котиби қилиб сайлашди, бу жойда 1 йилга яқин ишладим. 1926 йил охирида яна Москвага келиб, университетни тугатиш имконига эга бўлдим.

1927 йили Свердлов университетини битириб ВКП(б) Марказий Комитети томонидан Ўзбекистонга жўнатилдим, бу ерда мени Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тарғибот-ташвиқот бўлими мудири, ижроия бюроси аъзоси ва котиби лавозимида ишладим. 1927 йил июлидан

1929 йил мартигача шу лавозимда ишладим. Бу давр ичида ЎзКП(б) Марказий Комитетига икки марта аъзо бўлдим, ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси аъзолигига номзод қилиб сайландим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги асосий ишимдан ташқари бошқа ишларни ҳам бажариб турдим. Чунончи, ЎзССР худосизлар уюшмаси марказий кенгашига раислик қилган, ЎзКП(б) Марказий Комитети ва ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг органи партиявий журнал «Коммунист»га муҳаррирлик қилдим.

Бутун иш фаолиятим давомида, советларнинг кўплаб съездларида иштирок этдим, советларнинг III съездидаёқ СССР Марказий Ижроия Комитетига аъзо бўлиб сайландим, шунингдек, ҳал қилувчи овоз билан партиянинг X, XII, XIII, XV съездларига вакил бўлдим. Партиянинг XVI, XVII съездларида ҳамда Бутуниттифоқ партия конференциясида маслаҳат овоз билан қатнашдим.

1929 йил ўрталарида Бутуниттифоқ советларнинг V съездида, 1931 йил бошларида VI Бутуниттифоқ советлар съездида Иттифоқ МИКга ва Марказий Ижроия Комитети сессиясида эса СССР Марказий Ижроия Комитетига аъзо ҳамда СССР МИК Миллатлар кенгаши котиблигига сайландим, бу ерда 1935 йилгача ишладим. Ҳозирги вақтда Тошкент Эски шаҳар советининг раиси ва ЎзССР Марказий Ижроия Комитети раиси ўринбосари, шунингдек, шаҳар партия комитети бюроси ва ЎзКП(б) Марказий Комитетига аъзо қилиб сайландим. Тожиев»¹

Цехер Арон Абрамович, Киев областининг Обухово кишлоғида туғилган². У катта ҳаёт йўлини босиб ўтган. Ёшлигидан турмуш қийинчиликларини бошидан кечирган. У ҳар доим инқилобчиларга тақлид қилиб яшаган. 1917 йилдаёқ партияга кирган Саратовда ўқиётган пайтида талабалар камитетида фаолият кўрсата бошлаган.

1922 йил ВКП(б) Марказий Комитети йўлланмаси билан Ярославль областига юборилади. Кўп ўтмай уни Тошкентга юборишади, қисқа вақт Тошкентда ишлаган. 1924 йилдан Москвада, Тошкентда, Шимолий Кавказда партия органларида фаолият кўрсатади. Адигей область партия комитети биринчи серетари бўлиб хизмат қилади.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 138-иш, 6–7-варақлар.

² Унинг туғилган йили Ф. Қиличевнинг «Зулматдан садолар» номли аса-рида берилмаган. Президент девони архивидан шахсий иши топилмади.

Унинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари вазифасига тайинланганлигини Файзулла Қиличев шундай тасвирлаган:

– Хизмат юзасида Москвага келган Арон Абрамович Цехерни дафъатан ВКП(б) Марказий Қўмитасига чақириб қолишди. Уни Марказий Комитет котиби Лазер Моисеевич Каганович йўқлаётганини айтишди. А.Цехер бундай чақирув одатдаги ҳол бўлишига қарамай, негадир бир оз хавотирга тушди.

– Саломатмисиз Лазар Моисеевич, – Цехер фиркадаги иккинчи шахс билан самимий сўрашиб, таклиф этилган ўринга секин чўқди. Бир неча дақиқа унга синовчан боқиб турган Каганович савол ташлади:

– Сиз Ўзбекистонни яхши биласиз-а?

– Ҳа, у ерда бир вақтлар ишлашга тўғри келган, Туркистон Коммунистик Фирқаси Марказий Қўмитасининг тарғибот ва ташвиқот бўлимига мудирлик қилганман.

– Айни муддао, – Марказий Қўмита котиби яна бир оз ўйга толди, – Агар сизни ўша томонга ишга юборсак, нима дейсиз?

– Фирқа қаерни маъқул кўрса, шу ерда бўлишим керак. – Арон айни дақиқада бундан бошқа жавоб бера олмаслигига амин эди.

– Демак розисиз?

– Ҳа.

– Бу гал сизни Ўзбекистон Коммунистик фирқаси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби этиб юбориш таклифи бор. Бу масала Икромов билан келишилган. Ўртоқ Сталин ҳам таклифимизни маъқуллади. Қачон ишга киришсангиз бўлади?

– Ҳозироқ Тошкентга жўнашим мумкин.

– Жуда соз. Оилангизни кўчириш масаласини бизга қўйиб беринг. Сизга оқ йўл ва ишингизга муваффақият тилаймиз.

1934 йилнинг апрелида Арон Цехер ишга киришди.¹

1937–1938 йиллардаги катта қирғин А.А.Цехерни ҳам четлаб ўтмади. У ҳам қатағон қилинди.

У ҳақдаги айблов хулоса, уни иши Москвага юборилди. Унга Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 57, 58, 64, 67-моддалари билан гуноҳкор деб топилди. Иш якунига бўлим бошлиғи Матвеев розилик билдиради. Халқ комиссари

¹ Қиличев Файзулла. Зулматдан садолар... 111–112-бетлар.

Апресян ҳам уни тасдиқлаб, жилжимадор имзо чеккач, жиноий иш ва махбус негадир Москвага жўнатилади. Ниҳоят, 1938 йил 17 августда ССЖИ Бош прокурори А.Вишинский ўзбекистонлик НКВДчиларнинг саъй-харакатини хулосалаб, Цехернинг ишини судга оширишга рухсат беради.

Ўша кезде бу суд жараёнининг қандай кечганидан бе-хабармиз. Зеро, бу юмушни ошкор этишмаган. Аммо бир гап, у ими-жимиди ўтгани аниқ. Шуниси қизиқки, 1938 йил 19 августда бўлиб ўтган ССЖИ Олий Суди ҳарбий ҳайъати мажмуаси бўйича Москвада кўради. Унга дивизия ҳарбий юристи Зариянов раислик қилган. Бригада ҳарбий юристлари Романчев ва Детистов маслаҳатчи, котибликни 1-ранг ҳарбий юристи Кудрявцев ўз зиммасига олган. Ҳарбий ҳуқуқшунослар тошкентлик ҳамкасблари хулосасини шунчаки қайд этишдан нарига ўтишмаган. Цехернинг судда сўроқ қилинганига ҳам шубҳамиз бор. Суд жараёнига чет кишиларни таклиф қилинмагани аниқ. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, ана шундай бир ҳолатда адолатли суд бўлиши мумкинми? Асло! Бу кезде айблов фикрини расмий тасдиқлашдан бошқа илож йўқ. Ҳарбий ҳайъат аъзолари худди шундай йўл тутишади. А.Цехерга олий жазо тайинлаш билан бирга ҳукмни 1934 йил 1 декабрдаги ССЖИ Марказий Ижроия Комитаси қабул қилинган қонунга биноан дарҳол ижро этишни талаб қилишади, холос. Худди шундай қилинади ҳам! «Цехер Арон Абрамовичга нисбатан чиқарилган олий жазо – отиш 1938 йил 19 августда Москва шаҳрида ижро этилади. Ҳукмни ижро этиш юзасидан ҳужжат ССЖИ НКВДси архивида сақланмоқда. Бўлинма бошлиғи лейтенант Шевелев».¹

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрдаги йиғилишида Тошкент темир йўли раҳбар ходимларидан 1-тоифа бўйича 35 киши отувга, 2-тоифа бўйича 15 киши 10–15 йилгача муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Жумладан, Абрамов Михаил Игнатьевич, Шофман Иосиф Михаилловичлар отувга, Афонин Николай Антонович, Тумаев Андрей Павловичлар 10 йилдан, Черняевский Виктор Агеевич 12 йилдан, Торгашев Михаил Иванович 15 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этилганлар. Уларнинг айримлари ҳақида мавжуд бўлган маълумотларни келтирамиз.

Торгашев Михаил Иванович, 1887 йили Нижегород

¹ Ўша асар, 122-бет.

род губернаси Атенгеев волости Калапино қишлоғида рухоний оилада туғилган, миллати рус, ижтимоий аҳволи – ишчи, ғишт терувчи, маълумоти – кечки темир йўл техник курсини битирган, қизил армияда оддий пиёда аскар бўлиб хизмат қилган, 1919 йил 25 мартда партияга қабул қилинган. Архивда унинг таржимаи ҳоли сақланиб қолган. «... 13 ёшимдан йирик саноатчи ака-укалар Ашанинларни ёғоч арралайдиган заводига ишчи бўлиб кирганман, ўша вақтда 12 соатлик иш кунимга 20 тийин ҳақ олганман, бу ерда икки йил ишладим. Шу вақтда заводдаги иш боши билан танишиб қолдим, у бизларга сиёсий адабиётларни ўқиш учун берар ва шу адабиётларни биз у билан бирга қишлоқлар бўйича кечалари тарқатардик. Аммо ўшанда эсласам бу киши эсер экан. Шу заводда икки йил ишлаб, мен 15 га тўлган эдим, ота-оналаримдан мени бошқа бирон шаҳарга бориб ишлашимни сўрадим. Рухсат олгач Оренбургга келдим, бу ерда сувоқчилик ва тош ишлари бўйича пудратчига ёлланиб ишга кирдим... Бу пудратчида бир йил ишлаб 1909 йили Пермь шаҳрига келдим, 1910 йилгача бу ерда эксплуататорларда сувоқчидик қилиб яшадим. 1911 йили Қўқон шаҳрига келиб бу ерда пудратчида ишладим, кунига 1 сўм 80 тийин олиб 1917 йилгача ғишт терувчи, сувоқчи бўлиб ишладим. Чоризм ағдарилгач биринчи бор ҳар ҳил союзлар ташкил бўлди, шунда мен 15 ва 18-участка йўл хизматидагилар союзи раиси этиб сайландим. Шундан кейин граждандар fronti даврида Октуба frontiда қизил батальонда кўнгилли бўлиб хизмат қилдим. Туркистон Республикаси ҳарбий революцион кенгаши фармойиши билан бизнинг қизил батальонимиз тарқатиб юборилгач фронтдан қайтиб келдим». М.И.Торгашев Ўрта Осиё темир йўли 15-участкасида комиссар лавозимида хизмат қилади. У 1937 йили ҳибсга олингунга қадар темир йўли хизмати соҳасида раҳбарлик лавозимларида ишлайди. ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси ва ВССПС Ўрта Осиё бюроси топшириғига биноан Қизилқия конини текшириб чиқиш бўйича комиссияда фаол иштирок этади¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида Торгашев Михаил Иванович 15 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

Тумаев Андрей Повлович, 1905 йил 23 февралда Боку

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 159-иш, 29–30-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549-варақ.

шаҳрида ишчи оиласида туғилган, миллати армани, ижтимоий аҳволи ишчи, партияга Тошкент шаҳрида 1925 йил 16 январда ўтган, партия билети рақами 1361945, маълумоти қуйи, 1922 йилдан темир йўлчилар касаба уюшмаси аъзоси, 1913–1915 йилларда Тошкентдаги шаҳар аралаш мактабини битирган.

А.П.Тумаев 1937 йил 5 июлда ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақани тўлғизган. Унда ёзилишича 1918 йил апрелдан 1919 йил майгача Тошкентда Туркистон ипакчилик корхонасида ипак курти боқувчи бўлиб, 1919 йил майдан 1920 йил майгача Тошкентда Туркистон Фавқулодда комиссияда харф терувчига шогирд, 1920 йил майдан 1925 йил сентябригача Тошкент трамвай депода слесарь шогирди, слесарь бўлиб ишлагани қайд этилган.

1925 йил сентябридан 1926 йил сентябрига қадар Москвада «Котлоаппарат» заводида ВЛКСМ ячейкаси котиби, 1926 йил сентябридан 1928 йил январигача Москвадаги меҳнат биржасида ўсмирлар бўйича сектор мудирини бўлиб ишлаган.

1928 йил февралда Тошкентга қайтиб келади, округ касаба уюшмасида бўлим мудирини, 1929 йил мартдан 1930 йил мартгача Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетини котибинини, 1930 йил мартдан 1931 йил июнигача ВКСПС Ўрта Осиё бюросида ходимлар секторини мудирини, 1931 йил июнидан 1931 йил октябригача Ўрта Осиё темир йўли дирекциясида масъул инструктор, 1931 йил октябридан 1932 йил ноябригача ўша дирекцияда партия ташкилотини секретарини ўринбосарини, 1932 йил ноябридан 1933 йил сентябригача парторг, 1933 йил сентябридан 1935 йил октябригача Ўрта Осиё темир йўли сиёсий бўлимида темир йўл бўйича ходимлар бошлиғини ёрдамчисини бўлиб хизмат қилган.

1935 йил октябридан 1936 йил декабригача Ўрта Осиё темир йўли сиёсий бўлим бошлиғини, йўл бўйича бошлиқ ўринбосарини бўлиб хизмат қилган. Партия, комсомол, касаба уюшмаси юқори органларини таркибини ва ҳайъатига бир неча бор сайланган, ўзбек тилини яхши билган, оилалик, яшаш манзили – Тошкент шаҳар, Лев Толстой кўчаси, 57-уй¹.

СССР Олий судини ҳарбий коллегиясини сайёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентдаги йиғилишида Тумаев А.П. 10 йил қamoқ жазосига ҳукм қилинган². Ҳозирда реабилитация қилинган.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 59-иш, 29–30-варақлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549-варақ.

14. ИШИ КЎРИБ ЧИҚИШИ УЧУН МОСКВАГА ЮБОРИЛГАНЛАР



Василов Василий Ефимович, 1893 йил 23 июнда Ленинград шаҳрида ишчи оиласида туғилган, рус, отаси заводда токар ва валинка (кигиз этик) тайёрловчи бўлиб ишлаган, ижтимоий аҳволи – ишчи, 1918 йил 19 январда Ленинград Выборг районида партиёга қабул қилинган, партиё билети рақами 0292287, ўз устида ишлаб маълумот олган, 1917 йил ноябрдан 1918 йил февралгача Смольнида депутатлар совети ва Қизил гвардиячиларнинг

тарғиботчи-ташкилотчи курсини битириб инструктор-ташкилотчи мутахассислигига эга бўлган. 1924–1928 йиллари М.В. Фрунзе номидаги ҳарбий академияни битирган.

1930 йил декабридан 1933 йил октябригача Кобул шаҳрида, Афғонистонда СССР Ҳарбий атташеси бўлиб хизмат қилган, форс ва инглиз тилларини билган. 1937 йил 13 июлда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида унинг меҳнат фаолияти қисқача акс эттирилган. 1910–1916 йилларда Петрограддаги Путилов заводида ишчи, 1917 йил 20 сентябридан 1917 йил 12 декабригача Путилов заводидаги Қизил гвардия отрядининг командири бўлиб хизмат қилган, 1918–1919 йилларда партиё марказий комитетининг гуруҳида Петроград, Волга, Омск, Барнаул, Москвада тарғиботчи-ташкилотчи бўлиб хизмат қилган.

1919 йили Шарқий фронтнинг Волчин районида партизанлар отрядининг командири, 1919–1920 йиллари 4,15-ўқчи полки командири, 1920–1921 йиллари Семипалатинск ва Петропавловскийда 5,35,261- ўқчи полкида ҳарбий комиссар, 1921 йилда Омск шаҳрида 85- бригада ҳарбий комиссари, 1921–1924 йиллари Петропавловск ва Гжатскда 85 ва 87 полк, 29-двизия ҳарбий комиссари полк командири бўлиб хизмат қилган.

1928 йил августида 1930 йил декабригача Кўқон

шаҳрида 4-Туркистон ўқчи полкида командир ва комиссар, 1933 йил октябридан Ўрта Осиё ҳарбий округи бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. Ўзининг ижтимоий-сиёсий партиявий фаолиятида юқори партия совет органлари ташкилотларига жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига аъзо бўлган. 1930 йили революцион ҳарбий кенгаш томонидан жанговар операциялардаги муваффақиятлари учун Фахрий курул билан, 1933 йили ЎзССР Марказий Ижроия Комитети қарори билан босмачиликка қарши муваффақиятли курашгани учун Қизил байроқ ордени билан, 1936 йили Мудофаа халқ комиссари томонидан кўшинларни тайёрлаш ишида муваффақияти учун олтин соат билан тақдирланганлиги шахсий варақада қайд этилган. Василов В.Е. оилалик, 6 яшар қизи бўлган, яшаш манзили, Тошкент шаҳри, К.Маркс кўчаси, 8-уй. Ҳарбий унвони полковник¹.

15. ТЕРГОВ ДАВОМИДА КАСАЛ БЎЛГАНЛАР ВА ЎЛГАНЛАР

Совершенно секретно

| | |
|------------------------|---------------------------------------|
| Военная коллегия | Отп. 1. экз. А.Б. |
| Верховного суда | Народному комиссару внутренних дел |
| Союза СССР. | Узбекской ССР, Майору государственной |
| 2 ноября 1938г. | Безопасности. тов. Апрессяну. |
| № 00630 | |
| Москва, ул. 25 октября | |
| Д 23, телефон 2-27-69 | |

Прошу Вашего распоряжения о немедленном привидении в исполнение приговора Выездной сессии Военной Коллегии Верховного суда Союза СССР от 2-ого ноября 1938 года в отноше-

¹ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, 167-иш, 40-42-варақлар.

нии осужденных к высшей мере уголовного наказания – РАС-СТРЕЛУ Хасанова Назаркула.

Председатель Выездной сессии Военной Коллегии Верховного суда СССР. Бриг военюрист (Алексеев)

Хасанов Назаркул, 1903 йили Самарқанд вилояти Зомин райони Ём кишлоғида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти куйи, мусулмон мактабда, рус-тузем мактабида ўқиган, 2-синфни битирган, Свердлов университетида сиртдан ўқиган, Ём кишлоғида волость ижроия комитетида котиб, комсомол ва партия ячейкаларида (1920–1923 йиллар) масъул котиб вазифаларида ишлаган. 1923–1926 йилларда Жиззах уезд-шаҳар ижроия комитети тарғибот бўлими мудири ва округ ижроия комитети раиси ўринбосари, 1928–1929 йиллари Самарқанд округ ер-сув бўлими мудири, 1928–1930 йиллари Андижон округ партия комитети тарғибот ва маданият бўлими мудири, 1930–1933 йиллари Тошкентда Ўзбекистон Колхозлар Маркази идораси раиси, 1933–1934 йиллари ЎзССР ер-сув ишлари Халк комиссари ўринбосари, 1934–1937 йиллари Хоразм округ ижроия комитети раиси лавозимларида ишлаган. ЎзССР МИКига аъзо бўлган.

Архивда унинг рус тилида битилган таржимаи ҳоли сақланиб қолинган, унда жумладан шундай дейилган: «...1916 йилги кўзғолон туфайли Чор ҳукуматининг аҳолини қатағон қилиши муносабати билан ўқишни тўхтатиб деҳқончилик билан шуғулланиб, отамга ёрдам бериб турдим. Оиламиз 10 кишидан иборат эди... Туркистонда коммунистик ёшлар союзи ташкил этилаётган вақтда мен биринчилардан бўлиб комсомол сафига кирдим, Комсомол ячейкасининг масъул котиби бўлиб сайландим»¹.

Хасанов Назаркул иши унинг касаллиги муносабати билан СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрдаги йиғилишида кўрилмай қолди².

АКТ

1938 года ноября 2 дня, мы нижеподписавшиеся комендант НКВД Узб. СССР. ст. лейтенант государственной Безопасности т.Шишкин в присутствии Пом. Главного Военного Прокурора РККА Военного юриста 1-ранга

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 221-иш, 158–172-бетлар.

² РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 550-варак.

т. Шульцан, привел в исполнение приговор осужденным к расстрелу Хасанова Назаркула (один человек). О чем составили настоящий акт.

Комендант НКВД Узб. ССР
Ст. лейтенант гос Безопасности (Шишкин)
Пом. главного Военного прокурора РККА
Военный юриста 1-ранга (Шульцан)¹

II БОБ. ГУЛАГ ЛАГЕРЛАРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК МАҲБУСЛАР²

30- йилларда ГУЛАГ нафақат кенгайиб борган, айти вақтда унинг ташкилий бошқарув структураси ҳам ўзгариб катта кўламдаги иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга мослаштирилган, жазо сиёсати кучайтирилган. Лагерлардаги жарима изоляторлари такомиллаштирилди. Бу изоляторлар лагерь маъмурияти кўлида бўйсунмовчилар, номатлуб, номақбул шахслардан ўч, қасос олиш учун қулай восита бўлган. Маҳбуслар бир кишилик камераларга жойлаштирилган, улар ишга олиб чиқилмаган, ётиш учун кўрпачурак, ёстиқ берилмаган. Иссик овқат сифатида кунига уч маҳал баланда (суяқ ёвғон шўрва, шилдир сув, ўмоч) бериб турилган. Жаримачиларни изоляторда ушлаб туришнинг максимал муддати 20 суткагача бўлган. Бу муддатга чидай олмай ўлганлар анчагина оз бўлган.

¹ ЦА ФСБ РФ. Ф7.оп1. д 10. л 540.

² Мазкур мавзу ўзбек тарихшунослигида биринчи бор куйидаги мақолаларда ақс этган: Р.Шамсутдинов. Маҳбус юртдошлар қисмати. – Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. – Т.: «Шарқ», 2006. 158–164-б; Р.Т.Шамсутдинов, Э.Холмирзаев. ГУЛАГ лагерларидаги ўзбек маҳбусларининг қисмати. АнДУ Илмий хабарнома. 2011.-№1, 51–56-б; Р.Т.Шамсутдинов, Э.Холмирзаев. Сандармох қатлгоҳида отилган юртдошлар. – Мустақиллик: фан ва таълим тараққиёти. Илмий тўплам. Андижон, 2011. 106–111-б; Э.Р.Холмирзаев. Дмитров лагеридаги ўзбек маҳбуслари тақдири. Мустақиллик: фан ва таълим тараққиёти. Илмий тўплам. Андижон, 2011. 124–128-б; Э.Р.Холмирзаев. Магадан жазо лагерларидаги ўзбек маҳбусларининг фожиали тақдири. «Элим деб юртим деб ёниб яшаш керак» мавзусидаги конференция материаллари. Навоий, 2011. 33–36-б; Шамсутдинов, Элёрбек Холмирзаев. ГУЛАГ лагерларидаги ўзбек маҳбуслари. – Тарихнинг номаълум саҳифалари: илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2012.–Китоб 3. 51–68-б;

ГУЛАГ раҳбарияти лагерлардаги маҳбусларга берилган бундай жазо чоралари билан қаноатланмай, комендантларга жарималар миқдорини ошириб юбормаслик, уларни ёпиқ партия йиғилишларида пўстагини қоқиб, жазолашнинг бошқа воситаларини қўллашни маъкул кўрган. Бундай «инсонпарварлик»нинг сабаби аниқ-равшан эди. Ҳар бир жаримачи ҳисобидан лагерь ишчи кунни йўқотиб, давлатга зарар келтираётган деб тушунилган.

Шу боис секин-аста маҳбусларнинг «ижтимоий мақоми» ўзгариб борган. 1937 йилга қадар тарғибот адабиётида, хизмат ёзишмаларида ва ҳатто расмий ҳужжатларда «маҳбус», «тутқин» иборасини ишлатмасликка интилиш кузатилган. ГУЛАГ тутқинларини «ўрмон кесувчилар», «зарбдорлар», «стахановчилар» каби бошқа иборалар билан аташ одатга кириб борган. «Стахановчи» ибораси 30-йилларда фаол қўлланилган. Лагерлардаги яхши ишлаётган маҳбуслар учун «стахановчилар бараки», ошхоналарда «стахановчилар қозони» ташкил қилинган.

1936 йилга қадар темир йўл шоҳбекатларида кўпинча мана бундай манзарани кўриш мумкин эди: маҳбуслар жойлашган эшелонлар борар, вагонларда байроқлар, стахановчилар тўғрисидаги шиорлар, Сталин, Кагановичлар портрети, «Биз, стахановчилар, зарбдор қурилишга бормоқдамиз» деб ёзилган плакатлар, қўлида милтиқ ушлаб турган соқчилар, ойна панжарасидан «стахановчилар»нинг эркин аҳолига қараб туришлари. Петрозаводскда бундай манзарани кўрган лагерь бошлиқларидан бири бу ғирт бемаънилик эканини англаб етган. Натижада, 1937 йил сентябрида ГУЛАГнинг маданий-тарбиявий бўлими жойларга хат йўллаб, маҳбусларни стахановчилар деб атамаслик, чунки бундай деб аташ сиёсий жиҳатдан хато эканини асослаб берган. Шундан сўнги аҳвол ўзгарган.

«Лагерчилар – зарбдорлар», «каналлар ва қурилишлар қахрамонлари» ва ҳатто «лагерчилар» деган ибора ишлатилмай қўйилади. «Лагер аҳолиси», «лагер жамоатчилиги» каби табиий иборалар ўрнига «контингент», «махсус контингент», «ишчи фонди» деган маъмурий-бюрократик иборалар пайдо бўлди.

30-йиллар охиридан маҳбуслар ибораси қисқартирилиб расмий равишда з/к, кўплик маъносида «з/к-з/к» деб ёзиш, оғзаки эса «зэка» деб аташ кенг тарқалган. ГУЛАГ сиёсий бюроси директивасига мувофиқ 1940 йил 23 сентябр-

дан юксак меҳнат натижаларига эришган маҳбусларни бундан буён «ишлаб чиқариш илғорлари», «энг яхши кишилар» ва шунга ўхшаш номлар билан аташ мумкин эканлигини лагерлар ходимларидан талаб этилган, уларни фақат «зарбдорча ишлаётган з/к» ва энг олий даражасидаги ўқишни эса «стахановчи меҳнати услубида ишлаётган з/к» деб аталадиган бўлади.

30-йилларнинг иккинчи ярмидан ГУЛАГ фаолиятини ҳар томонлама махфийлаштирилиши юз беради. Мамлакат «почта қутичалари», «махсус объектлар», «кисмлар», «хўжаликлар», «ўрмонсаноат хўжаликлар» билан қопланган ва бирор жойда лагерлар ва уларда яшаётганлар тўғрисида бирор овоз эшитилмайди. Лагерь ишлаб чиқариш мажмуаларида «бирор нарсани ошкор қилмаслик ҳақида тилхатлар» олиш кенг тарқалган. Ўрта осиелик маҳбуслар кўп бўлган Москва – Волга қурилиш бошқармасига 1936 йили ишга кираётган ходимнинг «мутлақо махфий» тамғаси остида берган тилхатида ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ҳам НКВД лагерлари жойлашган манзил, у ердаги ҳаёт, иш, тартиб тўғрисида хабар бермайман, маҳбуслар билан хусусий, шахсий муомалада бўлмайман, уларнинг бирон-бир топшириқларини бажармайман, бу тилхатдагиларга риоя қилмасам махфий маълумотларни ошкор қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилишим тўғрисида, Дмитров лагеридаги таниш маҳбуслар ҳақида маълумот бермаслигим тўғрисида огоҳлантирилдим, деб ёзилган. Тилхатга сана, имзо, ишлаётган жой, лавозими қўйилган. Тилхатга «мутлақо махфий» тамғаси қўйилган.¹

СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг хўжалик фаолияти 1938 йилдан сезиларли даражада фаоллашади. Шу вақтдан лагерлар иқтисодиёти режали, катта кўламли бўлиб, у аниқ ифодаланган ҳарбий-саноат характери тусини олади.

1936 йили СССРдаги 13 йирик лагер-саноат комплексидаги қурилиш ҳажми 1,2 миллиард рублни ташкил этганди. 1938 йил баҳорида эса лагерлар сони 33 тага етади, капитал қурилиш ҳажми 2,6 миллиард рублга ўсади.

1937–1938 йилларнинг ўзида ўрмончилик соҳаси бўйича 13 та янги лагерь ташкил қилинади, уларда янгидан келтирилган 600 мингдан кўп маҳбуслар жойлаштирилган.

¹ *Иванова Г.М.* История ГУЛАГа. 1918–1958. М. «Наука», 2006, Стр. 241.

ГУЛАГ ходимлари таъбири билан айтганда, у «улкан комбинат» бўлиб қолган.

Соликамск сульфит-целлюлоза¹ завод (Соликамбумстрой) да ишлаётган 8434 кишидан 7313 таси маҳбуслар бўлган.

Архангельскдаги кемасозлик заводида 1938 йилда меҳнат қилаётган 42964 кишидан 33244 нафари маҳбуслар эди. «Североникель» заводида 21111 маҳбус қурилиш билан машғул бўлган.

Сталин ҳаётлиги давридаги ГУЛАГ – Давлат лагерлар Бошқармаси, Темир йўл қурилиш давлат лагерлар бошқармаси йўли билан қурилган йирик, гигант қурилишлар «Сталинские стройки ГУЛАГа» ГУЛАГнинг Сталин қурилишлари деб аталган. Беломор–Болтиқ, Москва–Волга, Волга–ДОН каналлари, Байкал–Амур магистрали, Шимолий Пегорск, Наушки–Улан Батор, Чум-Салехард–Игорка, Комсомольск-Амур – Победино темир йўллари, Узок шимол Дальстрой улкан иншоотларнинг қад кўтарилишини, ишга тушишини маҳбусларнинг меҳнати, хизматисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ана шу забардаст бунёдкорлик ишларида, социалистик иқтисодни барпо қилишда бутун мамлакатда совет режими томонидан ташкил этилган 100 га яқин норасмий концентрацион, расмийлашган меҳнат тузатув лагерларидаги маҳбусларнинг улуши ниҳоятда катта бўлган. Солевецк лагери базасида 1931 йили ташкил этилган ОГПУ–НКВДнинг меҳнат тузатув лагери Беломор–Болтиқ комбинатида 1939 йил 19 январдаги ҳолатга кўра, 86567 маҳбус бўлган, уларнинг 32 фоизи аксилинкилобий жинояти учун, 24 фоизи эса ижтимоий-хавфли унсур (социально спасный элемент) сифатида суддан ташқари органлар қарори билан лагерь таркибида қулоқлаштириш даврида бу жойга сургун этилган (8505 оила) 27856 махсус кўчқинди бўлиб, улар 21 та аҳоли яшайдиган манзилга жойлашган. Бу бир сўз билан айтганда «ишчи жамғармаси» бўлиб, улар ишчи кучлар эди.²

1938 йилида СССРдаги мис конлари захирасини 24 фозини ташкил этган Қарағанда области Жезқозғон мис эритиш комбинати қурилишининг дастлабки босқичида 10869

¹ Целлюлоза – ёғочдан, ўсимликдан олиниб, қоғоз, кинлента, сунъий ипак, портловчи нарсалар тайёрлаш учун ишлатиладиган модда.

² Иванова Г.М. История ГУЛАГа 1918–1958. М, «Наука», 2006, Стр. 251.

махбус меҳнат қилган. Шундай ҳолатни бошқа лагерлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

ГУЛАГ лагерларида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ялпи ҳажми тез суръатлар билан ўсиб борган. 1938 йилда 1,5 миллиард рубллик, 1939 йилда 2,5 миллиард рубллик, 1940 йилда 3,7 миллиард рубллик маҳсулот ишлаб чиқарилган. 1941 йил режасига кўра 4,7 миллиард рубллик маҳсулот ишлаб чиқариш белгиланган.

1940 йил НКВД кўмир қазиб олиш ҳавзалари мамлакатга 4,3 миллион тонна, 1941 йилда эса 5,3 миллион тонна кўмир берган. Кўмир қазиб олиш ёқилғи саноати корхоналари тўртта. Амур областида Райчих лагерида, Чита областида Бунач лагерида, КомиАССРдаги Воркута лагерида, Бурхт АССРдаги Гусин Кўли лагерида олиб борилган. Биргина Райчих лагерида 1938 йил охирида 8 мингдан зиёд маҳбуслар ишлаган.

Ана шундай лагерлардан бири Ухто-Печорск меҳнат тузатув лагери бўлиб, у ҳозирги Коми Автоном Республикаси ҳудудида жойлашган.

Ухто-Печорский меҳнат тузатув лагери 1931 йил 6 июлда ОГПУ*нинг Ухтин экспедицияси базасида ташкил бўлган. Шунда ОГПУнинг махсус ишлар учун мўлжалланган Шимолий лагерлар бошқармаси тугатилган эди. 1938 йил 10 майда Ухтин-Печорск лагери базасида 4 та – Воркута, Ухта ижем, Шимолий темир йўли, Уствимск лагерлари ташкил топган.

Ухтин-Печорский лагери ГУЛАГ** га қараган ва у Коми Автоном Социалистик Республикаси ҳудудида, Чибью (ҳозирги Ухто шахри) посёлкасида жойлашган.

Лагердаги маҳбуслар Ухтин-Печорск районида нефть ва кўмир конларида меҳнат қилганлар. Воркута ва Интедан кўмир, нефть, газ қазиб чиқарилган. Газ заводи, Чибью-Крутая автомобил йўли, Чибью–Усть-Вима–Котлас, Воркута–Усть-Уса–Кожева темир йўллари қурилиши олиб борилган. Троицко-Печоро ва Кожвин ўрмончилик саноати хўжалигида, Усть-Вимск ўрмон массивида ёғоч тайёрлаш билан шуғулланган.

Коми АССР Ички ишлар министрлиги архив бўлимида лагердаги 19954 маҳбуснинг 2-форма бўйича картотекаси сақланмоқда.

* Объединенное Государственное Политическое Управление.

** ГУЛАГ – Главное управление лагерей. (Лагерлар бош бошқармаси).

СССР да индустрлаштиришни ўтказиш учун нефть, ўрмон, газ, кўмир керак эди. 20-йиллар охири 30-йиллар бошларида бошқа минтақалар каби Коми Автоном области, кейинчалик автоном республика ҳудудини ўзлаштириш зарур эди. Ўша вақтда бу минтақада йирик саноат ишлаб чиқариши, меҳнат ресурслари йўқ эди. Шу боис Комининг индустрлаштириш салоҳиятини таъминлаш ва кўтариш учун мажбурий меҳнатни оммавий равишда қўллаш талаб этилган. Бу ҳудудда ГУЛАГнинг катта ва тўла кўламдаги фаолияти 1930–1950 йилларда авж олдирилган. Ички ишлар халқ Комиссарлигининг меҳнат тузатув лагерлари бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий модернизациялашнинг воқита курулларида бири бўлиб қолган эди.

Унинг вазифаси маҳбус меҳнати ёрдами билан кўмир ва нефть конларини ўзлаштиришдан иборат бўлган.

ОГПУнинг 1929 йили уюштирилган Ухта экспедицияси Чибьюга келганда унинг таркибида 129 маҳбус бўлган эди. 1932 йили маҳбуслар сони 14086 кишига, 1938 йили эса 89000 кишига етган.¹ Маҳбуслар меҳнати билан нефть ва кўмир конлари корхоналари, Шимол–Печора темир йўл магистрали барпо этилган. Бундан ташқари маҳбуслар ўрмончилик саноатида, қишлоқ хўжалигида ишлаганлар.

Мана шу Ухта-Печора лагерида 1937 йил 1 октябргача бўлган маълумотда биринчи қисм бўйича 618 ўзбек, 170 козоқ, 1534 турклар, иккинчи қисм бўйича 69 ўзбек, 73 туркман, 9 тожик, 11 қирғиз, 21 козоқ бўлган.²

Ухто-Печорск лагеридаги маҳбуслар ичида 1930 йиллардаёқ Ўрта Осиёдан, жумладан, Ўзбекистондан ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик томонидан турли муддатга қамоқ жазосига тортилган собиқ кулоқлар, ҳар хил соҳа бўйича айбланганлар борлиги аниқланди. Улардан айримларини келтирамыз.

Тошкент шаҳрида 1910 йили туғилган, **Акрам Мўминов** (Мўминхўжа Пирхазаров Абдулла деб ҳам аталган) 1928 йили ҳибсга олинган, 1929 йили 4 ноябрда ОГПУ Коллегияси томонидан РСФСР Жиноят Кодексининг 58,77,82-моддалари билан 8 йил озодликлар маҳрум қилишга ҳукм

¹ Казакова Карина Ацамазовна. Развитие сельхозянварелвенного производства в лагерях ГУЛАГа на территории Коми АССР в 1930–1950 гг. Авт. дисс.на соцк.учен.степени кандидата исторический коды. Сыктывкар. 2005. Стр. 2.

² ГУЛАГ (Главное управление лагерей) 1918–1960. М.2002. Стр. 411–413.

этилган. 1930 йил 1 январда Тошкент турмасидан Ухто-Печорск лагерига келтирилган. Лагердан 1936 йил 12 июнда озод этилган.¹

Сурхондарё округи Бойсун районида, 1910 йили туғилган, ўзбек **Шатур Бердиев** 1930 йил 6 майда қамокқа олинган. ОГПУнинг учлиги уни 1930 йил 11 сентябрда 58-11 модда бўйича, яъни аксилінқилобий фаолиятда бўлганликда айблаб 5 йил қамокқа ҳукм этилган, Ухто-Печорск лагерига 1931 йил 2 январда келтирилган, лагердан 1933 йил 28 майда бўшатирилган.

Бухоро шаҳрида 1874 йили туғилган, ўзбек, **Қоридовул Бўлатов** 1930 йил 14 майда ҳибсга олинган, ОГПУ учлиги томонидан 58-8, 58-10.2.2- моддалари қўйилиб 5 йил қамокқа ҳукм этилган. Ухто-Печорск лагерига 1931 йил 2 январда келтирилган, 1933 йил 28 майда озод этилган.

Андижон округи Балиқчи райони Ёзмачин қишлоғидан, 1884 йили туғилган, ўзбек **Уста Халил Зоитов** 1930 йил 14 мартда ҳибсга олинган, 1930 йил 18 мартда ОГПУ доимий вакиллиги учлиги томонидан 58-10, 58-11-моддалари билан айбланиб 3 йил қамок жазосига ҳукм этилган, Ухто-Печорск лагерига жазо муддатини ўтаб, 1932 йил 1 ноябрда қамокдан озод этилган.

Бухоро округи Ханза қишлоғидан, **Сайдулла Мирзаев** 1892 йили туғилган, ўзбек. 1930 йил 11 мартда ҳибсга олинган, 1930 йил 16 апрелда 58-10,2.2-модда билан айбланиб 10 йил муддатга қамок жазосига ҳукм этилган, Ухто-Печорск лагерига 1933 йил 7 ноябрда келтирилган.

Ўзбекистон ССР, Тошовуз райони Илойли қишлоғидан, 1886 йили туғилган, ўзбек **Қурамбой Тожибоев** 1930 йил 24 январда Ўзбекистон ГПУси 58-10 модда билан айблаб 3 йил қамок жазосига ҳукм этилган. Ухто-Печорск лагерига 1931 йил 16 июлда келтирилган, 1933 йил 6 январда лагердан озод этилган.

ЎзССР Денов райони Гулясухода қишлоғидан 1894 йили туғилган, ўзбек, **Шердон Хожимуродов** (Муродов Хожи деб ҳам юритилган) ОГПУ доимий вакиллиги учлиги томонидан 1930 йили 3 йил қамокқа ҳукм этилган, жазони Самара лагерига ўтаган, бу жойдан Ленинград Ҳарбий округи лагерига ўтказилган. 1933 йил 29 январдан РСФСР

¹ Покаяние. Коми Республиканский мартиролог жертв массовых политических репрессий. В. 9-томах. Сыктывкар. 2004-2010. Т.9. Часть 2, Стр. 237-572, часть 1, Стр. 239-801.

Жиноят Кодексининг 66-моддаси, 2-банди билан ОГПУ-нинг Ленинграддаги доимий вакиллиги учлиги томонидан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазони Ухто-Печорск лагерида ўтаган, лагердан 1938 йил 4 июлда озод этилган.

Ҳакимов Сайфи, 1905 йили туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳридан, 1933 йил 27 апрелда қамоққа олинган, 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазони Ухто-Печорск лагерида ўтаган, лагердан 1935 йили озод этилган.

ЎзССР Калинин райони Анли-Қарамас овулидан, 1902 йили туғилган **Собир Ўрозматов** 1935 йил 24 сентябрда қамоққа олинган, ўзбек. ЎзССР Олий Суди 1935 йил 23 декабрда ЎзССР Жиноят Кодексининг 17-54 моддаси билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Ухто-Печорск лагерига 1938 йил 11 июнида келган.

1902 йили туғилган, ўзбек, **Хайиджон Хайдаров** 22 сентябрда 1933 йил қамоққа олинган, 29 сентябрда 10 йил қамоқ жазосига тортилган, Ухто-Печорск лагерига 1934 йил 7 майда келган.

Ўзбекистон ССР, Қўқон шаҳридан, 1887 йили туғилган, ўзбек, **Мирзаали Абдуқаюмов** 1931 йил 2 июнда қамоққа олинган. 1932 йил 2 майда ЎзССР Олий Суди Республика Жиноят Кодексининг 14-64-моддаси билан айблаб 10 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган. Ухто-Печорск лагерига 1937 йил 24 майда келган, кейин Сибирь лагерига ўтказилган, лагердан 1941 йил 3 июнда озод этилган.

Аъзам Эргашев, 1912 йили туғилган, ўзбек, ЎзССР Қоравулбозор райони Ботилқўрғон қишлоғидан, 1933 йил 3 апрелда қамоққа олинган, 1933 йил 4 сентябрда ЎзССР Олий Суди ЎзССР Жиноят Кодексининг 58,66-моддалари бўйича айбдор деб топилиб 10 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган. Ухто-Печорск лагерига 1934 йил 8 мартда келган, лагердан 1939 йил 3 январда озод этилган.

Рахим Козимов, 1906 йил Самарқанда туғилган, эроний, 1930 йил 26 июнда қамоққа олинган, 1930 йил 13 октябрда 8 йил қамоққа ҳукм этилган, 1931 йил 2 январда Самарқанддаги маҳбуслар уйидан Ухто-Печорск лагерига келтирилган, 1939 йил 22 февралда лагердан озод этилган.

Гофуржон Мусахонов, 1892 йили Тошкентда туғилган, 1929 йили 6 ноябрда қамоққа олинган, 1931 йил 25 апрелда ОГПУ Коллегияси томонидан РСФСР Жиноят Кодексининг 58-10-моддаси билан олий жазога ҳукм этилиб, сўнгра ҳукм 10 йил озодликдан маҳрум қилишга ўзгартирилган.

1931 йил 19 июлда Ухто-Печорск лагерига Тошкентдаги маҳбуслар уйидан келтирилган, лагердан 1939 йил 31 январда озод этилган.

Хасан Набиев, 1907 йили туғилган, ЎзССР Нарпай райони Ражабали қишлоғидан, 1933 йил 28 февралда қамоққа олинган, 1933 йил 10 декабрда ОГПУ доимий вакиллиги учлиги томонидан 8 йил қамоққа ҳукм этилган, Ухто-Печорск лагерига 1937 йил 24 январда келган, 1941 йил 28 февралда лагердан озод этилган.

Ғуллом Ражабов, 1909 йили Тошкент области Чирчик районида туғилган. 1929 йил 26 июлда қамоққа олинган, 1930 йил 16 мартда 10 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган, Қарағанда лагеридан 1937 йил 20 июнда Ухто-Печорск лагерига келтирилган, 1939 йил 26 июлда лагердан озод этилган.

Бобоназар Сачиқов, 1903 йил ЎзССР Косон райони Андабозор қишлоғида туғилган, араб, 1932 йил 14 мартда қамоққа олинган, 1933 йил 16 августда ОГПУ учлиги томонидан 5 йил қамоққа ҳукм этилган. Сибирь лагеридан Ухто-Печорск лагерига 1937 йил 7 майда келган, лагердан 1939 йил 7 январда озод қилинган.

Рахим Ҳалилов, 1910 йили Ўзбекистон ССР, Қогри қишлоғида туғилган, ўзбек, 1930 йил 8 октябрда қамоққа олинган, 1932 йил 10 ноябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 53-3-моддаси билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазони Ухто-Печорский лагерига ўтаган, лагердан 1939 йил 19 февралда озод қилинган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги «учлик» (Миронов Лев Григоревич (1895–1938), Берман Борис Давидович (1901–1939), Бабкевич Саричев Ковач томонидан 1930 йил 27 октябрда 19 нафар маҳбус устидан ҳукм чиқарилган. Улардан бири Носирхон тўра Саид Камалхон Тўраев отувга ҳукм қилинган, маҳбуслардан Абдужалил Мадалиев, Мулла Фозил Бобомуҳаммедов, Хасанбой Рустамов, Мулла Неъмат Каримовларнинг ижтимоий аҳволи Собит Тошматов, Мадат Бобоқулов, Раимой Ўринбой, Мулла Усмонқори Дадабоев, Мулла Тожибой Йўлдашевлар ҳам 10 йилдан концлагер қамоғига ҳукм қилинган. Бу 10 йил қамоққа ҳукм этилган 18 нафар маҳбуслар қайси жазони ўтаган, деган савол туғилади.

Кўп уринишлар орқали улардан бири – Мулла Тожибой

Йўлдашев ҳақида куйидаги маълумотга эга бўлдик: Мулла Тожибой Йўлдашев 1895 йили туғилган, ўзбек, Кармана райони, Кармана қишлоғидан, 1930 йили 11 июнда ҳибсга олинган, ОГПУ «учлиги» томонидан 1930 йил 27 октябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58-2,58-11, 58-3-моддалари билан 10 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган. Ухто-Печорск лагерига Волга лагеридан 1938 йил 4 июлда келтирилган, 1938 йил 14 ноябрда лагердан озод қилинган. Ушбудан у билан бир вақтда 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган 17 нафар маҳбус ҳам аввал Волга лагерига, сўнгра Ухто-Печорск лагерига жазони ўтаганлар деган фикр туғилиши мумкин.

Муҳаммадjon Юнусов, 1908 йили туғилган, уйғур, Хитойнинг Қошқар вилояти, Қашқар шаҳридан, яшаётган манзили – ЎзССР Марғилон шаҳри, 1934 йил 14 июлда қамоққа олинган, СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ҳузуридаги Махсус Кенгаш аксилинқилобий фаолияти учун 5 йилга озодликдан маҳрум қилган. Ухто-Печорск лагерига 1935 йил 15 ноябрда келтирилган, лагердан 1943 йил 10 июнда озод этилган.

Бобош Ёқубов, 1904 йили туғилган, ўзбек. Тошовуз округи Тошовуз райони Хомин қишлоғидан, 1933 йил 27 сентябрда 10 йил озодликдан маҳрум қилинган. Ухто-Печорск лагерига 1935 йил 15 ноябрда келтирилган, 1943 йил 27 сентябрдан лагердан озод бўлган.

ОГПУ нинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учликнинг 1934 йил 7 апрелдаги йиғилишида Андижон шаҳридан 22 ёшли Турсун Ёқубов (Омон тахаллусида), 21 ёшли Рўзи Ашурхўжаев, 25 ёшли Дамин Тошматов, 30 ёшли Тўйчи Мирзарахимов, 19 ёшли Наби Исақовлар меҳнат тузатуви лагерига 30 йил муддатга ҳукм қилинган. Шу учликнинг 1934 йил 11 апрелдаги йиғилишида 20 ёшли Бахриддин Зокировни ва 26 ёшли Аҳмадбековни 10 йил муддатга меҳнат тузатуви лагерига ҳукм қилишган. Бу учлик 1934 йил 17 апрелда Андижон шаҳридан 42 ёшдаги Теша Отахоновни, 38 ёшдаги Қирғизбой Тошпўлатовни, 25 ёшдаги Икром Каримовларни 3 йил муддат билан меҳнат тузатуви лагерига ҳукм этган. Бу маҳбуслар аввал Қарағанда лагерига этап қилинган. 1934 йил июнида эса улар Карлагдан Ухто-Печорск лагерига келтирилади. Комилжон Аҳмадбеков 1942 йил 27 майда шу лагерда вафот этган.

«Катта террор» даврида Ўзбекистонда қатағон қилиниб

Ухто-Печорск лагерига келтирилган махбуслардан яна айримларини келтирамиз:

Ражабали Ашуров, 1901 йил туғилган, эроний, Бухоро округи, Когон райони Заробод қишлоғидан, 1938 йил 17 июнда ҳибсга олинган, ЎзССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ҳузуридаги учлик томонидан аксилинқилобий фаолият учун 1938 йил 14 ноябрда 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Ухто-Печорск лагерига Ягрин лагеридан 1941 йил 15 февралда келтирилган. 1941 йил 12 сентябрида лагерда вафот этган.

Ўрозимбет Балтабоев, 1905 йили туғилган, қозоқ, ЎзССР Тўрткўл райони, Окбошлиқ қишлоғидан, 1937 йил 30 ноябрда ҳибсга олинган. 1938 йил 1 январда 10 йил озодликдан маҳрум қилган, Ухто-Печорск лагерига 1938 йил 3 июнда Москва шаҳридаги турмадан келтирилган, 1938 йил 26 ноябрда шу лагерда вафот этган.

Абдуғани Исмагхўжаев, 1905 йили туғилган, ЎзССР Учкўрғон райони, Қайқи қишлоғидан, 1937 йил 17 августда ҳибсга олинган, аксилинқилобий фаолиятда айбланиб 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Ухто-Печорск лагерига Томскдаги лагердан 1940 йил 29 июнда келтирилган, 1942 йил 19 ноябрда лагерда вафот этган.

Маматохун Хасанов, 1895 йили туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳридан, 1938 йил 10 февралда ҳибсга олинган, СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ҳузуридаги махсус кенгаш 1938 йил 10 апрелда 10 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилган. Ухто-Печорск лагерига Тошкент турмасидан 1939 йил 29 майда келтирилган, 1939 йил 26 майда вафот этган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам Ухто-Печорск лагерига бошқа миллат вакиллари қатори ўзбекистонлик махбуслар ҳам қатағон қилиш амалга оширилган. Улардан айримларини келтирамиз:

Топиболди Аҳмедов, 1918 йили туғилган, ЎзССР, Фарғона области, Марғилон шаҳридан, яшаш манзили Воркута лагери, махбус, педагог, 3-сон шахта ишчиси. 1942 йил 10 январда РСФСР Жиноят Кодексининг 58-10,2.2.-моддаси билдан айбланган, 1942 йил 27 октябрда «Еджид Кирта» шахтасидаги касалхонада тергов қилинаётган вақтда вафот этган.

Очилов Маман (Михайлов Анатолий Андреевич деб ҳам юритилган), 1924 йили туғилган, ўзбек, ЎзССР Косон

райони Гулистон кишлоғидан, яшаш манзили Усть-Вим меҳнат тузатув лагерида маҳбус, ошпаз, дурадгор, 1949 йил 16 мартда қамоққа олинган, 1949 йил 5 апрелда меҳнат тузатув лагери махсус суди томонидан РСФСР Жиноят Кодексининг 58-14-моддаси билан 7 йил озодликдан маҳрум қилинган.

Худойназаров Сафар Александрович, 1919 йили туғилган, ЎзССР Хоразм области Кирлов кишлоғидан, яшаш манзили Шимолий Печорск лагери, 1948 йил 18 апрелда қамоққа олинган, 1948 йил 16 августда меҳнат тузатув лагери махсус суди томонидан РСФСР Жиноят Кодексининг 58-14-моддаси билан 10 йил озодликдан маҳрум қилишга ва 5 йил ҳуқуқдан маҳрум қилишга ҳукм этилган.

Мамадов Отахон, 1914 йили туғилган, туркман, Туркманистоннинг Қарақалин райони, Дейнов овулидан. Яшаш манзили НКВДнинг Шимолий темир йўли лагеридаги 3-колони Марказий алоҳида лагерь пунктида ишчи, педагог, 1945 йил 10 февралда қамоққа олинган. 1945 йил 8 мартда Шимолий – Печорск темир йўли магистрали НКВД қўшинлари ҳарбий трибунали томонидан РСФСР Жиноят Кодексининг 58-14-моддаси билан 8 йил озодликдан маҳрум қилишга ва 5 йил барча ҳуқуқлардан маҳрум бўлишга ҳукм этилган.

Сайдмурод Сайд ўғли, 1912 йили туғилган, туркман, Туркманистоннинг Чоржўй районида туғилган, Керки шаҳрида яшаган, 1935 йил 13 августда қамоққа олинган. СССР НКВД ҳузуридаги махсус бўлим Кенгаши 1936 йил 13 январда 5 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этган. Лагерга 1936 йил 1 декабрда келган. 1940 йил 11 октябрда озодликка чиққан.

Султонбеков Рсали, қирғиз, 1887 йили Қирғизистоннинг Фрунзе-Чуй райони Шамша кишлоғида туғилган, Қирғизистон Сталин райони Қизилту кишлоғида яшаган. 1933 йил 24 майда қамоққа олинган. ОГПУ учлиги 1933 йил 30 декабрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58-11-моддасини қўллаб 10 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилган. Лагерга 1938 йил 11 январда келган.

Фозил Аҳмедов, 1919 йил ЎзССР Андижон области Сталин (Шаҳрихон) райони Қозикўхғон кишлоғида туғилган. Уст-Вим меҳнат тузатув лагерида маҳбус, 1947 йил 22 февралда қамоққа олинган. 1947 йил 28 мартда Ички Ишлар Вазирлиги Уст-Вим меҳнат тузатув лагери

махсус суди томонидан РСФСР Жиноят Кодексининг 58-14-моддаси билан 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

1937–1938 йилларда лагерларда оммавий равишда отилган маҳбуслар ҳақида буюк адиб А.Солженицин «ГУЛАГ арихелаг» асарида батафсил ёзган. Жумладан, маҳбусларни зўрлаб отувчилар барча лагерларда бўлганлиги, аммо ҳаммадан кўпроқ Колимда («гаранин» отувлари) ва Воркутада («Кашкетин» отувлари) бўлганлигини таъкидланган.¹ Бу ҳар икки лагердаги отувлар катта террорнинг лагерлардаги фожиасини рамзи бўлиб қолган. Совет қатағонининг асл башарасини очиб ташлаган.

СССР Ички Ишлар Ҳалқ Комиссарлигининг 1937 йил 30 июндаги «Собиқ кулоқлар, жиноятчилар ва бошқа советларга қарши унсурларни қатағон қилиш операцияси тўғрисида»ги 00447-сонли буйруғи бўйича ГУЛАГ меҳнат тузатув лагерларидаги маҳбусларнинг 10 минг нафари «репрессия қилиш» режалаштирилган. 1937 йил бошларида ГУЛАГнинг барча лагерларида 820,9 минг маҳбус жазо ўтаётган эди. Маҳбусларнинг 1,2 фоизини репрессия қилиш белгиланганди. Бу эркин аҳоли орасидаги репрессия қилинадиганлардан 10 баробар кўп эди.

Катта террор даврида, яъни 1937 йил 29 сентябрдан 1938 йил 15 мартгача бўлган даврда Ухто-Печорск меҳнат тузатув лагеридаги маҳбуслардан 7526 киши қатағон қилинган. 2606 маҳбус отувга ҳукм қилинган. Улар орасида ўрта осиелик маҳбуслар ҳам бўлган. Мисол учун уларнинг айримлари ҳақида маълумотлар келтирамыз:

Алимбетов Кушкан, 1890 йили туғилган, Қорақалпоғистон АССР Куйбишев райони Кунтанчу қишлоғидан, Архангельск области Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги Бошқармаси ҳузуридаги учлик 1938 йил 9 январда РСФСР Жиноят Кодексининг 82-моддаси билан отувга ҳукм этган, ҳукм ижроси 1938 йил 29 мартда ижро этилган, (яъни Ухтарка) Новая Ухраткада² отилган.

Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги Архангельск области бошқармаси ҳузуридаги учлик 1908 йили туғилган **Ёқуб Ахматовни** РСФСР Жиноят Кодексининг 82-моддаси билан айблаб отувга ҳукм қилган ва у 1938 йил 21 мартда Новая Ухраткада отилган.

¹ *Солженицын А.И.* Архипелаг ГУЛАГ. Т.2.Ч.3.М: Центр «Новый мир», 1890, стр.31.

² Ухратка дарёнинг номи, шу дарё бўйида Ухратка номли қатлгоҳ бўлган.

Ана шу учликнинг 1937 йил 21 декабрдаги қарори билан 1906 йили Қашқарда туғилган, Ўзбекистонда яшаётган, қатағон қилиниб Ухто-Печорск лагерига келтирилган **Абдурасул Қурбонов** отувга ҳукм этилган, Чибью деган жойда отилган.

Ўша учликнинг 1938 йил 9 январдаги қарори билан 1913 йилда туғилган ўзбекистонлик маҳбус **Хожи-акбар Хўжаев** РСФСР Жиноят Кодексининг 82-моддаси қўлланилиб отувга ҳукм этилган. У 1938 йил 1 мартда Новая Ухраткада отилган.

Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги Архангельск Бошқармаси ҳузуридаги учлик 1907 йил туғилган **Шокир Минибоевни** 1938 йил 4 январда РСФСР Жиноят Кодексининг 82-моддаси билан отувга ҳукм қилинган. 1938 йил 4 мартда ҳукм Новая Ухраткада ижро этилган.

Муса Халилов, 1910 Красноводск шаҳрида туғилган. 1937 йил 16 декабрда НКВДнинг 00447-буйруғи бўйича отувга ҳукм этилган. 1938 йил 15 январда Новая Ухраткада отилган.

1938 йил 8 декабрда Ухто-Печорск меҳнат тузатув лагери 3-бўлим собиқ ходимининг сўроқ баённомасида 1937–1938 йилларда беш маҳбус нотўғри, адашиб отилиб кетгани қайд этилган.

Масалан, 1896 йилда туғилган Хасанов Рахимнинг ўрнига 1915 йилда туғилган Хасанов Алим, Якименко Петр Ильич ўрнига бошқа бир Якименко, Степаненко Н.В. ўрнига Ананенка, Поляков А.В. ўрнига унинг фамилиядоши бўлган 1914 йили туғилган Поляков А.В, Оганов-Орлов ўрнига шу фамилияда бошқа Орлов-Оганов отиб юборилган.

Ушбу 5 маҳбус отувга ҳукм этилмагани ҳолда отиб юборилган.

Бу беш нафар маҳбусларнинг нотўғри отиб юборилганига лагерда репрессия ўтказишнинг дастлабки кунларида оператив ҳисоб-китоблардаги чалкашликлар сабаб бўлгани қайд этилган. Лагерда отув операцияси ГУЛАГ 3-бўлимнинг собиқ бошлиғи ўринбосари, давлат хавфсизлиги капитани Григоревич раҳбарлигида ўтказилган ва у бутун операция жараёнини ташкил этган. Тергов ишларидаги чалкашликлар, масъулиятсизлик, инсон тақдирига бефарқ қараш оқибатида Хасанов Рахим ҳам, Хасанов

Алим ҳам битта фамилия остида отиб юборилган.¹ Бунга ўхшаш чалкашликлар бошқа лагерларда ҳам кўплаб юз берган. Уларда ҳам ўрта осиелик махбусларнинг маълум қисми адашиб кетишлар, чалкашликлар ва бошқа сабаблар билан нотўғри отиб юборилганлар.

1923 йилда СССРдаги 65 та концентрацион лагерлардан яна бири 1923 йил баҳорида Соловецкий оролида, машхур монастир биноларида жойлаштирилган. Ундаги махбуслар миқдори 3 мингдан 60 минггача етган. Соловки лагери совет лагерларининг энг биринчи ва энг йириги эди. Бу лагер Окденгиз ҳавзаси, Онега кўрфази оралиғида жойлашган Соловецкий оролидаги лагердир. Унинг умумий майдони 347 квадрат километрдан иборат бўлган.

Соловки лагерини кўпинча ўзига хос «Давлат ичидаги давлат» деб аташган. Янгидан келган махбусларни чекистлар табриклашиб «Билинглари, бу жойда совет ҳокимияти йўқ» деган иборани қўллашган, кичик паузадан сўнг: «Бу ер Соловкилар ҳокимияти» деб қўшиб ҳам қўйишган. Соловкилар ўз муҳрига, «Слон» номли журналига (кейинчалик «Соловецкие острова» деб аталган), «Новые Соловки» газетасига, кизил ранг фонида оқ фил тасвирланган расмий рамзига эга бўлганлар. Соловкиларнинг ўз пули бўлган, унда ҳам оқ фил тасвирланган, махбуслар ўзларининг норасмий мадҳиясига эга бўлишган, мадҳия матни махбусларнинг ўзлари томонидан битилган.

Лагерь махбусларга жазо бериш бўйича ўз тизимига эга бўлган, жазо жуда ҳам даҳшатли, ғайриоддий, ўзгача бўлган. Масалан, 365 зинали узун ва тикка кўтарилган қия шотидан айб қилган махбусга ёғочдан қилинган ходани боғлаб қўйиб, уни шотидан пастга қараб ташлаб юборишган, шоти этагига думалаб тушган махбус шу заҳотиёқ ўлган. Ёки махбус қип-яланғоч қилиниб дарахтга боғлаб қўйилган, сон-саноғи йўқ чивинлар, хашарот, қурт-кумурсақалар махбусни чақиб, уни адои тамом қилганлар.

Янги келган махбусларни карабиндан дўл каби ёғдирилган ўқлар олдидан олиб ўтганлар. «Қочиб кетишга уринганлардан» бир-иккиси бошқаларнинг кўз ўнгида отиб юборилган.

Ана шундай жазолар қўллаш билан махбуслар кўркувга солинган, «Соловкилар қонунларига» бўйсунмаганларга

¹ Покаяние. Коми Республиканский мартиролог массовых политических репрессий. 8 том, часть вторая. Сыкывкар. 2006, Стр. 225–228.

нисбатан ҳам ана шундай жазо қўлланилиши олдиндан огоҳлантириб қўйилган. Шу билан бир қаторда 20-йилларда Соловкидаги турма режимининг «эркинликлари» ҳам бўлган. Маҳбусларнинг бир қисми илмий иш билан машғул бўлган. Сиёсий маҳбуслар—социалистлар ўз эркларини ҳимоя қилиб турганлар.

1929 йил кузида Соловкиларда «тозалов» ўтказилади ва 15 октябрига ўтар кечаси 300 га яқин маҳбус отиб ташланади, улар «исёнчиликда» айбланганлар. Шундан сўнг лагерь режими жуда қаттиқ кучайтирлади. Маҳбусларнинг турмадаги ўртача умр кўриши 30-йиллар бошларида атига 4 йилдан ошмаган.

1936 йили Соловки алоҳида аҳамиятли Соловки турмаси номини олади. 1939 йили турма тугатилади, соғ маҳбуслар Сибирь лагерларига жўнатилади, кекса ва беморлар «Клара» юк кемасига жойлаштирилади, кема Окденгиз томон кетади, кемадагилар тақдири нима билан туғгани ҳалигача аниқ эмас.

Соловкидаги монахлар яшайдиган кичкина Муксольм монастирида сиёсий маҳбусларнинг бир қисми отиб ташланади. Шундан кейин сиёсий маҳбуслар очлик эълон қиладилар. Муксольм лагеридида социалистик ёшлар Союзи аъзоси Юзик Сандомир норозилик билдириб, қон томирларини очиб ўз жонига қасд қилади. Шундан сўнггина ҳокимиятдагилар бир ҳафталик очликдан кейин маҳбуслар талабини қабул қиладилар.

Ўша сиёсий маҳбуслар отилган жой Сандармох номини олган. Ана шу даҳшатли машҳур Соловкий лагеридида кўплаб ўзбеклар бўлган ва улар Сандармох қатлгоҳидида отиб юборилган. Улардан ўн нафари ҳақидаги маълумотларни келтирамиз:

Азизхон Хўжаев – 1905 йили Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, ЎзССР Халқ комиссарлар советининг раиси Файзулла Хўжаевнинг укаси, 1932 йил 20 октябрда ОГПУ коллегияси томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58-6 моддаси билан 5 йил муддатга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазони Соловецкий турмасида ўтаган, НКВДнинг Ленинград области бошқармасининг махсус учлиги томонидан 1937 йил 25 ноябрда 58-6-модда, 2-банди билан олий жазога ҳукм этилган, 1937 йил 8 декабрда Ленинград шаҳрида отилган.

Усмон Маҳкамов – 1902 йили туғилган, ЎзССР Ка-

ганович райони Яйпан кишлоғидан, ўзбек, тикув фабрикаси директори ёрдамчиси, Қўқон шаҳрида яшаган, СССР НКВДси хузуридаги махсус кенгаш томонидан 1935 йил 16 июлда «аксилинқилобий фаолияти учун» 5 йил муддатга меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Соловецкий турмасида ўтаган, 1937 йил 25 ноябрда НКВДнинг Ленинград области бошқармаси махсус учлиги томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58-8 моддаси, 2-банди билан олий жазога ҳукм этилган, 1937 йил 8 декабрда Ленинград шаҳрида отилган.

Сайид Хожийёров – 1903 йили Тожикистон ССР Шахриноус райони Узун кишлоғидан, ўзбек, деҳқон оила-сидан, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, ОГПУ коллегияси 1934 йил 27 мартда РСФСР Жиноят кодексининг 58-2-моддаси 2-банди билан 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазони Соловецкий лагерига ўтаган. НКВД Ленинград области бошқармаси махсус учлиги томонидан 1937 йил 25 ноябрдан 58-6-2-банди билан олий жазога ҳукм этилган. 1937 йил 8 декабрда Ленинград шаҳрида отилган.¹

Ориф Олимжонов – 1899 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, хизматчи, «бир қатор масъул лавозимларда бўлган», Тошкент шаҳрида яшаган, ОГПУ коллегияси томонидан 1932 йил 14 октябрда отувга ҳукм этилган, сўнгра жазо 10 йил муддатга меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм қилиш билан алмаштирилган, жазони Соловецкий лагерига ўтаган. НКВДнинг Ленинград области бошқармасининг махсус учлиги томонидан 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм этилган. 1937 йил 27 октябрда Карелия АССРдаги Сандармох қатлгоҳида отилган.

Алимов Рахим Аҳадович – 1912 йили Эски Бухоро шаҳрида туғилган, Бухоро амири Амир Олимхоннинг Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетган ўғли, ўқувчи. ОГПУ коллегияси 1933 йил 9 мартда 10 йил муддат билан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилган, жазони Соловецкий лагерига ўтаган. НКВДнинг Ленинград области бошқармаси махсус учлиги 1937 йил 9 октябрда олий жазога ҳукм қилган. 1937 йил 27 октябрда Сандармох қатлгоҳида отилган.

¹ www.Solovki.ca/camp-20/international/international_uzbe.phl-57k **18.03.2011**

Ленинградский мартиролог 1937–1938. Т.1–5. Отв. Ред.: А.Я Разумов СПб.: РНБ, 735 с. 1999.

Мулла Иса Эрназаров – 1885 йили туғилган, Самарқанд округи Янгикўрғон райони Гадай қишлоғидан, ўзбек, халқ судида инструктор, Самарқанд округида яшаган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган. ОГПУ Коллегияси 1932 йил 14 октябрида РСФСР Жиноят кодексининг 58-4-моддаси бўйича отувга, сўнгра 10 йил камоққа ўзгартиришга ҳукм қилган. Жазони Соловецкий лагерида ўтаган. НКВДнинг Ленинград области Бошқармаси махсус учлиги томонидан «махбуслар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиги учун» 1938 йил 14 февралда олий жазога ҳукм қилинган. 1938 йил 17 декабрда Соловецкий лагерида отиб юборилган.

Абдуваҳоб Муродов – 1901 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ўзбек, партиясиз, Берлин шаҳридаги Пруссия олий қишлоқ хўжалиги мактабини тамомлаган, аграном. ОГПУ коллегияси 1931 йил 25 апрелда РСФСР Жиноят кодексининг 58-3-4-6-моддалари бўйича отувга ҳукм қилган, ҳукм 10 йил меҳнат тузатув лагери камоғига ўзгартирилган. Жазони Соловецкий лагерида ўтаган. НКВД Ленинград области бошқармаси махсус учлиги 1937 йил 9 октябрда олий жазога ҳукм қилган. 1937 йил 27 октябрда Карелия АССРдаги Сандармох қатлгоҳида отилган.

Айниддин Садриддинов – 1907 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, шу жойда яшаган, ўзбек, партиясиз, ер ишлари халқ комиссарлиги вакиллиги хузуридаги ўғитлар институтида хазинабон-ҳисобчи, 1932 йил 9 октябрда камоққа олинган. ОГПУ коллегияси 1933 йил 22 февралда РСФСР Жиноят кодексининг 58-4, 116-моддаси билан 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилган. 1933 йил июлида қамоқхона жойидан қочган, 1933 йил декабрида қўлга олинган, жазони Соловецкий лагерида ўтаган. НКВД Ленинград области Бошқармаси махсус учлиги томонидан 1937 йил 9 октябрида отувга ҳукм қилган, Карелия АССРдаги Сандармох қатлгоҳида 1937 йил 27 октябрида отилган.

Муҳаммаджон Файзуллин – 1902 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, ўзбек, партиясиз, Жиззах шаҳридаги 6-сон мактабининг собиқ ўқитувчиси, кооператив ташкилот хизматчиси, ОГПУ коллегияси 1932 йил 14 октябрда РСФСР Жиноят кодексининг 58-2-4-моддаси бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этган, жазони Соловецкий лагерида ўтаган. НКВД Ленинград области бошқармаси махсус учлиги 1937 йил 9 октябрда олий жазога ҳукм қилган, Ка-

релия АССРдаги Сандармох қатлгоҳида 1937 йил 27 октяб-
брида отилган.¹

Сайидхон Дадахўжаев – 1916 йили туғилган, Қирғи-
зистон ССР, Новқат районидан, ўзбек, НКВДнинг Беламор–
Болтиқ комбинати маҳбуси, НКВД Карелия АССР учлиги
1937 йил 28 декабрда 82-модда билан отувга ҳукм этган
(қочган), 1938 йил 21 январда Медвежья-гора станциясида-
ги Сандармох қатлгоҳида отилган.

Совет империясидаги лагерларнинг энг катталари-
дан яна бири Москва области Дмитров шаҳридаги **Дмит-
ров лагери** бўлган. Бу ердаги «Москва – Волга» кана-
ли қурилишида 1935 йил 11 январдаги маълумотга кўра
192649 маҳбус банд бўлган. Каналнинг узунлиги 128 кило-
метр бўлган. Каналдан ташқари 11 шлюз, 7 тўғон ва гидро-
станциялар қурилган. Верблокдан Волгага, Катта Волгадан
Дмитров шаҳригача темир йўл қурилган. 1933 йил Дмитров
лагери ва унинг жойлардаги бўлимларида 1 миллион 20
минг киши жамланган. Уларнинг катта қисми оғир жис-
моний меҳнатдан, очликдан, касалликдан ўлиб кетганлар.
Қочиб кетганлар ҳам кўп бўлган, ушлаб олинганларга янги
муддат ёки отув жазоси берилган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузу-
ридаги учликнинг 1933 йил 9 мартда Тошкентда жой-
лашган ГУЛАГнинг Ўрта Осиё лагеридаги кекса ва но-
гирон маҳбусларни Ўрта Осиёдан сургун қилиш масала-
сини кўриб чиқади. Ўрта Осиё лагерида шу тоифадаги
маҳбуслардан **Содиқбоев Абдусамад** (42 ёшда), **Турсунов**
Мираҳмад (37 ёшда), **Кўчқоров Жумабой** (37 ёшда), **Очи-
лов Пўлат** (40 ёшда) 3 йил муддат билан Ўрта Осиёдан
Дмитров лагерига этап қилинганлар.

Маҳбус **Полосов Мнацакан Аманкович** 1934 йил 12
январда Ўрта Осиё лагерида Дмитров лагерига юборил-
ган.

Жалолқудук райони Қатортол қишлоғидаги «Қизил
аскар» номли колхоз аъзоси, 1910 йили туғилган, ўртаҳол
деҳқон **Жойноқулов Ўрозбой** 1933 йил 5 йил қамоқ жа-
зосига ҳукм этилган. Жазони Дмитров лагерида ўтаб,
Москва-Волга канали қурилишида меҳнат қилган, Лагер-

¹ Возвращенные имена: Список жертв политических репрессий, осуж-
денных на территории Республики Коми. (Покаяние: Коми республиканский
мартиролог жертв массовых политических репрессий. Т. 1–2.-Сыктывкар,
1998–1999).

<http://visz.nlr.ru/searchword.php?qs=%F3%E7%E1%E5%EA> 26.03.2011

дан 1937 йил июлда озод бўлиб юртига қайтган. Аммо 1938 йил 1 январда камокқа олинган, учлик қарори билан Андижон турмасида отиб юборилган.¹

1934 йил 13 февралда Ўрта Осиё лагери II бўлим бошлиғи Авдениснинг Тошкентдан Москвадаги Дмитров лагерига, йўллаган телеграммасида маҳбус **Николай Петрович Рябухин** 1934 йил 12 январда Ўрта Осиё лагеридан Дмитров лагерига этап қилингани қайд этилган.²

1934 йил 23 мартда Тошкентдан Дмитров лагерига йўлланган телеграммада маҳбус **Эшмухаммедов Аҳмад** камок жазосини ўташ учун Дмитров лагерига юборилгани қайд этилган.

1934 йил 5 апрелда йўлланган телеграммада ҳам маҳбус **Назаров Эрка** 1934 йил 16 мартда Дмитров лагерига этап қилинганлиги қайд этилган.

ОГПУнинг Дмитров лагерига Ўрта Осиё лагеридан маҳбус **Назаров Саидумар** 1934 йил 16 мартда этап қилингани телеграмма орқали хабар қилинган.³

1934 йил 19 июлда НКВДнинг Дмитров лагерига Ўрта Осиё лагерига маҳбуслардан **Ортиқов Мўминжон, Умаров Қаршибой, Омонов Нормуҳаммад, Ёқубов Яширлар** турли муддатларда Дмитров лагерига юборилганликлари телеграмма орқали хабар қилинган.⁴

Дмитров лагерига маҳбуслар таркибида ўзбеклар анчагина бўлган. Ҳатто каналлар қурилиб ишга тушгандан сўнг 1937 йил 1 октябрда бу лагерда 1923 нафар ўзбек бўлган. Дмитров лагерига ўзбек тилида «Зарбдор қурилиш» номли газета чиқиб турган, унинг муҳаррири шоир, маҳбус Миртемир бўлган.

1937–1938 йилларда Катта террорда Дмитровдагилардан 20761 киши отилиб, Бутова полигонига қўмилган. Шу отилганларнинг 52 нафари ўзбек, 4 нафари тожик, 2 нафари қирғиз, 6 нафари туркман, 2 нафари уйғур ва 1 нафари қорақалпоқ миллатига мансуб эдилар.⁵ Улар қаторида андижонликлар ҳам бўлган. Қуйида Дмитров лагерига ўрта осиелик сиёсий маҳбуслар ҳақида архив маълумотлари асосида тузилган жадвални келтиришни лозим топдик.

¹ *Шамсутдинов Рустамбек*. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август, 5 ноябрь). Бешинчи китоб. – Т.: Шарқ, 2009. Б-73.

² ЎзР МДА, Р-86-фонд, 10-рўйхат, 575-иш, 146-варак.

³ ЎзР МДА, Р-86-фонд, 10-рўйхат, 575-иш, 132-варак.

⁴ ЎзР МДА, Р-86-фонд, 10-рўйхат, 575-иш, 117-варак.

⁵ Бутовский полигон 1937-1938 гг. – М., 1999–2003 (В семи выпусках).

Дмитров лагеридаги ўрта осиелик махбуслар анкетаси.¹

| т/р | Фамилия | Исм | Таржиман ҳолига онд маълумотлар | | | | | Қасби | Аввалги жазо муддати | Хибсга олинган кун | Хукм санаси | Отпан кун | Раблнган кун | Лафн жойи |
|-----|--------------|--------|---------------------------------|------------------------------------|----------|-------------------|------------------|--------------|-----------------------------|--------------------|-------------|-------------|------------------|-----------|
| | | | Ту-гилган йи-ли | Тугилган жойи | Мил-лати | Ижт-мой ахволи | Маълу-моти | | | | | | | |
| 1. | Абдукоди-ров | Султон | 1896 | Тошкент шаҳри, Октябрь райони 2-уй | Ўзбек | Дехкон-ўртаҳол | Савод-сиз | Этик-дўз | 1936 й. 5 йил | 1938. 03.20 | 1938. 05.20 | 1938. 06.19 | Буто-ва май-дони | |
| 2. | Абдуллаев | Файзи | 1899 | Шахрисабз райони, Чоримор қишлоғи | Ўзбек | Дехкон-қулоқ | Чаласа-водли | Колхоз раиси | 1935 й. 8 йил | 1938. 03.22 | 1938. 06.05 | 1938. 06.20 | Буто-ва май-дони | |
| 3. | Абдуллаев | Болбек | 1896 | Орол райони, Явош қишлоғи | Ўзбек | Қулоқ-собик мулла | Қуйи маъ-лумотли | Собик мулла | 1932 й. 1 йил 1934 й. 6 йил | 1938. 02.09 | 1938. 02.19 | 1938. 06.19 | Буто-ва май-дони | |

¹ Россия Федерацияси давлат архиви (ГАРФ) 10035-фонд, 1-руйҳаг, иш № П-73572, П-73743, П-73612, П-70320, П-73265, П-73915, П-73227, П-73891, П-73310, П-73918, П-73838, КНИГА ПАМЯТИ ЖЕРТВ ПОЛИТИЧЕСКИХ РЕПРЕССИЙ Бутовский полигон 1937–1938 г. М. 1999–2003 (В семи выпусках); Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. Т. «Шарқ», 2006 йил.

| | | | | | | | | | | | | | | |
|-----|-------------------|--------------|------|---|---------|-------------------------|-----------------|---------------------------------------|----------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-----------------|
| 4. | Абдураз-зоқхўжаев | Сайдуллахўжа | 1889 | ЎзР Полгон район Оқтепа кйшлогй | Тожек | Кулок-савдогар | Куйи мавлумотли | Якка дехкон | 1937 й. 10 йил | 1937. 11.03 | 1937. 11.29 | 1937. 12.02 | 1990. 02.05 | Бутова май-дони |
| 5. | Адилаев | Холмурод | 1908 | Туркман ССР, Чандир кйшлогй | Туркман | Камбагал-дехкон | Саводсиз | Дехкон | 1933 й. 10 йил | 1938. 01.20 | 1938. 01.26 | 1938. 01.31 | 1990. 02.28 | Бутова май-дони |
| 6. | Амиров | Бектемир | 1911 | Тожеккйстон Парогон кйшлогй | Ўзбек | Ўртахол-дехкон | Чаласаводли | Аник эмас | 1933 й. 8 йил | 1938. 01.27 | 1938. 02.02 | 1938. 02.05 | 1990. 03.19 | Бутова май-дони |
| 7. | Ашуров | Райим | 1902 | Корадаре район Мундичи кйшлогй | Ўзбек | Дехкон | Чаласаводли | 1937 йил ЎзКП(б) авзоси, колхоз раиси | 1932 й. 10 йил | 1937. 11.15 | 1937. 11.29 | 1937. 12.03 | - | Бутова май-дони |
| 8. | Отажонов | Бобо | 1907 | Янги Урганч Туркман ССР Тошовуз шахри Балодная кўчаси 22-уй | Туркман | Кулок-дехкон, кора ишчи | Чаласаводли | Дехкон | 1933 й. 7 йил | 1937. 09.26 | 1937. 11.15 | 1937. 11.16 | 1990. 01.25 | Бутова май-дони |
| 9. | Отажонов | Собир | 1912 | ЎзР. Ишимжирон кйшлогй | Ўзбек | Дехкон | Куйи мавлумотли | Аник эмас | - | 1938. 03.16 | 1938. 05.20 | 1938. 05.20 | 1989. 06.19 | Бутова май-дони |
| 10. | Бобожонов | Жуманазар | 1903 | Хонка тумани Саучен кйшлогй | Ўзбек | Дехкон-кулук | Саводли | хизматчи | 1932 й. 10 йил | 1938. 03.31 | 1938. 06.05 | 1938. 06.23 | 1990. 02.05 | Бутова май-дони |
| 11. | Ботиров | Зийед | 1905 | Оқларе райони Таряк кйшлогй | Ўзбек | Кулок-савдогар | Саводсиз | савдогар | 1935 й. 6 йил | 1938. 04.09 | 1938. 06.05 | 1938. 06.20 | 1990. 02.10 | Бутова май-дони |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|-----|-----------------------|----------------|------|--|--------------|--------------------|---------------------|--|---------------------------------------|----------------|----------------|-----------------|----------------|------------------------------|
| 12. | Бердиев | Мулла Харун | 1893 | Ургут райони Ғиждувон кишлоғи | Ўзбек | Дехкон- кулоқ | Қуйи ма- лумотли | Ғиж. К. совети Каленин номли колхоз аъзоси | 1931 й. 10 йил | 1938. 02.27 | 1938. 03.04 | 1938. 03.10 | 1990. 02.20 | Бутова май- донни |
| 13. | Воҳидов | Ваҳоб- жон | 1897 | Балиқчи райони Чинобод кишлоғи | Ўзбек | Дехкон- кулоқ | Чаласа- вод | Дехкон | 1932 й. 1 йил. 1934 й. 8 йил | 1938. 01.30 | 1938. 02.02 | 1938. 02.05 | 1990. 02.20 | Бутова май- донни |
| 14. | Имон Берди ўғли | Жон- Мамад | 1906 | Халали овули | Турк- ман | Контра- бандист | Саводсиз | Дехкон | 1935 й. 5 йил | 1938. 02.26 | 1938. 05.20 | 1938. 05.27 | 1989. 06.16 | Бутова май- донни |
| 15. | Дўсматов | Абдуса- мат | 1907 | Қоратепа | Ўзбек | Савдогар | Саводсиз | савдогар | 1934 й. 10 йил | 1938. 01.16 | 1938. 01.26 | 1938. 01.31. | 1989. 06.19 | Бутова май- донни |
| 16. | Ширек ўғли | Қурбан | 1912 | Сирах район Қурман овули | Турк- ман | Кулоқ- бой | Қуйи ма- лумотли | Дехкон | 1934 й. 10 йил | 1937. 11.03 | 1937. 11.29 | 1937. 12.02 | 1990. 02.05 | Бутова май- донни |
| 17. | Миржа- лилов | Мамат- кул | 1910 | Фаргона область Кўкон шахри | Ўзбек | Дехкон кулоқ | Чаласа- вод | Дехкон | 1935 й. 10 йил | 1937. 11.03 | 1937. 11.29 | 1937. 12.02 | 1990. 02.05 | Бутова май- донни |
| 18. | Омаров | Мусу- раг | 1917 | Уйғур райони Шорин посёлкаси | Уйғур | | Саводсиз | Шорин колхозда қо- ра ишчи | 1936 й. 3 йил | 1937. 12.30 | 1938. 01.10 | 1938. 01.19 | 1989. 06.16 | Буто- ва май- донни |
| 19. | Сулаймо- нов | Шайди | 1904 | Ворошилов райони Абдулла-Бий кишлоғи | Қир- ғиз | | Саводсиз | | 1934 й. 6 йил | 1938. 04.04 | 1938. 06.05 | 1938. 06.23 | 1989. 06.27 | Бутова май- донни |
| 20. | Султонов | Ваҳоб | 1905 | Сирдарё область Юқори Чирчиқ райони Тўйтепа кишлоғи | Қозоқ | | Ўрта ма- лумотли | Собик ВКП(б) аъзоси | 1936 | 1937. 11.21 | 1937. 11.29 | 1937. 12.03 | 1989. 06.16 | Бутова май- донни |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|-----|-------------|------------|------|---|---------|--------------------|----------------------|--|--------------------------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|------------------------|
| 21. | Хожибердиев | Эгамберди | 1896 | Қува райони Извошбоши кишлоғи | Ўзбек | Қулоқ | Қуйи мав- лумотли | 1930–1932 колхозда кассоблик қилган | 1932 й. 10 йил | 1938. 03.01 | 1938. 06.05 | 1938. 06.20 | 1989. 06.19 | Бутова май- дони |
| 22. | Хўждакулов | Араббой | 1899 | Косон райони Ақонжангил кишлоғи | Ўзбек | Қулоқ | Саводсиз | Аниқ эмас | 1934 й. 8 йил | 1938. 02.18 | 1938. 02.25 | 1938. 02.28 | 1989. 06.19 | Бутова май- дони |
| 23. | Холбеков | Абдусаттор | 1897 | Зеленский (хозирги Асака) тумани Қурама кишлоғи | Ўзбек | Қулоқ | Чаласавод | Аниқ эмас | 1933 й. 1 йил 1934 й. 8 йил | 1938. 03.12 | 1938. 03.19 | 1938. 03.25 | 1989. 06.19 | Бутова май- дони |
| 24. | Аймухамедов | Махар | 1882 | Тошкент райони Дўрмон кишлоғи | Ўзбек | Қозоқ- савдогар | Чаласавод | Савдогар | 1932 й. | 1938. 01.17 | 1938. 01.26 | 1938. 01.31 | 1989. 06.16 | Бутова май- дони |
| 25. | Бозоров | Турсун | 1899 | Башкан райони Губдум кишлоғи | Ўзбек | Дехкон | Саводсиз | Аниқ эмас | 1935 й. 7 йил | 1938. 02.17 | 1938. 02.25 | 1938. 02.28 | 1992. 03.05 | Бутова май- дони |
| 26. | Давлатов | Қурбон | 1908 | Дангара райони Бултон кишлоғи | Ўзбек | Қулоқ- бой | Саводсиз | Аниқ эмас | 1939 й. 10 йил | 1938. 01.15 | 1938. 01.26 | 1938. 01.31 | 1989. 06.27 | Бутова май- дони |
| 27. | Дониёров | Махмуд | 1904 | Денов райони Хасанкапа кишлоғи | Ўзбек | Дехкон | Саводсиз | Дендар чура колхозни аъзоси | 1934 й. 8 йил | 1938. 04.09 | 1938. 06.05 | 1938. 06.23 | 1990. 02.05 | Бутова май- дони |
| 28. | Жумаев | Ҳамдам | 1915 | Косон райони Майманак кишлоғи | Ўзбек | Қулоқ | Чаласавод | – | 1934 й. 8 йил | 1938. 03.17 | 1938. 05.20 | 1938. 05.27 | 1989. 06.16 | Бутова май- дони |
| 29. | Мадиридир | Илджан | 1896 | Палта-Қачан кишлоғи | Туркман | – | – | – | 1931 й. 10 йил | 1938. 02.12 | 1938. 02.19 | 1938. 02.26 | 1989. 06.19 | Бутова май- дони |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|-----|------------------|---------------|------|--|-------|-------------------|----------------------|---|-------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|------------------------|
| 30. | Исаев | Ражаб | 1900 | Хоразм округи Сахкиён кишлоғи | Ўзбек | Дехкон | Қуйи маъ- лумотли | Колхозчи | 1936 й. 10 йил | 1938. 02.01 | 1938. 02.11 | 1938. 02.17 | 1989. 06.16 | Бутова май- дони |
| 31. | Исмагов | Файзи | 1912 | Бухоро райони Харгўш кишлоғи | Ўзбек | Қулоқ- деҳкон | Қуйи маъ- лумотли | Деҳкон | 1934 й. 8 йил | 1938. 04.02 | 1938. 06.05 | 1938. 06.23 | 1989. 06.16 | Бутова май- дони |
| 32. | Эшбоев | Маъ- мур | 1910 | Булунгур райони Қоракурсан кишлоғи | Ўзбек | Дехкон | Қуйи маъ- лумотли | Деҳкон | 1931 й. 10 йил | 1938. 01.17 | 1938. 01.17 | 1938. 01.31 | 1989. 06.08 | Бутова май- дони |
| 33. | Каримов | Қурёз | 1908 | Янги Урганч шаҳри Хонка райони | Ўзбек | Қулоқ | Чаласа- вод | Колхозчи | 1934 й. 5 йил | 1938. 02.10 | 1938. 02.18 | 1938. 02.26 | 1989. 02.26 | Бутова май- дони |
| 34. | Магёку- бов | Саман- дар | 1901 | Хонка райони Қулон-Қорабоғ кишлоғи | Ўзбек | Қулоқ | Саводсиз | Чўпон | 1938 й. 8 йил | 1938. 02.04 | 1938. 02.11 | 1938. 02.17 | 1989. 06.09 | Бутова май- дони |
| 35. | Эргашев | Хожии- бек | 1912 | Зомин райони Ўрол кишлоғи | Ўзбек | Қулоқ- деҳкон | Чаласа- вод | Деҳкон | 1934 й. 8 йил | 1938. 06.05 | 1938. 06.05 | 1938. 06.23 | 1990. 02.13 | Бутова май- дони |
| 36. | Исомид- динов | Бурхон | 1910 | Фарғона райони Илма кишлоғи | Тожиқ | Қулоқ | Саводсиз | Аниқ эмас | 1934 й. 8 йил | 1938. 04.09 | 1938. 06.05 | 1938. 06.23 | 1990. 02.05 | Бутова май- дони |
| 37. | Исомов | Оташ | 1908 | Хўжабод райони Найман кишлоғи | Ўзбек | Қулоқ | Саводсиз | Аниқ эмас | 1934 й. 8 йил | 1938. 04.10 | 1938. 06.05 | 1938. 06.20 | 1990. 02.10 | Бутова май- дони |
| 38. | Исмоилов | Аваз- мат | 1894 | Хонка райони Каттажармиз кишлоғи | Ўзбек | Ўртаҳол деҳкон | Қуйи маъ- лумотли | 1927 йил Кирмиз қишлоғида ИМОН | 1935 й. 10 йил | 1937. 10.07 | 1937. 11.15 | 1937. 11.16 | 1990. 01.25 | Бутова май- дони |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|-----|-------------|----------------|------|---|-------|--------------------|--------------------------|-------------------------------------|-------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|------------------------|
| 39. | Кобулов | Турғунбой | 1885 | Андижон области Избоскан райони Кўкон қишлоғи | Ўзбек | Дехкон | Ўрта маълумотли (миллий) | Мулла | 1934 й. 5 йил | 1938. 01.22 | 1938. 01.26 | 1938. 01.31 | 1990. 01.25 | Бутова май- дони |
| 40. | Қораев | Саидали | 1912 | Термиз райони Мазуробод | Ўзбек | Қулоқ- деҳкон | Саводсиз | Дехкон | 1935 й. 5 йил | 1938. 04.10 | 1938. 06.05 | 1938. 06.22 | 1990. 02.05 | Бутова май- дони |
| 41. | Мавлонов | Юнус хўжа | 1910 | Тошкент шаҳри | Ўзбек | Дехкон | Чаласа- вод | Аник эмас | 1934 й. 10 йил | 1937. 09.20 | 1937. 11.14 | 1937. 11.16 | 1990. 01.25 | Бутова май- дони |
| 42. | Мадаманов | Мавлон | 1911 | Фарғона райони Лаган қишлоғи | Тожиқ | Аник эмас | Ўрта маълумотли | Лаган қишлоқ советида хисобчи | 1933 й. 10 йил | 1938. 03.26 | 1938. 06.05 | 1938. 06.27 | 1990. 02.10 | Бутова май- дони |
| 43. | Маманазаров | Уруф | 1898 | Фориш райони Устухон қишлоғи | Ўзбек | Қулоқ | Қуйи маълумотли | Беяқ қолхозида қора ишчи | 1935 й. 5 йил | 1937. 09.20 | 1937. 09.23 | 1937. 09.26 | 1990. 01.19 | Бутова май- дони |
| 44. | Маматов | Йўлдош | 1913 | Бехбудий райони Қамаши қишлоғи | Ўзбек | Қулоқ | Чаласа- вод | Хўжалиқда ишчи | 1934 й. 10 йил | 1938. 02.21 | 1938. 03.02 | 1938. 03.08 | 1990. 01.29 | Бутова май- дони |
| 45. | Марасулов | Абдура- сул | 1902 | Фарғона область Мологов райони | Ўзбек | Қулоқ- деҳкон | Саводсиз | Дехкон | - | 1938. 03.13 | - | 1938. 03.16 | 1990. 01.29 | Бутова май- дони |
| 46. | Отажонов | Собир | 1912 | Гурлан райони Ишмжиран қишлоғи | Ўзбек | Қулоқ | Қуйи маълумотли | Дехкон | - | 1938. 03.16 | 1938. 05.20 | 1938. 05.27 | 1989. 06.19 | Бутова май- дони |
| 47. | Холматов | Темир- кул | 1907 | Авғонистон Жулға қишлоғи | Ўзбек | Қамбағал деҳкон | Саводсиз | Пахтачиликда ишчи | 1933 й. 10 йил | 1938. 01.16 | 1938. 02.02 | 1938. 02.05 | 1990. 02.20 | Бутова май- дони |
| 48. | Ниезов | Остон | 1891 | Қорақўл район Кул- Човдўр | Ўзбек | Қулоқ | Саводсиз | Дехкон | 1935 й. 5 йил | 1938. 03.27 | 1938. 06.05 | 1938. 05.23 | 1990. 02.10 | Бутова май- дони |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|-----|----------------|--------------------|------|--|-------|---------------------|----------------------|---|-------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|------------------------|
| 49. | Хўжанов | Хушна-зар | 1891 | Оқдарё райони Канэ-Қарақиз қишлоғи | Ўзбек | Қулоқ- деҳқон | Саводсиз | Комсомол номли колхозда кетмончи | 1935 й. 10 йил | 1938. 01.29 | 1938. 02.02 | 1938. 02.05 | 1990. 02.20 | Бутова май- дони |
| 50. | Мингбоев | Тўқли | 1901 | Митан райони Қорақалпоқ қишлоғи | Ўзбек | Деҳқон- қулоқ | Қуйи мар- лумотли | Деҳқон | 1934 й. 5 йил | 1937. 11.12 | 1937. 11.29 | 1937. 12.02 | 1990. 03.23 | Бутова май- дони |
| 51. | Султонов | Тўракул | 1899 | Марғилон райони Болтақўл қишлоғи | Ўзбек | Ишчи оиласидан | Саводсиз | Аник эмас | 1936 й. 5 йил | 1937. 09.26 | 1937. 11.15 | 1937. 11.16 | 1990. 01.25 | Бутова май- дони |
| 52. | Хайдаров | Дўсмағ | 1890 | Қарлик райони Хўжа Қаровул қишлоғи | Ўзбек | Қулоқ | Саводсиз | Аник эмас | 1933 й. 8 йил | 1938. 01.31 | 1938. 02.19 | 1938. 02.21 | 1990. 02.20 | Бутова май- дони |
| 53. | Ҳақимов | Абдулла | 1911 | Наманган область Чуст райони | Ўзбек | Деҳқон | Саводсиз | Аник эмас | 1934 й. 10 йил | 1937. 09.17 | 1937. 11.14 | 1937. 11.16 | 1990. 02.25 | Бутова май- дони |
| 54. | Ҳалилов | Тожи | 1888 | Паст-Дағмон райони Жумабозор қишлоғи | Ўзбек | Деҳқон- савдогар | Чаласа- вод | Қишлоқ совети раиси | 1932 й. 10 йил | 1937. 11.29 | 1937. 12.03 | 1937. 12.08 | 1990. 02.05 | Бутова май- дони |
| 55. | Тўраев | Эргашў- ра ўғли | 1900 | Шерабод райони Талли-Маржон қишлоғи | Ўзбек | Ўртаҳол деҳқон | Саводсиз | Деҳқон | 1936 й. 5 йил | 1938. 02.22 | 1938. 03.13 | 1938. 03.16 | 1990. 03.23 | Бутова май- дони |
| 56. | Ҳамро- лиев | Исмағ | 1908 | Олтиариқ райони Водил қишлоғи | Ўзбек | Деҳқон- қулоқ | Чаласа- вод | Деҳқон | 1935 й. 6 йил | 1938. 03.27 | 1938. 06.05 | 1939. 06.23 | 1990. 02.05 | Бутова май- дони |
| 57. | Чориев | Янгибой | 1910 | Қорақўл тумани Чечен қишлоғи | Ўзбек | Деҳқон | Қуйи мар- лумотли | Деҳқон | 1933 й. 10 йил | 1938. 04.06 | 1938. 06.05 | 1938. 06.27 | 1990. 02.05 | Бутова май- дони |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|-----|----------|-----------|------|---|-------|--------------|------------------|--|-------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|-----------------|
| 58. | Шамсиев | Миркомил | 1901 | Хўжабод райони Карнайчи кishлoғи | Ўзбек | Дехкон-кулок | Саводсиз | Якка хўжалик бўлиб хизмат қилган | 1934 й. 8 йил | 1938. 03.28 | 1938. 06.05 | 1938. 06.23 | 1990. 02.05 | Бутова май-дони |
| 59. | Дилев | Хазраткул | 1903 | Бехбудий райони Файзибод кishлoғи | Ўзбек | Кулок | Саводсиз | Дехкон | 1934 й. 10 йил | 1938. 03.28 | 1938. 06.05 | 1938. 06.23 | 1990. 02.05 | Бутова май-дони |
| 60 | Дўсанов | Ғозибой | 1898 | Ўрта Чирчик райони Қумкishлoқ | Ўзбек | Кулок | Саводсиз | Колхозчи | 1933 й. 10 йил | 1938. 03.07 | 1938. 03.13 | 1938. 03.16 | 1990. 03.23 | Бутова май-дони |
| 61. | Рахматов | Килич | 1907 | Бухоро шаҳри | Ўзбек | Дехкон | Саводли | Аниқ эмас | 1936 й. 5 йил | 1937. 09.17 | 1937. 11.14 | 1937. 11.16 | 1990. 01.26 | Бутова май-дони |
| 62. | Саидов | Жўра | 1899 | Самарқанд области Нарпай райони Қарнок кishлoғи | Ўзбек | Кулок | Қуйи мар-лумотли | Савдогар | 1934 й. 10 йил | 1938. 02.22 | 1938. 03.02 | 1938. 03.18 | 1990. 02.10 | Бутова май-дони |
| 63. | Каримов | Ўринбой | 1903 | Самарқанд области Юқори Даргом райони Работ кishлoғи | Ўзбек | Дехкон | – | Дехкон | 1933 й. 8 йил | 1937. 06.07 | 1937. 06.16 | – | 1957. 06.16 | Бутова май-дони |
| 64. | Қодиров | Ибро-хим | 1913 | Фарғона области Ёрмасор кishлoғи | Ўзбек | Дехкон | Саводли | 1935 йил машина-трактор станциясида, Фарғона милициясида ишлаган | 1935 й. 5 йил | – | 1938. 02.26 | – | – | Бутова май-дони |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|-----|------------------|---------------|------|---|-----------------|---------------------|----------------------|---|-------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|------------------------|
| 65. | Тўлев | Вахоб | 1902 | Кармана райони Ойранжи кишлоғи | Ўзбек | Дехкон | Чаласа- вод | Аник эмас | 1935 й. 5 йил | 1937. 09.18 | – | – | 1989. 06.29 | Бутова май- дони |
| 66. | Ахмедов | Мирза | 1909 | Сирдарё области Олмос кишлоғи | Ўзбек | Дехкон | Чаласа- вод | Дехкон | – | 1937. 06.16 | 1937. 07.07 | 1937. 07.07 | 1957. 03.06 | Бутова май- дони |
| 67. | Хасан- боев | Аваз | 1905 | Ўш уезди Окшўргон кишлоғи | Турк | Дехкон | Чаласа- вод | Дехкон | 1933 й. 10 йил | 1937. 06.16 | 1937. 06.16 | 1937. 06.17 | 1957. 03.06 | Бутова май- дони |
| 68. | Кодиркул ўгли | Окназар | 1913 | Закаспий области Янги арик кишлоғи. | Ўзбек | Дехкон | Чаласа- вод | Қарлуқ райони Уруғ хўжалиги таминотида агент | – | 1937. 06.15 | 1937. 06.07 | 1937. 06.07 | 1957. 03.06 | Бутова май- дони |
| 69. | Муродов | Маглаб | 1904 | Тошкент шаҳри | Ўзбек | Ўзига тўқ деҳкон | Қуйи маъ- лумотли | СССР Ўрмон- чилик санов- ти халқ комиссарлиги- да таъминотчи бўлими бошлиғи | – | 1937. 08.12 | 1937. 11.25 | 1937. 11.26 | 1957. 03.23 | Бутова майдони |
| 70. | Шерах- медов | Исмоил | 1905 | Тошкент шаҳри | Ўзбек | Қулоқ | Қуйи маъ- лумотли | Аник эмас | 1929 й. 10 йил | 1937. 05.18 | 1937. 06.05 | 1937. 06.06 | 1957. 03.06 | Бутова май- дони |
| 71. | Садиров | Алла- ниёз | 1901 | Кўхта,Карин райони Қорабача Қорақалпоғистон | Қора- қалпоқ | Қолхозчи | Саводсиз | Қолхозчи | 1933 й. 10 йил | 1938. 02.12 | 1938. 02.19 | 1938. 02.21 | 1990. 02.20 | Бутова май- дони |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|-----|-------------|--------------|------|---|----------|-----------------|------------------|----------|------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|-----------------|
| 72. | Сайпи | Ёздурди ўгли | 1910 | Қорабекул райони Ашкали кишлоғи | Турк-ман | Дехкон-кулок | Чаласа-вод | Колхозчи | 1934 й. 5 йил | 1938. 03.22 | 1938. 06.05 | 1938. 06.23 | 1990. 02.15 | Бутова май-дони |
| 73. | Сарихў-жаев | Икром | 1898 | Янгийўл райони Йўлтушган кишлоғи | Ўзбек | Дехкон-кулок | Чаласавод | Дехкон | 1934 й. 7 йил | 1938. 02.28 | 1938. 06.05 | 1938. 06.23 | 1989. 06.16 | Бутова май-дони |
| 74. | Қора | Ортиқ ўгли | 1899 | Қарақалмиз райони Юан кишлоғи | Турк-ман | Қамбағал дехкон | Саводсиз | Дехкон | 1937 й. 2 йил | 1938. 01.27 | 1938. 02.02 | 1938. 02.05 | 1990. 02.20 | Бутова май-дони |
| 75. | Қорақўл | Охмурод ўгли | 1988 | Юлган райони Қрасний кишлоғи Туркманистон | Турк-ман | Ўртаҳол дехкон | Қуйи маъ-лумотли | Дехкон | 1936 й. 2 йил | 1938. 01.27 | 1938. 02.02 | 1938. 02.05 | 1990. 01.05 | Бутова май-дони |
| 76. | Хайлар | Дўсму-род | 1890 | Қарлик райони Хўжакаровул кишлоғи | Ўзбек | Бой ўгли | Саводсиз | Дехкон | 1933 й. 8 йил | 1938. 01.31 | 1938. 02.19 | 1938. 02.21 | 1990. 02.20 | Бутова май-дони |

Биз юкорида фақат Ухта–Печорск, Соловки, Ўрта Осиё ва Дмитров лагерида маҳбуслик муддатини ўтказаятиб, такроран қатағон қилинган ва отилиб кетган юртдошларимиз ҳақида қисқача маълумотлар келтирдик, холос. Ваҳоланки, қайд қилинганидек, ўзбек сиёсий маҳбуслари собиқ иттифокнинг барча қамоқхона ва лагерларида азобуқубатли ҳаёт кечирганлар. Ўша азобгоҳлардаги ватандошларимизнинг ҳам маълум қисми 1937–1938 йилларда яна такроран қатағон қилинган, отиб юборилган. Улар бирор айбсиз бегона юртларда тупроққа қоришиб ётибдилар.

Шимолий-шарқий меҳнат тузатув лагери Хабаровск ўлкаси 1932 йил 1 апрелда ташкил этилган. 1938 йил НКВД ГУЛАГига қараган. Унинг дислокацияси Узок Шарқ ўлкаси, Нагаево бухтаси, Хабаровск ўлкаси, Магадан шаҳри бўлган, манзили – Хабаровск ўлкаси, Магадан шаҳри, почта қутиси 261 бўлган.

Лагердаги маҳбуслар сони 1937 йили 1 январда 70414 кишидан, 1938 йил 1 январда 90741 кишидан, 1939 йил 1 январда 1381703 кишидан иборат бўлган.

Ана шу лагерда кўплаб ўрта осиеликлар, жумладан, ўзбекистонлик маҳбуслар қамоқ жазосини ўтаганлар. Уларнинг бир қисми оғир меҳнатдан, совуқдан, очликдан, касалликдан ўлиб кетган, айримлари отиб юборилган. Улардан баъзилари ҳақида қисқача маълумот келтирамиз:

Раҳматуллаев Маҳмуд – 1906 йил Бухоро шаҳрида туғилган, олий маълумотли, 1926–1935 йилларда партия аъзоси бўлган, сўнг партиядан ўчирилган, педагог, Ставропол ўлкаси Арзгир райони, Ново-Романовка қишлоғида тўлиқсиз ўрта мактаб ўқув бўлими мудирини бўлиб хизмат қилган. 1937 йил 4 октябрда РСФСР Жиноят кодексининг 58-10-моддаси, 1-бандида кўрсатилган жинояти учун айбланиб қамоққа олинган. Оржоникидзе ўлка суди 1938 йил 2 январда «ўқитувчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиги учун» 10 йил озодликдан ва 5 йил сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳукм этган. 1938 йил 15 сентябрда НКВДнинг Волга лагерига (Ярослав темир йўлидаги Рыбинск станциясига) этап қилинган, 1940 йили НКВДнинг Шимолий Шарқий лагерига (Хабаровск ўлкаси, Магадан шаҳрига) этап қилинган. Маҳбус Маҳмуд Раҳматуллаевнинг ўша лагердаги сўнгги тақдирини номаълум. 1990 йил

4 апрелда РСФСР Олий Суди жиноий ишлар бўйича суд коллегияси Раҳматуллаев Маҳмудни реабилитация қилган.¹

Авазов Мингбой – 1900 йили туғилган, ўзбек, Тожикистон Республикасидан 1934 йили қулоққа тортилиб Магадандаги лагерга юборилган. Маҳбус Авазов Мингбой 1938 йил 9 августда Ички ишлар халқ комиссарлиги Магадан области бошқармаси ҳузуридаги учлик томонидан аксилинқилобий фаолияти учун отувга ҳукм этилган. Ҳукм 1938 йил 10 сентябрда ижро этилган.

Ашуров Оқил – 1910 йили Самарқандда туғилган, ўзбек, 1935 йили қамоққа олиниб Магадандаги ГУЛАГ лагерига этап қилинган. Маҳбус Оқил Ашуров учликнинг 1937 йил 15 сентябрдаги қарори билан Жиноят кодексининг 58-моддаси бўйича, яъни аксилинқилобий фаолияти учун олий жазога ҳукм этилган. Ҳукм 1937 йил 29 октябрда ижро этилган. 1989 йил августида реабилитация қилинган.

Қиличов Қурбон – 1903 йили Арабхона қишлоғида туғилган. 1930 йили қулоқ сифатида қамоққа олинган ва Магадандаги лагерга этап қилинган. 1938 йил 10 апрелда аксилинқилобий троцкийчилик фаолияти учун олий жазога ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 28 апрелда ижро этилган. 1989 йил августида реабилитация қилинган.

Маъмуров Хайдар – 1916 йили Тошкентда туғилган, ўзбек 1934 йили қамоққа олиниб Магаданга сургун қилинган. Маҳбус Хайдар Маъмуров 1938 йил 3 февралда учлик қарори билан олий жазога ҳукм этилган. Ҳукм 1938 йил 7 февралда ижро этилган, 1973 йили реабилитация қилинган.

Пўлатов Хайдар – 1906 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, 1935 йил қамоққа олиниб Магадандаги лагерга этап қилинган, маҳбус 1938 йил 9 майда учлик томонидан аксилинқилобий фаолияти, исёнчи ташкилот аъзоси бўлганлиги учун олий жазога ҳукм этилган. 1938 йил 14 июлда ҳукм ижро этилган. 1989 йил июнда реабилитация қилинган.

Суюнов Парда – 1903 йилда туғилган ўзбек, ўзбекистонлик, 1934 йили қамоққа олиниб Магадандаги лагерга этап қилинган. 1938 йил 5 майда учлик томонидан

¹ Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик хизмати Ставрополь ўлкаси бўйича бошқарманинг 2004 йил 16 декабрда Р.Т.Шамсутдиновга тақдим этган 10/4728-сонли маълумотномадан.

аксилінқилобий фаолияти, зарарқунандалик гуруҳига мансубликда айбланиб олий жазога ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 6 июнда ижро этилган, 1968 йил 3 июнда реабилитация қилинган.

Убайдуллаев Шимен – 1908 йилда туғилган, ўзбек, 1934 йили Магадандаги лагерга этап қилинган. 1938 йил 5 майда учликнинг қарори билан олий жазога ҳукм этилган. Ҳукм 1938 йил 5 июнда ижро этилган. 1965 йил майда реабилитация қилинган.

Хайдаров Норқул – 1899 йил туғилган, ўзбек, 1936 йили қамоққа олиниб Магадандаги лагерга этап қилинган, 1938 йил 7 майда учлик қарори билан аксилінқилобий – исёнчи ташкилотдаги фаолияти учун олий жазога ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 7 майда ижро этилган, 1965 йил 7 июнда реабилитация қилинган.

Ҳосилов Восил – 1905 йили Тошкентда туғилган, ўзбек, 1930 йили қамоққа олиниб Магадандаги лагерга этап қилинган. 1938 йил 31 мартда учликнинг қарори билан аксилінқилобий троцкийчилик фаолияти учун отувга ҳукм этилган. Ҳукм 1938 йил 13 апрелда ижро этилган, 1963 йил 7 январь куни реабилитация қилинган.

Худойбердиев Ёқуб – 1910 йили Ўзбекистонда туғилган, ўзбек, 1937 йили қамоққа олиниб Магадандаги лагерга этап қилинган. 1937 йил 15 сентябрда учлик қарори билан олий жазога ҳукм этилган, ҳукм 1937 йил 29 октябрда ижро этилган. 1989 йил августда реабилитация қилинган.

Шарипов Муҳаммаджон – 1893 йили Бухорода туғилган, ўзбек, 1935 йил қамоққа олиниб Магадан лагерига этап қилинган. 1938 йил 3 февралда учлик уни олий жазога ҳукм этган. Ҳукм 1938 йил 7 февралда ижро қилинган, 1973 йил 6 декабрда реабилитация қилинган.

Йўлдошев Акбар – 1914 йил Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек 1932 йили қамоққа олиниб Магадандаги лагерга этап қилинган. 1938 йил 23 апрелда учлик уни аксилінқилобий исёнчилик ташкилот аъзоси деб олий жазога ҳукм этган. 1938 йил 16 майда ҳукм ижро этилган, 1962 йил 8 майда реабилитация қилинган.

Ҳарбий коллегиянинг 1938 йил 14 октябрдаги сайёр йиғилишида 1-тоифа бўйича 10 йилдан 15 йилгача қамок жазосига ҳукм этилган 70 нафар маҳбуслар орасида тартиб рақам бўйича 9 ўринда Бозоров Ашур бўлган. Унинг концлагердаги қисмати «Шарқ юлдузи» журналининг 1991 йил

1-сонида «Тарихнинг «оқ доғлари»» рукни остида «Аччиқ ҳаёт» номли мақола босилган.¹ Мақола муаллифи Абул Бозоров. Ашур Бозоровнинг аччиқ ҳаётидан айрим лавҳалар келтирилган. Шу ҳақда тўхталиб ўтишни лозим билдик.

Ашур Бозоровнинг сургунда кечирган кечинмалари... Шу машъум кундан бошлаб «хавfli маҳбус»нинг кўз кўриб, кулоқ эшитмаган, каттиқ режимдаги камоқ, узоқ лагерларда заҳмат чекиши давом этади. Оренбург вилоятидаги турма, Колима (Чукотка) конларидаги замбилғалтак суриш...

– Иқлим совуқ, иш ниҳоятда оғир эди, – деб эслайди Ашур ака, – 43 даража совуқда ҳам ишга чиқарардилар. Кўп маҳбусларнинг қўл, оёқ бармоқларини, кулоқ-бурунларини совуқ урарди. Айниқса, Шарқдан борган маҳбуслар тез-тез касалга чалинишарди. Ўлим ҳаддан зиёд кўп бўлди. Дискандия конида ишлаганимда совуқ уришидан шишиб, уч ой касалхонада ётдим. Иккала оёғим, бармоқларим жонсизланиб қолди. Мана, қаранг, чап кўлимнинг бармоқлари ярмидан йўқ. Буларни конда тош тешувчи бурғи машинаси кесиб кетган.

Лагернинг жаҳаннамга ўхшаган ҳаёти маҳбусларни тирик ўлик қилиб кўяди. Ҳар ким ўз бошининг ғамида, жон сақлаш ҳаракатида бўлади. Танишлар, ҳамқишлоқлар, ҳатто яқин кишилар тасодифан учрашиб қолганда бўлмаса, излаш, ҳол-аҳвол сўрашга руҳий мажол қолмасди. Ҳаётдан умид узиб ётган кунларимнинг бирида, касалхонага мени йўқлаб шоир Элбек келибди. Илгари асарларини ўқиган бўлсам-да, ўзини учратмаган эдим.

... Тошни бўрғи билан ўйиб, чўкич ёрдамида майдалаб, замбилғалтакка солиб, энсиз тахта йўлчадан 30–40 метр баландга, уюм устига чиқариб тўкардик. Замбилғалтаклар ағдарилиб, ўзингни, кейиндагиларни йиқитиб босиб қоларди. Баъзи маҳбуслар бундай азобларга чидай олмай, ўз жонига қасд қилишарди. Каттакўрғон депара ер-сув бўлими бошлиғининг (исми-шарифи ёдимда йўқ), «полвон» деган лақаби бор эди. Бир куни тошлар уюмининг чўққисига чиқди-да, ҳамманинг кўзи олдида, «Хайр, ўртоқлар!» деганча ўзини жарликка ташлади. Пастдагилар бориб қарасалар кўп ери жароҳатланиб, бўйни қайрилиб, бир оёғи синиб, ҳаётдан абадий кўз юмган экан. Ўзбекистон енгил саноат халқ комиссари Мўминхўжаев ичи майда тош билан тўлган

¹ *Бозоров Абдул*. Аччиқ ҳаёт . «Шарқ юлдузи», 1991, 2-сон, 165–168.

замбилғалтагини баландга судраб чиқаётганда кўлини кўйиб юборади. Натижада тошлар устига ағдарилиб, сойликка йиқилиб тушиб, шу ерда жон берди.

Хонов деган хамюртимнинг кўлини фотиҳага очиб, йиғлаганча видолашаётгани ҳамон кўз олдимда турибди. У кишининг ёши ўша вақтларда олтмишдан ўтган эди. Кунларнинг бирида барак олдига чиқаётган эдим, учрашиб қолдик. Мени йўқлаб келаётган экан. Аҳволи бир ҳол. Ёшли кўзлари билан менга шундай тикилдики, вужудим музлаб кетди. Ахир Бухоронинг обрўли, билимдон одамларидан эди-да.

– Ашуржон, мен она юртимга боролмайман, – деди хўнграб йиғлаб. – Жасадим шу Сибир тайгаларида қолади. Сиз омон-эсон етиб олинг. Фарзандларимга саломимни етказинг, улар ёд айласинлар.

«Касалхонада» бухоролик бир муҳаррир оғир аҳволда ётибди, деган хабарни эшитиб, хол-аҳвол сўрагани келган экан. Жойимдан кўзғалолмай, кўз очиб сўрашдим.

Касалхонага ўлим чангалида ётганимда келтиришган. Дискандия лагерида турганимизда май ойидан ноябргача Колиманинг Нерчинский депарасидаги конларда ишлашга олиб боришарди. Тош ўйиб, замбилғалтак билан ташиймиз. Иш оғир. Кўп маҳбуслар жароҳатланади, касалланади, ба-рибир ортга қайтишмайди. Ўлганларни акт қилиб, чуқурга кўмиб ташлашади. Лагерга қайтганимизда қор ёққан, ер музлаган, қор бўронлари авжига минган бўларди. Юз чақиримча масофани уч кунда пиёда босиб ўтамиз. Колима дарёси яхларининг устидан, бир-биримизнинг изимиздан юрамиз. Бир сафар қаҳратон совуқда келаётганимизда оёқларим ишламай қолди. Йиқилиб қолибман. Бригада, соқчилар анча узоклашиб кетибди. Йўлдаги қўналға–Шалашга етиб бориб, санашса икки маҳбус кам. Турбас, Сергей деган маҳбуслар соқчилардан сўраб, изларига қайтиб, қорда кўмилиб ётган еримда, пахталигимнинг енгини кўриб қолиб, кўтариб олиб борганлар. Михей деган маҳбус бечора узокда қолиб кетган экан, совуқда музлаб ўлиб қолибди. «Лагеримизда чиқинди тахталаридан ишланиб, лойсувоқ қилинган ошхонамиз бўларди, – деб хотирлашда давом этди А.Бозоров, – маҳбуслар шу ерда тамадди қилишарди. Кунлик режани бажармаганларга ҳеч вақо берилмасди. Баъзи маҳбуслар қолдиқ овқатларни териб еб, ё тиланчилик қилиб юрардилар. Эсимда, Большой театри-

нинг артисти Оғажонов фақат қолдиқ ёвғон шўрваю нон бурдаларини териб еб кун ўтказарди. Бир куни унинг ошхона рўпарасидаги бутка ёнида ўлиб ётганини кўрдик.

Ажал етса, офат келса жонимга,
Кафаним ким бичар, қабрим ким қазар?
Ёронлар тобутим кўтаринг баланд,
Балки ел ҳидимни юртга етказар...

Хонов шоиртабиат, ўқимишли, зиёли эди. Бухоро вилояти кутубхонасини ташкиллаштиришда ташаббускорлардан бўлиб, бир неча йиллар унга раҳбарлик ҳам қилганлар. Шарқ бўлимига кўплаб тарихий асарлар тўплаб (бозордаги китобфурушлардан ўз пулига қанча-қанча рисоалар, қасидалар мажмуалар олган) бойитган.

Қолимадан ойлаб йўл босиб 1947 йилда Бухорога етиб келганимда даставвал Хоновнинг омонати-васиятларини, саломини фарзандларига етказдим...»

Ашур Бозоровга шунча азоблар етмагандек, уни юртида турмушнинг бошқа кўргиликлари қарши олади. Уйи вайрон этилган. Онаси фарзандини кута-кута, йиғлай-йиғлай икки кўзи ожиз бўлиб, оламдан ўтган. Болалари ҳам қийинчилик йиллари вафот этганлар. Аёли эса эрга тегиб кетган. Бозоров беш ой иш қидиради, бирор ерда ишга олмайдилар. Ҳатто ҳаммомга ўт ёқувчиликка қабул қилишмайди. «Халқ душмани»дан ҳамма, ҳатто бир вақтлар кадрдон бўлган танишлари ҳам чўчийди. Бир куни қаерга бориши, кимга учрашишини билмай кўчада, бемақсад юрар экан. Халимжон деган собиқ ўқувчисини учратиб қолади. Домласини аҳволини кўриб ҳайрон бўлади. Воқеани эшитиб ачинади. Коммунал хўжалиги соҳасида ишлар экан, эртасигаёқ Бозоровни оддий бир ишга жойлайди. Собиқ маҳбус шу йўсин амал-тақал кун кечира бошлайди.

Афсуски, бу осойишталик узокқа бормайди. 1948 йилнинг бошида уни яна ички ишлар бўлимига чақириб, 1937 йилги «иш»ни кўзгаб, сиёсий хавfli киши сифатида қайтадан тергов қилишади. Бу галги сўроқни давлат хавфсизлиги бўлими олиб боради. 9 ой сўроқ, қийноқ давом этади. Оқибат Давлат хавфсизлиги кўмитасининг маҳсус кенгаш аъзолари қарори билан Красноярскка бир умрга сургун қилинади. Бундаги қамоқ лагерлари аҳволи аввалгисидан ҳам даҳшатли эди.

– Тайгада сургунда бўлганларнинг кун кечирishi

ох, қанчалик оғир эди, – дея хўрсинди, Бозор ота, – бийдай совуқ сахро. Узоқ-узоқлардан дарахтларнинг қораси кўринди. Кечаю кундуз баданга нинадек санчиладиган совуқ шамол эсиб туради. Ҳар ким ўзига бошпана топади, нон, овқат ғамини ейди. Назоратчига вақти-вақти билан кўриниб, ишлаб, тунаб турган жойларини билдириб туриш керак. Иш нормаси объект тегишли бўлган ташкилот томонидан белгиланади. Агар харитада кўрсатилган 25 чақиримлик доира ичидан чиқиб кетсанг, албатта ушлаб, жавобгарликка тортадилар.

Бизлар бўлган жойлар борса келмас – ўлим водийси эди. У ердан тирик қайтганлар жуда озчиликни ташкил этади. Бу сахроларда не-не ватанпарвар, зукко, азамат инсонларнинг суяклари ётибди. Улар орасида диёримиздан ҳам одамлар бор эди. 1928 йилдан фирқа аъзоси йигирманчи йилларнинг бошида Москвада «Бухоро маорифи уйи»да ўқиб, енгил саноат бўйича мутахассис бўлиб етишган, Москва, Тошкент, Фарғона ва Бухорода тўқимачилик саноатини йўлга қўйганлардан бири Муҳаммад Ҳафизов ҳам ўн йиллик қамоқдан сўнг бир умрлик сургун қилинган эди.

...Бир куни қор бураб, шамол увиллаб турган эди. Кичкина кулбамизнинг эшиги мушук тирнагандек, аста-аста тикирлади. Бориб очдим. Уст-боши қор, кўриниши кўркинчли бир одам, орқалаган буюми билан кириб келди. Қараб туриб зўрға танидим: ёшликда Бухорода бирга ўсган танишим Муҳаммад Ҳафизов!

– Ашуржон, ўлар ҳолга келдим, – деди йиғламсираб ҳамшаҳарим, – ҳеч иложим қолмади. Суриштириб, уйингни топиб келдим.

– Зарари йўқ, кўп куюнманг, қўлдан келган ёрдамни қиламиз, – дедим тасалли бериб. – Ахир бир юртданмиз-ку.

Унинг аҳволи жуда ёмон эди. Кўзлари ичига ботган, ўзи чўпдек бўлиб қолган. Яқинлашиб кўришганимда, устидаги пахталиги чабғут бўлиб, титилиб кетган экан. Кўнглим бузилиб, кўзимга ёш келди. Унинг Тайгада эканини билардим. Топиш, учратиш амри маҳол эди. Ўртоғимни хотинимга танитдим. Хотиним ўқимишли, дўхтир бўлганидан ҳаммасига тушунди. Ҳафизовга уйчамиз чеккасидан жой бердик. Хотиним кийимлари, тўшакларига дори сепиб, битларини йўқотди. Ўзини ҳаммомга тушириб, бошқа кийимлар кийгиздик. Бизникида туриб, ишлаб, кун кўра бошлади.

...Агар бир тасодифий ҳол юз бермаганда Ашур Бо-

зоров ҳам шу ҳолга тушиб қолиши турган гап экан. Уни Красноярск ўлкасининг Тасеевский депарасидаги «Бакчет» колхозига ишга олиб боришади. Бозоров шу ерда, бир уйда сургунда яшаётган жувонни кўриб, танишади. У, немис аёли Маргарита бўлиб, Саратов вилоятидан умрбод сургун қилинган экан. Бечоранинг бирдан-бир айби – немислиги. Узоқ сургундаги бахтсиз ҳаётда, бир амаллаб кун кечириш мақсадида Ашур Бозоровга турмушга чиққан. Улар қиш кунлари бошқа иш бўлмаганидан Тайгага бориб, дарахт кесганлар. Кунига 50 та дарахт кесиш, 20 кубометр ёғоч тайёрлаши шарт қилиб қўйилган экан. Иккаласи бу юмушнинг уддасидан чиқишган...

Ҳақиқатни топташ мумкин, лекин у барибир бўй кўрсатаверади. 1956 йили Ашур Бозоровни комендатурага чақириб, асоссиз сургун қилинганини айтишиб, узр сўрашади. Оқлангани ҳақидаги ҳужжатларини беришади. Оиласининг ҳам бирга кетишига рухсат этадилар. Камоқхонадаги, Тайгадаги меҳнат, калтак, қўйингки занжирбанд ҳаётдан ҳар кимнинг ҳам омон чиқиши қийин. Лекин метин иродали Ашур ака, ўзининг ҳақлигига қатъий ишонганидан, жисмонан эзилса-да, руҳан тушкунликка тушмаганидан озодликка эришади.

Бухорога келгач фирқалигидаги ишини кўриш, меҳнат стажини тиклаш масалаларини сўраб, Москвага, КПСС Марказий Комитетига ёзади. Москвадан уч кишилик комиссия келади. Вилоят фирқа кўмитасида Ашур Бозоровнинг ишини кўриб, ноҳақ қамалгани, сургун қилинганини аниқлайдилар. Комиссия бошқа кишининг, шу жумладан Муҳаммад Ҳафизов шикоятини ҳам ижобий ҳал этади.

СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyasi томонидан 1957 йил 30 августда берилган 4X–03870/75 рақамли ҳужжатда шундай ёзилган: «Бухоро пролетари» рўзномасининг муҳаррири (1937 йил 13 август) Ашур Бозоровнинг иши СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyasi томонидан 1957 йил 19 июлда қайта кўрилди. Ҳарбий Коллегиyанинг 1938 йил, 14 октябрдаги ҳукми ва СССР Давлат хавфсизлиги комитети алоҳида кенгашнинг 1949 йил 13 апрелдаги Ашур Бозоров иши тўғрисидаги қарори алоҳида юз берган вазиятлар муносабати билан, таркибида жиноий хатти-ҳаракатлар йўқлиги сабабли бекор қилинди ва айблашишлари тўхтатилди.

СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyasiга раислик қилувчи юстиция полковниги Н. Лихачев».

Ашур Бозоров меҳнат фаолиятини давом эттириб, Бухоро газлаштириш идорасида йигирма йил ишлаб, иззат-хурмат билан пенсияга кузатилди. У самарали меҳнати учун СССР медаллари, Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Айни пайтда республика миқёсидаги пенсионер.

«Катта террор» қурбонларидан Ашур Бозоровнинг ГУЛАГ лагерларидаги ўта оғир, азобли ҳаёти мисолида минглаб, ўн минглаб ўзбекистонлик сиёсий маҳбусларнинг қисматини тасаввур қилиш мумкин. Шу боис тарих фани олдида яна бир ўта муаммоли масала кўндаланг бўлиб турибди. Бу масала совет режими даврида сира айби бўлмаган, турли хил бўҳтон ва маломатлар кўйилиб узок муддатларга қамоқ жазосига ҳукм этилганларнинг НКВД ва ГУЛАГ тизимидаги лагерлардаги фожиали ҳаётини, уларнинг меҳнат фаолиятини, турмуш шароитини, тақдирини тадқиқ этиш ниҳоятда долзарб мавзу эканини кўрсатмоқда.

Ўрта Осиёдан ГУЛАГ лагерларига этап қилинганлар орасида аёллар ҳам бўлган. Улардан бири машҳур лашкарбоши Шермухаммадбекнинг аҳли аёли Солияхон Маъмурова эди.

Тошлоқ райони Ички ишлар бўлими бошлиғи, давлат хавфсизлиги сержанти Лебедев томонидан 1937 йил 4 декабрда Тошлоқ райони Қумариқ қишлоқ совети Бектепа қишлоғида яшовчи, 1900 йил туғилган, миллати ўзбек, СССР фуқароси, бой-қулоқ кизи, партиясиз, саводсиз, сўзига қараганда судланмаган, босмачи кўрбоши, ҳозирда Афғонистонда муҳожир Кўршерматнинг хотини Солияхон Маъмурова ҳибсга олинган. Шу вақтда «Пахтақайнар» колхози аъзоси **Маъмурова Солияхон** устидан терговдаги савол-жавобни айнан келтирамиз:

Савол: Акаларингиз ҳақида нима биласиз. Улар ҳозир қаерда?

Жавоб: Менинг акам Маъмуров Мамадали 1922 йилда Афғонистонга яширин тарзда ўтиб кетишга уринган пайтда қизиллар томонидан ўлдирилган.

Иккинчи акам Маъмуров Маҳмуд қаерда эканлигини билмайман. Қишлоқ аҳолисининг гапларига кўра, Тожикистон НКВДси томонидан қамоққа олинган.

Савол: Ҳолиқов Нормат ҳақида нима дея оласиз? У билан муносабатларингиз қандай?

Жавоб: Ҳолиқов Норматни яхши инсон ва яхши ходим

сифатида биламан. Ҳолиқов Нормат билан ўртамиздаги муносабат яхши, ўртамизда ҳеч қандай низо чиққан эмас.

Савол: Айтингни, шу йилнинг октябрь ойида Тошлоқ райони чегараларидан (худудидан) қаерга ва кимнинг олдига кетган эдингиз?

Жавоб: Шу йилнинг Октябр ойида Тошлоқ районидан Ленин районига, холамининг ўғли Қаюмов Турғунниқига тўйга борганман ва у ерда 10–15 кун туриб, яна Тошлоқ районига қайтганман. Ленин районидан Терак Таги қишлоғига менин олдимга Қаюмов Турғун келган эди ва у билан Ленин районига бирга кетган эдим.

Савол: Терговга маълумки, ўз акангиз Маъмуровдан хат олганингиздан сўнг Ҳолиқовнинг маслаҳати бўйича, ўз буюмларингизни сотиб юбориб, яширин йўл билан чегарадан ўтиш ва Афғонистонга кетишга уриниб кўргансиз. Шунинг тасдиқлайсизми?

Жавоб: Ўз акам Маъмуровдан ҳеч қандай хат олган эмасман, Ленин районига кетиш олдидан Ҳолиқовни кўрган эмасман ва ундан ҳеч қандай маслаҳат олганим йўқ. Афғонистонга яширин тарзда ўтиш ҳақидаги гапни инкор этман.

Савол: Терговга маълумки, сиз советларга қарши тарғибот олиб бориб, тез орада эрингиз Кўршермат Қўшақовнинг Афғонистондан келиши тўғрисида ифвогарона миш-мишлар тарқатгансиз. Шунинг тасдиқлайсизми?

Жавоб: Ҳеч қачон ва ҳеч қандай ҳолатда советларга қарши тарғибот олиб борган эмасман, ва шунингдек, эрим Кўршерматнинг келиши ҳақида ифвогарона миш-мишлар тарқатмаганман.

Э с л а т м а: ҳар бир жавоб остига имзо қўйдириб олинган.

Айблов хулосасида Маъмурова аввалидан совет ҳокимиятига қарши кайфиятда бўлгани, ҳозирда Тожикистон НКВДси томонидан қамоққа олинган туғишган акаси Ҳолиқов воситачилигида эри Кўршермат билан хат орқали алоқада бўлиб, ўз буюмларини Ҳолиқов ёрдамида сотиб акаси орқали Афғонистонга, эри Кўршерматнинг олдига ўтиб кетишга уринган. Аммо акасининг қамоққа олингани туфайли Афғонистонга қочиб ўтолмай қолган. Шундан сўнг қишлоққа қайтиб келиб «Пахтақайнар» колхозининг колхозчилари орасида тез орада Ўзбекистонга эри Кўршермат

келиши тўғрисида ифвогарчилик миш-мишлар тарқатган ва бу билан колхозчиларни кўрқитиб «Сиз ўзбеклар европача костюм ва фурашка кийиб, ўзбеклар дини ва урф-одатларига иснод келтирмоқдасизлар, мана тез орада эрим Кўршермат келиб совет ҳокимиятини йўқ қилади, шунда у сиз ўзбекларга руслар кийимларини кийиб юришни ва ўзбеклар урф-одатларини эсдан чиқармасликни кўрсатиб кўяди.»

Ана шу тўқима айблар баён этилиб ЎзССР Жиноят кодексининг 61-моддасига асосланиб Солихон Маъмуровани ЎзССР Жиноят кодексининг 61-моддаси 1-қисми бўйича жиний жавобгарликка тортиш ва тергов суддан бўйин товланмаслиги учун Фарғона турмасида сақлаб туриш керак деган хулоса қилинган. Бу айблов хулосани Ички ишлар халқ комиссарлиги Фарғона оператив гуруҳи бошлиғи, давлат хавфсизлиги лейтенанти Мартиненко тасдиқлайди.

Айблов хулосаси Тошкентга, ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги учлигига юборилади. Учлик эса 1937 йил 7 декабрдаги йиғилишида кўриб чиқади. 13650 – сонли айблов бўйича учлик қарор чиқаради:

«1. Ҳолиқов Нормат, 1900 йили туғилган. Тошлок райони Терактаги кишлоғидан, ўзбек, собиқ кулоқ, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси. Холасининг қизи Маъмуровани Афғонистонда яшаётган ўз қариндоши босмачи Кўршермат олдига қочириб юборишни ташкил қилганликда, яъни ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-қисми билан айбланмоқда.

2. Маъмурова Солияхон, 1900 йили туғилган, Тошлок райони Бектепа кишлоғидан, ўзбек, бойнинг қизи, Афғонистонда яшаган Қўрбоши Кўршерматнинг хотини. Ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, тоғаси Ҳолиқовнинг ёрдами билан Афғонистондаги эри босмачи Кўршермат олдига ўтиб кетишга ҳаракат қилганликда, яъни ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси, 1-қисми бўйича айбланмоқда.

Қарор қилдик: Н.Ҳолиқов, С.Маъмурова – 8 йил меҳнат тузатув лагерига этап қилинсин, муддати Ҳолиқов учун 1937 йил 26 ноябрдан, Маъмурова учун 1937 йил 4 декабрдан ҳибсга олинсин.»¹

¹ Репрессия 1937–1938 гг. Документты и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана 1937 год, декабр. Ташкент. «Шарқ», 2008. Стр 259.

Маъмурова Солияхон қамоқ жазосини аввал Тошкентдаги Ўрта Осиё лагерида ўтайди. Кўп ўтмай уни Киров об-ластидаги Вятский меҳнат тузатув лагерига этап қилишади.

Маҳбус Маъмурова Солияхон 1939 йил 15 майда Вятский меҳнат тузатув лагеридан ЎзССР Олий Совети-га авф этишни сўраб ариза йўллайди. Унда, жумладан шундай дейилган: «Фарғонанинг Тошлоқ райони Заркент қишлоғидаги «Пахтақайнар» колхозида колхоз аъзосиман, колхоздаги мавсумий ишлар тугаши билан Кўрғонтепа районидаги туғишган опамникига борганман, уникида бир ой бўлиб яна уйга қайтиб келганимда, мени уйга қўймай, дарҳол қамоққа олишган, бир неча кун Фарғона турмасида, мендан эримни олдиға қочиб бормоқчи бўлганим ҳақида тергов қилишган, менинг қўлимда 5 йиллик паспорт бўлган, ҳеч қандай танбех олмаганман, чегарадан қочиб ўтиб ке-таётганимда ушлаб олинмаганимга қарамай, 14 ой мобай-нида Фарғона турмасида ётдим, нима сабабдан қамоқда ўтирганимни билмаслигим, эримдан холис бўлганман, чун-ки унинг хотинлари кўп бўлган.

«Мен лагерда бўйин товламасдан ишламоқдаман, маъмурий жазога тортилмаганман. Социалистик ин-тизомнинг барча қоидаларига итоат қилмоқдаман. Менинг ишимни текшириб чиқишни ва озод қилишни комиссия аъзоларидан илтимос қиламан.» Бу ариза-га асосланиб унинг жиноий иши Фарғона область Тошлоқ ички ишлар бўлимига қайта тергов қилиш учун юборилади. Маъмурова ва Ҳолиқов ишлари бўйича қўшимча текширув-тергов ишлари олиб борилади. Уларнинг ижтимоий келиб чиқиши ҳақидаги ҳужжатлар ва гувоҳлар кўрсатмалари кўтарилади. Маъмурова руҳонийлар оиласиданлиги, унинг эри Афғонистонда муҳожирликда турган таниқли кўрбошилар бошлиғи Кўршермат экани аниқланади.

Ҳолиқов қулоқ оиласиданлиги, ўзи ҳам қулоқ эканли-ги Кўршерматга қариндошлиги, босмачилик ҳаракатида фаол иштирок этганлиги кўрсатилган. Аввал гувоҳликка ўтган Ниёзов Дехқон, Исомиддинов Юнус ва Эшматов Курбонлар ўзларини аввалги дастлабки терговда бер-ган кўрсатмалари бўйича бу икки маҳбуснинг ижтимоий ёт унсур экани ва советларга қарши фаолиятини тўла тасдиқлаб берганликлари қайд этилган. Ҳолиқов Нормат ва Маъмурова Солияхон ижтимоий хавфли унсур эканлиги-ни, қолаверса уларнинг советларга қарши фаолияти етарли даражада тасдиқланганлигини эътиборга олиб СССР Ички

ишлар халқ комиссарлигининг 0165 сонли буйруғидан келиб чиқиб Наманган ички ишлар бўлими давлат хавфсизлик хизмати сержанти Деревенко қорор қилади: Маъмурова Солияхон ва Ҳолиқов Норматга нисбатан ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг собиқ учлигининг қарори ўз кучида қолдирилсин, иш Республика Ички ишлар биринчи махсус бўлимига топширилсин. Бу қарорни Фарғона вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, тергов бўлимининг бошлиғи, давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Иброхимов 1940 йил 31 декабрда тасдиқлайди. Шу тариқа Солияхон Маъмурованинг ГУЛАГнинг Вятский лагеридан йўллаган авф этиш ҳақидаги аризаси ижобий ҳал қилинмайди. Бу маҳбуснинг кейинги тақдири ҳали аниқланганича йўқ.¹

Қозоғистондаги АЛЖИР (Акмолинский лагер жен изменников Родины – Ватан хоинлари аёлларининг Акмолинскдаги лагери) концлагерида қатағон қилинганларнинг аёллари қамоқ жазосини ўтаганлар. Ҳозирда Қозоғистоннинг Акмолинск вилояти Целиноград райони Малиновка қишлоғида АЛЖИРга бағишланган улкан хотира музейи мавжуд. Қора мрамарга «АЛЖИР» қурбонларининг номлари битилган. Хотира мажмуасидан ўзбекистонлик маҳбус аёллардан Тожихон Аҳмедова, З.И.Абдуллаева, Ҳалима Йўлдошбоева, Амина Иброҳимова, Раҳбар Шермухаммедова, К.И.Абдуллаева, С.Муротова, А.Г.Абдусалимова, Б.Ҳакимова, С.Хўжаева, Ҳ.Ҳакимова, С.Ҳолиқова, Л.Ҳасановалар номлари ҳам жой олган.²

Ш БОБ. «КАТТА ТЕРРОР» ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

«Катта террор» деб номланган воқеаларнинг бошланиш санасини 1937 йил 3 июль деб қараш мумкин. Айти шу куни ВКП(б) Марказий Комитет секретари И.В.Сталин СССР Ички ишлар халқ комиссари Н.И.Ежовга ва партия-

¹ *Шамсутдинов, Элёрбек Холмирзаев.* ГУЛАГ лагерларидаги ўзбек маҳбуслари. – Тарихнинг номаълум саҳифалари: илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2012. – Китоб 3. 51–68-б;

² *Шамсутдинов Р., Акбарова М.* Шимолий Қозоғистон сурғунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: Шарк, 2009.

нинг минтақавий раҳбар органларига бир кун аввал сиёсий бюронинг собиқ кулоқларга ва жинойтчиларга қарши катагон кампаниясини ўтказиш тўғрисидаги қарорини берган. Қарорда маълум вақтда ҳар хил областдан шимол ва Сибирь районларига сургун қилинган собиқ кулоқлар ва жинойтчиларнинг катта қисми сургун муддати тугаб ўз жойларига қайтиб келиб колхозларда ва совхозларда, шунингдек, транспортда, саноатнинг айрим тармоқларида ҳар қандай антисовет ва диверсион жинойтларнинг асосий бошлаб берувчилари экани сезилмоқда деб кўрсатилган. Шу боис юртга қайтиб келган кулоқлар ва жинойтчилар барчаси ҳибсга олинсин, душманчилиги энг ашаддий бўлганлари зудлик билан қамоққа олинсин ва маъмурий тартибда учликлар орқали отиб ташлансин, қолган унча фаол бўлмаган, лекин душман бўлган унсурлар НКВД кўрсатмаси билан бошқа районларга сургун қилинсин, деб айтилган.

ВКП(б) Марказий Комитети беш кун муддат ичида Марказқўмга «учликлар» таркиби, отувга ҳукм қилинадиганлар ҳамда сургун қилинадиганлар миқдорини тақдим этиш талаб қилинган.¹

СССР НКВД раҳбари Н.И.Ежов 1937 йил 3 июлда НКВДнинг бошқармаларининг барча бошлиқларига 266/15545 сонли директива йўллайди. Унда ушбун олиш биланок ҳар бир областда ўрнашиб қолган, жазони ўтаб қайтиб келган ва сургун ҳамда лагерлардан қочиб келган кулоқлар ва жинойтчиларни ҳисобга олиш ва ҳисобга олинган барча кулоқлар ва жинойтчилар икки категорияга ажратилсин, биринчи категорияга – қамоққа олиниб ва маъмурий тартибда учликлар орқали отувга ҳукм қилинадиганлар киритилсин деб айтилган.

Шу йилнинг 8 июлигача Н.И.Ежовга телеграф орқали қанча миқдордаги шахслар биринчи ва иккинчи категорияга оид қанча кулоқлар ва жинойтчилар берилиши талаб қилинган.²

Бошқа республикалар қатори Ўзбекистон раҳбарияти ҳам ВКП(б) Марказий Комитети сиёсий бюросига, И.В.Сталин, В.М.Молотовга ЎзССР НКВД хузурида ташкил бўладиган учлик таркибини 8 июлдаёқ юборган. Буни И.В.Сталин ва В.М.Молотовнинг А.И.Икромовга

¹ Репрессия 1937–38 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. Сост. Шамсутдинов Р., Каримов Н., Юсупов Э. – Ташкент: Шарқ, 2005, с. 27–28.

² РФ ФХХМА, 3-фонд, 4-рўйхат, 16-иш, 1-варақ.

1937 йил 9 июлда 906/ш сонли учлик тартибини ўзгартиш тўғрисидаги шифр телеграммасидан билса ҳам бўлади. Унда шундай дейилган:

«Тошкент. Ўзбекистон МК секретари Икромовга.

Каримов ўрнига қандайдир бошқа бир кишини учликка киритишни таклиф этамиз. Сўнгги маълумотлар бўйича Каримов Файзулла Хўжаевнинг антисовет гуруҳини аъзосидир. Яхши бўларди халқ комиссарлар совети раиси лавозимидаги Каримовни бошқа бир шартсиз ишончли номзод билан алмаштирилса.

Сталин.
Молотов»¹

Сиёсий бюро 1937 йил 11 июлда Ўзбекистон ССР бўйича антисовет элементларни текшириш юзасидан учликни тасдиқлади. Бу учлик Акмал Икромов, Содикжон Болтабоев ва Загвоздинлардан ташкил топган. Шу қарор билан Ўзбекистон ССР бўйича 1489 киши отилиши ва 3962 киши сургун қилиниши тасдиқлаб берилди, яъни телеграммада кўрсатилган категория қарорда миллатчи-террорчилар ишини учликда қайта кўриб чиқиш учун рухсат берилгани, Қорақалпоғистон АССР бўйича антисовет элементларни қайта кўриб чиқиш учун учлик тузилмаслиги айtilган.

Давлат хавфсизлик органлари юқори лавозимга қўйилаётган ҳар бир раҳбар ходимни текшириб чиқишда иштирок этганлар.

А.И.Икромов 1937 йил 15 июлда И.В.Сталинга Тошкентдан 1263/ш сонли шифр телеграмма йўллайди. Унда барча ўзбек раҳбар ходимлар текшириб чиқилгани, ЎзССР Халқ комиссарлари совети раиси бўлиши мумкин бўлган икки номзод танлаб олингани, улар партиёга, сталинча Марказий Комитетга сўзсиз садоқатли экани айtilган.

«Биринчи номзод – деб ёзган А.Икромов, ўртоқ Болтабоев (Содикжон – Р.Ш.) ҳозирда Ўзбекистон КП(б) МК учинчи секретари бўлиб ишлапти.

1927 йилгача ишлаб чиқаришда меҳнат қилган, давлат ишида тажрибага эга, бир йил округ ижрокўми раиси бўлган, икки йил Марказий назорат комиссияси раиси ва ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссари ҳамда сўнгги уч йилда Тошкент шаҳар партиё комитетининг секретари бўлган.

¹ Лубянка. Главное управление госбезопасности НКВД 1937–1938. – М., 2004, С. 240.

Иккинчи номзод ўртоқ Тўрабеков. У ҳам 1925 йилдан раҳбарлик ишларда – бир йил округком секретари бўлиб ишлаган, 1931 йилдан 1934 йилгача Ўзбекистон Марказий Назорат комиссияси раиси, икки йил Москвада ўқиган, яқинда Тошкентга қайтган. Ўртоқ Болтабоев анча содик ва салоҳиятли ходим, фақат саводхонлик етишмайди, ҳеч бўлмаганда, бир йилга Марказий Комитет курсига ўқиш учун олиш зарур.

Ўртоқ Тўрабеков (Жўрабек – Р.Ш) жуда саводли, бироқ кизикқон ва у салобатли бўлишни эгаллаши лозим.

Ўртоқ Болтабоевни жуда ҳам муносиб номзод деб ҳисоблаймиз. Тўрабековни ўринбосари қилиб тасдиқлаш мумкин. Совет тартибидаги бу ўзгаришни расмийлаштириш шакли ҳақида Сиздан маслаҳат беришингизни илтимос қиламан.

Сизнинг Каримов (Абдуллажон – Р.Ш) тўғрисидаги телеграммангиз менинг учун мутлақо кутилмаган ҳол бўлди, чунки Каримов билан 13 йил бирга ишлаганман, айниқса Файзулла Хўжаев гуруҳига қарши курашда ҳар доим фаол ва қатъиятли ходим бўлган».

Хужжатларда Сталиннинг «Ўртоқ Ежовга, иккаласи шошилич текшириб чиқилсин ва Марказий Комитетига, И.В.Сталинга хабар қилинсин, деб ёзиб қўйилган»¹.

1938 йилдаги «Катта террор», «Қулоқлар операцияси»нинг навбатдаги учинчи босқичи ўша йилнинг октябрь–ноябрь ойларига тўғри келади. Бу даврда қатағон қилинганлар ишлари СССР Олий суди Ҳарбий коллегияларининг сайёр йиғилишларида кўриб чиқилган.

1936 йил 1 октябрдан 1938 йил 1 ноябрига қадар СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси 36906 киши устидан ҳукм чиқарган. Шундан 25355 киши отувга, 1059 киши 15–25 йил муддатга, 3598 киши 10 йил муддатга, 123 киши 5 йил муддатга, 61 киши 3 йил муддатга қамоқ жазосига, 2 киши СССР ичкарисига сургун қилишга, 20 киши бошқа жазо чоралари кўришга, 30 кишини озод қилишга, 1188 кишининг ишини қайта тергов қилиш учун қайтариб юборишга ҳукм қилинган².

Ана шу ҳукмга тортилганларнинг бир қисми Ўзбе-

¹ Лубянка. Главное управление госбезопасности НКВД 1937–1938. – М., 2004, С. 247–248.

² Трагедия советской деревни: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Документы и материалы. В 5 томах. Т.5. книга 2. с.305.

кистон ССРдан эди. 1938 йил октябрь бошларида Тошкентда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилишлари бўлиб ўтади. Уларда кўплаб партия, давлат, жамоат арбоблари, айниқса зиёлилар, адиб, шоирлар, фан ва олий ўқув юртлари ходимлари, Ўзбекистоннинг таниқли кишиларининг маълум вакиллари отувга, 10 йил, 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар. Олий жазога ҳукм этилганлар ўша ҳукм эълон қилинган куннинг ўзидаёқ отиб юборилганлар. Улар орасида ўзбек халқининг асл фарзандлари Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Раҳим Иноғомов, Усмонхон Эшонхўжаев ва бошқалар бўлган. Партия ходимларидан Исломбек Арслонбеков, Султон Сегизбаев, Бўтабой Дадабоев ва бошқалар ҳам отувга ҳукм этилганлар. Ана шу СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг Тошкентдаги йиғилишлари баённомалари Ўзбекистон ҳудудидаги давлат ва тегишли архивларда, жумладан Республика Миллий хавфсизлик хизмати архивида ҳам йўқлиги маълум бўлди. Бу ҳужжатлар Москвадаги Россия Федерал хавфсизлик хизмати (ФСБ) архивида сақланаётган бўлса керак.

«Катта террор»нинг яқун топиши 1938 йил ноябрь ойига тўғри келади. СССР ХКС ва ВКП(б) МК 1938 йил 15 ноябрда учликлар, ҳарбий трибуналлар, СССР Олий суди ҳарбий коллегияларида махсус буйруқ тартибида юборилган ишларни кўриб чиқишни тўхтатиб қўйиш тўғрисида директивани қабул қилади ва у барча тегишли мутасадди органларга юборилади. Унга мувофиқ ўша йилнинг 16 ноябридан бошлаб алоҳида, махсус фармойишгача барча ишларни кўриб чиқиш ман қилинади. Бунинг ижроси прокурорларга, ижронинг амалга оширилиши ҳақида эса СССР НКВДсига ва СССР Прокурорига маълумотлар бериш топширилади.¹

СССР Халқ Комиссарлари совети раиси В.Молотов, ВКП(б) Марказий Комитети котиби И.Сталин имзоси билан 1938 йил 17 ноябрда «Прокурор назорати ва тергов олиб боришда қамоққа олишлар тўғрисида»ги ҳукумат ва партия қўшма қарорини Ички ишлар, прокурорлар, партия котибларига юбордилар.

1937–1938 йилларда партия раҳбарлигида НКВД ор-

¹ Лубянка. Главное управление госбезопасности НКВД 1937–1938. – М., 2004, С. 306–307.

ганлари халқ душманларини тор-мор қилишда ва СССРни троцкийчилар, бухаринчилар, эсерлар, меньшевиклар, буржуа миллатчилар, оқ гавардиячилар, қочоқ қулоқлар ва жиноятчилардан чиққан, айниқса Япония, Германия, Польша, Англия ва Франция разведкаси учун жиддий таянч бўлган кўп сонли жосус, террорчи, диверсантлар ва зараркунанда ходимлардан тозалашда катта иш олиб борганлари қарорда қайд қилинади.

Бир вақтнинг ўзида НКВД органларининг СССРга келган поляклар, руминлар, финлар, немислар, латишлар, эстонлар, харбинлар ва бошқалардан иборат чет эл жосус-диверсион агентурасига мансуб сиёсий муҳожирлар ва қочоқлар ниқобида катта миқдорда ташланганларни тугатишда катта иш олиб боргани ҳам таъкидланади.

Мамлакатни диверсиячи, исёнчи ва жосус ходимлардан тозалаш социалистик қурилишнинг бундан бўёнги муваффақиятларини таъминлашда ижобий рол ўйнаганлиги, бироқ бу билан СССРни жосуслардан, зараркунандалардан, террорчилардан ва диверсиячилардан тозалаш ишини яқун топди, деб ўйламаслик кераклиги эътироф этилади.

Эндиликдаги вазифада, бундай иш давом этиши, СССРнинг барча душманларига қарши шафқатсиз қураш олиб бориш ва бу қурашни анча такомиллашган ва ишончли усуллар ёрдами билан олиб бориш кераклиги уқтирилади.

Аслида «Катта террор»нинг бошланишига 1937 йил февраль-мартидаёқ замин ҳозирланган эди. Буни маҳаллий жойлардаги воқеалар жараёнида яққол кўриш мумкин.

1937 йил 23 февралдан 5 мартгача ВКП(б) Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Унда СССР Олий советига сайловлар ўтказилиши олдидан, Сталин конституцияси деб аталган янги конституция асосида партия ташкилотларининг вазифалари, Н.И.Бухарин ва А.И.Риковларнинг партиёга қарши фаолияти тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Пленум уларни ВКП(б) сафидан ўчиришга қарор қилди. Бу пленум қарорлари тўлқини бутун мамлакатни жумладан, Ўзбекистонни ҳам қамраб олди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1937 йил мартадаги пленуми ана шу руҳда ўтди. Бу пленумда Москвадан юборилган А.А.Андреев қатнашди ва антипартиявий гуруҳ ва унинг жойлардаги издошларини фoш этиш юзасидан директив


кўрсатмалар берди. Бу пленум тўлқинлари Андижон партия ташкилотига ҳам етиб келди. 1937 йил 26–28 мартда Андижон шаҳар-район партия ташкилотининг кенгайтирилган партия активи бўлди. Бу пленумда ВКП(б) Марказий Комитети Пленуми ва ЎзКомпартия Марказий Комитети Пленуми якунлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди, Пленумнинг Бухарин ва А.И.Риковни ВКП(б) сифидан ўчириш тўғрисидаги, ишчи-деҳқонларнинг социалистик ғалабаларини йўқ қилишга ва капитализмни тиклашга қаратилган антипартиявий фаолиятини кескин қоралади.

Андижон шаҳар-район партия фаоллари йиғилишида 2-секретарь М.И.Криканов маъруза қилиб, Бухарин ва Риковларни халқ душмани сифатида тавсифлаб, улар ЎзКомпартия Марказий Комитетининг биринчи секретари Акмал Икромов билан ҳамтовоқ эканликлари ҳақида тўхталиб ўтди.

1937 йил сентябрида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III Пленуми бўлди, унда ВКП(б) Марказий Комитетининг секретари А.А.Андреев, И.В.Сталин ва В.М.Молотовларнинг хатини ўқиб беради ва бу хат муҳокама қилинади. Муҳокамада нотиклар бирин-кетин чиқишиб Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи секретари Акмал Икромовни буржуа миллатчилари ва ўзбек халқининг душманлари Файзулла Хўжаев, Содиқжон Болтабоев, Абдулхай Тожиев, Абдулла Каримов ва



Файзулла Хўжаев (1896–1938)
Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар совети раиси



Йўлдош Охунбобоев (1885 – 1943)
Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети раиси



Акмал Икромов (1898–1938) Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

бошкаларга нисбатан сиёсий кўрлик қилганликда айблайдилар. Ҳатто, Акмал Икромов Москвадаги Троцкийчи-ўнгларининг советларга қарши гуруҳини ҳимоя қилганликда айбланган. Пленум Акмал Икромовни Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари лавозимидан озод қилиш, уни Марказком таркибидан чиқариш, партия сафидан ўчириш ва унинг ишини тергов органларига беришга қарор қилинади.

Марказкомнинг бу Пленум материаллари бўйича республикадаги барча округ, шаҳар, район партия комитетларининг Пленумлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон

Компартияси Марказий Комитети бюро ва Пленум аъзолари округлар ва шаҳарларга чиқиб, коммунистларга қабул қилинган қарорлар моҳиятини тушунтириш билан астойдил шуғулландилар. Андижонга Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси Йўлдош Охунбобоев келади.

1937 йил 7 октябрда шаҳар партия комитетининг навбатдаги 2-пленими бўлади. Унинг ишида 29 киши қатнашади. «Ўзбекистон Компартия Марказий Комитетининг III ва IV Пленумлари қарорлари натижалари» масаласи муҳокама қилинади. Йўлдош Охунбобоев маъруза билан чиқиш қилади. Унинг маърузасининг марказида ЎзКомпартия Марказий Комитетининг III–IV Пленумлари қарорлари ўрин эгаллаган. Унда А.Икромов, Ф.Хўжаев ва бошқа «халқ душманлари»ни фош этувчи фикрлар келтирилади. Бизнинг ихтиёримизда ана шу маъруза матни йўқ, стенограмма ҳам олиб борилмаган, фақат мазкур пленумнинг «махфийлик» тамғаси остидаги баённомалар сақланиб қолган. Музокарага чиққанлар ва қабул қилинган қарорлар мазмунига кўра Йўлдош Охунбобоевнинг Андижон шаҳрига келишидан қутулган асосий мақсад ўша III ва IV Пленум қарорларини амалга оширишдан, Андижон партия ташкилотига Ф.Хўжаев, А.Икромов чинданда «халқ душманлари» эканлигини, улар троцкийчи-зиновьевчилик

аксилнқилобий ташкилотининг аъзолари эканлигини тунтиришлардан иборат бўлгани маълумдир.

Биринчилардан бўлиб республика прокурори ёрдамчиси Бухаревич сўзга чиқди. У шундай деди: «Мана энди аён бўлдики, Икромов ва бошқалар раҳбар бўлган банда ҳеч қандай миллийликка эга эмас, уларнинг барча услублари троцкийчиликдан иборатдир».

6-ёғ заводидан сўзлаган Ахмадалиев шундай дейди: «Икромов, Ф.Хўжаев ва бошқаларнинг думлари бизнинг Андижонда ҳам бордир, ички душманларга қарши курашиш учун Ленин партияси атрофида кўпроқ жипслашишимиз керак.

Шаҳар партия комитетининг инструктори Ўрмонов: «Ўртоқ Охунбобоев бизларга Икромов ва бошқаларнинг узок йиллар мобайнида олиб борган аксилнқилобий хатти-ҳаракатлари манзарасини чизиб берди, шунингдек, уларнинг издошлари, маслакдошлари районларда, жумладан, Андижонда ҳам борлигини кўрсатиб берди. Андижон маънавий марказ ва бу ерда миллатчилар оз эмас, улар қолхозлардаги иссиқ жойларда ин қуриб олганлар». Маданият ва ташвиқот бўлими мудир Икром Исомиддинов эса шундай деди: «Ўртоқ Охунбобоев аксилнқилобий гуруҳ фаолиятини яхши ёритиб берди ва бизнинг Андижонда ҳам аксилнқилобий элементлар оз эмас». Партия активи шаҳар партия комитети ишидаги кўплаб нуксонларни очиб ташлади.

Мирзобоев ўз сўзида: «Ўртоқ Охунбобоев аниқ айтдики, Пленум «халқ душманларининг» чинакам башараларини очиб берди, бу халқ душманлари партия аппаратининг барча бўғинларида жумладан, Андижонда ҳам мавжуддир. Бизнинг Сиз билан вазифамиз – улардан тезроқ тозаланмоқдир. Мен совет партия мактаби қошидаги ўқишим даврида кўплаб ёрдамчи хўжаликлар бор эди, бу ёрдамчи хўжаликнинг озиқ-овқатлари Арслонбеков ва Вахобовлар ўртасида бўлиб олинарди. Ўзбекистон Компартияси VII съезидига (съезд 1937 йил июнида ўтказилган, – Р.Ш.) борганимизда Болтабоев (Карим – Р.Ш.) бизларга Андижон тўғрисида ҳеч нарса айтманглар, яъни чиқиш қилманглар ва ҳеч қандай номзод кўрсатманглар, деб айтди. Ва мен Болтабоевнинг бундай таклиф беришига нима сабаб бўлганини текшириб чиқилишини илтимос қиламан. Партия фаолларининг қарори тўғри, у Криканов, Болтаев,

Тешабоев, Абдуғаффоровларнинг жинойтларини кўрсатиб берди, уларни партиядан ўчириш ва судга бериш керак...»

Кўриб турибсизки, нутқ сўзлаганлардан биронтаси А.Икромовнинг халққа қарши, антипартиявий фаолиятини кўрсатувчи аниқ фактлар келтирмаган. Шунга қарамасдан Пленум жуда қаттиқ қарор қабул қилган:

1. Ўзбекистон Компартияси Андижон шаҳар партия комитети бюросининг эски таркиби партия ташкилоти олиндидаги вазифаларни бажаришни эплай олмаганлиги учун тарқатиб юборилсин:

2. Криканов, Тешабоев, Абдуғаффоров ва Исомиддиновлар шаҳар партия комитети Пленуми аъзолигидан озод қилинсин. Уларнинг партиядо қолиш, қолмаслик масаласини ҳал қилиш шаҳар партия комитетининг янги таркиби томонидан қараб чиқиш топширилсин.

Йўлдош Охунбобоев таклифи билан шаҳар партия комитети пленум аъзолигига номзод бўлган Толипов, Черкашин, Евдокимов, Шекодо, Розиев, Ахронқуловларни партия конференциясигача пленумга аъзо қилишни, И.Е.Стасин, П.Ф.Объедковларни Пленумга аъзо қилишни, бюро аъзолари қилиб эса Н.Шарипов, И.Е. Стасин, Г.А. Попов, Хўжаев, Ахронқулов, Объедков, Тошташевларни сайлашни таклиф қилди. Улар сайланди.

Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари этиб Неъмат Шарипов сайланди. У 1906 йили туғилган, миллати ўзбек, ижтимоий келиб чиқиши—ишчи, партиявий стажи 1930 йили июлидан, 1925 йили ВЛКСМга аъзо бўлган, иккинчи секретар қилиб Г.А.Попов сайланди, 1902 йили туғилган, миллати рус, ижтимоий келиб чиқиши—ишчи, партиявий стажи 1928 йил апрелидан, 1919 йили ВЛКСМга кирган, маълумоти — Самарқанд шаҳридаги кечки Коммунистик университетни битирган, сўнгги иш жойи 1- Андижон темир йўл станцияси партия комитети секретари. Шаҳар-район партия комитетининг учинчи секретари қилиб Юсупжон Ахронқулов сайланди. 1904 йили туғилган, миллати ўзбек, ижтимоий келиб чиқиши—ишчи, партиявий стажи 1929 йил февралидан, 1927—1928 йиллари ВЛКСМда бўлган, Андижон шаҳридаги совет партия мактабини битирган, сўнгги иш жойи «Пахта фронти» газетаси муҳаррири ўринбосари¹. Биз бунда «Катта террор»нинг

¹ Шамсутдинов Р.Т. Жертвы репрессии. «Мерос», 1994. стр. 74–77.

бошланғич тўлқинлари Ўзбекистон, жумладан Андижонга етиб келгани ҳақидаги кичик бир жараённи келтирдик. Худди шундай жараён Республиканинг Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Фарғона, Наманган, Урганч, Термиз, Нукус шаҳарларида кечганини кўриш мумкин.

Маълумки, оммавий қатағонларнинг мудҳиш кўлами 30-йилларнинг иккинчи ярмида бошланган. Бу қатағон партия, совет, хўжалик фаолларини, ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг кенг қатламларини қамраб олган эди.

Юз минглаб кишиларни оммавий қамокқа олишлар, суд ва терговсиз отувга ҳукм қилишлар, депортация қилишларнинг бирдан-бир асосий ташаббускори ва ташкилотчиси Сталиндир деган фикр сўнгги йиллардаги янги тадқиқот ва адабиётларда шубҳа уйғотмоқда. Бу ўринда бир гуруҳ партия, давлат ва жамоат арбоблари (А.Н.Яковлев, В.А.Медведов, В.М.Черников, А.И.Лукьянов, Г.М.Разумовский, Б.К.Пуго, В.А.Крючков, В.И.Болдин, Г.Л.Смирновлар)нинг 1988 йил 22 декабрда КПСС Марказий Комитетига йўлланган «**30–40 ва 50-йиллар бошларидаги антиконституцион амалиёт тўғрисида**»ги ха-



Туркистон АССР ҳукумат аъзолари (1923 йил). Уларнинг кўпчилиги 1937–1938 йиллардаги катта қирғин даврида қатағон қилинган.



Андижонлик маърифатчилардан бир гуруҳи Сайфиев Салоҳиддин
хожи (чапдан ўнга иккинчи қатордан 5 нчи) қатагон қилиниб
отиб юборилган



Иккинчи қаторда чапдан тўртинчи Сайфиев Салоҳиддин хожи

тини эслаш жоиздир. Бу мурожаат хатида сиёсий қатағон қурбонларининг миқдорини аниқлаш ва уларни реабилитация қилишни давом эттириш масаласи қўйилган. Ўша хатда қатағон характеридаги 1 002 617 жиноий иш, яъни 1586104 кишининг иши қайта кўриб чиқилгани, ана шу ишлар бўйича 1354902 киши реабилитация қилингани, улардан 1182825 киши носудлов органлари томонидан қатағон қилингани қайд қилинган¹.

КПСС XX съезди олидидан 1956 йил 9 февралда П.Поспелов, А.А.Аристов, Н.Шверник ва П.Комаровлар таркибидаги КПСС Марказий Комитети комиссияси томонидан КПСС Марказий Комитети Президумига тақдим қилган маърузасида 1937 йили 918671 киши қамокқа олингани, улардан 353074 киши отиб юборилгани, 1938 йилда 629695 киши қамокқа олингани, улардан 328618 киши отиб юборилгани, 1939 йили, яъни НКВД бошида Берия турган пайтда 41627 киши қамокқа олингани, шундан 2601 киши отилгани қайд қилинган².

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси ва «Махсус кенгаш»га кўриб чиқиши учун НКВД томонидан кишилар рўйхати берилгани, бу рўйхатлар шахсан Сталинга тақдим этилгани, рўйхатларда жазо беришнинг уч категорияси аниқ кўрсатилиб, биринчисидагилар отувга, иккинчисидагилар 8 йилдан 25 йилгача қамок жазосига ва учинчисидагилар 8 йилгача қамок жазоси ва сургун қилиш олдиндан белгилаб қўйилгани айтилган. 1937–1938 йиллар бўйича бундай рўйхатлар 383 талиги, уларда 44 минг партия, ҳарбий арбоблар, хўжалик ходимлар номма-ном келтирилгани қайд этилган. Ана шу рўйхатларда Сталин 362 та, Молотов – 373 та, Ворошилов – 195 та, Каганович – 191 та, Жданов – 177 та рўйхатга имзо чекканлари, шунингдек рўйхатларда Микоян, Ежов ва С. Косиорлар имзолари ҳам борлиги қайд этилган.

Социалистик қонунчиликнинг жуда ҳам қўпол бузиш ҳоллари, НКВД органларининг кундалик фаолияти амалиётида қамокқа олинганларга нисбатан жисмоний таъсир этиш, қийноққа солиш, руҳий азоблаш, таҳқирлаш кенг қўлланилгани, оқибатда махбуслар «бўйнига олувчи кўрсатмалар бериш»га мажбур бўлганликлари, айбсиз

¹ *Лысков Дмитрий*. Запретная правда О «Сталинских репрессиях», «Дети Арбата» Лгуг. «Яуза – Пресс» М. 2012. стр. 252.

² *Кремлёв Сергей*. Гений власти. Великий Сталин. Менеджер XX века. «Яуза-пресс», М.2011, стр 218

одамларга нисбатан ёлғон, бўҳтон кўрсатмалар берилгани, кийноқ азобларга бардош бера олмаганларнинг маълум қисми тергов жараёнидаёқ ҳалок бўлгани айтилган.

Хужжатда судсиз ва терговсиз оммавий камокқа олишлар, отишлар, 100 минглаб одамларни депортация қилишнинг ташаббускори ва ташкилотчиси Сталин бўлгани, қонунсизлик ва қатағон учун Сталиндан ташқари В.М.Молотов, Л.М.Каганович, Л.П.Берия, К.Е.Ворошилов, А.А.Жданов, Г.М.Маленков, А.И.Микоян, Н.С.Хрушев, А.А.Андреев, С. Косиор, М.А.Суловлар бевосита жавобгар шахслар эканлиги, улар кўп миқдордаги партия, совет, ҳарбий ва хўжалик ходимларини камокқа олиш, судлаш, отиш тўғрисида шахсан кўрсатмалар берганлар. Оммавий қатағонни жойларда кенгайтириш ва кучайтириш, кескинлик ва ўзаро шубҳаларни чиқариш учун Сиёсий бюро аъзолари маҳаллий партия ташкилотларига НКВД ходимлари кузатувида бориб қатағонга бевосита раҳбарлик қилганлар. Масалан, Сиёсий бюро аъзоси, ВКП(б) Марказий Комитети секретари А.А.Андреев шахсан ўзи Ўрта Осиё республикалари партия ташкилотларида, хусусан Ўзбекистон ва Тожикистонда бўлган. НКВД рўйхатлари бўйича Сталин, Молотов ва бошқалар санкцияси билан Ўзбекистондан 440 нафар партия ва совет ходимларига, Тожикистондан 344 кишига олий жазо чораси кўрилган¹.

IV БОБ. «БЕШИНЧИ КОЛОННА» «КАТТА ТЕРРОР»НИНГ БОШ САБАБЧИСИ ЭКАНИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

«Бешинчи колонна» мамлакат ичкарасидаги ёки ижтимоий ҳаракатда ичкаридан туриб қўпоровчилик ҳаракатлар йўли орқали ташқи душман кучларининг ғалабага олиб келишига ёрдамлашувчи душман агентурасининг турдош, умумий номидир.

У 1936–1939 йиллардаги испан халқининг миллий инқилобий уруши даврида вужудга келган.

¹ *Лысков Дмитрий*. Запретная правда О «Сталинских репрессиях», «Дети Арбата» Лгут. «Яуза – Пресс» М. 2012. с. 255,256,261–162.

Фашистик исёнчиларнинг «доҳийлари»дан бири генерал Эмило Мола тўртта калоннага кўмондонлик қилиб пойтахт Мадридга кириб радио орқали шаҳарнинг ўзида унинг «Бешинчи колонна»си мавжудлиги, у агентура сифатида жосуслик, диверсия, саботаж ва ҳал қилувчи дақиқада ичкаридан туриб зарба беради, деб маълум қилади¹.

1939–1945 йилларда Иккинчи жаҳон уруши вақтида турли мамлакатларда «Бешинчи колонна»ни фашистик агентура деб атаганлар. У Вермахтга Ғарбдаги мамлакатларни босиб олишда ёрдам бериб турган. СССРда 30-йиллардаги қатағон давридан сўнг «Бешинчи колонна» атамаси пайдо бўлса-да, бу атамани жазога ҳукм этилганлар ва отиб юборилганларнинг катта қисмига нисбатан тўла қўллаш мумкин. 1941 йилда партия ва давлат аппаратида ҳамда армияда Сталинга қарши турган мухолифатчи гуруҳлар сақланиб қолганда эди, Совет Иттифоқини Германия билан бўлган урушни жиддий тарзда мураккаблаштириб юборган бўларди. Вячеслав Ремянцев таъкидлаганидек, ҳозирги давр шароитида суверен давлатлардаги қонуний, лекин Америка ҳукмдорларига ёқмайдиган ҳукуматларни четлаштираётганларни «Бешинчи колонна» деб аташ мумкин. Американинг айрим фондлари ва ташкилотлари **демократияни** ниқоб қилиб олиб «Бешинчи колонна» тамоилидан «бахмал революция»ларини ташкил этишда фаол фойдаланмоқдалар.

Таниқли ёзувчи, ҳарбий арбоб, БМТ қошидаги Ахборотлаштириш халқаро Академияси академиги, Россия ҳарбий фанлар Академиясининг фахрий академиги Владимир Васильевич Карпов «**Генералиссимус**» номли китобида 1937–1938 йиллардаги «**Ҳарбий суиқасд**», «**Қатағон тўғрисида**» бир қатор тўғри, ҳолисона фикрлар, илмий қарашларни илгари сурган.

Масалан, у 90-йили ёзган «Отиб юборилган маршаллар» китобида М.Н. Тухачевскийни қатағон қурбони бўлгани

¹ «Бешинчи колонна» саросима, ваҳима солиш, саботаж, жосуслик қилиш ва диверсиялар уюштириш билан шуғулланган. Иккинчи жаҳон уруши арафасида ва уруш даврида «бешинчи колонна»ни турли мамлакатларда нацистлар агентураси деб билишган. Чунки унга мажбур бўлганлар немис-фашист кўшинларига ўша мамлакатларни босиб олишга ёрдам берганлар. Беларус Президенти Александр Лукашенко Беларус оппозициячиларини «бешинчи колонна» деб, Украинанинг собиқ Бош вазири ҳозирда қамоқда Ю.В.Тимошенко, В.Ф. Янукович ва унинг «ПР» партиясини «бешинчи колонна» деб атамоқда.

асосланган эди. Аммо «Генералиссимус» китобини яратиш жараёнида қатағон сабабларини анча чуқур ўрганиб, қайта қуриш йилларида, махфийлик тамғаси олиб ташланган архив ҳужжатлар асосида «Тухачевский ишига» аввал ёзганидан кескин фарқ қилувчи янгича қарашларни илгари сурди.

Воқеага ва суд қилинганларга бевосита алоқаси бўлган кишилар билан суҳбатлашиб «1937 йил иши»нинг тагига етишга ҳаракат қилган. Улардан бири Сиёсий бюро аъзоси, СССР Халқ Комиссарлар Совети раиси, Сталиндан кейинги иккинчи шахс В.М. Молотовдир.

В. Карпов Молотовга: Йирик ҳарбий бошлиқлар гражданлар урушида жуда кўп жасоратлар қилганлар. Сиз яхши билармидингиз, уларнинг «душманлик фаолиятига шубҳангиз бормиди?» деб савол беради.

Молотов қатъий ва ҳатто кескин, узил-кесил шундай жавоб берган: Бу ҳарбий арбобларга нисбатан улар Троцкийнинг гумашталари, одамлари эканлигига менда ҳеч қандай шубҳа йўқ. Унинг ўзи давлат бошлиғи лавозимига эга бўлиш пайида жон-жаҳди билан уринаётган вақтидаёқ уларни узоқ мақсадларни ўйлаб жойлаштирган эди. Яхшики, биз уруш бошлангунга қадар бу исёнчилар, суиқасдчиларни зарарсизлантирмоққа эришдик, агарда бундай қилмаганимизда, уруш вақтида кутилмаган бир оқибатга олиб келиши мумкин эди, йўқотиш йигирма миллиондан кўп бўларди, бунга мен ҳеч шубҳа қилмайман. Мен ҳар доим Троцкийни даҳшатли, шум фигура деб билганман.

В.М. Молотов В. Карпов билан бўлган суҳбатда яна шундай деган: «Мамлакатда бир-бири билан келиша олмайдиган ўлимга ҳам тик борувчи икки дастур курашган. Икки дастур икки лагер юзага келган. Халқдан ажралган ва халққа душман бўлган, чет эл разведкаси агентлари бўлиб қолган одамларнинг кичик бир тўдаси, яъни троцкийчилар бир томонда, ёрқин социалистик жамият кураётган меҳнаткашлар ва уларга эмин-эркин ва тўқ ҳаёт яратаётган сталинчилар иккинчи томондан бир-бирига қарши кураш олиб борганлар».

Троцкий ғазоби келганда тийиб бўлмайдиган, кучли-қудратли, ғайратли ва ақл-заковатли эди. Шу боис унга қарши тенгсиз курашда Сталинга осон бўлмаган. Бу кураш аввал бошда ҳамма нарсада сўзлар жанги орқали намоён бўлган. Чўрткесар, қайсар табиатли, бир сўзли, журъатли,

иккиланмайдиган Сталин кейинчалик гапбозлик ва музокарадан ташқари ҳокимиятдан фойдаланиб ўз ҳукмини ўтказиб бошлади. Сталин кўлида ҳокимиятдек қудратли қурол мужассам эди. Сталин Троцкийни ағдариб, сургун қилиб, унинг тарафдорларини илдизи билан қуритиб юборишга эришган. Чунки улар кўлдан қуролни ташламаган эдилар. Троцкий ўз мухолифатини хориждан туриб бошқараётган эди. Улар нафақат Сталин ва унинг сафдошларини ағдаришни, балки ҳатто жисмонан йўқ қилишни вазифа қилиб олган эдилар. Троцкийчилар биринчи бўлиб террорни бошладилар, Кировни ўлдирилиши улар амалга оширган қора қасдли ишларнинг чўққига чиқиши эди. Аммо Сталин ҳам Киров ўлдирилганидан сўнг ўзининг қозиқ тиши билан иш кўрди. Ҳозирда ҳам Кировни ўлдирилишига Сталинни дахлдор қилиши учун кўплаб тўқималар ёзилмоқда. Бундан мақсад ёлғонларни ишга солиб, троцкийчиларни оқлашга ҳаракат қилинмоқда. Аслида Сталин Сергей Миронович Кировни юксак баҳолаган, кадрлаган ва унинг яқин дўсти бўлган, Киров Сталиннинг Ленинграддаги бирдан-бир суянчиғи, таянчи бўлган. Кировнинг ўзи эса ҳеч қачон мамлакатда биринчи шахс бўлишга даъвогар бўлмаган, ундан Сталин чўчимаган, аксинча унга суяниб иш кўрган.

В.Карпов кўп қийинчиликлар натижасида «Тухачевский суиқасди» деб номланган иш бўйича тергов ва суд материаллари билан танишишга эришади. Ўша иш баённомаси стенограммасида жумладан, шундай ёзилган: «СССР Олий судининг М.Н. Тухачевский, И.Э.Якир, И.П. Уборевич, А.И.Корк, Р.П. Эйдеман, Б.М. Фельдман, В.М. Примаков, В.К. Путнилар иши бўйича махсус йиғилиши.

Суд йиғилиши 1937 йил 11 июнь. Соат эрталаб 9. Ванга хоинлик, жосуслик ва террорчилар актлари». Кейин яна бирга айбланувчилар фамилиялари айтиб ўтилади.

Иш ёпиқ суд йиғилишида кўрилади.

Суд қилинаётганларга суд таркиби ўқиб эшиттирилади. Раислик қилувчи – СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси раиси, армия ҳарбий юристи В.В. Ульрих. Иштирок этаётган суд аъзолари: СССР Мудофаа халқ комиссарлари ўринбосари ишчи-деҳқон Қизил армиянинг ҳаво кучлари командарми ўрт. Я.И. Алкснис, Совет Иттифоқи маршали ўрт. С.М.Буденний, Совет Иттифоқи маршали ўрт. В.К. Блюхер, Ишчи-деҳқон Қизил армия бош штаби бошлиғи, 1-ранг командарми ўрт. Б.М. Шапошников, Белоруссия

ҳарбий округи 1- ранг командарми ўрт. И.П. Белов, Ленинград ҳарбий округи 2- ранг командарми ўрт. П.Е. Дибенко, Шимолий Кавказ ҳарбий округи 2- ранг командарми ўрт. Н.Д. Каширин, Сталин номидаги 6- отлиқ казаклар корпуси командарми ўрт. И.Е. Горячев.

«Сарой тўнтариши», Сталин ва унинг сафдошларини олиб ташлаш бўйича суиқасдчиларнинг иши ва режаси аниқ бўлган. Ҳукумат! Ҳукумат! Тухачевскийни «Қизил Наполеон» деб беҳуда айтмаганлар.

Судланувчиларга 1934 йил 1 декабрь қонунида кўрсатилган қоида асосида ишни кўриб чиқиш тартиби тўшунтирилди. Унга кўра суд жараёнида адвокатлар иштирок этмайди, ҳукм узил-кесил ҳисобланади, у ҳақда шикоят қилиш ман этилади.

Владимир Карпов суд жараёнидаги материалларни ҳам чуқур ўрганиб, ҳарбий суиқасд чиндан ҳам тайёрланганини асослашга ҳаракат қилган.

Гувоҳ **Розенгальц** ўз уйида М.Н.Тухачевский бошчилигида 1937 йил апрель бошларида кенгаш ўтказилгани, унда Тухачевский 15 майга қадар ҳарбий тўнтариш амалга ошириш имконияти борлигини, унинг уйида бирон-бир баҳона билан ҳарбий гуруҳ тўпланиб, Кремлга кириб олиб ундаги телефон станцияни босиб, партия ва ҳукумат раҳбарларини ўлдириши айтилган.

Крестинский биз биринчи галда террорчилик актини Сталин, Молотов ва Кагановичга нисбатан қўлламоқчи бўлганмиз, деб айтган.

Гамарник ҳарбий тўнтариш вақтида Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги биносини босиб олиш, буни у ҳарбий қисм орқали амалга ошириши режалаштирилганини айтган. В.Карпов китобида М.Н.Тухачевский ҳеч қандай қийноқсиз, ҳеч қандай азоб ва исканжасиз терговнинг биринчи кунидеъқ ўз кўли билан Ички Ишлар Халқ Комиссари Н.И.Ежовга ёзган мана бу хатини келтирган: «22 майда қамоққа олинганимда 24 майда Москвага келдим, биринчи марта 25 майда сўроқ қилиндим, шуни маълум қиламанки, советларга қарши ҳарбий – троцкийчилик суиқасд мавжудлигини тан оламан ва мен уни бошида бўлганман. Суиқасдга дахлдор барча натижаларни, унинг иштирокчиларидан биронтасини ҳам, бирон-бир ҳужжат ва далилни яширмасдан изҳор қилиб бераман. Суиқасднинг асоси 1932 йилга тўғри келади. Унда иштирок этганлар: Фельд-

ман, Алафузо, Примаков, Путьна ва бошқалар, улар хақида кўшимча кўрсатма бераман. Тухачевский»

Тухачевский ишени олиб борган терговчи Ушаков (Ушамирский Зиновий Маркович), кейинчалик унинг ўзи ҳам қамокқа олинган, шундай деб ёзган: «Мен уни чертиб ҳам кўймаганман ва шундай жисмонан ва руҳан кучли (Маршал, уруш қаҳрамони) дарҳол ҳамма нарсани бўйнига олганига қойил қолдим». Ушамирский ўзида мавжуд бўлган барча материалларни Тухачевский олдиға кўйиб кўрсатади, маршал уларнинг барчасини диққат билан ўқиб чиқади, булардан қочиб қутула олмаслигини англайди.

Терговлардаги сўроқларда Тухачевский бир неча ўнлаб суиқасдчиларни номма-ном айтиб беради. Уларнинг барчаси қамокқа олиниб, отиб юборилади. Улардан бири Қизил армиянинг командирлик лавозимидаги, ходимлар ҳисоби бўйича Бошқарма Бошлиғи Фельдман бўлган, у сарой тўнтариши»нинг иштирокчиси сифатида 1937 йил 15 майда қамокқа олинган. У қатағонни ташкил қилишдаги энг даҳшатли иштирокчиларидан бири бўлган. Терговда маълум бўлишича, Троцкийчилар партия ва ҳукуматнинг кўплаб тадбирларини шу қадар бемаъни даражада ўтказиб, совет кишиларида норозилик туғдирмоқчи бўлишган. Бундай ишни улар қулоқлаштиришда ҳам қўллаганлар ва шу тактикани қатағонни ўтказишда ҳам юргизишган.

Тадқиқотчи Александр Севернинг монографиясида¹ Сталин бошлиқ большевиклар «Бешинчи колонна»га берган 10 та зарбанинг таҳлили берилган: Муаллиф «бешинчи колонна»ни анча кенг маънода тавсифлаган. Сталин даврида

1. Майда буржуа деҳқонларга
2. Босмачиларга
3. Ғарбий Украина миллатчиларига
4. Болтиқбўйи «ўрмончи биродарлар»га
5. Румин миллатчиларига
6. Коррупционерларга, хазина ўғриларига ва порахўрларга
7. «Қизил партизанлар» ва РККА суиқасдчиларига
8. Зараркунандаларга
9. «Пацифистлар»га

¹ *Север Александр*. Сталин против «выродков Арбата». 10 Сталинских ударов по «пятой колонне». М.Яуза-пресс. 2011 г. 480 стр.

10. «Арбатнинг насли пастлари»га қарши 10 та зарба берилгани айтилиб, уларнинг ҳар бири таҳлил қилинган.

Китобнинг хулосасида муаллиф Сталин «Бешинчи колоннага» зарба бериб нима қилиб қўйди? деган савол қўйиб унга шундай жавоб қилган: «Ҳаёсиз садога ўхшайди, аммо у (Сталин–Р.Ш.) кўпчилик совет кишиларини сўзда эмас, балки амалда коммунистик мафкура постулатларига (исботсиз қоидаларига – Р.Ш.) риоя қилишликка ўргатди. Шунингдек, у ҳаммани мамлакатда «дахлсизлар» йўқлигига ишонтирди. СССРнинг ҳар қандай фуқароси устида доимий равишда «доимий таҳлика солиб турувчи қилич осилиб турарди. Бу яхшими ёки ёмонми? Бу ҳозирги замон ғарб демократияси нуқтаи назаридан ёмон. Мамлакатнинг душман қуршовида қолган ҳолатда яшаб қолиши нуқтаи назардан бу тўғри эди. Агарда Улуғ Ватан уруши олдидан «Бешинчи колонна» тугатилмаганда қирғин-баротда ютиб чиқиш учун СССРда имкон бўлмасди. Шундай бўлмагандаги ҳолатни бир тасаввур қилиб кўрайликчи».

«Мамлакат аграр йўл билан тараққий қилишда давом этарди. Ҳарбий техника ва ўқ-дорилар четдан ғалла сотиш орқали олинарди. Айтайлик, қандайдир мўъжиза юз бериб кулоқлар ва ўрта ҳоллар улкан ҳосил етиштиришга эришдилар, аслида бундай реал ҳолат бўлмасди. Иккинчи жаҳон уруши бошланганидан сўнг давлатга озиқ-овқат маҳсулотлари топшириш тўхтаб қолади. Германия СССРга ҳужум қилади, захиралар тезлик билан сарфланади, заводлар бўлмаганидан янги кирим, тушум йўқ. Тамом, урушда ютқазиларди.

... Болтиқ бўйида жазога тортилмай «Ўрмон қардошлари» ҳаракати изғиб юрибди. Улар уруш бошланишидан олдин Қизил армия қисмлари ва қўшинларининг миқдори ва дислокация жойлари тўғрисида батафсил ахборотлар тўплайдилар ва Берлинга бериб юборадилар. 22 июндан кейинги бир неча кун давомида Вермахтнинг ва маҳаллий миллатчиларнинг биргаликдаги операцияси жараёнида Болтиқбўйи босиб олинади. Қизил армиянинг жуда катта йўқотишлари ва Ленинградга ҳужум қилиш учун плацдарми родини ўйнайди.

Давлат аппарати ҳалокатли касаллик – коррупция билан заҳарланган. Уруш бошланишидан кейин аппарат фаолияти бўғилиб қолади. Фақат ўзларининг манфаати тўғрисида ғамхўрлик қилишга одатланиб қолган чиновниклар шахсий

ишларини хал этиш билан банддирлар. Фронторти тизимининг ишлаши ҳаракатсизланади. Ҳаракатдаги армия ўқ-дори, ёмоқ-ичмоқ ва бошқа нарсалар билан таъминланишдан маҳрум бўлади. Тушунарлики, мана бундай вазиятда армия мағлубиятга маҳкумдир.

... 1941 йил июнда Қизил армиянинг жанговарлиги минимал даражада бўлади: Командирларнинг бир қисми совет ҳокимиятига содиқ эмас, интизом йўқ, офицерларнинг кўпчилиги кам маълумотли, Бундай армияда урушда ғолиб чиқиш учун қандай имкониятлар бўлиши мумкин?

Биз зараркунандачилар қайси жиҳатдан хавфлилигини ва улар куруллий кучлар жанговарлигига қай даражада таъсир қилишларини тушунтириб ўтирмаймиз.

Ва буларнинг барчасини олдини олишга «Бешинчи колонна» бўйича берилган зарбалар серияси туфайли эришилди»¹.

«Сталин учун эса, – деб ёзади Сергей Кремлёв, – репрессия вақтинчалик зарурий чора эди. Россия буюк синовлар арафасида ўзига «зебу-зийнат»ни раво кўролмасдан мамлакат ичкарасида қудратли «бешинчи колонна бўлишини хоҳламасди...»² 1937–1938 йиллардаги катағон ҳақида тўхталиб муаллиф бундай катағон фақат «юқорида»гилардагина эмас, балки «қуйидагиларда, пастдагиларда» ҳам юз берди, ҳа бу катағонлар бизнинг тарихимиз фактидир, деб ёзди.

Сергей Кремлёв 1937–1938 йилларда катағон қилинганлар миқдорини сунъий тарзда ошириб юборган сиёсий арбоблар, олимлар, ёзувчиларни ҳақли равишда танқид остига олган.

1937–1938 йиллардаги катағон бўлмаганида уруш вақтида Германия томонида туриб уруш олиб борган совет граждандари сони 800 минг эмас, балки 1,5–2 миллион киши бўлиши, ғалаба эса янада кўпроқ қон тўкиш, рейх ва унинг думларининг кучли қаршилигини синдириш эвазига қўлга киритиларди.

1937–1938 йиллардаги катағон маълум даражада Россия ўзининг потенциал кучга эга бўлган сотқинларига қарши урушнинг олдини олувчи қўлланилган чора характерга эга бўлди.

Муаллиф Сталин даври катағонлар билангина эмас,

¹ *Кремлёв Сергей*. Гений власти. Великий Сталин. Менеджер XX века. «Яуза-пресс», М.2011, стр 218

балки биринчи галда мамлакатни ҳар томонлама тараққий қилиши, унинг кудрати ва буюклигининг ўсиши даври бўлган, деган фикрни илгари сурган.

Йиллар давомида Киров Сталиннинг альтернативи бўлган деган афсоналар юзага келди. Аммо бундай деб тушуниш калтабин кишиларнинг, сиёсий лидерларнинг майдонга келиши, шаклланиши механизмидан беҳабар кимсаларнинг иши бўлган.

Гўзал аёлларнинг хуштори бўлган С.М.Киров эса Орджоникидзе, Держинский, Фрунзе, Риков, Куйбишев, Бухарин, Рудзутак, Пятаков, Томский каби иккинчи сафдаги арбоблардан эди холос. Унинг ўзи ҳеч қачон биринчи шахс бўлишни, қолаверса Сталинни ўрнига чиқишни умуман хаёлига ҳам келтирмаган. Ўзининг имкониятларини тўғри билган, тушунган эди. Шу боис ҳам 1934 йили декабрида уни йўлдан олиб қўйишди. Чунки Киров Сталиннинг Ленинграддаги таянчи, суянчиғи эди. У Сталиннинг онгли ва фаол сафдоши бўлган. Ўша вақтда СССРда Сталиндан бошқа бирор шахс мамлакатни бошқара олмасди. Омма ҳам, партиялилар ҳам, партиясизлар ҳам Сталин ортидан бораётган бир пайтда ким уни «ағдариш»ни, «йўлдан олиб ташлашни» эплай оларди?

Бунга «юқори»даги сиёсатчиларнинг мухолифатчи-фитначи, тил бириктирувчи, суиқасдчиларгина, гимнастёркалари ёқасида катта «командарм» ромбаларини тақиб юрувчиларгина уддасидан чиқа олардилар.

Сталинга қарши суиқасдга даъво қилувчилар, ўзига бино қўйган, ўзини ҳаммадан юқори қўювчи ва тарихан чекланган кишилар эканлиги муқаррар. Аммо уларнинг Сталинга қарши кураши мазмуни антисовет ва антироссия шаклида намоён бўлган.

Троцкийчилар устидан маҳкама жараёни кетаётган кунларда академик Вернадский ўз кундалигида «Сталин – Молотовлар сиёсати – россиячадир ва давлат учун зарур. Уларнинг партиявий душманлари – рус халқининг душманидир» деб ёзиб қўйган. Бу академик на Сталинни, на коммунизмни яхши кўрмаган, лекин у Россияни севган ва шу боис уни олға қараб фақат Сталин етаклаб боради, Троцкийчилар эса Россияни ғарбга сотиб юборишади, уни барбод қиладилар деб ҳисоблаган.

Россия Федерациясидаги олий ўқув юртлари учун яра-

тилган ўқув қўлланмалардан бирида¹ 1937–1938 йиллардаги «Катта террор» масаласи «Бешинчи калонна» салоҳиятига берилган зарба (Удар по потенциалу «пятой калонны») номи остида талқин қилинган. 30-йиллар ўрталарида совет раҳбариятида барча партия, совет, хўжалик, ҳарбий органларда «халқ душманлари изғиб юрибди» деган тасаввур шаклланган эди. Унга қарши кураш олиб бориш учун халқни ишонтириш зарур эди. Мамлакатни ички душманлардан тозалаш 1937–1938 йилда оммавий тус олди. Сталинчилар бу жараёни яқинлашиб келаётган уруш шароитида «Бешинчи калонна»ни тугатиш заруриятидан келиб чиққан тадбир деб билдилар. Бундай қараш фақат бир томондан тўғри эди. Бошқа томондан эса бу тадбир Сталин режимини сақлаб қолиш учун кураш эди. Бу даврда мухолифатчилар Сталин ва унинг атрофидаги яқинларини четлатиш йўлини ахтараётгандилар. Сталин эса ўз ҳокимияти қил учида турса ҳам, душманларига қарши шиддат билан зарба беришга аҳд қилган эди.

Сталиннинг яқинларидан В.М.Молотов, ҳатто Н.И.Бухарин ҳам уруш арафасида совет давлатини салоҳиятли душманлардан тозалаш зарурлигини эътироф этгандилар. Ана шу тозалов, қатағон амалга оширилмаганда «Бешинчи калонна» деб аталмиш мухолифатчилар ўртадан олиб ташланмаганида улар гитлерчиларга фаол кўмаклашардилар, душман билан бирлашиб кетарди. Қатағон натижасида «юқоридан қилинадиган революция» барҳам топади, мамлакатда Сталиннинг шахсий ҳукумат режими узил-кесил қарор топади. Сталин бу режимни ижтимоий ва иқтисодий воқеликка усталик билан бўйсундира олди. Аммо жамиятни бошқариш услуби кўрқитиш ва зўрликдангина иборат бўлиб қолди.

30-йиллар охирида СССРда қарор топган режим Сталиндек авторитар, беҳаё ва раҳмсиз лидерсиз самарали бўлиши мумкин эмасди.²

Бундай ўта нозик ва қабиҳ сиёсатни англаб етмаган СССР таркибидаги миллий республикаларнинг кўплаб вакиллари марказнинг сиёсатини танқид остига ола бошладилар. Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети-

¹ Барсенков А.С. Вдовин А.И. История России. 1917–2004, учебное пособие. Апект пресс. М. 2005, стр 288-293.

² Барсенков А.С. Вдовин А.И. История России. 1917–2004, учебное пособие. Апект пресс. М. 2005, стр 292.

нинг биринчи котиби А.И.Икромов бир неча бор Ўзбекистондаги ўзгаришлар бузуқ шаклда юз бермоқда, деб кўрсатган. Бутун кишлок хўжалиги амалда пахта етиштиришга қаратилган, аҳоли етарли даражада озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланмаяпти деган. Унинг фикрича республикага нисбатан Марказ томонидан олиб борилаётган иқтисодий муносабатлар характери мустамлакачиликни эслатмоқда. Ўша вақтда Татаристон область партия комитети секретари бўлиб ишлаётган (1930-йилларда Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети иккинчи секретари бўлиб А.И.Икромов билан бирга ишлаган) А.К.Лева область партия конференцияларида миллий қурилишда совет давлатининг бош, асосий хавфи «гўдакча» маҳаллий миллатчилик эмас, балки буюк давлат шовинизмидир деб доимий равишда таъкидлаб келган эди.

Ўрта Осиё республикаларидаги айрим раҳбар ходимларнинг қатағон қилинишида қисман биринчилардан бўлиб ҳибсга олинган Т.Р.Рискуловнинг тергов баённомаси ҳам маълум роль ўйнаган. 1937 йил 3 июлда Турар Рискуловнинг тергов қилинган баённомасини Н.И.Ежов И.В.Сталинга махсус киритади. Унинг биринчи бетида Сталиннинг «Архивга, Текширилсин», деб ёзилган резолюция бор. Сўроқ баённомасида Сталин белгилар қўйган, фамилияларни доирасимон ўраб қўйган.

Сталин баённомани диққат билан ўқиб чиққан. Терговларда Т.Рискулов пантуркчи деб аталган ташкилот таркибида Ф.Хўжаев ҳам бўлган деб кўрсатган. Бу иборага Сталин белги қўйган, бу қамокқа олиш зарур деган маънони англатади.

НКВД терговчилари Сталинга тақдим қилган Рискуловнинг тергов қилинган баённомасига миллий республикаларининг барча партия-совет раҳбарларининг номларини киритганлар. Булар Туркменистонда Қ.Отабоев ва Н.Айтақов, Татаристондан Хўжаев ва Габидулин, Бошқирдистондан Булашев, Қирғизистондан Абдурахмонов, Қозоғистондан Қулимбетов эди.

Рискуловни тергов баённомасини ўқиб Сталин беш кишини қамокқа олишга кўрсатма берган. 31 июлда Ўзбекистон ССР бўйича совет назорат комиссияси вакили ўринбосари С.Х.Хўжанов кўрсатмаси билан танишиб чиқиб,

¹ Хаустов Владимир, Самуэлсон Леннарт. Сталин, НКВД и репрессии 1937–1938 гг. РОССПЕН. М. 2010, с. 149.

Сталин қамокқа олиниши керак бўлган 40 яқин кишини белгилаб қўйган. 1937 йил июнь-августда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Ўзбекистоннинг партия-совет раҳбариятининг катта қисми қамокқа олинади.

Сталин қамокқа олиш жараёнини диққат билан кузатиб бориб кадрларни хизмат жойларини ўзгартириш тўғрисида ўз таклифларини бериб турган. 1937 йил 2 августда Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетига янги кадрларни тайинлаш ҳақида шифр телеграмма орқали ўз таклифини берган: «Каримов Халқ Комиссарлар Совети раислигига ярамайди. Бу ҳақда Сизга хабар қилишган эди. ВКП(б) Марказий Комитети Каримов бошқа номзод билан алмаштирилишини талаб қилади. Болтабоевни Халқ Комиссарлари Совети раисига тавсия қилиб бўлмайди, чунки уни ҳам қамокдаги Рискулов, Хўжанов, Отабоев, Файзулла Хўжаевлар тухмат қилмоқдалар. Халқ Комиссарлар Советига Тўрабековни тавсия этишга уриниб кўринг. Бизнинг ўйлашимизча Ўзбекистонда антисоветларга қарши кураш олиб борилмаяпти, Икромов эса шундай элементлар қуршовида қолган. Уларни у кўрмаяпти ва ҳис этмаяпти...» Икромовни сиёсий калтабин деб кўрсатилиши келажақда уни қамокқа олиш учун бир сигнал бўлган.¹

АҚШнинг СССРдаги собиқ элчиси Жозеф Дэвис 1941 йили «Санди Экспресс» газетасига Германия Совет Иттифоқига хужум қилгандан сўнг «Россиядаги «Бешинчи колонна» аъзолари хусусида Сиз нималар айта оласиз? деган саволига **«уларда бундайлар йўқ, ундайларни улар отиб ташлаганлар»** деб жавоб қилган.

СССРдаги «Бешинчи колонна» Германия билан тўласинча ҳамкорлик қилишни кўзда тутгани, суиқасд иштирокчиларига мукофот сифатида техник жиҳатдан мустақил совет давлатининг катта бўлмаган худуди қолдирилиши, Белорусия ва Украина Германияга, Приморье областлари ва Сахалин нефть конлари Японияга берилиши керак эди»². Унингча Сталин ва унинг сафдошлари хоин унсурларни, «Бешинчи колонна»ни йўлдан олиб ташламаганларида эди советлар фашистлар Германияси хужумига қаршилиқ кўрсатиш нолга тенг бўлиб қоларди.

Сталин мамлакат ва партияни муҳолифатчилар-

¹ *Хаустов Владимир*. Самуэльсон Леккарт. Кўрсатилган адабиёт с150.

² *Карпов Владимир*. Генералиссимус. Книга первая. М. «Вече», 2009, с. 163–165.

суикасдчиларнинг душманлик хуружидан сақлаб қолди. У бундай ҳимояни узоқ вақт давомида мунозара ҳамда бахсларда олиб борди. «Сарой тўнтариши» масаласи ва большевик раҳбарларни жисмонан йўқ қилиш масаласи қўлланилгандан кейингина Сталин кескин чоралар қўллашга ўтди. Юзага келган вазият шуни таъқозо этган.

Хуллас, Сталин ва унинг маслакдошлари кўп йиллар давомида Троцкий ва троцкийчилар билан ҳимоячи томон сифатида кураш олиб бордилар. Муҳолифатчилар биринчи бўлиб партиядаги большевиклар раҳбариятига қарши, Совет Иттифоқини йўқ қилиш учун, социализм қурилишидаги ютуқларга қарши, ўзларининг халққа қарши бошқарув тизимини яратиш учун энг сўнгги чора – террорни қўлладилар. Шундай шароитда Сталин ва унинг маслакдошлари ана шу оппозициячиларни тугатиш учун ноиложликдан, ўта мажбурий чора сифатида репрессияни қўллашга мажбур бўлганлар.

Сталин ўтказган репрессия троцкизмни ва советларга қарши ва русларга қарши турган ҳар қандай блок ва оппозицияларни мағлубиятга учратди. Бу унинг энг асосий бош ғалабаси эди. Айни вақтда бу репрессиянинг кўлами, тарихий стратегияси Совет Иттифоқи худудидаги сионизмнинг йўқ қилиниши эди. Бу ҳам Сталин қозонган ғалаба натижаси эди.

Сионизм устидан ғалабани қўлга киритиб, Сталин шу билан бирга Совет Иттифоқида яшаётган барча халқларни, жумладан, ўзбекларни ҳам қуллик асоратига солишда гитлерчи-фашистлар босқинчилари ҳавфидан-да кам бўлмаган кучли ҳавфдан қутқазди. Агар 20–30 йиллардаги «сиёсий урушлар»да троцкийчилар ғалаба қилганларида эди, мамлакатимиздаги тарихнинг бориши дарҳол туб аҳолини чиндан қул қилиш ва қирғин қилиш шаклидан иборат бўлиб қолиши ҳам мумкин эди.

Советлар мамлакатада яшаган барча халқларнинг азоб-укубатлари, қайғулари, қийинчиликлари суикасдчилар ва хоинларнинг ана шу фаолиятларининг натижасидир. Улар бўлмаганида, табиийки, янги жамият қуриш иши изчилроқ, одамлар ҳаёти анча фаровон, нисбатан оғриқсиз, нисбатан йўқотишларсиз ўтарди.

Коллективлаштириш троцкийчиликча бузилмаганда ва зўрлик билан ўтказилмаганда Россиянинг туб ерли аҳолиси (асосан руслар) оммавий қирғин бўлмасди, кулоқлар синф

сифатида йўқ бўлмас эди. Революция иштирокчилари, айниқса ёш коммунистлар туганмас дискуссияларда тўғри йўлдан оғиб Сталин ва унинг тарафдорларига иғво айбларни қўймаган бўлардилар. Антисовет гаплар учун оммавий равишда қамоққа олишлар ҳам бўлмасди. Троцкийчилар иғвогарлиги билан оммавий қамоққа олишлар одамларда ўзини-ўзи ҳимоя қилиш эҳтиёжини туғдиради, бу эса гап ташиш, гап пойлашлар, чақимчилик, ёлғон айбловлар ва бошқа аблахликларда ифодаланди.

20 ва 30 йиллар биринчи ярмида турмалар ва лагерларнинг тўлиб-тошиб кетиши бу оппозиционерлар фаолиятининг оқибати бўлди. Гап шундаки, НКВД, прокуратуралар, судлар ва лагерлардаги бу оппозиционерларнинг ўзлари жинойтлар тўлқинини яратганлар ва ўзлари жазога тортилганлар¹.

V БОБ. «ҚУЛОҚЛАР ОПЕРАЦИЯСИ»ДА ЎЗБЕКИСТОНДАН ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАНЛАР МИҚДОРИ ҲАҚИДА

Қатағон қилинганлар миқдори тўғрисидаги масала ҳозирга қадар қатағон мавзуи муҳокамасининг энг муҳим нуктаси бўлиб келмоқда. Бу борадаги пойгада ёзувчи, Нобель мукофоти соҳиби А.Солженицин ўзиб кетиб 1976 йили испан телевидениясига берган интервьюсида «коммунизм қурбонлари» 110 миллион киши бўлган, деб айтганди. Агар 1906 йилда Россия аҳолиси 149 миллион бўлса, СССР аҳолиси 1926 йилда 147 миллион, 1939 йилда 170,5 миллион бўлгани эътироф қилинса, у ҳолда А.Солженицин келтирган рақам шубҳа уйғотиши табиийдир. Унинг «ГУ-ЛАГ архипелаги» асарининг иккинчи жилдида қатағон қурбонлари миқдори – 66 миллион деб кўрсатилган. Муҳожир бўлиб чиқиб кетган статистика профессори И.А.Курганов ҳисобига кўра Октябрь инқилобидан бошлаб 1959 йилга қадар мамлакат ичкарасидагиларни бостириш оқибатида 66 миллион киши қатағон қилинган.

¹ *Карпов Владимир*. Генералиссимус. Книга первая. М. «Вече», 2009, с. 165–166.

Буюк Британиялик ГУЛАГ тадқиқотчиси Роберт Конквест «Великий террор» (1969), «Жатва скорби» (1986) китобларида совет меҳнат лагерларида 25–30 миллион маҳбуслар бўлган, 1937–1938 йилларда 1 миллион сиёсий маҳбуслар ўлдирилган, 2 миллион киши очликдан ўлган деган фикрни Англиянинг дезинформация разведкаси бўлими идораси ахборотидан олиб берган¹.

КПСС Марказий комитети Сиёсий бюроси кўрсатмасига мувофиқ Россия Фанлар академиясига Сталин давридаги қатағон қурбонларининг реал миқдорини аниқлаш вазифаси топширилади. Уни таниқли тарихчи олим Виктор Земсков бажаради. У 1934 йилдан 1953 йилгача ГУЛАГдаги маҳбуслар сони статистикасини йилларга бўлиб тадқиқ қилган².

ГУЛАГ маҳбуслари 1934 йили 510 минг 307 киши, 1936 йили 1 миллион 296 минг 494 киши, 1937 йили 1 миллион 196 минг 369 киши, 1939 йили 1 миллион 678 минг 438 киши бўлган. Уруш йилларида маҳбуслар сони пасайиб борган: 1941 йилда 1 миллион 929 минг 729 маҳбус бўлган, 1944 йили 1 миллион 179 минг 819 маҳбус бўлган. 1945 йилдан маҳбуслар сони ўсиб боргани кузатилган, 1948 йилда улар 2 миллион 199 минг 535 киши бўлган.

СССР турмаларидаги маҳбуслар алоҳида қараб чиқилган, улар сони 200 мингдан 400 минг ўртасида тебраниб турган. 1939 йил январиди 350578 маҳбус бўлган бўлса, 1948 йил декабрида 230614 маҳбус бўлган.

1934 йилдан 1953 йилгача ГУЛАГ лагерларидаги маҳбусларни йилма-йил ҳисоблаб чиқилганда уларнинг умумий миқдорини аниқ чиқмаслиги табиий. Чунки, масалан 1934 йили 10 йил қамоққа ҳукм этилган маҳбус 1935, 1936 ва бошқа йилларда ҳам санок ҳисобидан ўтган. Бундан ташқари СССРдаги маҳбусларнинг умумий миқдориди кўплаб жинойтчилар бўлганини эътиборга олиш лозим. 1934 йилдан 1953 йилгача бўлган даврдаги маҳбусларнинг умумий миқдориди ана шу жинойтчилар ҳам бўлган. Бунди Жинойт кодексининг 58-моддаси билан, аксилинқилобий фаолияти учун ва давлатга қарши бошқа оғир жинойтлари учун қамалганлар ҳақида испан журналистига В. Земсков

¹ *Лысков Дмитрий*. Запретная правда о «сталинских репрессиях» «Дети Арбата» глут. М. «ЯУЗА-ПРЕСС»2012. Стр. 11–12.

² *Земсков В.* ГУЛАГ (Историко – социологический аспект). Социологический исследования. 1991. № 6 с 10–27;. 1991. № 7. Стр. 3–16.

айтган 1921 йилдан 1953 йилгача ана шу 58-модда билан ҳукм этилганлар 4 миллионга яқин киши бўлган, ундан 800 мингга яқини турмаларда ўлган, яъни қурбонларнинг умумий миқдори 1,4 миллион кишини ташкил этади, деган фикр тўғри бўлса керак.

КПСС Марказий Комитети комиссияси маълумотига қараганда, 6 йил мобайнида яъни 1935 йилдан 1940 йилгача мамлакатда фақат советларга қарши фаолияти учун 1 миллион 980635 киши қамоққа олинган, шундан 688503 киши отилган. Қатағоннинг энг чўққига чиққан 1937–1938 йилларда сиёсий мотивлар билан 1 миллион 548366 киши қамоққа олиниб, шундан 681692 киши отилган¹.

Москвадаги «Мемориал» халқаро тарихий-маърифий хайрия ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш жамияти «сиёсий қатағон қурбонлари тўғрисидаги хотирани сақлаб қолиш ва одамларга ўз оилалари тарихини тиклашга ёрдам бериш борасида жуда катта хайрия ишларини олиб бормоқда. 1998 йилдан Сиёсий террор қурбонлари бўйича маълумотларнинг ягона базасини яратиш устида иш олиб борилди. «Мемориал» раҳбари Арсений Рогинский 2007 йили 29 октябрда «Интерфакс» агентлигига берган интервьюсида: «Бутун Совет Иттифоқи кўламида 12,5 миллион киши сиёсий репрессиялар қурбони бўлган» деб айтган. У айтишича, кенг маънода қатағон қилинганларнинг сони 30 миллион кишига етиб борганлигини ҳам қайд этган.

2008 йили «Мемориал» жамияти собиқ СССРнинг турли минтақаларида нашр этилган 280 жилддан ортиқ хотира китобларидаги ахборотлар асосида «СССРдаги сиёсий террор қурбонлари» компакт диск тайёрлади, унда қатағон қилинганлар номма-ном келтирилган, маҳбусларни қамоққа олинган, қамоқ муддати, ҳукмлар чиқарилган саналар кўрсатилган. Жами бўлиб тўпلامдан 2 миллион 600 минг қатағон қилинганлар ҳақида маълумотлар жой олган. Тўғри, тўплам тузувчиларининг эътиборсизлиги туфайли қатағон қилинганлар рўйхатига жиноятчилар ҳам кириб қолган, кўплаб такрорлашлар ҳам бор².

ГУЛАГ лагерлари ва колонияларидаги маҳбуслар миқдори 1941 йили 1 миллион 929729 кишидан иборат эди.

¹ *Иванова Г.М.* История ГУЛАГа. 1918–1958. М. «Наука», 2006. Стр. 113.

² *Лысков Дмитрий.* Запретная правда о «сталинских репрессиях» «Дети Арбата» лгут. М. «ЯУЗА-ПРЕСС»2012. Стр. 11–12.

Турмаларда эса 487739 махбус бор эди. 1942 йил лагерлар ва колониялардаги махбуслар кескин камайиб кетади ва 1 миллион 777043 кишидан иборат эди. Турмалардаги махбуслар икки баробар қисқарган, улар 216223 кишидан иборат бўлган.

СССР Олий Совети Президиуми 1941 йил 24 ноябрда айрим тоифадаги махбусларни муддатидан олдин озод этиш тўғрисида, қизил армияга чақирув ёшида бўлган махбусларни қизил армияга ўтказиш тўғрисида фармони чиқади. Фармонга кўра 420 минг махбус озод этилади.

1942–1943 йилларда муддатидан олдин яни 157 минг махбус озод қилинади. Уруш йилларида қизил армия жангчилар сафини тўлдириш учун жами 975 минг махбус озод этилган.

ГУЛАГнинг собиқ махбусларидан Бреусов, Ефимов, Отставнов, Сержантов ва бошқалар Улуғ Ватан урушида кўрсатган жанговар жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳромони унвони билан тақдирланган.

Давлат Мудофаа Комитетининг 1942 йил 11 апрелдаги қарори билан аввалида кулоққа тортилиб, сургун этилиб кулоқлар посёлкаларидаги махсус кўчирилганларни ҳам ҳарбий хизматга олиш бошланган. Урушгача меҳнат посёлкаларида яшаётган махсус кўчирилганлардан 60 мингдан зиёд киши қизил армия сафига олинган¹.

Юқорида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов Совет даврида Ўзбекистондан қатағон қилинганлар миқдори ҳақида келтирилган аниқ рақамларни келтирган эдик. Энди айтишни 1937–1938 йилларда қатағон қилинганлар миқдори ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун қуйидаги жадвалларни келтиришни лозим билдик.

Ўзбекистон ССР аҳоли миқдори 5847448 киши

| | 1-кате- гория | 2- кате- гория | Жами | Асоси |
|------------|--------------------------|---------------------------|-------------|--------------|
| Лимит | | | | |
| 11.07.1937 | 1489 | 3952 | 5441 | 00447 буйруқ |
| 30.07.1937 | 750 | 4000 | 4750 | |

¹ Ўша манба Стр. 109.

| | | | | |
|--|--------|--------|--------------------|--------------|
| 1938 йил 1 январдан олдин эмас | 4750 | 8000 | 12750 | Тасдиқланган |
| 31.01.1938 плюс | 2000 | 500 | 2500 | Сиёсий бюро |
| 1938 йил 1.03. дан олдин эмас | 6750 | 8500 | 15250 | Тасдиқланган |
| Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган | | | | |
| 1938 йил 1.01.дан олдин эмас | | | | |
| Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган | -/3613 | -/7087 | 10700/ 10700 | |
| Собиқ кулоқлар | -/1376 | -/4548 | 5924/ 5924 | |
| Жиноятчилар | -/952 | -/727 | 1679/ 1679 | |
| Бошқа аксилинқилобий «элементлар» | -/1285 | -/1812 | 3097/ 3097 | |
| 1938 йил 1.03дан олдин эмас. | | | | |
| Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган | -/3613 | -/7087 | 10700/ 10700 | |
| Собиқ кулоқлар | -/1376 | -/4548 | 5924 | |
| Жиноятчилар | -/952 | -/727 | 1679 | |
| Бошқа аксилинқилобий «элементлар» | -/1285 | -/1812 | 3097 | |
| Жами | | | | |
| 1937–1938 лимитлар | 6750 | 8500 | 15250 | |
| Лимит% | 0,11% | 1,5% | 0,26% | |
| 1937–1938 ҳукм қилинганлар | 3613 | 7087 | 10700 | |
| Ҳукмга тортилганлар % | 0,11% | 1,5% | 0,26% ¹ | |

¹ Юнче Марк, Бордюгов Геннадий, Биннер Рульф. Вертикаль Большого террора. История операции по приказу НКВД № 00447. Новый Хронограф. М. 2008. с. 529.

Қирғизистон ССР аҳоли миқдори 1369667 киши

| | 1-кате- гория | 2- кате- гория | Жами | Асоси |
|--|------------------|-------------------|--------------------|-------------------|
| Лимит | | | | |
| 30.07.1937 | 250 | 500 | 750 | 00447 буйруғ |
| 1938 йил 1 январдан олдин эмас | 750 | 1500 | 2250 | |
| 31.01.1938 плюс | 500 | | 500 | Сиёсий бюро |
| 1938 йил 1.03. дан олдин эмас | 1250 | 1500 | 2750 | Тасдиқ- ланган |
| Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган | | | | |
| 1938 йил 1.01.дан олдин эмас | | | | |
| Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган | -/746 | -/1504 | 2250/ 2250 | |
| Собиқ кулоқлар | -/381 | -/744 | 1125/ 1125 | |
| Жиноятчилар | -/139 | -/268 | 407/407 | |
| Бошқа аксилінқилобий «элементлар» | -/226 | -/492 | 718/718 | |
| 1938 йил 1.03.дан олдин эмас. | | | | |
| Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган | -/746 | -/1504 | 2250 | |
| Собиқ кулоқлар | -/381 | -/744 | 1125 | |
| Жиноятчилар | -/139 | -/268 | 407 | |
| Бошқа аксилінқилобий «элементлар» | -/226 | -/492 | 718 | |
| Жами | | | | |
| 1937–1938 лимитлар | 1250 | 1500 | 2750 | |
| Лимит% | 0,1% | 0,1% | 0,2% | |
| 1937–1938 ҳукм қилинганлар | 746 | 1504 | 2250 | |
| Ҳукмга тортилганлар % | 0,05% | 0,11% | 0,16% ¹ | |

¹ Юнче Марк, Бордюгов Геннадий, Биннер Рульф. Вертикаль Большого террора. История операции по приказу НКВД № 00447. Новый Хронограф. М. 2008. с. 527.

Тоҷикистон ССР аҳоли миқдори 1382168 киши

| | 1-кате- гория | 2- кате- гория | Жами | Асоси |
|--|------------------|-------------------|--------------------|-----------------------|
| Лимит | | | | |
| 10.07.1937 | | | 1775 | Сиёсий бюро сўрови |
| 30.07.1937 | 500 | 1300 | 1800 | 00447 буйрук |
| 1938 йил 1 январдан олдин эмас | 1750 | 2900 | 4600 | Тасдиқлан- ган |
| 31.01.1938 плус | 1000 | 500 | 1500 | Сиёсий бюро |
| 1938 йил 1.03. дан олдин эмас | 3300 | 3400 | 6700 | Тасдиқлан- ган |
| Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган | | | | |
| 1938 йил 1.01.дан олдин эмас | | | | |
| Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган | -/2582 | -/4552 | 7350/ 7350 | |
| Собиқ кулоқлар | -/1467 | -/2500 | 3967/ 3967 | |
| Жиноятчилар | -/228 | -/239 | 470/ 467 | |
| Бошқа аксилинқилобий «элементлар» | -/887 | -/1813 | 2913/ 2700 | |
| 1938 йил 1.03.дан олдин эмас. | | | | |
| Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган | -/2582 | -/4552 | 7134/ 7134 | |
| Собиқ кулоқлар | -/1467 | -/2500 | 3967 | |
| Жиноятчилар | -/228 | -/239 | 470 | |
| Бошқа аксилинқилобий «элементлар» | -/887 | -/1813 | 2700 | |
| Жами | | | | |
| 1937–1938 лимитлар | 3300 | 3400 | 6700 | |
| 1937–1938 ҳукм қилинганлар | 2582 | 4552 | 7134 | |
| Ҳукмга тортилганлар % | 0,19% | 0,33% | 0,52% ¹ | |

¹ Юнче Марк, Бордюгов Геннадий, Биннер Рульф. Вертикаль Большого террора. История операции по приказу НКВД № 00447. Новый Хронограф. М. 2008. с. 528.

Туркменистон ССР аҳоли миқдори 1168538 киши

| | 1 -кате- гория | 2- кате- гория | Жами | Асоси |
|--|---------------------------|---------------------------|---------------|-----------------------|
| Лимит | | | | |
| 09.07.1937 | 500 | 1475 | 1975 | Сиёсий бюро сўрови |
| Собиқ кулок, жиноятчилар | 400/100 | 1200/275 | 1975 | |
| 30.07.1937 | 500 | 1500 | 2000 | 00447 буйруқ |
| | 1600 | 2800 | 4400 | НКВД |
| 1938 йил 1 январ- дан олдин эмас | 1600 | 2800 | 4400 | Тасдиқ- ланган |
| 09.01.1938 плюс | 125 | 252 | 377 | НКВД |
| 27.01.1938 плюс | 500 | | 500 | НКВД |
| 31.01.1938 плюс | 1000 | | 1000 | Сиёсий бюро |
| 1938 йил 1.03. дан олдин эмас | 3255 | 3052 | 6277 | Тасдиқланган |
| Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган | | | | |
| 1938 йил 1.01.дан олдин эмас | | | | |
| 1937 йил августдан 1937 йил декабргача ҳукм қилинганлар | 1824 | 3340 | 5164 | |
| Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган | -/1671 | -/2967 | 4638/ 4638 | |
| Собиқ кулоқлар | -/531 | -/1644 | 2175/ 2175 | |
| Жиноятчилар | -/269 | -/556 | 825/ 25 | |
| Бошқа аксилинқилобий «элементлар» | -/871 | -/767 | 1638/ 1638 | |

| 1938 йил 1.03дан олдин эмас. | | | | |
|--|--------|--------|---------------|--|
| Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган | -/2442 | -/4328 | 6770/ 6770 | |
| Собиқ кулоқлар | -/659 | -/2167 | 2826 | |
| Жиноятчилар | -/451 | -/933 | 886 | |
| Бошқа аксилінқилобий «элементлар» | -/1296 | -/1228 | 2223 | |
| 1938 йил январдан 1938 йил сент- ябргача ҳукм қилинганлар | 2213 | 5882 | 8095 | |
| Жами | | | | |
| 1937–1938 лимитлар | 3255 | 3052 | 6277 | |
| 1937–1938 ҳукм қилинганлар | 2442 | 4328 | 6770 | |
| Ҳукмга тортилганлар % | 0,21% | 0,37% | 0,58% | |
| 1937 йил августидан 1938 йил августигача ҳукмга тортилганлар | 3225 | 3052 | 6277 0,53% | |
| Инспекция 1939 й. | 4037 | 9222 | 13259 | |
| Ҳукмга тортилганлар % | 0,34% | 0,79% | 1,13% | |

**СССР НКВД органлари 1937–1938 йилларда кўриб чиққан ишлар натижалари
ушбу жадвалда¹ ифодаланган**

| Йиллар | Қамоққа олинганларнинг жами | | | Улардан | | | Хўмга тортилганларнинг жами | | | | | | Озодликдан маҳрум қилинганлар | | | | | | Қим томонидан ҳукм қилинган | | | |
|--------|--------------------------------|------------------------------------|----------------------|---------|--------|------|-----------------------------|--------|--------|--------|------------|--------------------|-------------------------------|-----------------|---------------|---------------|-----------------|---------------|---|--|--|--|
| | Ақсил-инқилобий жиноятлар учун | Жўмладан. Анти совет тарғибот учун | Бошқа жиноятлар учун | | | | Олий жазага | 25 йил | 20 йил | 15 йил | 10 йилгача | Сургуна ва бадарга | Бошқачоралар | Махсус қоллегия | Махсус кенгаш | НКВД учликлар | Махсус қоллегия | Махсус кенгаш | Харбий коллегия жўмладан судлар томонидан | | | |
| 1937 | 779056 | 234301 | 157694 | 7900665 | 353074 | 386 | 337 | 1825 | 426763 | 1366 | 6944 | 39694 | 45060 | 17911 | 688000 | | | | | | | |
| 1938 | 593326 | 57366 | 45183 | 554258 | 328618 | 1342 | 1178 | 3218 | 199771 | 16842 | 3289 | 95057 | - | 45768 | 413433 | | | | | | | |
| Жами | 1372382 | 291667 | 202877 | 1344923 | 681692 | 1728 | 1515 | 5043 | 626534 | 18208 | 10203 | 134751 | 45060 | 63679 | 1101433 | | | | | | | |

¹ Лысков Дмитрий. Запретная правда О «Сталинских репрессиях», «Дети Арбата» Лгут. «Яуза – Пресс» М. 2012. с. 230.

«Оммавий операциялар» даврида партияда тозалов ўтказиш давом этган. 1937 йил ёзида ва ундан кейин партия раҳбарлари, Сталиннинг яқин сафдошлари Л.М.Каганович, В.М.Молотов, А.А.Жданов, А.А.Андреев, Г.М.Маленков, Н.С.Хурушчев, А.М.Микоян ва Н.И.Ежовнинг ўзи республика ва областларга тайзиқ ўтказиб партия ва давлат аппаратини тозалашни тезлаштиришни талаб этганлар. Улар НКВДнинг маҳаллий органларига тўғридан-тўғри қамокқа олиш тўғрисида кўрсатмалар беришган. Зарурият туғилганда улар қатағонлар ўтказиш учун жойларга юборилган. Масалан, 1937 йил иккинчи ярмида Микоян Арманистонга (сентябрь), А.А.Андреев Ўрта Осиёга, Волга бўйига ва Шимолий Кавказга, А.А.Жданов Татаристон ва Бошқирдистонга, Л.М.Каганович Челябинск, Ярославск ва Иванова областларига Г.М.Маленков Белорусияга (июль-август) юборилган. Сталинча Сиёсий бюро ва партия бево-сита НКВД органларига суяниб қатағонни олиб бордилар. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Натижада минтақаларда бошқарувчилар ва партия аппаратчиларининг бир қатлами бирин-кетин қатағонга учраганлар. Кўп ҳолатларда жаллодларнинг ўзлари қурбон бўлганлар, натижада учликлар таркиби доимий равишда ўзгартириб турилган. 1937 йилнинг иккинчи ярмида 97 мингга яқин партия аъзолари партиядан ўчирилган, уларнинг аксарияти эски ходимлар эди. Айни вақтда партиядан ўчирилиш қамокқа олиш билан ҳамоҳанг олиб борилган.¹

1937–1938 йиллардаги катта террор даврида, 15 ой давомида 1,5 миллионга яқин киши қамокқа олинган, деярли уларнинг ярми отиб ташланган.

Ана шу гигант операциянинг тепасида совет давлати хавфсизлик органининг бошлиғи, СССР НКВД комиссари Николай Ежов турган.

Сталин Ежовга чексиз даражада ишонган. Н.Ежов «миллий операциялар»ни ўтказиш чоғида ўлим ҳукми чиқариш учун шахсий ҳуқуқга эга бўлган, «қулоқлар операцияси» деб ном олган қатағон даврида бундай отувга ҳукм чиқариш ҳуқуқи 00447 буйруғига мувофиқ НКВДнинг республикалар ва вилоятлар бошқармалари раҳбарларига ҳам берилган эди.

¹ *Петров Никита, Янсен Марк.* «Сталинский питомец» – Николай Ежов. – М. РОССПЭН. 2008. Стр 117.

1918–1921 йиллардаги «қизил террор»дан ташқари бу катта террордек қатли ом совет даври тарихида умуман бундай мисол бўлмаган. 20–30 йилларда ўлим ҳукми энг юқори даражадаги Сиёсий бюро томонидан тасдиқланган. Ҳатто Ежовнинг ўтмишдошлари – Менжинский ва Ягода ОГПУ Коллегиясини бошқарганларида ўлимга ҳукм чиқаришдан олдин расмий жиҳатдан сиёсий бюронинг руҳсати олинган.

Шундай қилиб, 1937 йил бошларидан 1938 йил ноябрига қадар Совет Иттифоқида Ежов нафақат террор жарчиси бўлиб, ҳатто террорнинг янги шакли рамзи бўлиб қолганди. Шу боис бу давр ежовчилик деб ҳам аталган.

*«Я знаю, что, когда умру,
людская молва много мусора
нанесет на мою могилу. Но я
уверен, что ветер Истории всё
это развеет.»*

И.В.Сталин

*«Биламан, мен вафот
этганимдан сўнг қабрим
устига кўплаб одамзод миш-
мишлар уюми ёғилади. Аммо
ишонаманки, Тарих шамоли
уларнинг барчасини учуриб
юборади»*

И.В.Сталин

VI БОБ. «КАТТА ТЕРРОР»НИНГ АЙБДОРЛАРИ ҲАҚИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Сталиннинг Ҳарбий Кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишидаги нутқи стенограммаси биринчи марта 1994 йили шахсий архивидан олиниб «Источник» журналининг 3-сонида босилган. Владимир Карпов «Генералиссимус» номли китобида ўша нутқдан қисқа кўринишда парчалар келтирган.¹ Унда нима сабабдан мухолифатчилар жиноий хоинликка ва сотқинликка борганликлари сабаблари кўрсатилган. У, энг аввало, бу ҳарбий-сиёсий суиқасднинг тепасида кимлар турганига ва улар қандай одамлар эканига эътиборни қаратган. Сталин ўз нутқида

¹ Карпов Владимир. Генералиссимус. Гнига первая. Вече. Москва, 2009. стр. 163–170.

очикдан-очик бундай одамлар Совет ҳокимиятига қарши ҳарбий-сиёсий суиқасд қилганларига ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслигини таъкидлаган. У фактлар, жиноятчиларнинг ўзлари берган беҳисоб кўрсатмалар ва жойларда ишлаётган ва атрофдагиларнинг кўпдан-кўп кузатилишлари йиғиндисидан келиб чиқиб муҳолифатчилар фашистлар Германиясидан рағбат ва молиявий мадад олиб совет ҳокимиятига қарши ҳарбий-сиёсий суиқасд уюштирди, деб айтган. Сталин давом этиб, одамларни сўкмоқдалар, ҳақоратламоқдалар, бирларини аблах, бошқаларини тентак, қай бири-учинчиларини помешчик деган ном билан атамоқдалар, бу сўкиш ва ҳақоратларнинг ўзи ҳеч нарса бермаслиги, яхшиси, ўша ёвузликни таг-томири билан юлиб ташлаш ва уни пухта ва оҳиста ўрганиш, билиш, англаш лозим, деб айтган. Айни вақтда бундай расвогарчилик мамлакатда ва унинг атрофида такрорланмаслигини таъминловчи воситани топиш ва уни қўллаш зарурлиги ҳам таъкидланган.

Айни шу нутқда Сталин ҳарбий-сиёсий суиқасдчилар ва 1937–1938 йиллардаги суд жараёнлари ҳақида ўз фикрини баён этган

У, энг аввало, бу ҳарбий-сиёсий суиқасднинг тепасида турганлар Троцкий, Риков, Бухаринлар эканини таъкидлаб, улар қаторида Рудзутак ҳам борлигини эслатган. У ҳам ҳарбий-сиёсий суиқасдга бошчилик қилган, жуда айёрона ишлаган, барча нарсани чалкаштириб юборган, пировардида немис жосуси бўлиб чиққанини, Карахан, Енукидзелар ҳам ўшандайларданлиги таъкидланган.

Кейинги сафда Ягода, Тухачевский (ҳарбий соҳа бўйича) Якир, Уборевич, Корк, Эйдеман, Гамарник – 13 киши турганлиги ва буларнинг ўзлари кимлар эканига эътибор бериш ва буни билиш аҳамиятли экани кўрсатилган. Сталин тахминан шундай деган: «Тухачевскийни помешчик, бошқа бирови руҳоний деб айтишади. Бундай ёндашув ҳеч нарсани, мутлақо ҳеч нарсани ҳал қила олмайди. Дворянлар меҳнаткаш халққа душман синфдир деганларида синф, табақа, қатламни назарда тутадилар. Аммо бу дегани дворянлардан бўлган айрим шахслар ишчилар синфига хизмат қила олмайди дегани эмас. Ахир Лениннинг келиб чиқиши дворянлардан эканини сизлар яхши биласизлар-ку?

«Энгельс фабрикантнинг ўғли, нопролетар элементлардан бири, лекин у ўз фабрикасини бошқариб, бу билан Марксни боққан, Чернишевский руҳонийнинг ўғли,

бирок ёмон одам бўлмаган, аксинча Серебряков ишчи бўлган, лекин аблах, ярамас бўлиб чиққан. Шу боис бу батракнинг ўғли эмас деб қараш умумий ўлчов бўлиб бу эскича ўлчовдир, буни айрим шахсларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Бу марксча ёндашув эмас».¹

Кўп қўлланадиган бошқа, нотўғри нуктаи назар ҳам борлиги, масалан, 1922 йили кимнидир Троцкийга овоз бергани учун унга таъна қилиши тўғри эмаслигига эътибор қаратилган. Одам ёш бўлиши, юзага келган ахволдан тўғри мўлжал олмай, адашган бўлиши мумкин.

Дзержинский Троцкийга овоз берган, ҳатто Ленин даврида очикдан-очик Ленинга қарши Троцкийни ёқлаб чиққан, у бирон-бир соҳада пассив одам бўлмаган, аксинча фаол троцкийчи бўлган ва ҳатто бутун ГПУни Троцкийни ҳимоя қилишга кўтармоқчи бўлган, бироқ буни удалай олмаган. Андреев эса 1921 йили жуда ҳам фаол троцкийчи бўлган.

Ҳарбий-сиёсий суиқасднинг ядроси ва унинг аъзоларига таъриф беришда ана шундай нуктаи назарни қўлламаслик зарурлиги таъкидланган Сталин суиқасднинг ядросидаги лидерларни таърифлаш учун учинчи нуктаи назар кераклигини, одамларни бир неча йиллардаги ишлари ва унинг натижалари бўйича таърифлаш нуктаи назари ҳам борлигини қайд қилиб, шу масалага батафсил тўхтаб ўтган.

Сталин 13 киши Троцкий, Риков, Бухарин, Енукидзе, Карахан, Рудзутак, Тухачевский, Якир, Уборевич, Корк, Эйдеман, Гамарникларнинг номларини келтириб, улардан 10 нафари жосуслар эканини қайд этган.

Троцкий гуруҳ ташкил этиб, уни ўқитиб, ўргатиб, ундан тўғридан-тўғри: сизлар немисларга менда одамлар борлигига ишонтирувчи маълумотлар юбориб туришлар, диверсиялар-қўпоровчиликлар, портлатишлар қилишлар, токи японлар ва немислар менда куч борлигига ишонч ҳосил қилсинлар, деган кўрсатмалар бериб турган. Риковнинг ўзи немисларга маълумот бериб тургани ҳақида маълумот йўқлиги, лекин ўз одамлари орқали бундай ахборот бериб турганларни рағбатлантириб борганлиги маълумлиги кўрсатиб ўтилган. Ҳар иккиси ҳам жосус бўлган Карахан билан Енукидзе улар билан яқиндан алоқада бўлгани, бу иш билан 1927 йилдан буён машғул эканликлари таъкидланган. Сталин шундай деган: «Биз улар кимлар орқали

¹ Карпов Владимир. Генералиссимус. Гнига первая. Вече. Москва, стр. 164

махфий маълумотларни олганини, ким орқали бу маълумотлар Москвадаги Германия элчихонасининг қандайдир кишиси орқали бериб турилганини биламиз. Булардан Риков воқифлигини ҳам биламиз. Бизда унинг ўзи жосус экани ҳақида маълумот йўқ.

Биз Бухариннинг ўзи ахборот бергани тўғрисида маълумотга эга эмасмиз, лекин у билан Енукидзе ҳам, Карахан ҳам, Рудзутак ҳам жуда мустаҳкам боғланганини, улар ўшаларга ахборот беришни маслаҳат берганини биламиз.

Биз Гамарникнинг ўзи ахборот бергани ҳақида ҳам маълумотларга эга эмасмиз, бироқ унинг яқин дўстлари: Уборевич, айниқса Якир, Тухачевскийлар доимий равишда немис Бош штабига ахборот бериб турганлар.

Ягода жосус ва ўзининг ГПУсида қандайдир бузгунчиларга эга бўлган. Уларни дам олиш учун чет элга юборганда, немис разведкаси қўлга туширган ва ёллаб олган. Улар ёлланган кишилар сифатида юртга қайтганлар.

Сталин ўз нутқида «Ягода уларга мен сизларни немислар ёллаб олганини биламан, хоҳласангиз сизлар менинг шахсий одамларим бўлиб қоласизлар ва мен истагандек кўр-кўрона ишлайсизлар, хоҳласангиз, сизларни Германия жосуслари деб Марказий Комитетга бериб юбораман», деб кўрқитганини эслатган. Сталин Ягода шундай ишни Гайга нисбатан ҳам қўллаб, уни немис-япон жосуси эканини таъкидлаб, буни унинг ўзи ҳам эътироф этгани ва буни бошқа одамлар ҳам тан олганини айтади. Ягода Воловичга нисбатан ҳам шундай қилган, немис жосуси эканини ўзи тан олгани, 1923 йилдан немис жосуси бўлган Паукерга ҳам шундай муносабатда бўлганини қайд қилган.

Сталин ўз нутқида Тухачевский давлатнинг энг муқаддас режасини немис рейхсверига бериб юборгани, немис рейхсвери билан учрашганини эслатиб, мана сизларга жосуснинг қиёфаси деб айтган. Якир эса немис штабини мунтазам хабардор қилиб турган, у ўзида жигар касали борлигини тўқиб чиқарган. Бундай касаллик бўлиши ва касалини даъволаш учун чет элга бориш ҳам мумкин. Уборевич дўстларинигина эмас, ҳатто ўртоқлари билан, ҳатто у шахсан ўзи ҳам ахборот бериб тургани, Карахан ҳам, Эйдеман ҳам немис жосуслари, Карахан Германияда ҳарбий атташе бўлган вақтдан бошлаб немис штабига ахборот бериб турган, Рудзутак Германия рейхсвери фойдасига хизмат қилган, демак, ҳарбий-сиёсий суиқасдни тайёрлашда 10 жосус ва 3 ташкилотчи асосий роль ўйнаганлар. Ушбулардан

келиб чиққан Сталин ахир бу кишилар кечагина коммунистлар эди, кўққисдан уларнинг ўзи Германия жосуслиги қўлидаги ашаддий, учига чиққан қуролга айландилар, чунки улар ёлланган эдилар, деб кўрсатди. Ҳозирда эса Германия улардан ахборот беришни талаб қилмоқда, бермас экансан бизда сенинг тилхатинг турибди, ёллангансан, матбуотда эълон қиламиз, деганлар, оқибатда фош бўлишдан кўрқиб ахборот беришга мажбур бўлганлар. Эртасига, йўк бу озлик қилади, кўпроқ бер ва пулни олиб, тилхат бер деб талаб қўяди. Шундан сўнг суиқасдни бошлашни талаб қилганлар.

Марказ таркибида патентли 10 нафар жосус ва 3 нафар патентли ифвогар бўлгани ва улар тўлиқ Германия рейхсверига қарам бўлиб қолгани улар Германия рейхсвери буйруғини бажарсалар, равшанки, рейхсвер бу одамларни СССРга сўрадилар. Мана, сизга суиқасднинг асл сабаби, деб кўрсатган Сталин. Бу ҳарбий-сиёсий суиқасддир. Бу Германия рейхсверининг ўз қўли билан ёзган ижоди эди. Суиқасдчилар ҳақида тўхталиб, Сталин уларни рейхсвер қўлидаги кўғирчоқ, куруқ сурат, хумпар одамлар деб таърифлаган. Рейхсвер СССРда суиқасд бўлишини хоҳлаган ва бу жаноблар эса уларга мунтазам ҳарбий сирларни бериб турганлар ва бу жаноблар ҳам уларга ҳарбий сирлар ҳақида хабарлар юборганлар. Рейхсвер мавжуд ҳукуматни олиб ташлашни, яксон қилишни хоҳлаган ва суиқасдчилар шу иш билан шуғулланганлар, бироқ бунга эриша олмаганлар. Рейхсвер уруш бўлган тақдирда армия мудофаага тайёр бўлмасдан диверсияга ўтиши мумкинлигини хоҳлаган ва улар бу ишни тайёрлаганлар.

Сталин бу диверсион ишда Тухачевскийнинг ифлос, жирканч иш тутганини ҳар жиҳатдан фош этган. Шунингдек, у Гамарникни ҳам изчил аксилинқилобчилигини фош этган. У ва унга ўхшаганларни Германия рейхсверининг жосусликка тортилган маҳбуслари, тутқунлари бўлиб қолганликлари, улар Ленинградни, Украинани бериб қўйиш йўлидан, суиқасд йўлидан, жосуслик йўлидан борганларини айтиб ўтган.

Рейхсвер қудратли куч сифатида ўзига тутқунларни, заиф кишиларни қулликка олиш учун курашгани, бундай заиф кишилар эса уларнинг буйруғи бўйича ҳаракат қилганликлари ҳам қайд этилган. Улар команда берадилар, буйруқ қиладилар, булар эса юзларида тер билан уни бажарадилар. Бу жиннилар гўё бундан бизни хабардор, ҳеч

нарсани кўрмайди деб билганлар. Кўряпсизларки, улар Кремлда ҳукуматни қамоққа олмоқчи бўлганлар. Шундай бўлдики, бундан хабардор бўлиб қолдик. Улар Москва гарнизонида ўз одамларига эга бўлиб ҳарбий кўшинни кўтармоқчи бўлганлар. Улар ҳеч ким ҳеч нарсани сезмайди, деб ҳисоблаганлар. Ваҳолангки, биз ҳам ниманидир билар эканмиз, дейди Сталин.

«Мана энди Германия рейхсверининг тутқунлари, асирлари турмада йиғламоқдалар. Ана сизга сиёсатдонлар! Раҳбарлар!

Иккинчи масала шуки, нега бу жаноблар шунчаки осонликча одамларни ёллаб олганлар? Мана, биз ҳарбий соҳадаги 300–400 кишини қамоққа олдик. Улар орасида яхши одамлар ҳам бор. Қандай қилиб уларни ёллаб олганлар?»¹

Сталин уларни қобилиятли, талантли кишилар деб айта олмаслигини, улар бир неча бор Ленин даврида ҳам, Лениндан кейин ҳам Ленинга қарши, партияга қарши очик кураш олиб борганлари ва ҳар сафар синдирилганлари, мана энди катта кампанияни кўтариб чиққанлари ва яна барбод бўлганлари, 1921 йилдан бошлаб 1937 йилгача ишлари барбод бўлгани, бу одамларни талантли кишилар деб бўлмаслигини қайд этган. Улар жуда ҳам талантли, жуда ҳам гениал эмасликлари таъкидланган.

Қандай қилиб улар осонликча одамларни ёллаб олганлар? Бу жуда ҳам жиддий масала эканини таъкидлаб Сталин бирор киши нимадандир рози эмас, мисол учун у собик троцкийчи ёки зиновьевчи бўлгани учун, ёки уни эркин раҳбарликка, юқорига кўтармагани, ёки қобилиятсизлиги, ишни удалай олмагани, бунинг учун уни пасайтирганлиги, лекин ўзини жуда қобилиятли деб билишини, баъзида одам ўзини гениал деб ўйлашини, бу жуда ҳам оғир иш экани, шу боис уни юқорига кўтармагани учун жуда хафа бўлишини айтган.

Улар кичик нарсадан, мафкуравий гуруҳчадан иш бошлаганлари, ўзларича ГПУ бизнинг қўлимизда, Ягода қўлимизда, Кремль бизнинг қўлимизда, чунки Петерсон биз билан, Москва округи, Корк ва Горбачев ҳам биз билан, барча биз билан, деб иш кўрганлари, ҳозир ёки эртага исён кўтарилиши керак, деб ҳисоблаганларни ҳам қайд қилган.

Нима учун шунчалик бемаъниларча ғафлатда қолингани

¹ *Карпов Владимир*. Генералиссимус. Книга первая. Вече. Москва, стр. 169.

хақида тўхталиб Сталин бу мудҳиш ишдан барибир хабари борлигини айтиб ўтади. Февралда Марказий комитет пленими бўлди, ҳар ҳолда қандай бўлмасин, бу ишда айқаш-уйқаш, пала-партишлик бўлди, барибир биз ғафлатда қолдик. Бу ерда гап нимада? Балким, бизнинг ўзимиз нўнокроқдирмиз ёки бутунлай ақлни йўқотиб қўйдик? Бу ерда сабаб умумийдир. Албатта армия мамлакатдан, партиядан ажралмаган, партиядан эса, бу муваффақиятлар бир оз эсанкиратгани, чунки ҳар куни зафарлар, режаларнинг ортиғи билан бажарилиши, ҳаёт яхшиланаётгани, сиёсат гўё ёмон эмаслиги, мамлакатнинг халқаро салмоғи аниқ ўсаётгани, армиянинг ўзи, ўрта бўғинида пастда, қисман юқори бўғинда жуда ҳам соғлом ва жуда катта куч экани айтилган. «Буларнинг барчаси олға бораётганимиз, ғайриихтиёрий равишда обрўимиз ортаётганиданми биров кўзимиз хиралашуви кучаймоқдами?.. Нима етишмаяпти? Наҳотки, шундай шароитларда ҳам кимдир аксилинқилоб тўғрисида ўйласа? Калласида шундай фикрлар борлари ҳам йўқ эмас. Аммо умумий аҳвол, бизнинг кучимиз ўсаётгани бор, армияда ҳам, мамлакатда ҳам, партиядан ҳам олға интилиш, ўсиш бор. Ана шулар бизда сиёсий хушёрлик хиссиётини сусайтириб, кўриш қобилиятини анча заифлаштириб қўйди.

Муваффақиятлар катта иш. Биз ҳаммамиз унга интиламиз. Бироқ бу муваффақиятнинг салбий, тескари томони ҳам бор. Ўзимизга ҳаддан ташқари ишониб кетишимиз, бино қўйишимиз бизнинг кўзимизни бир оз қамаштираётганга ўхшайди. Мана шу жойда хабар бериш, сигнал бериш тўғрисида гапирилди. Мен шуни айтардимки, жойлардан ҳам хабар бериш жуда ҳам ёмон, ўта ёмондир.

Агардаки, кўпроқ сигнал берганларида, агар бизда иш Ленин хоҳлаганидек йўлга қўйилганида эди, унда ҳар бир коммунист, ҳар бир партиясиз ўзини камчиликларга дахлдор, деб билиб, уларни англаб, ўз шахсий фикрларини ёзган бўларди. Ленин шуни хоҳларди. Бироқ, бу ердан ҳамма нарсани кўринмайди. Ўйлайдиларки марказ ҳамма нарсани билади, ҳамма нарсани кўради. Йўқ, марказ бундайларнинг барчасини кўра олмайди. Ҳақиқий текширувнинг битта воқитаси бор – бу одамларни ишда, улар ишининг натижаси бўйича текширишдир. Буни эса фақат маҳаллий одамлар олдиндан кўра оладилар.» – деб айтган И.В.Сталин ўз нутқида.

Сталин яна хабар беришлар тўғрисида тўхталиб, нуқсонлардан яна бири одамларни юқоридан туриб текши-

риш масаласидир, ваҳоланки бундай текширишлар ёмон аҳволдалигига эътибор қаратган. Нима учун Бош штаб ташкил қилингани, у округ қўмондонларини текшириши, ахир улар нима билан шуғулланишаётганини билиши кераклиги, штаб эса одамларни текширганини, Уборевичдан бирор нарса топганини ва унинг барча ҳийла-найранглари очиб ташлагани ҳақида ҳеч нарса маълум эмаслигини айтган.

Сталин бундай амалиёт ярамаслигини, бу большевизм эмаслигини таъкидлаган. Округ қўмондонларини хафа қилиб қўйишни истамаслик ҳам тўғри эмаслиги бу ишнинг ҳалокати экани, Генштаб кунора одамларни текшириб туриши, уларга маслаҳат бериб туриш, тўғри йўлга солиб қўйиш учун ташкил қилинганини эслатиб ўтади. У ростмана текшириш кераклигини айтиб Якирнинг Украинадаги, Уборевичнинг Белоруссиядаги ёмон қилмишлари айтиб текширилмагани оқибати эканини қайд этади.

Натижада уларнинг барча қилмишларидан беҳабар қолган, одамлар ўз ҳолича ташлаб қўйилгани, жойларда улар қандай бўлмағур ишлар қилганликлари биргина худонинг ўзига аёндыр, деган Сталин. У «Генштаб бу нарсани билиши шартлиги, агарда Генштаб чиндан ҳам ишга амалий раҳбарлик қилганида эди, у одамларни танлаш нуқтаи назаридан ҳам бирон-бир чора кўриши мумкинлигини» таъкидлаган.

Бошқарув таркибидаги лавозимларга ходимлар тайинлаш ишига ҳам етарлича эътибор берилмагани, кадрларни жой-жойига қўйиш жуда ҳам муҳим масала бўлиб, бунга эса панжа орасидан қараб келингани ҳам Сталин томонидан қайд этилган. Қўмондонлик бошқарма бошлиғи лавозимида қатор йиллар давомида Гаркавий, Савицкий, Фельдман, Ефимовлар ўтиргани ва уларда қандай найранг, макрлар қўлланилганига эътибор қаратади. Бу ўринда Сталин мисол келтириб ҳарбий атташе тақдим этган етита номзоддан олти нафари жинни ва бир нафари ўз одами бўлгани, бу одам эса жиннилар орасида ақлли кўринган ва олти кишининг ҳужжатларини қайтариб, еттинчи кишининг ҳужжатлари юқорига узатилишини, табиийки у лавозимга тайинланганини айтади. Сталин айтиб шундай ишга алоҳида эътибор бериш кераклигини қайд қилган. Сталин суиқасдчиларнинг асосий заифлиги нимада-ю, бизнинг асосий кучимиз нимада деган савол қўйиб: «Мана шу жаноблар Германия диверсиясига асир бўлиб ёлланганлар. Улар хоҳлайдиларми, йўқми, улар суиқасд йўлига, СССРни

майдалаш йўлига сийганиб кетаверадилар. Улардан сўраб ўтиришмайди, балки буюрадилар ва улар бажаришга мажбурдилар»¹ – деб кўрсатган.

Уларнинг ожизлиги нимада? У шундаки, улар халқ билан боғланмаган. Улар ҳали халқдан кўрқиб, бир жойда таянч нукта қуриб, гоҳи-гоҳида бу ерда команда постини босиб олиш, бошқа жойда қандайдир норози бўлганни қайраб қўйишни тепадан туриб амалга оширмакчи бўлганлар. Улар ўз кучларига эмас, германлар кучига ишонганлар, германлар қўллаб-қувватлайди, деб ўйлаганлар, германлар эса қўллаб-қувватлашни истамаганлар, аксинча, улар, «қани пиширган бўтқангни ўзинг е, биз бир кўрайлик» қабилида иш тутганлар. Улар халқдан кўрққанлар. Улар қандай қилиб Кремлни қўлга олишни, қандай қилиб ВЦИК мактабини алдаш режаларини ўқиб чиқсаларинг эди, улар қай бирларини алдаб, бошқа бировларни бир жойга тиқиб, бошқаларни бошқа жойга, учинчидагиларни учинчи жойга тиқиб, Кремлни ўраб олишни, Кремль ичида эса ҳукуматни камокқа олишни, бу ишни албатта кундуз куни, ҳамма тўпланганда бажариб, камокқа олмоқчи бўлишганини Сталин ўз нутқида қайд этган.

Сталин бу суиқасдчиларни ожиз, заиф, бахтсиз кишилар деб таърифлаган. Бунда у уларнинг халқ оммасидан ажралиб қолганликларини, халқнинг ва армиянинг қўллаб-қувватлашини ҳисобга олмаганликларини, армия ва халқдан яшириниб олганликларини назарда тутган. Уларнинг заифлиги армияга умид қилмаганлигида, уларнинг ожизлиги айна мана шу жойида эканига Сталин эътибор қаратган.

Сталин совет армияси битмас-туганмас истеъдодларга эгаллиги, мамлакатда ҳам, партиядо ҳам ана шундай истеъдодлар кўпдан-кўплигини таъкидлаб, одамларни юқорига кўтаришдан кўрқмасликка, уларни пастдан юқорига далиллик билан кўтаришга даъват қилган.

Тадқиқотчи **Юрий Козенков** ўз асарида² бошқа масалалари билан бир қаторда 30 -йилларда советларга қарши қаратилган ҳарбий исён ва бешинчи колоннага берилган зарба ҳақида бир қанча янги фикрларни илгари сур-

¹ *Карпов Владимир*. Генералиссимус. Книга первая. Вече. Москва, стр. 169

² *Козенков Юрий*. Голгофа России. Схватка за власть. Краткая хроника преступлений мирового сионизма масонств и Запада против России (От Сталина до Ельцина) Москва. 2003.

ди. Жумладан, у сионистлар¹ назорати остида бўлган матбуот ва телевидениянинг ошкоралик тўғонлари очилиши биланок 1937–1938 йилларда ҳарбий исёнда иштирок этгани учун суд ҳукми билан отилиб кетган партия, армия, ОГПУ–НКВД тизимларидаги миллатдошларини, халқ жаллодларини оқлаб Сталинни террор ташкил қилганликда айблай бошладилар, деб ёзади. Уларнинг муаллифлари фақат фуқаролар уруши йилларида 18 миллион кишининг йўқ бўлишининг айбдорлари бўлмиш ўз қабиладошларини, минглаб жаллодларни, на Ленинни, на Троцкийни, на Свердловни, на Зиновьевни, на Урицкийни эсламаганликларини қайд этади. Улар рус халқини йўқ қилишнинг жаллодларидан Менжинский, Ягода, Берияларни эсламасдан фақат рус ва бошқа халқларнинг жаллодлари бўлмиш ўз қабиладошларини йўқ қилингани тўғрисида айюҳаннос солдилар. Мана бу ҳақиқий, энг учига чиққан яҳудий ирқчилиги ва фашизмидир, дейди Ю.Козенков. Аммо халқни аҳмоқ қилмоқ, чув туширмоқ қандайдир даврдагина мумкин, кейин эса барибир одамлар тушуниб этадилар, деб Юрий Козенков Троцкийнинг давлатдаги барча лавозимлардан четлатилиши ғарбдаги сиономасончилар марказига ва СССРдаги бешинчи колоннага берилган катта зарба бўлганини таъкидлайди. Унингча, сионистларнинг энг асосий хатоси шу бўлдики, улар ўзларининг бутун умидини Троцкийга қаратганлар, уни энг асосий таянчи деб билганлар, Троцкий «калибрига» мос захирада бошқа фигурага эга бўлмаганлар.

Ленин вафотидан кейин унинг давомчиси, меросхўрини аниқлаш кун тартибига қўйилган эди. Троцкий ўзига ҳаддан ташқари бино қўйиб, уни буюк «Князликка» чақирадилар деган умид «касали»га гирифтор бўлган эди. Сталин эса ўзига бино қўйган сурбет, уятсиз, юзсиз жаллод ва дема-

¹ Сионизм (Куддусдаги Сион тепалиги номидан олинган: Библия ривоятларига кўра, бу ерда Довуд подшонинг қароргоҳи ва худо Яхванинг уйи бўлган) Яҳудийларнинг Фаластинга келишини рағбатлантириш ва у ерда яҳудийлар давлатини тузиш орқали яҳудийларнинг ўз-ўзини англашини тиклашга қаратилган мафкура. XIX аср охирида вужудга келган. 1948 йилдан кейин Исроилни дунё миқёсида ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга мўлжалланган. Социалистик ва либерал оқимлардан тортиб то шовинистик руҳда бўлган бир қанча оқимларни ўч ичига олади. Сионистик ташкилотлар 60 дан ортиқ мамлакатда иш олиб боради. Етакчиси – жаҳон сионистлари ташкилоти (1897 йилда тузилган), қароргоҳи Исроил ва АҚШда. Ўзбек миллий энциклопедияси 7. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкнт, 2004, 639-бет.

гоглардан ташаббусни тортиб олади. Дастлабки вақтларда сионистлар сафида катта саросимага тушиш, хукмронлик қилган, бироқ кучларнинг навбатдаги қайтадан гуруҳларга бўлиниши ҳеч қандай натижа бермайди, фурсат қўлдан кетган эди, кураш олиб боришга тўғри келган эди: Фақат кураш йўли билангина энг асосий ҳукуматни қайтариб олиш мумкин эди.

Сталин катта психолог сифатида ўз куч-қудратини ва у ёқдан-бу ёққа оғиб юраётган ленинчи ва троцкийчи ходимларнинг калтафаҳмликларини ҳисобга олиб, бу икки жаллодлар гуруҳини ҳокимият учун ўзаро кураш олиб боришга усталик билан тўқнаштириб қўя қолди. 30-йилларга келиб у тўла ҳокимиятни бутунлай қўлга киритиб олган эди. Бироқ улар ҳам қўл ковуштириб турмадилар. Жаҳон сионистчилиги иккинчи жаҳон урушини тайёрлаш учун астойдил киришган эди. Америкалик яхудийлар, АҚШнинг йирик банкирлари 1929 йили Гитлерга Германияда ҳокимиятни босиб олиши учун унинг партиясига катта молиявий ёрдам бердилар. Ахир гитлерчиларнинг юқори табақадагиларининг барчаси ярим яхудий, чоракам яхудийлар бўлган. Фақат Геринг соф немис бўлган, бироқ унинг хотини ҳам яхудий эди.

Сталин Троцкийни давлатдаги барча лавозимлардан маҳрум этиб ва уни СССР сарҳадидан чиқариб юбориб жаҳон сионизми картасини аралаштириб, чалкаштириб юборади. Большевиклар партиясининг юқори эшелонини бу даврда ҳеч қандай шубҳа қилмай Совет Иттифоқининг сионистлар партияси деб аташ мумкин эди.

Марказда ҳам, жойларда ҳам ана шу Каменев – Розенфельдлар, Зиновьевлар – Апфельбаумлар, Радек – Зобельсонлар ва ҳоказолар Беленкий, Гирш ва Арон типигаги жаллодларга суяниб иш олиб борганлар. Гирш кейинчалик ўз таржимаи ҳолида: «Мен рус шовинизмига қарши шафқатсиз кураш олиб бордим», – деб ёзган.

Залкинд (Землячка тахаллуси билан), Лацис – Судрабс латиш яхудийси ўзининг «Фавкулудда комиссия контрревалюция билан курашда номли китобида очикдан-очик: «Биз – исроилликларга келажак подшоҳлиги куришимиз керак» деб ёзган. Уни улар Украинада ўн минглаб ва юз минглаб эзилган руслар, украинлар, белоруслар ва бошқа халқларнинг қонлар денгизи ва суяклари устида курмоқчи бўлганлар. Бундай хунрезликларни бевосита Киевда Яковлев, Эпштейн, Рязанов – Гольденберглар амалга оширган-

лар. Бундайлар сон-саноксиз эди. Чунки уларнинг оркасида куйироқ мансаблардаги қабиладошлари бор эди. Улар оркасида яна бошқалар турарди ва ҳоказо. Бу сионобольшевиклар ва халқ душманлари қўйган кудратли пойдевор эди ва унга бешинчи колонна ва жаҳон сионизми таяниб туриб ўзларининг реваншини амалга оширишни режалаштиришган эди.

Улардан бир қисми 1937–1938 йилларда отиб ташланган, бироқ бу сотқинларнинг ўлими йўқ қилинган ўнлаб миллионлаб россияликларга қиёслаганда ҳеч қанча эмасди.

Шунга қарамасдан улар НКВДнинг олий лавозимига Ежовни олиб чиққан эдилар. Сталин бешинчи колоннага қарши мурасасиз кураш олиб боргани, бу бешинчи колоннанинг СССРдаги режасига кўра уруш бўлгудек бўлса, жаҳон сионизми СССРдаги олий ҳарбий амалдорлар бўлмиш – тухачевскийчилар, коркчилар, эйдаманчилар, якирчилар, уборовичлар, фельдманчиларга Гитлер олдида тиз чўкиб таслим бўлишга, ундан олдин Сталинни ағдаришга эришгач, мамлакатни бўлиб олишлари мумкин эди, деб айтиш учун тўла асос бор эди, деб ёзади муаллиф. Китобда Сталинга қарши партиявий йўл билан бир неча суиқасдлар бўлгани аммо бу суиқасдларни фош этиш охирига етказилмагани ёзилган. Улар ҳақидаги материаллар ВКП(б)нинг Марказий Контрол Комиссиясига тушгани, бу комиссияда эса сионистлар ўрнашиб олгани боис суиқасдчилар ҳимояланиб қолган. 1932 йилдаёқ подпольедаги троцкийчи – суиқасдчиларни фош этиш мумкин бўлган. ОГПУ раиси Г.Г.Ягода исёнчиларнинг асосий фигураси Рютинни сақлаб қолишга уринган. Ягода икки фронтда фаолият кўрсатган шу сабаб троцкийчи – зинovieвчи блокни фош этишга қурби етмаган, натижада унинг ўрнига Ежов келгани тафсилоти ҳам Ю.Козенков томонидан шарҳлаб берилган.

Ю.Козенков яна бир муҳим ҳолатни таъкидлайди. 30-йилларда жаҳон сионизми СССРдаги ўз қабиладошларидан фойдаланиб СССРдан катта ҳажмда хом ашё ва товарларни олиб чиқиб кетишга ва уларни ўта арзон нархда сотилиб кетишга эришганини ҳам асослайди. Булар энди ўз йўлига, сионизмнинг энг асосий кучлари ҳарбий суиқасдни тайёрлашга йўналтирилган. Бунда асосий ва бутун таянч ҳарбийлар бўлган. Улар фақат ҳарбийларгина Сталинни олиб ташлашлари мумкин, деб ҳисоблаганлар. Шу боис улар Тухачевскийни ҳарбийларнинг пири, лидери деб билиб унга умид

қилганлар, барча ҳарбий округлар, армиялар, корпуслар, дивизиялар ва полклардаги ўз қабиладошларининг катта салоҳиятига ҳам ишонганлар.

Сионодемократлар XVII съезд делегатлари ва унда сайланган Марказий Комитет аъзоларининг кўпчилигини йўқ қилишда Сталинни айблайдилар. Ю.Козенков буни танқид остига олиб, ўша қатағон қилинган партия – қатағон давлат аппаратидагиларнинг ўзлари граждандар уруши, кейин эса зўрлик билан, бузилган шаклда ўтказилган коллективлаштиришда, 1932–1933 йилларда ғалла тайёрлашда, химоясиз, оч қолган халққа қарши шафқатсиз чоралар қўллашда халқни қириш билан машғул бўлганларини қайд этган.

Ю. Жуков – тарих фанлари доктори, Россия Фанлар академияси аъзоси, Россия тарих институти етакчи илмий ходими, 8 монография, жумладан «Кто и зачем развязал массовую репрессии?», «Почему был убит Киров?», «Существовал ли на самом деле заговор против Сталина?» асарлар муаллифи (1938 йили туғилган)нинг «**Иной Сталин**» номли китобида мазкур мавзунинг янгидан-янги қирралари очиб берилган. Энди гап ана шулар хақида боради.

ВКП(б) Марказий Комитетининг 1937 йил 23–27 июндаги пленумида Марказқўм секретари Я.А. Яковлев янги сайлов қонуни тўғрисида маъруза қилади. Қонун лойиҳаси 26 майда Сиёсий бюро тузган комиссия томонидан ҳам кўриб чиқилган эди. Я.А. Яковлев янги сайлов тизимининг хусусиятлари хақида эслатиб, эндиги сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин тарзда ўтишини айтади.

СССР Конституцияси ҳар бир жамоат ташкилоти ва меҳнаткашлар жамоасига СССР Олий Советига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини бергани, бу модда катта аҳамиятга эга бўлиб, у Сталин таклифи билан киритилгани, унинг мақсади – демократияни ривожлантириш ва кенгайтиришдан иборатлиги кўрсатилди. Бу модда советларга сайловлар ўтказишда чинакам, ҳақиқий демократияни таъминлар эди. Округ сайлов комиссиялари зиммасига тегишли округлар бўйича СССР Олий Советига жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар жамоаси томонидан кўрсатилган номзодларнинг барчасини рўйхатга олиш ва сайлов бюллетенларига киритиш вазифаси юклатилгани, округ комиссиялари номзодларни рўйхатга олишдан бош тортган ҳолатда икки кун муддат ичида Марказий сайлов комиссиясига шикоят қилиши ва комиссиянинг қарори билан масалани узил-кесил ҳал қилиш ҳам кўрсатилди. Депутатликка номзод

бўлганларга ҳеч қандай алоҳида талаблар қўйилмайди. Улардан фақат қонунда белгиланган тартибда рўйхатга туришлари талаб қилинган. Номзодни кўрсатган йиғилиш ёки мажлис баённомасини йиғилиш вакили сайлов комиссиясига тақдим қилади.

Бўлғуси сайлов муқобиллик ва мусобақа асосида ўтказилиши кўрсатилган. Бу ғоя Сталин томонидан илгари сурилганига урғу берилган. Бундан буён нафақат партия ташкилоти, балки ҳар қандай жамоат ташкилоти, жумладан унинг маҳаллий бўлимлари, шунингдек ҳар қандай йиғилиш, фуқаро ўз номзодини, бирон-бир кимса билан келишмаган ҳолда кўрсатиши мумкин эди.

Овоз бериш натижаларини, меҳнаткашлар эркини сохталаштиришга қаратилган ҳар қандай уринишларга йўл қўйилмаслиги алоҳида уқтириб ўтилган.

Участка сайлов комиссиялари округ сайлов комиссияларига овоз бериш баённомаларини ва ҳар бир номзоднинг ҳисоб варақаларини юбориши кераклиги ҳам айтилган. Меҳнаткашлар депутатлари Советлари СССР Олий Совети мандатларни тасдиқлаган муддатгача сайлов бюллетенларини сақлашлари кераклиги ҳам кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисидаги Низом»да қўйилган асосий мақсад меҳнаткашларнинг, советларнинг эркин хоҳишларини аниқ таъминлашдан иборатлиги ва низомга кўра сайловда кўпчилик овоз олган номзодгина депутат бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Агар номзодлардан биронтаси ҳам кўпчилик овозга эга бўлмаса, у ҳолда икки ҳафтадан кеч бўлмаган муддатда энг кўп овоз олган икки номзод сайлови ўтказиладиган бўлган.

Сталин янги сайлов тизими тўғрисидаги қонун тарихий бурилиш эканини, ғарбда кўппартиявийлик туфайли бунақа муаммо йўқлигини таъкидлаб **«Бизда ҳар хил партиялар йўқ. Бизнинг бахтимизми, ёки бахтсизлигимизми, бизда битта партия мавжуд»**, – деган. Шу боис Сталин сайловлар устидан адолатли назорат ўрнатиш учун вақтинчалик чора сифатида мавжуд бўлган барча жамоат ташкилотларидан (партиядан эмас) фойдаланишни маслаҳат берган.

Пленум ўша 27 июнь кунда бир овоздан янги сайлов Қонун лойиҳасини қабул қилади ва уни тасдиқлаш учун СССР Марказий Ижроия комитети сессиясини 7 июлда чақиришни тасдиқлайди.

Пленум ўз ишининг сўнгги 29 июнида Сиёсий бюронинг таклифи билан «аксилинқилобий гуруҳга алоқа-

дорликда айблаб» Марказқўмга аъзо ва аъзоликка номзодлардан чиқариш ва партиядан ўчиришни тасдиқлади.

Ўшанда, 24 июндаги пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.И. Икромовнинг Москвага, Сиёсий бюрога телеграмма билан республика ҳукумати раҳбари «миллатчилар ва аксилинқилобчи террорчилар» билан алоқаси борлигида гумон қилинаётгани ҳақидаги қаттиқ туриб қилган илтимоси бўйича ЎзССР Халқ Комиссарлар Совети раиси Ф. Хўжаевни партиядан ўчиришга ва ишини НКВДга топширишга қарор қилади.

1937 йил 28 июнида Пленум ёпилиши арафасида Сиёсий бюро ҳеч қаерда, одатдаги баённомада, на «Махсус папка»да, ҳатто канцелярияда номерлаб қўйиладиган жойда ҳам қайд этилмаган, ҳозиргача мавҳум бўлиб келаётган қарор қабул қилади. Унда сургун қилинган қулоқлар ташкилотига мансуб бўлган барча фаолларга нисбатан олий жазони қўллаш зарурлиги тан олинсин, масалани тезроқ ҳал қилиш учун ўрт. Миронов (раис), НКВДнинг Ғарбий Сибир Бошқармаси бошлиғи ўрт. Баранов, Ғарбий Сибир ўлкаси прокурори ва Ғарбий Сибир ўлка партия комитети секретари ўрт. Эйхе таркибида учлик ташкил этилсин, дейилган, Юрий Жуков бу қарор Р.И. Эйхенинг ташаббус кўрсатиб ёзган хатига акс садо сифатида юзага келган, буни қарорнинг мазмунидан билса ҳам бўлади, деган хулосага келган. Шунингдек, бу муалиф Эйхенинг 1937 йил февраль – март пленумида сўзлаган нутқида ҳам шаъма қилиб ўтган.

Ҳақиқатда ҳам ўша Эйхе ҳеч иккиланмасдан, апелляциясиз Ғарбий Сибирда кўпдан-кўп учига чиққан, ашаддий душманларнинг гуруҳлари мавжуд, улар бутун чоралар билан курашни давом эттирмоқдалар деб чиққан эди.¹ Айни Эйхе Сиёсий бюрога йўллаган хатида ўлкадаги «исёнчи аксилинқилобий ташкилот бу жойдаги сиёсий барқарорликка хавф солаётгани, айниқса сайлов кампаниясини тайёрлаш ва ўтказиш даврида у кучли хавф солиши мумкинлиги, шунинг учун Сиёсий бюродан «учлик» тузиш ва унга ўлим ҳукми чиқариш ҳуқуқини беришга санкция сўрагани, у очикдан-очик мавжуд суд тизимини инкор этиб, ҳаттоки фавқулоддаги қонунларни ҳам менсимаган эди. Ахир у 1930 йилда иш услубида қаттиққўлликка, волюнтаристик ёндашувга муккасидан кетиб ўзининг ному-тасаддилиги учун Сибирдаги масъул ходимларнинг катта гуруҳининг кескин, очик норозилигига учраган эди.

¹ Вопросы истории, 1993, №6, стр 5.

1934 йили ғалла тайёрлаш жараёнида Эйхе Сиёсий бюродан унинг худуди микёсида икки ой (19 сентябрдан 15 ноябргача) давомида олий жазони қўллаш учун санкция сўраган эди. Демак, Эйхе иккинчи марта «учлик» тузиш ташаббуси билан Сиёсий бюрога мурожаат қилган. Бундай «учлик» тузиш ҳеч қандай қонунда кўрсатилмаган эди. Бундай қилиш суддан ташқари иш кўриш, уни инкор этиш, ҳарбий дала судига баробар эди. Бундай ноқонуний тажриба биринчи рус инқилоби даврида ҳам қўлланилган эди.

«Учликлар» айрим республикаларда уруш даврида ҳам тузилган ва фаолият кўрсатган. Марказий Комитет Сиёсий бюроси 1943 йил 14 мартдаги йиғилишида яна «учликлар» ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Марказда В.М.Молотов ва А.И.Микоян қўллаб-қувватлаётган маҳаллий раҳбариятнинг ташаббуси билан Ўзбекистонда социалистик мулкни талон-торож қилиш ва ўғирлашга чек қўйиш ва олдини олиш учун ўғирловчиларга қарши репрессияни кучайтириш учун «учлик» ташкил бўлган.

Бу «учлик» Ўзбекистон Компартияси МК котиби, Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссари ва республика прокурори таркибда фаолият кўрсатганлар ва улар 30-йиллардаги «учликлар»га ўхшаш эди. Унга суддан ташқари ҳолда социалистик мулкни ўғирлаган ва талон-торож қилганлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқи берилган. «Учлик» мол-мулкни конфискация қилиб 50 кишини отувга ҳукм қилиш ва ҳукмни матбуотда прокуратура номидан эълон қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Бандитчилик, талончилик, ёвуз безориликнинг ва социалистик мулкни йирик миқдорда ўғирлашни олдини олиб, чоралар кўриш учун 1943 йил 25 мартда Қирғизистон ССРда Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети котиби, Ички ишлар халқ комиссари ва республика прокурори таркибида республикавий «учлик» ташкил этилган ва унга социалистик қонунчиликни бузиш тўғрисидаги барча ишларни кўриш ҳуқуқи берилган эди.

Бундай «учлик»га 150 кишига нисбатан олий жазони қўллаш, мол-мулкни мусодара этиш ва прокуратура номидан матбуотда эълон қилиш ҳуқуқи берилган эди.

Бу юқорида қайд этилган икки «учлик» энг сўнгги «учлик» эди, бундан кейинги йилларда Марказий Коми-

тет Сиёсий бюроси «учликлар» тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилмаган.¹

Эйхенинг ташаббус хати ниҳоятда даҳшатли тоғ вулкониинг юзага келишига сабаб бўлади. Уч кун ўтиб, 1937 йил 2 июлда сиёсий бюронинг яна битта қарори чиқади. Учлик тузиш ва у орқали отув ҳукми чиқариш тўғрисида Эйхега берилган санкция миллий компартиялар, область ва ўлка партия комитетлари биринчи секретарларига ҳам берилади. Ўша қарорда бир вақтлар турли областлардан Шимол ва Сибирь районларига сургун қилинган собик кулоқлар ва жинойтчиларнинг катта қисми сургун муддати тугагач, ўз областларига қайтиб келиб, колхоз ва совхозларда, транспортда ва бошқа баъзи саноат тармоқларида ҳар турли антисовет ва диверсион жинойтлар қилаётганликлари кайд этилган.

ВКП(б) МК шу муносабат билан барча областлар ва ўлкалар партия ташкилотлари секретарларига ҳамда НКВДнинг республикалар, областлар, ўлкалар вакилларига ўз яшаш жойига қайтиб келган барча кулоқлар ва жинойтчиларни ҳисобга олиш ва улардан энг хавфлиларини тезкорлик билан қамоққа олишни ва уларнинг ишларини маъмурий тартибда учликларга бериш ва улар орқали отиб юбориш, қолганларини унча фаол бўлмаган, бироқ душман унсурлар бўлгани учун НКВД кўрсатган районларга сургун қилиш тавсия этилган.

ВКП(б) МК беш кун муддатда Марказий Комитетга учликлар таркибини ва шунингдек отувга ҳукм қилинадиганлар билан сургун қилинадиганлар миқдорини тақдим этишни талаб этган.

1937 йил 1 июлда И.В.Сталин Кремлдаги кабинетидеда Молотов билан биргаликда Узоқ Шарқ ўлка комитети секретари И.М.Варейкис², Саратов ўлка комитети секретари А.И.Криницкий, Озарбайжон Компартияси Марказий комитет секретари М.Д.А.Багиров, Горький обкоми секретари А.Я.Столяр, Сталинград обкоми секретари Б.А.Семеновларни қабул қилади. 2 июл куни эса Сталин қабулида Омск обкоми секретари Д.А.Конторин, Харьков

¹ *Мозохин О.Б.* Право на репрессии. Внесудебные полномочия органов государственной безопасности 1918–1953) «Кучковополе» Москва Жуковский. 2006, 229-бет.

² *И.М. Варейкис* (1894–1938) 1923–1924 йилларда Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари бўлиб ишлаган.

обкоми секретари Н.Ф. Гикало, Қирғизистон Компартияси Марказий комитети секретари М.К.Амосовлар бўладилар.

Шуниси диққатга сазоворки, улар Сталин кабинетига биргаликда эмас, бирин-кетин, алоҳида-алоҳида кириб чиқишган ва узоқ суҳбатлашишган. Варейкис билан қилинган суҳбат икки соатдан ошиб кетган, Булатов билан 1 соатча суҳбат қилинган, қолганлар билан бўлган суҳбат 40, 30, 15 минутдан иборат бўлган. Юрий Жуков 1 ва 2 июлдаги суҳбатларда гап нималар ҳақида боргани аниқ эмаслигини таъкидлаб, бироқ ўша 1 ва 2 июлдаги суҳбатлар Эйхенинг хатида кўтарилган масала атрофида бўлса керак деб ҳисоблайди. Сталин кабинетига кирганларнинг барчаси, Варейкисдан тортиб Булатовгача Сталиндан Ғарбий Сибирь партия ташкилоти раҳбариятига, Эйхега берилган ваколат, ҳуқуқ берилиши талаб қилинганга ўхшайди. Варейкис билан Булатов кенг раҳбарият кўпчилигининг фикрларини баён қилган бўлсалар керак.

Аммо нима бўлганда ҳам, биринчи котиблар билан икки кунлик музокаралардан сўнг Сиёсий бюронинг 2 июлдаги қарори қабул қилинган.

Ўша куннинг ўзида тор раҳбарият аъзоларидан икки кишининг Сталин билан Молотовнинг ишчи учрашуви кундуз соат 2 -ю 10 минутдан бошланиб, кеч соат 7 -ю 45 минутгача давом этган. Яна шу ҳам қизиқки, 1 июль куни партия назорат комиссияси раҳбари М.Ф.Шкирятов, 2 июль куни эса ОРПО¹ мудири Г.М.Маленковлар, яъни Марказий Комитетнинг барча партия аъзоларини тўғридан-тўғри назорат қилиш, Сиёсий бюро номенклатурасига кирган партия ходимларини ишга қўйиш, ишдан олиш, бошқа жойга кўчириш билан шуғулланувчилар амалда Сталин хузурида бўлишган.

Сталиннинг Кремлдаги кабинетида 1 ва 2 июль кунлари бўладиган бу 9 нафар биринчи котибларнинг 6 нафари – Варейкис, Криницкий, Багиров, Столяр, Семенов, Булатовлар Москвага биринчилардан бўлиб «учлик» таркибинини ҳамда отувга ва сургун қилишга ҳукм қилинадиганлар миқдорини хабар қилганлар.

Хуллас, Эйхе ва унинг маслакдошлари оммавий қатағонни ўтказиш талаби билан чиққанлар. Мамлакатда жуда даҳшатли қатағон бошланган. Ўн ва юз минглаб деҳқонларга қарши қаратилган катта кўламдаги бу қатағон

¹ ОРПО отдел руководящих партийных органов (Партия органлари раҳбарлик бўлими).

биринчи галда область ва ўлка партия комитетлари биринчи котиблари учун фойдали эди. Чунки улар биринчи ва иккинчи беш йилликларда, коллективлаштириш жараёнида ўзларига қарши кўплаб душман орттириб олгандилар, ҳали-ҳамон, аҳолининг кенг табақасининг уларга қарши нафрат-ғазаби сўнмаган эди. Колхозчилар, совхоз ишчилари, ваҳшийларча ёпиб қўйилган черков, масжид хизматчилари, руҳонийлари, озиқ-овқат ва кенг истеъмол товарлар билан таъминловчи жирканч ташкилотлардан норози бўлган ишчи ва хизматчиларнинг ана шу партия раҳбар органлари ходимларига нисбатан ишончи йўқолган, аксинча уларга қарши нафрат-ғазаби ортган эди. Айниқса биринчи ва иккинчи беш йилликларда амалга оширилган карточка системаси аҳолида кучли норозилик уйғотган эди.

Шу боис маҳаллий партия раҳбарлари ўтказиладиган умумий ва тенг, яширин, тўғридан-тўғри, муқобил сайловдан даҳшатга тушиб қўрққанлар. Икки лавозимдан жудо бўлиш улар учун оғир фожиа эди. Улар Совет раҳбар органлари лавозимларидан, чекланмаган ҳокимиятдан маҳрум бўлардилар. Ахир ўтган ўн йиллар давомида ўлка ва область партия комитетлари котиблари аввал бошда советларнинг Бутун Иттифоқ съездларида депутатлар бўлиб, албатта сайланардилар ва ўша съездларда СССР Марказий комитетига аъзо бўлиб ҳам олардилар. Ташқаридан эса гўё улар ўлка ва областларнинг бутун аҳолиси томонидан бир овоздан тўла қўллаб-қувватлангандек ҳисобланарди.

Депутатликдан жудо бўлиш, янги сайлов тизимига кўра эса СССР Олий Совети депутатлигидан маҳрум бўлиш – бу ҳам партиясизлар, ҳам партия аъзолари оммаси ишончини йўқотганлигини англатарди. Шундай ҳолатда муайян биринчи котибнинг ўз лавозимида, партия органларидаги вазифасида бундан сўнг қола оладими? деган савол туғилади.

Бундай ходимни ОРПО тақдими бўйича Сиёсий бюро бошқа лавозимга, аниқроғи хўжалик ишлари бўйича бирон-бир лавозимга қўйиши мумкин эди.

Сиёсий бюронинг 2 июлдаги қарори чиқиши билан, бу қарор циркуляр тарзда ўша кунгича барча Миллий компартиялар Марказий комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига юборилди. Жойларда партия фаоллари йиғилишлари ўтказилиб, июнь пленуми қарорларини бажариш бўйича резолюциялар қабул қилинади. Биринчи бўлиб Москва ва Ленинград шаҳарлари партия фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди.

Москвадаги йиғилишда Н.С.Хрущёв маъруза билан чиқади. У жумладан, «Ҳар бир партияли ва партиясиз большевикларнинг тубан кишилари, япон-герман фашистик агентлар, троцкийчи, зиновьевчилар, ўнгллар, бу жосуслар, диверсантлар ва қотиллар ҳар қанақасига сайловлардан ўзларининг душманлик аксилинқилобий мақсадларида фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Барча халқ душманларини фoш қилиш, илдизи билан йўқ қилиш ва тор-мор қилиш советларга сайловларни ўтказишнинг, Сталин конституциясини жорий қилиш ва мамлакатимиз янада коммунизм сари ғолибона ҳаракати муваффақияти учун муҳим шарт ҳисобланади» деб айтган. Ленинград партия фаоллари йиғилишида ҳам ўшандай агрессив, кескин резолюция қабул қилинади.

Сиёсий бюронинг 2 июлдаги қарорига кўра 7 ва 8 июлгача регионлар ўз худудлари бўйича қамоққа олинадиганлар миқдорини тақдим қилишлари керак эди.

Биринчи бўлиб Қрим, Татар ва Удмурт обкомларидан жавоб келади. 9, 10 ва 11 июлида бошқа минтақалардан кеч бўлса ҳам маълумотлар Москвага келиб тушади. Кеч қолиб маълумот беришга сабаб биринчи котиблар ва НКВД маҳаллий бошқармалар бошлиқлари жазо операцияларини ўтказиш учун ҳали тайёр эмас, «собик қулоқлар» ва «жиноятчилар»нинг антисовет чиқишлари ҳақидаги маълумотларга эга эмас эдилар. Яширин ташкилотлар ва уларнинг «иштирокчилари» ва «раҳбарлари» тўғрисида маълумотлар олиш ниҳоятда қийин эди. Регионал партия ташкилотлари раҳбарларидан сўралган ва Сиёсий бюрога тасдиқлаш учун тақдим этилган «лимит»га кўра Ўзбекистондан 1-тоифа бўйича 1489 киши, 2-тоифа бўйича 3952 киши, жами 5441 киши қатағон қилиниши режалаштирилган¹.

СССР Ички Ишлар Халқ Комиссари Ежовнинг 1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли буйруғи ва 31 йилда Сиёсий бюро томонидан тасдиқланган разнарядка бўйича Ўзбекистондан 750 киши отувга, 4000 киши сургунга ҳукм қилиниши кўрсатилган.² Демак, А. Икромов тақдим этган рақамни Марказ бир оз озайтирган, деярли 50 фоизга камайтирилган. Бироқ амалда республика бўйича отиладиган ва қамок жазосига ҳукм этилиб сургун қилинадиганлар миқдори режадагидан бир неча баробар ортиғи билан бажарилган.

¹ Жуков Юрий. Иной Сталин, 445–456-бетлар.

² «Трагедия советской деревни, т. 5. Книга 1, 331–333-бетлар.

Россия тарихчи ва сиёсатчилари сўнги вақтда Сталинга нисбатан уйғотилган нафрат сабаблари, 1956 йили КПСС XX съездида нима сабабдан Сталин шахсига сиғиниш масаласи кўтарилгани ҳақидаги масала юзасидан янги талқинларни илгари сурмоқдалар. Улардан бири Юрий Игнатъевич Мухиндир.¹ Унинг мушоҳадаларида, ғояларида муҳим маъно-мантиқ кўзга ташланади. Улардан айримларини келтирамиз.

1956 йили КПСС партия номенклатураси Хрушчёв орқали совет халқини ҳалокатдан қутқариб қолган 1937 йилдаги репрессияни Сталиннинг жиноятидир деб эълон қилди. Ўша номенклатура жумладан, 1957 йилдаёқ генерал Павловни реабилитация қилган. Ушбу далилдан келиб чиқиб Ю.И. Мухин икки принципиал хулосага келган.

Биринчидан, нима сабабдан КПСС партия номенклатурасига Сталинни бадном қилиш, обрўсини тўкиш жуда ҳам керак бўлиб қолган, қолаверса, съездда Сталинни ҳимоя қилиб бирон-бир кимса кўтарилмаган? деган савол қўйиб, Сталинни қоралаш нафақат Хрушчёвга, ҳатто КПССнинг барча партия корчалонларига керак бўлиб қолган эди, деб хулоса ясайди.

Иккинчидан, қарийб 30 йил мобайнида СССРнинг бошқариб турган Сталин юз минглаб хўжалик, ҳарбий кадрлар ва бошқа соҳалар бўйича давлат қарорларини қабул қилган. Эҳтимол, бу қадар катта миқдордаги қарорларда юзлаб хатолар бўлиши мумкин ва агар исталса, уларни жиноятга йўйиш ҳам мумкин. Бироқ партия корчалонлари бошқа эҳтимолдан йироқ йўлдан бориб Сталиннинг хизматларини жиноятга айлантириб иш кўрдилар. Чунки партия функционерлари Сталиннинг 30 йиллик фаолиятдан уни қоралайдиган бирор арзигулик айб топа олмаганлар. Бор-йўғи 10 йил ҳокимият тепасида турган Хрушчёвни партиянинг ҳукмрон табақалари бўз, қўриқ ерни ёмон ҳайдаб, шимолга маккажўхори экишни жорий қилмоқчи бўлгани, умумиттифоқ министрликларини совнархозларга айлантириб СССРга зиён етказганликда айблаб» ҳеч қандай муаммосиз ишдан олишди.

Сталиннинг барча сафдошларининг ўзлари кимлар эди? Улар анқов, эси паст, қўрқоқ хизматкорлар эдилар, уларни Сталин шу қадар қўрқитиб қўйган эдики, оқибатда бу хиз-

¹ *Мухин Ю.И.* Антироссийская подлость. М. Крёмский мост. – 9 Д. Форум. 2003. **Унинг ўзи.** За что убит Сталин. Москва. «Яуза», 2005.

маткорлар Сталиннинг зиёнига турли-туман жиноятларни ўйлаб чиқардилар. Сталин даврида Сиёсий бюро аъзоси ва Сталинни бадном қилиш бўйича Хрушчёвнинг сафдоши бўлган ўта қўрқоқ, анқов А.И.Микоян мана буларни айтган: «**Бизлардан кимдир вақтидан олдин бирор оғиз сўз айтадиган бўлса, бизлар нариги дунёга жўнатилардик**». Хитой маршали Пэн Дэхуа унга нафрат билан қараб «Агар сизлар ўлимдан шунчалик қўрқар экансизлар, сизлар қанақа коммунистларсиз», – деб айтган гапи анекдотга айланиб кетганди. Партия номенклатурасидагиларнинг кабиҳлиги мислсиз чуқур илдиз отган эди. Улар Сталинга тухмат қилиш учун ҳеч нарсадан тоймаганлар. Репрессияда энг кўп адолатсизлик рўй беришининг ташаббусчилари Сталин эмас, аксинча ўша вақтдаги область партия комитетлари секретарлари бўлган. Улар адолатсиз ҳукмлар чиқарганлар, аксинча, бу соҳада уларни Сталин шаштидан тўхтатиб турган, уларнинг ўзлари тобора кўп одамларнинг умрига зомин бўлганлар. Бу фикрнинг исботи учун Юрий Мухин ВКП(б) Москва шаҳар партия комитетининг секретари Н. Хрушчёвнинг мана бу хатини келтиради: «**ВКП(б) Марказий Комитетига ўртоқ И.В. Сталинга. 1937 йил 10 июнь.**

Шуни маълум қиламанки, жазони ўтаб ва Москва шаҳрида ва Москва областида ўрнашиб қолган жиноятчилар ва қулоқ унсурларнинг ҳисобга олинган жами миқдори **41305** кишидир. Улардан жиноятчи унсурлар **33436** киши ҳисобга олинган. Мавжуд бўлган материаллар **6500** жиноятчини **1**-категорияга ва **5272** кишини **2**-категорияга ўтказиш учун асос бермоқда. Жазони ўтаган ва Москва шаҳрида ва областининг бошқа районларида ўрнашиб қолганлардан **7869** киши ҳисобга олинган.

Мавжуд бўлган материалларга кўра бу гуруҳдагилардан **2000** кишини **1**-категорияга, ва **5869** кишини **2**-категорияга ўтказиш учун асос бор. Комиссия таркибини Москва области бўйича **НКВД** Бошқармаси бошлиғи – Реденс, Москва области прокурори ўринбосари Маслов, Москва шаҳар партия комитети секретари Н.С. Хрушчёв ўртоқлардан (зарурат туғилганда Москва шаҳар партия комитети иккинчи секретари А.А. Волков билан алмаштириш ҳуқуқи билан) иборат тасдиқлашни сўраймиз.

ВКП(б) МК Секретари Н. Хрушчёв».¹

¹ Мухин Юрий. Кўрсатилган адабиёт, 99-бет.

Бу жойда икки ҳолатга эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, суд, НКВД область бошқарма бошлиғи, прокурори ва область партия комитети секретаридан иборат бўлиб, у «махсус учлик», «фавқулодда учлик» ёки жўнгина «учлик» деб аталган. Н. Хрущёв эса учликнинг шахсий таркибини тақдим қилиб, уни нимагадир «комиссия» деб айтмоқда. Нима учун?

Чунки Хрущёв репрессиялар ҳақида илтимос қилган вақтда Сиёсий бюро ва Сталин ҳали бу ҳақда қарор қабул қилмагандилар ва шунга мувофиқ репрессия қилувчи органнинг номини ҳали бермаган эдилар, Сталин ҳали бу ҳақда ўйлаётганди. НКВДнинг репрессияни бошлаш тўғрисида ва уни ким ва қандай қилиб ўтказиши ва бундай судни нима деб аташ тўғрисидаги буйруқ Хрущёв 8500 кишини ўлдириш ҳуқуқини беришни сўраб хат ёзган вақтдан 20 кун кейингина чиқарилган эди.

Иккинчидан, нафақат жинойтчилар ва қулоқлар, балки исёнчи, антисовет ва миллатчи ташкилотлар аъзолари, советларга қарши фаолиятни тўхтатмаган партиялар ҳамда оқ гвардиячилар бирлашган аъзолари, сиёсий банд ва жазо берувчилар аъзолари ва ҳоказолар репрессияга тортилиши кўзда тутилган эди. Хрущёв эса фақат «Бешинчи колонна»нинг икки отряди – қулоқлар ва жинойтчилардангина 8,5 минг кишини отишга рухсат сўраган. 1937 йили 30 июлда эса унга «Бешинчи колонна» аъзоларидан жами бўлиб 5 минг кишини отишга, 30 минг кишини эса сургун қилишга рухсат берилган. Шунинг ўзидан Хрущёвнинг қанчалик қонхўрлигини ва эркин сайлов олдида қанчалик кўрққанини билиш мумкин. У ахир кейин ҳам Москва ва Москва области бўйича отиш лимитини кўпайтириб берилишини қайта-қайта сўраган ва охир-оқибатда 8500 кишини отилишига эришган.

Ёки бўлмасам Хрущёвнинг сафдоши бўлмиш А.И. Микоян юқорида айтилганидек агар репрессияга қарши чиққудек бўлсак, Сталин бизни шу захотиёқ отиб юборарди, шу боис индамай туриш керак эди деб Хитой коммунистларини ишонтирмоқчи бўлган эди. Йўқ асло бундай бўлган эмасди. Аслида эса Анастас Иванович жим турмаган, у Арманистонда СССР Олий Советига депутатликка сайланишда, аксинча, дод солган. Далиллар келтириш мумкин:

«ВКП(б) МКга, ўрт. Сталинга, Ички ишлар комиссари ўрт. Ежовга.

Арманистонни ҳақиқий тозалаш учун дашноқ ва бошқа антисовет унсурлардан қўшимча 700 кишини отувга ҳукм қилиш учун рухсат беришни сўраймиз. Биринчи категория бўйича 500 кишини отиш учун берилган рухсат аллақачон бажариб бўлинди.

Микоян, Маленков, Литвин».¹ Бу ўринда Н.А.Мухитдиновнинг мана бу эсдалиги ҳам диққатга сазовордир; «...Қисқа мажлис хулосасини қўлга олдим. Унда Икромовнинг аризаси баёни, унинг тушунтиришлари, саволлар ва жавоблар, унинг сўнгги сўзи, Сталиннинг танбеҳи, иш муаллифларининг фикр-мулоҳазалари, секретариатга берилган топшириқ акс эттирилганди. Мажлис баёни билан танишиб чиққач, Пётр Николаевич Поспеловдан сўрадим:

– Нима сабабдан Каганович, Берия, Ежов, Микоянлар Сталин ижобий фикр билдирганига қарамасдан, Икромовни отиб ўлдириш ҳақидаги фикрларга қаттиқ ёпишиб олдилар?

Улар, – деб жавоб берди у, – афтидан, Икромовни ўлдиришдан манфаатдор эдилар...»² Хрушчёв ҳам, Микоян ҳам, Маленков ҳам ва бошқа юзлаб уларнинг партиядagi хизматдошлари Сталинга бўҳтон қилганларида ўзлари мислсиз энг пасткаш аблаҳ одамлар эканини англамасликлари мумкин эмасди, бундай аблаҳлар нафақат ҳалол одам олдида, ҳатто ўзлари олдида ҳам шармандаю шармисор бўлгани, уятга қолганини билган бўлсалар керак. Лекин улар ана шундай разилликка бордилар. Нима учун? Хрушчёвчиларда бундай саволга стандарт жавоб тайёр эди. Сталин шахсига сиғинишни фош этиш коммунистларга жуда ҳам зарур бўлган, бундан сўнг партия барчани ўзини мақташга мажбур этувчи бир киши томонидан эмас, балки коллегиял бўлиб бошқарилиши керак, деган фикр илгари сурилган.

Хрушчёвчилар сўзи билан айтганда, XX съезддан кейин гўё кимдир ёзувчиларни ўзларининг романларида, режиссёрларни ўз фильмларида, тарихчиларни ўз асарларида,

¹ «Московские новости», 1992, №25, с. 19.

² Мухитдинов Нуритдин. Кремлда ўтган йилларим. 1-китоб. Тошкент. «Ўзбекистон», 1995. 156-бет.

журналистларни ўз газета ва журналларида ўзини мақташга мажбур этишга йўл қўймаслик керак эди.

Тадқиқотчи Юрий Мухин «Красноармеец» журналининг 1943 ва 1944 йилдаги тахламларини варақлаб чиқади. У уруш бораётганда аскарларнинг асосий газетасида Олий Бошқўмондон Сталиннинг сурати ҳеч бўлмаганда ҳар бир сонидан босилган бўлса керак деб ўйлаган. Журналнинг 1943 йилги подшивкасида деярли 1200 расм босилгани ҳолда атиги бир марта қаламда чизилган Сталин портрети босилган, 1944 йилги подшивкада эса 3 марта Сталин расми чоп этилган, холос.

1964 йили нашр этилган уч жилдлик «История Великой Отечественной войны Советского союза. 1941–1945» китобдаги 148 сурат ичида фақат биттаси Сталинга мансуб, у ҳам Қрим конференциясида Рузвельт ва Черчилль билан бирга тушган сурати босилган эди, холос.

Гап бу ерда Сталин ўзини мақташга мажбур қилганлигида эмас, гап, энг аввало, Сталин мамлакат бойлигини ўғирлашга йўл қўймаганидир. Тўғри, Сталин партия корчалонларининг ўғрилик қилишига халақит берган. Бундан улар жуда хафа бўлганлар. Ҳозирги кунда КПССнинг собиқ партия корчалонларининг қайта куриш ва СССРнинг қулаши давридаги ўғирликларини кўриб, Сталин давридаги партия корчалонларига ҳам қийин бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин.

Улар улкан ҳокимиятга эга эдилар, унинг ёрдами билан ҳамма нарсани ўғирлаб олишлари мумкин эди.

Коммунист Сталин билан керакли жойда, керакли вақтда коммунистлар родини ижро этишни ўрганиб олган аблах мунофиқ коммунистлар ўртасида чуқур жарлик мавжуд эди.

Сталин даврида бирон-бир кимса ўзини аҳмоқликка сола олмасди. Бўйсунувчи ходимнинг ўз бошлиғига совға бериши икки ҳолатда рўй беради: бошлиқ ўзига пора олиш учун ходимларини мажбур қилади, ёки бўйсунувчи ходим ноқонуний йўл билан бирор нарсани бошлиғидан сўраганида пора беради.

СССРда фақат бир инсон Сталингина ҳеч иккиланмасдан, ўйлаб-нетмай совға олган. Нимаики унга совға қилинган бўлса, ўша заҳотиёқ ўртоқ Сталин совғалари музейига бериб юборилган ва бу музей аслида халқ ижодиёти ва маҳорати буюмлари кўргазмаси эди. Бошқа бошлиқлар

эса нима учун ва кимдан қандай совға олиш ҳақида ўйлардилар.

«КВ» танкаси ишлаб чиқарадиган Ленинграддаги Киров номли завод директори Исаак Моисеевич Зальцман урушдан кейин бошлиқлардан, СССР ҳукумати бошлиғи Сталинга, Марказий Комитет котиби А.А. Кузнецовга, Ленинград шаҳар ва област партия комитети секретари П.С. Попковга совға бермоқчи бўлган. Биринчи совға олтидан қилинган қимматбаҳо тошлардан ясалган қилич ҳамда олтин корпуслик соат, иккинчи совға олтин корпусли соат, учинчи совға бронзадан қилинган сиёҳдон прибор бўлган. Бу совғаларнинг қайси бири кимга аталганини бир ўйлайлик. Улардан энг содда, энг арзони Сталинга тақдим қилинган.

Қимматбаҳо совға олган А.А. Кузнецов ва П.С. Попковлар тўғрисида 1948 йили маълум ишлар очилгач, ана шу совғалар ҳам юзага чиқади. Бу ҳар икки партия корчалони отилади, Сталин директор И.М. Зальцманни орқасига тепаиб, партиядан ўчиради.

Маълумки, урушдан сўнг дарҳол хотинлар, эрдан жудо бўлган тул хотинлар ўзларининг тилла буюмларини мудофаа фондига бераётган бир пайтда Сталин олтин совға олармиди. Йўқ, албатта. Завод директори И.М. Зальцман аҳмоқ эмасди, у олтидан қилинган совғани қувонч билан оладиган партия корчалонлари Кузнецов ва Попковга тайёрлатганди. Сталин вафотидан сўнг Хрушчев Зальцманни «Сталинизм асоратининг азобини тортганлар» сифатида тиклади. Бу каби «азобланганлар» СССРдаги юқори партия–давлат бюрократиясида талайгина эди.

Уруш вақтида авиация саноати халқ комиссари Шахурин режага мувофиқ қирувчи самолётлар ишлаб чиқаришга улгурмаётганди. Сталинга бу ҳақда хабар бериб айбига икром бўлиши керак эди. Бундай қилинса, бирон-бир хавф бўлмасди, Сталин кечирган бўларди, нари борса сўкиб кўярди ёки Шахуринни лавозимидан бўшатарди. Аммо Шахурин бундай қилмасдан чиқарилаётган самолётлар сифатига кўзини юмиб ишни давом эттиришга буйруқ берган. Қирувчи самолётлар деталларининг шурупларни винт (бурама мих) билан мустаҳкамлаб қўйиш ўрнига шунчаки оддий фанерларга қоқиб қўйилган. Самолёт бир текис ишлаб чиқарилаверган, режа бажарилаверган. Шахурин ҳам Зальцман сингари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлади.

Фронтда, жангда эса ана шу қирувчи самолётлар жуда ҳам кескин бурилишлар чоғида қулаб тушганлар, учувчилар эса ҳалок бўлганлар. Бундай «қирувчилар»дан бир неча минги ҳаракатдаги армияга юборилган, қанча учувчилар ҳалок бўлганини ҳозир ким ҳам ҳисоблаши мумкин?

Авиация заводларида ҳарбий вакиллар фронтга яроқсиз самолётлар юборилгани ҳақида айюҳаннос солиб ишчи-деҳқон қизил армияси авиация Бош қўмондони, икки марта Совет Иттифоқи қаҳрамони, маршал Новиковга хабар бергандилар. Аммо Новиков Шахуриннинг қариндоши бўлган, шу боис ўз қариндошини хафа қилишни истамас эди. Чунки уларни фронтда қанча учувчи ҳалок бўлгани ҳеч қизиқтирмаган, хотинлар янгиларини туғиб беради деб ўйлаганлар.

Айни вақтда қаҳрамонлик юлдузларини олиш улар учун жуда муҳим бўлган. Новиков Шахуринга ёрдам бериб унинг фронтга яроқсиз самолётлар бериб турганини яшириб, бундай яроқсиз самолётларни қабул қилиб олишга буйруқ бериб турган. Юз берган ҳалокатни, учувчиларнинг ҳалок бўлишини немисларга тўнкаб ёзганлар. Бироқ урушдан сўнг уларнинг бундай ярамас, аблахликлари очилиб қолади ва Сталинга етказилади. Сталин қанча учувчилар ҳалок бўлганига бефарқ қарай олмасди. Шахурин ва Новиков барча мукофотлардан маҳрум қилинади ва қамоққа олинади¹. Аммо улар ҳам кейинчалик сталинизм қурбонлари деб ҳисобланди.

Шу мисоллардан коммунист Сталин билан аслида фақат отиб юборишга лойиқ бўлган, ўзларини коммунистлар деб атаганларнинг йўллари кескин фарқланишини англаш мумкин. Партиянинг тубан, разил кишилари эса масаланинг шу тарзда қўйилиши билан келиша олмайдилар.

Сталинни булғаш ва ўзларини балчиққа ботириш КПСС XX съездида юз беради.

Ахир Сталиннинг ўзи энди йўқ эди ва ўғирликка ҳеч ким ҳалақит бермасди. Демак, Сталин яна шундай бир иш қилганки, оқибатда у КПССдаги аблахларда Сталинга нисбатан доимий нафрат ва қўркув уйғотган ва бундай нафрат ва қўркувни ўша ярамаслар 1956 йили оммавий равишда намоиш этганлар, деб ёзади муаллиф.

Сталин 1936 йили Совет ҳокимиятини қайта ташкил

¹ Косолапов Р. Слово товаришу Сталину. М.: Палет, 1995, с. 140—141.

қилган ва қонунан СССРда ҳокимиятни бутун халққа берган. Бироқ у коммунистлар партиясининг ўзини қайта ташкил қилмаган эди ва унда Сиёсий бюро фаолиятда бўлиб, у Совет ҳокимиятининг тепасида турарди. Натижада амалиётда ўзгаришлар кам бўлаётганди, партия чиновниклари аввалгидек ҳукумат эгалари эди. Партияни қайта ташкил қилишга уруш халақит берганди. Айни шу уруш коммунистлар партия аппаратини давлат ҳокимиятидан четлатиш масаласини орқага суриб қўйганди.

Ҳолбуки, партия аппаратида қолдирилган давлат ҳокимияти партия ички демократиясини йўққа чиқарар, ҳамма нарса устидан бир қисм партия номенклатураси диктатураси ўрнатилар, оддий коммунистлар эса статистчилик ролига маҳкум қилинарди. Сталин шу ҳақда ғам чекди, у бор куч-қуввати билан ҳар қандай коммунистни ва фуқарони очик-ошкора ўз фикрини айтиш учун имконият яратишга ҳаракат қилди. У танқид қилишни қатъиян талаб қилди, бунда кимнидир «фикрлар плюрализми»да ёки либерализмда таажжубга солиш назарда тутмаган. Ҳар қандай танқид у ёки бу ҳолатда камчиликни кўрсатади, камчиликни йўқ қилиш эса большевикларнинг ҳокимиятни сақлаб қолишининг гарови эди. Сталин давридаги партия тозаловида коммунистларга баҳо бериш жараёни очик мажлисларда ўтказилган, бундай шароитда партиясизлар ҳам коммунистларни танқид қилишлари мумкин эди. Бу тадбир халқда хурмат қозонган эди, коммунистлар эса ўзларини алоҳида дахлсиз табақа деб ҳис эта олмасди.

Барча коммунист функционерлар тақдирида мағлуб бўлиш ва ўлим хавфи турган бир шароитда қуйи партия аппаратчилари танқиддан манфаатдор эдилар, гарчан бундай танқид ҳатто мақсадсиз бўлганида ҳам Сталин доимий равишда бирон кимса на партия аъзосини, на халқ оғзини бекитмаслигини талаб қилган.

У масалан, Москва партия ташкилоти аппаратида мана буларни тушунтирган эди: кўпинча танқид барча пунктлар бўйича тўғри бўлишини талаб қиладилар, борди-ю танқид унчалик тўғри бўлмаса, уни ҳақорат қилиш ва қоралашни бошлайдилар. Бу нотўғри ўртоқлар. Бу хавфли адашишдир. Фақат шундай талабни қўйишни синаб кўрингчи, сиз бизнинг камчиликларимизни тузатишни хоҳловчи юзлаб ва минглаб ишчилар, ишчи мухбирлари, қишлоқ мухбирлари оғзини ёпиб қўйган бўласиз, аммо уларнинг айрим-

лари баъзан ўз фикрини тўғри ифодалай олмайдилар. Бу ўз-ўзини танқид қилиш эмас, балки гўрдири. Мана шунинг учун, менимча, агар танқидда 5–10 фоиз ҳақиқат бўлса, у ҳолда бундай танқидни табриклаш лозим, диққат билан тинглаш ва соғлом мағизни ҳисобга олиш керак.

Пастдан қилинган оммавий танқид, пастдан туриб назорат қилиш бизга керак, дарвоқе, миллионлаб омманинг бу тажрибаси бекорга йўқотилмаслигини ҳисобга олиш ва ҳаётга татбиқ қилиш зарурдир.

Шундан навбатдаги вазифа келиб чиқади: бюрократизм билан ашаддий курашиш, пастдан туриб қилинадиган танқидни оммавий ташкил қилиш, бу танқидни бизнинг камчиликларимизни тугатиш тўғрисида амалий қарорларда ҳисобга олиш¹.

Деярли ярим асрки, Сталин ўз «ҳокимияти учун» минглаб одамларни ўлдирган буюк аблах, ярамас одам деган фикр ёзувчилар, олимлар, сиёсатчилар томонидан айтиб келинди. Аммо улар масалани ана шу руҳда талқин қилувчи Сталиннинг шахсан ўз кўли билан ёзган бирон бир парча қоғозни келтира олмадилар. Бу ҳақда Сталин ёзган бирон-бир сатр ва унинг фотонусхаси ҳали-ҳануз келтирилмади. У ҳамма нарсани шахсан ўзи ёзган, унда тентаксимон ёзиб берувчилар бўлмаган. Мақолалардан тортиб маъруза матнлари, тезисларини ҳам унинг ўзи ёзган. Унинг тилшуносликка оид ёзган асар ва мақолалари барча мутахассислар томонидан эътироф қилинган. Шундай экан Сталиннинг кўлёмалари қаерда? – деган қонуний савол туғилади. Бунга Ж.Медведев аниқ ва лўнда қилиб: « ... Сталиннинг шахсий архиви унинг ўлиmidан кейин тез орада йўқ қилинган...» деб жавоб берган.

Сталиннинг оппонентлари партия мафкурачиларини коммунизм қуриш ва унга бориш йўли назарияси устида ишлашга мажбур қилган, бошқаларни мажбурлаган, ўзи эса ишламаган, деб тасдиқлашга уринганлар. Бундай даъволарга қарши Юрий Мухин жавоб қилиб, бундай бўлиши мумкин эмас, у ишлаган, лекин такрор айтаман, қани унинг кўлёмалари? деб ёзган². Сталин ғоялари унинг ўлиmidан кейин қолган номенклатура учун шу қадар кўрқинчли, даҳшатли бўлганки, бу номенклатура уларни ҳатто сақлаб туришдан ҳам кўрққан.

¹ Сталин И.В. Сочинение. Т. 11 – М. Госполитиздат, 1949.

² Мухин Юрий. За что убит Сталин, 126-бет.

Сталиннинг ана шу қўрқинчли ғояларининг бир қисми XIX съезд бўлиб, ундан ҳайвон ниқобидаги номенклатура даҳшатга тушиб қўрққан. Тадқиқотчи Ю.Мухин ана шу Сталин ғояларини очиб беришга қаратилган бир қанча далилларни илгари суради.

Партия аппарати учун кутилмаган ҳолатда 1952 йил июнида Сталин XIX съезд чақирилишига қарор қилади, августда ВКП(б)нинг янги Устави лойиҳаси нашр этилади. Сталин айни партия мақоми ва унинг ташкилий тузилишини ўзгартириш учун съезд чақирган. Очкўз раҳбарлар Сталинни ҳам, мамлакатни ҳам ғажиб еб қўйган эдилар. Чоралар кўриш вақти келган эди. Бу борада Сталиннинг ўз йўли, қарашлари мавжуд эди.

Партия аъзоларининг 99 фоизи Уставнинг янги матнidan бирон-бир янгиликни пайқамаган эди. Улар партия сафини кескин ўзгариши муносабати билан партия раҳбар органлари таркибида унинг миқдори ортади, партиянинг ўзи янги ном билан аталади деб ўйлаганлар холос. Бироқ Сталин жуда ҳам ақлли одам бўлганки, у ҳар бир ҳужжатни зарурат тақозоси билан ҳатто вергулигача кунт билан қараб чиққан.

Янги Устав бўйича **«Бутун Иттифок (большевиклар) Коммунистик партияси»** номини **«Совет Иттифоқи Коммунистик партияси»**га ўзгартирилишининг асл маъноси фақат Сталинга аён эди.

Биринчи ном партия давлатдан, Совет ҳокимиятидан мустақил эканини барчага аңлатган. «Бутуниттифок» ибораси бутун жаҳон коммунистик интернационалнинг бир қисми сифатида фаолият кўрсатаётган ҳудудни аңлатарди. 1943 йили Коминтерн тутатилгунга қадар ВКП(б)га аъзолик билетининг титул варағида: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деб ёзилган ва ўртасига «партия билети» ва энг пастада «ВКП(б) – Коммунистик интернационал секцияси» ёзуви бўлган.

Янги ном партияни давлатга бутунлай жонсиз қилиб боғлаб қўярди, партия гўёки СССРнинг мулки, Совет ҳокимиятининг структуравий қисми бўлиб қоларди. Масалан, Совет Иттифоқи ҳукумати, Совет Иттифоқи мудофаа министрлиги тушунчаларига ўхшаб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тушунчаси ҳам юзага келган эди.

Бундан кейинги ўзгаришлар туб ўзгаришлар эди. Марказий Комитет Сиёсий бюроси ўрнига фақат Президиум

шаклланиши кўзда тутилди. Кўплари буни бир хил раҳбар орган деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатдан ҳам номенклатура Сталинни ўлдириб бу органни ўзгартирмади, 1966 йилдагина аввалги ном Президиумга қайтилди. Номенклатура нима қилганини эмас, Сталин нима қилмоқчи эканини билиш муҳимдир.

Бюро – бир неча кишидан иборат суверен раҳбар, бюро ўз қарорини ҳеч ким билан келишмай иш кўради. Президиум эса (лотинча олдинги сафда ўтириш маъносини англатади) бошқа бир раҳбар органнинг вакилларида иборат ва у масаланинг бир қисмини ўзи мустақил ҳал қилади, йирик масалаларни эса, ҳатто уларни қабул қилган бўлса ҳам, Олий Советнинг сессиясида тасдиқлаш учун тақдим этади. Сиёсий бюронинг Президиумга ўзгартирилиши бундан буён партия бутун мамлакатга бевосита раҳбарлик қиладиган орган мақомидан маҳрум бўлиш, у фақат партияга раҳбарлик қилувчи орган бўлиб қолишини англатарди. Айтайлик, СССР Олий Совети СССР министрини ўзгартиши мумкин, лекин кейинчалик бу ўзгартириш Олий Советнинг яқин орадаги сессиясида тасдиқланиши лозим бўлган. Шунинг учун ҳам 1936 йилги СССР Конституциясида ҳам Сиёсий бюро кўрсатилмаган, аммо унга Совет ҳокимиятининг ҳар икки олий вакиллиги – Олий Совет раиси ва Министрлар Совети раиси киритилган.

Сталин мамлакатнинг ва партиянинг бошқарув органларига ҳалол, виждонли, инсофли одамларни танлаб олишга кўп ҳаракат қилган. Аммо ярамас партноменклатурадаги нобакор, аблаҳ одамлар жон-жаҳдлари билан, бор кучи билан партия бошқарувидан жой олиш учун астойдил курашганлар. Қаттиққўл Сталиндан кўрқиб ва яхши ҳаёт кечириб бўлган очкўзлик ана шу ярамас кишиларда меҳнаткаш халқ доҳийсига шундай нафрат, ғазаб уйғотган эди. Бошқача қилиб айтганда, юқоридагилар ярамас одамларни жиловлаб қола олмайдиган, бу ярамаслар эса Сталиннинг ўз ажали билан ўлишини кутиб тура олмайдиган ҳолат юзага келган эди. Айни шу нарса Сталинни ўлдириш учун мавзу бўлган эди. Аммо бу мавзу тўлиқ эмасди. Бундан мана Сталин ўз ҳаётини, ўз халқини ана шу ярамас, нобакорларга совға қилмоқда, деган фикрга бормаслик лозим. Йўқ ундай эмас. Сталин ярамасларга сўнгги жанг очган ва ўзи мудофаа қилаётган коммунизм деворлари ёнида ҳалок бўлган. Сталин ўзларини коммунистлар деб айтув-

чи текинхўрларни капиталистик текинхўрлар билан ал-
маштириш учун ўз ҳаётини бахшида этмаганди. Хавфдан
кутулишнинг рецепти бор эди.

Сталин ғалаба қилиш учун бошлаган жанг режаси асо-
сини мамлакатдаги икки ҳокимиятчилик ташкил қилган
эди. Бир томондан, моҳиятан масъулиятни ўз зиммасига
олмаган партия аппарати текинхўр бўлиб қолган ва тезда
ярамас одамлар билан тўлиб тошган эди. Иккинчи томон-
дан эса, улар устидан ғалаба қозониш учун, мамлакат ва
партияни сақлаб қолиш учун партия аппаратини давлат
ҳокимиятидан четлатиш зарур эди. Бевосита ҳокимиятдан
кетибгина коммунистлар партияси қабих, паст, нобакор-
лар учун майнавоз бўлиши ва шундай партиянинг ёрда-
ми билан «жойлашиб олиши» мумкин эди. Ўшанда партия,
ҳокимият бировни ёзувчи ёки элчи қилиб, олим ёки база
мудири қилиб жойлаштириши билан иши бўлмайдиган
ҳолат юз берарди. Партия ҳокимиятдан кетгудек бўлса,
партия аъзоси бўлишлик коммунизм учун яшашни англа-
тарди. Шундай партиянинг секретари бўлиш коммунизм
учун яшаётганлар учун ақл ва ҳалолликда энг пешқадам
бўлиш демак эди.

Партиянинг давлатни бошқаришдан кетиши Сталин
Конституциясининг тўла ҳажмда амал қилишига, давлат
ва партияни сақлаб қоларди. (КПССнинг раҳбарлик роли
тўғрисидаги пункти Конституцияда бўлишлиги фақат
Брежнев давридагина юзага келган эди). Партия мамлакат-
ни бошқариш органларини эмас, балки жамият ахлоқини
назорат қилишни давом эттирган бўларди.

Сталин Конституцияси аксилинқилобий, буржуа пар-
тиялари, меҳнаткашлар ҳокимиятига тажовуз қилувчи пар-
тиялар бўлишини ман қилиб қўйган. Бироқ бу Конституция
бир неча партиялар бўлишини ман этмаган. Коммунистлар
ўз қарашлари бўйича бир неча тамойилларда бўлиши пи-
ровард мақсад – коммунизм учун курашувчилар ва унга
эришиш йўллари бўйича курашувчилардан иборат бўлган.
Бу коммунистик муҳитдаги интеллектуал курашни янада
кучайтирарди, ҳақиқатни иташни кучайтирарди. Комму-
нистлар жамиятнинг интеллектуал ва ахлоқий элитаси бўлиб
қоларди.

Шуни таъкидлаш жоизки, жамиятни бошқаришда пар-
тия номенклатурасининг кераксизлигини назария эмас,
балки ҳаётий тажрибанинг ўзи кўрсатмоқда эди. Партия

аппарати бу жараёнда уни СССР дохийси бошқараётган вақтдагина фаол иштирок этган. Бу ўринда Коммунистлар партияси структурасини эслатиш ўринлидир. ВКП(б) Марказий Комитетининг 1937 йил февраль-март пленумида Бухарин ва унинг шериклари фаолиятини атрофлича, ҳамда чуқур ўрганиш, баҳо бериш, таклифлар киритиш учун дарҳол пленумнинг махсус комиссияси тузилади ва унга А.И.Микоян ҳам аъзо бўлиб кирган эди.

Комиссия 21 кишидан иборат бу гуруҳга «ўнг троцкийчи блок» деб ном қўйди. Уларнинг ҳаммасини Марказий Комитет таркибидан чиқариш, партия сафларидан ўчириш, ишларини тергов идораларига ошириш назарда тутилганди. Хужжатларга комиссия аъзоларининг ҳаммаси имзо чеккан, раис А.И.Микоян эса ўзидан «**Қамоққа олинсин, суд қилинсин, отиб ўлдирилсин**» деган сўзларни қўшиб ёзган эди. Суд пировард натижада Анастас Иванович таклиф қилгандек ҳукм чиқарган. Суд 1938 йилнинг 2 март куни Иттифоқ уйининг Октябрь залида бошланиб, 13 март куни тонг саҳарда – соат 4³⁰ да ҳукмни ўқиб, СССР Олий Судининг Ҳарбий коллегияси «ўнг троцкийчилар»ни олий жазога – отиб ўлдиришга ҳукм қилди:

1937 йил августида бошланган «катта террор» ўша йилнинг декабрида ўзининг юқори босқичига кўтарилган. Сабаб шуки, маҳаллий раҳбарлар операцияни тугаллаш арафасида режани бажаришга муккасидан кетиб, чираниб, шошилиб иш кўрганлар, 353074 киши қатл қилинган. 1938 йил ҳам ўзидан мудҳиш из қолдирган, 328618 киши қатл этилган. Аввалида ўша 00447-буйруқда ўртача 1 киши отувга ҳукм қилинса, 3,5 киши лагер қамоғига ҳукм қилиниши кўрсатилган эди. Операцияни тугаллаш чоғи 1938 йил ноябрь охирига келиб бу рақам 1 га 1 бўлиб қолди, яъни қамоққа олинганларнинг 49,3 фоизи отувга, 50,7 фоизи қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Мудҳиш 00447-буйруқ 75950 киши отилишини назарда тутган эди. Бу кўрсаткич 1938 йил ноябрига келиб беш марта ортиғи билан бажарилди, яъни 386798 киши отувга ҳукм қилинган.

«Катта террор» кўлами ва миқдори Туркменистон, Узоқ Шарқ ўлкаси, Иркутск, Свердловск (ҳозирги Екатеринбург) вилоятлари каби минтақаларда керагидан анча юқори бўлган. Ўзбекистон ҳам бу борада орқада қолмаган, аксинча «илғорлар» сафидан жой олган. Масалан, 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтнинг

Ўзида Ўзбекистон бўйича «кулоқ»лардан 5924 киши, «жиноятчи»лардан 1649 киши, бошқа «советларга қарши унсурлар»дан 3097 киши, жами 10700 киши қамоққа олинган. Уларнинг барчаси отув ва қамоқ жазосига ҳукм этилади. Отувга ҳукм қилинган 3915 кишидан 1376 нафари «кулоқлар», 727 нафари «жиноятчи»лар ва 1812 нафари «советларга қарши унсурлар» эди. Аслида 00447-буйруқда Ўзбекистонда биринчи категория бўйича 750, иккинчи категория бўйича 4000, жами 4750 киши қатағонга тортилиши кўрсатилган эди.¹

Н.Ф.Катковнинг ёзишича, 1937–1938 йилларда 116885 коммунист, ёки ВКП(б)нинг ҳар 9 нафар аъзосидан бири қатағон қилинган. Катта террорнинг икки йилида – ВКП(б) Марказий Комитети таркибининг 70 фоизи, Қизил армия олий команда – сиёсий таркибининг 87 фоизи (827 кишидан 720 нафари) 44 минг партия – совет ходимлари ва партия Марказий Комитети номенклатурасидаги ҳарбийлар қатағон қилинган. Таниқли тарихчи олим Г.А.Куманевнинг ёзишича фақат 1937 йил 27 февралдан 1938 йил 12 ноябригача 41679 ҳарбий хизматчилар отиб юборилган². Ана шу мудҳиш буйруқ бўйича бутун мамлакат бўйича 770 минг киши қатағоннинг кескир тигидан ўтказилган эди.

1937 йил сентябридан қатағон сиёсати янги кўриниш ола бошлайди. Маълумки, 1937 йил бошида Бутуниттифок аҳолини рўйхатга олиш ўтказилади. Унинг натижасига кўра СССР аҳолиси 168 миллион кишидан иборат бўлиб, улар 109 миллатга мансуб эдилар. Иттифок аҳолиси таркибида ўзбеклар 4 550 132 (2,8 фоиз), қozoқлар 2 862 458 (1,77 фоиз), тожиклар 1 137 995 (0,71 фоиз), қирғизлар 846 503 (0,52 фоиз), туркманлар 747 723 (0,46 фоиз), қорақалпоқлар 179 282 (0,11 фоиз), уйғурлар 109 220 (0,7 фоиз) бўлган³. Матбуотда «буржуа миллатчилиги»га қарши кампания бошланиб кетади. Бунда миллий минтақаларда кўплаб қатағон қилинганлар сепаратизмда, жосусликда, Ватанга хиёнат қилганликда айбланганлар. Қатағонлар СССРга душманлик муносабатида бўлган атрофдаги давлатлар тўғрисидаги тасаввурлар билан тўғридан-тўғри боғланиб

¹ Трагедия советской деревни., т 5, книга 1, стр. 370–373.

² Голотик С.А., Минаев В.В. Население и власть. Очерки демографической истории СССР 1030-х годов. М. Изд-во Ипполитова, 2004, стр. 166.

³ Жиромская В.Б., Киселев И.Н., Поляков Ю. А. Полвека под грифом «секретно»: Всесоюзная перепись населения 1937 г. М., 1996. С. 86–87.

кетди. Совет миллий сиёсати, миллий ва давлат ватанпарварлиги ғоялари, давлатларнинг ҳарбий жиҳатдан қарама-қарши турганлигига асосий эътибор қаратилиб, синфий курашнинг анъанавий схемаси кейинги режага суриб қўйилди. Оқибатда катағон тиғи эҳтимолдаги душман мамлакатлар фуқароларига қаратилди. Чет элликлар ва мамлакат учун чиқарилаётган «**Journal de Mockou**» газетаси 1938 йил 12 апрелидан тўғридан-тўғри «хорижда яшаётган ҳар бир япон жосус бўлганидек, хорижда ҳар бир немис фуқароси гестапо агентидир» деб ёзган эди.¹ СССР ҳудудида 1937 йили немислар 1 151 602 (0,71 фоиз), яҳудийлар 2 669 147 (1,65 фоиз), турклар 2 134 252 (1,32 фоиз) кишидан иборат бўлган.²

1937 йил 20 июлда Марказий Комитет сиёсий бюроси «мудофаа заводларида ишлаётган барча немисларни қамокқа олиш тўғрисида» НКВД органлари бўйича зудлик билан буйруқ беришга қарор қилади. 30 июлда эса немис миллатига мансуб совет фуқароларига нисбатан тегишли буйруқ имзоланади. Худди шундай қарор 1937 йил августда полякларга, кейин эса корейсларга, латишларга, эстонларга, финнларга, грекларга, хитойларга, эронийларга, руминларга нисбатан чиқди. Аввалида Хитой Шарқий темир йўлида ишлаган ва 1935 йили йўл қуриш иши туганган сўнг СССРга қайтиб келган 30938 совет фуқаролари катағон пичоғига дуч келдилар. Уларнинг аксариятига япон разведкаси агентлари деб қаралганди. СССРдан сиёсий бошпана сўраб чегарадан ўтиб келган профессионал инқилобчилар ҳам зудлик билан қамокқа олина бошланди. Давлат хавфсизлигини таъминлаш баҳонаси билан чегара худудлари ҳам «тозаланди». 1936 йил апрелида ҳукумат Украинадан 45 минг поляк ва немисларни Қозоғистонга кўчиришга қарор қилади. 1937 йили Узоқ Шарқ районларидан 172 минг корейслар Қозоғистон ва Ўзбекистонга депортация қилинади.

30-йиллар ўрталарида СССР раҳбарияти Иттифоқдаги барча халқларнинг диққатини партия, совет, хўжалик органларида, Қизил Армия раҳбарияти ичида «халқ душманлари» кўплигига ва улар ҳеч қандай жазоланмай келаёт-

¹ Шамсутдинов Рустамбек. Катта террор айбдорлари ҳақида янгича талкилар. Университет. Андижон. 2007. 67-бет

² Голотик С.И., Минаев В.В. Население и власть: Очерки демографической истории СССР 1930-х годов. Иза-во Ипполитова-М.: 2004, С 102–104.

ганига қаратди. Шу зайл мамлакатни ички душманлардан тозалаш компанияси 1937 йили оммавий тус олди. Бу жараён 1938 йилда ҳам изчил давом этган. Яқинлашиб келаётган уруш олдидан «бешинчи колонна»ни тугатиш зарурияти кун тартибига кўйилган эди. Бундай йўл маълум маънода, ўша давр, ўша сиёсат учун қисман тўғри эди. Унинг мазмуни совет режимини сақлаб қолишга қаратилган эди. Мухолифатчилар 20-йиллардагина эмас, балки тахминан 1937 йилгача ҳам Сталин ва унинг атрофидагиларни ҳокимиятдан четлаштириш йўллари ахтарганлар. Аммо Сталин ўз душманларига қараганда анча муғомбир ва шиддатли шахс бўлиб, унинг ҳокимияти қил устида турган ҳолатларида ҳам ҳеч саросимага тушмаган.

Ежов аввалига тажанг, бироқ хайрихоҳ, зийрак, жонкуяр инсон эди. Унга такаббурлик, димоғдорлик, расмият-парастлик ёт эди. Аммо Рой Медведов уни, тез орада «аклсизларча жаллод»га айланди, бунда Сталиннинг гипнозчилик таъсири ҳам бор, деб айтган.

Ежов Сиёсий Бюрога тақдим қилган ҳужжатларда мамлакатда кенг тармоқ отган троцкийчиларнинг фитна, суиқасдларининг даҳшатли манзарасини чизиб берган. Айни шу вақтда «Оппозиция бюллетени»да Троцкийнинг «яширин троцкийчилар» муваффақиятлари тўғрисида мақтовларга тўла ахбороти ҳам эълон қилинади. Тўртинчи Интернационал дохийси Троцкий кўп сонли яширин ячейкалар «полициячи операция ёрдами билан» Сталинни ҳокимиятдан четлатишга тайёр деб чиққан эди.

Ҳатто 1937 йил ўрталарида кўплаб «троцкийчилар» камокқа олинганидан сўнг ҳам Троцкий хавфсизлик органларига нисбатан ишончсизлик кўзгатишни удалай олган эди. Ҳали-ҳамон душманлар очиб ташланмаган деб ўз гушталарини янгидан-янги қатағонларга иғво йўли билан ундаётган эди. Ленинград ва Москвада бошланган «тозалов» республикалар ва районлар партия ташкилотларига етиб боради. Бундан Украина энг кўп азоб чекади.

1938 йил январиде Сталин иқтисодни кўтариш ва партия ҳамда ҳукумат органларини қайтадан ташкил этиш учун Н.С.Хрушчевни Украинага юборади. Хрушчев қатағонни амалда қувватлаб, не-не бегуноҳ инсонларни умрига зомин бўлади, шу йўсин ўзининг Сталинга бўлган садоқатини исботлайди ва келаси йили Сиёсий Бюрога аъзо бўлади.

Террор большевиклар партияси аъзоларини жазо-

лаш билангина кифояланиб қолмаган. Совет Иттифоқида яшаётган ўн минглаб чет эл коммунистлари ва минглаб сиёсий мухожирлар ҳам қатл этилган, лагерларга сургун қилинган, турмаларга ташланган. Айниқса, тоталитар режим ҳукмрон бўлган ва коммунистик партиялар яширин фаолият олиб бораётган мамлакатлардан келиб қолган коммунистлар ҳам кўп азоб чекканлар. 1937 йили Европадаги кўплаб режимлар ё фашистик, ё ярим фашистик характерда бўлиб, курашнинг асосий тиғи меньшевистик ёки троцкийчи халқаро коммунистик ҳаракатга қарши қаратилган эди. Энг яхши баҳона, сабаб, айб топа олмаган Ежов аппарати «капиталистик қуршовдаги» ёки «синфий душман қуролсизлантирилмаган» ҳар қандай мамлакатдан яширин агент топишга тайёр эди.

Ягоданинг яқин ходимларининг қамоққа олиниши ва Ежовнинг тайинланишидан сўнг НКВДга кўплаб непрофессионал янги одамлар келган. Улар кўр-кўрона, табиат берган интуиция билан яқин қўшнилари, бирга ишлаганларни «катта душман», «кичик душман», «душманча» каби тоифаларга бўлишган. НКВДнинг энг масъулиятли лавозимларини эгаллаб олган айёр, беҳаё, ашаддий ифвогарлар катта имтиёзлар ва яхши ҳақ оладиган органларда ишлаш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, виждонсиз, диёнатсиз кимсалар эди.

Турли хил суиқасдлар ва марказлар ишларини тайёрлашда бирдан-бир асосий ахборот манбаи чақув эди. Ярим аср ўтгач, реабилитация бўйича комиссия раиси А.Н.Яковлев қўшнилари ва «ўртоқлари»нинг чақувлари бўйича 80 фоиз кишилар ҳалок бўлганлар деб ёзган. Қатағондан «карьера» сифатида фойдаланишга жонжаҳдлари билан киришганлар жуда ҳам кўп бўлган. Чақувлар миқдори бениҳоя катта бўлган, қуйидаги далиллар буни исботлайди. Киев шаҳар партия комитети котиби Кудрявцев партия йиғилишларида доимий равишда коммунистларга «Сиз бирон-бир кимса устидан ақалли биронта ариза ёзганмисиз?» деган ифво савол билан мурожаат қилган. Бу уйдирма, зуғум натижасида тез кунда шаҳар партия ташкилоти аъзоларининг ярми устидан сиёсий жиҳатдан айбловчи аризалар тушган.

Куйбишев вилояти район партия комитетларидан бирида партия ташкилотидаги 210 коммунистдан 50 тасига халқ душман тамғасини ёпиштирмоқчи бўлишган. Партиядан

ўчирилганлар устидан тергов олиб борган НКВД органлари ўша 50 кишидан 43 тасига қамоққа олиш учун ҳеч қандай асос топа олмаганлар.

Янгидан-янги «троцкийчилар»ни фош қилаётган НКВД фаолияти партия раҳбарлари томонидан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турилган. 1935 йили охиридаёқ Москва шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Хрушчёв Москвада 10 минг «троцкийчилар» фош қилингани ҳақида рапорт берган. Украинага юборилган Хрушчёв қисқа муддатда ўн минглаб «троцкийчилар» ва «буржуа миллатчилар» фош қилингани ҳақида марказга ахборот берган. Троцкийчилар устидан бундай ғалабалар тўғрисида СССРнинг барча республикалари ва областларидан рапортлар келиб турган¹. Бундай даҳшатдан Ўзбекистон ҳам четда қолмаган.

Интернет. Сўнги вақтларда интернет тизимида ҳам СССРдаги қатағон тўғрисида қизиқарли мақолалар, жиддий таҳлил ва фикрлар, янгидан-янги рақамлар пайдо бўлмоқда. Уларни ҳам эътибордан чиқармаслик керак.

«Катта террор» айбдорлари қаторида яҳудий миллатига мансуб раҳбар ходимлар ҳам талайгина бўлгани чин ҳақиқатдир. Албатта, улар орасида кўплаб ҳалол, пок инсонлар бўлган, улар кейинчалик фанда, сиёсатда ва маданиятда катта роль ўйнаганлар. Улар бандитизмни ва 20–30-йиллардаги жиноятчиликни бостиришда ва давлат функцияларини тиклашда фидойилик кўрсатишган. Фашистлар билан бўлган урушда совет яҳудийлари мислсиз қаҳрамонлик, сабот ва матонат намоиш этдилар. Шуни ҳисобга олиш керакки, черковга, мачитга, динга қарши зарбани бошқа халқлар ҳам берган. Бошқа динларга ҳам зарбалар берилган, «реакцион ва душман элементлар» томонидан диний мактаблар зарбага учраган. Шуни ҳам айтиш лозимки, черков арбоблари ҳар доим ҳам «айбсиз қурбонлар» бўлмаган ва уларнинг маълум қисми Совет ҳокимияти душманлари томонида бўлганлар.

Буларнинг ҳаммаси антисемитларнинг уйдирма, тўқилган гапи эмас, реал далиллардир. Яҳудий миллатидан бўлмиш, тарихчи М. Ангурский тўғридан-тўғри ўша йилларда ҳокимият органларида яҳудийлар «ҳаддан ташқари кўп» бўлганлигини эътироф этмоқда. Кўплаб яҳудийлар давлат бошқарув органларида биринчи навбатда НКВД

¹ Барский Лев. Сталин. Портрет без ретуши. Москва. 2007. Стр. 96–98.

(ОГПУ)да ҳал қилувчи лавозимларни эгаллаб олганлар. НКВДнинг юқори раҳбариятидаги 20 кишидан 11 нафари, халқ комиссарининг ўзи ҳам шу санокда яҳудий, 4 нафари рус, 2 нафари латиш, 1 нафари поляк, 1 нафари немис, 1 нафари грузин миллатидан эди. 20-йиллар ўрталарига қадар бу лавозимларда биронта ҳам яҳудий бўлмаган, махсус хизматдаги бош ролни поляклар ва болтиқбўйликлар ўйнаганлар. Фақат 1924 йили Г.Г.Ягода ОГПУ раисининг 2-ўринбосари бўлиб хизмат қила бошлаши билан сиёсатга ўз таъсирини ўтказа бошлайди. 1930 йиллар ўрталарига келиб НКВД бошлиқлари, унинг 1-ўринбосари Агранов (Сорензон) ва 10-бўлим бошлиқларидан 7 нафари яҳудийлардан бўлган. НКВД бошлиғи лавозимида руслардан биринчи бор Ежов қўйилганди. Сталин учун бу вақтда қатағонга амалда эҳтиёж қолмаган эди. Давлат машинаси ўз манфаати учун эмас, давлат ва халқ манфаати йўлида соатдек ишлаган. 1939 йилгача Сталин кўпчилик душманларини ўз қўллари билан йўқ қилди. Бунга қадар «ҳаракатлантирувчи кучлар» оғир вақтларни бошдан кечирди. Зарбага учраган қатлам жуда ҳам тор бўлган, лекин у яксон қилинадиган, қақшатқич зарбани бошдан кечирди ва режалари тўласинча барбод бўлди.

Мана шу иши учун Сталинни давлат олигархияси ҳозирга қадар кечира олмаяпти, ҳатто ўлик ҳолатдаги Сталин уларни кўркувга келаётганида «ҳалокатга учрайди», тергов қилинаётган ҳалок бўлади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ўша даврда ҳокимият марказлашган ҳукумат қўлида бўлмаган, марказга унчалик қарам бўлмаган собиқ қизил «дала командирлари» ва ҳокимият учун оммавий ёпирилиб келаётган фирибгар, муттаҳам, қаллоблар қўлида эди. Бу вақтда яҳудийлар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб яшаш эркинлигига эга эдилар. Яҳудий аҳолисининг кучли миграция жараёни юз бераётган эди. Фақат Москва аҳолиси таркибида 1912 йили 6,4 минг яҳудий яшаган бўлса, 1934 йилга келиб уларнинг сони 241 минг 700 кишига етганди. Шу вақт ичида Москва аҳолиси 1 миллион 681 минг кишидан 3 миллион 663 минг кишига ўсди. Яҳудийлар ичидаги уруғ-аймоқчилик ва ўзаро ёрдам туйғуси уларни ҳокимиятда бўш ўрин юзага келганда ҳар қандай йўл билан давлат органларидаги бу лавозимларни эгаллаб олишар эди. Москваликлар табиийки бу чақирилмаган келгиндиларни хуш кўрмай, ёқтирмай қабул қилганлар. Чунки янги меҳмонлар рус халқи ва рус мада-

ниятини сурбетларча ва ошкора назар-писанд қилишмасди. Куч ўша чақирилмаган «меҳмонлар» томонда эди, уларнинг тарозиси босиб кетарди. «Жид» сўзини талаффуз этишининг ўзиёқ сизнинг «органлар» ертўлаларига тушиб қолишингиз учун етарли асос бўларди.

Украинанинг «сердаромад жойидан» ва Жанубий Россиянинг қишлоқларидан чиққан чаласавод, чекланган ва ўзига бино қўйган, ўзига ишониб кетган яҳудийлар халқ маорифи комиссарлиги ва матбуотда раҳбарлик лавозимларини эгаллаб, рус маданияти устидан мазах қилишарди. Улар рус тарихини, давлатини пастга урдилар, сохталаштирдилар, рус миллий онгини шаклланишига путур етказдилар.

Сталинни Совет Россиясининг тўлақонли хўжайини эди ва унинг эрки, хоҳишисиз 20-йиллардан бошлаб бирор воқеа содир бўлиши мумкин эмасди, деб ҳисоблаш умумий реалликдан бутунлай узокда бўлган фикрдир. Сталин партия раҳбари, бошчиси бўлгани ҳолда унинг қўлида ҳеч қандай бевосита ҳокимият бўлмаган. Унга тўғридан-тўғри на махсус хизмат, на армия, на судлар бўйсунмаган. Айни шунинг учун ҳам жуда узок вақт уни жиддий эътиборга олишмаган.

Ҳақиқий «хўжайин»лар аксарияти «сердаромад мансаблардаги» яҳудийлардан иборат тезкорлик билан шаклланиб бораётган коммунистик олигархлар уруғ-аймоғи бўлган. Энг кучли фигура Троцкий ва унинг атрофида шаклланаётган уруғ-аймоқ эди. Бошқа бир кучли уруғ-аймоқчи Свердлов бўлган, 1934–1936 йилларда ОГПУ, НКВД машҳур Генрих (Хано – Енох) Ягодага қараган. Унинг қариндоши Авербах «пролетар ёзувчилари» раҳбари бўлган. Юксак лавозимни Свердловнинг укаси Винамин эгаллаб турган.

Янги олигархия зудлик билан табақа, гуруҳга айланган, унга ёт кишиларнинг кириши 20-йиллардаёқ ман қилиб қўйилган. «Ўзларига қарашли уруқ-аймоқ хотинлар» этишмай қолганидан бир давлат арбобидан маълум даражадаги бошқа арбобларга «хотинларининг ўтиб кетиши» одат бўлган. Уруғ-аймоқ ва «оилалар» кўп бўлгани ҳолда, ҳокимият эса битта бўлган. Шу боис улар бир-бирларини ғажиж, чайнаш билан машғул бўлишган. «Яҳудийлар рус халқини қирғин қилди» деб қараш хатодир, ҳукмрон гуруҳлар биринчи галда бир-бирларини йўқ қилганлар. Энг машҳур жараёнлардан бири – «троцкийчи – зиновьев-

чи блок» бўлган. Судланганларнинг 11 нафари, шу жумладан Зиновьев – Апфельбауми ва Каменев (Розенфельд), яхудий, 1 армени, 1 поляк, 3 рус бўлган. Шу суд процессини тайёрлаган НКВД «командаси» таркиби 9 яхудий ва 1 русдан иборат бўлган. Буларнинг ҳаммаси тез орада отиб юборилди ва уларнинг ўрнини Леплевский, Бельский, Дагин, Литвин, Шапиро ва бошқалар эгаллади. «Миллий революция» бўлди ва рус халқи «Сталин кўли билан яхудийлар зулмидан озод қилинди» деб тасдиқлашга ҳеч қандай асос йўқ. Шунчаки ҳукмрон уруқ-аймоқлар ўзаро бир-бирларини қирганлар, қирганлар ўз янгиларини олиб келишган, умуман «юқорида» яхудийлар кўп бўлган, уларнинг ўринбосарлари албатта руслардан бўлган.

1922 йили Сиёсий бюродаги 5 аъзодан 3 таси яхудий бўлгани ҳолда, 1930 йиллар охирига келиб Сиёсий бюро таркибида фақат бир яхудий – Каганович бўлган, у 10 аъзoning бири эди. Сталин бу жараёнга 1936 йилга қадар унчалик алоҳида аҳамият бермаган, кейинчалик ҳам унчалик фаоллик кўрсатмай, қуюшқондан ташқарига чиқиб кетгандагина олигарх ва чекистларни тўхтатган ёки жазолаган. «Нима учун Москва оммавий ҳукмларни бекор қилмоқда, Украинада қамоққа олинганларни тарқатиб юбормоқда», деб ғазаб билан ёзилган Хрушчёвнинг хати сақланиб қолган.

Партия ва давлат ходимларидан бўлган «**Сталин катағони қурбонлари**»ни ўлимга НКВД органлари эмас, аксинча ўзларининг ўртоқлари ҳукм чиқарганлар. НКВД органлари умуман ҳеч кимни ўлимга ҳукм этмаганлар, улар тергов олиб борганлар ва чегарани кўриқлаб турганлар. Ҳукмлар судлар ёки ҳарбий коллегиялар, трибуналлар ёки «учлик»лар томонидан чиқарилган, ўша йилларда ҳеч қандай қонунсиз суддан ташқари жазо бериш бўлмаган¹. Аммо республикалардаги, ўлка ва вилоятлардаги НКВД ҳузурида ташкил этилган учликлар ўлимга ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга бўлганлар. Бунинг ёрқин мисоли ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарчилиги (НКВД) ҳузуридаги учликлар (раиси Н.А.Загвоздин, кейин Д.З.Апрессян) 1937 йил 10 августдан 1938 йил октябригача ўз йиғилишларида минглаб ўлимга ҳукм чиқарганлари маълумдир.

Лев Абрамович Барский профессор, техника фанлари доктори, Россия Федерацияси Табиий Фанлар Академия-

¹ <http://www.contr-TV.ru/repress> (708). 30.10.2006.

сининг ҳақиқий аъзоси, 200 мақола, 12 илмий монография муаллифи, ёзувчи, публицист юқорида зикр этилган «Сталин. Портрет без ретуши» асарининг аннотациясидаёқ Сталинни гениал олим, буюк саркарда, айёр, ақлли дипломат деб айтиш мумкин эмас, аксинча уни улуғ сиёсий интриган, ёлғон ва даҳшатли террор тизимининг уста ташкилотчиси дир, Сталинизм феноменини билиш нафақат ўтмишни, ҳатто Россиянинг бугуни ва келажагини билиш учун ҳам зарур, деб ёзмақда.

Л.А. Барский 1937–1938 йиллардаги катта террор масаласи китобининг «**Маъносиз ва шафқатсиз террор**» номли сарлавҳа билан талқин этган. Унингча катта террор, ёки Буюк тозалов, 1937 йил тарихидаги ноёб, ягона, кам учрайдиган воқеадир. Турли мамлакатларда ҳимоясиз аҳолига қарши қаратилган қонли қатағонларнинг биронтаси ҳам ўз кўлами, бераҳмлиги, золимлиги ва мунофиқлиги, ҳийла-найранги жиҳатидан унга тенг келмайди. Террор ташкил қилиш бўйича Сталин билан ҳеч қандай Навуходоносор, Чингизхон, Темур, Пол Пот ҳам баҳслаша олмайди. Сталин террори олдида Варфоломей кечаси, узун пичоқлар кечаси, Иван Грознийнинг ёввойи аҳмоқона қилиқлари, Стрелец қатллари майда безориликдир холос. Яна этник геноцидни, Туркияда 1915 йилдаги бир неча кун давомида бир ярим миллион арманларни қатл этилишини, гитлерчилар концлагерларида олти миллион яҳудийларни қирғин қилган Холокостни эслаш мумкин. Сўнгги мисол қотиллик ўз кўлами ва даҳшати бўйича Сталиннинг тозалови билан қиёслаб кўрайлик. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ваҳшийликларга қарамасдан бошқа бирон-бир ҳолатда ҳам жаллодлар жиноят қилмаган, айбларини бўйнига олиш учун маҳбусларни бу қадар мислсиз хўрлашгача етиб бормаганлар.

Сталин даврида сиёсий мотивлар билан қамоққа олинганлар, қатағон қилинганлар 4,5 миллион кишига етиб боради. Шундан 800 мингга яқин киши отиб юборилди. Жаҳон тарихида ҳеч қачон сиёсий мотивлар билан шу қадар катта миқдордаги одамлар қатағон қилинмаган. Ана шу миқдордагиларнинг ярмидан кўпи 1937–1938 йилларга тўғри келади. Бу икки йил давомида қатл этилганлар миқдори совет тарихининг бошқа ҳар қандай йилларидаги қурбонларга нисбатан олти марта кўпдир.¹

¹ Барский Л.В. Сталин Портрет без ретуши ... 89–90-бетлар.

Ўз-ўзидан шундай принципиал савол туғилиши мумкин – ахир Сталин бутун умри давомида нимага интилди, нимага эришди? У ўзининг асосий ниятини, мақсадини яширганмиди ёки бўлмасам очиқ-ошкора ҳаракат қилганмиди? Бу қирғинларга чиндан ҳам у бошмиди? Ёки унинг қўли билан бошқалар қилдими? Сталин бу ишларни ўз тинчи, ҳузур-ҳаловати учун қилдими ёки у вос-вос касалига мубтало ожиз инсонмиди? Бу саволларга жавоб топиш орқали Сталин ҳақиқатини, унинг тарихда, айниқса собиқ СССР халқлари тарихида тутган ўрни ва ролини холисона баҳолаш мумкин.

Бу ўринда унинг немис ёзувчиси Эмил Людвич билан 1931 йил 13 декабрдаги суҳбатида айтган фикрини келтириш жоиздир. Шу суҳбатда Сталин бир неча бор шахсининг тарихдаги роли, шунингдек, жамиятга, одамларнинг ўзаро муносабатларига, Совет Иттифоқида яратилган ижтимоий-сиёсий тузумга нисбатан ўз қарашларини билдирган.

Э.Людвичнинг Пётр I шахсининг роли тўғрисидаги саволга Сталин жавоб бераркан, улуғ Пётр помещиклар синфини кўтариш ва туғилиб келаётган савдогарлар синфининг ривожланиши учун кўп ишлар қилганини таъкидлаган. Сталин эса ўз ҳаётини бошқа бир синфни, айти ишчилар синфини кўтаришга бағишлагани, бундай вазифа эса қандайдир «миллий» давлатни эмас, социалистик давлатнигина, демак, интернационал давлатни мустаҳкамлашдан иборат экани, шу билан бирга бу давлатни ҳар қандай йўл билан мустаҳкамлашга жонини тикканини таъкидлаган эди. Агар ишчилар синфини кўтариш ва бу синфнинг социалистик давлатини мустаҳкамлаш йўлида мен қўйган ҳар бир қадам ишчилар синфи аҳволини мустаҳкамлашга йўналтирилмас экан, у ҳолда менинг ҳаётим мақсадсиздир, деб айтган Сталин ўша суҳбатда.

Сталин замондошлари нигоҳида

СССР ва унинг тузумига қарши бўлганлар, бизнинг воқелигимизни қабул қилмаганлар, бошқача ўзига хос тараққиёт ва кадриятлар тарафдорлари ҳам Сталин шахсини ижобий баҳолаганлар.

Сталин вафотидан кейинроқ Франция Президенти Шарл де Голль у ҳақда шундай деган: **«Сталин буюқ авторитетга эга эди, нафақат Россияда. У «ўз душманлари-**

ни ўзига ром қилиб олишни» биларди, ютқазганида саросимага тушмас ва ғалабалари билан эса завқланмас, роҳатланмасди. Унинг ғалабалари эса мағлубиятларга қараганда кўп бўлган.

Сталин Россияси – бу монархия билан бирга ҳалок бўлган аввалги Россия эмас. Аммо Сталин давлати Сталинга муносиб ворисларсиз ҳалокатга маҳкумдир.»¹

Хитой Халқ Республикаси раҳбариятининг И.В.Сталинга бўлган муносабатини айтмасдан бўлмайди.

Шоҳидларнинг айтишича, И.В.Сталиннинг вафоти ҳақидаги хабар эшитилганидан сўнг Пекиндаги Совет элчихонасига Чжоу Энлай ташриф буюради. У бизнинг Хитойдаги элчимиз А.С.Панюшкиннинг олдига келади. Уларнинг иккаласи ҳам йиғлайди, фақат ўзларини бир оз тутиб олганларидан сўнггина гаплашишган. Кейинроқ элчихонага Хитой Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг барча аъзолари кузатувида Мао Цзэ Дуннинг ўзи келади. У ўзини босиқлик билан ушлаб туришга, эҳтиросга берилмасликка уринади, аммо эплай олмайди. Мао Цзэ Дун юз берган воқеадан беҳад изтиробда қолган эди, унинг кўзларида ёш пайдо бўлади, сафдошларидан айримлари йиғлаб юбордилар.

Мао Цзэ Дун ҳар доим И.В.Сталинга илтифот, муруват кўрсатган, унинг ўлимидан сўнг эса дохийни ўринсиз, тушунарсиз танқид остига олган Н.С.Хрушчёв билан очиқ-ошкора келиша олмаган.

Шуниси диққатга сазоворки, шу муносабат билан Хитой Компартияси Марказий Комитети пайғамбарона башорат қилиб Хрушчёв ревизионизми улуғ совет халқининг қон тўкиб барпо этган дунёдаги биринчи социалистик давлатни капитализмни реставрация қилишдек мисли кўрилмаган жиддий хавф остига қўйди, деб кўрсатган эди.²

Ҳа, айтганча Сталин ўзининг меросхўри ва умуман мамлакатда ҳокимиятни мерос бўлиб қолишлиги тўғрисидаги масалани ва сиёсий йўлни ҳал этолмаган. Бу масалани ечиш учун И.В.Сталин 1952 йили октябрида КПСС Марказий Комитети Пленумида уриниб кўрган. Бу пленум И.В.Сталин қатнашган энг сўнгги пленум эди. Ўшанда у ўзини КПСС Марказий Комитети Бош секретари ва СССР Министрлар Совети раиси лавозимидан озод этиш масаласини қўйган.

¹ Крючков В.А. Личность и власть. Просвещения. Москва. С. 42

¹ Крючков В.А. Личность и власть... 42-бет.

Пленум иштирокчиларининг бунга қаршилик кўрса-тишига ва уни яна КПСС Марказий Комитети Бош секре-тари қилиб сайлаш таклифига қарши чиқиб, қандай қилиб бўлмасин бу лавозимдан бўшатилишини, қатъиян илти-мос қилган. Сталин: «Мен энди қариб қолдим. Қоғозларни ўқийолмай қолдим. Ўзингларга бошқа секретарь сайлаб олинглар», – деб айтган.

Ана шу дақиқаларни эслаб Н.А.Муҳитдинов шундай ёз-ган: «Худди шу пайтда Президиумнинг иккинчи қаторида ўтирган Л.М.Каганович: «Партия раисини сайлаш керак», – деди. Сталин унга ўгирилиб сўради: «Кимни? Кимни?» Каганович такрорлади: «Партия раисини». Сталин яна: «Баландроқ овозда такрорла, кимни таклиф этмоқчисан?» Ўзини йўқотиб қўйган Каганович, қалтироқ овозда такрор-лади: «Партия раисини...». Сталин унинг сўзларини кескин бўлди: «Ҳеч қанақа раис!» Залда умумий хахолаш. Мулзам бўлган, Кагановичга қараб, эзилиб кетарди, киши. Ранг-рўйи мурдадай оқарган Каганович бошини қуйи эгди.

«Ўртоқлар, – деди шундан сўнг Сталин, – мени Марка-зий Комитет Биринчи котиби лавозимига тавсия қилмангиз. Соғлигим ёмонлашиб бормоқда, партия фаолияти учун зарур даражада эътибор беришга жисмонан кучим етмайди. Ҳолбуки сиз билан биз партия фаолиятини кучайтириши-миз керак».

Шу пайтда минбарга Маленков кўтарилиб: «Ўртоқлар! Худди аввалгидек партияга ўртоқ Сталиннинг раҳбарлик қилишини ўта зарур деб ҳисоблайман. Биз Иосиф Висса-рионович Сталинни Марказкомнинг Биринчи котиби қилиб сайлашимиз керак», – деди. Залдан: «Тўғри! Тўғри!» – де-ган овозлар эшитилди, қарсақлар янгради. У Президиум-даги ўзининг ўрнига бориб ўтирди. «Сўнгги пайтларда ўзимни ёмон ҳис қилмоқдаман, – деди Сталин. – Қон боси-мим ошади, бошим оғрийди, умумий холсизланиш сезаман, бир жойда узок ўтира олмайман. Ёшроқ, соғломроқ одам-нинг номзодини тавсия қилсангиз, яхши бўларди»¹.

Маленков яна минбарга кўтарилиб: «Ҳаммамиз ўртоқ Сталинга чин қалбдан мустаҳкам соғлик тилаймиз, аммо ҳаммангиз ҳам биласиз: ўртоқ Сталин фаол ишлайди, биз-нинг ҳамма ютуқларимиз ва муваффақиятларимиз ўртоқ Сталиннинг номи ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

¹ *Муҳитдинов Нурутдин*. Кремлда ўтган йилларим... 94–95-бетлар.

Келинг, Иосиф Вассарионовичдан Биринчи котиб бўлиб сайланишга розилик беришини илтимос қилайлик» – деди. Залдан: «Илтимос қиламиз!», «Илтимос қиламиз!» – деган овозлар эшитилди, узоқ давом этган гулдурос қарсақлар янгради.

Сталин кўлини кўтариб, тинчланишни таклиф қилади. Залга «тиқ» этса эшитиладиган сукунат чўкди. У чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб, ўқий бошлади: «Биринчи котиб – Сталин». Зал яқдиллик билан оёққа қалқиб, узоқ вақт олқишлади. Шундан сўнг янги идора – 25 кишидан иборат Марказий Комитет Президиуми таркибини алфавит тартибида номма-ном ўқий бошлади. Ҳеч қандай савол тушмади. У қандай таклиф этган бўлса, ўшандай қабул қилинди...»¹

Маълумки, 1936 йилдаги Сталин Конституциясига қадар Совет ҳокимияти олий органи ва маҳаллий советларга депутатлар сайлаш очик-ошкора ўтказилар ва бироқ барча фуқаролар ҳам унга кўйилмас эди. Бундай сайловларда партия функционерлари, яъни партия корчалонлари, партиянинг иш юритувчилари жойларда ўз ҳокимияти кучидан фойдаланиб, ўзларига ва депутатликка номзод қилиб кўрсатилган маҳаллий функционерларга қарши билдирилган танқидларни осонликча йўққа чиқариш имконига эга эдилар. Партия лидерлари хоҳлаган ҳар қандай ўз одамларини, яқинларини давлат ҳокимияти органларига сайлашнишларини кафолатли таъминлаш имконига эга эдилар.

Янги 1936 йилги Конституцияга кўра эса сайлов ҳуқуқи СССРнинг барча фуқароларига берилган ва овоз беришнинг барча турлари яширин бўлган, сайловлар муқобиллик асосида ўтказилган, ҳар бир депутатлик ўрнига бир неча номзодлар кўрсатилган. Бир ўринга бир неча номзодлар кўрсатилганида, овоз бериш намуналари ҳам нашр қилиниб тарқатилган эди. Конституциянинг бу нормаси демократия сари, ҳокимиятни бутун халққа бериш сари кўйилган муҳим бир қадам эди.

Ҳеч ким бундай ҳолатга қарши тура олмас эди. Чунки «Агар сен коммунист бўлсанг, у ҳолда нима учун бундай қонунга қарши чиқасан?» деган савол туғиларди.

Сайловнинг бу янги нормалари партия функционер-

¹ *Муҳитдинов Нуритдин*. Кремлда ўтган йилларим.. 1-китоб. Тошкент. «Ўзбекистон», 1995 йил. 95–96-бетлар.

лари, партия ташкилотлари, районлар ва областлар партия ташкилотлари раҳбарларини ваҳимага, саросимага солиб қўйган эди. Уларнинг кўпчилиги яширин овоз беришдан, қолаверса, депутатликка бир неча номзодлар кўрсатилишидан кўрққанлар ва улар Олий Советга, нафақат ўзлари ва ўзларига қарашлиларни, ҳатто коммунистик эътиқоди бор кишиларни сайлай олмасликларини тушуниб етган эдилар. 1938 йилда ўтказиладиган сайловнинг барбод бўлиши ўша функционерларни лавозимларидан кетишга олиб келарди, оқибатда улар қайси имтиёзларни деб коммунистлар партиясига кирганликларидан пушаймон бўлиши мумкин эди.

Айни ўша партия корчалонлари (функционерлари), (Сталин ҳам эмас, Сиёсий бюро ҳам эмас) 1937 йил кўклами охирларида Марказий Комитетдан қатағон ўтказишни талаб қилиб чиққанлар. Улар ўз вилоятларини келгуси йилдаги сайловларга халақит берувчи ва партия лидерларига, Советларга ўзлари хоҳлаган кишиларни депутатликка ўтказишда қаршилик кўрсатадиганлардан тозалаб ундайларни лагерларга юбориш ва отиб юборишни талаб қилиб чиққан эдилар. Бу борада биринчи бўлиб Ғарбий Сибир ўлка партия комитети котиби **Реберт Индрикович Эйха** ташаббус кўрсатган. Шундан сўнг қолган республика, ўлка ва областлар партия ташкилотлари котибларидан бундай талаблар марказга устма-уст юборилиб турган. Бундай ҳолатда қатағонни ўтказишга Сталин ҳам қаршилик кўрсата олмай қолган. У партиянинг раҳбар органи – Марказий Комитетининг 70 аъзосидан бири эди холос.

Ўз навбатида биринчи котиблар ўз лавозимларида қолар эканлар ўз ҳамкасблари билан нима содир бўлаётганига эътибор бермадилар. Аввалгидек, улар троцкийчиларга, зиновьевчиларга, ўнларга, партиясиз деҳқонлар оммасига нисбатан энг қаттиқ, зўравонлик чоралари кўрилишини қизғин қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Энди улар ўз назорати ҳудудларидаги совет ходимларини репрессия қилишга жон-жаҳдлари билан киришдилар. Сиёсий бюро ва Сталин 1937 йил июн ойи охирига қадар бундайларни бир неча бор тартибга чақириб, койиб, ҳатто кескин танбеҳ бериб туришарди. Энди эса улар амалда тўлалигича эркин ҳаракат қилишга эга бўлдилар, уларнинг бу йўлдаги ҳаракатларини ҳеч ким тўхтата олмас эди, бу борада улар чекланмаган имкониятга эришган эдилар.

Бу ўринда айрим характерли мисоллар келтириш мумкин. 1937 йил 24 июнда Сиёсий бюро ҳеч қандай шарҳларсиз Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети биринчи котиби А.И. Икромовнинг қуйидаги илтимосини зудлик билан тасдиқлаб берди:

«Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети Файзулла Хўжаевни миллатчилар, аксилинқилобчилар, террорчилар билан алоқада бўлгани учун Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Совети раиси лавозимидан бўшатишга ВКП(б) МК санкция беришини сўрайди. Файзулла Хўжаев ҳозирда қамоққа олинган Аминов, Санжяев (Саиджонов бўлса керак – Р.Ш) Отахўжаев, Қурбонов Н., Сатторхўжаев, Бурхонов, Ибод Хўжаев ва бошқа бир қатор йирик миллатчилар – террорчилар билан доимий равишда алоқада бўлиб турган. Улардан бир қисми партия ҳужжатларини текшириш вақтида миллатчилар сифатида партиядан чиқарилган бўлса-да, у нафақат улар билан алоқани узмаган, аксинча уларни ҳимоя қилиб чиққан, уларни нотўғри партиядан чиқарилган деб, партияга тиклаш тўғрисида мурожаат қилган, улар билан ошқора шахсий алоқада бўлган. Шунингдек, у Бухорода ўрнашиб олган зараркунанда миллатчи – троцкийчилар гуруҳини ҳимоя қилиб чиққан. Унинг укаси Ибод Хўжаев (ўз жонига қасд қилиб, ўзини-ўзи ўлдирган)нинг уйда бўлган миллатчи – террорчилар кенгашида террорчилик актини тайёрлаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинган. Бу кенгашнинг барча иштирокчилари ҳозирда қамоққа олинган ва ўз айбларига иқроқ бўлганлар. Бунга қарамасдан Ф.Хўжаев Ўзбекистон КП(б) МКнинг мартдаги пленумида ва съездидаги ўз чиқишларида бу ишни ҳар жиҳатдан текислашга уринган. Гўё ўз жонига суиқасд қилган укаси Ибод Хўжаев партиядан нотўғри чиқарилганининг қурбони бўлди, деган миш-мишлар тарқатган. Пухта ва жуда синчковлик билан тергов қилиш унинг бу ишдаги раҳбарлик родини фош этилишига менинг ишончим комилдир.»¹

Ўзбекистон КП(б) МКнинг 1937 йил сентябрь пленуми А.Икромовнинг ўзини партиядан ўчирди. 1938 йил мартида эса А.Икромов ва Ф.Хўжаев биргаликда суднинг қора ступлида бирга ўтирдилар. Улар «Советларга қарши ўнг – троцкийчилар блоки» иши бўйича айбландилар ва бир куннинг ўзида ҳар иккиси ҳам отиб ташландилар.

¹ Юрий Жуков. Иной Сталин. Политические реформы в СССР в 1933–1937 гг. Москва. «Вагриус» 2005. 454–455 бетлар.; РТАСПИ. Ф17, оп 163, д 1154, 176–177.

Қозоғистон КП(б) МК котиби Л.И.Мирзоян 1937 йил 13 июлда Москвага, Сталин номига шифрли телеграмма йўллаб Қозоғистон Марказий Ижроия Комитети раиси У.Кулумбетовни «миллатчи – фашистик ташкилот»нинг фаол қатнашчиси сифатида қоралаб, уни лавозимидан бўшатишни Сиёсий бюродан илтимос қилган.

Икки кун ўтиб Сиёсий бюро Мирзоян таклифини тасдиқлайди. У.Кулумбетов ишдан олинади, қамоққа олиниб отиб ташланади. Бир йил ўтиб унинг бу фожиали тақдирини Мирзояннинг ўзига тушади, у ҳам отиб юбориллади.

Туркменистон КП(б) МК биринчи котиби Анна Муҳаммедовнинг илтимосига кўра Сиёсий бюро Туркменистон ССР Марказий Ижроия Комитети раиси Недирбой Айтақовни, Республика халқ комиссарлар совети раиси ўринбосари Курбон Сахатовни ва «Орвет Туркменистони» газетаси муҳаррири Тошназаровни ишдан олиб, партиядан ўчириб НКВД органларига топширишга санкция беради. Икки ярим ой ўтиб 5 октябрда Анна Муҳаммедовнинг ўзи ҳам қатағон қилинади.

Ишончсизлик ва шубҳа остига олиш, тухмат, фитна, чақувлар ишга солиниши оқибатида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети раиси Абдуллажон Каримов (14 августда), Қирғизистон ССР Марказий Ижроия Комитети раиси Абдуқодир Ўрозбеков, Қирғизистон ССР Халқ Комиссарлар Совети раиси Баяли Дийқанбаевич Исакеев (7 сентябр)лар ҳам лавозимларидан озод қилинадилар ва қамоққа олиниб, отиб юбориладилар.

Бироқ Сталин мутлақо бошқа сабаблар бўйича қатағон жуда зарур деб билган. Агар маҳаллий партия функционалери ўзларининг иссиқ ўринларидан маҳрум бўлиб қолишларидан қўрқиб қатағонни талаб қилсалар, улар қатағон ёрдами билан ўз конкурентларини йўқ қилмоқчи бўлсалар, Сталин учун қатағон зарур эмас эди. Чунки бу вақтга келиб 20 йил ичида Сталиннинг ҳеч қандай конкуренти, рақиби қолмаган эди ва унинг энг ашаддий (ёвуз, ўта кетган, учига чиққан) душманлари ҳам коммунистлар партиясида Сталиннинг ўрнини босадиган конкрет шахснинг ўзи қолмаган, Сталиннинг тириклигида бирон-бир кимса унинг лавозимида даъвогарлик қила олмас эди ҳам. Аммо Сталинда қатағон ўтказиш учун бошқа сабаблар ҳам бор эди. Бу сабаблар бутун дунёдаги ҳар қандай ци-

визацияга эришган мамлакатда муайян ҳолатда бўлиши мумкин эди. Совет Иттифоқида ҳам шундай ҳолат, шундай сабаблар мавжуд эди.

Бу ўринда Адольф Гитлернинг мақсадини эслаш мумкин.

Немисларда ер етишмасди. Биринчи жаҳон урушида Германия шу масалани Франция ва Буюк Британияга қарашли мустамлакалар ҳисобига ҳал қилмоқчи бўлди. Гитлер эса Германия экспансияси йўналишини диаметриал тарзда ўзгартирди ва ошқора Франция ва Англия мулкига ҳар қандай даъво қилишдан воз кечди ва у Европанинг Шарқдаги ҳудудлари ҳисобига Германия ҳудудини кенгайтирмоқчи бўлди. Дастлабки режа бўйича Германия таркибига Болтиқбўйи, Россиянинг шимолий-ғарбий вилоятлари ҳамда Қрим киритилиши керак эди. Бу ҳудудлардан барча туб аҳоли тўлалигича кўчириб юборилиши ва бу ҳудудлар Германия мулки бўлиб қолиши лозим эди. СССР ҳудудининг Урал–Волга – Астрахан чизиғигача бўлган ҳудудлар Германияга тўлалигича қарам бўлиши, кўғирчоқ давлатлар тузилиши кўзланган эди. Бу давлатлар Германиянинг мулки, мустамлакаси бўлиб қолиши керак эди.

Москва ва Украина районларида соф немисча шаҳар ва қишлоқлар қурилиб, уларда «туземцлар» яъни немис бўлмаган бегоналар яшаши мумкин эмасди. Руслар, украинлар ва бошқа халқлар ўз шаҳар ва қишлоқларида яшашлари, лекин немис колонияларида, немис завод ва фабрикаларида, нефть конларида ишлашлари керак эди. Тўғри, немислар ҳам ишлашлари керак эди. Шу боис уларнинг режасига кўра, уларнинг колонияларида бор-йўғи 50 миллион славянлар қолиши, қолганлари эса Урал орқасига кўчирилиши назарда тутилган эди. Гитлернинг мақсади русларни қулга айлантиришдан иборат эди.

Сталин эса совет халқининг хизматкори эди, бошқача қилиб айтганда Сталин совет халқининг қули эди. Гитлер яшин тезлигида ўз душманларини мутлақо бошқа қурол билан яъни «Бешинчи колонна» билан тор-мор қилмоқчи бўлган. Бундай «Бешинчи колонна»га хоин ва сотқинлар кирган. Ундагилар душман мамлакатлар манфаати йўлида ўз халқига қарши турганлар эди. Гитлер ҳам ана шу «Бешинчи колонна» кучи билан СССРга ичкаридан туриб зарба бермоқчи бўлади. Шу йўл билан Гитлер 1938 йили Чехияни, 1939 йил баҳорида бутун Чехословакияни босиб

олади. Голландия, Белгия, Норвегия ҳам ўша «Бешинчи колонна» орқали Германияга таслим бўлади. Шу боис Сталин немислар Совет Иттифоқида ҳам маҳаллий сотқинлардан фойдаланишлари мумкинлигини билган эди. Коммунист Сталин немисларни СССРдаги «Бешинчи колонна»дан фойдаланишга имкон бермади, аксинча нацистларнинг ана шу тизимини қатағон қилди. Бу вақтда бошқа барча ривожланган мамлакатларда ҳам шундай йўл тутилган эди. Масалан, 1939 йили сентябрида Буюк Британия Германия уруш эълон қилиши биланоқ зудлик билан 20 минг британ нацистлари Германия билан алоқаси борликда шубҳа остига олинган. 74 минг киши терговсиз ва судсиз қамоққа олинган. Улар энг оғир шароитли концлагерларга ташлаб юборилган.

Французлар эса ўз ҳудудларида немисларни, жумладан антифашистларни ҳам ёппасига қамоққа олганлар. Америкаликлар Япония билан уруш бошланиши билан ҳеч қандай тергов ва судларсиз японлар қони бор ўз фуқароларидан 112 минг кишини концлагерларга ташлаганлар. Бундай амалга оширган қатағонлардан сўнг ғарбдагилар Сталинни «Бешинчи колонна»ни қатағон қилганликда айблашлари ҳам мантиққа, ҳақиқатга зиддир. Маълумки, СССРдаги «Бешинчи колонна» билан бўлган кураш Буюк Британия, Франция ёки АҚШдагига нисбатан мислсиз оғир шароитда ўтган.

Сталин шахсиятини коммунизмнинг ашаддий душманлари бўлмиш Адольф Гитлер ва Уинстон Черчиллар ҳам юксак баҳолаганликларини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Собиқ ташқи ишлар министри Риббентроп Сталиннинг Совет халқи олдидаги хизматларини юксак баҳолаб шундай эслайди: «Ўша изтиробли кунларда, яъни Сталинград учун бўлган жанглар тугагандан сўнг, менинг Адольф Гитлер билан эътиборга лойиқ суҳбатим бўлди. У Сталин ҳақида ўзига хос ҳолатда завқ-шавққа тўлиб гапирди. Гитлер таъкидлаб шундай деди: Биргина шахс бутун бир миллат учун қандай аҳамият касб этишини шу мисол орқали аниқ кўриш мумкин. Ҳар қандай бошқа халқ ҳам 1941–1942 йиллардаги қақшатқич зарбадан сўнг парчаланиб кетишига шак-шубҳа йўқ эди. Агар Россия билан бу ҳолат юз бермаганда, рус халқи ўзининг темир интизоми туфайли уларни қаҳрамонлик кўрсатишига ва сабр-матонатли бўлишга илҳомлантира олган инсонга бунчалар эъзоз

кўрсатмаган бўлар эдилар. Сталин–ҳарбий муносабат-да ва умумий дунёқарашда ҳам йирик душмандир. Унинг кўлига қачонлардир тушиб қолсангиз, сизга бутун эътибор ва ҳурмати қаратади ҳамда Германияда танҳо бўлган қасрини ҳадя қилади. Аммо, – деди Гитлер, – бунақа душманни у ҳеч қачон озодликка чиқармайди.

Қизил Армиянинг ташкил этилиши, бу жуда улкан иш, Сталин эса шубҳасиз, катта жаҳон миқёсидаги тарихий шахсдир.»¹

Таниқли машҳур француз адиби Анри Барбюс Сталиннинг 30 йиллардаги жуда ҳам оддий камтарин яшаш ва ҳаёт тарзини шундай таърифлайди: «Черков ва саройларнинг этакроғида мўъжазгина қурилган уч қаватли уйчалар бор эди.

Бу уй (сизга кўрсатишмаса, эътиборингизга ҳам тушмас эди) авваллари саройнинг хизмат хоналаридан бўлган, яъни унда шоҳ хизматкорларидан бири яшаган эди.

Зинапоядан юқорига кўтариламиз. Деразаларга оқ полотнодан қилинган пардалар тугилган. Бу уч деразали хоналар Сталиннинг турар жойлари. Унинг кираверишидан узун солдатча шинель кўзга ташланади, шинель тепасида фурашка осилиб турибди. Учта хона ва ошхона меҳмонхонадагидек тартибли, камтарона содда қилиб безатилган»².

Ошхона чўзинчоқ шаклда эди. Бу ерга Кремль ёки уй ошхонасида ошпазлар томонидан тайёрланган таомлар чиқариларди. Капиталистик мамлакатларда ўртамиёна хизматчилар ҳам бунақа шароитли яшаш тарзидан қониқмас эдилар. Хонадонда ёшгина ўғил бола ўйнаб юрарди. Бу Сталиннинг тўнғич ўғли Яша эди. У ошхонага қўйиб бериладиган диванда, кичиги эса ундан пастроқдаги кичкина хонада ухлашар эди.

Овқатланишиб бўлгач, Сталин дераза яқинига қўйилган курсига ўтириб турубқасини тортарди.

У ҳамиша бир хил кийинарди. Ҳарбий формадами? Ундай деб ҳам бўлмайди. Бу форма оддий аскарнинг формасидан ҳам соддароқ эди. Тўла тугмаланган куртка, хаворанг

¹ Мухин Юрий. За что убит Сталин? Москва, «Яуза», 2005, 23–24-бетлар.

² В.И.Ленин Халқ Комиссарлар Советининг 1917 йил 1 декабрдаги қарорига биноан халқ комиссарлари учун ҳар бир оила аъзосига 1 хонадан кўп бўлмаган турар жой ажратилсин деб белгилаган эди.

шим ва этик. Ўйлаб қоласан ва эслайсан... Сиз уни ҳеч қачон бошқача формада кўрмагансиз. Фақат ёз ойларида у оқ полотно костюмда юрар эди, у ойига партия ходими учун юқориқ бўлган бир неча юз сўм миқдорида маош оларди (Француз пулига бир ярим ва икки минг франк даражасида)».¹

Дунё сиёсатчиларидан бири, Англия мамлакатининг рамзи даражасига кўтарилган, Сталин билан бир неча бор мулоқотда бўлган, ёзишмалар олиб борган Буюк Британия Бош вазири Уинстон Черчилль Сталин шахсини юксак баҳолаб мана бу сатрларни ёзган эди: «Сталин мустақкам иродали ва ноёб ақл эгаси бўлган саркарданинг оғир синовли йилларда мамлакатни бошқариши Россия учун катта бахт эди. У беқарор ва қалтис даврларда ўзининг нақадар улуғ шахсияти билан бутун умрини эл-юртга бахшида қилган зот эди.

Сталин ҳайратланарли даражада мустақкам иродага эга бўлган, шу билан бирга, чўрткесар, қаттиққўл ва суҳбат пайтида ҳеч кимни аямайдиган фавқулодда қудрат соҳиби эди. Мен ҳам ҳатто Британия парламентида тарбияланганимга қарамай, унга қарши ҳеч нарса дея олмасдим. Сталин энг аввало киноя ва ҳазил-мутоиба туйғусини тўла эгаллаган ва фикрни тўлиқ англаб етиш қобилиятига эга бўлган киши эди. Сталинда бу фазилатлар шунчалар буюк эдики, у ҳамма замонларда яшаб ўтган давлат арбоблари орасида ягона зот сифатида тилга олинади.

Сталин бизга улкан таассуротлар қолдирган шахсдир. Унда юксак мантиққа асосланган ақл, ҳар қандай ваҳимадан холи бўлган чуқур билим мужассам эди. У энг ноқулай вазиятлардан ҳам чиқиб кетиш, қийин ҳолатларда ҳам ғолиб келиш қудратига эга устамон киши эди. Бундан ташқари Сталин энг хавфли ёки тантанали дамларда ҳам ўзини тута биларди ва хом хаёлларга берилмасди. У ғайриоддий ва тушуниш қийин шахсиятга эга эди. Сталин улкан империя тузди ва уни ўзига бўйсундирди. У душманларини ўз душманлари қўли билан яксон қилди. Сталин жаҳонда тенги йўқ, буюк диктатор эди. У Россияни омоч ҳолатида қупқуруқ қабул қилиб, уни атом қуролига эга ҳолда мерос

¹ Барбюс А. Сталин. Художественная литература. М. 1935 йил.

қолдирди. Албатта тарих ва халқ бундай зотларни ҳеч қачон унутмайди.»¹

И.В.Сталиннинг Ўзбекистондаги раҳбар ходимларга нисбатан ғамхўрлиги, иш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларини тузатиш учун зарур имкониятлар туғдиргани, ҳатто айрим кучлар томонидан у ёки бу миллий арбобга қилинган хуружларга барҳам бергани, уларни раҳбарлик лавозимларида сақлаб қолгани ҳақида далиллар ҳам мавжуд.

Бу ўринда И.В.Сталиннинг 1924 йил 26 мартда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси ўринбосари О.Я.Карклин ва Туркистон Компартия Марказий Комитети котиби И.М.Варейкисга йўллаган хатида таниқли миллий арбоблардан Иномжон Хидиралиев, Абдулла Раҳимбоев, Усмонхон Эшонхўжаевларни ҳимоя қилиб чиққан эди.

Ўша хатда у мана буларни ёзган эди: «...Туркистонда «сўллар», партия ва совет ишида янги бузғунчилик уюштириб, ўртоқ И.Хидиралиев ва А.Раҳимбоевни бутунлай рад этишни ва умуман «революцион» сиёсат ўрнатишни ўйламоқдалар. Бу тўғрими? Агар тўғри бўлса уларнинг ўта «сўллиги» огоҳлантирилсин. Менинг фикримча, Марказқўм «сўлларга» Хидиралиев, Раҳимбоев ҳамда шуларга ўхшаш ўртоқларни «йўқотмоққа» йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам йўл қўймайдики, чунки бунинг учун ҳеч қандай асос йўқ. Хидиралиевнинг ўтмишда чор ҳукумати амалдорларига тилмочлик қилгани уни қоралаш учун асос бўла олмайди. Эндиликда Туркистонда ходимлар жуда зарур, маҳаллий кишилар эса шунчалик озки, ўртоқ Хидиралиевдек ходимларни менсимаслик ва ундан фойдаланмаслик жиноят ҳисобланади. «Сўллар» буни тушунмайдилар.

...Хидиралиев сингари ходимларни Туркистон учун жуда бекиёс нафи тегиши мумкинлигига шубҳа билдириш мумкин эмас. Бундай ходимларни четлатишни мамлакатни бошқаришни бутун мураккаблиги, муҳимлигини тушунмайдиган кишиларгина қилиши мумкин... Ўртоқ Хидиралиевни сақлаб қолиш учун бутун чоралар кўришни илтимос қиламиз...»²

И.В.Сталин Усмонхон Эшонхўжаевни шахсан билган ва

¹ *Мухин Юрий*. За что убит Сталин? 2005, 25-бет.

² Российский государственный архив социально-политической истории (РГАСПИ) – Россия социал-сиёсий тарихи давлат архиви (РССТДА) 62-фонд, 2-рўйхат, 79-иш, 5-варак.

у ҳақда яхши фикрда бўлгани ана шу 26 мартдаги хатда ҳам қайд этилган. 24 ёшдаги бу ўзбек йигитини Сталин яхши кўрган, ёқтирган. Шу боис У.Эшонхўжаев унга хатлар билан мурожаат қилган, 20 йиллар охирида У.Эшонхўжаев Москвага, ВКП(б) Марказий Комитетига ишга олинади, кўп ўтмай Шимолий Кавказ ўлкаси Партия Комитетига чечен-ингуш Партия Комитети раҳбар лавозимларида фаолият кўрсатган.¹

И.В.Сталин Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Усмон Юсупов, Нуритдин Муҳитдинов каби ўзбек арбобларига нисбатан ҳам яхши муносабатда бўлган.

Акмал Икромов масаласи 1937 йил сентябрида Сиёсий бюро йиғилишида кўрилганда ҳам, Сталин унинг тарафини олгани юқорида қайд этилганди.

Сталин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсуповни ҳам муносиб кадрлаган ва зарур пайтда уни ҳимоя қилган. 1939 йилдаги Катта Фарғона канали қурилишидаги Усмон Юсуповнинг жўшқин ташкилотчилик, амалий фаолиятидан Сталин мамнун бўлгани ҳаммага маълум. 1938 йили катагоннинг қора булутини Усмон Юсупов боши устида хавф туғдирган таҳликали кунларда шошилинич Москвага бориб Ўзбекистондаги Апрессяннинг тузоғидан чиқиб сақланиб қолиши ҳам Сталин номи билан боғлиқ.

1944 йил Москвада Ташкилий бюро мажлисида Усмон Юсуповнинг ҳисоботи тингланади. Мажлисга раислик қилувчи А.С.Шчербаков унга мурожаат қилиб: «Ўрток Юсупов, мамлакат учун мана шундай оғир вақтда сиз армия ва халқни иштонсиз қолдирмоқчимисиз» – дейди. Ташкилий бюро ўрток Юсуповга қаттиқ хайфсан эълон қилади. Қаттиқ хафа бўлган Усмон Юсупов меҳмонхонадан Берияга кўнғироқ қилиб, унга ўзининг қайғуда эканлиги ва Ташкилий бюронинг чиқарган қарори хусусида сўзлаб беради. Кечқурун Бериянинг қабулхонасидан кўнғироқ қилишиб ярим соатдан кейин меҳмонхона йўлаги олдида унга аталган машина туришини, Лаврентий Павловичнинг ҳузурига етиб келиши лозимлигини хабар қилишади. Усмон Юсупов қабулхонага кириб келганида, Берия кабинетдан чиқиб, уни кутиб олади, қўлини маҳкам қисиб: «Кетдик», – дейди.

Икковлон Сталиннинг Кремлга яқин дала ҳовли-

¹ *Рустамбек Шамсутдинов*. Истиклол йўлида шахид кетганлар. «Шарк», Тошкент. 2001. 374-бет.

сига етиб келишади. Залга киришганда, Сталин улар билан кизгин саломлашади. У.Юсуповнинг деворий соатга қараганини кўриб: «Ўртоқ Юсупов, нима, соатинг йўқми?», – дейди ва шу заҳотиёқ ёнидан ўзининг соатини чиқариб, унга тортиқ қилади. Илик вазиятда, гангир-гунгур билан овқатланишади. Соат воқеаси матбуотда ёритилган, кинофильмда кўрсатилган. Ташкилий бюронинг У.Юсупов хисоботи бўйича қарорида унинг ахбороти эътибор учун қабул қилинган, Иттифоқ халқ комиссарлари Ўзбекистон учун зарур ёрдам кўрсатишлари лозимлиги расман таъкидланган, аммо унинг жазоланганлиги ҳақида бир оғиз ҳам сўз йўқ эди. Бу ерда Шчербаковга Сталиннинг ўзи қўнғирок қилганлиги ёки унинг топшириғи бўйича телефон орқали хабар етказишганларига шак-шубҳа йўқ...»¹

1952 йил 5–14 ноябрида бўлиб ўтган ВКП(б) XIX съездида партиянинг юқори органини сайлашда Ўзбекистон ССР министрлар советининг раиси, 35 ёшли Н.А.Муҳитдиновнинг Марказкўмга аъзо бўлишида шахсан И.В.Сталиннинг хизмати бўлган. Лойиҳа бўйича Н.А.Муҳитдинов Марказий Тафтиш хайъати таркибига тавсия қилинган эди. Аммо кутилмаганда КПСС Марказий Комитети аъзолигига сайланган номзодлар рўйхатида алфавит бўйича Н.А.Муҳитдинов ва А.Э.Ниёзовнинг номлари ёнма-ён чиқиб қолади. Бу ҳақда Н.А.Муҳитдинов шундай эслайди: «Нималар бўлганини биронтамиз ҳам билмасдик. Танаффус чоғида А.Э.Ниёзовдан сўрагандик, у бу мавзуда ўзи билан ҳеч ким гаплашмаганини айтди. Фақат пленум бўлиб ўтгач, С.Д.Игнатъев мени равоқда кўриб, табриқларкан: «Номзодинг хусусида қандай воқеа юз берганини биласанми?» – деб сўради. Мен ҳеч нимани билмаслигимни айтдим. «Биз Маленков ва Шталин билан бирга И.В.Сталинга раҳбар органларга сайлаш учун делегатларнинг номма-ном таркиби ҳақида ахборот бердик, – деди у, – Маленков Тафтиш хайъати таркиби лойиҳасини исм-шарифлар бўйича ўқий бошлаганда, Сталин фамилиянгни эшитиб, сени Марказий Комитет аъзолари таркибига ўтказишни таклиф қилди.»² Бу каби тарихий фактларни яна келтириш мумкин.

Маълумки, тарихда шахснинг ўрни ва роли беҳад ул-

¹ *Муҳиддинов Нуриддин*. Кремлда ўтган йилларим... 122–123-бетлар.

² *Муҳиддинов Нуриддин*. Кремлда ўтган йилларим... 94-бет.

кандир. Бутун дунёнинг энг янги тарихи, унинг муҳим воқеалари бундан далолат бермоқда. Мамлакатлар, регионлар ва умуман жаҳон тараққиётида айрим шахсларнинг ғоят катта роль ўйнаганлиги барчага маълумдир. АҚШ президенти Франклин Рузвельтнинг мамлакат ичкарасида ва халқаро майдондаги амалий фаолиятини ўрганмасдан туриб АҚШдаги аҳволни ҳолисона таҳлил қилиш ва давлатнинг иккинчи жаҳон уруши боришидаги сиёсатини чуқур ўрганиш мумкин эмас.

Худди шунингдек, Буюк Британиянинг XX аср биринчи ярмидаги объектив манзарасини Уинстон Черчиллнинг бу мамлакатдаги ролини, унинг давлат ичкарасида ва жаҳон майдонида олиб борган сиёсати ва амалий фаолиятисиз тўлақонли объектив тарзда ёритиб бўлмайди.

Ёки бўлмасам Амир Темурнинг шахсиятини, кўп қиррали фаолиятини, унинг давлат арбоби сифатида буюк фазилатларини, миллатпарварлигини, фан ва дин ҳомийси эканлигини англаб, ўрганмай туриб унинг буюк салтанати тарихини, Туркистон давлати тарихини объектив равишда тўлиқ ва кенг кўламда ёритиб бўлмайди.

Марҳум Шароф Рашидов чорак аср мабайнида Ўзбекистон республикасининг биринчи раҳбари сифатида фаолият кўрсатди. Ўзбекистоннинг совет давридаги XX аср 50-йиллар охири – 80 йиллар бошларидаги тарихини ҳолисона ёритмоқ учун Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолиятини ҳам чуқур ва алоҳида ўрганмоқ керак.

Қарийб чорак асрки Ўзбекистоннинг бутун ички ва ташқи сиёсати, ҳаёти, ютуқлари, муаммолари тепасида Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов турибди. Тарихимизнинг шу даврини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш, буюк инқилобий ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлар, амалга оширилаётган катта кўламдаги ислохотларни объектив ва ҳар томонлама тадқиқ этиш учун юртбошимизнинг ҳаёти ва фаолиятини, унинг сиёсий жасоратини, иш услубини, кенг қамровли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий соҳалардаги жўшқин, ибратли ишларини кўрсатишимиз лозимдир. Ватан тарихи шу ватан, шу мамлакат раҳбарининг ҳаёт йўли, босиб ўтган кураш тарихи билан узвий боғлангандир. Тарих эгасиз яратилмайди.

Бундан И.В.Сталин ҳам мустасно эмас. Унинг XX аср биринчи ярми, 50 -йиллар бошидаги ҳаёти ва фаолияти Совет Иттифоқининг ўша даврдаги тарихи билан ҳамоҳангдир,

уларни бир-биридан ажратиб эмас, аксинча уларни бир-бирига қўшиб, омихта қилиб тарихий воқеаларга баҳо бериш мумкин. Шу боис 1937–1938 йиллардаги, яъни катта террор давридаги СССР тарихини, жумладан Ўзбекистон тарихини ҳаққоний билиш, англаш, ўрганиш, тадқиқ этиш учун ҳам Сталин ва унинг ҳаёт йўли, сиёсий, назарий ва амалий фаолиятини тасаввур этмоқликни талаб қилади. Жумладан, Ўзбекистоннинг 30-йиллардаги тарихини бутун СССР ҳудудидаги тарихий жараёндан ажратиб қараш мумкин эмас. Шу боис Совет Иттифоқидаги катта террор фожиаси Ўзбекистонда ҳам юз берди.

Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, ушбу китобнинг «Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати» таркибидан сўнгги 20 йил ичида яратилиб нашр қилинган, илмий жамоатчилик кўригидан ўтган И.В.Сталин, унинг ҳаёти ва фаолиятига бевосита дахлдор бўлган, аввалида «мутлақо махфийлик» тамғаси остида сақланиб келинган ҳужжат ва материаллар, воқеа шохидларининг эсдаликлари асосига қурилган 100 га яқин монографик тадқиқотлар, илмий оммабоп асарлар, ҳужжат ва материаллар тўпламлари жой олган. Ана шу катта кўламдаги ва хилма-хил жанрлардаги адабиётларда И.В.Сталиннинг СССР ва унинг халқлари тарихида, тақдирида тутган ўрни ва роли, унинг фаолиятидаги ижобий ва салбий ҳолатлар ўз ифодасини топган. Бизнинг мазкур китобимизда баҳоли қудрат ана шу янги талқинлардан баъзи бир лавҳалар ўрин олган ҳолос. Ўртага ташланган масалалар юзасидан батафсилроқ билим ва маълумотлар олиш учун китобнинг адабиётлар рўйхатидаги асарларга мурожаат қилиш мумкин.

Хотима

Шундай қилиб, Ленин асослаган, Сталин такомиллаштирган Совет режимининг қатағон сиёсатининг энг юқори нуктага кўтарилган даври 1937–1938 йиллар фожиаларини, тарихини кўздан кечирдик. «Катта террор» даврининг энг юқори чўққисига кўтарилган катта қирғин кимлар томонидан «ижод қилинганини» ва бу мудҳиш воқеа, фожианинг илдизлари чуқур эканлигини, уни аниқлашда турлича қарашлар, талқинлар борлигини қисман шохиди бўлдик. Бу сиёсий қатағоннинг туб моҳияти ва унинг натижалари ҳақидаги сўнгги талқинларнинг айримларигагина тўхтаб

ўтдик. Мулоҳазаларимиз, албатта, баҳс талаб бўлиши табиий. Биз келтирган талқинларнинг баъзи бирлари, балким, у қадар тўғри эмасдир, ҳатто айрим хатоликлар ҳам бўлиши мумкин. Лекин биз аминмизки, Ўзбекистондаги «Катта террор» ва унинг фожиаси ҳақида қизиқаётган ҳар бир ўқувчи учун юқорида келтирилган турли янги талқинлар қизиқарлидир. «Катта террор» фожиасининг айбдорлари кимлар, қандай кучлар эканлиги ҳақида ҳам энг сўнги қарашлар, ёндашувлар тўғрисида муайян тушунчага эга бўлдик. Биз бу фожиада биргина Сталинни айбдор қилиш ва бир бутун, кенг кўламдаги ва ўта оғир, мудҳиш фожианинг фақат Сталин номи билан боғлаш адолатдан эмаслигини ҳам бир оз бўлса ҳам англадик. Юқоридаги талқинлардан шу нарса аёнки, сиёсий қатағон ва унинг бир қисми «Катта террор»нинг юзага келишида муайян объектив сабаблар ҳам бўлган. Партия ва Совет ҳокимиятига, айниқса уларнинг раҳбариятига қарши қаратилган муҳолифат кучлар кураш олиб бориб, сиёсий ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун жамики мавжуд имкониятларини ишга солиб, барча воситаларни кўллаб, тиш-тирноқлари билан жанг олиб бордилар. Мамлакатдаги троцкийчи – зиновьевчи муҳолифат блоки халқаро сионист ва массончилар билан биргаликда СССРни йўқ қилиш, социализмни тугатиш, унинг ўрнига капитализмни жорий қилиш учун ҳаракат қилган эдилар. Инқилоб ва урушлар арафасида, жараёнида кўп мамлакатларда бўлганидек советлар мамлакатаида ҳам «Бешинчи колонна» деб аталмиш қудратли муҳолифат беаёв жангга киришган эди. Бу муҳолифат кучнинг кураш воситаларидан бири террор бўлди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида 1934 йил 1 декабрида йирик сиёсий арбоб С.М.Кировнинг ўлдирилганлигини кўрсатиш мумкин. Ана шу «Бешинчи колонна» партия ва давлат раҳбари И.В.Сталинга қарши ҳарбий – сиёсий исён тайёрлашга астойдил киришган эди. Бундан бохабар бўлган Сталин ва унинг яқинлари ана шу исёнчиларни даф қилиш, уларга зарба бериш ва уларни тағтомири билан тугатишга ҳаракат қилдилар.

Бундан ташқари мамлакатнинг турли минтақаларидаги ҳатто пойтахт Москва ва йирик шаҳарларда узоқдан бери раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келаётган партия функционерлари ўзларининг мавқеларини, раҳбарлик лавозимларини қўлда сақлаб қолиш мақсадида аксилинқилобчилар «советларга қарши кучлар», «собиқ кулоқлар», «жиноят-

чилар» советларга сайлов ўтказиш жараёнига қаршилик кўрсатаётганликларини рўқач қилиб, уларга нисбатан кескин репрессив чоралар кўришни Марказдан, Сиёсий Бюродан, Сталиндан сўраб мурожаат қиладилар. Аслида улар 1936 йилги СССР Конституциясида белгилаб берилган янги сайлов тизимига қарши ўт очган эдилар. Чунки янги сайлов тизимида реал ҳокимиятни партиядан халқ қўлига олиб бериш, кенг халқ демократиясини жорий қилиш, давлатчиликни мустаҳкамлаш вазифалари илгари сурилган эди. Янги сайлов тизими асосида сайлов ўтказиш туфайли ана шу маҳаллий партия раҳбарлари реал амал вазифаларидан маҳрум бўлишлари мумкин эди. Шу боис партия функционерлари ҳамма жойда, ҳамма соҳада изғиб юраётган советларга қарши кучлар собиқ кулоқлар ва жиноятчиларни қамокқа олиш, отувга ҳукм этиш таклифлари билан Марказга мурожаат қила бошлаган эдилар. Хуллас, 1937–1938 йиллардаги «Катта террор»нинг юзага келишида маҳаллий партия функционерларининг ўрни ва роли бениҳоя катта бўлганлигини шоҳиди бўлдик.

Собиқ Иттифоқнинг бир қисми бўлган Ўзбекистонда ҳам ана шу маҳаллий партия функционерлари янги сайлов тизимидан кўркиб, ҳадиксираб, хавфсираб Марказга йўллаган хатларида, ахборотларида, расмий анжуманлардаги чиқишларида, республиканинг шаҳар ва кишлоқларида, саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, ўқув муассасаларида, халқ хўжалиги тармоқларида антисовет кучлар, буржуа миллатчилари, руҳоният вакиллари, собиқ кулоқлар, жиноятчиларни зудлик билан қамокқа олиш, энг учига чиққанларини отиб юбориш таклифларини баён қилганлар. Оқибатда маҳаллий ташаббус инobatга олинди, ҳатто Ўзбекистон раҳбарияти Марказдан қатағон қилинадиганлар миқдорини ошириб бериш тўғрисида, қўшимча лимит бериш тўғрисида сўраганларини ҳам гувоҳи бўлдик. Айни вақтда Марказ сўралган лимитни қисқартириб беришга мажбур бўлганини ҳам билдик.

Барча жойларда бўлганидек СССР Ички ишлар халқ комиссари Ежовнинг 00447-сонли оператив мутлақо махфий тамға остидаги 1937 йил 30 июлдаги «Собиқ кулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементлари» қатағон қилиш бўйича операция ўтказиш тўғрисидаги буйруғи Ўзбекистон республикасида тезкорлик билан бажарилди. Бу улкан «вазифани» бажаришда республика, округлар, районлар

партия ташкилотлари, Советларнинг ижроия комитетлари, ички ишлар халқ комиссарлиги ва унинг жойлардаги сектор ва бўлимлари раҳбарлари, ходимлари жонбозлик кўрсатдилар. Бу операцияни ўтказишда кўплаб ноқонуний тадбирлар амалга оширилди, инсон ҳақ-ҳуқуқлари мислсиз топталди, бегуноҳ юртдошларимизга тўқима, сохта айблар қўйилди, хилма-хил чакувлар, тухматлар ишга солинди, тергов чоғида маҳбуслар беҳад қийновга, ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобга солинди. «Учлик»нинг ҳукми билан минглаб одамларимиз отувга ҳукм этилди, ҳукмлар жойларда тезкорлик билан ижро этилди, ҳар бир округда қатлгоҳлар, номаълум қабристонлар пайдо бўлди. 8–10 йил меҳнат тўзатув лагерига ҳукм қилинган қатағон қурбонлари узоқ-узоқ юртларга – Шимолга, Узоқ Шарққа, Сибирга, Уралга, Шимолий Қозоғистонга сургун қилиндилар. Уларнинг катта қисми ўша бегона юртларда камоқ азобларига бардош бера олмай ҳалок бўлдилар, жуда ҳам оз қисми кейинчалик озод бўлиб юртга қайтдилар.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1.1. *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996.

1.2. *Ислом Каримов.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996.

1.3. *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996.

1.4. *Каримов И.А.* Буёндкорлик йўлидан. 4-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996.

1.5. *Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1997.

1.6. *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1997.

1.7. *Каримов И.А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999.

1.8. *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000.

1.9. *Каримов И.А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2001.

1.10. *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2002.

1.11. *Каримов И.А.* Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2003.

1.12. *Каримов И.А.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2004.

1.13. *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади. 13-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2005.

1.14. *Каримов И.А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2006.

1.15. *Каримов И.А.* Мамлакатни модернизация қилиш

ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2008.

1.16. *Каримов И.А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

1.17. *Каримов И.А.* Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини экс эттириш. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

1.18. *Каримов И.А.* Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

1.19. *Каримов И.А.* Бизнинг эзгу мақсадимиз – тараққий топган давлатлар қаторига киришдан иборат. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 24 б.

1.20. *Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 489-б.

2. Хужжат ва материаллар тўпламлари

2.1. Бутовский полигон. 1937-1938 гг. Книга памяти жертв политических репрессий. В 7 томах. Т.1. – М.: «Панорама», 1998. 360 с. // Т.2. – М.: «Панорама», 1998. 362 с. // Бутовский полигон. 1937–1938 гг. Книга памяти жертв политических репрессий. В 7 томах. Т.3. – М.: «Альзо», 1999. 360 с. // Бутовский полигон. 1937–1938 гг. Книга памяти жертв политических репрессий. В 7 томах. Т.4. – М.: «Альзо», 2000. 364 с. // Бутовский полигон. 1937–1938 гг. Книга памяти жертв политических репрессий. В 7 томах. Т.5. – М.: «Альзо», 2001. 362 с. // Бутовский полигон. 1937-1938 гг. Книга памяти жертв политических репрессий. В 7 томах. Т.6. – М.: «Альзо», 2002. 322 с. // Бутовский полигон. 1937–1938 гг. Книга памяти жертв политических репрессий. В 7 томах. Т.7. – М.: «Альзо», 2003. 370 с.

2.2. *Г.М.Иванова* История ГУЛАГа, 1918–1958: социально-экономический и политико-правовой аспекты. / Ин-т рос. Истории РАН. – М.: Наука, 2006. – 438 с.

2.3. ГУЛАГ: Главное управление лагерей. 1918-1960. Под ред. акад. А.Н.Яковлева; сост. А.И.Кокурин, Н.В.Петров. М.: МФД, 2002. – 888 с. – (Россия. XX век. Документы).

2.4. История сталинского Гулага. Конец 1920-х – первая

половина 1950-х годов: Собрание документов в 7-ми томах / Т. 1. Массовые репрессии в СССР/ Отв. ред. Н.Верг, С.В.Мирененко. Отв. Сост. И.А.Зюзина. – М.: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 2004. – 728 с. // Т.2. Карательная система: структура и кадры / – М.: РАН. 2004. 694 с. // Т.4. Экономика Гулага / – М.: РАН. 2004. 624 с. // Т.4. Население Гулага: численность и условия содержания / – М.: РАН. 2004. 624 с. // Спецпереселенцы в СССР / – М.: РАН. 2004. 824 с. // Т.6. Восстания, бунты и забастовки заключенных / – М.: РАН. 2004. 736 с. // Т.7. Советская репрессивно-карательная политика и пенитенциарная система в материалах Государственного архива Российской Федерации: Аннотированный указатель дел / – М.: РАН. 2001. 703 с.

2.5. Қатағон қурбонлари. 1938 йил февраль, сентябрь. Бешинчи китоб. Хужжатлар ва материаллар. Тузувчилар: Шамсутдинов Р.Т., Қурбонов Х.Р., Расулов Ж., Эгамбердиев Ф., Бекиметов У. – Тошкент: Шарқ, 2009. – 414 б.

2.6. Қатағон қурбонлари. Хотира (Бухоро вилояти). Тузувчилар: Шамсутдинов Р.Т., Дўсматов Э.П., Қурбонов Х.Р. – Бухоро: BUXORO, 2009. – 160 б.

2.7. Қатағон қурбонлари. Хотира (Хоразм вилояти). Тузувчилар: Шамсутдинов Р.Т., Бекиметов У. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 139 б.

2.8. *Лубянка*. Сталин и ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД. Архив Сталина. Документы высших органов партийной и государственной власти. Январь 1922 – декабрь 1936. Под ред. акад. А.Н.Яковлева; сост. В.Н.Хаустов, В.П.Наумов, Н.С.Плотникова. – М.: МФД, 2003. – 912 с. – (Россия XX век. Документы).

2.9. *Лубянка*. Сталин и главное управления госбезопасности НКВД. Архив Сталина. Документы высших органов партийной и государственной власти. 1937–1938. Под ред. акад. А.Н.Яковлева; сост. В.Н.Хаустов, В.П.Наумов, Н.С.Плотникова. – М.: МФД, 2004. – 736 с. (Россия XX век. Документы).

2.10. Покаяние: Мартиролог. Т.8. Ч.2. / Сост: Е.А.Зеленская, М.Б.Рогачев. – Сыктывкар. 2006. – 862 с.

2.11. Равшанов Поён. Қизил салтанат исканжасида.

Тажовуз. (Хужжатлардаги тарих) Уч жилдлик. Биринчи жилд.– Т.: «Sharq», 2011. – 304 б. // Истибдод. Иккинчи жилд – Т.: «Sharq», 2011. – 288 б. // Қатағон. Учинчи жилд– Т.: «Sharq», 2011. – 384 б.

2.12. Реабилитация: как это было. Документы Президиума ЦК КПСС и другие материалы. В 3-х томах. Том 1. Март 1953 – февраль 1956. Сост. Артизов А.Н., Сигачев Ю.В., Хлопов В.Г., Шевчук И.Н. – М.: МФД, 2000. – 503 с. // Том 2. Февраль 1956 – начало 80-х годов. – М.: МФД, 2003. – 960 с.

2.13. Репрессия. 1937–1938 гг. Выпуск 1. Документы и материалы. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. – Ташкент: Шарк, 2005. – 288 с.

2.14. Репрессия. 1937–38 гг. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Документы и материалы. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э.Ю., Мамажонов А., Дусматов Э.П. – Ташкент: Шарк, 2007. – 496 с.

2.15. Репрессия. 1937–38 гг. Документы и материалы. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. Выпуск 4. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М.Г., Дусматов Э.П., Курбанов Х.Р. – Ташкент: Шарк, 2008. – 576 с.

2.16. Система исправительно-трудовых лагерей в СССР. 1923-1960: Справочник / О-во «Мемориал», ГАРФ. Сост. М.Б.Смирнов. Под ред. Н.Г.Охотина, А.Б.Рогинского. М.: Звенья, 1998. 600 с., карт.

2.17. Совершенно секретно: Любянка – Сталину о положении в стране (1922-1934гг.). в 11 томах. Т.1. Часть 1. ред сост: А.Н.Сахаров, Г.Н.Севостьянов, В.С.Хистофоров, В.К.Виноградов, Т.Вихавайнен, М.Квинен, А.Гэтти, Л.Виола, Л.П.Колдникова. – М.: РАН. 2001. 490 с. // Часть 2. – М.: РАН. 2001. 1102 с. // Совершенно секретно: Любянка – Сталину о положении в стране (1922-1934гг.). Т.2. 1924. – М.: РАН. 2001. 510 с. // Совершенно секретно: Любянка – Сталину о положении в стране (1922-1934гг.). Т.3. 1925. Часть 1. – М.: РАН. 2002. с. 495. // Часть 2. М.: РАН. 2002. 966 с. // Совершенно секретно: Любянка – Сталину о положении в стране (1922–1934гг.). Т.4. 1926. Часть 1. – М.: РАН. 2001. 703 с. // Часть 2. М.: РАН. 2001. 1190 с. //

Совершенно секретно: Любянка – Сталину о положении в стране (1922–1934гг.). Т.5. 1927. – М.: РАН. 2003. 797 с. // Совершенно секретно: Любянка – Сталину о положении в стране (1922–1934гг.). Т.6. 1928. – М.: РАН. 2002. 794 с. // Совершенно секретно: Любянка – Сталину о положении в стране (1922–1934гг.). Т.7. 1929. – М.: РАН. 2004. 767 с. // Совершенно секретно: Любянка – Сталину о положении в стране (1922–1934гг.). Т.8. 1924. Часть 1.– М.: РАН. 2008. 863 с. // Часть 2. М.: РАН. 2001. 1735 с.

2.18. Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы. В 4-х т. / Т. 1. 1918–1922 гг. / Под ред. А.Береловича, В.Данилов. – М.: “Российская политическая энциклопедия” (РОССПЭН), 1998. 864 с. // Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы. В 4-х т. /Т.2 1923-1929 / 2000. 1168 с. // Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы. В 4-х т. / Т. 3. 1930-1934 гг. Кн. 1. 1930–1931 гг. / 2003. 864 с. // Кн. 1932-1934 гг. 2005. 840 с.

2.19. Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э.Ю., Хошимов С., Дусматов Э.П. – Андижан, АнГУ, 2007. – 500 с.

2.20. Сталинский депортации. 1928-1953 / Под общ. ред. акад. А.Н.Яковлева; Сост. Н.Л.Поболь, П.М.Полян - М.: МФД: Материк, 2005. – 904 с. – (Россия XX век. Документы).

2.21. Трагедия советской деревни. Коллетивизация и раскулачивание. Документы и материалы. В 5-ти тт./ Т.1. Май 1927 – ноябрь 1929 / Под ред. В.Данилова, Р.Маннинг, Л.Виолы. – М.: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 1999. – 880 с. // Трагедия советской деревни. Коллетивизация и раскулачивание. Документы и материалы. Т.2. Ноябрь 1929 – декабрь 1930 / 2000. – 927 с. // Трагедия советской деревни. Коллетивизация и раскулачивание. 1927–1939: Документы и материалы. Т.3. Конец 1930–1933. 2001. 1008 с. // Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. 1927–1939: Документы и материалы. Т.4. 1934–1936. 2002. 1056 с. // Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. 1927–1939: Документы

и материалы. Т.5. 1937–1939. Кн. 1. 1937. 2004. 648 с. Кн. 2. 1938–1939. 2006. 704 с.

2.22. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивания, ссылка. 1929–1955 гг. Документы и материалы. Том I–III. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Расулов Б.М. Под ред. Алимовой Д.А. Том 1. – Ташкент: Шарк, 2006. – 656 с. // Том 2. – Ташкент: Шарк, 2006. – 496 с. // Том 3. – Ташкент: Шарк, 2006. – 352 с.

2.23. Шамсутдинов Р.Т. Жертв репрессии. Андижан, «Мерос» 1994. 96 с.

2.24. Шамсутдинов Р.Т. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август – 15 ноябрь). Иккинчи китоб. Хужжатлар ва материаллар. – Тошкент: Шарк, 2007. – 496 б.

3. Сталин ҳақидаги тадқиқотлар

3.1. *Акакий Мгеладзе*. Сталин каким я его знал. Страницы недавнего прошлого. 2001. С. 386.

3.2. *Ахметов М.* Сталин. Разгадка сфинкса. Караганда, «Учебная книга», 2006. С. 583.

3.3. *Барский Лев*. Сталин. Портрет без ретуши. Москва, «URSS». 2007. С. 332.

3.4. *Бореев Юрий*. Сталиниада. Мемуары по чужим воспоминаниям с историческими анекдотами и размышлениями автора. Москва, Олимп. 2003. С. 461.

3.5. *Бушков А.* Сталин. Красный монарх. Хроники великого и ужасного времени. Москва, «ОЛМА». 2008. С. 623.

3.6. *Жуков Юрий*. Иной Сталин. Политические реформы В СССР в 1933–1937 гг. Москва. «Вагриус» 2005. С. 510

3.7. *Карпов Владимир*. Генералиссимус. Книга вторая. Москва «Вече». 2009. С. 478.

3.8. *Карпов Владимир*. Генералиссимус. Книга вторая. О войне после войны. Мужают не только в бою. Москва «Вече». 2003. С. 507.

3.9. *Карпов Владимир*. Генералиссимус. Книга первая. Москва «Вече». 2009. С. 459

3.10. *Козенков Юрий*. Схватка за власть. Краткая хроника преступлений мирового Сионизма, Масонства и Запа-

да против России (от Сталина до Елцина). Москва, «Фонд национальных перспектив». 2003. С. 639.

3.11. *Кремлёв Сергей*. Великий Сталин. Менеджер XX века. Москва, «ЯУЗА- ПРЕСС», 2011. С. 734.

3.12. *Лысков Дмитрий*. Запретная правда о «Сталинских репрессиях». «Дети Арбата» ЛГУТ!. Москва. «ЯУЗА-ПРЕСС», 2012. С. 286.

3.13. *Мартенс Людно*. Запрещенный Сталин. Москва, «ЭКСМО», 2011. С. 412.

3.14. *Мухин Юрий*. За что убит Сталин?. Москва, «ЯУЗА».2005.С.155.

3.15. *Наумов Леонид*. Сталин и НКВД. Москва, «ЯУЗА, ЭКСМО». 2007. С. 540.

3.16. *Николай Хохлов*. Взгляд на вождя. Ум, воля, память, облик, политика и дела И.В.Сталина. Сочи – 2010. С. 332.

3.17. Преодоление сталинизма. Москва. РОДП «Яблоко». 2009. С. 183.

3.18. *Прудникова Елена*. 1953. Роковой год советской истории. Москва, «ЯУЗА, ЭКСМО». 2007. С. 411.

3.19. *Пыхалов Игорь*. За что Сталин выселял народ?. Сталинские депортации – преступный произвол или справедливое возмездие?. Москва, «ЯУЗА-ПРЕСС». 2008. С. 477.

3.20. *Радзинский Эдвард*. Сталин. Жизнь и смерть. Москва, «АРТ».2007. С. 537.

3.21. *Радзинский Эдвард*. Сталин. Жизнь и смерть. Москва, «АРТ».2007. С. 639.

3.22. *Романенко Константин*. «Если бы не Сталинский репрессии!». Как Вождь спас СССР. Москва, «ЯУЗА-ПРЕСС», 2011. С. 574.

3.23. *Сироткин Владлен*. Почему Троцкий проиграл Сталину? Москва, «Алгоритм». 2004. С. 381.

3.24. *СТАЛИН*. Цитатник. Москва, «РИФ». 2010.С. 332.

3.25. *Суворов Виктор*. Очищение. Зачем Сталин обезглавил свою армию?. Москва. «АСТ». 2009. С. 346.

3.26. *Такер Роберт*. Сталин. Путь к власти 1879–1929. история и личность. МОСКВА ПРОГРЕСС. 1991. С. 478.

4. «Катта террор» ёки «Қулоқлар операцияси»ни ўтказиш ва унинг оқибатлари тўғрисидаги адабиётлар

- 4.1. *Авторхонов Абдурахмон*. Кремль салтанати. Тошкент «Чўлпон», 1993. Б.78.
- 4.2. *Антонов Антон Овсеенко*. Берия. Москва, «АРТ», 1999. С. 467.
- 4.3. *Бурдин Евгений*. Волжский Каскад ГЭС: Триумф и трагедия России. Москва «РОССПЭН», 2011. С. 398.
- 4.4. *Бурлацкий Федор*. Вожди и советники. О Хрущеве, Андропове и не только о них... Москва – 1990. С. 381.
- 4.5. *Верт Николая*. Рерор и беспорядок. Сталинизм как система. Москва, «РОССПЭН», 2010, С. 444.
- 4.6. *Виола Линин*. Крестьянский ГУЛАГ: Мир Сталинских спецпоселений. Москва, «РОССПЭН», 2010. С. 333.
- 4.7. *Виола Линин*. Крестьянский БУНТ в эпоху Сталина. Коллективизация и культура крестьянского сопротивления. Москва, «РОССПЭН», 2010. С. 366.
- 4.8. Возвращенные ИМЕНА. Москва, «АПН», 1989. С. 317.
- 4.9. *Горчева А.Ю.* Пресса ГУЛАГА. Списки Е.П. Пешковой. Москва, «МГУ», 2009. С. 219.
- 4.10. *Жданова Г.Д.* Массовые репрессии в Алтайском крае. 1937–1938 гг. Приказ №00447. Москва «РОССПЭН», 2010. С. 750.
- 4.11. *Земсков В.Н.* Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. Москва, «Наука», 2003. С. 304.
- 4.12. *Ивницкий Н.А.* Судьба раскученных в СССР. Москва, «Собрание», 2004. С. 294.
- 4.13. *Ильинский Михаил*. Нарком Ягода. Москва, «Вече», 2002. С. 477.
- 4.14. История Сталинизма: репрессированная Российская провинция. Материалы международной научной конференции. Смоленск. 9-11 октября 2009 г. Москва «РОССПЭН», 2011. С. 598.
- 4.15. *Кип Джон, Литвин Алтер*. Эпоха Иосифа Сталина в России. Современная историография. Москва, «РОССПЭН», 2009. 327.

- 4.16. *Кожин Вадим*. Загадка 37 года. Правда Сталинских репрессий. Москва, «Алгоритм», 2008. С. 442.
- 4.17. *Красильников Сергей*. Серп и Молох. Крестьянская ссылка в Западной Сибири в 1930-е годы. Москва, «РОССПЭН», 2009. С. 343.
- 4.18. *Крючков В.А.* Личность и Власть. Москва Просвещение, 2004. С. 381.
- 4.19. *Крючков Владимир*. Личное дело. Часть первая. Москва, «Олимп», 1996. С. 444.
- 4.20. *Куманев Г.* Говорят Сталинские наркома. Смоленск, «Русич», 2005. С. 631.
- 4.21. *Литвин Алексей*. Красный и белый террор в России. 1918–1922 гг. Москва, «ЯУЗА», 2004. С. 441.
- 4.22. *М.Юнге, С.А. Кокин...* «Через трупы врага на благо народа». «Кулацкая операция» в Украинской ССР 1937–1941 гг. 1937. подготовка приказа №00447, первый этап «кулацкой операции». Том 1. Москва, «РОССПЭН», 2010. С. 742.
- 4.23. *М.Юнге, С.А. Кокин*. «Через трупы врага на благо народа». «Кулацкая операция» в Украинской ССР 1937–1941 гг.: 1938–1941 гг. Второй этап репрессий. Завершение Большого террора и восстановление «социалистической законности» Том 2. Москва, «РОССПЭН», 2010. С. 710.
- 4.24. *Мазохин О.Б.* Право на репрессии. Внесудебные полномочия органов государственной безопасности (1918–1953). Москва, «Кучково-поле», 2006. С. 479.
- 4.25. *Петров Никита, Янсен Марк*. «Сталинский питомец»- Николай Ежов. Москва, «РОССПЭН», 2008. С. 447,
- 4.26. *Расулов Бахтиёр*. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий катагонлар ва сургун қилинган дехконлар аҳволи. (1929-1959 йиллар). Масъул муҳаррир Рустамбек Шамсутдинов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2012. 368 б.
- 4.27. *Север Александр*. Загадка 37 года. Великая миссия НКВД. Москва, «Алгоритм», 2008. С. 238.
- 4.28. *Север Александр*. Загадка 37 года. Тайна Сталинских репрессий. Москва, «Алгоритм», 2007. С. 269.
- 4.29. Сто сорок бесед с Молотовым. Москва, «терра-тега», 1991. С. 604.

4.30. Тарихнинг номаълум саҳифалари: илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар. Учинчи китоб. Масъул муҳаррирлар Баҳтиёр Ҳасанов, Наим Каримов. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2012. 278 б.

4.31. *Фицпатрик Шейла*. Повседневный Сталинизм. Социальная история Советской России в 30-е годы: город. Москва, «РОССПЭН», 2001. С.332.

4.32. *Хаустов Владимир, Самуэльсон Леннарт*. Сталин, НКВД и репрессии 1936-1938 гг. Москва, «РОССПЭН», 2010. С. 430.

4.33. *Юнге Марк, Бордюгов Геннадий, Биннер Рольф*. Вертикаль Большого террора. История операции по приказу НКВД №00447. Москва, «Новый Хронограф», 2008. С. 778.

Рустамбек Шамсутдинов

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТЛАРНИНГ
ҚАТАҒОН СИЁСАТИ
ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ**

(Биринчи китоб)

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2012

Муҳаррир *Аҳрор Аҳмедов*
Бадий муҳаррир *Умид Сулаймонов*
Техник муҳаррирлар: *Л.Хижова, Р. Бобохонова*
Саҳифаловчи *Мастура Атхамова*
Мусахҳихлар: *Маъмура Зиямуҳамедова, Шарофат Хуррамова*

Нашр лицензияси АІ № 201, 28.08.2011 йил.

Теришга берилди 01.06.2012. Босишга 13.08.2012 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. «TimesNewRoman» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табағи 22,68. Нашриёт-ҳисоб табағи 21,97. Адади 1000 нусха. Буюртма № 2452. Баҳоси шартнома асосида.

**«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**

УДК 821
КБК 63.3(5Ў)622-4
Ш 22

Шамсутдинов, Рустамбек

Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари: (Биринчи китоб)/Р.Шамсутдинов: «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат Университети: масъул муҳаррир Б.В.Ҳасанов. – Т.: «Sharq», 2012. – 432 б.

УДК 821
КБК 63.3(5Ў)622-4

УДК 821
КБК 63.3(5У)622-4
Ш 19

Шамсутдинов, Рустамбек

Репрессивная политика Советской власти в Узбекистане и её последствия: (Книга первая)/Р.Шамсутдинов: Международный благотворительный фонд научно-практической экспедиции «Мерос», Андижанский Государственный Университет имени Захириддина Мухаммада Бобура: ответственный редактор: Б.В.Хасанов. – Т.: «Sharq», 2012. – 432 с.

УДК 821
КБК 63.3(5У)622-4

УДК 821
ББК 63.3(5У)622-4
Sh 53

Shamsutdinov, Rustambek

Repressive Policy of the Soviet Power in Uzbekistan and Its Consequences: (Book I) R.Shamsutdinov: International Charitable Fund of the Scientific Practical Expedition «Meros», Andixhan State University named after Zahiriddin Muxammad Babur: com Xasanov B.V. – Т.: «Sharq», 2012. – 432 s.

УДК 821
ББК 63.3(5У)622-4